



Ўктам ҲАКИМАЛИ

Асарлар

Иккинчи жилд

КИЧИК ХОНАДОН

Роман

ПИРИМҚУЛ МИНГБОШИ

ҳужжатли қисса



Т ошкент
«MUMTOZ SO'Z»

2008

**Мирфузоил Мирхалил ўғлига чуқур ҳурмат билан
бағишлайман**

84(5Ў)6

Ҳ20

Асарлар / Ў.Ҳакимали; Муҳаррирлар : Ҳ. Болтабоев,
М.Маҳмудов. -Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2008.

Жилд 2: Кичик хонадон: роман; Пиримқул мингбоши:
ҳужжатли қисса, -? б - Б.ц.

ББК 84.(5Ў) 6

Таниқли адиб Ўқтам Ҳакимали «Асарлар»ининг иккинчи
жилдига «Кичик хонадон» романи ва «Пиримқул мингбоши» номли
ҳужжатли қиссаси киритилган. Аввалда эълон қилинган ушбу асарлар
билан қайта учрашиш давомида таниш қаҳрамонларингизни қайта
кашф этасиз деган умиддамиз.


Ю 35122
3/291

**Масъул муҳаррир:
Ҳамидулла Болтабоев**

Тақризчи: Наим Каримов

№804-2394/2008

ISBN 978-9943-363-04-5



© «MUMTOZ SO'Z», 2008

© Ўқтам Ҳакимали, 2008

НАВБАҲОР

Биринчи қисм

ИЛК ИЗТИРОБ

Ҳовлимизда бир тупгина олма дарахти бўларди. Танҳо қолган кезларим тагига борар, термилар, хаёлга чўмиб қолардим. Ҳушимга келиб, банди туташган, гули сақланиб қоладиган ери оқиш бўлиб пишадиган қирмизи мевасидан териб ер, беҳад ҳаяжонланар эдим.

Шу олма қийғос пишганда туғилган эканман... Эсим кира бошлаганда ойим шундай дея қулоқларимга қўйди. Шу ондан эътиборан олма дарахти мен учун муқаддас ва сирли бир олмага айланди-ю, туйғумни мутлақо ўзига ром қилди. Беихтиёр унга боғланиб қолдим...

Дарахт унча йўғон ҳам, баланд ҳам бўлмай, япроғи майда, серҳосил, лекин кексайган, пўстлоғи ҳам шилиниб, тана ва шохлари қуриб қорайиб борарди. Унинг мана шу ҳолга тушиб қолгани кўнглимни чўктирар, ёшариши, қайтадан яшнаб кетишини орзу қилар эдим...

Улғайдим. Дарахт ҳосил бермай қўйди. Отам бир куни кўчадан икки азамат йигитни бошлаб келди-да, уни кестириб ташлади. Кестириб... ҳа, кестириб ташлади... Ойим ҳам, опаларим ҳам қаршилиқ кўрсатишмади. Ўша куни мен дардимни ичимга ютиб, дарвоза ортига яширинганча узоқ йиғладим. Йиғлар: “Сени кесиб ташлашди, энди сен йўқсан”, дея тинмай шивирлардим. Назаримда, отам шу куни олма дарахти билан бирга гўё вужудимнинг бир бўлагини ҳам кестириб ташлаганди...

Дарахтнинг кесилиши мен учун оғир бир фожиадай туюлди... Илк бор кучли изтироб чекдим.

БЎРИ

Кунчиқишга қараб солинган пираманида ёзу қиш мусичалар “ғув-ғув”лашадиган баланд айвон, айвонга туташган танҳо деразали кичик уй, ўртада даҳлиз, даҳлизнинг кунчиқиш томонида яна битта деразали катта уйимиз бўларди. Гувала девор билан ўралган, яъни ҳовузга ўхшаш ҳовлимизнинг ўртасида тут дарахти қаққайиб турар, печак гул нусхаси ўйиб ишланган дарвоза қанотлари ичкарига очиларди. Уйимиз дала билан колхоз идорасини туташтирадиган кенг, тупроқли йўлнинг кунчиқар томониغا жойлашган, дарвозанинг ўнг томонида айвонга туташган

пешонаси қорайиб кетган тандир, тандир билан дарвоза орасида нураган ўчоқ бўларди. Биз қор ёққунча айвонда тунар, қор ёғиши билан ичкарига кўчардик. Уйнинг тўсин-тоқилари ис босиб қорайиб кетган, деразанинг синган ойналарига қоғоз ёпиштирилган, қоғозлар сарғайиб, пашшалар ўтириб ташлаган, танча атрофидаги уч-тўрт қора, сариқ пўстаклар йил бўйи йиғилмасди. Токчаларнинг бирида чанг босган коса, чинни, тунука лаганлар, бошқасида бир чети пачақланган жинчиरोқ турар эди. Мана шу юпунгина уй, торгина ҳовлида ойим, уч опам, укам Эркин, жияним Камол билан яшардик. Отам, Зиётвой исмли поччам ҳарбийда бўлиб, уларнинг қачон, қай ҳолда кетишганини эслолмасдим.

Отамнинг етимликда ўсгани, қийинчилик йиллари қишлоқдан кетиб қолгани, «инқилоб»дан кейин Самарқандда «катта мактаб»да ўқиб саводини чиқаргани, қишлоққа қайтиб келиб болаларни ўқитгани, кейинчалик «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланганини ойим, опаларим, кўни-кўшнилардан эшитган эдим. Ойим эрта тонгда Маърифа исмли тўнғич опам, Соифа исмли ўртанча опамни бошлаб далага, бугдой ўроғига кетар, бошларида машоқли қоп билан тун ярмида қайтишарди. Мен уйда Мазифа исмли кенжа опам, Эркин, Камол билан қолардим. Ўша кезлар “уруш тугармиш” деган гаплар қулоғимга чалинганди. Шунга қараганда Мазифа опам саккиз, мен олти, Эркин уч, Камол ҳам уч ёшда бўлиши керак. Ойим, опаларим далага жўнаганларидан кейин Мазифа опам Эркинни опичлаб, мен билан Камолни эргаштириб кўшниларикига олиб чиқар, кун бўйи ўйнатиб, қош қорайганда уйимизга олиб қайтарди. Мазифа опам улғайиб қолган, уйга қайтганимиздан кейин ойим ташлаб кетган зоғоранинг сўнги бурдасини бериб, бизни алдаб ухлатар, баъзан ухламай ойим, опаларимнинг даладан қайтишини кутардик. Ўша кунларнинг бирида ҳовлимизга бўри тушди.

Эркин билан Камол қўл-оёқларини бир-бирларининг устларига ташлаб ётишар, мен эса бошимни Мазифа опамнинг тиззасига қўйиб, юзимни ўнг қўлимга босганимча, оёқларимни йиғиб мудрай бошлаган эдим. Ниҳоят Мазифа опамнинг Эркинни опичлаб ариқдан ўтгани, сирганиб йиқилгани гира-шира кўзларим олдидан пирпираб ўтди-ю аста-секин сўнди... Туш кўрар, тушимда Эркин елкамни чангаллаб силкитарди. Тушимда бир томонимдан иккинчи томонга ағдарилардим. Елкам қайта силкинганда эса чўчиб уйғониб кетдим. Мазифа опам елкамни чангаллаб силкитар, гўлдирарди. Фикримни йиғолмай, ярим ухлоқ, ярим уйғоқ бир аҳволда афтимни буриштириб атрофга алангладим-да, Мазифа

опамнинг қўлларини суриб ташлаб, кўзларимни юмдим. Мазифа опам ҳамон тинчлик бермас, туртарди. Оғир бошимни зўрға кўтариб, тобора тортишиб бораётган қовоқларимни очганимдан кейин Мазифа опам кўрсаткич бармоғини лабига босиб, “жим” ишорасини қилди ва сўл қўлини девор томонга чўзди. Деворнинг сарҳари қулаган — уч-тўрт гуваласи тушган ерида итга ўхшаш чўққайиб ўтирган кўкиш нарсани кўрдиму сесканиб кетдим: “Нимага қулоғи кирқилмаган бу итнинг?” деган фикр миямга урилди-ю, қалт-қалт титрай бошладим, тишларим такилларди. Таҳлика ва ваҳимадан Мазифа опамнинг ҳам қалт-қалт титраши кўрқувимни тобора ошираётган эди. Вужудимга кучли бир ҳаяжон аралаш титроқ тўфондай ёпирилиб кирди-ю бошим, товонларимгача тарқалди ва худди шундай бошим, товонимдан чиқиб кетди. Ўрнини эса дарҳол ҳайрат ва таажжуб туйғуси эгаллади. Чунки мен бу пайтгача бўрини эртақлардан, одамлар оғзидан эшитиб, тасаввур қилган бўлсам, ҳозир тирик бўрини ўз кўзим билан кўриб турардим.

Бўри ҳамон деворда қаққайиб ўтирар, суҳбат тинглаётган одамдай бемалол гоҳ биз, гоҳ молхонада бўғилиб маъраётган қашқа эчкига қараб қўяр эди. Бир пайт Мазифа опам томон ўгирилдиму, титроғим баттар кучайди. Мазифа опам бошини қимирлатмай кўз қири билан мен, Эркин, Камолга қарар, ўзини мард кўрсатишга уринар, лекин тили айланмай қолганди. Молхонада бир мугузи синган қашқа эчки ҳам бўғилиб маърар, боласининг олдига ўтиб ер тепар, чамаси, бизни девордаги бўридан хабардор қилмоқчи бўларди. Шу орада бўри орқа оёқларини ростлаб, олдинги оёқларини йиғиб сакрамоқчи ҳам бўлди, бироқ Мазифа опамнинг йўтали шаштидан туширди. Бешик олдидаги тош чироқнинг пахта пилиги липиллаб, ҳар томонга эгилиб, мана, мана ўчаман дер, бу ҳол ваҳимани тобора кучайтираётган эди. Мазифа опам ҳарчанд титроғини босишга, ўзини ботир кўрсатишга уришиб қисқа-қисқа йўталиб қўяр, мени гоҳ у томонига, гоҳ бу томонига ўтказарди. Ҳали-ҳали унутолмайман: вужудимда тўсатдан ғайритабиий бир титроқ кўзғалди-ю, сал ўтмай титроқ ўрнини жимирлаш, жимирлаш ўрнини эса иссиқлик қоплади. Фазаб ва қаҳр билан салчиб турдим-да, Мазифа опамнинг бир пой калишини бўрига отдим:

— Хў, йўқол, кет, ўлдираман... — Вужудимни совуқ тер қоплади. Шундан кейингина кўрққанам, исёним шунчаки кўрқув ва бўри еб қўйиши мумкин бўлган бир пайтдаги ўз-ўзини ҳимоя қилиш учун бажарилган ҳаракат эканини англадим. Бўри пинагини ҳам бузмас, фақат кўзғалиб ўнгланиб олар, тумшугини ялаб қўярди.

Орқамга тисарилиб, қўлимни Мазифа опамнинг елкасига қўйгандим, у ҳам руҳланиб ирғиб турди-да, калишининг иккинчи пойини бўрига отди:

— Кет, қутургур! — У бўри қимирлаб қолгудай бўлса, ўзимни орқага ташлайман, деган ниятда оёқларини ростлашга уринарди. — Ҳу... тишларинг қаришиб қолсин!

Мен ойимдан бўрини кўрсаларинг, “тишинг қаришиб қолсин”, денглар қабилидаги гапларни кўп эшитгандим. Мазифа опам ҳам шу кез ойимдан эшитган шу гапни зўр бериб такрорлаётган эди. Бироқ бўри пинагини бузмади. Фақат қизғиш тилини чиқариб, қора бурнини ялаб, ўнгланди-да, атрофни обдан кузатиб чиққач, ҳовлига сакради. Тисарилаётиб мен бир томонга, Мазифа опам бошқа томонга умбалоқ ошиб кетдик.

— Ойи!

— Ойижон!

Мазифа опам елкамдан босди:

— Анваржон, қўрқма! Бўри тирик одамга тегмайди, тирик одамни емайди! Молхонадан “тақ-туқ”, “хир-хир” овози эшитила бошлади. Эчкининг ҳазин “мааа...”си эшитилди-ю яна даҳшатимизга даҳшат қўшди. Худди шу пайт эшик тақиллаб қолди.

— Ойи! Ойижон! — Иккаламиз ҳам қичқириб, сўнг ҳўнграб юбордик.

— Ойи, бўри!

— Ойи, бўри!

Опам иккимиз дарвозани муштлай бошладик. Ойим, опаларим елкалари билан итаришган экан шекилли, эшик ёндариси билан девордан ажралиб чиқиб, ўзлари ҳам бирга йиқилишди.

— Нима, нима бўлди!— сўради ойим мен билан Мазифа опамни бир пайтда бағрига босиб. — Нима гап?

— Бўри тушди, молхонага кириб кетди. — Мазифа опам елкаси билан молхонага имо қилди. Ойим тандирга яқинлашди, темир косовни олди-да, молхонага югурди. Маърифат опам чироқ кўтариб ойимнинг орқасидан эргашди.

— Шўримиз қурибди!— деган овоз эшитилди ниҳоят молхонадан. — Эчкини бўғизлаб кетибди ер юткур бўри...

Ойим билан Маърифат опам молхонадан чиқаётганларида гўё эчкини бўри эмас, биз бўғизлагандай на гапиришга, на юришга ботина олардик. Мен, ойим ҳозир келиб юзимга қулочкашлаб қўйиб юборса керак, деб ўйлардим. Эркин билан Камол ҳамон миқ этмай ухлашар, уларни тепкилагим, тишлаб олгим келарди. Ойим билан опаларим бизни бағриларига босишиб, юзимизга сув сепишди, кейин яна молхонага кириб кетишди.

— Дастурхонни олиб кел, Соифа, — ичкаридан яна ойимнинг овози эшитилди, — бояқиш эчкининг жони узилмаяпти.

Соифа опам қуроқлардан тикилган дастурхонни ойимга узатди. Ойим дастурхонни ҳимариб, эчкининг қон оқаётган бўйнини боғлаганини аниқ кўриб турдим. Ойим пўстакка чўкди-да, узоқ жимиб қолди. Опаларим енглари билан кўзларини артиб, эчкини таърифлаб, айтиб йиғлашар, овозлари мунгга тўлиб кетганди. Шундан кейингина бўри эчкимизни бўғизлаб кетгани бахтсизлик эканини англадим ва мен ҳам уларга қўшилиб йиғлай бошладим.

— Нима ҳам қила олардик. Ҳаммасига уруш сабаб, — деди бир пайт ойим. — Халқ бошига огир кунлар тушса, бўрилар ҳам бостириб келади. Бўри болаларни еб кетишига оз қолибди. Эртага идорага чиқаман. Эркаклар деворни сархарлаб беришсин.

— Мана бу тўтиларни еб кетса нима бўларди! — Ойимнинг гапларини қувватлади Маъриф аопам.

— Вой, эсим қурсин, — дея ойим молхонага югурди. — Эчки ўлиб қолмасин. Тезроқ Ортиқвой акани чақирайлик, сўйиб берсин, — ойим нарвондан молхона томига чиқиб, қўшни ҳовлига мўралади, — Ортиқвой ака! Бу ёққа чиқинг! Уйимизга бўри тушиб, эчкимизни бўғизлаб кетибди...

— Нима, нега бўғиласан? — девор орқасидан дўриллаган овоз эшитилди. — Уруш тугабдими? Одамларга ҳайронсан, кечаси ҳам тинчлик беришмайди.

— Худо хайрингизни берсин. — Ойим ёлвора бошлади. — Эчкимиз тиришиб ётибди, сўйиб беринг. Болаларнинг ризқи қийилмасин.

— Одамлар ухласдан бўри тушарканми? — Ортиқвой ўғри лақабли қўшнимиз яна тўнғиллади. Ойим нарвондан тушиб опаларимни молхонага бошлаб киргандан кейин этаклари ерга тегадиган, қирқ ямоқ чопонга ўралиб, калта мўйловли Ортиқвой ўғри кириб келди. Тўғри молхонага ўтди-да, эчкини туртиб кўрди. Эчки қимирламади.

— Ўлибди, — деди Ортиқвой ўғри қўлини белига тираб. — Нега олдинроқ чақирмадинг?

— Ўлибди?! — Ойимнинг кўзлари олайиб кетди ва жон-жаҳди билан эчкини турта бошлади. — Ортиқвой ака, яхшироқ қаранг, ўлмагандир. Нега ўларкан, биттаю битта эчкимиз! Ўлишга ҳаққи йўқ...

— Ўлгандан кейин битта-иккитасига қарайдими? — Ортиқвой ўғри хириллади.

— Шўрим қурсин, ҳаром ўлибди-я, жонивор! — Ойим йиғлаб юбоғди. — Наслли эчки эди, бир сигирдай сути бўл эди, чиройли,

хушбичим эчки эди! Шум бўри, очкўз бўри! Мана бу қора кўзларнинг ризқини қийдинг.

— Нега бўйнини дастурхон билан боғлаб қўйдинг? — Ортиқвой ўғри қаншарини қашлаб сўради.

— Қони оқмасин, девдим-да, — жавоб қилди ойим.

— Майли, йиғлама, — Ортиқвой ўғри юпата бошлади, — болачақангнинг бош-кўзидан садақа. Бўйнини қаттиқ боғлаб, ўзинг ўлдирибсан чоғи...

Ортиқвой ўғри чиқиб кетиши билан опаларим тўхтаган йиғиларини қайтадан бошлаб юборишди, ойим бу гал уларга қўшилмади.

— Ўша бўри яна келса, — деб юбордим кутилмаганда ойим, опаларимга ачинганимдан, — оғзига таёқ тиқиб ўлдираман!

Йиғлаётганлар пиқиллаб кулиб юборишди. Ўзим ҳам тиржайиб қўйдим.

— Ўргилай ўғлимдан, катта йигит бўлиб қолибди, — ойим мени бағрига босди.

— Сенга ишониб юрибмиз-да, — Соифа опам қулоқларимни сиқиб, пешонамдан ўпиб қўйди.

Шу туни алламаҳалгача ҳеч ким ухламади. Йиғлай-йиғлай юракларини бўшатиб олган опаларим, азбаройи куйиб кетганидан бир четда сўррайиб қолган ойим биздан бўрининг қандай деворга чиққани, қандай ҳовлига тушгани, эчкини қандай бўғизлаб кетганини сўради. Мазифа опам бўрининг деворга сакраб чиққани, чиқаётганда одамдай томоқ қиргани, чиқиб олгач эса ҳовлига узоқ қараб тургани, бизга тишларини иржайтиргани, сўнг калиш отганимиз, бунга ҳам парво қилмай, ҳовлига сакраб, эчкини бўғизлаб кетгани ҳақида энди бир оз мароқланиб ҳикоя қилиб берганидан кейин, ойим: “Вой ўлмасам, ўзларингизни еб қўйишига оз қолибди-ку! Яхшики ёш жонингизга раҳм қилиб, худо бир асрабди. Эчки ўлмаса умбалоқ ошсин. Бош-кўзингиздан минг эчки садақа-я”, дея ёқасини ушлади. Кейин Мазифа опамнинг ҳикоясини ҳар ким ўзича бир-бирига тушунтиришга киришди. Қийинчилик оқибатида бўрилар очикқани, бугунги бўри бўриларнинг муттаҳами эканлигини айтиш билан сўхбат адо бўлди. Эрталаб ойим, Маъриф, Соифа опаларим колхоз идорасига чиқиб кетишди ва тез орада қайтишди. Улар билан қорама-қора раис Соли, табелчи Қосим ювош, Ортиқвой ака ҳам келди. Ойим келганларни молхонага бошларкан:

— Соли, мана, кўринг бўрининг ишини, — дея тушунтира бошлади, — оз бўлмаса болаларимни ҳам еб кетай, дебди. Тезроқ деворни тузукроқ сарҳарлатиб беринг. Эримнинг қулогига етса

яхши бўлмас. Ҳар ҳолда Масковга бориб Калининдай кишидан орден олиб келган, район катталари ҳам ҳурмат қилишади.

— Уруш пайти, хафа бўлманг, — кўнгил бера бошлади Соли, — бугуноқ одам бераман. Деворингизни сарҳарлашади.

Чиндан ҳам уч киши келиб деворимизни сарҳарлаб кетишди.

Эчки ҳамон молхонада узала тушиб ётар, ойим, опаларим галма-гал туртиб қўйишар, хаёлимда ҳар лаҳза: “Мана, мен тирикман! Бўрининг тишлари кор қилмади! Ҳазиллашувдим! Ўзимни ўлганга солсам сизлар йиғлайсизларми, йўқми, шуни билмоқчи эдим”, дея кутилмагандя бошини кўтариб қолишини кутишарди. Эчки шишиб, оғзи-бурнига пашша қўна бошлагач, ҳафсалалари пир бўлган опаларим судраб девор орқасига олиб ўтишди-да, кўмиб қелишди.

УРУШНИНГ ХОНАДОНИМИЗГА КЕЛТИРГАН ИЛК ФОЖИАСИ

Уйимизнинг қаршисида, катта йўлнинг кунботар томонида Ниёзмат исмли қўшнимиз бўларди. Ниёзмат аканинг Моҳи исмли хотини ойим билан далага бугдой ўроғига кетар, қизи Анор, ўғиллари Шермат, Абдували уй пойлаб қолишарди. Анор Мазифа опам билан тенгдош бўлгани учун биз кўпроқ вақтимизни шу хонадонда ўтказардик. Ойим, опаларим далага кетиши билан Мазифа опам Эркинни опичлаб, мен билан Камолни эргаштириб шу ҳовлига олиб чиқарди. Анорларнинг ҳовлисидан кичкина ариқча оқиб ўтарди. Мен кун бўйи шу ариқда чўмилар, лой олиб ҳаммопиш ўйнардим, шу тариқа кунни кеч қилар эдик.

Ўша кунларнинг бирида уйга қайтаётганимизда Мазифа опам ариқдан ҳатлаётиб сирпаниб кетди-ю, сувга чалқанча йиқилди. Опичлаб кетаётган Эркин эса пешонаси билан лойга санчилиб қолди. Мазифа опам тиззасигача лойга ботиб “вой-вой”лар, тиззасини силаб, ихраб йиғлар, ўзидан кўра кўпроқ Эркинга қайғураётгани сабабли, ранги тобора оқариб бораётганди. Ниҳоят, у ўзини ўнглаб бир қўли билан бўксасини чангаллаганча, иккинчи қўли билан ариқ ичида оғзидан пуфакчалар чиқариб типирчилаётган Эркинни аранг кўтариб олди. Эркиннинг юз-кўзлари лойга беланган, кичкина бурнини кериб зўрға нафас олар, нафас чиқарган кезлари бурун катаklarидан лой отилиб чиқарди. Мазифа опам уни бир амаллаб ариқдан олгач, Эркин оғир ва чуқур хўрсинди-ю, бирдан чинқириб йиглаб юборди. Мазифа опам кўркувдан хўнграр, қалт-қалт титрар, Эркинни бағрига босиб лойли юзидан ўпарди. Ўпиши, алдаши ҳам қўл келавермагач, ниҳоят сувда оқиб келаётган бир жийдани олиб апил-тапил:

Эркиннинг оғзига тикди. Эркин лабларини сиқди-ю, юзини четга буриб, йиғлайверди. Боёқиш Мазифа опам саросимага тушиб, тол тагидаги бир кун олдин ўзи ясаган ва оёқлари синган лой кучукчани олиб берди, лекин Эркин бу билан ҳам овунмади, бўғилиб-чинқириб йиғлайверди, ўйинимиз татимади. Шу тариқа ҳаммамиз Эркинни овутиш, кўнглини овлаш билан овора бўлиб қолдик. Қош қорайиши олдида Мазифа опам Эркинни кўтариб кўчага чиқди. Мен орқада, Камол ёнимда, гўё Эркиннинг йиқилишига биз сабабчидай бир-биримизга термилиб, қўрқувдан қалтираб келардик. Кўчага чиққаннимизда Мазифа опамнинг юзи тиришиб, қошлари чимирилиб тўхтади-да, Эркинни секин ерга қўятуриб қўйлаги этагини ушлаб кўрди. Эркиннинг ичи кетаётган экан, Мазифа опам Эркиннинг орқаси ва қўйлагини ювди-да, уйга олиб кириб бешикка ётқизди. Эркин ҳамон чинқириб йиғлар, Мазифа опамнинг силаши, ўпиши ҳам қор қилмаётган эди. Ниҳоят чироқ ёқилганда ойим, опаларим даладан қайтишди. Ойим бешик пардасини кўтариб, чинқириб йиғлаётган Эркинни ечиб олар экан, гўё кўпдан бери кутган бахтсизлик юз бергандай бирдан кўзлари олайиб кетди. Кейин менга, орқасига сурилиб ҳадиксираб турган Мазифа опамга қаради. Бу пайт ойимнинг билакларида шалпайиб ётган Эркиннинг юзи кўкиш тусга кирган, қовоқлари чўкканди. У бошини турли томонга ташлар, ихраб-ихраб йиғлар, баъзан нафаси ичига тушиб кетарди. Ойим кўкрак тутди, лекин Эркин олмади.

— Мазифа, — деди ойим титроқ овозда, — укангга нима қилди? Нега бунчалик чинқириб йиғлаяпти?

Ранги тобора оқариб, арзимаган ҳақорат билан гўё уйни мутлақо ташлаб кетиб қоладиган аҳволга тушиб қолган Мазифа опам: “Ойижон! Ҳаммасига мен сабабчиман, бошқа такрорламайман!” — деяётгандай юпанч кутиб гўлдиради, бироқ овози чиқмади.

— Анвар, укангга нима қилди? — ойим мен томонга юзланди.

— Мази, — дедим одатдагидай сўзимнинг ярмини ямлаб, — ариққа йиқитиб юборди.

— Ҳу, шайтон, — ўшқирди ойим Мазифа опамга, — доим эҳтиёт бўл, деб қулоқларингга қуярдим-ку. Бирор ерига шикаст етказган бўлсанг, билиб қўй, бошингга ит кунини соламан.

Мазифа опам ҳали-замон сирни яширгани, юпанч сўраб сўзсиз ёлворганидан хижолат бўлиб, Маърифат опамнинг пинжиги сукулди-ю, мунгайиб қолди.

Эркиннинг аҳволи тобора оғирлашиб борар, кўкариб ётар, ичи кетар, қисқа-қисқа йўталиб хириллар, сўнг ўзига келиб хўрсиниб қўярди. Бешикка суяниб ўтирган ойим секин-секин Эркиннинг

орқасига урар, шу тариқа нафасини ростлаб олишига қўмаклашарди. Шу кундан бошлаб ойим бугдой ўроғига чиқмай қўйди. У кун-тун бешик ёнида ўтириб чиқар, Эркиннинг баданини ёғ билан силар, баъзан бошини бешикка қўйиб мизғиб оларди. Опаларим жимгина ойим ва Эркинга термилишар, гоҳ-гоҳ ойимни тинчитиш мақсадида Эркинни ечиб олиб кўтаришар, ҳовли айлантиришарди. Ойим Эркинни кутариб шаҳарлик ҳамшира қизга чиқди, лекин тополмай қайтди. Сўнг Алауддин деган табибникига олиб бориб икки марта боқтириб ҳам келди. Алауддин табиб кейинги борганида Эркиннинг мияси қаттиқ жароҳатланиб, сарсом бўлиб қолганини айтибди. Ойим йиғлаб қайтди. Ойим бари бир умид узолмай, атала пишириб оғзига тутар, бошини силар, Эркин йиғлашдан толиққан кезлари озгина мизғиб оларди. Опаларим даладан териб келишган машоқларини янчиб, кўмач қилишар, касал боқишга тутинишарди. Орадан чамаси бир ҳафталар ўтганда Эркиннинг йиғиси ниҳоясига етди. Ойим, опаларимнинг юз-кўзларида шодлик нури шуълаланиб қолди. Ўша кун ойим Эркинни бешикдан ечиб олди-да, қайтиб беламади. Эркин кўрпача устида хириллаб, оёқларини йиғиб ётар, кўзларини очмас, бошини уён-буён ташлар, ёнида ўтирган ойим ваҳимага тушиб дуо ўқир эди. Эркин уч ёшни тўлдирган, дуркун, юзи сутга чайиб олгандай оппоқ бола эди. Қошлари қалин ва туташ, боши катта, пешонаси кенг ва дўнг, тимқора кўзи, қаранлари саховатли эди. Лаблари гавдасига ярашмаган даражада юпқа ва бичимли, жилмайган, кулган кезлари эса бўйга ета бошлаган қизалоқдай ёқимтой бўлиб кетарди. Лекин у ўша кунн, яъни жон бераётганда хунук қиёфага кирганди. Пешонаси яна ҳам кенгайиб, оқ-кўкиш тусга кирган, бўйни ингичкалашиб, оёқ-қўлларининг териси шалвираб, қўлтиқ ва бўйин териси эса салқиб кўнгилни гумуртирадиган даражага етган, қўрқинчли тусга кирганди. Баъзан бир зумгина ўзига келган онларида ойим, опаларим, ҳовли, деворларга илинж билан термиларди. Охири юзидаги бинафша ранг томирлари қорайиб борди ва ҳамма нарсага лоқайд бўлиб қолди.

Эркин йиғламай қўйган кунни кечқурун ойим қўшнимиз Ибо холани бошлаб чиқди. Букчайган, заҳил юзли Ибо хола пишиллаб Эркиннинг ёнига ўтирди-да, кафтини беморнинг пешонасига босди. Узоқ жимликдан сўнг бирдан устки лаби титраб кетди.

— Бола пақир пишиб қолибди, — деди кейин Эркиндан кўзларини узолмай.

Ойим енгини кўзларига босиб, бурнини тортиб Эркинга термилиб тургани сабабли Ибо холанинг гапига жавоб қилолмади.

— Эҳтиёт бўл,— деди Ибо хола оғзидан нафас олиб. — Кўз-қулоқ бўлиб тур. Устидан мушук ҳатлаб кетмасин...

— Энди нима қиламан? — деди ойим ва ҳўнграб юборишдан ўзини тийиш учун пастки лабини тишлади.

— Қани, сизлар, — деди Ибо хола опамларга юзланар экан, — уйга киринглар, қўрқасизлар...

“Қизиқ, нимадан қўрқишади? Нега уйга киришлари керак? Ҳозир мен билан Камолни ҳам ҳайдашса керак”, деган ўй бошимга урилди-ю, чиндан ҳам ҳайдаб юборишмасин, деган хаёлда ойимнинг пинжига суқилдим. Ўйлаганимдай бўлиб чиқди. Лекин қанча зўрлашмасин бари бир мен уйга кирмадим.

— Кундузи бўлганда ҳам бир йўли эди, — деди ойим пиқирлаб.

— Одам кўп бўлса беморнинг жони узилиши қийин бўлади, — дея Ибо хола яна Эркиннинг пешонасини ушлаб қўрди. Ранги мурда рангига кириб, мутлақо мадордан кетган ойим эгилиб Эркиннинг юз-кўзларидан ўпа бошлади.

— Жигарим!— деди кейин мунг ва фарёд тўла овозда. — Ёруғ кун кўролмадинг. Нурдай келиб нурдай кетяпсан. Ақалли отанг ҳарбийдан қайтса ҳам майли эди. Боёқиш отанг сени кўролмайдиган бўлди. Сени жонидан ҳам яхши кўрарди...

Эркиннинг кўкраги билинар-билиномас кўтарилди, кейин хиёл кўзларини очди-да, дарҳол юмди, кўтарилган кўкраги ҳам аввалги ҳолига қайтди.

— Бола пақир сендан кўнгил узолмаяпти, — шивирлади Ибо хола ойимга, — розилик бер. Қийналмасин. Оқ сут бергансан. Она рози, худо рози...

Ойим қалт-қалт титрар, гўё розилик берса Эркин ўлиб қоладигандай ўзини пайсалга солар, иложи борича “розилик” бериш муҳлатини суриш, иложи бўлса розилик бермаслик пайида эди.

— Бўла қол, бола пақирни қийнама, — минғирлади Ибо хола.

— У дунё, бу дунё розиман... — деди-ю, ойим ҳўнграб юборди, — бер-берган сут-сутимга мингдан-минг роз-розиман...

— Вой ўлмасам, ўғлингни уйга киргиз, — деб қолди кутилмаганда Ибо хола.

Ойим мени остонагача арағ етаклаб келди-да, итариб юборди, остонадан ҳатлаганим эсимда, орқамдан фарёд кўтарилди. Опаларим ташқарига югуришди, туртина-суртина эшикдан чиқиб ҳам олишди, мен ҳам орқаларидан эргашдим, Камол эса ичкарида йиғлаб қолди. Бу пайт Ибо хола чўккалаб, кўзларини юмганча бир маромда нималарнидир такрорлар, ойим Маърифа опамнинг кўксига бошини қўйиб, ўксиб-ўксиб йиғларди. Эркин ўртада

чўзилиб ётар, энгаги, ияклари оша оқ рўмол билан танғилган, оёқларининг бош бармоқлари ҳам боғланган, кўллари эса ёнига ташланган эди. “Нимага энгаги, оёқларини боғлаб кўйишибди? Турмоқчи бўлса нима қилади? Галирмоқчи бўлса-чи? Оғзини очолмайди-ку!” бошимга шу каби ўй урилди-ю, дарахт япроғидай қалтираб кетдим, томоғимга ҳам бир нарса қадалиб қолди. Эркиннинг чеҳрасида ҳали-замон липиллаб турган тирикликнинг сўнгги учкунлари ҳам тамоман сўниб, йўқлик дунёсига кўчганди. Бу ҳол уруш фожиаси туфайли ер юзи кишиларига маълум бўлмаган чекка бир тоғлик қишлоқда шу тариқа рўй берди. Энди ёш бир вужуд ҳаёт билан видолашгани, ҳадемай тупроққа қоришиши ва ундан ўт-ўланлар униб чиқиши муқаррар эди. У севимли онаси, дардкаш опалари, жияни Камолни, мени ва йиқилган ариги, йиқилгандан кейин овутиш учун тутилган жийда, оёқлари синган лой кучукча, қулоқлари узилган лой қуёнчаси ва ўзи билиб-билмаган, тушуниб-тушунмаган яна кўп мавжудликларни ҳам мангуга тарк этган эди! Фақат ҳадемай бағрига оладиган она-Ернигина тарк этолмаган эди. Она-Ер уни жимгина бағрига чорларди...

Ойим ҳамон Эркиннинг теласида қотиб турар, енгини кўзларига босиб, сўзсиз йиғлар, опаларим Эркиннинг ёнига яқинлашолмай ҳиқирлашардилар. Шу тариқа тонг оттирдик. Ибо хола уйига чиқиб кетаётиб:

— Орифа, мурданинг ёнидан кўзгалма, устидан мушук сакрамасин, — деди.

Кўёш чиқиш олдидан ҳовлига Ортиқвой ўғри билан Ҳожи ака кириб келди-да, мурданинг ёнига чўкиб бир нималарни пичирлашди, сўнг уни уйга олиб киришди.

Мурда уйда ювилар экан. Бир пайт Эркинни яна ҳовлига олиб чиқишди. Энди у оппоқ кафанга ўралган, юзигина очиқ эди. У тинчгина ухлар, ювилганидан кейин шу қадар чиройли бўлиб кетган эдики, бир чиройига минг чирой кўшилиб, оппоқ юзи, қовоқлари, ҳатто қош-киприкларигача ялтирарди. Афсуски, шу қойилмақом гўзалликни ўзи билан ер остига олиб кетаётган эди! Эркинни кўтариб кўчага олиб чиқишгандагина юрагим бирдан увишганини ҳис қилдим ва оғзим аччиқ ва тахир бўлиб қолди. Шундан кейингина Эркиннинг ўлими чиндан ҳам қутилмаган ва чидаб бўлмас даҳшат, фожиага айланганини тушундим. Ойим мурдага ўзини отиб:

— Жигарим! Ёруғ кун кўролмадинг, жигарим — болам! — деб уввос солганда эса бошим айланиб, кўзларим тиниб кетди.

— Эр-Эркинжон! — опаларим ҳам унга ўзларини отиб

қичқиришарди.

— Бўлди қилларинг, — Ҳожи ака опаларимни орқага қайтарди.

Шу тариқа беллари боғлиқ ойим, опаларим орқада қола бошлашди. Уларнинг сочларини юлиб, юзларини тирнаб йиғлашлари мени ҳам хўнграшга мажбур қилди.

— Укамни беринглар, опкетманглар! — дея эркакларнинг оёқларига ёпишганим эсимда. Менга ҳеч ким қулоқ солмади, ўгирилиб ҳам қарамади. Ўзим йиғлаб, ўзим овуниб орқамга қайтдим. Эркинни олиб кетишди. У ўзи билан бирга менинг шодлик ва бахтимни олиб кетаётган эди. Ойим гоҳ-гоҳ йиғи аралаш:

“Болам норасида кетди, ҳурга айланади, тўғри жаннатга киради!” дерди. “Ҳур ўзи нима? Нега Эркин укам ҳурга айланиб кетиши керак экан? Керакмас, мен уни ҳурга айланиб кетишини ҳеч ҳам истамайман! Жаннатга кирса яхши бўларди. Мен қариганимда бўлса ҳам жаннатга кирардим-да, Эркинни топиб олардим. Мен қариганимда у ҳам чолга айланади... Жаннатда ҳам ариқ бўлармикин? Эркин жаннатдаги ариққа ҳам йиқирилиб қолса-я. Жаннатга кирсам ҳар ҳолда яхши бўларди! Мен унга кучукча, қуёнча ясаб берардим”, деган ўй бошимни тўлатиб ташлаган, Эркиннинг ўлимига ишонмаганим каби орзумнинг ушалишига ҳам ишона олмасдим. “Ҳур” деганини илоҳий “қуш” деб эшитгандим.

Ҳур қушнинг қанотлари ҳам ўзимизнинг тоқиларга ин қўядиган қалдирғочларнинг қанотига ўхшаса керак. Боши, оёқлари чиройли, кўзлари, албатта, Эркинники бўлади! Эркин ҳам ҳу осмонда учиб юради-да, охири чарчаб ҳовлимизга келиб қўнади.

“Вой, роса маза қилиб учдингми?” — дейман қўлимни елкасига қўйиб ва қаҳ-қаҳ отиб куламан.

“Мен сизларни бошлаб алдадимми? — дейди у ҳам қаҳ-қаҳ уриб. — Мен ҳурга айланмадим, ўлганим ҳам йўқ. Қани, ака, тетдик, ҳаммопиш ўйнаймиз, фақат ариқдан ҳатламаймиз!”

“Урей-урей!” — дея қичқиришиб иккаламиз бошимиз оққан томонга югуриб кетамиз.

Мен бир ҳафтача шу каби тасаввур ва ўйлар билан юрдим. Бироқ тасаввурим ҳам, ўйларим ҳам мени алдади. Эркин ҳурга айланиб учиб ҳам келмади, тирилиб ҳам қолмади. Фақат қалбимда кафанга, ариққа нисбатан қўрқув ва нафрати кучайди-ю, Эркинга бўлган оташин меҳрим мустаҳкамланиб борди. Фақат, ҳа, фақат хотирамнинг бир бўлагигина бевақт хазон бўлди! Йўқ, хазон бўлгани йўқ, у ва у ҳақидаги ўй юрагимда, аксинча, ўчмас чўққа айланиб қолди! Қон-қақшаб йиғлашлар, худога ёлвориб қилинган илтижолар қъвазига эса ҳеч нарса ололмаслик тушунчаси мени

қаттиқ изтиробга солди. Бу, одамлар ва худо борасидаги мавҳум тушунчалар, ўлим билан яшаш ўртасидаги абадий низо оқибатида юз берган илк изтиробларим эди! Бу изтиробларим ҳаётнинг гўзаллиги туфайли уйғонаётган мусаффо туйғуларимни кўп вақтгача кишанлаб қўйди. Узоқ муддат бу изтиробларимни тарк этолмадим...

Шу куни Мазифа опам Эркин ўйнаган ва ундан ёдгор бўлиб қолган лой кучукча ва қуёнчани олиб келиб тоқчага қўйиб қўйди. Ойим эса устига сочиқ ташлади...

Уруш! Уруш давом этар, отам, Зиётвой поччамдан ҳамон дарак йўқ эди. Ойим, опаларим тўрғай чулдирамасдан далага, буғдой ўроғига кетишар, уззукун меҳнат қилишиб, ҳарбийдагиларга ғалла жўнатишарди. Қишлоқда қўл-оёқлари бирор жойга етмайдиган биз — болалар ва қари-қартанглар қолган эдик, урушнинг жафосини ҳам кўпроқ биз чекаётгандик. Уруш бизни отам, поччамдан ажратди, сал кун ўтмай эса хонадонимизнинг тилсиз аъзоси — эчкимиздан жудо қилди. Юрак дардларимиз энгиллашмай туриб, уруш яна бир хонадонимизнинг севимли аъзоси — Эркиннинг умрини хазон этди. Юраклар қайтадан дардга тўлди.

ТОРТИҚ

Хазонлари, қарғалари билан куз ҳам келди. Қарғалар хазонларни титкилаб, емак қидирган, бир-бирларини чўқиб, “қағ-қағ”лаган палладаги учиб-қўнишлари ҳозиргидай кўз олдимда турибди.

Ойим томорқамизнинг ўтларини ўриб, опаларимга боғлатиб, томга олиб чиқиб, босиб қўйганини ҳам яхши хотирлайман. Ўша кунларнинг бирида кечқурун ҳовлимизга қишлоқ советининг котиби, ўн олти ёшлардаги ориқ, қора қош Мирқобил исмли йигит жилмайиб кириб келди.

— Орифа хола,— деди у дудуқланиб, — суюнчи беринг,

— Суюнчи сендан айлансин, — жавоб қилди ойим Мирқобилнинг оғзига термилиб. Ойимнинг вазоҳатидан отамнинг ҳарбийдан қайтаётгани ҳақидаги хабарни кутаётгани аниқ кўриниб турар эди.

— Усмонали акам ҳарбийдан посылка юборибди, — деди Мирқобил ва тамшаниб қўйди. У, бу билан гўё егулик бирор нарса келган бўлса менга ҳам берарсиз, демоқчи бўлаётган эди.

— Ростданми?— деди ойим, лекин “посылка” сўзига тушуна олмади шекилли, қошларининг ўртаси уюлиб, ён-берига қарар экан, дарҳол шаштидан тушди. — Олиб кела қолмадингми, “посылка”си нима экан?

— Райондан қоғоз юборишибди, мана, — Мирқобил қўлидаги

буклоғлиқ қоғозни оймга узатди, — бирор нарса бўлса керак-да.

— Районга борадиган одам бўлса қоғозни бериб юбора қол. Олиб келиб берар. Кўлим тегмайди. Тўрғай чулдирамасдан далага, ўроққа жўнайман, хўроз қичқирганда қайтаман. Паркент озмунча йўлми, — деди ойм.

— Майли, районга борадиган одам бўлса... — Мирқобил орқасига ўгирилган эди, ойм тирсагидан олиб тўхтатди-да:

— Мирқобил, кечгача олиб келармикин? — дея сўради.

— Билмадим, — Мирқобил елкасини қисганча кўчага чиқиб кетди-ю, ҳовлида гала-ғовур кўтарилди. Опаларим олажак “тортиқ”ларини таллашиб, юлишиб кетишларига оз қолди. Ҳаммаси нон, қанд деган гапдан бошланиб, нон, қанд деган гап билан тугатди.

Тонгни аранг оттирдик. Ойм ҳам, опаларим ҳам далага буғдой ўроғига тошбақадай ўрмалашиб жўнашди, даладан эса қушдай учиб қайтиб келишди. Кечқурун чиндан ҳам Мирқобил “тортиқ”ни олиб келгани ҳақида хабар қилди. Уйга олиб келмаганига қараганда колхоз раҳбарининг ўзи ҳам оймдан бирор нарса ундириш ниятида бўлган бўлса керак. Ойм идорага югуриб кетди ва сал ўтмай кичкина қутича кўтариб қайтди. Ойм суюнчи сўраганларга қутичани очиб биттадан дастрўмол бериб келибди. Оҳ, онагинамнинг ўша кунги бахтиёрлиги! Пешонаси тиришар, қошлари чимирилар, юпқа лаблари тишларини беркитолмасди. Ойм ҳовлига, гўё қанот пайдо қилиб учиб киргану, ҳали-бери ерга тушай демасди. Опаларим-чи! Оҳ, боёқишлар! Гўё дугоналаридан бирини никоҳ кечасига кузатиб қўйишаётгандай чуғурлашиб, оймнинг атрофини ўраб олишган, она қушдан овқат кутаётган бола қушлардай типирчилашарди. Мен бир томондан, Камол бир томондан тирсақлар орасидан бўйнимизни чўзиб қўллариди хомталаш бўлаётган қутичага аланглардик. Ойм ниҳояг ўзини ўнглаб, “тортиқ”ни авайлаб, бўйра устидаги пўстакка қўйди. Кафтлари билан қопқоғини кўтарганда эса опаларим “вуй” деб юборишди. Қутичада тартиб билан тахланган турли рангдаги кийимлар товланиб турар, кўзларни қамаштирар эди. Кўзлари олакула бўлиб кетган опаларим ҳайрат ва таажжубда бир-бирларига қарашарди. Ниҳоят ойм қутичадан бинафша ранг, боғичли, боғичнинг атрофи, этакларига оқ тўр тутилган кўйлакни олди-да, узоқ қараб туриб, охири гижимини ёзиш мақсадида тортиб, елкаларига ўлчаб ҳам кўрди. Опаларим кафтларини тиззаларига тирашиб қушга ташланишга шайланган мушукдай қотиб туришарди. Маърифа опам шижоат кўрсатди. Оймнинг қўлидан кўйлакни юлқиб олиб, тўрларини иякларига босиб, этагини


тиззаларига қисиб, бўйига ўлчаб бошлади.

— Вой, бирам чиройлики! — деб юборди Соифа опам сарик қошларини чимириб.— Мен ҳам ўлчаб кўрай-чи.

— Тошингни тер, — ўшқирди Маърифа опам.— Ойи, менга, а?

— Эплай олсанг киявер, — жавоб қилди ойим ва бу билан ўзи эплай олмаслигини очиқдан-очиқ маълум қилди-да, яна қутичани титкилашга киришди.

Маърифа опам кўйлакни кийиб олган, кўзларини юмиб бошини орқасига ташлаганча айланар, гўё рақс қиларди. Кутилмаганда “қаҳ-қаҳ” кулги кўтарилди-ю, Маърифа опам жимиб қолди. Кўйлакни пахтали нимчаси устидан кийиб олган, гирт қаландар қиёфасига кирган эди. Кулгидан саросимага тушиб қолган Маърифа опам бир пайт йўқолиб қолди. Кўчага чиқиб Муҳаббат исмли ҳамшира қизга кўрсатган экан, у бу нарса ич кўйлак эканлигини, кўйлак остидан кийилишини айтибди. Маърифа опам кўчадан шолғомдай қизариб қайтди. Боёқиш қани энди ер ёрилса-ю, ерга кириб кета қолса. Ойим қутичадан тивитли оппоқ халат олганида опаларимнинг кўзларидан ўт чақнаб кетди. Улар гўё кечаси чўлда адашиб узоқ вақт оч қолган ва ниҳоят бир панада чироқ кўриб ўзини бахтиёр ҳис қилган овчи аҳволига тушиб қолган эдилар. Оппоқ халатнинг тугмалари ҳам оппоқ эди ва опаларимни кўпроқ шуниси қизиқтираётган эди. Ойим халатни ёзиб улгурмади, Соифа опам бало-қазодай ташланиб, кўлларида юлқаб олди-да, кийишга тутинди. Кўллари енгининг ярмида қолиб, гавдаси чигирткадай бўлиб, шайтон қиёфасига кирганида эса кулги яна ҳам авжига чиқди. У енги ярмида қимирлаётган кўллари билан халат этагини кўшиб ушлаб, турли томонга юрар, елкаларини кериб, бўйинини чўзар, бу билан лойиқ келганига бошқаларни ишонтирмақчи бўларди. Бунини тўғрироғи, у халатни Маърифа опам олиб кўймасин, деган ниётда қилаётган эди. Навбат Мазифа опамга етганди. У гоҳ қутичага, гоҳ ойимга, гоҳ опаларимга илинж ва рашк билан термилар, йиғлаворай-йиғлаворай деб турарди. Йўқ, ҳартугур йиғлаш даражасигача етиб бормади. Ақалли лаблари тиришса борми, опамга ачинганимдан олдинроқ мен йиғлаб юборишим ҳеч гап эмасди. Мазифа опамнинг толеи бор экан — унга совғанинг антиқаси чиқди. Кўкрак ва этак томони кенг, бели бурма, қизил тасмали кўйлак! Мазифа опам кенжа қиз бўлгани, опаларимнинг юзини босиб ўтолмай, тоқатсизлик билан бўлса-да навбат кутгани Мазифа опамни беҳад бахтиёр қилди. У роса ярим соатча туртина-суртина охири опаларимнинг ёрдамида кўйлакни кийиб ҳам олди. Кўллари Соифа опамники каби енгининг ярмида қолиб, камари тиззаларига тушиб, этаги эса ерда судрала бошлади. У шу кез бора...



кийган кўғирчоқ ё онасининг кўйлагини кийган қизалоқ қиёфасига кирган эди. Опамларга тақлид қилиб юра бошлаган эди, этагини босиб олиб, умбалоқ ошиб кетди. Ойим, опаларимнинг кула-кула ичаклари узилаёзди. Мазифа опам тинмай кўл-оёқларини силкитиб туришга уринар, гўё енгигача қамалиб қолган чумчуқдай питирлар, лекин туролмаётганди. Маърифа опам билан Соифа опам кўлларидан олиб, боёқиш Мазифа опамни аранг тургазишди. Мазифа опамнинг тирсак, тиззалари шилиниб, ачишаётган бўлса-да, зўрма-зўраки жилмайишга, тортаётган азобини сиртига чиқармасликка, кўйлакни олдириб кўймасликка тиришарди. Навбат менга етди. Кўзлар яна қутичага қадалди. Толе менга ҳам саховат қилди: қутичадан қора костюм-шим чиқди. Кўзларим ёшланиб хунук тиржайган бўлишим керак:

— Бўлди-бўлди, лабларинг йиртилиб кетмасин, — деб қолди Маърифа опам.

Боёқишлар чиндан ҳам ҳозир йиғлаб юборади деб ўйлаган бўлсалар керак, “сеники яхши”, дея мени юпата бошладилар. Бурнимни артаверишдан қасмоқ бўлиб кетган яктагим енгини осилтириб, қоп-қора оёқларимни икки томонга кериб яна тиржайдим.

— Вой, бирам ярашдики! — деди Соифа опам шодликдан кўзларим ёшланиб бораётган кез. — Мана энди шаҳарга ўқишга бориб, катта одам бўлиб келиб. бизларни боқасан.

Қулоқларимга ҳеч нарса кирмас, кирса-да, англашилмас эди. Бир пайт шодлик ва ҳаяжондан қичқириб, тойчоқдай ирғишлаб кўчага чиқиб кетдим. Оёқларим ерга тегиб-тегмай югуриб борар, гўё учар эдим. Гарчи кўчада ўзимдан бўлак ҳеч ким бўлмаса-да:

— Турдибой, Шермат, Тиллахўжа! Мана, келиб менинг кийимимни кўринглар! — деб хитоб қилдим.

Ҳар куни бекордан-бекорга санғиб юрадиган ўртоқларим бугун аксига олиб кўчада кўринмас эди. Қайтиб уйга кирганимда Камол кийиб олган кулранг кўйлагини кўз-кўз қилиб мақтанар, ойим эса рангли бир кўйлакни гижимлаганча ғамга ботиб ўтирар эди. Маълум бўлишича бу кўйлакни отам алоҳида қоғозга ўраб Эркинга юборган экан... Ойим қутичага назар ташлади-ю, ҳатто ўзига аталган яшил селон кўйлакка ҳам диққат қилмади. Қутичадан совун, сочиқ, тиш чўтка, яна бир нималар чиқди, лекин уларга ҳеч ким эътибор бермади. Фақат Мазифа опам унга ўхшаган оқ нарсани ялаб кўриб, тупуриб ташлади. Кейин билсак у тиш порошоги экан.

— Қани, энди ечинглар! — деди ойим бир пайт ғамгин. Чамаси Эркиннинг йўқлиги, егулик бирор нарса чиқмагани ҳафсаласини

пир қилганди. — Беркитиб қўяман, ҳайитга киясизлар.

Опаларимнинг юз терилари буришиб кетди ва бир-бирларига узоқ қараб туришиб, охири йиғлагудай бир аҳволга тушиб, кўйлақларини ечиб беришди.

Ойим кийимларни тахлаб қутичага солди-да, уйга олиб кириб, сандиқ устидаги кўрпалар остига яширди. Бу билан ҳам кўнгли тўлмади шекилли, ярим кечага яқин Маърифа опамни кўчага, Соифа опамни ҳовлига пойлоқчиликка қўйиб, қутичани томга олиб чиқди. Ниҳоят пичан тагига яшириб тушгандан кейин, тортиқ ҳақида ҳеч кимга гапирманглар, дея қулоқларимизга қуйди.

Тортиқ олишимиз — Эркиннинг ўлими ва бўри воқеасидан кейин чехраларимиздаги ҳувиллаш, ғамгинликни бир нави ўзгартириб юборди. Менинг ҳам изтироб ва дардларимни бир оз енгиллаштириб, безиллаб қолган қалбимни бахтиёрлик нури билан ёритди. Юрагимда илк бор янги иштиёқ, ҳаяжонлар кўзгалганини ҳис қилдим ва шу кўйи “тортиқ” воқеаси хотирамда узоқ сақланиб қолди.

ОЙИМНИНГ ИЛТИФОТИ

Тортиқ келиши, унинг кутилмаганда антиқа кийимлар бўлиб чиқиши каттадан-кичикни ҳаяжонга солган, тонг отишини бир нави қийинлаштирган бўлса-да, уйқусизлик, уйқусизлик туфайли содир бўладиган ҳорғинлик, тана тиришини ойим ҳам, опаларим ҳам писанд қилишмас, аксинча, қалблари шодликларга тўлиб, отамнинг хонадонимизга бўлган меҳр-муҳаббатини бири қўйиб, иккинчиси эътироф этардилар. “Тортиқ” келиши гўё бўм-бўш хонадонимизнинг кемтигини тўлатган, гўё кандиклар қоп-қоп ун, гуруч, меваларга тўлгандай туйилар, шу билан бирга бағримиз ҳам бутлангандай эди.

Чунки ҳайитда ҳеч ким киймаган кийимни биз кийиб кўчага чиқишимиз, одамларга кўз-кўз қилишимиз мумкин эди. Ойим, опаларим ана шундай кайфият билан далага, бугдой ўрогига отланишаётганди, ҳисобчи Қосим ювош келиб қолди. У ҳар тонг тўрғай чулдирамасдан ойим, опаларимни далага ишга чақириб келар, у келмай қолган кезларгина хонадонимизга Ортиқвой ўғри ташриф буюрарди. Ойим ҳам, опаларим ҳам Қосим ювошнинг келишини хуш кўрар, у хонадонимизга эрка фарзандай, тўғрироғи, “эрмак”ка айланиб қолганди. Ортиқвой ўғрининг келиши эса афтларни тириштиради, юракларни санчитар, хонадонимиздан файз кетказар эди. Қосим ювош урушнинг дастлабки кунларидаёқ ўз ихтиёри билан ҳарбийга ёзилиб кетган, сал кун ўтмай чап жағи, чап кўзидан ажралиб қайтиб келган эди. Ўқ жағининг абжағини чиқарган, гапирган кезлари тупуги сачраб

кетар, чап кўзи оқиб тушган, бирор одам билан гаплашадиган бўлса, ўнг томони билан туришга уринар эди. Камгаплиги, камсуқумлиги учун одамлар унга “ювош” лақабини қўйишганди. Одамлар унинг жағидан кулишар, ойим, опаларим эса, аксинча, унга ачинишар, уни ҳурмат қилишар эди. Қосим ювош паст бўйли, бир вақт эт қўймаган, бундан буён ҳам эт қўйиши гумон бўлган қотма, боши кичкина одам бўлиб, бурни гўё юзидан чимчилаб чиқариб қўйгандай бичимли эди. Елкалари ўн тўрт ёшли қизларникидай тор ва нозик, қўл ва оёқлари калта, ингичка, кавуши ҳам болаларникидай кичкина эди. Сарғиш, ингичка қошлари икки чакқасига чўзилиб кетган, гўё ёғ сурилгандай ялтирар, мана шугина турқининг хунуклигини яшириб турар эди. Қўлларининг калта, ингичкалиги, елкаларининг тор ва нозиклиги вужудида бирор бир ошиқчалик йўқлигини билдирар, тарғил кўзлари эса самимийлик, соддадиллик туйғусига лиммо-лим бўлиб, чеҳраси ёқимли, озорсиз, нигоҳида на бир кўмак, на бир муҳтожлик туйғуси сезилар эди. Ҳар бир хатти-ҳаракатидан фақат одамларга яхшилик қилиш, эвазига ҳеч нарса талаб қилмаслик аломатлари ифодаланиб турар эди. Унинг нигоҳи, қараш ва жилмайишларигача озорсиз эди ва бу унинг қиёфасига дарвишлик бахш этган эди. Ўзи чиндан ҳам дарвишваш одам эди. У доим жилмайиб юрар, одамларнинг мазах қилиши ҳам кўнглини ранжитмас, улар менга диққат қилишади, деган ҳаёлда фахрланиб ҳам кўяр, бу кўпроқ чеҳрасининг гулгунлигида акс этар эди. Ойим гоҳо: “Худо одамларни тўла-тўкис яратгану, сўнг бирдан Қосим ювош эсига тушиб қолиб, ортиб қолган озгина ҳамиртурушидан уни ясаган, бари бир боёқиш чала қолган-да, бўлмаса бунчалик содда бўлармиди”, дерди.

Ойим айтмоқчи худо уни ярата туриб, шиддат ва ҳиссиётни беришга келганда бир оз хасислик қилган эди. Мана шу табиати билан у хиёнат, зинони билмаган ибтидоий давр одамларини эслатарди. Ойим баъзан: “Қосим олдинроқ ё кейинроқ туғилиши керак эди”, — деб қоларди. Уни биринчи бор кўрган одам шубҳасиз шундай фикрга борар, севиб қолар, у чиндан ҳам севишга арзигулик одам эди. Ойим, қишлоқда биргина яхши одам бўлса, у ҳам Қосим ювош, дегани ҳалиям хотирамда. Ойимнинг: “Қосимни худо кучли эътиқод билан, бисотидаги бор саховат ва кароматини сарфлаб, кейин шундай одам қилиб яратган”, деганини ҳам яхши эслайман. Ойим айтган, яъни худо инъом этган саховати ва кароматини, чамаси, у удалай олмас, шу сабабли одамларга кулги бўлар эди. У ҳаммага бирдай илтифот кўрсатар, эъзозлар эди. Назаримда, ойимгина уни тушунар. Унинг ҳурматини

жойига қўяр, биргина Соифа опам уни ёқтирмас, бошига камзулини ёпиш, қитиқлаш, оёғини чалиб йиқитиш қабилида қилиқлар қилиб, қийнар эди. У жилмаяр, ойимга: “Орифа опа, шу қизингизни яхши кўраман, қизимнинг номини ҳам Соифа қўйганман”, дерди. Фақат менгина унинг қаршисида ўзимни ожиз ҳис қилар, изтироб ва хижолатдан терлаб кетар, уни қийнагани учун Соифа опамдан нафратлар эдим. Қосим ювошга нисбатан юрагимда ҳар дақиқа олий бир меҳр-муҳаббат туйғусини туяр, унга опаларимга қарагандай кучли эътиқод билан қарар, бу эътиқодим қалбимга муқаддаслик бағишлар, шу муқаддаслик чегарасида туриб унга илтифот кўрсатишга ҳаракат қилар эдим. Уни кўрганимда тўлмаган кўнгилни тўлдирсам, мазах қиладиган одамларни бўғиб ташласам, деб ўйлар, шундай қилолмаганимдан эзилиб кетар, баттар изтироб чека бошлар эдим. У мен учун гўё ўқилмаган сирли китоб, айтилмаган сирли эртақ, куйланмаган, тингланмаган сирли қўшиқдай туюлаверарди. Мен у ҳақда ўйлаган кезларим ҳаяжонланиб кетар, унга фақат яхшилик қилишга уринар, тобора унга боғланиб борар эдим.

У бугун ҳам ҳовлимизга кутилмаганда паришон ва тушкун бир кайфиятда кириб келди, бу ҳол биринчи галда яна ойимни ҳайрат ва таажжубга солганди.

— Қосимжон, — деди ойим иложи борича овозини силлиқлаштириш ва озорсиз чиқаришга уриниб, — хафа кўринасан. Ҳар куни кулиб кириб келардинг. Тобинг йўқми?

— Ўзим... — мингирлади Қосим ювош, — ўзим... шу...

— “Ўзим, шу...” деяверасан, — гапини давом қилди ойим бир оз жиддийлашиб, — бир марта очилиб-сочилиб гапирсанг-чи, гапира қол.

Қосим ювош юзини четга бурди ва кўрсаткич бармоғини кўзлари билан бурни туташадиган ерга босди, босар экан, елкалари кўтарилиб тушди. Унинг йиғлаганини бирор одам кўрмаган, бирор вақт йиғлашини хаёлига ҳам келтирмасди. Ҳозир кўзлари ёшланаётгани ҳаммамизни таажжубга солиб қўйди.

Қосим ювошнинг болалари мўл эди. Хотини орқа-олдига қарамай туғаверганидан бўлса керак одамлар унга: “Ҳой, Қосим, хотинингга айт, ҳадеб туғавермасин, кўриб турибсан, қийинчилик”, дейишар, у эса жилмайиб: “Худо берса нима қилади!” — деб жавоб қиларди. Ойим баъзан киши билмас унинг қўлтиғига зоғора тиқиб юборарди. Унинг уйимизга вақти бевақт келишининг сабаби ҳам шунда эди.

— Нима бўлди, гапир, — ойим Қосим ювошнинг елкасига қўлини қўйди.

— Хотинимнинг мазаси йўқ, — ниҳоят у кўнглини ёришга журъат этди, — болаларим “нон” деб ҳоли жонимга қўйишмаяпти.

— Шундай демайсанми, — ойимнинг бирдан чеҳраси гамгинлашди ва қўлини тортиб олди, — хотинингга жабр бўлди, касал бечора. Болаларинг кўп. Замон оғир. Сен буни тушунишинг керак. Хафа бўлма, ҳаммаси изига тушиб кетади. Қани юр-чи, раиснинг олдига чиқиб гаплашиб кўрайлик, бирор маслаҳат берар.

— Орифа опа, қўйинг, — деди Қосим ювош йиғлагудай бўлиб, — раис уришади. Умримда шикоят қилиб идорага чиқмаганман.

— Болаларинг оч бўлса, нега чиқмас экансан. Бу ўғирлик эмас, — деди ойим хийла асабийлашиб, — бирор нарса сўрасанг ўз меҳнатинг юзасидан сўрайсан. Мен ҳам бир нарса сўраб идорага чиқмаганман. Сен учун чиқаман. Ойим Қосим ювошнинг тирсагидан олиб тапқарига етаклади. У эса анча вақтгача ўзини у ён-бу ён ташлаб, охири ойимнинг раъйига қарашга мажбур бўлди. Ойим Қосим ювошни тезроқ юришга ундаб, шиддат билан колхоз идораси томон кўтарилиб борарди. Биз ҳам орқаларидан йўлга чиқдик. Ойим Кўк мачитга етганда ўнгга бурилди ва чап томондаги паст том — колхоз идорасининг бир табақали эшигини оёғи билан итариб, қалт-қалт титраётган Қосим ювошни олдига ўтқазиб, ичкарига кирди. Опаларим ичкарига мўралашар, ораларидан эса мен ҳам бошимни чиқариб, атрофга аланглаб турардим. Бўйига тор, энига эса кенгроқ хона ўртасига узун курси қўйилган бўлиб, курсига кўкрагини тираб боши думалоқ, қора юзли, бурни япалок, турқи совуқ бир киши, узун курси ёнидаги кичик курсичаларнинг бирида эса ҳосилот Миржамол ака тирсагини узун курси устига қўйиб ўтирар эди. Ўтирганлар ойимнинг важоҳатини кўриб бир-бирларига қараб қолишди. Ойимнинг кириши, бизнинг қараб туришимиз тўрдаги киши — раисга ғайритабиий туюлди шекилли, афтини тириштириб:

— Тинчликми?— деди ва ойимдан жавоб кутиб, термилиб қолди.

— Соли,— дея гап бошлади ойим ва ютиниб ёнидаги Қосим ювошга қараб олди, — боёқиш ўзи ҳарбийга ёзилиб кетувди, жағи-кўзидан ажралиб қайтди. Биласиз, хотинининг тоби йўқ. Болалари кўп. Ишга жўнаётувдим, келиб қолди. Ейишга ҳеч вақоси йўқмиш. Ёрдам беринглар, кузда меҳнатидан босиб қоларсизлар.

— Нима деб валдираяпсан? — Ҳосилот Миржамол ака ойимнинг гапини бўлди. — Нима, бошқалар еб, у қуруқ қолибдими? Омборда бир қадоқ ҳам дон йўқ. Қачондан бери ўзинг қолиб, ўзгаларнинг қорнини ўйлайдиган бўлиб қолдинг?

— Миржамол ака, — ойимнинг қошлари йиғилди, — ҳамма

гапирса ҳам сиз гапирманг. Ўзим учун эмас, Қосим учун олдиларингизга чиқдим. Уруш, қийинчилик, ҳаммасига тушунаман. Топган-тутганимизни ҳарбийдагиларга жўнатяпмиз. Сизлар ҳам тушунинглар. Ҳукумат ўзинг оч қолиб, топган-тутганингни ҳарбийга жўнат демаган. Сигирга ҳам овқат бермай соғаверсангиз, сут бермай қўяди. Саккиз бола зогчадай овқат сўраб, қағиллашиб туришса, иш кўнгилга сиғадими?

— Ким унга болани кўпайтирсин депти, — Миржамол ака курси чизиб тўнғиллади.

— Қўйинг-э, худога шак келтирманг, — деди ойим ва юзини кескин четга бурди, — болани худо беради...

— Омборда ҳеч нарса бўлмаса, нима берамиз?

— Раис ойимга термилди, — ўзингизнинг ишингизни билинг. Нега далага чиқмадингиз?

— Чиқаман! — Ойим бу гал ҳам кескин жавоб қилди. — Омборда ҳеч нарса йўқ деганингиз ёлгон. Агар Қосимнинг болаларига егулик бирор нарса бермасаларингиз идорадан чиқмайман.

— Қадимги замон бўлса мана шунақа шаллақи хотинларнинг тилини кесиб олишарди, — Миржамол ака яна раисга юзланиб тўнғиллади. Ойимнинг лаблари ва бурни атрофи титраб, шиддат билан олдинга силжиди ва курсини муштлади. — Оғзингга қараб гапир, — деди кейин у ва шу қадар титраб кетдики, гулдираб қолди, — ифлос, сен айтган замонлар ўтиб кетган. Менинг эрим ҳам катта ишларда ишлаган, орден олган, ҳарбийга ҳам ўзи ёзилиб кетди, сенга ўхшаб беркиниб қолмади. Сенлар учун ҳам қон тўкиб юрибди. Қайси куни арзимаган машоқ учун Ҳосилнинг хотинини урибсан. Эри ҳарбийдан қайтса кекирдагингни узиб ташлайди. Ким қўйибди сенга аёл кишига қўл кўтаришни. Энди аёлларга қўл кўтариб кўрчи, нақ қўлингни кетмон билан кесиб оламан. Машоқ ерда сочилиб ётса-ю, сен итлик қилсанг. Сен учун одамлар териб олгандан кўра, ерда чириб кетгани маъқул. Пердаш кечаси уйларингизга тегирмондан ун ташишини билмайди, деб ўйлайсизларми?

— Тухмат, — деди раис ва сапчиб туриб ойимга яқинлашди, — сизни судга бераман.

— Ушлаб берсам, бўйинларингизга оласизларми? — Ойим гапини давом қилди: — Яхши, одамларни ёнимга олиб пойлайман. Кейин ким кимни судга бериши маълум бўлади-қолади.

Хона жимиб қолди. Ойим титрар, гўё қаршисидагиларни нақ юлиб ташламоқчига ўхшаб кўринарди.

— Бунга худо бас келмаса, бандаси бас келолмайди, — деди Миржамол ака бошини кўтарай ва шу билан мағлуб бўлганини

англатиб қўйди.

— Қани, юринглар, омборга кирамиз, — деди ойим ва Қосим ювошни олдинга ўтказиб, ташқарига чиқди, — ким мард бўлса мен билан гаплашади. Жонимдан тўйиб юрибман.

Ойим ташқарига чиқиб, Қосим ювошни тўғри идора орқасидаги омбор томон бошлади. Идора орқаси майдон бўлиб, майдоннинг тўрида ташландиқ Кўк мачит қаққайиб турар, уруш бошлангандан кейин омборга айлантирилган эди. Ойим ҳамон шиддат билан Қосим ювошни омбор томон етаклаб борар, опаларим эса сувга тушган мушукдай бир-бирларига қараб олишар, ойимга қараб қўяр, ойим орқасига ўгирилса, юзимни четга бурар, юрагимда ойимга нисбатан қўрқув ва айни вақтда оташин бир муҳаббат туйғуси қўзғалиб келар, бу икки туйғу бир-бирларига қарши шиддатли жанг қилар, муҳаббат туйғуси тобора ғалаба қилиб борарди. Кутилмаганда ойим мен учун янги, яъни мутлақо шиддат ва кескинликлардан иборат қудратли бир дунё кашф қилаётганди. Ойимни доим шу ҳолда кўриш, кашф қилиш иштиёқи тобора вужудимни ҳаяжонга солиб борарди.

Сувоқлари нураган, қуббали устунлари хийла қийшайган омбор эшигини паст бўйли, чўтир бир одам қулфлаётганди, ойимни кўриб орқасига ўгирилди.

— Ҳайдар, беркитманг, — деди ойим ва тўғри эшикка яқинлашиб қулфни зулфидан чиқарди, — Қосимнинг болалари оч, озгина дон бермасангиз бўлмайди. Солидан рухсат олдим.

— Озгина дон бор, — деди чўтир, паст бўйли омборчи, — раиссиз беролмайман. Ўзи келсин.

— Оч, — ўшқирди ойим ва ҳаммамизни бирдан саросимага солиб қўйди, — бўлмаса уйингдаги нонни ҳам олиб чиқиб одамларга улашиб бераман. Раис билан тилинг бир-да!

Омборчи эшикни беркитишга уринганди, ойим итариб юборди-да, шашт билан ичкарига кирди. Опаларим ҳам ойимнинг орқасидан югуришди. Мен эса эшикдан мўралаб туравердим. Ойим бир қоп топди-да, кунчиқиш томондаги устун тагида сочилиб ётган дондан қоплай бошлади. Қоп ярим бўлгач, эшик олдидаги торозига қўйди, кейин ўзича бир нималар деб ғулдиради-да, қопни Қосим ювошнинг елкасига ортди.

— Орифа опа, раис мени қаматади, — деди ёлвориб чўтир омборчи ойимга.

— Аёлларга ўхшаб минғирлайверма, жавобини мен бераман, — ойим елкаси оша омборчига, сўнг ёнига — Қосим ювошга ўгирилди. — Қосим, жўна, болаларингни тинчит. Сенга ким тирноғини ҳам теккизса, ўша одам билан ўзим гаплашаман.

Ойим Қосим ювошни муйилишгача кузатиб борди. У бир юрар, бир тўхтар, ойимга, опаларимга қарар, қалт-қалт титраб, кўзлари ёшланиб борар, елкасида донли қоп кўтариб кетаётганига ишонмас, гўё кимдир тортиб олиб қўяётгандай, орқасига ўгирилаверардн. Ниҳоят у пастдаги кўчага бурилгач, елкасидаги донли қоп ўзиники бўлганига ишонди шекилли, ойимга қараб ҳўнграб юборди. Уни бирор вақт йиғлаганини кўрмаган ойим ҳам, опаларим ҳам ҳайратга тушиб бир-бирларига қараб қолишди. У гўё осмондан илк бор ерга тушган, илк бор ўғирлик қилаётгандай, ойимни тобора ҳайратга солиб ўзини ноқулай ҳис қилар эди. Тўғрироғи, бу, оч болалари, бемор хотини ўлим чангалида қолган бир пайтда уларни ҳаётга қайтариш олдидаги Қосим ювошнинг шодлик изтироблари эди. У, шу кез ойимга Яратувчига қарагандай кучли эътиқод билан қарар, бутун меҳр-муҳаббатини тўлалигича ойимга нисор қилишга ошиқарди. Унинг учун шу кез ер юзида сахий бир одам бўлса, у ҳам ойим, биргина муқаддас одам бўлса, у ҳам ойим, болалари-ю хотинининг бир халоскори бўлса, у ҳам ойимдай туйиларди, назаримда. Чамаси, ойим шу кез кўпдан бери оёқ остида топталган, хорланган Қосим ювошни хорлик, топталиш балосидан қутқариб олган эди. Қосим ювош ҳам кўпдан бери шундай одамни излаган, меҳр-муҳаббатини изҳор қилишга ошиққан, ниҳоят, топиб олганини ифода қилолмай қийналарди. Ойим эса бунга жўн қарар: “Нега йиғлайсан? Ахир шундай бўлиши керак-ку”, деяётгандай Қосим ювошга термиларди. Мен, ойимни илк бор мана шундай мард, иродали инсон қиёфасида кўрар, бундан қаттиқ ҳаяжонланардим. Бу шодлик, бахтиёрлик ҳаяжони эди. Ойим чиндан ҳам назаримда фақат одамларга яхшилик қилиш, эзгу ишларга яралгандай туюларди. Ойим шу кез бизгагина эмас, Қосим ювошга, унинг хотинига, болаларига ҳам оналик қилаётганди.

— Бўлди, бўлди, йиғлама, уят бўлади, — деди ойим Қосим ювошнинг ёнига яқинлашиб ва анча жойгача кузатиб қўйди. Сўнг далага, бугдой ўроғига жўнашди.

Мен бугун, “далага бораман”, деб жанжал қилмадим. Уйга кирибоқ, кўрган-кечирганларимни Мазифа опамга гапириб бердим. У ҳам ойимни яхши кўриши, бугун эса яна ҳам яхши кўриб қолганини фахр билан гапириб берди. Мен ойим ҳақида тинимсиз ўйлар, кундан-кун уни яхши кўриб бораётганимни ҳис қилардим. Миямга: “Ойим энди уришса ҳам жим, бошимни эгиб туравераман”, деган фикр урилди ва шундай қилишга қарор қилдим. Қалбимда ойимга нисбатан кучли бир меҳр туйғуси уйғонгандан-уйғониб келарди.

Йиллар ўтди. Ойимнинг шижоати, Қосим ювошга кўрсатган илтифоти, умуман одамларга нисбатан олижаноблик қилиши мени ҳайратга солгандан-солиб борди. Бошимни: “Ойим нима учун одамларни қадрлайди? Ҳатто ҳайвонларга ҳам ачинади. Ахир ҳамма ҳам ойимга ўхшамайди-ку. Бир-бирларининг Ватанларига бостириб киради, уруш қилади, бир-бирларини ўлдиради...” деган ўй тўлдирар, лекин саволларга жавоб тополмасдим. Ёшим улгайгандан кейингина ҳаммаси аён бўлди: бизнинг кичкинагина хонадонимиз ер юзидаги сонсиз-саноқсиз хонадонларнинг бири экан, холос. Хонадонимизни ер юзидаги хонадонларсиз тасаввур қилиб бўлмагани каби, ер юзидаги хонадонларни ҳам бизнинг хонадонсиз тасаввур қилиб бўлмас экан. Инсон! Ҳаммамиз шу муқаддас ном билан юритилар эканмиз. Инсоннинг бахти — барчамизнинг бахтимиз, инсоннинг фожиаси — барчамизнинг фожамиз бўлгани учун, биз — инсон болалари бир-биримизга доим қайғуришимиз, ҳайвонларга ҳам шафқат қилишимиз зарур экан...

Шу тушунчани англаган, шу туйғуни туйган оним ойимга бўлган муҳаббатим минг карра ошди.

ОРТИҚВОЙ ЎҒРИ

Қиш чиқиб, илк ҳамал шамоли олам узра таралган, яъни куртакларни уйғота бошлаган кунданоқ кўчада бригадир Ортиқвой ўғрининг: “Ҳой, далага!” — деган хитоби янграр, кейин, албатта, эшик қоқилар эди. Бу овоз доим тонг ёришиши олдида, бир метёрда ингичка ва ёқимсиз эшитилар, шу овозни эшитишим билан гўё танамга тикан санчилгандай сапчиб тушар, назаримда, Ортиқвой ўғри фақат бақириб, одамларни ишга чақириб учун туғилгандай туйилар эди. Илк бор унинг овозини эшитганимда катта бўлсам, бригадир бўламан, от чоптириб одамларни ишга чақираман, дея орзу қилган эдим. Кейинчалик эса бу овоз вужудимда ҳар куни одамларни азобларга чорлаётгандай ёқимсиз туйғу қўзғата бошлади ва ойим, опаларимни таҳликага солишини тушунганимдан кейин эса ундан нафратланадиган бўлиб қолдим. Чунки у ширин уйқумни бузар, тушларимни ора йўлда қолдирарди. Ортиқвой ўғрининг овози айниқса Маъриф ва Соифа опаларим учун бирдан-бир кўнгилсиз ҳолга айланган эди. Улар Ортиқвой ўғри келиши, эшик қоқиши, овози эшитилиши билан афтларини бужмайтиришиб, бошларини кўрпа остига яшириб олишар: “Бўйнинг узилсин, ўғри, овозинг ўчсин, ўғри!” қабалида нафратларини ифода қилишар эди. Чунки овоз эшитилиши билан боёқишлар иссиқ жойларини тарк этишар, нари-бери чой ичиб,

ўроқларини елкаларига кўйиб далага жўнашар эди. Мен учун кўпроқ эшик қоқилгандан кейинги, яъни опаларимнинг оёқлари куйган товукқа ўшаб типирчилаб қолишлари, афтларининг даҳшатли тиришишларини кўриш ҳам мароқли, ҳам қайғули эди. Гўё пирамандан кўрпа устига илон тушгандай опаларим бригадирнинг овозидан сапчиб туришар, ўзларини турли томонга уришар, эрта турган, ишга отланган қиёфага киргизишга тиришар эдилар. Эшик очилиб, Ортиқвой ўғрининг турқи кўриниши билан эса опаларим, албатта ўроқларини елкаларига кўйишган бўлар, чунки улар дўқ-пўписадан ҳам кўра Ортиқвой ўғрининг овозидан кўрқишар эди. Ортиқвой ўғри узун бўйли, юз суяклари туртиб чиқиб, жағлари ичига тортиб кетган, шилпиқ қовоқ, кўзларида доим кимдандир ўч олишга шайланган бадфеъл одам важоҳати акс этиб турар эди. У ҳаддан зиёд баджаҳл, оғзи суюқ одам эди. Аёлларни уят сўзлар билан сўкар, бу ҳам камлик қилгандай, баъзан қамчи билан аёвсиз савалар эди. Бир йил муқаддам у чап кўлининг кафтидан жароҳатланиб ҳарбийдан қайтган эди. Кўшни аёллар Ортиқвой ўғри ҳақида гаплашишганда асабийлашиб, баъзан: “Кўлини ўзи отиб келган”, дейишарди.

Ўша куни ҳам ойим эндигина тортиқдан хабар олиш учун томга чиқмоқчи бўлиб нарвонга оёғини қўйган эди, Ортиқвой ўғри эшикни қоқиб қолди-ю, дарҳол орқасига қайтишга мажбур бўлди. Ўроғини елкасига кўйиб, жимгина далага жўнади.

Ойим даладан қайтар, одати бўйича ҳар куни томга чиқиб тортиқдан хабар олар эди. Шу куни даладан эртароқ қайтди ва сал ўтмай кўзлари ола-кула бўлиб ҳовлига тушди.

— Шўримиз қурибди, — деди ҳовлида серрайиб турган Маърифа опамга, тортиқни ўғирлаб кетишибди.

— Ростданми? — деди-ю, Маърифа опамнинг кўзлари ёшланиб кетди.

Ким ўғирладийкин?

— Гўрсўхта Ортиқвой ўғридан бўлак ким ҳам оларди, — гапини давом қилди ойим. — Ёмон ўлмайдиям. Эрталаб идорага чиқаман, уйини тинтув қилдираман. Унинг дастидан на уйда, на далада тинчлик бор.

Ойим, опаларим нарвон тагида узоқ туришиб, тортиқни ким олгани ҳақида баҳслашдилар ва ниҳоят Ортиқвой ўғридан бошқа ҳеч ким олмайди, деган қарорга келдилар.

Ортиқвой ўғри ҳарбийдан қайтиши биланоқ эркакларнинг камлиги сабабли бригадирликка сайланган, эшитишимга қараганда, у даладан қайтиб озгина ухлаб олиб, тунлари изғир, ўғирлик қилар экан. У кўзига илинган нарсани кўтариб кетаверар, хуллас, кўрса

ҳазил, кўрмаса чин қабилида иш кўрадиган ўғри эди. Одамлар уни бригадир бўлгунча бир неча бор ўғирлик устида қўлга туширишган, уялтиришган, бари бир қилмишига пушаймон бўлмаган, хуллас, роса суяги қотган ўғри, яъни ови юришмаган кезлари кетмоннинг сопини ҳам ўғирлаб, шу билан кўнглини тинчитар экан. Шунинг учун ҳам “ўғри” лақабини олган бўлиши керак. Авваллари ўғирликни ошкор қилса, энди пинҳон қиларди. Ортиқвой ўғрининг ҳовлиси томимизни орқа томонида, Ҳожи оқсоқол деган қўшнимизнинг деворига туташ эди. Уйи бир айвон, ертўлага ўхшаш паст бир хонадан иборат бўлиб, айвони олдига доим пистапоя тутиглик турар, ҳовлиси деворсиз ва ўтлар ўсиб ётар эди. Ибо исмли хотини паст бўйли, кўкраклари туртиб чиққан, ёз-қиш битта, қорайиб ёғи чиқиб кетган кўйлагини ташламас, ўзича минғирлаб юрар эди. Ортиқвой ўғри ҳам, хотини ҳам қўшниларникига чиқмас, чиққан тақдирда ҳам кечки овқат палласида чиқишар, ўзлари эса уйларига қўшниларининг чиқишини ёқтиришмасди. Ибо хола кун бўйи ҳовлида ивирсиб юрар, аксари ямоқ ямар, қоронғи тушишини кутар, сўнг қозонга олов ёқар эди.

Унинг биринчи эридан Сарвинисо исмли қизи, Тўйтепада турадиган Абдурахим исмли ўғли бор эди. Ортиқвой ўғридан орттирган Эргаш исмли ўғли эса мендан бир ёш кичик бўлиб, заҳил юзли, япалоқ бурунли, инжиқ, қорни шишадиган бола эди. У ҳам отаси, онасига ўхшаб ичимдагини топ, баджаҳл бола эди, унинг устига кесак ер, онаси доим қўлига уриб, кесагини тортиб олганини кўп бор кўргандим. У кўнглига ёқмайдиган гап эшитса ё бирор одам бирор ерига тегиб кетгудай бўлса, тишлар, тимдалар эди. Ортиқвой ўғри ўғай қизи Сарвинисони юқори маҳаллада турадиган ва ҳарбийдан чап қўлининг кафтидан жароҳатланиб қайтган Халил исмли кишига турмушга берган эди. Халил бугдойранг, кўк кўзли, қирра бурун, қайнотасига ўхшаш турқи совуқ одам эди. Қишлоқда ҳафтасига бир ёки икки марта кўй-эчки йўқолиб турар, ўғри, шубҳасиз, шу қайнота билан куёв бўлар, лекин ҳеч ким қўлга туширолмагани сабабли уларни очиқ айблашга ботинмасди.

Тортиқ ўғирланган кунни ойим кечқурун бизни бошлаб томга олиб чиқди. Ойим, опаларим узоқ ва синчиклаб пичан гарамини титкилаб чиқишгач, тортиқнинг қаердан, қандай ўғирланганини муҳокама қилишга киришишди. Тортиқ жуда усталик билан олиниб, пичан ҳам қайтадан жуда усталик билан тахлаб кўйилган, бирон-бир из, белги кўринмасди.

— Ойи, мана бу ерга нарвон қўйинлибди, — деди бир пайт Маърифа опам шивирлаб, — гўрсўхтанинг ҳовлиси томондан

қўйилган.

Ойим бўғотга яқинлашиб, қўлларини тиззаларига тираб эгилди-да, диққат билан кузатди. Бўғотнинг қамишлари эзилган, нарвон чиндан ҳам томга Ортиқвой ўғрининг ҳовлиси томонидан қўйилган эди.

— Тўғри айтасан, — деди ойим ниҳоят қаддини ростлаб, Маърифа опамга юзланар экан, — гўрсўхтадан бошқа ҳеч ким олмаган.

Ойим ҳовлига тушиб кетганидан кейин ҳам опаларим Ортиқвой ўғрининг уйига қараб узоқ туришди. Важоҳатларидан Ортиқвой ўғри ҳовлисига чиқиб қолса қарғашиб, хумордан чиқиб олмоқчи бўлаётганликлари кўриниб турарди. Лекин у чиқмади. Охири опаларимнинг ҳафсалалари пир бўлиб, кўпдан бери бир-бирлари билан юлишган ва абадий гаплашмай қўйишган одамлардай тундлашиб ҳовлига тушишди. Ойим рўмолининг учларини кўксига ташлаб кўчага чиқди. Мен ҳам этагимга ёпишган Камолнинг қўлини олиб ташлаб, ойимнинг орқасидан югурдим. Ойим Ҳожи оқсоқолнинг томи орқасидан айланиб ўтиб, Ортиқвой ўғрининг ҳовлисига кирди, лекин pistaпоя тутиб қўйилган айвонга етгач, бир нафас тўхтаб қолди-да, сўнг қисқа йўталиб кўзгалди ва эшикка тутилган қопнинг бир четини кўтариб, ичкарига мўралади, тирсақлари орасидан мен ҳам бошимни тикдим. Ичкари қоронғи бўлиб, кимдир пишиллаб нафас олар, кимдир тамшанар эди. Ниҳоят ичкари бир оз ёришди-ю, ўтирганларни кўриш имкони туғилди. Ортиқвой ўғри сандалга орқасини тираб кавшанарди. У бизни кўриши билан бошини эгди ва оғзини артиб, гўё ўзини билмаган, кўрмаганга олди.

— Ассалом алайкум! — деди ойим ва титиғи чиқиб кетган шолчанинг бир четига омонатгина ўтирди. Лекин Ортиқвой ўғридан садо чиқмади. Мен ойимнинг ёнига ўтириб, отаси ёнида ҳансираётган Эргашнинг тўпиғидан чимчиладим. Эргаш чағир кўзларини юмиб афтини тириштирди-да, билагимга чангал солди. Тирноқлар зарбидан билагимда қизғиш излар қолиб, салдан кейин эса ўрни қонади ва қабариб ҳам чиқди. Оғриқ азобига тортиқнинг ўғирлангани алами кўшилиб кетди-ю, ғазабдан Эргашнинг юзига қулочкашлаб қўйиб юбордим. Муштлашиб кетдик. Ойим елкамдан босиб:

— Ҳой, жинни-пинни бўлдингми? — деди-ю, қил-қизариб кетди. Бу билан мен гўё тортиқнинг ўғирланганини Ортиқвой ўғрининг бўйнига қўяётган эканман.

— Қўйиб юборинг, ўғрини ўлдираман, — дедим Эргаш томонга талпиниб.

— Ўғлингга сен ўргатгансан-да, а? — деди Ортиқвой ўғри бошини кўтариб.

— Ұлай агар, — ойим саросимага тушиб қолди, елкамга муштлади, — бола-да, оғзига келганини валдирайверади. Ортиқвой ака, Анварнинг отаси ҳарбийдан арзимаган тортиқ юборувди. Соддалигим курсин, томга олиб чиқиб, пичан тагига яшириб кўювдим, кимдир ўғирлаб кетибди. Нарвон томнинг орқасидан — ойим бу гал ҳам сизнинг ҳовлингиз томондан қўйилибди деёлмади — қўйилибди.

Мабодо кўзингиз тушмадимми?

— Ұзинг кўрасан, даладан қайтибоқ ётаман, — жавоб қилди Ортиқвой ўғри, — ташқарига чиқмасам, қаёқдан кўраман, — у иложи борича ўзини мўмин-қобил одам қилиб кўрсатишга урина бошлади. — Номинг бир ёмонотлиққа чиқмасин экан. Бўрининг еса ҳам, емаса ҳам оғзи қон экан. Мен асли ҳеч қачон ўғирлик қилмаганман. Бир марта кетмонга соп ўғирлаган бўлсам, керак бўлганидан ўғирлаганман. Шу бир кетмон сопи деб номим ўғрига чиқди. Намозхонман, менинг ҳам худодан умидим бор. Колхоз катталари, халқ ишониб менга бригадирликни топшириб қўйибди. Қариганимда фарзанд кўрдим. Кўшнимсан. Қолаверса, келинимсан. Жўжабирдай жонсан. Аёл бошинг билан тўрт болани боқиб ўтирибсан. Мени ўғри қилиб чиқишинг инсофдан эмас. Худодан уял. Олган бўлсам мана бу фарзандимнинг тобутига ёпай.

— Ортиқвой ака, — ойим гулдирай-гулдирай аранг тилини ўнглаб олди, — худо бор, агар сизни ўғри қилсам. Мабодо ташқарига чиққан бўлсангиз, кўзингиз тушмадимикин, демоқчиман.

— Худога сол, — деди Ортиқвой ўғри ойим бир оз шаштидан тушгач, — камбағалнинг ҳақиға хиёнат қилган одам худонинг ғазабига учрайди.

— Майли, хафа бўлманг, — деди ойим кирганига хижолат бўлиб ўрnidан тураркан.

— Ұғри, — дедим чиқиб кетаётиб Эргашга.

Эргаш жазавага тушиб, олдидаги сопол товоққа ёпишган эди, отаси қўлини ушлади-да:

— Аҳмоқ, бир бетамизни деб товоқни синдирасанми? — деди.

— Товоқ синдиришга арзийдими булар?

— Ортиқвой ака, — деди ойим орқасига ўгирилиб, — норасида болани бетамиз дегани уялинг.

Шундай қилиб тортиқдан ҳам ажралиб қолдик.

Ойим кўчага чиқар, одамларнинг оғзига термилар, тортиқ ҳақида бирор гап чиқиб қолармикин, дея кутар, лекин бирор аниқ хабар эшитмас, ноилож орқасига қайтарди. Опаларим тортиқнинг йўқолганига чиндан ҳам ишонишгач: “Кўйлагим

чиройли эди, ҳайитга киймоқчи эдим”, дея кўз ёш қилиб олишди.

— Қани, далага жўнанглр.

Бу гал на ойим, на опаларим Ортиқвой ўғрининг гапига эътибор беришди. Эшитмаганга олиб тураверишди. Унинг ўзи гулдирай-гулдирай орқасига қайтди. Бу билан у “тортиқ”ни ўғирлаганини сездириб қўйган, ўзини оқлаш учун шундай қилаётгани англашилиб турар эди.

Тортиқ ўғирланди. Уни, шубҳасиз, Ортиқвой ўғри ўғирлади. Шу кундан бошлаб мен одамларга шубҳа билан қарайдиган бўлдим.

Ортиқвой ўғри Маърифа, Соифа опамга амаки, яъни ойимнинг кўз очиб кўрган ёстикдоши Расулвой исмли кишининг акаси эди. Лекин мен шу пайтгача опаларим билан Ортиқвой ўғри орасида қондошлик меҳр-оқибатини кўрмагандим. Қаҳри қаттиқ бу одам ҳатто укаси Расулвой вафот этганда ҳам қайғурмаган экан. Ойим доим: “Ўзбеклар асли бир ота, бир онанинг фарзандлари, улар бир-бирларига хиёнат қилмасликлари керак”, дерди. Хўш? Шундай экан, нима учун Ортиқвой ўғри ўз жиянларининг ҳаққига хиёнат қилди?! Борди-ю, унинг ҳаққига ҳам бошқалар хиёнат қилса, нима деган бўлар-ди?! Қондошлик, инсоний поклик қани?! Умуман, нима учун одамлар бир-бирларига хиёнат қиладилар?! Ахир бу, биз — инсон болаларининг қусури, фожиаси-ку! Инсоннинг нопок қисми қачон ер юзидан қуриб кетади?! Қачон инсон мутлақо тозаланиб, покланиб олади?!

Бу, менинг “катта” ва “кичик хонадон” аъзолари — инсонни англаганимдан кейинги мулоҳазаларим эди...

ЭРТАК

Ойим қирқ беш ёшлардаги, бўйи ўртадан баландроқ, қадди тик, қотма аёл бўлиб, қўллари эркакларникига ўхшаш йўғон, гўштдор ва сертомир эди. Пешонаси кенг, юзи иякларига етиб тораяр, бурни тўғри, уч томони хиёл кенг, лаблари юпқа ва қорамтир, қовоқлари таранг, тимқора кўзларидан доим олижаноблик ва саховат нурлари ёғилиб турар, таг-тагида эса узоқ дард чеккан беморникидай ҳаётдан қониқмаслик туйғуси, ўтмишга ўкинч билан қараш каби аломатлар чўкиб ётар эди. Чехраси салгина қайғудан дарҳол ғамгинлашар, худди шундай салгина шодликдан дарҳол чарақлаб кетар эди. Ойим таъсирчан аёл эди ва бу уни вақтидан олдинроқ қаритиб, айни вақтда асабий қилиб қўйган эди. У керак пайтда ҳиссиётини жиловлаш олар эди. Аммо меҳр-муҳаббатга келганда тергай олмас. Катта-кичикка бирдай сарфлайверар эди. Ойим таъсирчан бўлгани учун ҳам дарахтлар,

ҳатто ҳайвонларга ҳам юксак бир муҳаббат туйғуси билан қарар, умуман бирон-бир нарсага озор етказиш унинг учун биринчи ва сўнгги кўнгилсизлик эди. У қуриб қолган дарахтни ҳам кесишга ботинолмас, кўчада тентираб юрган итларни ҳам олиб келиб боқар, баъзан уйимиз итларга тўлиб кетар, боласига ачинганидан ҳатто эчкимизни ҳам кам соғарди. Ойимнинг хотираси кучли бўлиб, эшитган, кўрган-кечирганларини бир неча йилдан кейин ҳам ҳозиргидай янглишмай, чиройли ва аниқ, ифодали қилиб галириб бера олар эди. У кучли ирода соҳибаси ҳам эди, бироқ ҳомиладор аёлларни кўрса, ё қўшниларики эри, ё ўғли ҳарбийга кетганини эшитса, узоқ вақт йиғлаб юрар, овқат ҳам емай қўярди. Шу билан бирга у ёмон одамларга нисбатан ўта шафқатсиз, дангаса, инжиқ эркаклардан эса қаттиқ нафратланар, яхшига назокатли муомала қилар эди. Ойим эрта турар, кеч ётар, деҳқон қизи бўлгани учун ҳам дангасаликни билмас, агар унинг учун ягона муқаддаслик бўлса, бу ҳам — деҳқон меҳнати эди ва бизни меҳнатсеварликка кўниктириш эди. Ойим мактаб кўрмаган, мутлақо саводсиз аёл эди, лекин одамларнинг касби билан қизиқар, ўқимишли кишиларга эса кучли эътиқод қўйиб қоларди. Нон етишмаган ё бирор кўнгилсизлик юз берганда ойим эртақ айтиб кўнглимизни кўтариш, фикримизни чалғитиш йўлини излар, топа олар ҳам эди.

Тортиқ ўғирланган кунларнинг бирида ойим даладан қайтиб ўзи қозон қопқоғига ёпиб қуритиб қўйган шафтоли баргидан солиб чой дамлади. Кейин шифтдаги саватни олиб, қолган иккита зогорани олти бўлакка бўлди-да, кичигини ўзи олди. Қорнимиз тўймай, кўзларимиз мўлтайиб қолганини кўрган ойим чордана қуриб ўтарди, ўн бешинчи асрнинг қориндор шоҳларидай — бундай суратларни бир китобда кўрувдим — қўлларини муштлаб тиззаларига тиради ва елкаларини кўтариб, бошини хиёл эгар экан:

— Қани, келинлар, жўжаларим, — деди овозини дўриллатиб чиқаришга уриниб, — ҳозир мен сизларга ажойиб эртақ айтиб бераман. Бу эртақни яёвлар у ёқда турсин, отлиқлар ҳам эшитмаган. Ҳали бу эртақнинг қаймоғи бузилмаган.

Соифа опам қошларини чимириб сочларини елкаси оша орқасига ташлади.

— Худога шукур, мана бу тирранчанинг хархашасидан қутуладиган бўлибман, — Маърифа опам Камолни ёнига тортиб бошини силади. — Бирпас жим ўтиргин энди.

Мўмин-қобил Мазифа опамга ҳам қутилмаганда жон кириб тиржайди-да, ойим томонга сурилиб ўтирди. Мен эса тирсақларимни Мазифа опамнинг тиззасига тираб, кафтимга иякларимни қўйганча “отлиққа” ҳам насиб бўлмаган эртақни тинглашга шайландим.

— Ойи! — Камол кўкрак сўраб хархаша қилди.

— Жим! — деди Маърифа опам бош бармоғини лабларига босиб, — кап-катта бўлсанг ҳам эмаман дейсан-а, уят бўлади.

— Ҳой тойчоқларим, — дея ойим мен билан Камол томонга юзланди, — сизларга битта шартим бор. Йўқ десаларинг эртакни айтиб бермайман.

— Қанақа шарт? — сўради Мазифа опам, мен билан Камолдан жавоб бўлмагач.

— Эртак тугагандан кейин зоғора деб жанжал қилмайсизлар, — жавоб қилди ойим, — ётиб ухлайсизлар. Узи эртакдан кейин ҳеч нарса сўраб бўлмайди.

— Нега? — деб такрор сўради Мазифа опам.

— Зоғора сўрасаларинг эртакдаги девлар тушларингга кириб кўрқитади, кейин лабларингга учуқ тошади, — ойим шундай деб туриб кулиб юборди, чунки эртак зоғора сўрамаслигимиз учунгина айтилаётганини ўзи ошкор қилиб қўйган эди.

— Бир бор экан, бир йўқ экан, — ниҳоят ойим гап чувалашмасин деган ниятдами ё нон сўраб қолмаслигимиз учун бизни алдаётгани ўзини зериктирдими, хуллас, эртакни бошлаб юборди, — қадим-қадим замонларда, мағрибда десаммикин, машриқда десаммикин, Кўҳи Қоф деган тоғ бўлар экан. Тоғ шу қадар баланд экан-ки, ер юзининг ҳамма томонидан бемалол кўриниб турар экан. Ана шу тоғнинг этагида жаннатмакон бир ўлка — Боғи Эрам бор экан. — Ойим бир нафас жим қолиб лабини тишлади, чамаси, бу билан эртакнинг давомини яхши эслаб, тасаввур қилиб олгандан сўнг, эртакни яна ҳам мароқли қилиб айтиш, шу билан фикримизни мутлақо қарам қилиш ва нон сўрашга мутлоқ имкон туғдирмасликка тиришаётган эди. — Бу ўлкага шу пайтгача бирор босқинчи бостириб кирмаган экан, — гапини улаб кетди ойим, — қуёш ҳам сузиб борармишу ботмасмиш. Шу десангиз Боғи Эрамда укки кўзли булоқлар биқир-биқир қайнаб ётармиш. Ўша булоқ сувидан бир ичган қари одам бирдан ёшариб қолармиш. Булоқ атрофида эса ранго-ранг гуллар қийғос очилиб ётармиш. Гуллардан бир ҳидлаган одам маст бўлиб қолармиш. Дарахтларда тайёр ёпилган... йўқ-йўқ, — ойим чамаси шу ерга етганда бирдан ҳали-замон ўзи нон ҳақида гапиришимизни тақиклаб қўйганини эслаб қолди шекилли, “нон” сўзини “пахта” сўзи билан алмаштирди, — пахталар очилиб ётармиш. Дарахтлар остидаги олтин ҳовузлар атрофида эса мармар супалару зиналар бўлармиш. Олтин балиқлар зилол сувлардан сакраб чиқишиб, оламни олтин рангга бўяшиб, мармар супалар-да бир нафас дам олишармиш-да, шўнғиб кетишармиш. Қанотлари олтин, кўзлари

дур, оёқлари ёқут қушлар ҳам шохдан-шоҳга учиб-қўниб тинмай вижирлармиш. Сайроқдан олтин балиқлар, олтин ҳовузлар, ҳатто мрамар супалар ҳам эриб кетармиш, дарахтлар эса бошларини эгиб қолармиш. Қуёш, ой ҳам жойида тўхтаб қолармиш. Ана шу Боғи Эрамда ёши ҳам, бўйи ҳам тенг қирқ пари қизлар яшармиш. Либослари турли рангда эмиш.

— Ойи, нима, уларда чит кўйлақ бўлмайдими? — деб сўраб қолди Соифа опам.

— Чит кўйлақ кийишни сенларга ўхшаган қишлоқи қизларга чиқарган, пари қизлар чит кўйлагингни бошларига уришадими, — жавоб қилди ойим фикрини бўлиб юборган Соифа опамга койиганнамо боқиб, — ҳозир мен сенга нима дедим?

— Бўлди, бошқа гапирмайман, — бўйинини қисиб қолди Соифа опам ва гўё ойим эртакни етган ерида тўхтатиб қўядигандай лабларини қимтиди. Эртакни давом эттирди, — пари қизларнинг олтин рангли сочлари узунлигидан ерга судралиб юрармиш. Уларнинг қўллари гунча, оёқлари гул япроғиданмиш. Кўрган одамни ҳушидан оздириб қўярмиш. Пари қизлар дард-аламларини фақат қўшиқ, рақс билан ифода қилармишлар. Ҳовузлар ўртасида фаввора отилиб ётармиш. Турли рангда товланувчи ўша фавворалар мрамар супаларга сочилармиш. Пари қизлар гул япроқли оёқчаларини намхуш мрамар зиналарга босишиб, қўлларини ёзишиб, нозик белларини турли томонга эгишиб, аламли қўшиқ куйлашармиш. Намхуш зиналарга кўкракларини бериб ётган сархуш товуслар “киғ-киғ!” дея фарёд чекиб юборармишлар. Худди шу пайт қаердандир: “Боғи Эрам гўзалу девлари ёмон! Улар бизни асир қилиб, эркимизни олиб қўйишган! Боғи Эрамни дўзахга айлантирган девлар!” — деган нола янгрармиш.

— Кимнинг ноласи? — Маърифа опам энтикиб савол берган эди:

— “Берди”сини айтгунча уриб ўлдирма, — дея жеркиб берди ойим.

— Майли, айтаверинг, — Маърифа опам жимиб қолди.

— Олтин супаларда, — ойим эртакни давом эттирди, — олти пари қизлар ўтиришиб уд, дутор, сетор, чанг, зумрад чалармишлар. Яна олти пари қизлар эса “шашмақом”ни куйлармишлар. Куй, қўшиқ бир жойга етган-да, Боғи Эрам дод-фарёдга тўлиб кетганда эса пари қизлар ўзларини сувга отармишлар. Кейин, кейин десангиз, дод-фарёдлар тиниб, мрамар зиналару йўлақларда пари қизларнинг оёқлари овози ва олтин билагузукларнинг сирли нолалари, жаранг-журунглари янгрармиш. Пари қизларнинг аҳволига осмон ҳам йиглармиш, осмондан олтин ёмғирлар ёғармиш. — Ойим жимиб қолди ва пешонасини сиқиб туриб зўрга гапини давом қилди: — Пари қизлар орзу нималигини билмасмиш.

Бунга йўл қўйишмасмиш. Уларнинг атрофларини тўртта катта бошлари аравадай, кўллари харидай, кўзлари эса тандирдай девлар қўриқлаб ётармиш. Девлар наъра тортишса, осмонда момақалдироқ гумбурлаб, чақмоқ чақиб, тиканли тошлар ёға бошлармиш. Пари қизлар девларни безовта қилмаслик учун дардларини ичларига ютиб, шикоят қилмасмишлар. Девлар уйқуга толгандан кейингина бир-бирларига ҳасрат қилармишлар.

Ойим эртакни тугатганда бошлар эгилганди, киприқлар ораси ялтирар эди.

— Ойи, — деди Маърифа опам паришон, — одам ҳам пари қизларга айланиб қолиши мумкинми?

— Иха-ха-ха... — ойим кулиб юборди, — эсингни едингми? Кап-катта хотин. Уч боланинг онаси бўла туриб шундай дейишга уял-э.

— Ойи, ўша ерга бориб бўлармикин? — деди Соифа опам ҳам кўзлари ёшланиб.

— Хўш? Бориб бўлса нима қилардинг? — ойим қизиқсиниб сўради.

— Ортиқвой ўгрининг даласи ҳам, ўроғи ҳам жонимга тегди, — эзилиб жавоб қилди Соифа опам, — ўша ерга бориб бўлса, кетиб, пари қизларга қўшилиб олардим.

— Эсипаст, — тўнгиллади ойим, — аввало, пари қизларга қўшилиш мумкинмас. Ундан кейин сенинг чит кўйлагинг, иттумшуқ калишинг билан пари қизлар сени ўлақолишса ҳам сафларнга қўшишмайди. Йил бўйи сочингга бир ялам қатиқ тегдими-йўқми. У ерда овқат еб бўлмайди, сен боришинг билан меваларга ёпишасан. Кейин битта олма учун Одам Ато, Момо Ҳаво жаннатдан ҳайдалгандай, сен ҳам Боғи Эрамдан ҳайдаласан.

— Борсам ҳеч нарсага тегмасдим, — деди Соифа опам бу гал бола қиёфасига кириб ва кўзлари ёшланиб кетди.

— Бор, борақол, мингирлайвериб жонимга тегдинг, — деди ойим жилмайиб. — Бориб қолсам мени ҳам мевалар билан меҳмон қиларсан. Хўш? Мазифа қизим, эртак сенга ёқдими?

— Ёқди-ю... — дея аранг гапини ўнглаб олди Мазифа опам. — Ёқсаям бари бир мен бормасдим. Девлар бор экан. Борганим билан бари бир овқат егизмас экан-ку.

Ойим қаҳ-қаҳ отиб кулди ва бу гал кулгига опаларим ҳам қўшилишди. Чунки гап айланиб яна овқатга тақалаётган эди.

— Хўш? Анварбой, — ойим бошимни силаб туриб мурожаат қилди менга, — эртак сенга ёқдими?

Бу пайт қўл-оёқларим ҳолсизланиб қолган, тўғрироғи, ўзимни эриб кетгандай ҳис қилар, гўё одамлигимни унутиб, хаёлан аллақачон олтин болага айланиб, пари қизлар ичида ўйнаб юрган эдим, ойим мени ўз ихтиёримсиз пари қизлар орасидан, Боғи

Эрамдан қайтариб олиб чиқди.

— Катта бўлсам, албатта бораман, — жавоб қилдим ниҳоят хушимни йигиб олгач, тасаввуримдаги пари қизларни хотирамда тутиб туриб, ханжар сотиб олиб девларни ўлдираман.

Ойимнинг кўзлари бирдан катта очилиб, юзи жиддий тус олди ва менга узоқ термилиб қолди. Бир лайт ёнига тортиб аввал пешонам, кўзларимни силади, сўнг ўпди.

— Ўғлимдан ўргилай, — деди секин бошимни силай туриб, — пешонанг кенг, катта бўлсанг бир ишнинг бошини тутасан. Қанийди катта бўлсанг, девларни ўлдириб ўша пари қизларни асирликдан қутқарсанг... Бирини ўзингга олиб берардим.

— Керакмас, керакмас, — тўнғилладим, — ҳеч ҳам хотин олмайман.

— Хўп, хўп, — дея ойим дарҳол юпатишга тушди, — қани айт-чи, девларни ўлдиришни кимдан эшитган эдинг?

Ўйланиб қолдим, узоқ гўлдираб турдим, бари бир девларни ўлдириш зарурлигини кимдан эшитганимни эслолмадим.

— Эртақларда ботирлар девларни ўлдиришарди-ку, — дейишдан нарига ўтолмадим.

— Тўғри, — деди ойим ва яна пешонамни силади. — Умуман, девларни ҳамма жойда ўлдириш керак. — Шу билан ҳаяжонлар, орзулар, ҳиссиётлар исёни ҳам тугади.

Тун аллақачон чўккан, чигирткаларнинг чириллашлари кучайиб, ҳазинлашган эди. Ойим, опаларим гўё ёт-бегоналардай бир-бирларига терс ўгирилиб ёстиққа ёнбошлашди. Аммо мен узоқ вақтгача ухлолмай ётдим. Кўзларимни юмишга, юмгач эса Боғи Эрам манзарасини қочириб юборишга кўрқар, тўғрироғи, қизғанар, вужудим билинар-билинемас титрар, бошим эса бамисоли қовоғ арининг уясидай гувиллар эди. Мен, шу кез ойим, опаларим ухлаб ётишган ҳақиқий дунёдан узилиб қолган, Боғи Эрам — афсонавий дунёга кўчиб ўтган эдим. Кўзларимга илинаётган ва шу кунгача кўрган, билганларим ва ўзим талпинган бутун муқаддасликларгача мендан узоқлашиб кетган, ҳаммаси ёлғондай туюла бошлаганди. Хаёл ва ўйларим тобора қуюқлашиб борар, тасаввурим ҳам фақат эртақдаги манзарани зўр бериб жонлантирар, оташин бир иштиёқ билан хотирамга михлаб ташлаб, абадийлик бағишляётган эди. Тасаввуримдаги бошлари Ортиқвой ўғрининг бошига айланган девлар бирдан ваҳшийлашиб, бир-бирларига бало-қазодай ташланишар, гўштларини узиб олишиб, ютиб юборишар, бундай кезлар пари қизлар чирқирашиб турли томонга қочишар, ўзларини фавворага уришарди. Назаримда, пари қизлар мен томонга қочишар, мен уларнинг ердан узилаётган гул япроғидай сеҳрли оёқларининг “чип-чип”

овозларини аниқ ҳис этиб турардим. Пари қизлар қўлларини мен томонга чўзишиб, гўё: “Анваржон! — дея хитоб қилишарди. — Ўрнингдан тур, қўлингга ханжар олу, бизни ана шу девларнинг чангалидан қутқар, абадий асирликдан халос эт!” Фикрларим шу ерга етганда юрагимни қўрқув босар, вужудим даҳшатли титрар, мен бошимни дарҳол кўрпа остига яширар, ҳеч ким, ҳеч нарса йўқлигига қаноат ҳосил қилгач, яна кўрпани очиб ташлар эдим. Кейин бошимни биргина — катта бўлсам албатта пари қизлар олдига бораман, уларга қўшилиб оламан, деган ўй эгаллаб олар, айна чоғда: “Қани тезроқ олтин болага айланиб қола қолсам”, деган фикр ўтарди хаёлимдан. Ҳа, Боғи Эрамга бораману, бошқа орқамга қайтмайман! Балки Эркин ўша Боғи Эрамга киргандир, пари қизларга қўшилиб олгандир. Ахир ойим, Эркин “хурга” айланиб кетди, деганди-ку. Топиб олсам яхши бўларди. Нима бўлса ҳам олтин болага айланиб олсам бўлгани! Йўқ, яхшиси, пари қизларни уйга бошлаб кела қоламан. Шошма, улар урушни эшитиб қолишса, нима бўлади? Қочиб кетишса-я. Бари бир у ерда ҳам девлар бор экан-ку. Девлар уларни қамаб ётишар экан-ку!” Бу тариқа хаёлан олтин болага айланиб колар, тўғрироғи, ўзим ўзимни олтин болага айлантириб олар, пари қизлар орасига кирар, ўзимни катталардай улугвор қиёфага киргизар эдим. Кейин бирдан ўзимни паҳлавон одамлардай ҳис қилар, қўлимга ханжар олиб, хаёлан девларга қарши жанг бошлар, парча-парчага бўлиб ташлар, кўнглимнинг тўридан “Урей!” хитоби қайнаб чиқар, атрофимдагиларни чўчитиб юбормаслик учун оғзимни чангаллардим. Худди шу кез, назаримда, пари қизлар атрофимни ўраб олишиб: “Яша, ботир йигит, бизни қутқардинг”, дея хитоб қилишарди. Гоҳ ўзимни олтин япроқли дарахтлар соясида ухлаб ётган, пари қизлар тепамда елпиб ўтиришган, гоҳ уларга қўшилиб рақс қилаётган, гоҳ оҳулар билан қувишиб юрган ҳолда тасаввур қилардим. Тасаввурларим доираси кенгайгандан-кенгайиб борар эди. Мен ўша кунни илк бор чуқур фикрлаган эдим. Бу мени мутлақо толиқтириб қўйган эди. Мен ҳеч қачон олтин болага айлана олмаслигим, бирор вақт пари қизлар олдига боришим мумкинмаслиги ҳақидаги тушунча толиқтириб қўйган эди. Эртак илк бор менинг ёш, мўрт, жажжи юраккинамни қийнаган, ҳақиқий ҳаётга бўлган оташин иштиёқни керагидан ортиқ жўштириб юборган, иккинчи бор ўлим олдида қўрқоқ қилиб қўйганди. Ўша кунни ойим, опаларим ухлаб қолишгандан кейин юм-юм йиғлаган, буни ҳеч кимга кўрсатмаслик, сездирмасликка тиришгандим. Бу менинг гўзаллик олдидаги илк бор йиғлашим эди. Мен кейинчалик Алпомиш ҳақида ҳам эртак эшитдим. Шу кундан бошлаб Алпомишга айланиб қолиш, дулдул отига миниб

Боғи Эрамга бориш, пари қизларни озод қилиш фикри миямни қамраб олди. Узоқ ёниб-ўртанишдан сўнг Боғи Эрамни тушимда кўришга муяссар бўлдим. Алпомишга айланиб қолганмишман. Дулдул отига миниб Боғи Эрамга учиб борганмишман. Ғазабнок девлар менга ҳамла қилармиш. Мен эса девларга аёвсиз қилич солармишман. Узоқ олишувдан кейин девларни ўлдириб пари қизларни озод қилганмишман. Асиралар атрофимни ўраб олиб: “Халоскоримиз Анвар-Алпомиш! Сенга раҳматлар бўлсин! Бизларни асрий қулликдан халос этдинг! Энди биз ҳам озодликка чиқиб, қолган умримизни роҳат-фароғатда ўтказамиз!” — дермиш.

Чўчиб уйғондим. Ойим, опаларим чой ичиб ўтиришарди.

— Девларни ўлдирдим, пари қизларни қутқардим! — дея қичқириб юбордим.

— Қачон? — сўради ойим ҳайрон бўлиб. Ўйланиб қолдим.

— Тушимда, — дедиму аламимдан ҳўнграб юбордим. Эртак! Кейинчалик балоғат ёшимда ҳам эртакка ичикиб юрдим. Эшитишни орзу қилдим, бироқ бу пайт ойим оламдан ўтганди...

Эртак — ўтмиш. Ўтмиш эса — ота-боболаримиз, биби-бибикалонларимиз. Ота-боболаримиз ўтмишдан бизга шу эртакни ёдгорлик қилиб қолдирдилар. Бу ер юзидаги барча эл-элатларнинг эртаги. Бизнинг — менинг эртагим...

Ота-боболаримиз босиш билан босилиш, ваҳшийлик билан тубанлик, қуллик билан қарамлик, олижаноблик билан эзгулик, инсонийлик билан ноинсонийлик орасидаги абадий низо, яъни бирининг ғалабаси, иккинчисининг мағлубиятини шу эртак орқали ифода қилиб келадилар.

Ойим айтиб берган эртакда ҳам пари қизларнинг қуллик-қарамлиги, уларнинг ерини босиб олган девларнинг зулми акс эттириларди.

Уруш! Босқинчи Ватанимизга бостириб кирди. Ўша босқинчи девлар биз инсон болаларини узоқ муддат қуллик-қарамликда сақламоқчи эди, лекин мақсадига эришолмади. Ойим “Боғи Эрам” эртагини айтиб бериш билан биз — фарзандларини урушга, босқинчи девлардан нафратланишга ундаётганди. Чунки эртак, биз — инсон болаларининг эртаги эди. У такрорланмаслиги керак эди. Ойимнинг эртакни айтиб беришдан мақсади ҳам шу эди.

БАХТИЁР ДАМЛАР

Маърифа опам мендан қарийб йигирма ёшлар чамаси катта эди. У ойимнинг тўнғич, мен эса Эркиннинг ўлиmidан сўнг кенжа фарзанди эдим. Маърифа опамнинг бўйи ойимнинг бўйидан хийла баландроқ, лекин тўлароқ, кулча юзли, қулоқлари катта, соч, қошлари сарғиш бўлиб, кўзлари чағир рангли эди.

Ойимнинг ҳиссиёти ва таъсирчанлиги Маърифа опамга кўчган, бироқ опам анча каттиққўл, бераҳм, ичимдагини топ тоифасидаги одам эди. У ўн олти ёшида Зиётвой исмли йигитга турмушга чиққан, бу воқеа мен туғилмасдан олдин юз берган, Юлдуз исмли жияним, Мазифа опам билан Йўлчи исмли жияним эса мен билан тенгдош эди. Жияним Юлдуз ҳам, Йўлчи ҳам қизамиқдан ўлган экан. Зиётвой поччамнинг ҳарбийга кетгани, сўнг Маърифа опам қайнотасининг уйини ташлаб ойимнинг бағрига келгани ўша кезлар қулоғимга чалинган эди. Айтишларича, поччам ўз хоҳиши билан ҳарбийга ёзилиб кетган экан. Мен Зиётвой поччамни кўп кўрган, лекин на турқи, на бирон-бир сиртқи аломатини хотирамда сақлаб қолмаган эдим. Ойим, опаларим Зиётвой поччамнинг ҳаддан зиёд кўнгилчан, ҳассос бўлгани ҳақида ҳар бири ўзича сифат бериб, фахр билан гапирарди.

Болалигим ва болалик хотирам ўзи билан яна бир таассуротни сақлаб келарди. Эсимда, куз охирлаб келар, гўё одамлар кўчиб кетгандай қишлоқ ҳувиллаб қолган, дарахтларнинг сўнгги япроқлари ҳам тўкилиб, чумчуқлар бўғотлардаги қамишларда бошларини бир томонга эгишиб чирқиллашар, мусичалар ҳам шумшайиб туришар эди. Ўша кунларнинг бирида ойим, опаларим даладан эрта қайтишди. Ойим кир ювди. Маърифа опам эса тариқ бўтқа пиширди. Едик. Ойим, опаларим ёстиққа ёнбошлашиб, урушнинг қачон тугаши, отам, Зиётвой поччамнинг қачон ҳарбийдан қайтиши ҳақида узоқ суҳбатлашиб ўтиришди. Камол Маърифа опамнинг тиззаларига бошини қўйиб ухлар, мен Мазифа опам билан Камол орасида ўтириб мудрардим. Қулоғимга турли овозлар чалиниб қолди. Лекин кимнинг овозилигини ажратолмадим, шу пайт кимдир оёғимни босиб ҳам олди. Қовоқларим йиғилди ва бир нафас қаерда, нима учун ётганимни фарқ қилолмай турганимдан сўнг фикрим бир оз тиниқлашди ва ниҳоят айвонда Мазифа опамнинг ёнида ётганим, мудрай бошлаганимдан олдин ойим, опаларим, отам, Зиётвой поччам ҳақида суҳбатлашиб ўтиришганини эсладим. Устимга ташланган кўрпачани кўтариб, ҳовлига назар ташладим. Кўзим ғалати манзарани илғади. Тўсатдан вужудимни кўрқув ва ҳайратланиш орасида содир бўладиган, аниқроғи, одам кўнгилли ё кўнгилсиз бир хабар эшитганда, йўқса эшитиш олдидан юз берадиган турли хил туйғу изтиробни эгаллади, саросимага тушиб қолдим. Саросима ва изтироб салдан кейин титроқ билан алмашди-да, ўзимни бир оз енгил ҳис қилдим, териларимнинг тириши ҳам ёзилди. Ойим, опаларим ўқ тезлигида у ёқдан-бу ёққа югуришар, нима гаплигини тушуниб бўлмасди. Бир-бирларига урилиб кетишар, таҳлика ва таажжуб билан бир-бирларига қараб олишар. бу гўё қуюн

бошланиш олдидан юз берадиган қора булутлар тўқнашуви ё чақмоқ чақилган кездеги нурлар қоришувини эслатарди. Хонадонимизда шу пайтгача бу қадар изтиробли саросима, таҳликали нотинчлик юз бермаганди. Мана, мана, нимадир юз бериши керакдай туюларди менга. Лекин нима? Бошимда шу тахлит ўйлар баҳорги булутлар каби беқарор сузар, танамни ларзага солар эди. Мен изтироб ва таҳлика билан шодлик ва бахтиёрлик орасидаги қисқа муддатли масофада қолиб, орзиқиб кутган орзуларим оғушида ўзимни дуч келган томонга отгудай бўлиб турар эдим. Бир пайт Маърифа опам шиддат билан ичкарига кирди ва дарҳол қайтиб чиқди-да:

— Соифа! Укаларингни уйга олиб кир, — деди.

— Мазифа! — деди Соифа опам ҳам, — Анварни етакла, уйга кирамиз, поччанг келди.

Мазифа опам худди шу хабарни кўпдан бери кутгандай юлқиниб турди ва билагимни қаттиқ сиқиб судради. Билагимнинг қаттиқ сиқилгани, юриб бораётиб, ўғир устидан ҳатлаётганимда қоқилиб йиқилиб қолишим хавфи мени қанчалик азоблаётган бўлмасин, бари бир поччамни кўриш иштиёқи устун келиб, кўзларимни уқалаганча Мазифа опамнинг орқасидан эргашдим. Айвон билан даҳлиз эшиги орасидаги тош ўғирдан ҳатлаб кичик уйга, ундан катта уйга кирдик. Дераза қанотлари очилган, токчадаги чироқ лайлак қорга ўхшаб бўралаб, лопиллаб ёнар, эшик олдида юзи қорайиб, шўралаган, лекин заминидagi оқлиги сақланиб қолган, бўйдор, териси устухонига ёпишган, кўзлари киртайиб, соч-соқоли ўсиб кетган бир одам Камолни билагига ётқизиб ўпар, йиғлар эди. У хийла жигар, хийла яшил рангга ўхшаш кўйлак ва галифе шимда бўлиб, оёғида қора хром этик, бошида чап томонига қийшайтириб кийиб олган яримта шапка, белини йўғон камар билан сиқиб боғлаганди. Бу кўпдан бери узоқларда, халқ, Ватан, қолаверса биз учун қон кечиб юрган, ойим, опаларим тоқатсизлик билан кутишган Зиётвой поччам эди! Зиётвой поччамнинг бўйни ингичкалашиб, гардани остидаги чуқурчани чанг қоплаган, елка суяклари эса туртиб чиққан, кураклари ҳам бир оз эгилганди. У Камолни ўпар, шу қадар ташналик билан ўпардики, назаримда, тириклай еб қўйиши мумкиндай туюларди. Мен одамнинг мана шундай соғинч ва ташналик, очиқиш кўйига тушганини кўрмаган эдим. Бу фақат отага, яъни Зиётвой поччамга хос бўлган очиқиш, соғинч ва ташналик туйғуси эканини эътироф этмасдан иложим йўқ. Камол чирқираб йиғлар, Маърифа опамга талпинар, бу кўрқувимни бир карра оширар, айна пайтда, ҳайратлантирар эди. Чиройли кўй кўзларидан тирқираб ёш отилаётган ва мутлақо бечора қиёфага

кирган кез, Зиётвой поччам шу ерда — Камол билан бирга бошқа қимирламасликка, керак бўлса жон беришга таппа-тайёр турарди. Кўпдан бери вужудида йиғилиб қолган меҳри кўзларидан сиртига тепганди. Ойим, опаларим бир четда шумшайиб йиғлашар, буни иложи борича Зиётвой поччамга кўрсатмасликка уринишар, имо-ишоралар билангина фикрларини ифода қилардилар. Кўзлари тобора мунгга тўлиб, ҳолдан тойиб бораётган Зиётвой поччам бир пайт Камолни Маърифа опамга бериб, мени қўлтиғимдан олиб кўтарар экан, эзгин бир қиёфада термилиб, пешонамдан ўпди. Эътироф этишим керак, қиёфаси даставвал мени кўркувга солган эди. Бироқ салдан кейин эса ҳаммаси унутилди-қолди. Ёқимсизлик билан ёқимлилиқ, исташ билан истамаслик орасида содир бўладиган туйғу ўрнини севинч, саросима билан хийла яхши кўриш ўртасида юз берадиган мавҳум бир муҳаббат туйғуси эгаллади. Шу тариқа бағрида туриб шу пайтгача гойибона севган Зиётвой поччамни яқиндан кўриш имконияти туғилди. Унинг бўйнидаги кумушранг томирлари кучли бир ҳаяжон билан урар, юзи, қулоқларига майда иссиқ терлар қалқиб чиқар, юзидаги жилмайиш, лабларидаги қайғули табассум ҳам шу қадар ёқимли эдики, ўпиш, ўпавериш, силаш, силайверишдан вужудим эригандан-эриб борар, бу эришликнинг ниҳояси бўлмай, қалбимда олий бир лаззат, самовий бир сархушликни туяр эдим. Гўё у мен учун шу дақиқагача энг яқин, энг азиз кишим бўлиб келгану, бундан буён ҳам мана шундай бўлиб қолиши шартдай туюларди. У дақиқа сари юракни така-пука қиладиган ва ҳаддан зиёд жўштирадиган даражада ёқимлилашиб борар, бу ёқимлилиқ вужудидан кўтарилаётган ҳароратда ҳам акс этарди. Мен тобора Зиётвой поччамнинг пинжига кириб борар, меҳрим жўшгандан-жўшар, уни Зиётвой поччамга нисор этаётган эдим. Бу чиндан ҳам мутлақо янги, қиёссиз меҳр-муҳаббат туйғуси эди ва бунга икром бўлмасдан иложим қолмаганди. Чунки Зиётвой поччам эса менинг юрагимдан, туйғуларимдан узоқда юрган эди, шунингдек, уни узоқ айрилиқдан сўнг илк бор кўраётгандим. Мен, шу куни чиндан ҳам инсон қўллари, лаблари беқиёс даражада назокатли, худди шунингдек ёқимли, лаззатли бўлиши, бу турфа лаззатлар ичида ягонаси экани, ҳатто одамни ҳушидан кетказиши мумкинлигини ҳис қилган, англаган эдим. Одам очиққан, сувга ташна бўлган ё азиз кишисидан ажраган ва ниҳоят лаззатли таом, муздай сувга эришган, азиз кишисини қайта учратгандан кейингина мана шундай туйғуни ҳис қилиши мумкин.

Ниҳоят, Зиётвой поччам мени ерга қўйди. Кейин Мазифа опамнинг сочларидан силаб туриб, бағрига босди.

Шу орада ойим оғзидан буғ чиқариб турган қумгон ва иккита

зогора кўтариб кирди.

У на чойга, на зогорага қарар, қараш кўнглига сиғмаётган шу кез, кўзларида беқиёс шодлик ва айни вақтда қонмаган, қониш маҳол бўлган ичикиш туйғуси акс этар, одам тушида чўққиларга тирмашган, лекин чиқолмаётган кездеги каби ноқобил бўлиб қолган ойим, опаларимга термилар эди. Ойим, опаларим ҳам Зиётвой поччамнинг ҳарбийдан қайтиши шарафига ўз ҳиссиётларидан ўзлари сархуш бўлиб қолишган, шодлик ва бахтиёрлик туйғуларини ифодалаш ўрнига, аксинча, ифодалай олмай қийналар эдилар. Улар учун шу кез шодлик ва бахтиёрлик туйғуларини ифодалашдан кўра учиб кетиш осон туюларди, назаримда.

Ҳаммамиз дастурхон атрофига ўтирдик.

— Болам, — дея мурожаат қилди ниҳоят ойим Зиётвой поччамга ва кўзларидан тирқираб ёш отилиб кетди, — қутулиб келдингизми? Энди ҳарбийга бормайсизми? Қандай яхши-я! Бағримиз тўлди.

— Почча! — деди Соифа опам ва кўпдан бери қалбидаги чайқалмай келаётган меҳрини изҳор қилишга журъат этди. — Кетмайдиган бўлиб қайтиб келдингизми? Уруш тугадими? Бизлар билан далага чиқиб ишлайсизми?

— Худога шукур! Худога шукур! — дерди Маърифа опам Камолни қучиб.

— Отангни кўрар кун ҳам бор экан! Худога шукур!

Маърифа опам бошқаларга қараганда ўн бор, юз бор ортиқ ҳаяжонланар, лекин буни сиртига чиқармасликка уринар, бари бир кўз ва лаблари жилмайиб ошкор қилиб қўяётганди. Камол эса кўпдан бери орзу қилган, ниҳоят эришган, яъни қўлига тушган антиқа ўйинчоқни кимдир тортиб олиб қўяётгандай рашк ва ҳавас билан ойим, опаларимга термилди-да, шашт билан Зиётвой поччамнинг бўйнига осилди.

— Ота, отажон! — деди кейин олтин жарангидай соф ва мусаффо овозда, — тетиб қолмайсиз-а! Иккаламиз беркинмачоқ ўйнаймиз-а? Абдували мени урди, иккаламиз уни урамиз-а? Отажоним ширин, қантдан ҳам ширин!

— Ка-Камол! Қантим, асалим! — деди-ю, Зиётвой поччам бўғилиб қолди, сўнг Камолни бағрига босди. — Қантим, асалим!

— Болам, — орадаги сукунатни яна ойим бузди, — урушга бошқа бормайдиган бўлиб келдингизми?

— Опа... — Зиётвой поччамнинг боши эгилди ва шу тахлит узоқ туриб қолди, сўнг ютина-ютина бошини кўтарди, — ҳали-бери қайтмасдим. Бир ой олдин чап биқинимдан ўқ едим. Оғир жароҳатланган эканман, иккита қовурғамни олиб ташлашди. Ке...

— Вой ўлмасам, ўқ сизни кутиб турган эканми, душманга

тегмайдами? — ойимнинг кўзлари олайиб кетди.

— Ўқ дўст-душманга қарайдами, — гапини давом қилди Зиётвой поччам, — ўқ теккач, эгилломай, нафас ололмай қолдим. Йигирма кун ўнг томоним билан ётдим.

— Ёпирай-ёпирай, — ойим яна Зиётвой поччамнинг гапини бўлди, — худойимдан ўргилай, сизни бир ўлимдан асраб қолибди, ўглингиз, хотинингизнинг раҳмини ебди. Товба, одам қовурғасиз ҳам юрар эканми?

— Юрар экан, — жавоб қилди Зиётвой поччам, — одамнинг жони итнинг жонидан ҳам қаттиқ бўлар экан. Хушимдан кетиб қолганимда, бошқа турмасам керак, деб ўйловдим, йўқ, ризқим бор экан, туриб кетдим.

— Товба, товба, — дея ойим Маърифа опамга юзланди, — бир нарса атаб қўяйлик. Девонага бир нарса садақа қилиб юбор.

— Жоним билан садақа қилиб юбораман, — деди Маърифа опам маъюслигу хийла жилмайиш билан.

Орага жимлик чўкди. Чамаси бу ёғига Зиётвой поччам бошидан кечирган саргузаштларини гапириб бериши, ойим, опаларим мириқиб тинглаши керак эди. Камол Зиётвой поччамнинг тиззасига ўтириб, бошини кўксига қўйганча ухлаб қолган, мен эса ёнида мудраб ўтирардим. Маърифа опам туриб, ташқарига чиқиб кетганини яхши эслаймаи, сўнг қулоқларимга ҳеч нарса эшитилмай қолди. Эрталаб уйғонганимда ҳовли шовқин-суронга тўлган, қўни-кўшни, қариндош-уруғлар йиғилиб келишган, Зиётвой поччам билан кўришар эдилар.

Йиғилганлар ярим кечага яқин тарқалишди. Сўнг Зиётвой поччам кичик уйга кирди. Маърифа опам Камолни кўтариб орқасидан эргашди. Эрталаб кичик уй эшигидан мўралаб туриб, хунук бир манзаранинг гувоҳи бўлдим. Зиётвой поччам ўтириб қўлларини кўтарар, Маърифа опам авайлаб қўйлагини ечарди. Зиётвой поччамнинг қовурғалари саналиб қолган, ораларидаги терилари ичига тортиб кетган, чап биқини эн-бўйига бир қарич келадиган қалин чарм билан танғиб ташланган эди. Маърифа опам чармни ечар, Зиётвой поччам кўзларини юмиб, афтини тириштирар эди. Ҳаммаси ечилгандан кейин ошкор бўлди. Зиётвой поччамнинг чап биқини — қўли елкасига туташган ердан хийла пастроғи яра, яра атрофи қорайиб, ўртаси илвираб, оқ ем бўлиб кетганди. Маърифа опам ярага бармоғини босиб кўрган эди, ичидан бир нима отилиб чиқди ва иккаласи ҳам “вой” деб юборишди. Бошқа қарашга журъат этолмадим. Бирдан танамни пичоқ қирққанда ҳис қилинадиган тахир ва нордон оғриқ эгаллади-ю, қисқа ва кескин ўқчий бошладим. Орқамга ўгирилиб катта уйга кирдим-да, ўзимни кўрпача устига отдим. Кўнглим айнигандан-айнир, тинмай ўқчирдим. Галдаги

Ўқчишдан сўнг ичимдан бир нима отилиб чиқди ва тупуриб ташладим. Шундан кейингина уруш ва унинг даҳшатини тушундим, “Уруш! — миямда турли фикрлар чарх уриб айланарди. — Уруш! Зиётвой поччамни майиб қилиб қўйибди!” Кутилмаганда юрагимда темирни қирганда, танага игна санчилганда юз берадиган ёқимсиз туйғу қўзғалди-ю, ўзимни гўё Зиётвой поччамнинг ўрнида ётгандай ҳис қилдим. Назаримда, ўқ менинг биқинимга теккан, даҳшатли жароҳат қолдирган, икки қовурғам йўқдай, гўштларим ҳам куйиб кетгандай туюлар, ўрни узлуксиз ачишар эди. Мен инграр, оғзимдан эса сассиқ ҳид анқир, бошимни турли томонга ташлар, “оҳ” чекар, вужудим санчиб оғрирди. Терлаб ҳам кетибман, буни ҳушимга келиб сездим. Сўнг жонҳолатда биқинимни сийпалаб кўрдим. Бутун. Лекин танамда сим-сим оғриқ қўзғалганди. Туриб ташқарига чиқдим ва миямдан Зиётвой поччам ва унинг яраси ҳақидаги тушунчани қувиб чиқариб ташлашга уриндим, дарҳол ойим, опаларим ҳақида ўйлашга қарор қилдим. Бари бир тун бўйи инграб чиқибман. Буни эрталаб уйғонганимда ойим кўзларида ёш билан гапириб берди. Уруш ва урушнинг Зиётвой поччам танасида қолдирган жароҳати юрагимни қаттиқ, жуда қаттиқ оғритди. Узоқ вақт бу оғриқни тарк этолмадим.

Шундай қилиб жажжигина юрагимдаги изтироблар қаторига янғиси келиб қўшилди. Бу, уруш сабаб бўлган галдаги изтиробларим эди. Мазкур изтироблар мени вақтидан олдинроқ фикрлашга, улғайишга мажбур қилди.

Бу куз изтиробларимга ўхшаш ўзининг ҳазин япроқлари билан мени қишга кузатиб қўйди.

Зиётвой поччам ҳарбийдан қайтди. Гарчи майиб бўлса-да, ҳар ҳолда қайтди. Уруш, босқинчининг ўқи уни майиб қилиб қайтарди. Узоқ муддат эркактарсиз ҳувиллаб қолган хонадонимиз қайтадан тўлди, бир аъзога кўпайди-ю, фақат бошқа аъзолари — Эркин билан эчкимиз қайтмади. Қайтишлари мумкин ҳам эмасди. Урушнинг фожиасини биз Эркин билан эчкида кўрдик.

Зиётвой поччамнинг ҳарбийдан қайтиши хонадонимиз кемтигини сезиларли даражада тўлдирди, ҳаммамизни, айниқса, Маърифа опам билан жияним Камолни беҳад қувонтирди. Энди, ҳа, энди отам соғ-омон қайтса бўлгани эди. Ана унда бағримиз тўлар, хонадонимиз аъзолари ер юзидаги бахтиёр хонадон аъзолари каби кўз ёшисиз яшай бошларди...

ВАТАН

Зиётвой поччамнинг ҳарбийдан қайтганига бир ойдан ошган бўлса-да, хонадонимизга кўниколмас, биз болаларни эркалатиш, овутишдан нарига ўтмасди. Гоҳо, кўчага, колхоз идорасига чиқар,

гоҳо Қизилсой бўйига тушиб кетар, кунни кеч қилиб маънос қайтарди. Бундай кезлар мен доим у билан бирга бўлардим. Бу орада мен Зиётвой поччамнинг озиб кетгани, қаттиқ сиқилгани, бир оз асабий бўлиб қолганини ҳам англадим. Кеч киргач, Соифа опам овқатга қарар, Маърифа опам эса Қизилсой ортидаги булоққа тушар, ялпиз териб чиқар, сўраб-суриштириб қаердандир кабутарнинг тезагини топиб келар, ойим ялпиз янчар, пиёз куйдиарар, кабутарнинг тезагини кўшиб малҳам тайёрлар, Зиётвой поччамнинг ярасига боғлаб қўйишарди.

Ўша кунларнинг бирида мен Камолнинг орқасидан эргашиб кичик уйга кирдим. Зиётвой поччам қўйлагини ечиб Маърифа опамга ярасини кўрсатар, жилмаяр эди. Яра тамоман битган, ўрни оқариб, кепаклар кўчган, бармоқдай ери чандиқ бўлиб қолганди.

Маърифа опам ярани бармоқлари билан силади, осуда бир табассум билан жилмайиб, қўлларини Зиётвой поччамнинг бўйнига ташлади-да, юзини юзига босди. Зиётвой поччам Маърифа опамнинг елкасидан кучди ва ўзига тортди:

— Маъриф, — деди кейин овози титраб, шунда қовоқ қирғоқлари ялтирай бошлади, — сен бўлмасанг, билмадим, ҳолим нима кечарди. Амал-тақал қилиб ярамни ҳам тузатиб олдинг. Табибим, бутун умр сендан миннатдорман.

— Тузалмаганингизга қўймасдим-да, — Маърифа опам гўё кўкрак сўраб онаси кўксига талпинган боладай бечора бир қиёфада Зиётвой поччамнинг пинжига тиқилди, — ялпиз тераётиб, пиёз куйдираётиб ҳам: “Худойим! Илоё дардига шифо бер, ёлғизим Камолнинг раҳмини е!” дея илтижо қилардим. Худо илтижойимни инобатга олди. Энди далага чиқасиз, мен учун ҳам ишлайсиз. Ишламай кўринг-чи, — Маърифа опам поччамнинг бурнини чимчилади, — Ортиқвой ўғрининг ўрнига бригадир бўлсангиз... Ҳамманинг жонига тегди.

— Амакинг, ундай дема, яхшимас, — шивирлади Зиётвой поччам.

— Бўйни узилсин амаки бўлмай, — жавоб қилди Маърифа опам, — бегонадан ёмон.

Шу орада Мазифа опам ҳам даҳлизга кирди-да, мени туртиб қолди:

— Юр, бўтқа еймиз.

Мазифа опамнинг орқасидан эрганиб қатта уйга кирдим ва қайтиб ташқарига чиқмадим.

Эрталаб уйғонганимда дераза ойналари ёришганди. Оёқларимни кўрпача устига ташлаганча, туришга эриниб ётгандим, уйга Зиётвой поччам кирди-да, ямоқ ямаётган ойимнинг ёнига чўкди.

Унинг кўзлари қизариб, ранги оқарган, гўё бетоб бўлиб қолганга ўхшарди. Ойим уни тўрға ўтқазмоқчи бўлганди, кўнмади. Тобора қуруқшаб бораётган лабларини ялаб, обдан ютиниб олди, сўнг ойимга юзланиб:

— Опа, — деди-ю, ранги яна ҳам оқариб кетди, — сиз билан маслаҳатлашмоқчи эдим.

— Қани, Анвар, тур-чи, кўчага чиқиб ўйна, — ойим думбамга шапатилади.

— Чиқмайман, — дедим-да, дарҳол Зиётвой поччамнинг пинжига суқилдим, у ҳам кўмак кутиб пинжига суқилганимни англади шекилли, ёнига тортди, шу билан ойимнинг кўчага қувиб юбориш хавфидан қутқариб қолди.

— Опа, — Зиётвой поччам кўнглини ёришга тутинди, — мени фақат сиз тушунасиз, Маърифага бир нарсани тушунтириш қийин.

— Онангиз айлансин, — деди ойим Зиётвой поччамнинг ишончи ва ҳурматини қозонганидан жўшиб кетиб, хунук тиржайиб ҳам қўйди, — фарзандимсиз. Мендан яширадиган гапингиз бўлиши мумкинмас.

— Опа, — гапини давом қилди Зиётвой поччам ва ойимнинг ҳурматини ортиқроқ қозониш мақсадида овозини иложи борича майинлаштиришга уринди, — мени бир ойга дам олишга, соғлигимни тиклаб олишга юборишувди. Мен бунини сизлардан яшираётувдим. Мана, соғайдим, энди қайтишим керак.

Ойимнинг кўзлари катта очилиб, қорачиқлари кенгайиб кетди ва оқлари қизғиш рангга бўялди.

— Мен... Мен-ку... — ойим узоқ гулдирашдан сўнг аранг тилини ўнглаб олди, бари бир гапини давом қилолмай Зиётвой поччамга қараб қолди. Бу билан ойим: “Болажоним! Ҳарбийга қайтиб кетишингизни тушунолмаяман. Тушунишни истамайман ҳам, қизим бева, набирам отасиз қолса-ю, тушуниб бўлар эканми? Шунчалик шафқатсиз бўласизми? Энди бағримиз тўлганда яна кетиб қоляпсиз. Яна уялмай, тушунинг, дейсиз-а! Болажоним, ўйлаб гапиряпсизми”, демоқчи бўларди. Зиётвой поччам ҳам, чамаси, бунини тушуниб турар: “Нима қилай, иложим йўқ, онажон! Сизларни оғир кунлардан қутқариш учун ҳам аввал душманни даф қилиш керак. Душман босиб келаётган экан, ҳеч биримиз тинч бўлмаймиз”, демоқчи бўларди.

— Мен... Мен-ку, тушунаман-а,— деди ойим ва яна гапини давом қилолмай, лабини тишлади ва гулдирай-гулдирай аранг тилини ўнглаб олди, — Маърифага тушунтириш қийин. Боёқиш бир ойдан бери хурсандлигидан ўтиришга жой, юришга йўл тополмайди. Ўнгида ҳам, уйқусида ҳам кулади. Ахир ярангизни

тузатаман, деб кабутарнинг тезагини сўраб бормаган уйи қолмади.

— Опажон, — дея мурожаат қилди Зиётвой поччам ойимга, — эртага жўнайман. Билдирмаймиз. Кейин эшитса ҳеч нарса деёлмай қолади. Яхшиси, районга ҳужжатларини тўғрилаб келгани кетди, дея қоласиз.

Орага оғир жимлик чўмди. Бошқа гапиришнинг иложи ҳам қолмаганди.

— Анвар, тур, — деди ойим ниҳоят орадаги жимликни бузиб, менга юзланар экан, — Маърифа опангни чақир.

Зиётвой поччам туриб даҳлизга чиқди. Ундан кичик уйга кирди. Мен даҳлизга ўтиб, ҳовли супураётган Маърифа опамни чақириб кирдим. Қайтиб уйга кирганимда ойим ёйилиб ўтирар, на чеҳраси, на нигоҳида бирон-бир қайғу кўринарди. Зиётвой поччам ҳарбийдан қайтган кундагидай бахтиёр қиёфага кириб олганди.

— Нима қилаётувдинг? — деди ойим ва Маърифа опамга жиддий термилди.

— Ҳовли супураётувдим, — жавоб қилди Маърифа опам.

— Эрингнинг кийимини чайиб қўй, — деди ойим Маърифа опамга қарамасликка ҳаракат қилиб, — районга бориб ҳужжатларини тўғрилаб келмоқчи экан. Тезроқ тўғрилаб келиб бир ишнинг бошини ушласин, — ойим ёлгон гапираётганини гўё Маърифа опам сезиб тургандай, бирдан қип-қизариб кетди. Маърифа опам сапчиб туриб, орқаси билан юриб деворга етиб тўхтади-да, ойимга қараб қолди:

— “Районга бориб ҳужжатларини тўғрилаб келади”, дедингизми? — сўради, кейин гулдираб ва бурнининг икки томони титраб ҳам кетди. — “Районга бориб ҳужжатларини тўғрилаб келади”, дедингизми? — такрор сўради у.

— Ҳа, — ойим Маърифа бошқа сўроққа тутмасин деган мақсадда бўлса керак, бу гал қисқагина жавоб қилди, — бор, кириггни юв.

Маърифа опам ойимнинг гапини қайтаришга журъат этмади, бир юриб, бир тўхтаб даҳлизга чиқди. Шу пайт кўчадан болаларнинг кечки ўйинга чорловчи қичқириқлари эшитилиб қолди-ю, мен ташқарига югуриб қолдим. Кўчадан қайтиб кирганимда ойим ҳовли ўртасида қотиб турар, кўзлари қизарган, қовоқлари нам эди. Маърифа опам эса кир ювар, дам ойимга, дам Зиётвой поччамга қарар, ниманидир дейишларини орзиқиб кутарди. Гўё Зиётвой поччамнинг ҳарбийга қайтиб кетишини сезган, лекин айтишга қўрқар, айтса Ҷиндан ҳам кетиб қоладигандай туюлаётгани сезилиб турарди.

Ҳаммаси эртаси кун ила маълум бўлди. Зиётвой поччам йўлга

чиқишга эрталабданоқ тайёрлана бошлади. У кўйлаги этагини орқасига тортиб, белини йўғон жигарранг камар билан сиқиб боғлаб олган, асабийлашиб турли томонга юрарди. У ўзини эркин тутишга уринар, ҳарбийга кетаётганини мутлақо сездирмасликка тиришар, лекин ўз ихтиёрисиз сездириб қўяётганди. У Камолни кўтара туриб, кўзлари ёшланиб кетди, бу эса Маърифа опамни чиндан ҳам саросимага солиб қўйди. Ҳовли айланаётган ойимнинг кўкси кўтарилиб тушар, бу ҳам сирни ошкор қилиб қўяётганди. Бир пайт Маърифа опам Зиётвой поччам томон яқинлашди. Унинг қўлларига, сўнг оёқларига, кейин эса елкаларига титроқ кирди ва шу кўйи титроғи кучайиб бораверди. У шамол тебратаётган дарахтдай қалтирар, турли томонга юрар, дам ойим, дам Зиётвой поччам, дам опаларим, дам менинг ёнимга яқинлашар, кўзларимга жиддий ва синовчан термилар, бўғилиб гўлдираар, лекин очик бир нарса дейишга қўрқаётганди. Маърифа опам бизларни гўё ўғри ё қотилга чиқариб, ўғирлик ва қотиллик сабабини изларди. Унинг бу ҳолати, назаримда, момақалдироқдан кейинги даҳшатли сукунатни эслатар, мана, мана, момақалдироқ қайтадан гумбурлаб, бизларни ёриб юборадигандай туюларди. У шу қадар ғазабга минган, нияти шу қадар бузилган эдики, ундан на бир шафқат, на бир инсоф кутиб бўларди. Ҳар қандай одам унинг шу кездеги важоҳатидан очикдан-очик бўғиб ё ёриб ташлаши мумкин, деган қарорга келиши мумкин эди. Мен бирор вақт уни шу ҳолда кўрмагандим. У, мен учун доим одамларнинг мўмин-қобили, ўзини билиб, ўзга билан иши бўлмайдиган одам қиёфасида намоён бўлар, шунинг учун ҳам ўзимни унга яқин тутар, шундай опам борлигидан фахрланар, қувонар эдим. Аммо ҳозирги важоҳати мени мутлақо қўрқувга солиб қўйди, олдин севганимга ачиндим, сева туриб янглишганимни англадим. У тобора шиддатга минар, у ён-бу ён бориб-келар, титрар, шу зайлда яна бир оз турса ёрилиб ё ёниб кетиши мумкин эди...

— Сизлар мендан яширяпсизлар, — деди у ниҳоят ва кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди.

“Ана, энди худо урди, — деган фикр бошимга урилди ва ўзимни четга тортдим, — ҳозир бизларни оёқлари остига олиб тепкилайди!”

— Соифа, нимага индамайсан? — Маърифа опам Соифа опамнинг елкасини чангаллади. — Нима, мени шунчалик ёмон кўрасанми?

— Менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ, алдасам худо урсин, — Соифа опам силкиниб, елкасини аранг Маърифа опамнинг чангалидан ажратиб олди.

— Мазифа, жоним, нима гап, гапирсанг-чи? — деди Маърифа опам бурнининг учи титраб, на қочиш, на қичқиришни билмай турган Мазифа опамни бағрига босди, — нега индамайсан, ақалли сен бир нарса десанг-чи?!

Мазифа опам ҳартугур чинқириб юборишгача бориб етмади, жавоб ҳам қилолмади, жимгина Маърифа опамнинг пинжига суқилди ва шу билан ҳамдаралик изҳор қилди.

— Ойижон, нега индамайсиз? Гапиринг, куёвингиз қайтиб кетяптими? — Маърифа опам кўлларини оймнинг елкасига ташлади-ю, шу кўйи кўзларига узоқ термилиб қолди.

— Район... Район, — деди ойм ва юзини четга бурди, бари бир, “ҳарбийга қайтиб кетяпти”, деёлмади.

— Нима гап, нега мендан яширасизлар? — деди Маърифа опам Зиётвой поччамга яқинлашиб, ияklarини пешонасига сурар экан. — Ахир мен шу ниятда ярангизни тузатиб олдими?! Ақалли шунинг ҳурматини қилинг, бир гап бўлса очик айтаверинг. Нега яширасиз?

— Маъри.. Маъри... — деди Зиётвой поччам ва нафаси ичига тушиб кетди.

— Дам олишга, соғайишга келувдим, дам олдим, соғайдим. Сен соғайтирдинг! Илоё кўлларинг дард кўрмасин! Сендан умрим бўйи розиман. Энди қайтиб кетишим керак. Тушун. Сен учун, ўғлим учун, ҳамма-ҳаммангиз учун, қишлоқ учун ҳам қайтиб кетишим керак!

— Иха-ха-ха! — Маърифа опам қаҳ-қаҳ отиб кула бошлади. — Шундай экан, нега мендан яширдиларингиз? — у Зиётвой поччамни итариб юбориб, орқасига тисарилди-да, оймга юзланди.

— Онажон! Сиз ҳам мендан яширдингиз-а! Ахир, танангизнинг бир бўлагиман-ку! Сизни шунчаликка борарсиз, деб ўйламагандим. — У кескин ёнига ўгирилди-да, Соифа опамнинг елкасидан олиб силкий бошлади. — Сариқ лўли, сени синглимдай эмас, қизимдай яхши кўрардим! Отамиздан ёш етим қолувдик, отам ўрнида кўрардим. Сен ҳам поччангнинг кетишини мендан яширдинг. Илоё бўйнингни пичоқ кессин!

— Нега менга дўқ қиласан? — Соифа опам Маърифа опамнинг кўлини қайирди. — Тушун. Ахир, мен ҳам ҳеч нарса эшитмадим. Ҳарбийга кетса сенинг эринг кетар экан. Менинг неча пуллик ишим бор. Биринг ўлиб, биринг қолмайсанми?

Соифа опам Маърифа опамни илк бор “сен”сираши эди, Маърифа опам бирор вақт Соифа опамнинг “сен”сирашига йўл кўймаган, лекин ҳозир мутлақо бунга диққат қилмаётганди.

— Жинқарча, — деди кейин Маърифа опам Мазифа опамга юзланиб. — Сен ҳам алдадинг-а!

— Опажон, опажон! — дея ёлвора бошлади Мазифа опам, — мен ҳеч нарса эшитмадим.

— Сен-чи, мишиқи, — Маърифа опам мен томон ўгирилганди, олдинроқ ўзимни ойимнинг орқасига олдим, — Камолдан ҳам яхши кўрардим. Сен ҳам алдадинг-а!

— ...

Маърифа, — бақирди ойим ва бошқаларни ҳам азобдан кутқарди.

--Сендан бошқада ҳам эр бор. Эридан ажралганлар ўлиб қолмаяпти-ку! Уруш босилмаса, сенга ҳам, бизга ҳам тинчлик йўқ. Нега тушунишни истамайсан. Қайтиб келиб қолар.

— Йўқ-йўқ! — қичқирди Маърифа опам ва яшин тезлигида орқасига ўгирилди. У турли томонга югурар, гўлдирар, ниманидир қидирарди. Ниҳоят, у ошхона эшиги олдидаги тешани олиб орқасига қайтди. “Мана, энди ҳаммамизни чопиб ташласа керак”, деган фикр бошимга урилди ва жонҳолатда ўзимни ойимнинг пинжига суқдим. Турганларнинг ранглари оқариб, бир-бирларига ёпишиб қолишди. Лекин Маърифа опам тўғри Зиётвой поччамнинг ёнига яқинлашди. Ойим Зиётвой поччамнинг олдини тўсган эди, Маърифа опам итариб юборди-да, тешани Зиётвой поччамнинг чап биқинига тўғрилади.

— Чопиб ташлайман! Ёриб ташлайман! — бақира бошлади кейин у. — Эшитяпсизми? Ёриб ташлайман! Мен сизнинг ҳарбийга кетиб қолишингиз учун уйма-уй юриб кабутарнинг тезагини қидирдимми, ялпиз териб чиқдимми, пиёз куйдирдимми! Шунинг учун кечалари бошингизда ўтириб: “Эй худоим! Дардига шифо бер, яраси тузалиб кетсин!” дея илтижо қилдимми! Сизларда ўзи инсоф борми?! Ойижон, нега мени эрга бердингиз? Бериб, нега қийнайсиз?!

— Бўлди! Ўзингни бос, уят бўлади. — Ойим Маърифа опамни юпатишга тутинди, лекин у ойимга диққат қилмай орқасига ўгирилди-да, қўлидаги тешани ерга отганди, сопи уч бўлакка бўлиниб кетди. Кейин у хўнграб юборди-да, ошхона томон юрди. Шу орада уйимизга кўни-кўшнилар йиғилиб чиқишди.

— Тинчликми, ким қичқирди? — деган хитоблар ҳовлини тўлатиб юборди.

— Тинчлик, Зиётвой ҳужжатларини тўғрилаб келишга районга кетаётувди. — жавоб қилди ойим саросимага тушиб.

— Худога шукур, тинчлик экан. Бирор фалокат юз бердимми, деб ўйлабмиз, — дея кўшнилар тарқалишди.

Зиётвой поччам йўлга чиқадиган бўлди. Маърифа опамдан бўлак ҳаммамиз кузатишга чиқдик. Колхоз идораси олдида районга буғдой ташиётган машина турган экан, Зиётвой поччамни олиб кетадиغان бўлибди. Хайрлашув бу гал жимгина, сўзсиз юз берди. Машина кўзгалганда Маърифа опам келиб қолди. У яланг оёқ, бош яланг бўлиб, Зиётвой поччамга етиб олиш ниятида тинмай югурар, машина эса тобора узоқлашиб борар эди. Салдан кейин:

— Тезроқ қайтинг, урушни тугатиб қайтинг! — деган хитоб бутун кўчани тўлдириб юборди. Унинг хитобини Зиётвой поччам эшитдими, йўқми, бу менга номаълум эди...

Жим орқамизга қайтдик. Ойим, опаларим яна ишга чиқишмади. Шу кундан бошлаб Зиётвой поччам билан Маърифа опам қалбимга мустаҳкам ўрнашди ва бошқа таассуротлар, хотираларга узоқ вақт ўрин бермади. Энди тасаввуримда Зиётвой поччам тенгсиз қудратли, Илоҳий бир одам қиёфасида намоён бўлар, энди мен унга гоҳ хонадонимиз ва унинг аъзоларини жон-танидан ортиқ севган, ундан ҳам ортиқроқ қишлоғимиз, унинг одамларини севган, шулар деб ҳарбийга, душманни даф қилишга отланган оташин бир инсон тимсолини кўрар эдим. У қишлоқда бизнинг бағримизда бир ойдан ортиқ истиқомат қилди, лекин шу бир ой ичида сиқилиб, озиб кетди. Энди тушунсам, у душманни даф қилиш учун сиқилган, озган экан. Бу тушунча мени яна бир бор Зиётвой поччамни севишга, у ҳақда кун-тун ўйлашга мажбур қилди.

Маърифа опам! Мен уни ҳаммадан ҳам кўра ортиқроқ севар эканман. Зиётвой поччамга теша кўтарган кез мен уни ёмон кўриб қолган, қаттиқ нафратланган, авваллари яхши кўрганимга пушаймон ҳам бўлган эдим. Лекин, сал ўтмай у ҳақ эканини англадим ва севиб тўғри қилганим, аксинча, ёмон кўриб, нафратланиб янглишганимга иқрор бўлдим. У ҳам қишлоғимиз ва унинг одамларини беҳад севарди. У Зиётвой поччамни сева туриб ҳарбийга кетишини истамаган, аксинча, қишлоқда қолиб аёллар, болаларга ёрдамлашишини талаб қилган экан. У эрининг ярасини тузатиб, ҳарбийга қайтаётганида жароҳатламоқчи бўлганида ўзича ҳақ эди. Ўзи тузатган ярани душман қайта яралашини истамаган эди.

Зиётвой поччам ҳарбийга қайтиб кетди. Ўқлар, қонлар, ўлимлар орасига... у бировларнинг зўрлови, тазйиқи билан эмас, ўз инонихтиёри, истаги билан, муқаддас Ватан, муқаддас халқига бўлган оташин муҳаббати туфайли қайтадан ҳарбийга отланди. Ватансиз, халқсиз хонадонимизни тасаввур қилиб бўлмагани каби, хонадонимизсиз Ватан, халқни тасаввур қилиб бўлмас экан.

Зиётвой поччам Ватанини, халқини ҳимоя қилиш билан бирга ўз хонадони, яъни бизларни ҳам босқинчидан ҳимоя қиларди. У кетиши билан хонадонимиз аъзоси яна бир кишига камайди, кемтиги ҳам яққол кўзга ташланди.

Мана шу туйғулар мени қаттиқ ҳаяжонга солди ва Маърифа опам, Зиётвой поччамга бўлган меҳрим минг бор ошиб, улар ҳақида ўйлайдиган бўлиб қолдим. Энди улар мен учун олижаноб, муқаддас инсонларга айланди.

ЯНГИ ОПАМ

Бўғотлардан қўшқулоқ майсалар униб чиққан бўлса-да, том, баланд деворлар ортидаги қорлар эриб улгурмаганди. Кимдир райондан: “Уруш тугармиш, бизникилар ғалаба қилибди”, деган гап топиб келибди. Бу гапни бизга Соифа опам етказди. Қўни-қўшнилар бу гапга ишониб-ишонмай яна янги хабар кутишиб бир-бирларининг оғизларини поёлаган, қош қорайгунча эшиклар олдида чол-кампирлар ўтиргани ўтирган эди. Ора-сира ёмғир ёққани, ора-сира ҳаво очилиб кетиб, жўжа излаб қишлоққа шўнғиган калхатлар ва омоч судраб далага ўтган ҳўкизлар, тракторларни кўрганим хотирамда яхши сақланиб қолган.

Ойим бир куни ишдан қайтиб колхоз идорасига чиқиб кетиб, тез орқасига қайтди ва кўйлаги этагини ғижимлаб ҳовли супураётган Маърифа опамга:

— Паркентга ота-онасиз болаларни олиб келишибди, бизнинг қишлоққа ҳам юборишармиш, — дея зинага ўтирди. Бирор кўнгилсиз гап эшитган кезлари ойимнинг бирдан кўзлари ичига тортиб, ўзи билан ўзи гаплашиб қоладиган одати бор эди. Ўша куни ҳам шундай қиёфага кириб қолди.

Маърифа опам ойимнинг мақсадини, яъни бирорта болани боқишга оламиз, демоқчи бўлаётганини тушунмади шекилли, бир қараб кўйди-ю, супуришда давом этаверди.

— Боёқин болалар, — дея ойим яна Маърифа опамнинг фикрини тортди.

— Ота-оналарининг меҳрига қонмай, кимларнинг қўлига тушади, бегоналар ўз ота-оналаридай бўлармиди.

Сал кун ўтмай чиндан ҳам ойим топиб келган “миш-миш” гап ҳақиқатга айланди. Бир куни эрталаб ойим колхоз идорасига чиқиб кетди ва тушга яқин ўн ёшлардаги сариқ бир қизчани бошлаб келди. Қизчанинг бўйи Мазифа опамнинг бўйидан сал баландроқ, юзи сепкилли бўлиб, сочлари қирқилган, кўзлари мовий, устиди бели буриб тикилган батис кўйлак, оёғига нимдош шиллак кийган эди. Қизча гапирмас, бизга ётсираб боқар, йиғлайверганидан

қовоқлари шишиб кетган эди. Даврага қўшилиши билан яна қизчанинг кўзлари ёшланди. Бари бир у жилмаяр, қай йўл билан бўлмасин меҳмонлик туйғусини изҳор қилишга уринар эди. Жилмайган кезлари яна йиғлаб юборгудай бўлар, бечора бир қиёфага кирар эди. Опаларим ҳам меҳмон қизчанинг атрофини ўраб олишганди. Ниҳоят ноқулай жимликни Соифа опам бузишга журъат этди. У қизчага яқинлашиб бошини силади, Маърифа опам ҳам шуни кутиб тургандай, бирдан шижоат кўрсатиб бағрига босди. Танишув шу тариқа сўзсиз бошланди, кейин эса сўз билан танишишга кўчди. Ойим қизчанинг чап елкасига ўнг қўлини қўйиб:

— Бу Маърифа опанг, — дея ўнг томонига — Маърифа опамга юзланди ва кўзлари жиққа ёшга тўлди, — буниси Соифа опанг, — ойим чап томонига — Соифа опамга юзланди, — бу эса синглинг Мазифа. Бу каллахум уканг Анвар, бурнини қасмоқ босган мана буниси жиянинг Камол. — Ойим Камолнинг бурнини бармоқлари билан қисди ва шу билан йиғлаб юборишдан аранг ўзини тутиб қолди, — қани энди отингни айтиб, ўзингни таништира-чи.

Қизча бизга обдан термилиб олгач, ойимга юзланганди, қовоқлари орасида туриб қолган ёшлари бурнига узилиб тушди. Кейин меҳмонлигини англаб қолди чоғи, дарҳол ўзини босишга уриниб, кафтларини тиззаларига қўяр экан, жилмайди.

— Сон-Сон-Сония! — деди-ю, бирдан ўқчиб, йўтала бошлади.

— Бўлди, бўлди, — дея ойим қизчанинг бошини кўксига босиб, юзини силади ва кўзларидан ўпиб ҳам қўйди.

— Сония, дедингни, — сўради Соифа опам ва қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди, — менинг отимга ўхшаркан.

— Соифага уйқашу, лекин озгина қийинроқ экан-да, — қўшимча қилди Маърифа опам.

— Ростдан қийин экан, — деди ойим ҳам, — ўзим сенга ўзбекча от қўяман.

--Хафа бўлма, хўпми? Энди ўзимнинг қизим бўлиб қолдинг. Нима қўйсак экан-а?

--Ха, Риқси қўямиз, илоё ризқли бўл.

Бу исм ҳаммамизга маъқул бўлди.

— Риқси опа, — дедим мен шу заҳотиёқ шивирлаб ва ўзимни бошқалардан кўра меҳрибон кўрсатиш мақсадида олдинроқ сочларини кафтимга олиб, ўпдим.

Риқси опам ҳам мени ўпмоқчи бўлиб ўгирилган эди, ойим:

— Риқси қизим, — деб қолди ва менинг “янги опам”га кўрсатаётган илтифотимни зое кетказди, — қорнинг очгандир, қани юр, уйга кирамиз, опаларинг, укаларингнинг қорни тўқ, ҳозир нон еб олишди. Бир қорнингни тўйгазиб олчи.

Нон ейиш қаёқда. “Нон” сўзини эшитибоқ кўзларим сузилиб атрофга алангладим, опаларим ҳам лабларини ялашар, тамшанишар эдилар. Риқси опамнинг нон ейишини биз ёнида туриб кузатганимизда унга бўлган меҳримиз бир карра ошиб кетди. Ойим Риқси опамни етаклаб уйга олиб кирди ва кўрпача устига ўтқазар экан, саватдан яримта зоғора олиб кўлига тутқазди. Риқси опам зоғорага узоқ ва жиддий термилиб туриб, бармоқлари билан четларини силади-да, қизганиб тишлади. Биз бутун диққатимизни кўзларимизга жамлаб зоғорага қараб туравердик. Камол чидолмади чоғи:

— Мен ҳам ейман, — деб қолди.

— Ма, — деди Риқси опам ва яримлаб қолган зоғорани Камолга узатди.

— Ҳой, уят бўлади, — деди ойим Камолга кўзини қисиб, — Риқси опанг меҳмон. Узоқдан қорни очиб келган, ўзи есин. Сенга бошқа зоғора бераман.

— Керакмас, шуни ейман, — дея туриб олди Камол. У зоғорани олиб апил-тапил оғзига тикди. Ойим бошқа зоғора олиб Риқси опамга берар экан, бизнинг “оч арвоҳлигимиз”дан, яна бирор қалтис ҳаракат қилиб қўйишимиздан уялди шекилли, ташқарига чиқиб кетди. Риқси опам ҳамон тўрда эртақлардаги маликалардай чордана қуриб ўтирар, кўлларини тиззаларига қўйиб олиб, осуда бир табассум билан жилмаяр, бу жилмайиши, табассуми ўзига ярашарди. Одам баъзан узоқ кўрмаган қариндоши ва дўстини кўрганидан сўнг ўпиш, жилмайишлар билан жуда тез муддатда меҳрини изҳор қилади-ю, кўнглини бўшатиб олади. Кейин орага яна ёт-бегоналик тушади-қолади. Ойим ташқарига чиқиб кетгандан сўнг даврада худди шундай ноқулайлик содир бўлди ва буни йўқни йўндирадиган Соифа опам бузди. Токчадаги тикув машинаси қутичасидан турли-туман кўғирчоқларни олиб, ўзи ясаган чиллак чўплар билан кўғирчоқ яашга тутинди, бир зумда кўғирчоқни ясаб ҳам берди. Риқси опам кўғирчоқни кўлига ола туриб бурнини жийирди-да:

— Қишлоқ қизларига ўхшайди, — деди ва ёнига ётқизди, — детдомда бизга чиройли кўғирчоқ беришарди.

— Нима дединг? — сўради Соифа опам ҳайратланиб. — “Детум”, дедингми? У ким?

Чамаси Соифа опам “беришарди” сўзидан “детдом”ни одам, деб ўйлаган бўлса керак, Риқси опамга ҳайрат ва таажжуб билан термилдик.

— Вай, ана уларни, — гапини давом қилди Риқси опам ва Соифа опамнинг сўзини тўғрилади. — Детум эмас, детдом. Детдом

одам эмас-ку.

— Нима бўлмаса? — такрор сўради Соифа опам.

— Етим болалар яшайдиган уй, — жавоб қилди Риқси опам.

Маърифа опам кулиб юборди. Соифа опам эса хижолатдан қизариб атрофга аланглаб қолди.

— Билардим, — деди у кейин ўзини оқлаш учун ва баттар қизариб кетди, — ҳазиллашиб сўровдим.

Шу кунни ойим кўноқ гўжа пишириб келди. Биринчи галда Риқси опамга сузди. Диққатимиз ҳамон Риқси опамда, товоққа қошиқ солиши, қошиқни лабларига олиб бориши, ҳатто ютинишигача кузатар, ҳаммаси бизни қизиқтирар, янгиликдай туюлаверар, гўё Илоҳий бир нарса кутардик. Ҳар ким ўзича унга ҳавас ва тақлид қилар, ўзича кузатар, шу билан уни ўзига яқинлаштиришга уринар, қай йўл билан бўлмасин меҳрини изҳор қилишга тиришар, лекин қилолмай қийналар эди. Ниҳоят, кўноқ гўжадан Риқси опамнинг товоғига бир қошиқдан солиб, шу билан меҳримизни изҳор қилган, ўзимизни унга яқинлаштирган бўлдик. Кейин ойим чироқни ёқиб ўртага қўйди, Риқси опамни ёнига олиб, бошини силар экан:

— Қизим, — деди бутун меҳр-саховатини овозида ифода қилишга уриниб, — зерикмаяпсанми? Опаларинг, укаларинг ёқдимми? Энди гапириб бер-чи, қаердан келдинг?

Риқси опам таҳликага тушиб қолди, у дам ойимга, дам опаларимга, дам бизга узоқ ва жиддий термилар, афтидан, бирор нарса деёлмас ё дейишга ботинолмасди.

— Риқси, гапирақол, — деди Маърифа опам ва шу билан орадаги ноқулай жимликни бузди.

— Детдомдан, — аранг гапиришга тутинди Риқси опам.

— Оппоқ қизим, — гапида давом қилди ойим ва дарҳол овози маъюсланиб қолди, — ўксима, мана, опаларинг, укаларинг бор. Уруш босилса, ота-онангнинг олдига ўзим олиб бораман. Қани айт-чи, детдомга келгунингча қаерда яшаган эдинг?

— Қримда, — жавоб қилди Риқси опам ва жимиб қолди, яна бир нарсалар дейишга уринди, қимтинди, лекин бошқа гапиролмади, ўзини ойимнинг кўксига отиб, ўкраб-ўкраб йиғлай бошлади.

— Бўлди, нега йиғлайсан, нега? — ойимнинг кўзларига ҳам ёш қалқиди.

Шу-шу бўлди-ю, ойим Риқси опамдан қаердан келгани ҳақида бошқа сўрамайдиган ва бизни ҳам сўратмайдиган, шу кундан бошлаб ўзи билан бирга олиб ётадиган бўлди. Мен ҳам ўзим англамаган ҳолда Риқси опам ҳақида ўйлай бошладим. Унинг

кутилмаганда хонадонимизга фарзанд — аъзо бўлиб қўшилиши барчамизни хушнуд этди. Гарчи Ватани, ота-онаси, қариндошларидан жудо бўлганлиги қалбларимизни қайғуга чўмдирган бўлса-да, хонадонимиз кемтигини бир оз тўлдирди. Сал кун ўтмай эса, унинг ёт-бегоналиги сезилмай қолди. Ойим: “Ҳаммамиз худонинг бандаларимиз, Риқси опангнинг тақдири бундан буён бизнинг тақдиримиз билан боғлиқ бўлади”, — дея қулоқларимизга қўйди.

“Риқси опам ўз уйига қайтармикин?! Ота-онаси, укаларини топиб олармикин?! Топса қандай яхши бўларди... бари бир ўз уйига бориши керак-ку! Борса ойим, опаларим, мен, Камол ҳам хурсанд бўлардик...”

ДАЛАГА САЁҲАТ

Мен ҳар йили баҳор келишини отам ва Зиётвой поччамнинг ҳарбийдан қайтишини кутгандай тоқатсиз, ҳаяжон, титроқлар билан кутар, ойимнинг билакларига ёпишиб, этагига осилиб йиғлар, далага олиб чиқишини сўрар эдим.

Мен учун ўша “узоқ” даланинг қаеридадир орзуларим, бахтларим, “Боғи Эрам”нинг пари қизлари менга қўлларини чўзишиб, илтижо қилаётгандай, ёнларига чорлаётгандай туюлаверарди. Далага олиб боринг, дея хархаша қилган кезларим, ойим учар илонлар, қора-қурт, пешонадан уриб кетадиган офтобни рўқач қилар, кўнглимни совитишга уринар эди. Ҳадеганда орзуларим ушалавермагач, дардимни ичимга ютиб, аста-секин ўзимни далага чиқмасликка кўниктира бошладим. Бироқ янги баҳор келиши билан юрагимда далага чиқиш иштиёқи хуружга минди-ю, яна ойимга ёлвора бошладим. Ҳартугур бу гал толеим кулиб боқди. Ойим шўхлик қилмаслигим эвазига далага олиб чиқишга розилик берди. Шу кун тун ярмигача ухлолмай тўлғаниб ётдим, тонгга яқин кўзларим илиниб, қисқагина туш кўрибман. Уйғониб кўрган тушимнинг баъзи бир ҳолатларинигина эслашга муяссар бўлдим, булар қуйидаги ҳолатлар эди: дам югуриб тепаликка чиқар, дам сойликка тушар, ўқдек учиб кетаётиб қўлларимни ёзиб қичқирар, гоҳ ёлдор, яйдоқ отларнинг кетидан қувиб, гоҳ оҳу болаларига қўшилиб ирғишлар, гоҳ юзига тер қалқиган, бели букилган ойимнинг қўлларидан кетмонни олиб ер чопишга тутинар эдим. Юзимни ювмасданоқ тушимни ёниб-ўртаниб гапириб берган эдим, ойим энди эътироз билдириш ўринсиз эканини тушунди чоғи, далага олиб чиқишга иккинчи бор розилик билдирди ва шу билан илк бор уйдан ташқарига чиқишга тўла имкон яратилди. Эрталабки чойдан сўнг ойим,

опаларим одатдагидай кетмонларини елкаларига қўйиб, далага отланишди. Мен ҳам яланг оёқ, қасмоқ босган сирма камзулимнинг чўнтақларига қўлларимни тиқиб орқаларидан эргашдим. Кўчани далага кетаётганлар — улар фақат аёллар эди — тўлатган, оёқлар остида ўзим тенги болалар ўрмалашарди. Улар орасида мендан бир ёш улуг, лекин бўйи пастроқ, соч, қошлари сарғиш, бўлар-бўлмасга баҳона топиб мушглашадиган холаваччам Миравлод, мендан уч ёш катта, узун бўйли — у ота томонидан узоқ қариндош эди — Исомиддин ва Миравлод билан тенгдош бақалоқ — у она томонидан узоқ қариндош эди — Абдурасул қотма, салгина қизиқ гапдан қотиб куладиган, салгина турткидан мунгайиб қоладиган Турдивой бор эди. Турдивой ён кўшним ва тенгдошим бўлгани сабабли бошқаларга қараганда кўпроқ у билан сирдош бўлиб қолгандим. Биз далага чиқиш баҳонасида кўришиб қолганимиз эвазига қучоқлашиб, қўлларимизни елкаларимизга ташлаб, хурсандлигимизни: “Вай, сен ҳам далага чиқяпсанми? Қандан яхши. Бирга ўйнаймиз”, қабилда ифода қилганимиздан сўнг, бир сафга тизилдик-да, оналаримизнинг орқаларидан югурдик.

Қичқириқларимиз бутун қишлоқ узра янгарди. Қарийб эсимни таниганимдан бери кўчада ҳозиргидай нотинчликни кўрмагандим. Уруш туфайли қишлоққа чўккан оғир, кўрқинчли жимликни қичқириқлар бирдан кўтариб юборган эди, назаримда. Қичқириқлар билан сой бўйига ҳам етиб келдик. Сой тўлиб, пишқириб оқиб ётар, кўпирган тўлқинлар вишиллаб соҳилга урилар, орқага қайтар, ўрнида қолган ояпоқ кўпиклар чирсиллаб ёрилар, сал ўтмай яна тўлқинлар кўликларни босиб кетар эди. Ер сатҳини хира туман қоплаган, гўё куч билан тортиб йиртилган кўкиш бўздай сой устида осилиб турар, тўлқинлар юқорига сапчиб, гўё туман ипларини тортиб чайқалтирар, бу ҳақиқий туман бўлмай, иссиқлик оқибатида ердан кўтарилган ёмғир ҳарорати эди. Туни билан ёғиб чиққан ёмғирдан ер кўкириб қолган, майсаларга қўниб қолган ёмғир томчилари оёқларимизга билан дув тўкиларди. Ниҳоят, турли томонга югуришлардан сўнг болалар бир жойга йиғилишди, мен ҳам даврага қўшилдим. Ойим лозимининг почасини ҳимариб, қўлимдан ушлаб сойдан ўтказиб қўйди. Сўл қирғоққа ўтиб олганимдан кейин ойимнинг қўлини қўйиб юбориб, яна болаларнинг кетидан югурдим ва ҳали-замон сувдан ўтаётганимда ҳис қилган кўрқувимни ҳам унутиб юбордим. Соҳил кўм-кўк майсалар билан қопланиб, оламни гўзалликка буркаган, лекин мана шу гўзалликни яккам-дуккам тошларгина бузиб турар, оёқларимни босишим билан сирпаниб кетиб, йиқилишдан аранг ўзимни ўнглаб қолар, бармоқларим ораси қоп-қора лойга тўлиб чиқар эди. Биринчи

галда фикримни қарам қилган нарса сирти яшил, ичи оппоқ тўрт қулоқли бойчечаклар бўлди. Лаҳза сари ёмғир ва майсалар ҳидини туяр, бойчечакларни тўйиб томоша қилар, қалбимда эса мутлақо соф, бир-бирига зид бўлмаган тўла гўзаллик туйғусини ҳис қилардим. Бу туйғу ўртоқларим билан турли томонга югуриб, бойчечакларни саралаб тараётганимда яна ҳам хуружга минди. Турли томонга югурар, ўртоқларимдан олдинроқ бориб бойчечакларни териб олишга ошиқар, териб олгандан кейин эса келиб оймга берардим. Ойим кўнглим учун бойчечакни кўлига ола туриб жилмаяр, сўнг бирдан ғамгинлашиб қолар эди.

Ойим тобора мендан узоқлаша бошлади. Мен кафтларимни бойчечакка тўлатиб олиб, ниҳоят орқасидан югурдим. Шу билан “Бойчечак” ўйини тугади. Соҳилдаги тутзорни босиб ўтиб, тўқайга ҳам етиб келдик. Қаршида баланд тепалик қад кўтариб турар, бу уйимиз деразасидан кўриниб турадиган, яъни мен қиш кунлари оёқларимни танчага тиқиб, ёнбошлаб термиладиган ва ҳавасимни орттирадиган Чорлоқ тепа эди. Ойим тепаликка кўтарилиб олгач, орқасига ўгирилиб, кўлларини белига тираганча туриб қолди ва салдан кейин эса кўздан йўқолди. Мен Чорлоқ тепалиги томон эмаклаб кўтарилаётган болалар орқасидан тирмаша бошладим. Тирсакларим шилиниб, оёқларим қалтираб, аранг тепаликка кўтарилиб ҳам олдим. Бу ер чиндан ҳам баланд бўлиб, бутун борлиқ бемалол кўриниб турарди. Лаганга ўхшаш тепалик устида Исомиддин кўлларини белига тираб, у ён-бу ён юрар, Миравлод, Турдивой, Абдурасул эса турли томонга югурар, турли хил ўтларни терар, бир-бирларига кўрсатиб мақтанишар эди. Лекин мен бир четда туриб қолдим. Бошимда турли-туман аниқ-ноаниқ фикрлар чарх уриб айланар, лекин ҳеч бирини тутолмаётган эдим. Аста-секин кўзларим олдидаги намхуш ҳаво тумани титрай бошлади ва ҳаммаёқни қоп-қора ранг қоллади. Бир лайт кўзларим олди ёришиб, ҳавонинг титраши ҳам тинди, шундан кейингина борлиқни олдинги ҳолида кўришга муяссар бўлдим. Кунчиқиш томонда жигарранг чўққиларгина кўриниб турган оппоқ тоғлар ястаниб ётар, қори эриган арчалар гўё паранжи ёпинган аёллардай эгилиб қолган, қоялар ости дарахтлар гужгон ўсган қорамтир водий бўлиб, Қизилсой шу ердан бошланар эди. Тоғ шимол томонга чўзилиб, сўнг тепаликлар билан қўшилиб кетар, ундан у ёғи мовий рангда эди. Қизилсой суви тўлқинланиб ётар, дам соҳилнинг ўнг томонига чиқар, дам чап томонига кирар, қирғоққа яқинлашгач сув тиниқлашар эди. Сойнинг нариги томонидан эса жарлик бошланар, жарлик устида қишлоғимиз ястаниб ётарди. Қишлоқ кунчиқишдан кунботишга қараб чўзилиб кетар, қишлоқ тугагач

эса тепалик аста-секин юпқалашиб, шу тариқа мовий рангга қоришиб кетар эди. Фикрим чалкашиб, бирдан оппоқ чўкқилар, арчалар, водий, сой, қишлоғимиз жуда гўзал туюлиб кетди. Бу шунинг учун гўзал туюлгандики, мен буни биринчи бор кўраётган, диққат қилаётган эдим. Мен бу манзарани яхши идрок этолмас, гўзалликни бутун нозикликлари билан фарқ қилолмас, фақат қалбдан ҳис қилиб турар эдим. Ҳайлай-ҳайлай охири мен бу гўзалликни ҳеч ким, ҳеч қачон тушунмаса керак, деган қарорга келдим. Худди шу пайт фикримни бирдан қишлоқ манзараси ўзига жалб этди. Тепалик сатҳи хиёл чуқурроқ бўлиб, дарахтлар чуқурликни тўлатиб турар, дарахтлар орасидаги паст-баланд ва бир-бирларига туташиб кетган уйлар қишлоққа ўзгача гўзаллик бахш этарди. Мен узоқ излашдан сўнггина ўрта ва юқори маҳалладаги мачит, қабристонни топдим. Мактаб биноси ҳам осонгина топила қолди. Лекин, қанча уринмай, мактаб биносидан икки том пастдаги уйимизни тополмадим, тераклар халақит берарди. Бу манзара менга “Боғи Эрам”ни эслатди. Қайтар экан, Чорлоқ тепа устида турганимни англадим, юрагимда кучли санчиқ кўзгалди. Гўё мен шу кез ўзимни қишлоғимдан абадийликка бош олиб кетган, бошқа қайтмайдигандай ҳис қилардим. Бу туйғу мени қалт-қалт титратиб юборди. Мен шу пайтгача қишлоғим бағрида яшаб туриб унга диққат қилмаган эканман. Узоқлашгандан кейингина унга жиддий диққат қилдим ва жон-тангимдан ҳам ортиқроқ яхши кўришимни илк бор ҳис қилдим. Кейин бирдан кўнглимдан: “Чиройли, қишлоғимиз жуда чиройли”, деган фикр ўтди-ю, қайтадан мени титратиб юборди. Нега шундай дедим? Нимага қалт-қалт титрадим? Таърифлаб беролмайман.

Бу, менинг гўзаллик қаршисидаги янги изтиробим, ҳаяжонларим эди.

Ниҳоят, пастдан ўртоқларимнинг қичқириқлари эшитилиб, ҳушимга келтирди ва югуриб кетдим.

Улғайдим. Оқ-қорани таниганимдан сўнг яна болалик туйғумни изоҳлашга қайтаман. Болаликда мен хонадоним ва хонадоним жойлашган қишлоғимни болалик самимияти, соддалиги билан севгандим. Буни мен илк бор уйимиздан ташқарига чиққач, гўзал қишлоқ манзарасини томоша қила туриб ҳис этгандим. Болаликда Ватан мен учун хонадондан бошланиб, қишлоқ билан ниҳояланганди. Энди эса... илк бор хонадон остонасидан бошланган Ватан аста-секин “Ўзбекистон” деб аталмиш муқаддас тупроққа бориб камол топди. Хонадон — Ўзбекистон! Ўзбекистон — Ватан! Мен — ўзбек! Ўзбеклар — халқ! Халқ, Ватан — муқаддаслик! Ҳаммаси жамланиб хонадон ва жаҳон! Унинг аъзолари инсон! Бу

— азиз еримиз, муқаддас инсон болалари...

ЎЙИН

Мен Чорлоқ тепадан сойликка — болалар ўйнашаётган ерга ўқ тезлигида югуриб келдим. Бу сой Қизилсойга нисбатан кичик, суви ҳам кам, сойнинг бошланадиган ерига келиб, мен ҳали-замон кўрган тоғлар тугар, шу кўйи тепаликларга тутшиб кетар эди. Ойим кунботиш томондаги тепалик ёнбағридаги аёллар билан ер чопар эди. Сой четидаги баландликдаги бир одам бўйи келадиган жарлик устида эса Исомиддин, Миравлод, Турдивой, Абдурасулларни атрофига йиғиб, қўлларини силтаб, қизишиб, бир нималарни тушунтирар, улар ҳам жимгина қулоқ солишар, ошиқча ҳайрат билан хатти-ҳаракатини кузатишар, гоҳ-гоҳ бош силкишиб, маъқуллаб ҳам қўйишар эди.

— Қаерда юрибсан? — сўради Исомиддин даврага қўшилганимдан кейин қўлини елкамга қўйиб, — намунча лапашанг бўлмасанг. Доим орқада қолиб юрасан. Чақирсак ҳам қарамадинг. Ўйинга қўшилсанми?

— Қанақа ўйин? — сўрадим ҳамон Чорлоқ тепа устида туриб олган таассуротимни тарк этолмай.

— “Уруш-уруш” ўйнаймиз, — гапини давом қилди Исомиддин, — аканг қарагай генерал бўлади. Сизлар икки томонга бўлиниб, бир-бирларингизга қарши жанг қиласизлар. Аттанг, таёқ олиб келмабмиз-да, таёқ яхши милтиқ бўларди. Ҳа, майли, қиррали тош ҳам ёмон милтиқ бўлмайди. Аммо таёқ яхши милтиқ бўларди. Фақат сизлар отишни боппасаларинг бўлгани. Аввал ақоп қазиб олишимиз керак.

— “Ақоп”инг нима? — сўради Турдивой пешонасини тириштириб.

— Ақоп... Ақоп... — Исомиддин гулдираб қолди ва елкаларини қисиб, бир оз ўйланиб турди-да, гапини улаб кетди: — Ақоп... чуқур бўлса керак-да. Сизларга бари бир эмасми? Генерал айтганини қилсаларинг бўлгани. Майли, чуқур қазиб ўтирмаймиз. Яхшиси, жарлик остига беркина қоламиз.

— Сен бу ўйинни қасрдан ўрганиб келдинг? — сўраб қолди Абдурасул кутилмаганда ва ўзи олдинроқ ўрганиб олмаганидан афсусланиб бошини ликиллатди.

— Кеча юқори маҳаллага, холамникига чиққан эдим, — тушунтира бошлади “генерал”имиз ва ўйинни ўзи билгани, биз билмаганимиздан фахрланиб жилмаяр экан, — болалар ўйнашаётган экан: “Мени ҳам қўшинглар”, деган эдим, “хўп”, дейишди. Ўйнадим... Аммо... баччағарлар мени роса дўппослашди, кейин асир ҳам олишди. Занғарлар жуда зўр ўйнашар экан.

Додлашимга ҳам қарамай роса муштлашди. Қочиб қолмаганимда ўлдириб қўйишарди. Ахир биринчи марта “уруш-уруш” ўйнашим эди-да. Агар сизлар менга қулоқ солиб, ҳозир ўйинни боппласаларингиз, эртага юкори маҳаллага олиб чиқаман. Бир юкори маҳалла болаларини асир олиб келайлик. Менга бошқа мақтанолмайдиган бўлишсин. Ахир мен улардан ўчимни олишим керак-ку. Қани, энди ақопга тушинглар. Ҳа, айтмоқчи, иккитангиз душман, иккитангиз “бизникилар” бўласизлар. Қани, ким душман бўлади?

“Генерал”имиз синчиклаб биз — аскарларни кузатди, лекин ҳеч кимдан садо чиқмади. Ҳали-бери жавоб бўлишига кўзи етмаган “генерал”имиз ниҳоят менга юзланиб:

— Анвар, сен душман бўласан, — деди ва “йўқ” дегудай бўлсам бошқа мажбур қилмай, ёнимдагилардан бирига мурожаат қиладигандай атрофга аланглади.

— Бор, — дедим иштонимни кўтариб ва чиндан ҳам душман бўлиб қоладигандай, дарҳол ўзимни орқага тортдим, — ўзинг душман бўл.

— Миравлод, сен бўлақол, — “генерал”имиз ёнига ўгирилди.

— Керакмас, нега душман бўларканман? — жавоб қилди Миравлод лабини буриб.

— Майли, Турдивойни душман қила қоламиз, — деди икки кишидан “йўқ” жавобини олган “генерал”имиз юмшоқ супурги бўлиб.

— Бўлмайман, — тўнғиллади Турдивой ҳам бурнини тортиб ва “генерал”имиз яна бир нарса деса йиғлаб юборадиган бир ҳолда. — Душман ёмон, ўртоқларим мени ёмон кўриб қолишсинми?

— Сен-чи, Абдурасул? — деди “генерал”имиз иложи борича овозини силлиқлаштиришга уриниб.

— Бор, — эътироз билдирди Абдурасул ҳам ва орқасига ўгирилиб олди, — кучинг менга етдими?

— Бўпти, яхшиси, кафтимга иккита тош беркитаман, — деди мағлуб бўлаёзган “генерал”имиз, — шунда ора очиқ бўлади. — У ердан икки хил тош олиб кафтига қисди ва қўлларини орқасига ўтказиб, бир нималар қилди-да, қўлларини яна олдинга чиқариб, муштини тутди, — мана, уринглар.

Турганлар бир-бирларига қараб қолишди, лекин муштини биринчи бўлиб урадиган одам топилмади. Мен ҳам қотиб турар, нима қилишимни билмас, иложи борича муштга уриш муҳлатини орқага суришга тиришардим. Ойим, опаларим “душман” сўзини кўп гапиришган, укам Эркиннинг ўлими, отам, Зиётвой поччамнинг ҳарбийга кетиши, ҳатто эчкимизни бўри бўғизлаб

кетиши, Рикси оламнинг етим қолиши — ҳаммасига шу душман сабаб бўлганини қулоқларимга қуйишган, хуллас, каттадан-кичиккача “душман” сўзидан нафратланар эди. “Генерал”имиз муштини кўрсатган, бизни душман бўлишга мажбур қилган кез, мен муштира урсам гўё душман бўлиб қоладигандай шашт билан ўзимни орқага тортдим. Бир лаҳза одамлар мени кўрсатишиб, ҳақоратлаётгандай, ушлаб олиб дўппослашаётгандай туюлаверди. Мана шундай кўнгилсиз туйғулардан сўнг “генерал”имизнинг муштира уриш муҳлатини орқага суришга қарор қилдим. Узоқ қистовдан сўнг ниҳоят “генерал”имизнинг муштира биринчи бўлиб Миравлод урди ва душман номини олди.

— Душман!

— Душман! — деган хитоблар янгради-ю, Миравлод тумтайиб қолди ва кўзлари ёшланиб ҳам кетди. Иккинчи бўлиб “генерал”имизнинг муштира Абдурасул урди ва қичқириб юборди. У “бизникилар” бўлгани учун ҳам қичқириб юборган эди. Орқароқда бўйинини қисиб турган Турдивой учинчи бўлиб шижоат кўрсатди ва бирдан ранги оқариб кетди. Боёқиш, чамаси, душман бўлиб қолишини олдинроқ сезган экан. Навбат менгача етиб келмади, чунки “бизники”лардан қолган бир ўрин менга теккан эди.

— Хўш? Қани айтинглари-чи, мағрур гап бошлади “генерал”имиз. — Эртага юқори маҳалла болаларини асир олиб келамизми? Билиб қўйинглари, “генерал”нинг гапи — гап. Асир олиб келиш учун менинг измимдан чиқмаслигингиз керак. Асир олиб келсак, кўп қойилмақом иш бўларди-да.

— Олиб келамиз! — Турли томондан хитоблар янгради.

— У муттаҳамларни асир олиб келишимиз керак, бўлмаса ҳали-бери бизларни юқори маҳаллага чиқаришмайди, — тушунтира бошлади “генерал”имиз, — уруш босилса, қишлоқда яна тўйлар бошланади, ош егани юқори маҳаллага чиқишимиз керак. Агар биз уларни енгиб олмасак, ош ейишга чиқаришмайди. Биласизлар, Соймаҳалланинг оши билан қорин тўйгазиш қийин. Катталардан ортмайди. Қани, энди, душманлар, ўз жойларингизга, “бизникилар”, ўз жойларингизга бориб ўтиринглари. Қизиқ, генерал қандай юрар экан-а? — “генерал”имиз жимиб қолди ва кўрсаткич бармоғини пешонасига тираб, бир оз ўйланиб — буни у кимдандир кўрган бўлса ажабмас — тургандан сўнг қўлини боши узра айлантириб, оёқларини ерга “тап-тап” урди, шу билан ўзини чиндан ҳам генерал қиёфасига киргазди. — Қани, энди жангга тайёрланинглари. Эсларингиздан чиқмасин, мен генералман. Генералнинг гапини қайтариб бўлмайди. Ҳой, Турдивой, душман

бўлмай ўл, милтиқни тўғри ушла, — у Турдивойнинг ёнига келиб қўлини қулоғигача кўтариб қўйди,— тайёрланинглар!

— Тайёрмиз!— деган хитоблар янграганидан кейингина “генерал”имиз орқага силжиди ва яна хаёлга чўмди.

— Абдурасул, душманни отиб олсак яхши бўларди, — дедим орқамга ўгирилиб, жарликка туша бошлаганимизда.

— Турдивойни отиб олса бўлади-ю, Миравлод оттирмайди, — жавоб қилди Абдурасул гўё ҳозир Миравлод келиб муштлашиб қоладигандай ранги ўчиб, орқасига қараб ҳам олди, — у фирром отиб қўйсак муштлашади.

Ниҳоят жарликка тушиб чўзилдик, “генерал”имиз эса жанг майдони — юқорида туриб овоз бериши билан жарликдан чиқишимиз, сўнг ўқ узишимиз, ёт деса ётишимиз, тур деса туришимизни обдан қулоқларимизга қуйгандан кейин қўлларини белига тираб, у ён-бу ён юра бошлади. Ёнимга ўгириляётган эдим, кутилмаганда:

— Огонь! — деган хитоб янграб қолди, гарчи ҳеч биримиз “огонь” сўзига тушунмасак-да, сапчиб туриб юқорига кўтарила бошладик. Шу тариқа жанг бошланиб кетди. Мен ёнимдагиларга тақлид қилиб, туришса турар, эгилишса эгилар, ётишса ётар, эмаклашса эмаклар, димоғим билан узилган ўқ овозини ифода қилар эдим: “Пақ-пуқ!”

— Душманлар ўлмаяпти-ку, — деб қолди бир пайт ёнимда эмаклаб келаётган Абдурасул, — тиззамга тош ботиб кетяпти.

— Ўзимиз ҳам ўлмаяпмиз-ку, — дейишимни биламан, тўсатдан:

— Ҳой Анвар, Абдурасул! Қанақа аскарсизлар, нега босиб келмайсизлар, — деб қичқириб қолди “генерал”имиз.

— Душманлар олдин келишсин, — тўнгиллади Абдурасул, — тиззам шилиниб кетди.

— Огонь! — “генерал”имиз яна қичқирди. Бошимни кўтаришимни биламан, тепамда бало-қазодай Миравлод пайдо бўлди-ю, мени ота бошлади: “Пақ-пуқ!” Оёғимни ушлаб аранг туриб олдим, худди шу пайт чап жағимга бир нарса тушди-да, ўнг томонимга “шилқ” этиб ағдарилдим, жағим худди пичоқ қирққандай ачишиб, кўзларим тина бошлади. Ҳушимга келиб кўзларимни очдим. Миравлод қўлидаги тошмилтиғини елкамга тираб турар, важоҳатидан эзиб ташламоқчи бўларди. “Генерал”имиз эса умбалоқ ошиб, қичқириб, қаҳ-қаҳ отиб кулар эди. Шундан кейингина ҳали-замон Миравлоднинг оёғини ушлаганим, у афтимга қулочкашлаб қўйиб юборганини эсладим.

— Бошқа ўйнамайман, — дедим олов-оташ бўлиб лўқилляётган жағимни силаб, силадиму, бурним ачишиб кетди ва қовоқларимга

қалқиган ёшлар “дув” этиб юзимга тўкилди.

— Энди урмайди, — кўнгил берарди ҳамон ичаклари узилгудай бўлиб кулаётган “генерал”имиз, — ўқи тугаб қолди, ўқи тугагач муштлашаверади, сен ҳам қараб турмай сол-да. Бўлти, бошидан бошлаймиз, жойларингизга бориб ётинглар.

Ноилож жарликка тушиб жойимга чўзилдим, чўзилдиму, сим-сим оғриқ кўзгалган юзимни чангалладим, лекин бунга ҳеч кимга билдирмаслик мақсадида орқамга ўгирилиб олдим.

— Анвар, қўрқма, — дея Абдурасул юпатган бўлди, — бу гал Турдивойни босиб оламан.

Лекин у: “Миравлодни босиб оламан”, деёлмади, чамаси ундан қўрқар экан. Бари бир мен унинг гапига диққат қилмадим. Ғазаб ва нафрат туйғусидан вужудим олов-отаи бўлиб ёнар, қандай бўлмасин Миравлоддан ўчимни олиш йўлини излар, бўғилиб сўкинара эдим. Узоқ ҳиқирлашдан сўнг охири Миравлоднинг пешонасини мўлжалга олиб калла қўяман, деган қарорга келдим. Шундай қиламан, зораки, йиқитиб қўрқитиб олсам, бошқа менга дағдаға қилмаса...

“Огонь!” — деган хитоб янграши билан ёниб-ўртаниб, жарга осилдим-да, юқорига кўтарилдим. Миравлод ҳам чамаси худди шуни кутиб турган экан, мен томон югурди, вақтни қўлдан бермай, ҳали айтганимдай, тусмоқ билан пешонасини мўлжалга олиб калла қўйдим. Оғир ва аламга тўла чинқириқ кўтарилди-ю, Миравлод чалқанча йиқилди, калла қўяётиб ўзимни ўйламаган эканман, рақибимнинг устига бориб тушдим. У, бошини у ён-бу ён ташлар, гулдирар эди. Ниҳоят у жимиб қолди, мен эҳтиёти шартдан қўлларим билан қўлларини, оёқларим билан оёқларини босиб ётавердим. Кейин юзимни юзига қўйдим, шу кўйи яна бир нафас жим ётдик, кейин бошимни кўтардим. Миравлод киприкларини пирпиратиб аста жилмайди, мен ҳам жилмайдим, кейин кўзлари ёшланиб кетди. Боёқишнинг бурни қонаб лабларига тушар, бу кўнглимни тобора юмшатар, қалбимда ачиниш туйғуси кўзгатар эди.

— Миравлод, — дедим ниҳоят кўнглим бузилиб, — мен сени яхши кўраман, ахир холамнинг ўғлисан. Мени бир марта Абдурайим урганда, сен уни босиб олиб дўппослагансан. Урмаганингда калла қўймасдим.

— Мен ҳам сени яхши кўраман, — деди Миравлод, — урмасдим, Исомиддин мажбур қилди. Душман бўлмайман деганимни ўзинг кўрдинг-ку.

Туриб Миравлоднинг қўлидан тортдим, ўнгланиб олди. “Генерал”имиз ҳамон қаҳ-қаҳ отиб куларди. Бу орада:

— Турдивойни асир олдим! — деган хитоб янграб қолди-ю, Миравлодга ачинаётганимдаги ҳаяжоним “генерал”имизнинг кулгиси билан қоришиб кетди-да, ёнимга ўгирилдим. Абдурасул Турдивойни босиб олиб дўппослар, Турдивой эса бир нималар деб гулдирар, бошини қўллари орасига олиб гужанак бўлиб ётарди.

— Бўлди, “бизники”лар енгди! — “генерал”имиз қўлини кўтарди ва шу билан Миравлодни изтироб ва таҳликадан мутлақо озод қилди, — Анвар, шундай урушсанг, юқори маҳалла болаларини албатта асир олиб келамиз. Тўй ўзимизники бўлади, ана шундан сўнг қорнинг ёрилгунча ош ейсан. О, қани ўша ош ҳозир бўлса...

“Генерал”имизнинг мақтови қалбимни шодликларга кўмиб ташлади ва чиндан ҳам ўзимни мутлақо эркин ҳис қилиб, орқамга ўгирилдим-да, Абдурасулни четга суриб, Турдивойни кўтармоқчи бўлган эдим, у қўлларимни суриб ташлади.

— Турмайсанми? — сўрадим ундан.

— Чарчадим, бошқа ўйнамайман, — жавоб қилди Турдивой ва оёқ-қўлларини ёзиб, бемалол ётиб олди.

— Хўш? Энди душманни саранжомлаймизми? — мурожаат қилди “генерал”имиз ва Турдивойнинг ёнига яқинлашди. — Асир тушди аблаҳ. Нима қилсак экан-а? Яхшиси, шу ерда ўлдириб қўя қоламиз. Абдурасул, ўзинг асир олдинг, энди ўзинг бошлаб бир от-чи. Бунини шерик қилиб юқори маҳалла болалари билан урушиб бўладими, енгилиб, очдан ўласан.

Абдурасул югуриб келиб Турдивойнинг қорнига миниб олди-да, пешонасини мўлжалга олиб отди: “Пақ-пуқ!” Шундан кейин Турдивой оёқ-қўлларини бир силкитди-да, расмана ўзини ўлганга солди.

— Мен нима қилай? — сўради бурнини ушлаб турган Миравлод ва менга термилди, мен юзимни четга бурдим.

— Сен ҳам асир олингансан, Анвар бошлаб асир олди-да. Ҳа, майли, ҳозирча бизга ёрдамлашиб тур, мана бу муттаҳамни саранжомлаб олайлик, кейин сен билан гаплашамиз, — деди “генерал”имиз устки лабини тишлаб. — Оёқларини узатиб ётишини қара бу аблаҳнинг. Ҳалол ўлиб берадиган душман эканми?

“Генерал”имиз енгларини ҳимариб, Турдивойнинг сирма чопонини ечиб олди-да, ёнига қўйди ва димоғида тўкилаётган сувнинг овозини ифода қилиб, мурдани ювишга тутинди. Турдивой қўл-оёқларини узатиб чалқанча ётар, ранги чиндан ҳам мурданики каби оқариб кетганди. Бирдан юрагимни кўрқув туйғуси эгаллади-ю, туқларим тикка бўлиб кетди.

— Илоё худо раҳмат қилган бўлсин! — юзимга фотиҳа тортдим-

да, ўрнимдан туриб, қаддимни ростладим ва шундан кейингина юрагимни даҳшатли қўрқув босди. “Турдивой ростдан ўлиб қолган бўлса-я! Онасига нима жавоб қиламиз?” — деган ўй бошимга урилди ва дарҳол ўзимни ўзим юпатишга тушдим: “Йўқ, Турдивой ўлмаган! Ўлмаган! Тирик! Тирик!” Қалт-қалт титраб Турдивойнинг қўлидан олдим, кўтара туриб чинқириб юборишимга оз қолди.

— Оёқлари музлаб қолибди-ку, — деб қолди шу пайт устига-устак Миравлод.

— Ўлгандан кейин музлайди-да, — таъкидлади “генерал”имиз ҳам.

Қовоқларимда турган ёшлар узилиб бурнимга, ундан лабимга тушди. Шўр ёшларни ялаб туриб, қўл-оёқларим бўшашиб кетди, шу билан тасаввуримда Турдивой чиндан ҳам ўлди. Лекин миямнинг қаеридадир, “у ўлмаган”, деган ўй қалқиб турарди.

— Бўлди, йиғламанглар — бу “генерали”мизнинг овози эди, — ўлса душман ўлди, душманнинг, босқинчининг ҳоли шу.

Турдивойнинг юзига назар ташладим, ташладиму, бошимга “чиндан ҳам ўлибди”, деган фикр урилди ва бирдан бўшашиб кетдим, лаҳза ўтмай титроғим ҳўнграш билан алмашди, юзимни чангалладим.

— Турдивой! Сен ўлмагансан! Ўлганинг ёлғон! Сени алдашяпти! — дедим кичқириб. Турдивой кўзларини очди ва узоқ ухлаб, қойилмақом туш кўриб уйғонган одамдай ёқимли жилмайди-да:

— Генералимиз тур демаса, турмайман, — деди ва мени баттар ҳўнграшга мажбур қилди. Табиийки, бу гал мен шодликдан йиғлаётган эдим. Қаддимни ростлаб улгурмадим, кимдир орқа томондан елкамга қўлини қўйди-да, қаттиқ чимчилади, ўгирилдим, ойимни кўрдим. Ойимнинг ранги оқариб кетган, фулдирарди:

— Нега йиғлаяпсан?

— Ўзим... — дедиму, яна ҳўнграб юбордим.

— Ҳой, шошма, — деган овозни эшитиб чўчиб тушдим, ёнимга ўгирилганимни биламан, Турдивой шарт ўрнимдан туриб қочиб қолди, онаси уни қувиб кетди.— Ҳу, ўйинларингни ер ютсин, ниятларинг қуриб кетсин. Исомиддин, болаларни сен йўлдан урдингми? Ким сени далага олиб чиқди?

Исомиддин қочиб борар, баъзан орқасига қараб кўзини қисар, куларди. Абдурасул ҳам жуфтакни ростлаб қолган, мени ҳам ёнимда турган ойим энди билагимдан маҳкам тутганди.

— Бўлди, бошқа ўйнамайман, — дедим мен қишлоққа қайтаётиб ойимга.

Бари бир ойим мени қўйиб юбормади.

Уруш! Ўйин! Кейинчалик болалар ўйинига айланган шу уруш бизнинг хонадонимиз қатори бошқа хонадонлар бошига ҳам не-не кулфатлар солди. Ота-оналарни фарзандлари, аёлларни эрлари, болаларни эса оталари, акаларидан жудо қилди. Катталар қатори болаларнинг юраклари ҳам дард чекишга мажбур бўлди. Уларнинг ажойиб-ғаройиб “болалик” ўйинлари ёнига қайғулисиди — “уруш-уруш” ўйини келиб қўшилди. Болалар “уруш-уруш” ўйинини ихтиёр этар эканлар, босқинчига қарши нафрат ва ғазабини ифодаладилар. Бу пок, мусаффо ва нурли болалар — “болалик” қалбадаги уруш фожиаларининг илк кўринишлари эди.

Шу куниди мен илк бор “уруш-уруш” ўйини даҳшатини англаб, унинг ўзи қандай бўлишини сал-пал тасаввур қилгандим. Бу англаш, тасаввур юрагимни узоқ вақтгача азоблаб юрди.

ТОШКЕНТГА САЁҲАТ

— Босқинчининг бўйни узилсин уруш қилмай, — деди бир куниди ойим даладан қайтиб, кетмонни ерга иргатар экан. Шу қадар куч билан иргитдики, соп бўғзидан синиб кетди. Доим кетмоннинг сопига эҳтиёт бўлинглар, деб бизни тергайдиган одам бу гал ўгирилиб ҳам қарамади. — Шаҳарда нима гап экан? Қишлоқда-ку, машоқ қилиб ҳам кун кўрасан. Онамни, укаларимни соғиндим. Тошкентга бориб келаман.

Бир зумда опаларим ойимнинг атрофини ўраб олишди, мен бир томондан, Камол бир томондан ўртага кирдик.

— Ойижон! — деди Соифа опам тирсақлари билан ёнидаги Маърифа опам билан Мазифа опамни орқага суриб ва дарҳол ўзини мўмин-қобил қиёфага киргизди. — Бувим, тоғаларимни мен ҳам жуда соғинганман, мени ҳам олиб боринг.

— Ойи! — ийманиб мурожаат қилди Маърифа опам Соифа опамнинг олдига ўтиб. — Анчадан бери тушимга бувим, тоғаларим кириб чиқишади, сизга айтмай келардим.

Ойимнинг қоши чимирилди.

— Уял-э! Кап-катта хотин, — деди у. — Эсинг бутун десам, яримта экан.

Маърифа опам бошини эгиб қолди. Ойим эса Мазифа опамга юзланди. Мазифа опам нима қилиш, нима дейишини билмай қотиб турар, гўё ойим, опаларим ҳозирок Тошкентга кетиб қоладигандай ҳавас билан, айни вақтда, мени ҳам олиб борсаларингиз яхши бўларди, демоқчидай илинж билан жилмаярди.

— Ойи, мени олиб бормайсизми? — сўраб қолди Риқси опам сариқ сочларини силкитиб ўзини ойимнинг кучоғига отганича.

— Оппоқ қизимдан ўргилай, — ойим Риқси опамни тиззалари

орасига олиб сочларини силади, — сени олиб бормасам, кимни олиб бораман. Отанг ҳарбийдан қайтсин. Кейин борасан. Мен кетсам укаларинг зерикиб қолишади, сен уларни ўйнатасан.

Риқси опам ёнига ўғирилди ва укаларимни ўйнатишга опаларим бор-ку, демоқчи ҳам бўлди, лекин ойимнинг мақтови кўнглини юмшатди шекилли, бошқа бир нарса дейишга журъат этмади.

— Ойи! — дея турганларнинг фикрини тортди Соифа опам ва ёввойи мушукдай қовоқлари осилиб қўлларини белига тиради. — Мен бормасам бўлмайди. Уйда қолсам ҳам бари бир мана буларга, — мен билан Камолга ишора қилди, — тинчлик бермайман.

— Овозингни ўчир, — ўшқирди ойим, — сени тўнғиздай қилиб олиб бораманми? Тошкент яқин ерда бўлса экан, тубконнинг тагида.

— Олиб бормасангиз, ҳовлингизни супурмайман, ишга ҳам чиқмайман, — Соифа опам шартта орқасига ўғирилди-да, тош ўғир устига бориб ўтирди, — биламан, ана у каллахумни олиб кетасиз.

— Баттар бўл, супурмасанг супурма, ишга чиқмасанг чиқма, очдан ўлсанг ўзинг ўларкансан, — деди ойим, — сени эрга бериб қутуламан чоғи...

— Эрга беролмайсиз, — оёқларини сувга солган кездеги каби ўйнатиб тиржайди Соифа опам, — йигитлар ҳарбийда.

Ойим қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди-да;

— Илоё тилинг кесилсин, — деди на кулишни, на йиғлашни билмай қолган одам аҳволига тушиб, — сенга худо бас келмаса, бандаси бас келолмайди. Теккан эрингни ҳам қон-қақшатасан.

— Ажаб қиламан, яхши-да, — Соифа опам яна тиржайди.

— Ойижон, — дедим ниҳоят мен ойимнинг тиззаларига қўлимни қўйиб, пешонамни қулоғига тираб, офтобда қорайган сертомир бўйнидан ўпдим, кейин одатим бўйича бошимни турли томонга ташлаб тиржайдим, ойим ҳам жилмайиб қўйди, бу, табиийки, “розилик” аломати эди. Чунки ойим бирор ёққа борадиган бўлса, билагига осилиб, ёпишиб йиғлар, шунда ҳам эътироз билдирадиган бўлса, ерга ағанар, хуллас, олиб бормаслигига қўймасдим. Ойим ҳам бунга тушуниб қолган, иложи борича раъйимга қарашга ҳаракат қиларди.

— Анвар борақолсин, — деди ойим, — ёлғиз укаларинг, — ойим қўлини қўлтиғим оша орқамдан ўтказиб ўзи томон тортди-да, пешонамдан ўпди.— Ширинжон! Мунча ширин бўлмасанг.

— Ҳу, каллахум, — деди Соифа опам ирғиб ўғир устидан тушар экан, ёнимга келиб биқинимга туртди, боз устига чимчилаб ҳам олди, — илоё калланг бундан ҳам катта бўлиб кетсин, илоё

кўтаролмай қол. Эшакка мину, бошинг оғиб йиқилгин, — бир қур шундай бўлган, Соифа опам ҳозир шунга ишора қилаётган эди, — йиқилиб тушгин.

— Бор, ўзингнинг калланг катта бўлиб қолсин, — дедим ва афтимни тириштириб сонидан чимчиладим-да, кўзларимни юмиб, тўсатдан тушиб қоладиган Соифа опамнинг муштини кутдим. Жигига теккан кезларим у қулочкашлаб қўйиб қолар, ойим ҳар қачон ҳам ёнимни олавермас, шу сабабли ноилож Соифа опамнинг муштира чидаб берардим. Йўқ, ҳартугур бу гал ойимнинг ёнимдалиги қўл келиб, муштидан қутулиб қолдим. — Сариқ лўли.

Шу билан ора очиб бўлди. Галаба менинг фойдамга ҳал этилди. Тошкентга — бувим, тоғаларимникига жўнайдиган бўлдик.

Жума куни бўлиши керак, чунки онам эртага шанба дегани қулоғимга чалинувди. Ойим шу куни кечқурун кир ювди, сўнг тун ярмигача ивирсиб, қозонда қотирма пиширди, эртаси куни эса бўз халтага толқон, алмисоқдан қолган қурут солди.

— Шарофат, — деди ойим жўнаётиб, — худо хайрингизни берсин, болаларимга бош-қош бўлиб туринг, икки-уч кунда қайтиб келаман.

Шарофат холам ойимга амакивачча, яъни Зиё исмли амакисининг қизи эди, У юмшоқ, оққўнгиллиги сабабли биз исмини атамай хола дейишга одатлангандик.

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, — жавоб қилди Шарофат холамнинг кўзлари ёшланиб. — Улуғ янгам, укаларимга дуо денг.

Йўлга тушдик. Опаларим бизни кўз ёшлари билан кузатиб қолишди. Ойим шу дақиқани орзиқиб кутгандай шиддат билан қадам ташлар, мен эса қўлини ушлаб бир юрар, бир югурар, қаршимдан чиқиб қолган болаларга: “Тошкентга, тоғаларимникига кетяпман”, дея мақтанардим. Ниҳоят, қуёш чўққилар оша кўтарилганда биз қишлоқни ортда қолдириб, ёлғизоёқ йўлга чиқдик. Йўл шимол томон чўзилиб кетган, гоҳ юқорига кўтарилар, гоҳ пастга тушар, эгилиб-бурилар эди. Галдаги Қорамон тепалигини босиб, Отчопар сойига тушганимизда ойим гапиришга тутинди: у отамнинг Самарқандда “катта мактаб”ни битиргани, сўнг районга ишга кўтарилгани, Москвага бориб Калинин деган кишининг қўлидан орден олиб келгани, қайтгач, бутун қишлоқ одамлари чиқиб кутиб олишгани, Зиётвой поччамнинг яхши одам бўлгани, менга “Анвар” деб ном қўйгани, мен бешикка тушганимдан бошлаб узлуксиз йиғлаганим, табибга боқтиришгани, бари бир ҳеч нарса кор қилмагани ҳақида гоҳ маънос, гоҳ завқланиб гапириб борди. Табиийки, бу гаплар нон сўрамаслигим, опичинг, деб хархаша қилмаслигим учунгина

гапирилаётган эди. Отчопган сойини босиб ўтиб, тепаликка кўтарилганимизда оёқларим толиб орқада қола бордим, ойим опичлаб олди, сойликка туша бошлаганимизда эса яна ўзим юришга мажбур бўлдим. Чошгоҳга яқин Самсарак деган қозоқ қишлоғига етиб келдик. Қишлоқ унча катта бўлмай ҳувиллаб ётар, уйлар сийрак, одамлар ҳам онда-сонда ғимирлаб кўзга ташланар эди. Қишлоқнинг жануб томонидан Қизилсойимизга ўхшаш сой оқиб ўтар экан. Қозоқ қишлоқ ҳам орқада қолди ва икки тепаликни босиб ўтганимиздан кейин узоқдан атрофи тош деворлар билан ўралган боғлар кўринди. Бу — Паркент қишлоғи экан. Паркент қишлоғига кириб бораётганимизда қуёш тиккага келганди. Бу қишлоқ катта сойнинг икки четида, икки тепалик орасига жойлашган, лекин қишлоғимизга қараганда анча катта, одамлар ҳам гавжум эди. Сойликка тушаверишда, яъни кунчиқиш томондаги қабристонни босиб ўтганимиздан сўнг тегирмонга дуч келдик. Кейин катта, текис йўл бошланди, шу ерга етганда мен ойимнинг этагини тортиб:

— Қорним... — дедим ва ойимнинг қўлини қўйиб юбориб, оёқларимни ерга уриб туравердим. — Керакмас, бошқа юрмайман.

— Ўзимнинг ҳам ичакларим чулдираб кетди, — деди ойим ва мени четга тортди, — девор тагига ўтиб, орқамизни ўгириб ўтирдик. Ойим халтадан битта қотирма олиб иккига бўлди. Едик. Ойим яна мени етаклаб йўлга тушди, ўн-ўн беш қадамча юрганимиздан сўнг марказий кўчага чиқдик, ундан кунботиш томонга бурилдик. Ойим торгина ариқ четидаги тол дарахти тагига етиб тўхтади. Тол тагида икки-уч чол-кампир тупроққа қоришиб ўтирар, атрофда эса беш-олти болалар ўйнашарди. Бу ер бекаат эди.

— Хола, — дея мурожаат қилди ойим ариқ четидаги тол дарахтига орқасини тираб ўтирган ялпоқ юзли кампирга, — қаёққа кетяпсизлар? — Шаҳарга-да, болам, — деди кампир остки ва устки милкида сақланиб қолган иккита сариқ тишлари орасига писта мағзини қўйиб эзгиларкан, — ҳафтабус кутяпмиз. Келиб қолар, ана, келиб ҳам қолди.

Кунчиқиш томондан қора бир машина ўқдай учиб келиб, ниҳоят, қаршимизда тупроқ тўзитиб тўхтади. Машина уйчасидан калласи катта, бурни муштдай, чопонининг ўнг елкаси йиртилиб, пахтаси чиқиб турган қирқ ёшлардаги шопмўйлов бир киши чиқди. Ойим мени судраб шопмўйлов киши томон ўтди ва кутилмаганда ариққа дуч келиб қолиб, мени судраб яна орқасига қайтди, ариқнинг қисқа еридан ўтаётганимизда оёғим ичига тушиб кетди, йиқилдим, ойим оҳ-воҳимга қарамай, судрайверди. тиззамни чангаллаб судралиб боравердим. Ойим одамлар орасидан ҳам мени

судраб ўтди ва атрофдагиларни туртиб-суртиб, шопмўйлов кишининг олдига чиқиб олди.

— Ука, ҳафтабусингиз қаерга боради? — сўради ойим пешонасини машина кутичасига уриб олгудай энгашиб.

— Қаёққа борарди, — тўнғиллади шопмўйлов киши, — шаҳарга-да.

Машинага биринчи бўлиб ойим халтасини отди, ёнидагиларни туртиб-суртиб, қўлтиғимдан олиб кўтарганча машина ичига итариб юборди. Тахтага елкам билан тушиб, анча вақтгача хириллаб, инграб ётдим, салдан кейин “гуп” этиб ойимнинг ўзи ҳам устимга йиқилди.

— Овозингни чиқара кўрма, болам, — деди ойим ўзига ярашмаган бир йўсинда тиржайиб, — онангнинг ёшлигида улоқ чопгани, Ортиқвой ўғрини бир қур отидан ағдарганини билмайсан-да, болам. Бўш келсанг, оёқ остида қолиб кетасан.

Мириқиб тиржайдим ва боз устига ойимнинг абжирлигидан фахрланиб, пинжига кирган эдим, ойим мени итариб юбориб, машинага осилаётганларнинг қўлларидан олиб торта бошлади. Ойим бирини қўйиб, иккинчисини кўтарар, “гуп-гуп” тахтага ташлар, бундан ўзи шодланиб кулиб кўяр эди. Тушаётганлар букчайиб қолар, гоҳ бели, гоҳ тирсагини ушлаб афтини буриштирар, лекин машинага чиқиб олгани, ойим ёрдамлашиб юбораётганидан шодланиб зўрма-зўраки кулишар эдилар. Шовқин-сурон тингач, шопмўйлов киши қаддини ростлаб ўтирганларга назар ташлади.

— Пулми? — деди ҳалиги кампир.

— Пул бўлмай нима? — тўнғиллади шопмўйлов киши.

— Опоси, қанча? — деди ойим ва ички чўнтагига қўлини тикди-да, шу қўйи қимганиб тураверди.

— Ўн сўм, — деди шопмўйлов киши ва кўзларини юмиб, роҳатланиб гарданини қашиди.

— Ҳай, тасаддуқ бўлай, инсоф қил, — деди ўнг томонда ялпайиб ўтирган кампир ва туртиб чиққан энгагини қашиб, эснади. Кейин товонига ёнғоқ қўйиб чақишга уринган эди, ёнғоқ товонидан чиқиб кетди, кампир қўлини одамлар орасига тикиб пайпаслади. — Ана у куни бир ҳафтабуснинг ҳайдовчиси беш сўм олувди.

— Тушинг, — гулдиради шопмўйлов киши, — ўша машинада боринг.

— Мусулмончилик қолмади, ёшларда инсоф йўқ, — деди ҳали ҳам ёнғоғини қидираётган кампир, — ҳозир бераман, набирамнинг бош-кўзидан садақа. Боёқиш набирам шаҳарда ишларди, ҳарбийга

чақирибди.

Кимдир гижинди, яна кимдир минғирлади, бошқаси сўкинди, шу тариқа пул узатишди. Шопмўйлов киши аввал пулни, сўнг одамларни санаб чиққач, мени кўрсатиб:

— Бу бола кимга қарашли? — деди.

— Бошингни эгиб ўтир демовдимми, — ойим кафти билан бошимни босди, — опоси, менинг ўғлим, жуда ёш, ҳали суннат ҳам қилинмаган.

— Пул, — деди шопмўйлов киши гўё ҳали-замон ким биландир муштлашиб хумордан чиқолмагандай хўмрайиб. Ойим атрофга аланглади ва яна шопмўйлов кишига юзланди-да:

— Муштдай боладан пул оласизми? — деди секин ва яна бир дўқ қилса пул бераман, деган мақсадда бўлса керак, чўнтагини кавлаштирди, — отаси ҳарбийда қон кечиб юрибди, бувиси, тоғалариникига олиб кетаётувдим, укаларим катта ишда ишлашади. Сизга ҳам фойдалари тегиб қолар.

— Кўп эзмалик қилманг, катта ишда ишлашлари билан неча пуллик ишим бор. Ўғлингиздан пул олмасам, нима, укаларингиз мени колхозга раис қилиб қўйишармиди. Менга пул керак. Суннат қилинмаганмиш, менга деса суннатсиз қариб кетсин, — тўнғиллади шопмўйлов киши.

— Инсоф қил, муштдай боладан пул оласанми, — кампир минғирлади.

— Сенларга яхшилик қилса алмисоқдан келасанлар, — деди шопмўйлов киши ва шашт билан орқасига ўгирилди-да, ўриндиққа кириб ўтирди. Ойим пастки лабини тишлаб жилмайди ва бу билан ҳам шодлигини ифодалай олмади шекилли, “қойил қилдимми”, дегандай кўзини қисиб қўйди.

— Бошингни кўтарма, — деди кейин шивирлаб ва Қўйлиққа келгунимизча бошимни босиб келди. Бўйним қотиб қолган, ўтирилсам сирқираб оғрир, лекин бошимни кўтаришга оймдан кўрқардим. Қўйлиққа етиб келганимиздан кейин ҳам шопмўйлов киши пул сўрамади. Машинадан тушганимиздан кейин ойм мени етаклаб, халтани бағрига босиб, кунботиш томонга юрди. Катта йўлни босиб ўтиб, ниҳоят тахта уй қаршисида тўхтадик. Бу ер ҳам бекатлиги, икки қатор темир устидан трамвай юришини ойм қулоқларимга шивирлаб айтди.

— Кўзингга қараб юр, — деди кейин жичча овозини кўтариб, — атрофга қарайверма, қишлоқдан келганимизни сезиб қолишмасин. Ҳозир трамвай келиб қолади, эҳтиёт бўл, тагига кириб кетма. Аждардай пишқириб келади.

Ойм тинмай ён-верига аланглар, қулоғимга бир нималар деб шивирлар, лекин мен эшитмас, эшитсам-да, тушунмас, бошимни

силкиб маъқуллаб борардим.

— Ойи! — деб юбордим бир пайт устимга бостириб келаётган қизғиш уйга ўхшаш нарсани кўриб ва ўзимни ойимнинг бағрига отдим. Темир йўл устида пишқириб келаётган нарса ниҳоят “жаранг-журунг” овоз чиқариб қаршимизда тўхтади.

— Кўрқма, — деди ойим ва тирсагимдан олиб олдинга сурди-да, тиззасини белимга тираб, трамвайнинг эшиги томон итарди, — оёғинг зинасига илиниши билан ўзингни ичкарига ур. Кўлимни кўйиб юборма. Самариска нақ каллангни кесиб кетади.

Гарчи мен “самариска” сўзига тушунмасам-да, уни ўз тасаввуримда гоҳ аждар, гоҳ жаллод қиёфасида жонлантириб, қалт-қалт титраб ичкарига силжидим. Ойим туртар, ҳамон мени итарарди. Авваллари шундай қилишса йиғлар, лекин ҳозир, аксинча, ҳаяжонланаётган эдим. Кимдир тирсагини бошимга ботирди, кимдир оёғимни босиб олди, бошқаси қорнимни гижимлади, бироқ самарисканинг бошимни кесиб кетишидан кўрққаним сабабли нафасимни ичимга ютиб туравердим. Ниҳоят одамлар орқамиздан суришиб трамвайнинг ичкарисига киргизиб ҳам кўйишди. Кириб олганимиздан кейин ойим четга ўтди-да, дарҳол чўкди. Халтани сиқиб, мени бағрига босиб жим ўтираверди. Кимдир тепамдан ҳатлади, яна кимдир елкамга туртиб ўтди, бироқ бу гал ҳам ҳеч нарса деёлмадим. Одамлар бизга қарашар, ойим эса кўзларини олиб қочар эди. Бир пайт ёнимизга сочлари қирқилган, кўк кўзли, тишлари сарғайган бир қиз келиб тўхтади-да, қўлини чўзди. Ойим қизга, сўнг атрофга аланглаб қолганди, ёнимизда турган гажакдор аёл:

— Эгачи, патта пули сўраяпти, — деди ва бўялган кенг қошини чимириб, орқасига ўгирилиб олди, — боёқиш қишлоқига ўхшайди.

— Йўқ, эгачи, — деди ойим, — шаҳарликмиз, хаёл билан бўлиб пул беришни унутаёзибман. Ачаватта турамиз, меҳмонга борувдик, кечикиб қолдик.

Ойимнинг бирор вақт ёлғон гапирганини эслолмасдим. Чамаси, ҳозир қишлоқи бўла туриб, қишлоқилигини яшираётганига сабаб самарискадан кўрқаётгани эди. Ойим чўнтагидан пул олиб шошилинич узатди, қиз пулни олиб патта кесиб берди, бир нафас ойимга қараб турди, ойим қайтимини сўрамаганидан кейингина орқасига ўгирилди. Чамаси ойим ёлғон гапириб хижолат бўлганидан пулнинг қайтимини сўрашни ҳам унутганди.

— Иш мана бундай бўлибди, — деди ойим энди ўзини эркин ҳис қилиб.

Трамвай ўқтин-ўқтин тўхтар, одамлар чиқиб-тушишар, ойим бошини кўтариб ойнадан ташқарига қараб қўяр, мен эса чироқлар,

одамларнинг кийимларини ҳавас билан кузатиб борардим. Трамвай айланиб дарахтлар орасида тўхтаганидагина ойим қўзғалди, одамлар бизни туртиб-суртиб тушириб қўйишди. Қош қорайиб қолганди. Ойим халтани бағрига босиб, мени етаклаб катта кўчадан олиб ўтди ва бир жойга етиб тўхтади. Ойим таҳликага тушиб ҳамон атрофга аланглар, мен эса баланд ойнаванд бинолар, бино деразаларидан тушиб турган чироқ нури, нурда турли томонга ўтиб турган одамларни мароқ билан кузатар эдим. Симёғочлар, симёғочларда липиллаб турган сарғиш чироқлар, шиғиллаб турли томонга ўтаётган трамвай, машина, қорайиб осмонни беркитиб турган дарахтлар, дарахтларга учиб-қўнишаётган қарғалар шовқини менга ажойиб-ғаройиб туюлаверар эди. Шипшийдам дала, қишлоқ, ҳаммопишдан сўнг бу шаҳарни кўриш мени чиндан ҳам ҳайратга солган эди. Бу ерда ҳамма нарса чиройли, ёқимли эди. Бу ёқимлилиқ бирдан қишлоқ ҳаётини миямдан суриб ташлади. Гўё миям бирдан ёришиб кетгандай, вужудим ҳам тўлишиб қолгандай туюлди. Йўқотган нарсамни топиб олганга ўхшардим. Шаҳарда чиндан ҳам “Боғи Эрам” гўзаллиги мавжуд эди. Катта бўлсам, албатта шаҳарга ўқишга келаман, деган фикр миямга урилди. Тезроқ қишлоққа қайтиш, бу ерда кўрган-кечирганларимни оқизмай-томизмай опаларим, ўртоқларимга гапириб бериш иштиёқида ўртана бошладим.

Ниҳоят катта, баланд масжид қаршисига келиб, ўнгга бурилдик ва тор йўлакка чиқдик. Бу ер — Чорсу экан.

ТАНИШУВ

Тор йўлак бўйлаб юрдик. Ойим ҳамон халтани бағрига босиб, мени етаклаб борар, одам кўринса тўхтар, мени гапга солар, ўтказиб юбориб, яна йўлда давом этарди. Чамаси ярим соатлар йўл босганимиздан кейин баланд кўприкка етиб келдик. Кўприк остидан катта сув оқиб ўтар, чархпалақларни айлантирар эди. Бу “Кайковус” деб аталар экан. Анҳорнинг ўнг қирғоғини ёқалаб бир оз юрганимиздан сўнг ойим ўнг томонга бурилди ва шу қўйи тор кўча бўйлаб ичкарига кириб бордик. Ойим икки эшикни ортда қолдириб учинчиси, яъни бир қанотли, баланд, оқиш эшикни қоқди. Эшик уч-тўрт марта қоқилгандан кейингина ичкаридан “ким?” деган йўғон овоз эшитилди ва ойим томоғини қириб олиб:

— Сайфиддин, оч, — деди.

Зулф шиқирлаб, аста эшик очилди-да, ичкаридан бўйдор, елкалари кенг, ўттиз ёшлардаги, қирра бурун одам чиқди. Ойим уни бағрига босиб кўришар экан, бир неча бор пешонасидан ўпиб ҳам қўйди. У кичик тоғам эди. У ойим билан сўрашиб бўлгач, мен

томон ўгирилиб, қўлтиғимдан олиб кўтарди-да, иякларимдан ўпди.

— Қалай, жиян? — деди кейин. — Катта йигит бўлиб қолдингми? Бизларни кўргани келдингми? Опаларинг яхши юришибдими? Лўли опанг Соифа-чи?

Мен ҳаяжонга тушиб, бутун меҳримни қўлларимга жамлаб, кўпдан бери кўришга ошиққан ва учрашувга тайёрланган, гойибона севган Сайфиддин тоғамнинг бўйнидан қучиб, сўроқларига бош силкиб “ҳа” жавобини қилдим.

— Сайфиддин, — деди ойим ҳиқирлаб, тоғам мени ерга қўйгач, — бунча бемеҳр бўлмасаларинг. Отамнинг кўзлари юмилганидан бери бизлардан хабар ҳам олай демайсизлар. Отагинам қандай меҳрибон эди. Ёлғиз опаларингман-а...

— Йигламанг, опа, — кўнглини кўтара бошлади Сайфиддин тоғам, у чап қўли билан эшикни очиб, ичкарига киринглар ишорасини қилди, — кўриб турибсиз, уруш, ишдан бўшамайман. Соғ-саломат экансизлар... Жиянлар яхши юришибдими?

Уйга тезроқ кириш, бувим, катта тоғамни кўриш иштиёқи кучли келди шекилли, ойим Сайфиддин тоғамнинг гапини жавобсиз қолдириб, эшикдан ўтиб илгарилаб кетди. Кўча эшик тепасида чироқ ёниб турар, атроф сугдек ойдин эди. Ҳовли тор, бунинг устига чуқур, бу чуқурлик ишком бўлиб, ток новдалари деворларга тортилганди. Ўнг томон йўлак экан, биз бу йўлак бўйлаб ичкарига кириб бордик. Ҳовлининг ўртаси девор, деворнинг бир томони болохонали уй, шу уй остидан ичкари ҳовлига ўтиларди. Ичкари ҳовли ташқари ҳовлига қараганда тор, кунботиш томонда катта бир уй ва айвон, жануб томонида эса яна бир уй ва айвон бор эди. Ҳовлида шовқин-сурон кўтарилган, беш-олти одам ойимни ўраб, бири қўйиб, иккинчиси кўришар эди. Мен даврага яқинлашганимда ойимни паст бўйли чуваккина бир кампир қучиб:

— Болам, болажоним! — дея ўпаётган эди.

— Она, онажон! — ойим ҳам кампирни қучиб, ўпар эди. — Ўғилларингиз бунча бемеҳр бўлишмаса, кўргани ҳам боришмайди.

Ниҳоят мезбонларнинг диққати менга қадалди. Биринчи бўлиб мени кампир бағрига босиб ўпди. Улуғ исмли бувим шу кампир эди. Бувим оппоқ юзли, тарғил кўзли, оғир меҳнат қилмаганидан бўлса керак, ажинлари сийрак, қўллари юмшоқ бўлиб, кўпроқ мийиғида кулар эди. Иккинчи бўлиб мени узун бўйли, ориқ, ингичка юзли одам бағрига босди. У Бурҳониддин исмли катта тоғам эди. У ойимга жуда ўхшар, ойим билан унинг орасидаги фарқ кийимлари эди, холос. Бурҳониддин тоғамнинг кулганда лаблари очилмас, кўзлари юмилиб, қовоқларидагина жилмайиш, ёқимли табассум акс этар эди. Кейин мени бағрига босиб, такрор-

такрор ўпишганларнинг бири қора юзли, ўрта бўй, йўғон-йўлпи Анор исмли катта келинойим, иккинчиси оқ юзли, узун бўйли, қотма Мубор исмли кичик келинойим бўлди. Улар мени куча туриб, қасмоқ босган бурним, ёрилиб кетган қўлларимни кафтларига қўйганча кулиб ҳам олишди. Мезбонларнинг қистовида кунботиш томондаги айвонга кирдик. Мошхўрда қилишаётган экан, бувим мошхўрдани қўйиб, палов дамлашни буюрди. Дастурхон ёзилгандан кейин ойим қишлоқдаги аҳвол — янги боқиб олган қизи, отам, Зиётвой поччамнинг ҳарбийга кетгани, бувим эса шаҳар ҳаёти ҳақида гапириб бергач, суҳбат ўтмишга кўчди. Бувам беш оғайни бўлгани, “Беш Мирза” уруғ деб аталиши, паҳлавон бу уруғдан қишлоқ зир титрагани, вақт етиб тўзиб кетишганини гапирганда орага озгина маъюслик чўкди... Бувим тез-тез гапирар, гапининг жавобини кутмай кулар, Бурҳониддин тоғам ҳам бувимга ўхшаш тез-тез гапирар, қисқа-қисқа кулар, лекин Сайфиддин тоғам гоҳ-гоҳ гапга аралашар, худди шундай гоҳ-гоҳ жилмайиб қўяр эди. Ойим, тоғаларим чиндан ҳам бир-бирларига шу қадар ўхшар эдиларки, бир кўрган одам иккиланмай « мен бир-бирларига ўхшаш бундай опа-укаларни кўрмаганман» дея, дарҳол бир ота, бир она фарзандлари эканини айтиб бериши мумкин эди. Сайфиддин тоғамнинг беш ёшлардаги Муяссар исмли қизи, Нажмиддин исмли уч ёшлардаги ўғли, Бурҳониддин тоғамнинг эса Ҳусниддин исмли уч ёшлардаги ўғли бор экан. Тез орада дўстлашиб, иноқлашиб кетдик. Улар бисотларидаги бор ўйинчоқларини менга бериб, шу билан жигарлик туйғуларини изҳор қилишди. Палов еб бўлингач, тоғаларим аскарларникига ўхшаш кийимларини кийиб ишга кетишди — улар “ўт ўчириш” командасида ишлашар экан. Тоғаларим чиқиб кетишгач, бувим уйга кириб бир тугунча кўтариб чиқди-да, оча туриб, оқ шойи кўйлак олар экан, ойимга узатди.

— Ма, болам, кийиб ол, сенга атаб қўювдим.

— Онажон, — деди ойим ва қизалоқдай ҳаяжонга тушиб бувимни кучди, чамаси, бу билан ҳам меҳрини ифода қилолмади шекилли, такрор-такрор ўпиб ҳам қўйди. — Мен сизга ҳеч нарса олиб келолмадим. Сизни жуда соғинаман. Келай десам, йўл узоқ. Қизларни ташлаб кетишга қўрқаман.

— Мен ҳам соғинаман, нима қилай, армоним ичим-да, — деди бувим маъюс. — Бир кам дунё экан. Отанг раҳматликнинг ўлганига ҳам ўн беш йил бўлди. Қайси куни қабрини зиёрат қилгани бориб, кўнглим бузилиб қайтдим.

Ота-боболар хилхонасига қўйилмади...

— Ойи, ота-боболаримиз хилхонаси қайси мазорда? — сўради

ойим бувимнинг гапини бўлиб.

— Чорсудаги мазорда-да, — тушунтирди бувим, — кўргансан, биласан. Кўпдан бери одам кўйилмайди. Арпапоя даҳаси шу мазорга кўйилган. Ота-боболаримиз шу Арпапоядан. Буванг раҳматлик Алимкул (Кўқон қўшини қўмондони) даврида бутун Тошкентни сўраган дейишади. Аскарларга беш юз кўйини бериб юборган экан. Оқ пошшонинг одамлари бостириб келганда Тошкентни ташлаб қишлоққа кетган экан. Бос-бослардан четроқда бўлай деган чамаси. Бир кам дунё экан. Қишлоқ ҳам пешонамизга сиғмади. Уйинг куйгур Исмоил ноҳаддан бизни қулоқ қилди. Ҳолбуки, бу пайтда ўртаҳол деҳқон эдик. Бир сигир, бир қирчанги ҳўкизимиз бор эди, холос. Исмоил отанг билан бир пайтлар айтишиб қолган экан. Ўч олиш баҳонасида уйимиздан қувиб чиқарди. Оқсоқол эди-да. Кейин уйимизга ўзи кириб олибди. Ҳа, Анваржон, мана бу сенга, кийиб ол.

Бувим менга кўкиш тринка кўйлак берди, мен ҳам ойимга тақлид қилиб, бувимнинг бўйнидан қучиб, юзидан ўпиб кўйдим-да, дарҳол кийиб олдим. Кейин енглар орасида қолиб кетган қўлларимни ёзиб, жилмайиб, ёнимдагиларга кўз-кўз қилдим-да, ҳаракатларимни тергаб, ойимнинг тиззаларига тирсақларимни тираб ўтирдим. Бу пайт Муяссар ҳам, Ҳусниддин ҳам, Нажмиддин ҳам ухлаб қолган эди. Аста-секин кўзларимни уйқу босди, мудраб туриб, ойим қулоқларимни силагани, оёқларимни ёзиб кўйганини хира хотирамда тутиб қолдим. Эрталаб турганимда бувим, тоғаларим, келинойиларим чой ичиб ўтиришар, яна ўтган-кетганларни эслаб қулишар эди. Дастурхонга оппоқ буғдой нон, каллақант, новвот кўйилганди. Чойдан сўнг Муяссар мени бошлаб кўчага олиб чиқди. Эшик олдидаги тор кўчада сочлари тўзғиган, кир-чир, яланг оёқ, ярим яланғоч болалар ўйнашар, оғизга олиб бўлмайдиган гаплар билан бир-бирларни сўкардилар. Гоҳо паст, қийшиқ эшиклардан катта одамлар чиқишар, болаларни уриб-сўкиб ажратиб кўйишар, яна ҳеч нарса кўрмагандек, уйларига кириб кетишарди. Мен ҳайрат билан уларни кузатар, лекин тилларига тушунолмаганим сабабли жилмайиб турар эдим. Болалар атрофимни ўраб олишди ва қўлим, елкамдан тортиб кўришгач, оёқларимни босишди. Мен дастлаб уларни кўрганимда, ёнимга яқинлашганларида дўстлашини мақсадида илжайган эдим, салдан кейин эса фикримдан мутлақо қайтдим ва тўсатдан юрагимни кўрқув босди.

— Қочларинг, адамга айтаман, — деди Муяссар болаларни орқага итариб. — Аммамнинг ўғиллари, — кейин менга юзланди, — эҳтиёт бўл, лўлилар. Кийимингни ечиб олиб кўйишади.

Болалар ҳамон мени тортқилашар, лекин мен ҳеч нарсага тушунолмас, жавоб ҳам қилолмасдим.

— Қишлоқи, — деди етти ёшлардаги қоп-қора бир бола.

— Нимага ундай деяпти? — Муяссардан жавобни эшитиб улгуролмадим, кимдир сочимга чангал солди-ю, зирқиратиб тортди, бошимни эгиб “вой-вой”лаб қолдим. Кимдир елкамга ёпишди, бошқаси оёғимдан чалди.

— Ада! — қичқирди Муяссар. Болалар шу заҳотиёқ нарироққа қочишди.

Лекин ҳамон:

— Мур, мур қишлоқи! — деб мени мазах қилишарди. Ичкаридан югуриб чиққан Мубор исмли келинойим ердан тош олиб болаларга отди: — Ўзларнинг кимсанлар, шумшуқлар...

Мубор келинойим мени етаклаб уйга олиб кирди, лекин лўли болалар мени қизиқтириб қолгани сабабли ичкарида узоқ турулмадим, дарҳол орқамга қайтдим. Кўча ҳувиллаб қолган, фақат калласи катта бир болагина девор тагида хомуш ўтирарди. Мени кўриши билан у бир нафас ётсираб тургач, ёнимга яқинлашди-да, жилмайди, мен ҳам жилмайган эдим, ийманибгина елкамга қўлини қўйди. Шу билан дўстлашган бўлдик.

— Сен қишлоқи? — сўради бола кўзларини сузиб жилмаяр экан. Унинг тили менга бошқача, алланечук туюлди. — Сен меҳмон? — бола тутила-тугила гапини давом қилди. — Қишлоқдан келган? Мен лўли, сен ўзбек, қўрқма.

Тушдингми?

— Тушдим, — дедим болага тақлид қилиб.

— Юр, биз уйга, — бола тирсагимдан олиб етаклади, — манга каптар бор. Сен отинг нима, мен оти Бисмат.

— Мен оти Анвар, — дедим унга кулгим қистаб. Ниҳоят ўнг томондаги девор томонга бурилиб, ундан эшиксиз ҳовлига кирдик. Ҳовлида бир кўк эшак боғлоғлиқ турар, эшак ёнида эса арава бўлиб, соплари кўтарилиб қўйилганди. Ҳовлининг кунчиқиш томонидаги кичкина, паст уй ичида кабутарлар учиб-қўниб “ғуриллашар” эди. Токчадаги уяларда темирқанот кабутарлар бошларини кўтариб менга қарашар, учмоқчи бўлишар, лекин учолмаётгандилар. Бир кабутарни олиб кафтимга қўйдим-да, томоша қилдим, меҳрим жўшиб кетиб юзимга босдим. Қолганларини эслолмайман. Елкамга оғир бир қўл тушди. Тепамда қориндор, шопмўйлов, чўтир юзли тасқара бир одам турар, бир нималар деб сўкинар эди. Чинқириб юбордим. Елкамдаги қўлнинг оғирлигидан эмас, одамнинг турқидан қўрққанымдан чинқириб юборган эдим. Сал ўтмай уйга ойим, бувим, келинойиларим кириб

келишти. Ялиниб, ёлвориб мени тасқара одамнинг уйидан олиб чиқиб кеташди. Лўли бола билан дўстлигим шу тариқа узилиб қолди.

Уч кундан кейин йўлга чиқдик, бувим йиғлаб қолди. Сайфиддин тоғам бизни Қўйлиққача кузатиб қўйди. Мен қишлоққа қайтар, шовқинли шаҳар, бир соатлик Бисмат дўстим хотирамга қаттиқ ўрнашиб борарди.

Қишлоққа қайтишимизни опаларим шоду хуррамлик билан қарши олишти. Ойимнинг атрофини ўраб, сўроққа тута бошлашти.

— Ойи, тоғаларим нима дейишти? — мурожаат қилди Маърифат опам.

— Шаҳардагиларнинг аҳволи ҳам қишлоқдагиларнинг аҳволдан яхшимас, — жавоб қилди ойим эзилиб.

— Нима, шаҳарга кўчмаймизми? — деди Соифа опам афтини тириштириб.

— Тезроқ қайтсангиз, кўча қолсак, дея кута-кута кўзларим тўрт бўлувди.

— Машоқ билан тезагингни тераверасан, — деди ойим ва бошқа гапирмади. Шундан кейингина мен ойимнинг бригадирдан сўрамай шаҳарга отланиб қолгани сирига тушундим. Ойим вақтинчалик бўлса-да, шаҳарга кўчиш учун тоғаларим билан гаплашмоқчи экан...

Кечқурун шаҳарда кўрган-кечирганларимни опаларим, ўртоқларимга гапириб бердим. Сал кун ўтмай қишлоқда зерика бошладим ва шаҳарга, лўли бола Бисматга ичикдим...

ТЎЛОВ

Шаҳарга бориш сабаб бўлиб, ойим уч кун — шанба, якшанба ва душанбада ишга чиқмади. Сешанба куни эрталаб ойим опаларим билан далага отланаётганди, эшик тақиллаб қолди. Эшик тез ва қаттиқ қоқилар, асабийлик билан урилаётгани аниқ сезилиб турар эди. Ойимнинг ранги ўчиб, қадамларини тезлатди, лекин эшикка етаб улгурмасиданоқ Ортиқвой ўғрининг хунук турқи кўринди-ю, тўхтаб қолди. У чап, яъни майиб қўлига от жilовини ўраб олган, ўнг қўлига эса қамчинини қайириб сиққанча, қутурган туядек оғзидаи кўпик сачратар эди. У от жilовини эшик зулфига боғлаб ҳовлига кирди. Унинг қиёфаси бугун чиндан ҳам шафқатсиз эди. Мен уни биринчи бор шу тахлит кўришим эди. Унинг тиканакка ўхшаш мош-гуруч сочлари уладаси чиқиб кетган дўпписини кўтариб турар, суяклари туртиб чиққан гўштсиз юзи эса мурданики каби оқариб кетган, кўзлари ҳуркак ва раҳмсиз, турқи кўнгилни гумиртирадиган даражада ёқимсиз эди. Мен шу

пайтгача бундай жозибасиз турқни кўрмаган эдим. Ўзича алланималар деб гулдирар, гапининг ярмини чайнаётгани сабабли нима деяётганига мутлақо тушуниб бўлмасди. Лаблари қорайиб борар, елкалари силкинар эди. Қизил қашқа оти ҳам ўзига ўхшаш ориқ, бўйни ва оёқларининг танасига туташган еридаги терилари осилиб турар, боши катта, қулоқлари шалпайган, қулоқларининг шалпайгани отни яна ҳам совуқ, ёқимсиз қилиб кўрсатаётган эди. От турган ерида мудрар, эгасининг овози, ҳаракатидан чўчиб тушар, бошини силтаб орқага тисарилар эди. От билан одам орасида шу қадар бир мантиқий яқинлик мавжуд эдики, иккаласи ҳам бир кўрган одамда ёмон таассурот қолдирар эди. Афтидан, одам ҳам, от ҳам бир-бирларини ит-мушукдай ёмон кўришар эдилар. Ортиқвой ўғри чамаси шундай отга минганидан афсусланар, от эса Ортиқвой ўғридай одамга дучор бўлганидан пушаймон эди. Ортиқвой ўғрининг кўнглини тўлдирмаган нарса отнинг ўлимтиклиги бўлса, отнинг кўнглини тўлдирмаган нарса эгасининг тўқимтабиатлиги эди. Ортиқвой ўғрининг кўзлари тобора олайиб, шафқатсизланиб борар, гўё у ташқи муҳит таъсирини тушунчаси билан эмас, вужуди билан идрок қиладиган махлуқотни эслатар эди. Турқидаги раҳмсизлик, совуқлик салдан кейин шу қадар уйғунлашдики, мутлақо одамлик қиёфаси йўқолди-қолди. Ойим қотиб турар, опаларим эса қуршовга олинган ўғрилардай орқаларига тисарилишар эди. Мен уларни мана шундай ҳолда биринчи бор кўришим эди. Ойим мард, унча-мунча дўқ-пўписаларга диққат қилмайдиган аёллар тоифасидан эди, лекин ҳозир Ортиқвой ўғри олдида мутлақо ўзини йўқотиб қўйган, жасурлиги, шаддодлигидан асар ҳам қолмаган эди. Ортиқвой ўғри ҳозир ойимни уради, деган фикр бошимга урилди-ю, аъзойи баданимдан совуқ тер чиқиб кетди.

— Нега уч кундан бери далага чиқмайсан? — деди Ортиқвой ўғри ниҳоят тилини ўнглаб. — Нима, колхоз иши сенга ўйинчоқ бўлиб қолдими? Ё бизларни менсимай қўйдингми? Сен ҳали менинг совунимга кир ювмабсан...

Ойим бир оз дадиллашди ва гапирмоқчи бўлиб огиз жуфтлади-ю, бўғилиб қолди, кейин хиёл жилмайди-да, овозини иложи борица силлиқ чиқаришга уриниб:

— Ортиқвой ака! — деди. — Нега дўқ қиласиз? Худодан умидингиз борми? Қиёматли қўшнимсиз.

— Ўша худойингни экиб қўйдим, — тўнғиллади Ортиқвой ўғри, — қўшнинг бўлсам нима қилибди? Нима, осмон узилиб ерга тушибдими? Нимага ишга чиқмаяпсан? Қайси куни мени ўғри қилиб уйимга бостириб кирдинг. Бу тухматинг учун сени судга

бераман. Ё эрим катта ишларда ишлаган, орден олган, деб бизларни кўрқитмоқчимисан? Эрингдан кўрқадиган ерим йўқ. Урушдан қайтадим, йўқми, худо билади.

— Оғзингизга қараб гапиринг, — ойим паст келишга уринди, — мен сизга эримни пеш қилаётганим йўқ. Катта ишларда ишлаган, орден олган бўлса хизматига яраша тақдирланган, ҳукумат тақдирлаган. Ҳукуматга раҳмат. Эримнинг қайтиш-қайтмаслигини гапирмасангиз ҳам бўлади. Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади. Кимнинг олдин ўлишини худо билади. Тавба қилинг, худога шак келтирманг.

— Худойингни йиғиштир, — тўнғиллади Ортиқвой ўғри.

— Ортиқвой ака, оғзингизга қараб гапиринг, — ойим бир оз дадиллашди, — тўртта болам бешта бўлди. Бир оз қийналдим. Уруш. Қийинчилик. Ҳаммасига тушунаман. Шикоят қилмоқчимасман, онам, укаларимни соғиндим, сал чигилим ёзилсин деган умидда шаҳарга борувдим. Йўл узоқ, ҳафтабус кам, душанба келарман дедим, келолмадим. Ишга чиқаман, қочмайман, белим меҳнатда қотган.

— Нимага сўрамай кетиб қолдинг? — Ортиқвой ўғри қамчин тутган қўлини кўтариб ойим томон юрди.

— Ҳой амаки, — дея гапга аралашди Соифа опам, — ўзингизни босинг, бўлмаса ҳолингизга маймунлар йиғлайди.

Ортиқвой ўғри олдинга силжиганди, Соифа опам ўқдай учиб келиб орага кирди ва қўллари билан Ортиқвой ўғрининг кўкрагидан итарди-ю, тўсатдан қичқириб юборди. Қамчи бурни оша пешонасига тегиб, Соифа опамни ерга йиқитди. Ойим ҳамон кўзгалмас, Маърифа опам бир томондан, Мазифа опам билан Риқси опам эса бошқа томондан Ортиқвой ўғрига ёпишиб кетишди. Ким урар, ким тепар, кимдир юмдалар, ҳеч нарса эшитиб-тушуниб бўлмасди. Мен қотиб турар, Камол эса ёнимда чинқириб йиғлар эди. Бу унига илон кирганда юз берадиган қалдирғоч ҳоли ё гўштга ёпишган арилар аҳволини эслатар эди. Маърифа опам бирдан Ортиқвой ўғрининг ёқасига ёпишди ва ағдариш мақсадида ўзига торта бошлади. Ортиқвой ўғри эса йиқилаётиб, Маърифа опамнинг билагига ёпишди. Маърифа опам рақибнинг чалқанча йиқилиб, бошини ёриб олишидан ҳадиксиради шекилли, кўзларида бирдан шафқат туйғуси мавжланиб, Ортиқвой ўғрини йиқилишдан асраб қолди. Соифа опам эса бир қўли билан пешонаси, иккинчи қўли билан эса Ортиқвой ўғрининг қамчинини ушлаб тортар эди. Мазифа опам билан Риқси опам олма чўқилаётган қушлардай бир уриб, бир туртар, Ортиқвой ўғри оёғини кўтарса чинқириб орқаларига қочишар эди. Шу ерга

етганда бурним ачишди ва вужудимни ҳаяжон аралаш иссиқлик қоплади, югуриб бориб Ортиқвой ўғрининг ўнг оёғига ёпишдим, кучоқлаб олдим-да, қайтиб қўйиб юбормадим. Ортиқвой ўғри оқсоқланиб қолган, оёғини кўтармоқчи бўлар, лекин кўтаролмас, кўтарган кезлари мен оёғи билан бирга турли томонга бориб келардим. Ниҳоят, Ортиқвой ўғри чалқанча йиқилди. Умбалоқ оша-оша охири туриб олдим ва ойимга қарадим. Ойимнинг авзойи бузилган, ўлжа ҳирсида қўзғалган қоплон қиёфасига кирганди. Бир пайт у шиддат билан опаларим ёнига яқинлашди-да, турли томонга итариб юборди ва Ортиқвой ўғрининг ёқасидан олиб, кулочкашлаб тарсаки тортиб юборди.

— Йўқол, — деди кейин, ҳозироқ йўқол, бўлмаса терингни шилиб оламан. Ифлос, аёллар билан юлишгани уял.

Ортиқвой ўғри апил-тапил ўрнидан туриб кўчага чиқиб кетди. Ҳовлида кулги кўтарилди. Ойим эса орқасига ўгирилиб уй томон юрди.

Ҳовлида қолишган опаларим ҳар бири ўзича Ортиқвой ўғрини қандай ургани, қандай юлгани, қочмаганида бўғиб ўлдириб қўйишлари муқаррар эканини гапириб роса кулишди. Мен ҳам оёғига ёпишганим, қўйиб юбормаганим учун йиқилганини айтиб мақтандим. Гап Ортиқвой ўғрининг қайтиб уйимизга ишга чиқларинг, деб келмаслигига етиб тугади. Ортиқвой ўғрининг уйимизга бостириб кириши, ойимнинг, опаларимнинг аёллик гурурларини оёқ ости қилиши юрагимда чидаб бўлмас даражада оғир жароҳат қолдирди. Бошимни турли хил ўйлар қоплаб олган, вужудим нафрат ва ғазаб туйғусидан титрар, отамнинг тезроқ ҳарбийдан қайтишини истар, қандай бўлмасин тезроқ улғайиш, Ортиқвой ўғридан ўч олиш йўлини излардим. Уни кўришим билан томоғим қақраб, танам олов-оташ бўлиб ёнарди.

Мен ўша кунни ойим, опаларим, жияним Камол, ўзим учун ҳам қаттиқ ҳақоратланган эдим. Бу ҳақорат ва хўрлик узоқ вақт ойим, опаларим олдида мени камситиб келди, ўзимни ноқулай бир аҳволда ҳис қилиб юрдим... Мен бунгача ҳам бир неча бор изтироб чеккан, нафратланган эдим. Лекин Ортиқвой ўғри одам бўлгани, одам бўла туриб одамлик қилмагани учун ҳаддан зиёд нафратланган, изтироб чеккандим. “Бўри”, “тортиқ”нинг ўғирланиши, “Эркиннинг ўлими” воқеаларидан кейинги изтироб ва нафратларим бир оз сусайган эди. Ортиқвой ўғри уни қайтадан чайқалтириб юборди. Ҳаммаси бир бўлиб юрагимни йсканжага олиб сиққандан-сиқа бошлади. Ортиқвой ўғридан қанчалик нафратланмай, шунчалик қўрқар, қочиб юардим. Одамларга нисбатан бўлган қўрқув ва ҳадиксирашларим шу пайтга етиб яна

кучайди ва мени узоқ вақт таажжубга солиб келди. Табиийки, бу мендан тезроқ улғайиш, оқ-қоранинг фарқига боришни талаб қилар эди. Гарчи болалик баҳорим шу тахлит нафрат ва изтиробларда ўтиб кетаётган бўлса-да, улғаяётганим, оқ-қоранинг фарқига бораётганимдан беҳад шодланаётган эдим. Лекин бари бир Ортиқвой ўғри билан юз берган воқеалар хотирамга ўчмас бўлиб ўрнашиб қолди. Ўшанда биз уни “ўғри” қилиб уйига кирганимиз ва сири фош бўлиб, одамлар олдида яна бир бор шармисорликни бошидан кечиргани учун ҳам ойим, опаларимни ҳақоратлаганди. У отам ва поччамнинг йўқлигидан фойдаланиб, ўзи хон, кўланкаси майдон қабилида иш тутганди. Ойим эса анчадан бери унутолмаётган “тортиқ”нинг аламида, аёлларга зўравонлик қилаётган раҳбар — Ортиқвой ўғридан ўч олганди.

Ойим! Мен ойимни қайтадан кашф эта бошладим. У менинг асабий ва безовта қалбимга мард, толмас, нурли бир инсон тимсолида кирди-да, бир умр шундайлигича муҳрланиб қолди. Ойимнинг бугунги шиддати юрагимда янги иштиёқлар қўзғатди.

УРУШНИНГ ЯНГИ ЖАРОҲАТИ

Соифа опам ойимнинг кўпроқ меҳнати сингган, айна вақтда бошқаларга қараганда ярасига малҳам бўлган сеvimли фарзанди эди. У, уч ёшга тўлганда отасидан айрилган, табиийки, иккинчи ота — менинг отам унга ўз отасидай бўлмасди. Унинг Расулвой исмли отаси қайси бир очарчиликда Совурвой исмли киши билан шериклик арпа эккани, арпа ўрилгач, Совурвой бергиси келмай Расулвойни ўроқ билан чопиб ўлдиргани, сўнг тутдан йиқилди, дея гап тарқатганини эшитгандим. Соифа опам отаси қотилини ҳар гал кўрганда қалтираб қолар: “Отамнинг хунини оламан”, — дерди. Ойим икки қиз билан тул қолиб узоқ ўтирган, кейинчалик кўни-қўшни, қариндош-уруғнинг зўрлови ва ўғил кўриш ниятида иккинчи бор отамга турмушга чиққан экан.

Соифа опам ўша кезлар ўн олти ёшларда, гўзал қизлик дунёсининг очилган, атрофга турли атирлар таратувчи фаслини бошидан кечирарди. У баланд бўйли, қотма, қош-киприклари сарғишга мойил, кўзлари тарғил, сергак, ерга урса кўкка сачрайдиган, тиниб-тинчимас қиз бўлиб, ойимнинг ҳиссиёт ва таъсирчанлиги ортиғи билан унга кўчган, бутун вужудидан қизликнинг барча ҳусн-малоҳати ёғилиб турар эди. Айна чоғда у на Маърифа опамга, на ойимга ўхшарди. Уларга қараганда кўнгилчан, худди шундай бераҳм, кўнглига ёқмаган одамдан қаттиқ нафратланар, ёққанига талаб қилинса, жонини ҳам қурбон қила олиши мумкин эди. У аёл зотининг савлати, кўрки, каромат

ва саховатини ўзида жамлаган қиз бўлиб, соч, қош-киприкларининг сарғишга мойиллиги, гўзаллиги ва сертакаллуфлигини янада ошириб кўрсатар, баъзи бир қалтис ҳаракатлари ҳам ўзига жуда ярашар эди. У йиғлаб туриб қаҳ-қаҳ отиб кула олар, кула туриб йиғлай ҳам олар эди. Шунингдек, азобдан роҳатланиши, роҳатдан эса — бу ҳаммамизга теккан касал эди — азобланиши мумкин эди. У мени турли кўйга солиб қийнар, аммо бошқаларнинг қийнашларига йўл қўймасди. Унинг чиройли тарғил кўзлари замирида, нигоҳи пардалари остида тенгсиз бир қудрат яшириниб ётар, бу қудрат ҳар дақиқа яшин тезлигида сиртига тепиши, уни тўфондай ҳар бир нарсага отилишга мажбур қилиши мумкин эди. Ойим унинг телба табиатига тушунгани сабабли орқасидан доим кўз-қулоқ бўлиб юрарди. Ёш бўлишига қарамай у баджаҳл бўлиб қолган, ойимни таҳликага солган нарса ҳам шу эди. Маҳаллада олма, ёнғоқ ўғирланса, ўғри Соифа опам бўлиб чиқар, кўчада бирор бола йиғласа ҳам урган Соифа опам бўлар, куз ва баҳорда болаларга биринчи варрак ясаб, кўнглини олган ҳам, албатта, Соифа опам бўлар эди. У дарахтлар устида ерда юргандай бемалол юра олар, қушлардай шохдан шохга сакрар, на оловдан, на сувдан қайтар эди. У кутилмаганда ҳовлига югуриб кирар, Мазифа, Риқси опам, Камол, мени қулоқларимиздан кўтариб, ерга қўяр, ётқизиб роса қийнарди. Мен ундан ўлимдан кўрққандай кўрқар эдим. Ойим беркитган нон, қурут, қоқи Соифа опамнинг қўли билан топилар, опаларимга яширинча улашилар, ойим сезиб қолиб, уришган кезлар югуриб келиб, юзидан ўпиб олар, огиз очиришга қўймасди. У ишни дўндирад, бирор ишининг миси чиқиб қолгудай бўлса ҳам осонгина текислай оларди. У қўни-қўшнилар, қариндош-уруғларникида нималар бор, қаерга беркитилган, ҳатто пишган меваларигача ҳисоб-китоб килиб юрар эди. У бунини одамларнинг кайфиятидан билиб олар эди. Ойимдан нон ундирилмай қолган кезларимиз, у ғойиб бўлиб қолар, тез орада қўйин, липпасини мевага тўлатиб қайтар, ҳовлига ўтириб олиб: “Қани, жўжаларим, териб енглар”, дея сочиб юборар, бизларни меҳмон қилар эди. Унинг хотираси кучли, тафаккури ҳам теран эди.

Ўша кунларнинг бирида уйимизга Қосим ювош келиб қолди. Ойим омондан бугдой олиб бериб юборгандан буён у уйимизга келмай қўйганди. Узоқ вақтдан кейин унинг уйимизга қадамранжида қилиши ҳовлимизни файзга тўлдириб юборди, янги қувончларимизга сабаб бўлди. У бўйнини сиқиб қолган, гўё ойимдан қарздордай хижолат чекиб, юзига қарашга журъат этолмасди. Бугун ҳам у ҳовлига мутлақо озорсиз бир қиёфада кириб

келган, хонадонимизга, яъни бизларга қаттиқ боғланиб қолгани итоаткор кўзларидан якқол сезилиб турар эди. Ойим уни кўриши билан югургилаб истиқболига чиқди ва мен билан Камолни эркалатган кездеги каби бағрига босиб кучди.

— Қосимжон, қалайсан? — деди кейин бутун меҳр-муҳаббатини овозига жамлаб. Овози чиндан ҳам куйга ўхшаш ёқимли жаранглаб кетди. — Хотинингнинг аҳволи қалай, болаларинг тинчиб қолишдимми? Нега келмай кўйдинг? Бораман деб ўйлайман, югур-югурдан қўл тегмайди.

— Орифа опа, — деди Қосим ювош ва кўзларини яширишга уринди, — раҳмат, хотиним кун-тун сизни дуо қилади. Болаларим: “Орифа бувим бизларга нон бериб юборди”, дея мақтанишади. Уйга борсангиз, меҳмон қилсак.

— Тўтим, ўзинг билан ўзинг тинсанг бўлгани, — ойим бу гал бир оз маъюсланиб жавоб қилди, — менга ҳеч нарса керакмас. Мени меҳмон қиладиган нон билан болаларингни боқ.

— Ҳеч ким сизчалик менга яхшилик қилмаган, — гапини давом қилди Қосим ювош, — бари бир мен сиздан қарздорман. Айтинг, нима ишингиз бўлса қиламан.

Ойим:

— Менга ҳеч нарса керакмас, мен фақат ҳақингни ундириб бердим, — деганди, Соифа опам гапини бўлди:

— Қосим ака, хизматимизни қилмоқчимисиз?

— Жоним билан қиламан, — деди Қосим ювош ва Соифа опам чиндан ҳам бир нарса деса астойдил бажарадиган қиёфага кирди.

— Хўш? Сизга нима хизмат бўлиши мумкин... — Соифа опам кўрсаткич бармоғини тишлаб ўйланиб қолди. — Ҳа, мана бу мишиқи Анвар билан мана бу қариса ҳам кўкрак сўраб хархаша қиладиган Камолни опичиб ўйнатасиз. Ундан кейин... ундан кейин каминани ҳам опичлаб ўйнатсангиз ёмон бўлмасди. Елкангизга миниб олиб, хивич билан боплаб ниқтардим-да.

Қаҳ-қаҳ кулги кўтарилди. Қосим ювош ҳам хунук тиржайди.

— Тилинг кесилсин, шайтон, — деди ичаклари узилгудай бўлиб кулаётган ойим Соифа опамга қараб, — кап-катта қиз Қосим акангга опичасанми! Одамлар, Орифанинг қизи жинни-пинни бўлиб қолибди, дейишади-я. Қосим, хафа бўлма, бунинг эси кирарли-чиқарлилигини биласан-ку.

— Синглим, ҳазиллашади, — деди Қосим ювош бурни билан кулиб, — опичсам нима қилибди.

Қосим ювош гапини тугатмасдан кўча эшик очилиб эркак кишининг боши кўринди. Турганлар дарҳол эшикка қарашди.

Ховлига Ортиқвой ўғри кириб келарди.

— Қосим, сен ҳам келувдингми? — деди ўзини бугун мўмин-қобил қиёфага киргизишга зўр бериб уринаётган Ортиқвой ўғри,
— Соифани аравага бугдой олиб бериш хизматига айтдингми?

— Хабарим йўқ, — жавоб қилди Қосим ювош ўйланиб, — Ортиқвой ака, Соифа боғ олиб беришга ярамайди. Арава баланд. Жумавойнинг ҳўкизлари ёмон. Чоллардан қўйинг.

— Кимни қўяман? — Ортиқвой ўғри Қосим ювошга еб қўйгудай хўмрайиб ўшқирди. — Чоллар хирмонда! Улардан қўйсам, ким қўш ҳайдайди, ким бугдой шопиради? Сен табелчи бўлиб, шундай десанг, колхознинг иши битадими? Орифа, — Ортиқвой ўғри ёнига ўгирилди, — Соифа бугун Қорамон даласига чиқсин. Аравага боғ олиб беради. Одам етишмаяпти.

— Ёлғиз ўзини юбормайман, — деди ойим орқасига кескин ўгирилиб экан, — ўзим билан бугдой ўроғига чиқади.

— Ортиқвой ака, — деди Қосим ювош ва бу гал жиддийлашди, кўзлари катта очилди. Чиндан ҳам унинг авзойи бузилаётганди, — Соифа аравани удда қилолмайди, ўзим чиқаман, унинг ўрнига ўзим ишлайман.

— Нима, колхознинг иши билан ҳазиллашяпсанми? — Ортиқвой ўғрининг бурни титрай бошлади. — Сен ишласанг, табелчиликни ким қилади, бўлмаса табелчиликни ташлаб, қўлингга ўроқ ол. Сени майиб деб осон ишга қўйишганди. Раисга айтаман, бошқа иш беради.

— Бақирма, — ўшқирди Қосим ювош ва бирдан турганларнинг диққатини ўзига тортди, — нега бақирасан. Раисингга айтмасанг, худойингга айт.

Кўрқмайман. “Айтаман, йўқ қиламан”, деб жонимга тегдинг. Қўлингдан нима келса қил. Ади-бади десанг қорнингга пичоқ тиқиб оламан. Соифа аравага чиқмайди, бугдой ўришга ҳам одам етишмаяпти.

— Оғзингни юм, хотинчалиш, — деди Ортиқвой ўғри ва орқасига ўгирилиб, эшик томон юрди, — сенга мақтанишни ким қўйибди!

— Ўғри, — деди Қосим ювош ва сопи синган тешани олиб Ортиқвой ўғри томон ташланди.

— Ҳой-ҳой, — дея ойим Қосим ювошни ушлаб қолди, — қизишма. Шу баттол билан тенг бўласанми.

— Қўйиб юборинг, — ёлвора бошлади ойимга Қосим ювош, — ўғрини чопиб ташлайман. Нима қилса қилсин. Ана у куни сизга қўл кўтарибди.

— Бўлди, ўзинг қил устида юрган одамсан, — кўнгил бера

бошлади ойим.

— Мен боллаб унинг адабини бердим.

— Ҳой, Қосим ака, — гапга аралашди Соифа опам, — акамиз йўқ деб юрувдик, бор экан. Бошимизни кўкка етказдингиз. Лекин ўғри билан ҳазиллашманг. Қари бўлса ҳам ҳўкиздай кучи бор. Сизни араванинг тагига тиқиб юбориб, ўзи кириб кетди, демасин. Мендан кўрқманглар, аравага чиқаман.

Аравага бор олиб беришнинг ҳеч ҳам қийин ери йўқ. Кўрқсаларингиз мана бу мишиқини бирга олиб кетаман. Жиннивой, борасанми?

— Бораман, — дедим дарҳол Соифа опамнинг кўлига осилиб, — ойи, бора қолай, шўхлик қилмайман.

— Олиб бораман, — деди Соифа опам қошларини чимириб, — лекин битта шартим бор. Машоқ қиласан. Қилмайман, деб хархаша қилсанг, даладан ҳайдаб юбораман.

— Тераман, хархаша қилмайман, — деб жавоб қилдим жонҳолатда, — ойи, борай?

— Бораверинглар, — деди ойим ва бошқа гапиришни истамади шекилли, орқасига ўгирилиб олди.

— Соифа, майли, боравер, — деди Қосим ювош чиқиб кетаётиб, — орқангдан ўзим етиб бораман.

Йўлга чиқадиغان бўлдик.

“Уруш-уруш” ўйинидан кейин ойим далага чиқишимни мутлақо тақиқлаб қўйганди. Иккинчи бор далага чиқиш иштиёқи мени қайтадан ҳаяжонга солди. Соифа опам мени бирга олиб бораман, дейиши ойимнинг кўнглини бир оз юмшатди.

Ниҳоят, Соифа опам уйдан рўмолига битта зогора ўраб, рўмолини эса ўроққа илиб, ўроқни елкасига қўйди-да:

— Қани юр, мишиқи, — деди у бошини турли томонга ташлаб, товони билан юриб мени кўчага бошлади. Тор кўчалар буйлаб Сирли масжидга етганимизда орқа томондан шотили арава кўринди. Арава устида ўн олти ёшлардаги ўнг жағи осилган, сўл жағи ичига тортиб кетган Жумабой исмли йигитча оёқларини ўққа тираб, асабийлашиб ҳўкизларга гаврон босар, чопмаётганидан фиғони фалакка кўтарилар эди.

— Ҳой, Жумавой! — деди Соифа опам йўлнинг ўртасига тушиб кўлларини белига тирар экан. — Тўхта, бизни ҳам далага олиб кет. Қаёққа кетяпсан. Бугдойни сен билан ташласам керак-да. Намунча жағинг ичига ботиб кетди? Худонинг ишларига ҳайронман, жағ улашаётганда сенга битта шапалоқ гўштни аяганини қара. Чап жағингга бир шапалоқ гўштни ёпиштириб қўя қолса нима қиларди. Кимга қарама, жағининг гўшtidан жудо бўлган. Қосим ювош ҳам...

— Қорамонга кетяпман, — Жумавой хўкизларнинг сурбетлигидан ҳамон бўғилиб гулдирадди. — Бу хўкизлар билан тушгача ҳам Қорамонга етиб бўлмайди.

— Жин урсин хўкизларингни, — деди Соифа опам ва узун харига осилиб аравага чиқди-да, кейин менинг қўлимдан тортиб олди, — мишиқи, ўртага ўтиб, маҳкам ушлаб ол. Тавба, хўкизларинг ҳам ўзингга ўхшаш қинғир-қийшиқ-а, — деди Жумавойга. — Чамаси, сен буларнинг қитигини билмайсан. Гавронни менга бер-чи. Жон томирларини суғуриб олай. Отлардай чопишмаса, отимни бошқа қўяман.

Соифа опам Жумавойни суриб, оёқларини арава хариларига тирар экан, жойлашиб олди-да, хўкизларни савалай кетди. Хўкизлар бурунларидан кўпик сачратиб пишқирди. Соифа опам тинмай гаврон босар, ҳайқирар, арава дам йўлнинг ўнг, дам сўл томонига чиқар, деворларга урилар, бундай кезлар Соифа опам кўзларини юмиб олар, яна очар, гаврон босар эди. Жумавой эса ёнида қиз бола кетаётгани, турқи тасқара бўлишига қарамай Соифа опам у билан очилиб-сочишиб гаплашаётгани, хўкизларига жон битганидан мамнун тиржайиб қўяр, мен эса “гуп-гуп” турли томонга урилар, аравадан чиқиб кетай деганимда Жумавойни ушлаб жон сақлаб қолар эдим. Хўжа маҳаллани босиб, Угам сойига тушдик. Ундан тепаликка кўтарилдик. Колхоз боғлари ҳам орқада қолиб, шу тариқа Қорамон даласига ҳам етиб келдик. Қорамон даласи сопол лаганга ўхшаш ўртаси чуқур сойлик бўлиб, у ерда чоллар хўкизлар билан буғдой янчар, тепаликлар бағрида эса аёллар буғдой ўришар эди. Соифа опам аравадан тушиб, аёллар билан қучоқлашиб кўришгач, орқасига қайтиб сув сатҳига сапчиган балиқдай ўзини аравага отди-да:

— Чу, ҳа жониворлар, — деди, — Жумавой, сен буғдойларни пастдан олиб берасан.

— Мен аравага чиқсам бўларди, — деди Жумавой бўйнини сиқиб.

— Уял-эй, йигит киши шундай дегани, — жеркиди Соифа опам, — қани, бўл, узат. Сен, мишиқи, машоғингни тер.

Жумавой ноилож аравага буғдой узатишга мажбур бўлди. Мен пастда Жумавойнинг темир айри билан буғдой узатиши, узатаётганда белининг майишиши, Соифа опамнинг чапдастлик билан узатилган буғдойларни олиб босишини кузатар, гоҳ хўкизларнинг олдига ўтиб пешоналарини силар, тўкилиб қолган машоқларни олиб оғизларига тутар, эриниб кавшашларини кузатар эдим.

— Ҳой, Жумавой! — деди ниҳоят арава яримлаб қолганда

Соифа опам, — ўзинга эҳтиёт бўл, ҳар ҳолда тинканг қуриб қолган, бўшашиб кетиб... А, лаббай? Бир ошга тушиб қолма...

— Ўзингни эҳтиёт қилавер, — тўнғиллади Жумавой темир айрига зўр бериб, — далачилик, айби йўқ...

Учинчи арава тўлиб хирмон томон жўнаганида Соифа опамга берган ваъдам эсимга тушиб қолди ва машоқ теришга тутиндим. Бир эгилиб, бир тўғриланиб, сочилиб ётган машоқларни терар, кафтимга жамлаб ерга қўяр эдим. Тепамдан иссиқ урар, терлатар, тобора мени ҳолдан тойдирар эди. Кафтим сўнгги бор тўлганда машоқни ерга отиб, ўзимни янтоқ тагига урдим. Тўртинчи аравани хирмонга Соифа опам олиб келди. Галдаги арава тўлганда:

— Бўлди, ағанаб кетади, — деди Жумавой тердан кўкрагига ёпишиб қолган яктагини тортиб.

— Олавер, нега қўрқасан, йиқилсам мен йиқиламан, — тўнғиллади Соифа опам. Жумавой эгилиб олиб яна қўлларига зўр берди.

Арава чиндан ҳам тўлиб кетган, Соифа опам кичкина боладай бўлиб кўринар эди. Бурнимга урилаётган иссиқ, чангдан бўғилиб, юзимга ёпишаётган чивинларни қувиб турганимда, ҳўкизлар юриб кетди-ю, бошимни кўтаришга мажбур бўлдим. Соифа опам тепада бўрон урган дарахтдай чайқалар, Жумавой эса ҳўкизларнинг олдига ўтиб, дуч келган ерларига гаврон билан савалар эди. Бирдан қулоқни ёриб юборгудай чинқириш эшитилди-ю, кўз олдим қоронғилашиб кетди. Кўз олдим ғира-шира ёриша бошлаганда Соифа опамнинг арава ғилдираклари остида думалоқ бўлиб ётганини кўрдим. У анча вақтгача ўзи билан бирга тушган бугдойлар орасида типирчилаб ётди, охири урина-урина арава остидан чиқиб олди. Чиқар экан, кўзлари олайиб, оёғини қайириб юзига яқинлаштирди-да, товонига назар ташлади. Товони эзилиб кетган, Соифа опам тўпигидан пастини чангаллаб “вой-вой”лар, тўлганар эди. Жумавой эса ҳамон ҳўкизларни савалар, тўхтатишга уринар эди.

— Опа, — дея қўлидан олиб кўтармоқчи бўлган эдим, қувватим етмади, у ўзини орқага ташлади, афти буришди. Товони эзилиб, териси ёрилган, атрофидан қон сирқиб чиқар, ер қоп-қора қонга бўялиб борар эди. Соифа опам қўлларини ерга тирар, оёғини силкитар, уқалар, куюётгандай пуфлар эди. Юрагим сиқилгандан-сиқилар, кўнглим озгандан-озар, Жумавойга қарар, тезроқ келиб Соифа опамнинг оёғини силаб, аввалги ҳолига қайтариб беришини истардим. Келавермагач, яна Жумавойнинг ёнига югурар, қўлидан тортиб Соифа опам томон етаклар, бунга ҳам тоқат қилмай, бутун борлиқдан кўмак истаб, атрофга аланглар,

бир нималар дер, лекин овозим чиқмасди. Арава гўё ўзимнинг товонимни эзгандай, вужудим сим-сим оғрирди. Ниҳоят, Жумавой ҳукизларни тўхтатиб, Соифа опамнинг ёнига яқинлашди ва уялиб, қўриқиб, секин товонини силади. Лекин боғламади. У, шунинг учун боғламаётган эдики, уни боғлашдан кўра кўпроқ Соифа опамнинг ўзи қизиқтираётган эди. Жумавой бир нафас нима қилишини билмай қотиб тургач, хирмон томон югуриб кетди ва сал утмай иккита чолни бошлаб келди. Мен овоз чиқармай истиқболимга яқинлашаётганларни қўл силкиб жадаллашга ундар, соқоллари титраётган чоллар назаримда жуда имирсилаб келишаётганга ўхшаб кўринар эди.

— Қизи тушмагур, эҳтиёт бўлмайсанми, — деди чолларнинг узун бўйлиги.

— Болам, озгина чида, — деди паст бўйлиси ва у ён-бу ён юриб, Соифа опамнинг товонини ушлаб кўрди, лекин иложини қилолмади.

— Уйга кетаман, — деди Соифа опам, — онамдан бошқа одам тузатолмайди.

— Жумавой, — деди узун бўйли чол, — уйга олиб бориб қўй. Боёқиш чўлоқ бўлиб қолмасин-да.

Чол гапини тугатмасдан кимдир елкамга қўлини қўйди, орқамга ўгирилсам, Қосим ювош турибди. У гулдирай-гулдирай, Соифа опамнинг ёнига чўкди. Обдан мажақланган товонини кўздан кечириб, бошини кўтарди, нафрат билан турганларга қаради.

— Нима қилди? — Жумавойдан сўради Қосим ювош, майиб ияги яна ҳам қийшайиб.

— Аравадан йиқилди, — жавоб қилди Жумавой.

— Аҳмоқ, қиз болани аравага чиқарасанми, — ўшқирди Қосим ювош

Жумавойга, — сенда инсоф борми? Ўзинг тепага чиқсанг ўлармидинг, Орифа опамга нима деймиз. Бригадирга чиқмасин девдим, мажбур қилувди, — Қосим ювош Соифа опамга юзланди. — Синглим, жоним, қаттиқ оғрияптими? Сенга келган бало менга келса бўлмасмиди. Мен сабаб бўлдим. Келаман деб, кечикиб қолдим. Жумавой, аравани олиб кел, уйга тезроқ етказайлик.

Соифа опамни аравага солиб, уйга олиб бордик. Уйда ойим Соифа опамни қўлтиғидан олиб туширар экан, воқеани эшитиб:

— Шўрим курсин, — деди, — гулдай қизим чўлоқ бўлиб қолса нима қиламан. Бўйга етганда-я.

Соифа опамни уйга олиб кириб ётқизилди. Ойим билан Маърифа опам шу куни наomat, пиёз куйдириб ярасини боғлаб қўйишди.

Бир ойлар ўтганда Соифа опам деворларни ушлаб юрадиган бўлди. Бироқ ойимнинг “гулдай” қизи, олдин айтганимдай, оқсоқлайдиган бўлиб қолганди. У оёғини турли кўйга солиб юриб кўришга уринди, лекин оқсоқланиб қолгач, хўнграб юборди. У энди югуролмас, шаддодлик ҳам қилолмасди. Кўзлари ёшланиб, бечора бир қиёфада бизга термилар, юракларимизни ўртаб юборар эди... Соифа опамнинг оқсоқланиб қолиши менинг галдаги изтироб ва дардимга сабаб бўлди. Болалик қалбимга оғир, жуда оғир юк ташлаб кетди. Назаримда, ўзим ҳам узоқ вақт Соифа опамга ўхшаб оқсоқланиб юрдим...

Учинчи куни Маърифа опам: “Қосим ювош Ортиқвой ўғрини ўроқ билан урибди, раис уни табелчиликдан бўшатибди”, деган гап топиб келди. Шу билан Қосим ювош уйимизга келмай қўйди...

Соифа опамнинг бахтсизлиги жуда қисқа муддатда юз берди. Кичик бир хонадонда шу қадар кўп бахтсизликлар содир бўлиши мен учун чидаб бўлмас даражадаги азоб эди. Энди мени ойим, Маърифа, Мазифа, Рикси опам, жияним Камол ва ўзимнинг тақдирим ташвишга солаётганди...

О, қиз боланинг айбдор бўлиб қолиши қанчалар оғир-а!

ХУШҲАБАР

Тунаш учун ҳовлидан айвонга чиқувдик. Кундузлари иссиқ бўлар, эрталаб ва кечқурун совуқ тушар эди. Ўша кунларнинг бирида Соифа опам кўчадан ҳақкалаб ҳовлига кириб келди-да, эгилиб машоқ янчаётган ойимни кучди. Ойим аввал ҳайратланиб елкаси оша орқасига қаради, сўнг Соифа опамни кўриб кўнглини кўтариш учун бўлса керак, жилмайди. Бу пайт мен йиғилмаган кўрпалар орасида қўл-оёқларимни турли томонга ташлаб ётар, Камол эса ёнимда пиш-пиш уҳлар эди.

— Ойижон! — деди Соифа опам. — Суюнчи беринг!

— Нима? Нимага, қизим?

— Уруш... Уруш тугабди! — жавоб қилди Соифа опам, — бизникилар енгибди!

— Ростданми? — ойимнинг бошидаги рўмоли елкасига тушди. Кейин жойига чўкди-да, юзини чангаллади. Ҳиқирлар, елкалари кўтарилиб тушар эди.

Худога шукур! Эркаклар қайтадиган бўлишибди. Отанг ҳарбийдан қайтадиган бўлибди.

Ойим ҳовлида бўзчининг моксидек айланар, дам Мазифа, дам Рикси опамни кучар, ўпар эди. Гал менга етганда юзимни тутдим, ойим такрор-такрор ўпди. Кейин Соифа опамга юзланиб бағрига босар экан:

— Оғзингдан ўргилай, — деди.

Мен ойим, опаларимга қараб туриб хаяжонландим, бошимни эса турли ўйлар қоплаб олди, бу гал ҳам тасаввуримда ойим айтиб берган эртақдаги “Боғи Эрам” манзараси намоён бўла бошлади. “Боғи Эрам”даги манзара ўша-ўша, фақат пари қизлар ўрнида гўёки энди биз болалар югуриб, оёқлари узун, ингичка, қулоқлари ҳам узун оҳу болаларини қувиб юрибмиз, оҳу болалари эса бурун катакларидан буғ чиқариб қочиб боришяпти. Ойим, опаларимга яна қарадим. Улар энди бир-бирларини туртиб-суртиб, кўчага чиқишга уринишар, лекин очиқ эшикдан чиқишолмай қийналишар эди. Кўча! Ҳаммаси шу кўчада юз берди. Кўчага ўқдай отилиб чиқишган ойим, опаларим худди шундай турли томонга сочилиб кетишди. Кўча яланг оёқ, бош яланг аёллар, болалар, ҳассасиз, девор ушлаб ғимирлашаётган чолкампирлар билан тўлган эди.

— Ҳой, уруш босилгани ростми?

— Ким айтди?

— Уруш босилгани ростми?

— Худодан ўргилай, болаларимизнинг раҳмини ебди!

— Орифа опа, ёруғ кунни кўрар эканмиз-ку, — бу қўшнимиз Моҳи холанинг хирилдоқ овози эди.

— Моҳи, бошим айланиб, кўзларим тиниб кетяпти, — бу эса ойимнинг овози эди, — бир қултумгина сув беринг.

— Ҳусан отани ушланглар, йиқилиб қолди, — бу йўғон овозни таний олмадим.

— Нега жим турибсан! Эшитяпсанми, эгачижон, уруш... Уруш босилибди, ер юткур душман енгилибди, ростдан ер ютибди. Енгилмаганда қизларимиз эрсиз, йигитларимиз хотинсиз ўтиб кетишарди. Наслимиз қуриб кетарди. Ҳали ҳам ярми қуриди...

Ҳайқириқлар, хириллашлар мени паришон қилиб қўйди, қўрқув ва таҳликама шу қадар кучайдики, гўё биров бир оғиз гапирса, ё тегиб кетса қичқириб орқамга қочар, бошқа одамлар ёнига қайтмасдим. Ниҳоят атрофга бирдан сув сепгандай жимлик чўкди-ю, мени азобдан халос этди.

— Қани, юринглар, идорага чиқамиз, — деди ойим ва олдинга ўтиб йўл бошлади. Болалар ҳам чуғурлашиб оломон кетидан югуришди. Бир юриш, бир югуриш билан колхоз идораси олдидаги майдонга ҳам етиб келдик. Майдон лиқ тўлган, одамлар таҳлика, хаяжонда турли томонга аланглашар, шивирлашар эди. Кўзлари ёшли эди уларнинг. О, шодлик кўз ёшлари!

Майдонда ҳиссиётлар, эҳтирослар исён қилар, бу исёнга бардош берадиган бир куч топилиши мумкин эмасди. Бу шундай

бир инсон қўзғалиши эдики, шу кез еру кўкни остин-устун қилиб ташлаш мумкин эди. Бутун дунёи олам инсонга ҳамдардлик қилар эди. Нигоҳ, чехраларда, имо-ишораларда фақат шодлик, бахтиёрлик акс этар эди. Бундай шодлик ва бахтиёрликни фақат онагина, никоҳ тўйига кетаётган келингина, илк бор кўз очиб она кўксидан оппоқ сут эмган болагина, ўлаётиб қайта ҳаётга қайтган одамгина туйиши мумкин эди! Бу эркисизликдан кейинги эркинлик шодиёнаси, том маъносидаги бахтиёрлик эди! Уруш одамларнинг эркини чегаралаб қўйган эди. Онам, онагинам! Ўз ихтиёрисиз биринчи эридан икки фарзанди билан тул қолган, фарзандларини бошқа эр — ўғай отага боқим бўлмасин, деб иккинчи бор турмуш кўришдан бош тортган, ниҳоят, одамларнинг қисташи билан ўғил кўрсам деган ниятда эрга — отамга турмушга чиққан ва ундан ҳам уруш туфайли ўз ихтиёрисиз ажралган онажоним! У ўз шодлигини қандай ифода қилсин ахир! Отамнинг қайтиши, турмушининг изга тушиб кетиши — бағри тўлишинигина ўйлаб, ёш боладай ўзини эркин ҳис қилаётган аёл қалбининг бахтиёрлигини қандай ифода қилсин ахир! Ойим туйғулар, ҳиссиётлар орасида сиқилиб қолган, қорамтир юзи тиниқлашиб, ажинлари ёзилиб кетган, чехрасидан нур, тенгсиз бир нур ёғилар эди. Бу — ҳаёт ва муҳаббат нури эди. Ойим, ҳақиқатпарвар, одампарвар эди, ўша куни юз-кўзларидаги бу туйғулар бир-бирига уйғунлашиб кетган эди. Маърифа опамчи! Боёқиш Камолни кўтариб одамларнинг оғзига термилар: “Акам келади”, дер, лекин “эрим” деёлмаётган эди. Кўпроқ уни отамнинг қайтишидан кўра Зиётвой поччамнинг қайтиши қизиқтираётгани кўзларидан кўриниб турарди. Соифа опам ҳам у ён-бу ён юрар, оқсоқлигини яширишга уринарди. Риқси опам ҳам ойимнинг атрофида айланар: “Отам келади, уйимизда тўй бўлади”, дер, лекин у шу онда бу тўйни Қримда кўриши, отаси, онаси, укаларини ўша ерда кутиб олиши кераклигини ўйламас эди. Мазифа опам қотиб турар, уни кўпроқ оломон ва оломоннинг шовқин-сурони қизиқтираётган эди. Мен эса одамларнинг ораларидан чиқиб турли томонга ўтар, дуч келган болаларга: “Отам менга тўппонча олиб келади”, деб мақтанар эдим. Отамнинг истиқболига қандай чиқиш, қандай кўришиш масаласи қизиқтириб қолди-ю, зўр бериб шунга тайёрлана бошладим. Гарчи режам ҳали аниқ бўлмаса-да, қандай бўлмасин отамнинг ҳурматини қозонишим, ўз бурчимни адо этишим керак эди. “Отам машинада келса керак, — ўйлаб кетдим кейин, — машинада бошқа одамлар ҳам бўлади. Машина юқори маҳалла

томондан ўкдай учиб келади-да, “ғиййқ...” этиб тўхтади. Аста-секин чанг босилади. Кутиб олувчилар шовқин-сурон билан машинага осилишади. Мен одамларни турли томонга итариб олдинга чиқиб оламан ва биринчи бўлиб машинадан тушган отамнинг кучоғига отиламан: “Отажон! Қайтдингизми? Сизни жудаям соғиндик, йиғладик, — дейман? — Сизга кўпроқ ойим йиғлади, йўқ, кўпроқ ўзим йиғладим, йўқ, яхшиси, қўшилишб йиғладик”, — дея қоламан. Отам-чи! Отам ҳам кўкрагини кериб, орденларини — албатта орден олган бўлади, ғалаба қилган одам орденсиз қайтадим. — силкитиб, машинадан тушади-да, мени бағрига босади: “Анвар! Анваржоним! — дейди. — Қани, бир ачом қил-чи. Мана, уруш ҳам тугади, душманни енгиб қайтдим. Сизларга ажойиб-ғаройиб совғалар олиб келдим. Мана бу тўппонча сенга”, дейди. Тўппончани олибоқ Исомиддиннинг ёнига югураман. Кейин юқори маҳаллага чиқиб, душманларни асир оламиз. Тўйиб ош ҳам еймиз. Кейин... Ҳа, кейин Исомиддиннинг олдига боришдан олдин тўппонча олиб келгани учун яна бир бор отамнинг кучоғига отиламан. Кейин эса бағрига кираман, яшириниб оламан. Ойим, опаларим, “Анвар қани?” — дея қидириб қолишади: шунда мен отамнинг кўйнидан чиқиб: “Бу ёқдаман”, — дейман. Кейин яна отамнинг пешонаси, кўзларидан ўпаман, ўпавераман. “Отажон, юзингиз бирам ширинки”, дейман. “Ўзингнинг юзинг ширин”, дейди отам ҳам. Отам ўпаётганида соқол-мўйлови ғашимни келтиради — Зиётвой поччам ўпганда шундай бўлганди — бари бир чидайман. Қизиқ, отам Маърифа опам билан қандай кўришаркин? Ахир уни ҳаммамиздан ортиқ яхши кўрарди-ку, Риқси опамни кўрса нима деркин? Танирмикин?” Шу тахлит ўйлар билан узоқ ҳаяжонланиб турдим. Кейин ҳаммамиз бирга отам билан кўриша қоламиз, деган фикр билан чегараландим. Бироқ шу куни ҳеч ким ҳарбийдан қайтмади. Бир ойдан кейингина қайта бошлашди. Улар орасида на отам, на Зиётвой поччам бор эди.

ОТАМНИНГ ҚАЙТИШИ

Тиқ эса эшикка қараймиз. Ойим ҳарбийдан қайтганларни кўргани, ҳол-аҳвол сўрагани кетар, кўзлари қизариб, паришон бўлиб қайтар эди.

Эшикка, одамлар оғзига термилиб турган кунларимизнинг бирида чиндан ҳам эшик тақиллаб қолди. Қош қорайган, ташқарида “беркинмачоқ”, “оқсуяк” ўйинлари ўйнаётган болаларнинг шовқин-сурони тинмаган эди. Ёвгон сўк гўжадан сўнг мудраб ўтирган ойим, опаларим ҳурккан охулардай сапчиб туриб

эшик томон югуришди. Улар ичкарига очиладиган эшикни ташқарига итаришиб типирчилаётган кез, бошимга отам қайтган бўлса керак, деган фикр урилди-ю, ирғиб туриб ҳовлига тушдим. Тандир остидаги ўчоқдан ҳатлаётиб, тиззамни уриб ҳам олдим, лекин оғриққа парво қилмай югуравердим. Эшик тинмай тақиллар, титроғимни баттар кучайтирар эди.

— Ким? — Ойим, опаларимни четга суриб, эшикни очишга уринар, очиладиган эшикни ҳамон ташқарига итарар эди.

— Келинойи! Эшикни очинг, — ташқаридан йўғон овоз эшитилди. — Суюнчини олаверинг.

Шундан кейингина отамнинг ҳарбийдан қайтганига шубҳам қолмади, ўзимни дам Мазифа, дам Риқси опамнинг қучоғига отиб:

— Отам келди, — дер ва улардан ҳам “келди” сўзини эшитишни орзиқиб кута бошладим.

— Ойи! — деб қолди Соифа опам ҳамон калавасининг учини тополмай типирчилаётган ойимга. — Эшик ичкарига очилади-ку.

— Эсим қурсин, — деди ойим ва орқасига тисарилди-да, эшикни ичкари томонга тортиб очди. Эшик орқасида бўйдор, кенг юзли, елкадор, аскарча кийинган нотаниш киши, унинг орқасида эса ўрта бўй, семиз ҳам эмас, ориқ ҳам эмас, аскарча кийинган, юзини сийрак сепкил қоплаган, қирра бурун, дўнг пешонали одам жилмайиб турар эди. У отам бўлиб, олдидаги нотаниш киши эса райондан кузатиб келган меҳмон экан. Ойим ташқарига қушдай учиб чиқди ва худди шундай кескин тўхтаб қолди, қовоқлари, лаблари учиб қўлини отамнинг елкасига қўйди.

— Келдингизми, келдингизми? — деди кейин ва бўғилиб қолди, икки томчи ёш қовоқларига қалқиб, бурнига оқиб ҳам тушганди.

— Соғ-саломатмисан? Болаларинг... — отам ёнидаги меҳмондан уялди шекилли, ойимга ташланиб, меҳри, соғинчини изҳор қилишдан ўзини аранг тийиб қолди. Опаларим отамга ташланишди. Отам Маърифа опам, Соифа опам билан елка тутиб кўришди. Мазифа опамни эса кўтариб олиб ташналик билан ўпди. Камолни ҳам шундай қилди. Айвондан ҳовлига тушгунимча, ҳовлидан эшикка етиб келгунимча, ҳатто кўчага чиқиб отамни кўргунимча ҳам ўзимни қандай қучоғига отиш, ўпиш, ўпавериш, шу тариқа меҳримни изҳор қилиш, меҳрини қозониш зарурлиги ҳақида бош қотираётган эдим, лекин ойим билан отам орасидаги маъюсликни кўрганимдан кейин ҳаммаси унутилди-қолди. Шу билан бир ойлик режам бузилди-ю, фарёд аралаш чинқириқ ва қаҳқаҳа аралаш ташналик билан ўзимни отамнинг қучоғига олдим, тиззаларимни қорнига тираб, шу тариқа юқорига кўтарилишга уриниб, бўйнидан кучдим, шу кўйи меҳримни тўла изҳор қилиш ниятида қўлларимни тобора сиқиб боравердим, юзимиз бир-бирига суркалди,

суркаланаверди. Ҳаяжондан бўғилар, соқол-мўйлови гашимни келтиради, деб ўйлар, лекин акси юз бераётган эди. Отамнинг юзи юмшоқ, ёқимли, ияклари силлиқ бўлиб, танамни яйратгандан-яйратарди. Бир пайт қўлларимни бағрига тиқиб, аввал айтганимдай, ичига яширинмоқчи бўлдим, лекин бунинг иложи йўқ экан... Ниҳоят отам мени ерга қўйиб, Камолни ҳам суйди-да, иккаламизни етаклаганча ҳовлига олиб кирди. Ойим, опаларим гўё қойилмақом емак устидан чиқиб қолган чуғурчуқлардай отамнинг атрофида чуғурлашар, нима деяётганларини англаб бўлмас, меҳмонга ҳеч ким диққат қилмай қўйган эди. Маърифа опам биринчи бўлиб ўзини ўнглаб олди ва ҳовлига бўйра ёзди-да, устига нимдош кўрпача ташлади. Отам меҳмонни тўрға ўтқазиб, ўзи пастга чўкди. Мен дарҳол отамнинг тиззасига чиқиб олдим. Шундан сўнг отамга чуқур назар ташлашим учун имкон туғилди. Отамнинг жуссаси кичик, лекин чайир, ияклари қулоқларига етгач кенгаяр, ўсиқ қошларининг ўртаси очиқ бўлиб, чаккаларига етгач, пастга кескин эгилар, сочлари қалин, лаблари юпқа, кўзлари замирида умри бўйи одамларга яхшилиқ қилган ва бундан ўзи қониқмаган, ёмонликдан узоқ юрган, бирор вақт буни хаёлига келтирмаган соддадиллик, айни вақтда ўзибилармонлик, худди шундай кўп дард чеккан одамники каби сўлғинлик туйғуси акс этар, лекин хийла жилмайиш билан ҳаммаси тарқалиб, мутлақо мусаффолашиб қолар эди. Отам яшил гимнастёрка кийиб, белини энлик жигарранг камар билан сиқиб боғлаб олган, оёғида қора хром этик бўлиб, уст-боши ўзига жуда ярашиб турар эди. Қизик гапдан тез шарақлаб кулар, кўнгилсиз гапдан эса тез ғамгинлашиб қолар эди. Отам гап орасида меҳмонга “тортиқ” юборгани, ойим ўғирлатиб қўйганини айтди, лекин Эркиннинг ўлимига келганда — бу ҳақда Соифа опам хат билан отамга хабар қилганди — дудуқланиб қолди.

Отам ҳамма тўрға ўтиб ўтиргач, Мазифа опамнинг сочларини силадида, ўнг томонда ўтирган Риқси опамга ишора қилиб:

— Бу қизчани танимадим, — деди ва яна Мазифа опамга юзланди. Риқси опам мўлтайиб қолди ва кўзлари ёшланиб ҳам кетди, чамаси, у отамдан биринчи галдаёқ “қизим” дейишини кутган, “бу қизни танимадим”, дейишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. У атрофга қараб туриб нима қилиши, нима дейишини билмай серрайиб қолди. Важоҳатидан туриб қочадиган ёки ойимнинг этагига ёпишиб, хўнграб юборадиганга ўхшарди.

— Янги опам, — жавоб қилди Мазифа опам, — ойим олиб келдилар.

— Яхши бўлибди, — деди отам ва Риқси опамни ёнига тортиб, ўпиб қўйди, — оппоқ қизим...

Риқси опам бари бир хунграб юборди, чамаси, у отамнинг “оппоқ қизим”, деганидан таъсирланган эди.

Эшик очилиб, рўмолларини юзларига парда қилган аёллар кириб келишди. Улар истиқболига чиқиб, эгилиб турган отам билан кўришар, йиғлашар эди. Ойим аёлларни айвонга бошлади. Салдан кейин колхоз раҳбарлари ҳам келишди. Улар отамнинг келгани шарафига бир қўй, бир қоп ун, ярим қоп гуруч ажратишибди. Жумавой олиб келиб ташлади. Ҳали-замон ҳаммамиз отам билан овора бўлиб, у олиб келган қутичани ташқарида унутиб қолдирган эканмиз. Соифа опам кўтариб, уйга кириб келди. Орқасидан биз болалар ҳам югурдик. У ойимнинг келишига тоқат қилмай, қутича қулфини бузиб, пичоқ билан очди. Ичидаги “тортиқ”ларни олатуриб:

— Қани, жўжаларим, — деди, — олинглар, олаверинглар.

Менга сарғиш сукно костюм тегди. Кийиб олдим, ташқарига югурдим. Яланг оёқ, яланг бош, қўлларимни шимимнинг чўнтагига тикиб, турли томонга юрардим.

— Вой, бирам чиройлики, — деган хитобларни эшитганда, оғзимнинг таноби қочар эди. Ниҳоят, ошхонага кириб костюмимни ойимга, опаларимга ҳам кўз-кўз қилиб, қайтиб чиққанимдан кейим ўзимни узоқдан отамнинг қучоғига олдим, отам йиқилиб кетаёзди. Бу фақат қон ва қонлар исёни туфайли юз берадиган мутлақо соф, мусаффо, ота ва фарзанд орасидаги содир бўладиган меҳр-муҳаббат туйғуси эди. Отамнинг тиззаларида ўтириб, умр бўйи шундай қолиб кетсам, ётсам, ётаверсам, ухласам, ухлайверсам, уйғониб ҳам ўзимни шу тиззаларда кўрсам, бошқа айрилиқ бўлмаса, деб ўйлар ва буни тезроқ ҳақиқатга айланиб қолишини истардим. Отамнинг овози олтин жарангидай соф ва тиниқ, дилни сархуш қиладиган даражада ёқимли бўлиб, муҳаббатимни ўн, юз карра ошираётган эди.

Ярим кечага яқин ош сузилди. Меҳмонлар саҳарга яқин тарқалишди. Мен отам билан ётдим. Отамнинг оғушида миқ этмай ухлабман.

Эрталаб уйғонганимда отам меҳмон билан ҳовлида чой ичиб ўтирарди. Тушга яқин эса меҳмонни кузатиб қўйди. Шундан кейингина ҳаяжоним бир оз сусайиб, ўтмишда юрагимни оғритган, эзган, изтиробга солган хотираларни эслашга муяссар бўлдим ва қисқа изтиробдан сўнг опаларимни Ортиқвой ўғри урганини отамга айтишга шайландим. Бироқ отамни кўришим билан ғулдираб қолдим, уялибми, қўрқибми, фикримдан қайтдим. Нега, нима учун? Ҳамон тушунолмаيمان. О, мана, энди мен кутган, орзиқиб кутган шодлик, бахтиёр дамлар ҳам етиб келди! Афсуски буни Эркин кўролмади!

Кўрганда қандай яхши бўларди. Уруш Эркини, у билан боғлиқ бўлган бахт ва шодлигимни ўғирлаб, мен қатори ўртоқларимни ҳам қон-қақшатиб кетди...

Отам ҳарбийдан қайтди. Сурункаликка қайтди. Ўзи туфайли очилиб қолган хонадонимизнинг кемтигини тўлдирди. Хонадонимиз аъзоси бир нафарга ортди. Отам ва унинг ҳарбийга кетиши сабабли чеккан дарду аламларимиз шу ондаёқ унутилди-қолди. Ўрнини мамнунлик туйғуси эгаллади. Энди Зиётвой поччам қайтса бўлгани эди. Эркин, эчкимиз... бу ҳақда гапирмасликка аҳд қилсам-да, бари бир...

МАКТАБГА БОРГАНИМ

Хувиллаб қолган қишлоқ кўчалари қайтадан одамларга тўлди. Бир пайтлар шу одамлар билан кўчани биргаликда тўлдирган кишиларнинг баъзилари бедарак кетди... Қўни-қўшнилари, қариндош-уруғлар ўша “бедарак кетганлар”ни хотирлаб аза очишди, бир ҳафталардан кейин эса йиғи-сиғи ҳам бир нави тинди. Ёзнинг охирларида “мактаб очилармиш” деган гаплар тарқалди, болалар кўчаларни тўлдириб, мактабга борамиз, дея ҳайқиришар эди. Менинг қалбимда ҳам беихтиёр мактабга бориш иштиёқи кўзгалди. Тезроқ ўртоқларимга қўшилиб, мактабга боришим, костюмимни кўз-кўз қилиб мақтанишим керак эди. Мазифа, Риқси опам уйга киришар, кўчага чиқишар, сочларини силкитишар, ноз-карашма билан ойимнинг атрофида айланишар: “Ойижон, жилд тикиб берасиз, мактабга борамиз-а”, дейишар, тобора ҳавасимни орттирар эдилар.

Мен ҳам бўш келмадим, ойимнинг пинжиги кириб, ҳоли жонига қўймай, жилд тикиб беришга ундай бошладим. Ойимнинг алмисоқдан қолган “зингер” тикув машинаси бўлар, қишлоқда ном чиқарган чевар бўлишига қарамай, уруш бошлангач, тикишни йиғиштириб қўйган эди. Бизнинг қистовимиз билан шу кунга ойим яна тикув машинасини қўлига олди. Ойим тун бўйи ухламай таги сарғиш, катта япроқ гулли читдан учта жилд тикди. Жилдларнинг боғи қизил читдан бўлгани уларни чиройли қилиб кўрсатар эди. Мени Соифа опам тўрғай чулдирамасдан тўшакдан турғазди. У аввал Мазифа, Риқси опамнинг сочларини қатиқлаб ювди, майдалаб ўриб қўйганидан кейин менга навбат етди. Ювишдан олдин бошим, афтимга қатиқ чаплади ва тасқара бир қиёфага киргазди. Ниҳоят навбат ювишга етганда у бармоқларини сочларим орасидан ўтказиб, қатиқни ювар экан:

— Бошинг қурсин, бирам каттаки, — деди, ўзимни у ён-бу ёнга ташлашимга ҳам парво қилмай бошимни зўр бериб ишқаларди.

— Бошинг каттаси ҳам бўлмас экан, қазғоқ, сирка босиб кетибди.

У мени мушук болани қийнагандай қийнар, лекин мактабга

бормайсан, деб қолиши, жилдимни олиб қўйишидан қўрққанам сабабли чидашга мажбур бўлаётган эдим. Ниҳоят папкамининг боғини бошимдан ўтказа туриб қийқириб юбордим, ойим айтиб берган эртақдаги пари қизлар янглиғ хиромон юриш, осуда жилмайиш билан атрофимга назар ташладим. Ойим, Маърифа опам менга жилмайиш билан олам-олам табассумлар инъом этишар эди. Афсуски, отам идорага чиқиб кетган, йўқса у ҳам мени кўриб завқланган бўларди. Соифа опам оқсоқланиб тезлик билан уйга кириб кетди-да, салдан кейин китоб-дафтар олиб қайтиб чиқди.

— Ма, каллахум! — дея кафтини пешонамга тираб, бошимни орқа томонга босди. — Яхши ўқигин!

Соифа опамнинг елкаларига қўлларимни қўйиб, ўпиб олмоқчи эдим, бўйим етмади. У ҳам буни англади шекилли, тиржайиб китоб-дафтарни теп-текис қилиб жилдимга солди. Гўё папкам қанотга айланиб, мени юксакликларга кўтариб кетаётганга ўхшаб туюларди. Бошимни у ёнга-бу ёнга ташлаб, жилдимни у елкамдан бу елкамга ўтказиб кўчага чиқдим. Энди ўртоқларим орасида ўзимни тутиш — елкаларимни қимирлатмаслигим, қўл-оёқларимни суворилардай бир маром ва оҳангда ҳаракатга келтиришим ҳақида ўйлардим. Лекин саводсиз, фақат мавҳум тушунчалар билан тўлиб-тошган болалигим билан бўлажак саводли болалигим орасида гўё қалин девор қад кўтариб турар, олдингиси кейингиси бўлишга интилаётган бир пайтда кейингиси олдингисидан жуда юксакда кўринар эди. Шундай ўйлар, орзулар билан амал-тақал қилиб янги кун юзини кўрдим.

Ўқимишли одам қиёфасига киришни унутмаганим ҳолда ғоз юриб, гоҳ гарчи кийимим чанг бўлмаса-да, қоқиб-пупфлаб, гоҳ жилдимни, китоб-дафтаримни силаб, мактаб томонга шошиб кетиб борардим. Кўчани яримлаб қўйганимда Соифа опамнинг орқамдан:

— Ҳой, мишиқи, — деган овози эшитилди. — Шошма, ўзим олиб бораман.

Лекин мен билиб эшитмаганга олиб илгарилайвердим. Ниёзмат аканинг томи орқасидан оқиб ўтадиган — бу ўша Эркин йиқилган ариқнинг бошланиши эди — ариққа етганимдан сўнг турли томондан болалар йиғилиб кела бошлашди. Турдивой, Самад, Миравлод, Абдурасул. Улар орасида энг башанг кийингани, жилди энг чиройлиги ҳам ўзим эдим. Соифа опам менга етиб олди. Биз уйимиздан икки том юқоридаги мактабда эмас, ўрта маҳалладаги Кўк масжидда ўқир эканмиз. Мактаб-масжид уйимизнинг кунботиш томонида, яъни узоқ қўшнимиз Алим бобонинг томи орқасидаги тор кўчанинг охирида эди. Мактаб-масжидга етиб

келганимизда қуёш томлар узра кўтарилган, торгина майдон одамлар билан тўлганди. Масжиднинг шимолга қараган бир тавақали эшиги олдида тўрт-беш эркак, малла сочли бир аёл туришар, аёлнинг қўлида дафтар, ёнидаги одамга бир нималар дер эди. Булар муаллимлар экан. Ниҳоят олдинга ҳалиги одам чиқди-да, ёпилган мактабнинг қайта очилгани ҳақида гапирди. Шундан кейин олдинга бўйи ўртадан баландроқ, оппоқ юзли, чиройли одам чиқиб, бизни номма-ном чақира бошлади. Бу Мирали ака эди. Номи чиққанлар орасида Самад, Эрмат, Абдурасул, Миравлод, Турдибой бор эди. Охирида менинг ҳам номимни айтиб чақирди. Кейин Мирали ака бизни бошлаб ичкарига олиб кирди. Ичкари тор ва узун даҳлиз бўлиб, даҳлизнинг икки томонида учтадан эшик бор эди. Биз чап томондаги охириги хонага кирдик. Хона тор, лекин баланд, орқада тўрт кўзли ойнасиз дераза, қаршида эса қачонлардир қора бўёқ билан бўялган, эндиликда бўёғи кўпчиб турган тўрт бурчақли тахта осилган эди.

— Қани, ўтиринглар, — деди ниҳоят Мирали ака. Болалар бир-бирларини орқага суриб ўтиришга уринди, мен ҳам олдинга чиқиб олиб, тирсакларим билан ёнимдагиларнинг қоринларига туртиб, иложи борича биринчи қаторга ўтиришга ҳаракат қилдим. Чўкдим, чўкар эканман, шимимнинг кир бўлишига бу гал мутлақо эътибор бермадим.

— Биринчи дарсни ота-онадан бошлаймиз. Мен кимни турғазсам, шошмай ота-онасининг исмини айтиб беради.

“Хўп”, жавобини олгандан кейин Мирали ака болаларни навбатма-навбат турғазиб ота-оналарининг исмларини сўради. Учинчи бўлиб навбат менга тегди. Тутилмай, бийрон-бийрон қилиб айтиб бердим.

— Яхши, баҳоларинг беш, — гапини давом қилди Мирали ака, — энди, мен нима десам сизлар ҳам шуни такрорлайсизлар. Фақат олдин яхши эшитиб олинглар. “Ота-она энг азиз, мўътабар зотлардир”. Такрорланглар.

— “Ота-она энг азиз, мўътабар зотлардир!” — такрорладик.

— “Уларни ҳурмат қилиш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир!”

— “Ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир...”

— Яхши, баҳоларинг беш.

— “Яхши, баҳоларинг беш”, — дея такрорлашга киришган эдик, Мирали ака дарҳол тўхтагди.

— Ҳозирча эшитиб турунглар, керак пайтда ўзим айтаман. Мана, энди такрорланглар: “Ватанимиз Ўзбекистон!”

— “Ватанимиз Ўзбекистон!” — бу гал хитоблар баланд пардада янграй бошлади.

— “Ҳаммамиз шу Ватанда туғилганмиз. Ота-боболаримизнинг қабри ҳам шу Ватанда. Шунинг учун тупроғи ҳаммамиз учун қимматли!”

— “Ҳаммамиз шу Ватанда туғилганмиз. Ота-боболаримизнинг қабри ҳам шу Ватанда. Шунинг учун тупроғи ҳаммамиз учун қимматли!” — овозлар бу гал тиниқлашган, мусиқа оҳангини олаётган эди.

— Тушундиларингми? — дея Мирали ака бир нималарни сўрар, болалар эса:

— Тушундик, — дея жавоб қилишарди.

— Дарс ёқдимми?

— Ёқди.

— Энди шуларни уйингизда такрорлаб келасизлар, эртага сўрайман...

Болалар мактабдан бир-бирларини туртишиб-суртишиб чиқишди-да, турли томонга сочилиб кетишди. Мен ҳам кўчага чиқдим, қулоқларим остида ҳамон Мирали аканинг ингичка, ёқимли овози жаранглаб турар, кўнглимдан эса “ота-она”, “Ўзбекистон” сўзларини такрорлар, бир оз жимиб қолиб, яна бошидан бошлар, охирига етказиб, яна қайтадан бошлар эдим.

Ниҳоят, эшикдан киришим билан ойим истиқболимга югуриб чиқиб, бағрига босар экан:

— Қоровой, қани, нималарни ўқиб келдинг, гапириб бер-чи, — деб қолди.

Мен “ота-она”, “Ўзбекистон” сўзларини такрорладим.

— Ёпирай, ёпирай! — деб юборди ойим. — Бир кунда шунча нарса ўрганган бўлсанг, бир йилда ўзинг муаллим бўлиб қоласан чоғи. Зеҳнинг ўткир кўринади...

— Ойижон! — деганимни биламан, кўтариб олиб бошимни кўксига босди.

— Тойчоғим, эркатойим... Қани, яна бир ҳалигиларни айтиб бер-чи, — бу гал ойимнинг овози шодлик, ғурур туйғусига лиммолим эди. “Ота-она”, “Ўзбекистон” сўзларини бу гал ёниб-ўртаниб, бор овозимда эҳтирос билан, ҳаддан зиёд таъсирланиб такрорлаб бердим.

СУКУТ

Уруш тугади. Уруш кимлар учун тугаган, кимлар учун эса тугамаганди. Урушдан қайтганлар, уларнинг ота-оналари, хотинлари, бола-чақалари учун тугаганди. Қайтмаганларнинг ўзлари, ота-оналари, хотинлари, бола-чақалари учун эса тугамаганди. Отам ҳарбийдан қайтди, ойим, Соифа, Рикси опам, Мазифа опам, мен ва ўзи учун уруш тугади. Лекин... Маърифа

опам, Камол, Зиётвой поччам учун эса ҳамон уруш давом этарди. Чунки, Зиётвой поччам ҳали ҳарбийдан қайтмаганди.

Ҳаёт қайтганларнинг хонадонлари нурга тўлди. Қайтмаганлари... Уларни ҳамон одамлар кутишар, колхоз идораси олдидаги майдонни тарк этишмасди. Кўзлари йўлда эди.

Маърифа опам Камолни етаклаб гоҳ ошкор, гоҳ пинҳон колхоз идораси томон йўл олар, мунғайиб орқасига қайтарди. Отамнинг қайтиши уни қанчалик қувонтирган бўлса, шунчалик ғамга чўктирди. Чунки, у эри отам билан бирга эшикдан кириб келишини кутганди. Лекин...

Танҳоланиб қолган Маърифа опам тиқ этса эшикка югурар, эрини, ўглининг отасини кутарди. Ўша кунларнинг бирида, эшик тақиллаб қолди. Эшик секин қоқилар, гўё кимдир бизни эрмак қилаётгандай туюларди. Учинчи бор тақиллагандан кейин: «Ким бор? Бу ёққа чиқинглар», деган товуш эшитилди. Эшикни очиш мақсадида супадан тушгандим, даҳлиздан Маърифа опам чиқди-да:

— Ҳой шошма, — дея, мендан олдинроқ бориб эшикни очди. Эшик ортида қишлоқ Советининг котиби Мирқобил турарди. У қимтина-қимтина қўлидаги буклоғлик қоғозни Маърифа опамга узатди.

— Нима! — Маърифа опам қоғозни олди, лекин очишга ботинмади. — Нима бу?

— Ҳа... хатт — Мирқобил гангиб қолди... — шу...

— Қанақа хат? Нимага «шу...» деяпсан? — Маърифа опам қалтираб Мирқобилнинг билагига чанг солди. — Нимага тилинг айланмай қолди?

— Эр... эрингиз... — Мирқобил саросимага тушиб, менга, гўё: «Опангга айт, қўлимни қўйиб юборсин, мен айбдормасман», — дегандай термилди.

— Гапир, нима гап ўзи?

— Эрингиздан «қорахат»... — деди-ю, Мирқобил хўнграб юборди. У хўнграб, Маърифа опамнинг чангалидан қутулишга уринарди.

— Нима?... — Маърифа опам қалтирар, гавдаси кўтарилиб тушар, лаблари учар, ранги оқаргандан-оқариб борарди. — Тентак! — қичқириб юборди кейин у. — Эримдан «қорахат» олиб келгани уялмадингми? Мен сенга «қорахат» олиб келишни кўрсатиб қўяман. Кўр..

— Мен сизга нима ёмонлик қилдим?

Маърифа опамнинг қўллари кескин кўтарилди ва ўқ тезлигида Мирқобилнинг ёқасига ёпишди.

— Эсипаст, нима учун менга «қорахат» олиб келасан! Нораста ўғлимни...

— Ойи! Опам Мирқобил ака билан уришяпти...

— Ҳой, эсингни едингми, — деди ичкаридан ҳаллослаб чиққан ойим Маърифа опамнинг қўлига ёпишиб.

— Бу итвачча, эримдан «қорахат» олиб келди. Мен бунга нима ёмонлик қилганидим...

— Бўлди, айб бунда эмас. Қани, қанақа «қорахат?»

Мен ерда, оёқлар остида топталаётган хатни олиб ойимга тутқаздим. Ойим эса Соифа опамга берди. У хатни очди, ўқиди ва бирдан гулдираб қолди.

— Поччам...

— Худо раҳмат қилган бўлсин! — ойим юзига фотиҳа тортди. Бу пайт Мирқобил Маърифа опамнинг чанглидан қутулиб олган, одамларга бир нималарни тушунтирарди.

— Ойи...

— Тентак бўлма, ўзингни бос, — деди ойим ҳушини йиғиб ва Маърифа опамнинг тирсагидан олиб ичкарига етаклади. — Қўни-қўшнилар нима дейишади. Дод солганинг билан эринг тирилиб қолармиди...

— Нима гап? — ичкаридан чиққан отам ҳайрон атрофга аланглагади, Соифа опам қўлига хатни узатди. Отам хатни очиб ўқишга тугинди. «Холов Зиётвой... Белоруссия тупроғида... душманга қарши бўлган жангда мардларча ҳалок бўлди...»

Отамнинг овози ичига тушиб кетди. Хатни буклар экан, узоқ, жуда узоқ туриб қолди.

— Ҳой, нима гап? — кимдир отамга мурожаат қилди, лекин у жавоб бермай уйга кириб кетди.

— Ҳаммасига сиз сабаб бўлдингиз, — Маърифа опам ҳовлини бошига кўтариб ойимни таъқиб этарди. — Уйма-уй юриб, куёвингизни ярасини тузатгандим. Оёғини чопиб ташламоқчи бўлганимда, қайтаргандингиз. Мана, сиз ачинган одамни душман ўқи ўлдирди. Ўлиши учун, ҳарбийдан қайтмаслиги учун ярасини тузатганмидим...

— Қизим... — деди ниҳоят маъюсланиб қолган отам, кўзларидан шашқатор ёшлар тўкилаётган Маърифа опамга. — Ўзингни бос. Иложинг қанча. Сендан бошқаларнинг эрлари ҳам ўлди. Эрсиз қолган бир сен эмас...

— Отангдан айрилдик, — Маърифа опам Камолни бағрига босди. — Отанг... энди қайтмайди... кута-кута кўзларим тўрт бўлувди...

Камол онасига, атрофдагиларга қарар, ҳеч нарсага тушунмас,

нима дейиш, нима қилишини билмас, кўзлари ёшланиб борарди.

Шу тун уйимизда уйку бўлмади. Эрталаб Маъриф аопам кўк кийди... Уйимизда аза очилди...

Мана, шундай қилиб хонадонимиз абадийликка яна бир аъзосидан жудо бўлди...

ТУЙҒУ

Киш тушди. Оппоқ қорлар фасли бошланди. Шундан салгина олдин чуғурчуқлар, чумчуқлар тўда-тўда бўлиб учишган, шохларга кўнишган, дарахт япроқларини тўкишган, хазонларга қоришиб ер титишганди. Қарғалар эса ёнғоқларни осмонга олиб чиқиб, ташлаб юбориб мағзини ейишганди. Кўй-эчкилар, сигир-бузоқлар ҳам хазонлардан бош кўтармай қолишганди. Илиқ шабада изғирин билан алмашиб, одамларнинг кийимлари ҳам қалинлашганди. Шу тариқа куз ўз ўрнини қишга бўшатиб берди-ю, оламда оппоқ қорлар фасли бошланиб кетди. Болалар кун бўйи сирпанчиқ учишар, кўллари, бурунлари кўкариб уйларига қайтишарди. Мен ҳам мактабдан қайтар, жилдимни уйга ташлаб кўчага югурар, сирпанчиқ учиб, оч, толиқиб орқамга қайтардим. Ажойиб-ғаройиб палла етиб келганди. Мана шу ажойиб-ғаройиб палла менга оппоқ қорлар каби оппоқ туйғулар инъом этди...

Ўша кунларнинг бирида ойим билан отам нима ҳақидадир баҳслашиб қолишди.

— Колхоз фермасига муаллим керак экан, — дерди отам кўлларини белига тираганча, — боришга ҳеч ким розилик билдирмади. Мен бораман, дедим.

— Кечагина ҳарбидан қайтдингиз, — асабийлашарди ойим, — болаларингиз меҳрингизга қонганича йўқ. Ўйлашиб иш қилмайсиз. Кўриб турибсиз, нон ҳали ҳам камчил. Колхоз фермаси яқин жойда бўлса ҳам майли эди. Озмунча жойми. Қорда, совуқда бориб келиш осонми, йўл ёмон, бўрилар изғишади.

— Жуда майда гапсан-да, — отам жиддийдашди. — Биламан, ўзим етимликда ўсганман. Етимликнинг, ўқимасликнинг нималигини биламан. Қийналсам майли. Нима бўлса ҳам, болалар саводсиз қолиб кетмаслиги керак. Йўл оғирлик қилса тунаб қоламан. Чўпонлар бор.

— Овқатингизга ким қарайди? — сўради ойим бўшашиб, отамнинг қарори қатъий эканлигини англагач. — Ким нон ёпиб беради?

— Нон ёпишни қойил қилишимни ҳали билмайсан шекилли, — жилмайди отам ойимнинг бўшашганини сезгач. — Нонни сендан яхши ёпаман. Етимликда қилмаган ишим қолмаган.

Узоқ тортишувдан сўнг отам колхоз фермасига муаллимликка бориш учун ойимнинг розилигини олди.

Ойим айтмоқчи йўл чиндан ҳам отамга оғирлик қилди. Бир ҳафтадан кейин тунаб қоладиган бўлди. У шанба кунлари уйга қайтар, ўн иккита бола йиққани, ишлари юришиб кетганини гапириб берарди. Сал кун ўмай ойим билан отам орасида яна жанжал кўтарилди. Бу галги жанжал арзимас нарса, яъни ун сабаб бўлди. Отамга колхоз «забой» берарди. У фермага кетиши билан ун иккита бўлинадиган бўлди. Ойим отамнинг фермага кетишига рози эмаслиги, боз устига, ун бўлинишини баҳона қилиб жанжал чиқарди.

— Шу ерда муаллимлик қилганингизда ун бўлинмасди, баракали бўларди, — деб қолди ойим. — Ҳалиям шу ерга келинг. Бурнини артолмайдиган муаллимлар сиққан ерга сиз сизмайсизми?

— Ҳой, бой бўлгур, — дея отам ойимни тинчитишга уринди. — Гап мактабга сиққан-сизмаганимда эмас, истасам эртага директор қилишади. Ҳеч кимда йўқ орден менда бор. Фермага борадиган одам топилмади.

— Сиз ҳам бошқаларга ўхшаб пишиқ-пухта бўлсангиз, юборишмасди, — ойим ҳамон отамни таъқибларди. — Сиздан бошқа одам йўқми? Товба, —ҳарбийга ҳам ўзингиз ёзилиб кетганидингиз.

— Бўлди, — деди ниҳоят отам кескин. — Гапни кўпайтирма. Бўлмаса фермадан келмай қўя қоламан.

Отамнинг «келмай қўя қоламан», дейиши чамаси ойимни қўрқувга солди чоғи, бошқа гап қайтармади. Шу билан баҳс ниҳоясига етди.

Отам қайтган кезлари ёнига чўқар, ферма, болалар ҳақида сўрардим. У дала, қирлар, тулки, бўри, кийикларни кўргангани ҳикоя қилиб берар, ҳавасимни орттиргандан-орттирарди. Кўярда-қўймай фермага олиб бориши, бўри, тулки, кийикларни кўрсатишини илтимос қилардим. Ўзиям зериккан экан шекилли, охири рози бўлди. Жума кунни кечқурун йўлга чиқдик. Бу пайтга келиб кунлар хийла илиб, қорлар ҳам эриганди. Гоҳ яёв, гоҳ отамга опичиб колхоз фермасига ҳам етиб келдим. Йўл чиндан ҳам узоқ экан, лекин на бўри, на тулки, на кийик кўринади. Фақат фермага етиб келганимизда қулоқларимга бир хил янграётган қўй-эчкилар, сигир-бузоқларнинг овозлари эшитилди ва беҳад ҳаяжонлантирди. Отам мени тўрт томони паҳса девор билан ўралган узундан узоқ, кенгдан-кенг ферма ҳовлисига бошлаб кирди. Бир тўда итлар чопиб чиқишганди, отамни таниб дарҳол орқаларига қайтишди.

Деворнинг ёнгинасидаги ўртамиёна хонага кирдик. Чамаси, хонада илгари одам турмаган экан, деворлари сувалмаган ва совуқ эди. Хонанинг ўнг томонида танча, танча устига кўрпа ёпилган, токчада элак ва супра турарди. Отам болаларни шу ерда ўқитар экан. Мени бу ерда қувонтирган нарса — ўтиннинг кўплиги бўлди. Хонага киришимиз билан отам танчага чўғ солди, исиндик. Кейин қорақумғонга чой дамлаб кирди. Ичдик. Ётдик. Эрталаб кўзларимни очганимда отам супра ёзиб ун элаб ўтирарди. Салдан кейин енгларини ҳимариб, хамир қоришга тушди. Отам хамир қоришда чиндан ҳам устаси фаранг экан. У аёллардай тез ва чаққон, иштиёқ билан ҳаракат қиларди. Бир пайт у хамирни қорди, супрага ўради-да, ташқарига чиқиб кетди. Салдан кейин изига қайтди. Қайтадан супрани очиб бир неча бор хамирни муштлиди, тузини кўрди-да, булақларга бўлди. Қайта-қайта санади.

— Битта кам бўлибди, — деди ва хамирни қайтадан қориштириб, яна бўлақларга бўлди.

— Нимага унақа қилиясиз? — дегандим қизиқсиниб;

— Гап бор, ҳали кўрасан, — дея жавоб қилди. Хамир ниҳоят ўн тўрт бўлакка бўлинди. Нон ясалди. Тандирга ёпилди, узиб келинди. Сабрим чидамай битта нонни олиб, ушатишга киришгандим, отам кўлимни ушлар экан:

— Болам, шошмай тур! — деди пешонасини артиб. — Бу ерда ёлғизмасман. Ўртоқларим бор. Ҳаммамиз бирга еймиз. Бирга емасак улар хафа бўлишади. Озгина сабр қилсанг, келиб қолишади. «Бўлинганни бўри ер», деганини эшитганмисан?

— Эшитганман, — дедиму бирдан миямга: «Бу ерда отамнинг қанча ўртоқлари бор экан?» деган ўй урилди, лекин қанақа ўртоқлари борлиги ҳақида аниқ бир қарорга келолмадим.

Отам нонларни ўраб токчага қўйди. Тандирдаги чўғни олиб келиб танчага солди. Қўлларини ювди.

— Ўртоқларим келганда шўхлик қилма, — қабилда қулоқларимга қуйди кейин. — Муаллимнинг ўғли шўх экан, дейишмасин.

— Хўп, — деганимни эслайман, ташқарида қий-чув кўтарилди. Отам эшикни очиб ташқарига чиққан эди:

— Ассалом алайкум! — деган болаларнинг ҳайқириқлари янгради ва бунга отамнинг: «Дўндиқларим, келдиларингми? Сизларни жуда соғиндим», деган овози қоришиб кетди. Эшикдан аста мўраладим. Бир тўда болалар отамни ўраб олишган, бўйнига, қўлларига осилишар, отам эса уларни кўтариб айлантирар, кучар, ўпарди. Ниҳоят болалар мени кўриб қолишди-ю, у ким, дегандай отамга юзланишди.

— Сизларга айтган ўғлим Анвар ана шу, — деди отам менга ишора қилиб.

Болалар мен томон яқинлашишди, ҳавас билан кузатишди. Улар жилмаяр, қўлимни силашар, чамаси «мен» бўлишни орзу қилишарди. Мен эса болаларнинг фикрини тортганим, яъни муаллимнинг ўғли бўлганимдан фахрланиб жилмаярдим. Отамнинг ўқувчилари етти қиз, беш боладан иборат экан.

— Анвар ака, — қора бола шивирлади.

— Отинг нима? — дедим ётсираб болага.

— Анварвой, — отам кутилмаганда фикримизни бўлди, — ҳали сенга айтган ўртоқларим мана шулар. Қани танишиб қўй-чи.

Қўлларимиз чўзилди.

— Мен билан ўртоқ бўласизми?

— Мен билан-чи? — деган сўроқларга:

— Ўртоқ бўламан, — дея жавоб қилдим. Шундан кейингина отам бизларни бошлаб ичкарига олиб кирди.

— Қани, жойларингни эгалланглар, — мурожаат қилди отам болаларга ва токчадаги нон ўралган дастурхонни олди. — Анварвой, сен ҳам ўртоқларингнинг ёнига ўтир.

Хонага жимлик чўкди.

— Ҳозир нон беради, — шивирлади кимдир.

— Хўш, — дея отам дастурхонни очди. — Кимнинг навбати эди? Кимдан бошлаймиз?

— Мен оламан, — жавоб қилди жиккаккина бир қизча ва туриб отам томон яқинлашди.

— Мана, — деди отам қизчага нонни бериб ва ўпиб қўйди. Бошқа болалар ҳам навбатма-навбат чиқишиб, улушларини олишди. Навбат менга етганди.

— Анвар! — отамнинг овозини эшитибок ўрнимдан турдим. — Бу сенга.

— Раҳмат, — дедим нонни олиб ва қизариб кетдим. Чунки мен илк бор мана шундай даврада отамнинг қўлидан нон олаётгандим. Нонни олишга олдимга жойимга қайтиб нима қилишимни билмай ўйланиб қолдим. Болалар эса нонни бемалол ейишарди.

— Мана буниси бизга, — деди отам ниҳоят дастурхонда қолган нонни олиб озгина ушатди-да, оғзига солиб, жойига қўйди. Қорним очиққанди. Отам нонини емаганлиги ва меҳмонлигим туфайли нонни емасликка қарор қилдим. Ҳали-замон отам нон ушатаётганимда қўлимни ушлаганнинг сири энди менга англашилганди. Отам ажойиб «ўртоқлар» орттирган экан.

Болалар нонларини еб бўлишди. Чеҳраси гул-гул очилиб кетган отам ниҳоят дарсни бошлади. Болалар ҳали ҳам ҳарфларни ёзишни

машқ қилишар экан, отам девордаги тахтага қора кўмир билан «А», «Б», «В», «Г» ҳарфларини ёзди. Такрор-такрор ўқиди. Кейин болаларни чақирди. Ёздириб, ўқитиб кўрди. Бу орада икки марта танаффус берди. Ташқарига чиқиб ўйнадик, дўстлашиб кетдик. Болалар отамдан кўнгил узолмасди. Отам болаларни кучиб, ҳар бирини алоҳида ўпиб уйларига кузатиб қўйди. Мен ҳам улар билан бирга бўлдим. Қишлоққа қайтаётганимизда қўй-эчкиларни ҳайдаб келаётган пахмоқсоқол чол отамни тўхтатди.

— Болам, — зерикмаяпсизми? — деди таёғига тиралиб. — Уйларга кирмайсиз. Мунча тортинчоқ бўлмасангиз. Болалар сизни яхши кўриб қолишибди. Кўзларини очиши билан ёнингизга югуришади. Шу бир ишингиз маъқул бўлмади... Болаларингизни ризқини қийиб чакки қиляпсиз...

— Нима қилибман? — қизиқсиниб сўради отам.

— Ўзингиз ун олиб келиб болаларга нон ёпиб бераётганимизсиз, — гапини давом қилди чол. — Биз сизга қарашишимиз керак.

— Ҳусан ота, — деди отам чолнинг мақсадиди англаб, — уруш тугади. Ғалаба билан тугади. Ютуғимиз шу. Ҳадемай нон ҳам сероб бўлиб қолади. Ўзим етимликда ўсганман. Одамлар бошимни силаган. Болаларга нон бераётган бўлсам, ўз ризқларини беряпман. Қолаверса, сизларнинг меҳнатингиз билан топилган нон. Аммо болалар илмсиз қолиб кетмаслиги керак.

— Умрингиздан барака топинг, шуни ҳам қилмайдиганлар бор, — чол отамнинг елкасига қоқди. — Гўшт бор. Нон танқисроқ... Гўшт нон бўлмас экан. Болалар шу нон илинжида ўқишга чиқишади.

— Ҳусан ота, ўзим урушда бўлдим. У кунларни худо бошқа кўрсатмасин, — отам маъюс гап бошлади. — Эсон-омон ватанимга қайтсам, бутун умримни болаларга бағишлайман, деб ният қилгандим. Ниятимга етдим. Дунёда боладан азиз нарса йўқ. Бўлмайди. Болалар — келажакимиз. Ҳар бир ўзбекнинг боласи — менинг болам.

— Умрингиздан барака топинг, — чол юзига қўлларини тортиб, отамни дуо қилди.

Йўлга тушдик.

Қишлоқни яримлаб қўйганимизда отам менга:

— Анваржон, нон ёпиб, болаларга улашганимни ойингга айтма, — дея тайинлади.

— Нимага? — сўрадим ҳайрон бўлиб.

— Катта бўлганингда тушунасан, — маъюс жавоб қилди отам. Бошим эгилди. Салгина олдин уйга шошилган, фермада кўрган-

кечирганларимни тезроқ ойимга, опаларимга айтиб беришга шошилгандим, отамнинг гапи ўйлатиб қўйди. Бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмадим. Сир-сирлигича қолиб кетди. Лекин бу воқеани унутолмадим. Мени чексиз ўйларга толдирди. Отам ва колхоз фермаси, боллар ҳақида ўйлай бошладим. Отам аста-секин кичкинагина қалбимга мутлақо бошқа одам — отагина эмас, оташин бир муаллим, болаларни жон-дилидан ҳам яхши кўрган инсон, ўзи айтмоқчи, бутун умрини уларга бағишлаган устоз бўлиб кирди. Мен шу пайтгача одам одамга яхшилик қилиши зарурлиги, кунига яраши мумкинлиги ҳақида бош қотириб кўрмаган, ҳатто бундан беҳабар эдим. Мен фақат яхши ва ёмон одам борлигини билардим. Яхши одамларга нисбатан муҳаббат, ёмон одамларга нисбатан эса нафрат туйғусини туярдим. Отам, ойим, опаларимга нисбатан табиий бир туйғу — муҳаббат туйғуси билан яшаб келардим. Отамнинг ойимдан яшриб ўз ўқувчиларига нон ёпиб бериши эса менда одам бегоналарга ҳам яхшилик қилиши зарур экан, деган фикр туғдирди. Улғайсам, албатта отамга ўхшаб муаллим бўлман, фермага бориб болаларни ўқитаман, ўқувчиларимга нон ёпиб бераман, дея кўнглимга тугиб қўйдим. Мен шу кун отамни қайтадан кашф қилдим. Отам ўзини менинг олдимда қайтадан кашф қилдириши билан бирга, қалбимга илк бор «олижаноблик» туйғусини инъом этди.

ЖУЛДУР КИЙИМЛИ ОДАМ

Мақтадан кўнглим озиш даражасида очиқиб қайтдим. Ҳовлига кирибоқ ошхонага қарадим, мўридан бурқираб қуюқ тутун чиқар, ойим ошхона ичида гоҳ кўриниб, гоҳ йўқолиб қолар эди. Ошхонага кирдим-да, эгилиб қозон тагини ковлаётган онамнинг енгидан тортиб:

— Қорним очди, — дедим одатдагидай оёқларимни ерга уриб.

— Уйга кириб тур, ҳозир бўтқа сузиб бераман, — деди ойим таги куяётган бўтқани зўр бериб кавлар экан. Ташқарига чиқиб уй томонга бурилган эдим, кўча эшик очилиб, эшакнинг боши кўринди. Бу ҳол мени таажжублантирди-ю, ҳайрат билан эшик томонга қараб қолдим. Бошини силкишига қараганда эшак ҳовлига киришни истамас, лекин кимдир орқасидан ниқтаётгани сабабли зўр-зўраки киришга мажбур бўлаётганди. Эшак ҳовлига кириши билан орқада жулдар кийимли баҳайбат бир одам кўринди. Одамнинг орқасидан эса қулоқлари шалпайган, териси устухонига ёпишган бир ит кириб келди. Бир-бирига ўхшаш, фарқлари фақат ҳайвонлару, одамгина бўлган бу уч хил жонзотнинг дабдурустан ҳовлимизга кириб келиши чиндан ҳам мени ҳайратга солганди.

Эшак ягир бўлиб, ўлар ҳолатга етиб озган, шунга қарамай лабларига илинган нарсани ямлаб чайнар эди. Эшакнинг ўсиқ жунларига хас-хашак ёпишган, ягирлиги сабабли устидаги тўқимини қасмоқ босиб кетган, бўйнига қирқ тугун арқон боғланиб, қулоқ ва думига ҳам турли рангдаги латталар осилган, у эгасининг раъйига қараб кўзғалар, чамаси, тез-тез у ён-бу ён олиб қочишига қараганда, чамаси, кўпроқ бошидан калтак ер эди. Ҳали айтганимдай, одам баҳайбат, бошида титиғи чиқиб кетган дўппи, тўнининг энг, елка, этаклари йиртилиб, пахтаси чиқиб кетган, оёқларига калиш ўрнига латта боғлаб олганди. Елкалари чўкиб, чуқурлашиб қолганига қарамай, бу одам қачонлардир бақувват, қудратли бўлганидан дарак бериб турар, соқол-мўйлови пахмоқ, қизарган катта кўзлари эса ичига тортиб кетган, қошлари қалин ва ўсиқ, қирғий бурун эди. Қулоқлари катта ва пешонаси кенг, серажин, қўллари ҳам кенг ва йўғон эди. Ўнг пешонасининг туртиб чиққан ери бармоқнинг бир бўғини сифадиган даражада чандиқ бўлиб, чандиқ атрофи оқариб қолган, шугина унинг чиройли юзини хунуқлаштириб турарди. Мана шу иллатни ҳисобга олинмаса, чиндан ҳам қачонлардир кучли ва шиддатли бўлган бу жулдур кийимли одам эндиликда мутлақо бир бечора ҳолга тушиб қолганди. Ит хасирвахонада узоқ очликда ётгандай ювош, озорсиз кўринар, афтидан, бирор вақт бирор жон зотига тажовуз қилмаган, ҳатто бунга хаёлига ҳам келтирмаган, аксинча, одамлар уни эзган, хорлаган, оқибат мана шу ҳолга солиб қўйишгандай туюларди. Бу уч турли жонзотнинг ҳозирги кўриниши гўё узоқ ўтмишда насл-насаби бир бўлган табиатнинг илк мавжудотларини эслатарди. Улар ҳаракатлари, кайфиятларидан мутлақо бир-бирларига ўхшашар, ораларидаги фарқ одам, эшак, итлигида эди, холос. Шунга қарамай, эшак бир оз фирибгар кўринар, баъзан эгасидан яшириб, баъзан ошкор қорнини тўйгазишга уринар, оғзига илинган нарсани тишлаб кўрар, лекин одам билан ит бир-бирларига хиёнат қилмас, чиндан ҳам бир-бирларига жафокаш, содиқ кўринар, ораларидаги ҳамдардлик, содиқлик ўзларини тергашларида сезилиб турарди. Жулдур кийимли одам ҳамма нарсага бефарқ ва лоқайд боқар, лекин ошиқча эътибор, илтифот билан эшак ва итнинг бошини силаб кўяр, бундай кезлар эшак ҳам, ит ҳам кўзларини юмар, бошларини солинтириб, думларини силкишар, эгаси — жулдур кийимли одамга ҳамдардлик билдиришар эди. Жулдур кийимли одам йўғон ва дўриллаган овозда шошмай, босиқлик билан тез-тез худони тилга олар: «Сенлар ҳам худонинг махлуқларисан, дилозор одамларгина сенларга диққат қилмайди», дер, эшак билан ит:

«Тақсирим тўғри айтадилар, одамлар чиндан ҳам дилозор, бизни доим ҳибсга олишади», деяётгандай эгасига караб қолишар, бундай кезлар жулдур кийимли одамнинг овози мунгли бўлиб қолар, бу эса қиёфасини янада ёқимли кўрсатар эди. Чамаси, жулдур кийимли одам бу ерга киргани, киришдан мақсади нималигини унутиб қўйган, эшаги, ити билан овора бўлиб қолганди.

Ниҳоят жулдур кийимли одам атрофга сўлгин, лекин синовчан назар ташлаб олиб, сўнг менга юзланди-да, жилмайди. Эшак билан ит эгасига термилиб қолди, улар бу билан эгаси бирор нарса дегудай бўлса, ханграб, хуриб юборишга шайланар эдилар. Жулдур кийимли одам жилмайшни тарк этиб, мен томон яқинлаша бошлади. У шошмай, оёқларини санаб босар, босганда ерни титратар, лекин турқи бирдай озорсиз ва лоқайд эди. Гарчи мен бу одам ҳовлига кирганида бир оз қизиққан, эшак, итга ҳавас қилган бўлсам-да, олдимга яқинлашганда юрагимни кўрқув туйғуси эгаллаб олди. Ҳайрат ва кўрқув билан ҳавас орасида содир бўладиган, яъни қочишни ҳам, қочмасликни ҳам, нафратланишни ҳам, нафратланмасликни, шунингдек, илтифот кўрсатишни ҳам билмай турганимда вужудимда хийла изтироб туйғуси кўзгалди. Бу, кўпроқ кўрқиш, кўрқишдан ҳам кўра қочмаслик, аксинча, қаршимдаги одамга ачиниш, кўнглини кўтариш, тўғрироғи, ҳаммасини бир томонга йиғиштириб қўйиб, унга ҳамдардлик билдириш изтироби эди. Эътироф этишим керак, жулдур кийимли одам ёнимга яқинлашиб келганда менга ғалати нарсани эслатди ва чинқириб юборишимга оз қолди. Лекин чинқириб юбориш ва оқибат хушимни йўқотиб қўйиб, жулдур кийимли одам чангалида эзгиланишим мумкинлиги ҳақидаги ўй ва кўрқув туйғуси ўзимни тутиб олишга мажбур қилди. Деворга орқамни тираб, у ташланиб қолган тақдирда ўзимни ҳимоя қиламан деган ниятда эҳтиёти шартдан қўлимни кўтардим, лекин бошимда ҳамон қочиш ҳақидаги фикр чарх уриб айланар эди.

— Жиян, қалайсан? — деди ниҳоят жулдур кийимли одам ва оғир қўлларини елкамга қўйди, — оббо жиян-эй, катта йигит бўлиб қолибсан. Отинг нимаиди?

Мен елкамни жулдур кийимли одамнинг қўлларидан қутқаришдан олдин қичқириш, қочиш йўлини излаб турган эдим, ёқимли овози ва жилмайишидан сўнг мутлақо фикримдан қайтдим. Фақатгина елкамдаги оғир, метиндай қаттиқ қўлларни олиб ташлаш учун қўлларимни кўтариб қимтиндим, холос. Жулдур кийимли одам тез, жуда тез орада менга ёқиб қолди, бундан ўзим ҳам ҳайратга тушдим.

— Анвар,— дедиму, юзимни дарҳол четга буришга мажбур бўлдим. Чунки жулдур кийимли одамнинг кийимлари ва оғзидан кўнгилни паришон қиладиган ҳид келардики, чидашнинг мутлақо иложи йўқ эди. Мен ўзимни зўр-зўраки тутиб турган, тобора меҳрим унга боғланаётган кез жулдур кийимли одам яна ҳам ёқимли, олижаноб туюлиб кетди. Овозининг тобора ёқимлилашиб бориши ҳавасимни оширгандан-оширар эди.

— Отанг ҳарбийдан келибди,— гапини давом қилди жулдур кийимли одам ва менга ҳам эшак, итга кўрсатгандаги каби илтифот кўрсатиб, бошимни силади,— менга хабар қилмабсизлар. Онанг бунчали бемеҳр эмасдику, ахир мен ҳарбийдан қайтганимда биринчи онангни айттириб юборувдим. Ўзим эшитмадим. Далаи даштда арслонларни қувиб юргандим. Болаларим...— у қўли билан эшак, итга ишора қилди,— менсиз овқат ейишмайди. Уларни ёлғиз ташлаб кетолмайман. Онанг қани?

«Арслонларни қувиб юрувдим,— дея кўнглимда такрорладим.— болаларим менсиз овқат ейшмайди, отамнинг ҳарбийдан қайтганига анча бўлди, ҳали ҳам эшитмабдими, арслонларни қувиб юрган бўлса, роса зўр одам экан-да...» Ойим ошхонада, демоқчи бўлиб тургандим, ичкаридан ўзи чиқиб қолди. Этагини қоқиб шошилишч жулдур кийимли одам томон юрди.

— Ахрор ака, келинг, келинг,— ойим жулдур кийимли одамнинг елкасига қўлларини қўйиб, пешонасини елкасига босганча узоқ ва жиддий кўришди, - келмай қўйдингиз. Кўзларим тўрт, келиб қоласизми, деб ҳар куни овқат олиб қўяман. Турсун соғ-саломатми, янгам тинчми?

— Эринг келган экан, хабар қилмабсан,— деди жулдур кийимли одам.

— Анча бўлди, эшитмадингизми? Мазифани юборувдим, сизга айтмабди-да.— Ойим жулдур кийимли одамнинг усти-бошини қоқар, оёғидаги латтасини сиқар эди. Ойим жулдур кийимли одамга бутун имкониятини сарфлаб илтифот кўрсатар, бу ҳол менинг ҳайратимни тобора ошираётган эди.— Турсун соғми? Янгам-чи?

— Анча бўлди кўрмайман,— жавоб қилди жулдур кийимли одам,— Турсунни соғиндим, ана у сил янгангни ёмон кўраман. Тезроқ ўлмайди ҳам. Сингилларим Зулфия билан Зеби ҳам келмайди.

— Ахрор ака,— ойим иложи бориша жулдур кийимли одамнинг кўнглини кўтаришга уриниб, атрофида парвона бўларди,— яна тобингиз қочиб қолибди. Қишда шундай бўласиз. Совуқ ёқмайди чоғи. Дўхтиргами, табибгами боқтирсангиз тузалиб

кетармидингиз...

— Ҳа, сенлар шунақасанлар,— жулдур кийимли одамнинг чеҳраси ғамгинлашди,— соғни ҳам жиннига чиқарасанлар. Кимга боқтираман. Аълам табибинггами? У ғирт худосиз! Худосиз одам боққан билан кор қилмайди. Одамларни алдайди. Худогина алдамайди.

— — Мен ҳеч қачон ҳам ундай деб ўйламайман,— ойим саросимага тушиб ёлбора бошлади.— Ҳарбийга бормасингиздан олдин соппа-соғ эдингиз.

— Хашагинг борми?— тумтайиб сўради жулдур кийимли одам шаштидан тушиб,— боёқиш эшагим оч, қотган-қутган нонинг бўлса итимга ҳам бер.

— Ичкарига киринг, жоним билан бераман,— ойим ғулдираб қолди,— эчкига қилган пичанимиз турибди. Эчкимизни бўри бўғизлаб кетганди.

— Бўри бўғизлаб кетди, дедингми?— жулдур кийимли одамнинг кўзларида ғазаб учкунлари чақнади.— Қайси эчкинг, ҳалиги қашқа эчкингми? Оббо занғар-эй. Ёмон бопплати-да, эчкинг кўп чиройли, хушбичим эди.

— Уйга киринг,— ойим жулдур кийимли одамнинг тирсагидан олиб, зина томон етаклади,— ҳой Соифа, бу ёққа чиқ. Ахрор тоғаннинг эшагига пичан ташла, итига нон бер.

Опаларим ичкаридан чиқиб, ҳовлига тушишди ва турли томонга тарқалиб кетишди.

— Орифа, нега қизларинг мен билан кўришмайди!— маъюс мурожаат қилди жулдур кийимли одам.— Мендан жирканишадилда, а?

— Ахрор ака, хафа бўлманг, ёш, эслари кирмаган,— ойим жулдур кийимли одамни юпатишга тушди,— уйга киринг.

— Кўй, уйингга кирмайман, шу ерда ўтира қоламан, орқамдан кўрпачани ифлос қилиб кетди, дейсанлар,— жулдур кийимли одам зинага чиқди,— нон-понинг бўлса бера қол.

— Ичкарига киринг, бўтқа қиялпман, қорнингизни тўйғазиб кетасиз,— ойим жулдур кийимли одамни ичкарига киришга ундарди,— кўрпачасини кир қиламан деб ўйламанг, кўрпача бош-кўзингиздан садақа бўлсин. Бўлмаса ўтириб туринг, бўтқани олдидан сузиб бераман.

Ойим ошхонага кириб кетди. Соифа опам томдан пичан ташлади. Маърифа опам ташланган пичанни эшакнинг олдига олиб келиб қўйди. Ойим сал ўтмай ошхонадан қайтиб чиқди ва темир лаганга сузилган бўтқани пуфлаб, жулдур кийимли одам томон яқинлашди. Олдига қўйди. Жулдур кийимли одам ҳавас билан тамшаниб

лагандаги бўтқага бир нафас термилиб турди-да, сўнг ейишга тутинди.

— Қара болаларимнинг овқат ейишини,— деди кейин у эшак билан итга ишора қилиб ва ойимга юзланар экан, мийиғида жилмайди.

— Майли, ўзингизнинг қорнингизни тўйғазиб олинг,— ойим жулдур кийимли одамнинг тўнини қоқар, оёғидаги латгани ушлар эди,— қийимларингиз кир бўлиб кетибди. Турсуннинг қўли тегмайди, касал онасини боқади. Боёқиш янгамга сил касали қаёқдан ёпишди экан. Қизингизнинг эси бутун. Ахрор ака, бўтқани еб бўлганингиздан кейин уйга кириб. Мен янги тўн, этик бераман, кийиб оласиз.

— Умрингдан барака топ,— деди жулдур кийимли одам ва бошқалар кўрсатмаётган илтифотни ойим кўрсатаётганидан таъсирланиб кетиб, бурнини тортиб қўйди. — Сенинг эсинг бутун. Сингилларим ҳам сенчалик меҳрибон эмас. Раҳматли Мирза амаким яхши одам эди. Сен Мирза амакимга ўхшадинг. Эсингдами, Улуғ янгамга иккита қозонда овқат пиширтириб, етим-есирларга улашарди. Сайфиддин ҳам яхши, лекин Бурҳониддин бўлмайди, хасис одам. Улар узоқда, кўргим келади, боролмайман.

Овқатдан кейин ойим уйга кириб чиқди, отамнинг ҳарбийдан кийиб келган шинели, нимдон этигини олиб чиқиб жулдур кийимли одамга берди. Жулдур кийимли одам кийимларни олатуриб, жилмайдиган, кўзлари жаққа ёшга тўлди.

— Умрингдан барака топ,— ўксиниб миннатдорчилик билдирди яна жулдур кийимли одам.

— Эскиларини қолдиринг, ювиб қўяман,— ойим ҳам йиғлаб юборди,— келиб туриб, бедарак кетманг.

Жулдур кийимли одам қаттиқ кекириб ўрнидан турди, ҳовлига тушиб эшаги, итининг бошини силади ва бирдан бошини кўтарди-да, қичқириб юборди, шу қадар қаттиқ қичқирдики, назаримда ер, деворлар титраб, эшиклар зириллаб кетди. Мен ўзимни орқага отдим ва деворга қапишиб, жулдур кийимли одамга қараб қолдим. Опаларим эса уясига илон кирган қуш болаларидай чирқирашиб, турли томонга қочишди. Жулдар кийимли одам бу пайт устига дарахт қулаётгандай қўлларини олдинга ёзиб, юзини ҳимоя қилар, ойим эса унинг атрофида ўзини нурга ураётган парвонадай гир айланарди.

— Ана, келиб қолди!— жулдур кийимли одам хириллаганча хитоб қила бошлади.— Қочинглар! Қочинглар! Ҳаммангизни ўлдиради. Ана, ана, яқинлашиб қолди!

— Ахрор ака! Ахрор ака! — Ойим жулдур кийимли одамнинг

қулини ушлаб силкитди. — Нима деяпсиз? Нима келяпти? Одамни кўрқитманг.

— Ана, кўрмаяпсанми, келяпти-ку! — Жулдур кийимли одам осмонга ишора қилиб орқасига тисарила бошлади. — Ана, келди. Вой пешонам! Пешонам! — у яна қичқирди, бу гал шу қадар қаттиқ қичқирдики, қичқиригидан ўзи ҳам кўрқиб «гуп» этиб орқасига йиқилди. Жулдур кийимли одам чалқанча йиқилган, яъни уни осмондан ота бошлаган кез назаримда миямга иссиқ бир нималар қуйилди. Юзимни чангаллаганимча бармоқларим орасидан жулдур кийимли одамга қарадим. У ерда чўзилиб ётар, қўллари билан пешонасини пайпаслар, узлуксиз гўлдирарди. Ойим, опаларимнинг турли томонга югуришлари аҳволимни оғирлаштириб юборди. Гўё гўштларим суякларимдан, суякларим эса бўғинларимдан ажралиб кетаётганди. Мен буни аниқ ҳис қилдим ва кўзларим олди қоронғилашиб қолди. Тепамда ойим, опаларим туришар, бир узоқлашиб, бир яқинлашиб, бир титраб, бир қотиб туришарди.

— Нима қилдим энди,а?!— сўради ойим мендан. Жонҳолатда жулдур кийимли одам томон юзландим-да:

— Унга нима қилди?— дедим шивирлаб.

— Тоғанг урушда бўлган, ўқ еган,— тушунтирди ойим,— шунақа касали бор, тутиб қолади...

«Мен ҳам урушда бўлдим, ўқ едим»,— кўнглимдан ўтказдим қақраб кетган лабларимни ялаб. Бу фикр қандай қилиб миямга келиб қолди, асли кимдан эшитган эдим, ё чиндан ҳам урушда бўлдимми? Қанча ўйламай, бари бир эслолмадим. Фақат ҳализамон жулдур кийимли одамга қараб турганим, тўсатдан танам бўшашиб кетгани, кўзларим олди қоронғилашганини аранг хотирладим. Жулдур кийимли одам қотиб турар, эшак ҳанграр, ит эса акилларди. Ойим, опаларимнинг номларини айтиб чақирди, овоз бўлмагач ошхонага кириб челак кўтариб чиқди ва жулдур кийимли одамнинг юзига сув сепа бошлади. Ойим сув сепар, беморнинг юзига шапатилар, елкаларини силар:

— Ахрор ака! Туринг!— дерди.

Мен ҳамон қотиб турар, кўзғалишга кўрқар, назаримда осмон ерга қулаб тушган, жулдур кийимли одамни босиб қолганди. Ойимнинг шапатиллаши, силкиши ниҳоят жулдур кийимли одамни ҳушига келтирди. Ойим унинг қўлтигидан олиб, аранг турғазди. Жулдур кийимли одам куёшга узоқ ва жиддий термилди-да, бир хўрсиниб ойимга юзланди. У терлаб кетган, ранги ҳам мурданики каби оқариб, кўзлари киртайиб қолганди.

— Орифа,— деди у аранг тилини ўнглаб.— Отиб кетди! Нақ

пешонамдан отди. Қон оқяптими?

— Нималар деяпсиз!— сўради ойим ҳайратланиб.— Ҳеч қанақа қон йўқ.

— Душманлар мени отишди,— жавоб қилди жулдур кийимли одам,— мен тезроқ кетай, кулбамга етиб олай.

Ойим ҳеч нарса англамади шекилли, жулдур кийимли одамга қараб тураверди. Жулдур кийимли одам гандираклаб қўзғалди ва эшаги билан итини олдига солиб кўчага чиқди. Ойим оқасидан эргашди, эшаги, итининг бошини силади. Бу билан жулдур кийимли одамнинг кўнглини кўтарган бўлди. Жулдур кийимли одам итини эргаштириб, эшагини ҳайдаб, сой томон тушиб кетди. Ойим орқасидан узоқ қараб қолди ва ичкарига кирар экан, энги билан кўзларини артди. У: «Бечора Зуфар амакимнинг ёлғиз ўғли шу ҳолга тушиб қолди, қандай кучли одами. Уруш сабаб бўлди, пешонасига ўқ тегиб эсини оғдириб қўйди», дер, опаларимнинг рўйхуш бермаганидан койинарди. Мен ҳам ойимга термилиб, узоқ туриб қолдим. Кўзларим олдидан узлуксиз жулдур кийимли одам, унинг эшаги, ити, қичқиргани, йиқилган ҳолати ўтаверар, қулоқларим остида эса ёқимли овози ва даҳшатли қичқириви жаранглаб турар эди. Илк бор ундан қўрққан, изтироб ҳам чеккан эдим, кейин эса мен унга, унинг ҳолатига қаттиқ ачиндим, бу туйғу ўзим сезмаган ҳолда кўзларимни ёшлантирди. Урушдан яна бир бор нафратландим. Жулдур кийимли одам мени қаттиқ изтиробга солди, ўйлантдириб ҳам қўйди ва уни телбаларча яхши кўриб қолдим. У шу тариқа хотирамдан мустаҳкам ўрин олди ва узоқ вақт бошқа хотираларга ўрин бермади. Бу бўри, тортиқнинг ўғирланиши, Эркиннинг ўлими, Зиётвой поччамнинг кетишидан кейинги оғир изтироб чекишим, нафратланишим эди. Уруш тугагани, лекин унинг жароҳати тугамагани, ҳали-бери тугамаслигига яна бир бор иқроп бўлдим...

Шу кундан бошлаб тунлари уйқумда қичқирадиган, сапчиб туриб кетадиган бўлиб қолибман. Буни турганимда ойим, опаларим маъюс гапириб беришар, қанақа туш курганимни сўрашар эди. Бироқ мен узоқ вақт жавоб қилолмай келдим. Жавоб қилишнинг иложи ҳам йўқ эди... Чунки мен жулдур кийимли одам тимсолида ҳақиқий урушни кўргандим...

БАҲОР

Орзиқиб, энтикиб, чексиз-чегарасиз тоқатсизлик, тоқатсизлик асносида содир бўладиган тубсиз ҳаяжонлар билан кутган «баҳорим» яқинлашиб келарди. Мактабга қатнаётганим, қинғирқийшиқ бўлса-да, «ота-она», «Ўзбекистон» «ватан» сўзини ёзиш

ва ўқишни ўрганиб олганим, хонадонимизнинг бутлиги, муаллимимиз Мирали аканинг кўрсатган илтифотлари вужудимда кундан-кунга гуркираб, улғайиб келаётган ҳиссиётларимни керагидан ошиқ жўштириб, «муҳаббат» деб аталмиш туйғумнинг тўла камол топишига сабаб бўлди. Бу пайтга келиб, мен арзимас кўнгилсизликдан тез асабийлашадиган, худди шундай шодланган кезларим тез таъсирланадиган бўлиб қолгандим. Асабийлашган, таъсирланган кезларим кўзларим ёшланиб кетар, танам жимирлаша туриб, қизиб кетар ва ташналик, очиқишга ўхшаш оғир ҳоллар содир бўлар, бундай кезлар ўзимни иложи бориचा танҳоликка уришга интилар эдим. Назаримда, мен ойлаб, йиллаб эмас, лаҳза сари улғайиб борар, бу кўпроқ таъсирланган кезларим бошимни турли фикрлар эгаллаб олиши, фикрлар олдида ожиз бўлиб қолишимда кўринар эди. Катталар гўё мени камситаётгандай, мен билан ҳисоблашмаётгандай, эрмак қилишаётгандай, эрк ва имкониятларимни чегаралаб қўйишаётгандай туюлаверар, бу мени бошқалар, ҳатто ўз-ўзим олдида ҳам камситар, тезроқ улғайиб, камситганларга эътироз билдириш ва эрксизликка бошқа йўл қўймаслик, фикрларимни аниқ, тушунарли бўлишига эришишни истаб қолар эдим. Шу қиш мен мана шундай орзу ва истақлар оғушида ёниб-ўртаниб баҳор келишини янги ҳаяжонлар билан кута бошладим. Орзиқиб, ўртаниб кутган ҳаяжон ва титроқлар қўзғатган севимли «баҳорим» ҳам узоқлардан мени истиқболига чорлаб ниҳоят етиб келди. Баҳорим! Бу менинг баҳорим эди ва уни келмасдан туриб «ўзимники» қилиб олгандим. Бошқалар кутган-кутмагани, «ўзиники» қилиб олишига уринган-уринмагани билан мутлақо ишим йўқ эди. Ўзимга ўхшаш — ўзимни шундай тасаввур қилардим — сертакаллум, соддадил бу йилги «баҳор» меники эди, вассалом. Бироқ мен ўша кезлар бу баҳор инсон яларгандан, умуман дунёи олам яратилганидан буён нечанчиси, шунингдек кимлар «ўзиники» қилиб олишга уринган-уринмагани, уни кўришга мен каби, балки ортиқроқ ошиққанини ҳам билмасдим. Фақат бу галгиси меники эди ва уни кимдир «ўзиники» қилиб олишини истамасдим. Баҳор! Менинг баҳорим!

Бундан салгина олдин қиш ўзининг инжиқликлари билан кўнглимни эзган ва баҳорни кўришга бўлган иштиёқимни минг чандон орттирган эди. Одатда қиш чиқиб кетаётганда илиқлиги билан танани тез ва кескин жунжитадиган совуғи бўлади. Отабоболаримиз буни ўз тилларида «хут» деб атаганлар. «Хут» келгач, қишлоқда сомон-пичан тугайди, яъни мол-ҳол учун оғир дамлар бошланади, қуш ва ҳашаротлар — ўрмаловчи барча жон зоти учун ер титиб тириклик ўтказиш имкони туғилади-да, одамлар танчага

ичкарироқ кирадилар. Бу паллада кун ора лайлакқор ёғиб, қаттиқ изғирин қўзғалади, қисқа муддат ичида ерни қалин қор қоплаб, тез тинади ва осмон мусаффо бўлиб кетади. Тунлари эса изғирин яна ҳам кучаяди, эрталаб бўғот, тарновлар ва тандирлар ёнига тираб қўйиладиган — тандиримиз ёнида шундай косов тироғлиқ турарди — косовларда сарғиш сумалаклар пайдо бўлади. «Яхши келса ҳут, ёмон келса ют», деганларидай, яхши келса деҳқон далага жилиб қолади, ёмон келса мол-ҳолини омон сақлаб қолиш йўлини излашга тушади. Қолган жон зоти ризқ излаб қайтадан дайдий бошлайди.

Том орқаси ва деворлар, дарахтлар остига йиғилиб қолган, устини тупроқ қоплаган қорлар эриб, ҳаммаёқни сувга тўлдириб ташлайди.

Одамлар тош ва дўнг ерни излаб, оёқларининг учини босиб, ҳатлаб юрар эдилар. Бўғот ва тарновларда бир оёқларига тиралиб, иккинчисини патлари орасига яшириб чуқурлашадиган чумчуқлар, «гувв...»лашадиган мусичалар, бурчак ва ўчоқ оғзида бир оёқларида туриб, бир кўзларини юмиб, иккинчиси билан ташқи муҳит хавфини кузатаётган, қанотлари ҳўл товуқлар дон излаб ёмирлаб қолганди. Ҳовли ва девор тагидаги хасирваларни титиб, на совуқ, на қорларга парво қиладиган қарғалар ҳам сийраклашганди. Молларнинг аввалги мунгли «мўў...»лари энди жўшқин ва исёнли янграрди. Мана шу «қўзғалиш» ердан «ҳут»ни юксакларга кўтараётганди. Баъзан бирдан совуқ шамол эсиб қолар, танага тегиши билан жунжитса-да, салдан кейин майинлиги, илиқлиги дарҳол сезилар, хуш ёқар, қалбларда иссиқ кунларга оташин ишиёқ уйғотарди. Бундай кезлар юз кўпчийди, дағаллашади, қорамтир рангга киради, қўлларда ҳам шу тахлит ҳол юз беради-да, вужуднинг чуқур бир ерида илиқ бир лаззат кезиб юрганини ҳис қилдиради. Баҳор даракчиси «ҳут»нинг кучли шамоли қиш бўйи сатҳини қор қоплаш натижасида димиқиб қолган ер, ўт-ўланлар, хасирва, кавш қайтаришлар ва молларнинг гўнгларида ажраладиган ёқимсиз, қўланса, шунингдек, енгигача ёлишган хамирнинг ёқимли ҳидини димоққа уради. Бири кўнгилини гумуртирар, иккинчиси қитиқлар, баҳорга бўлган иштиёқни кучайтиргандан-кучайтирарди.

Мен ўша йили баҳорнинг бошланишини мана шундай турли ранглар, чизиқларда кўриб, ҳидларда ҳис қилдим. Шодликларим ўз соҳилидан тўлиб-тошиб кетди.

Эрталаб-кечкурун кучли шамол эсар, тарновларни, тандир устига ёпилган бир парча тунукани тақиллатар, девор сарҳарини ағдарар, дарахтларни синдиргудай турли томонга силкитар эди.

Баҳорнинг яқинлашаётгани кўпроқ дарахтларнинг пўстлоғи шилинган ва ораси намланиб қолган еридан кўтарилиб келаётган куртакларда кўринади.

Баҳор келиши билан Қизилсой суви тошар, қирғоқларига сапчиб ётар, болалар мол боқиш, кексалар эса кўнгил ёзиш учун соҳилга тушардилар.

Бу йилги баҳор бир нави оғир (оҳ, наҳотки, менинг баҳорим оғир келган бўлса) келганмиш. Чоллар: «Кўзда дарахтлар остки шохларидан баргларини тўкканди, қиш ўн беш кун орқага сурилиб кетди», дейишганини эшитгандим.

Қиш чиқди. Булутлар фасли бошланди. Осмонни икки кун сийрак ва оқиш булутлар қоплаб ётди-да, кечга яқин қуюқлашиб, қоп-қора рангга бўялди. Молларнинг «муу...»лари, товукларнинг «қийғ...»лари, дарахтларнинг силкинишлари, яна аллақандай тақир-туқур овозлар билан кучли безовталиқ, юракларини таҳликага ва қўрқувга соладиган нотинчлик бошланди. Салгина олдин эса деразамиз кўзидаги қоғоз намланиб, аста йиртилди, сўнг бир томонга осилиб қолди.

Ойим, опаларим танча четида қиш кунларидаги каби хомуш гурунглашиб ўтиришар эди. Мен дераза кўзидаги қоғоз йиртилиб, осилиб қолган кез, санчиб ўрнимдан турдим — турганда ҳам бутун қудратим, имкониятим, тўла ва кучли иштиёқ билан сапчиб, яъни одам зарур лаҳзани кутаётган ё кимдир тўсатдан чақириб қолган, ё оёғини чўққа босиб олган, ё уй ўйлаётган пайтдаги каби шашт ва шиддат билан турган эдим. Турганимдаги каби тезлик билан уйдан даҳлизга, ундан эса ташқарига югуриб чиқдим ва худди шундай ҳовлига тушдим. Югуриб бораётиб елкам, тизза, тирсақларимни эшик ёндориси, деворларга уриб олганим, уриб олган ерларим пичоқ қирққандай ачишиб оғригани, бошқа ерларимда ҳам шундай оғриқ қўзғалгани, олдингиси билан қоришиб кетганини ҳис қилиб турдим. Бу таъсирланиш ва ҳаяжонланишимни бир эмас, бир неча бор ошириб юборди. Ҳовли ва ҳовли ташқариси ҳам қорайиб қолган, девор ва тандиргина хира кўринар, яқинлашгач бир оз аниқлашарди.

Ёмғир ёғар, шивирлаб ёғар, шамол тўлқинланиб эсар, юзим, бутун борлигимга томчилар урилар эди. Бир оздан, ҳа, бир оздан кейингина ҳақиқий ажойиб-ғаройиб ўйин — табиат ўйини бошланди. Шамол кучайгандан-кучаяр, қоронғилиқ қуюқлашгандан-қуюқлашар, ёмғир томчилари йириклашгандан-йириклашар, безовталигим ошгандан-ошар, таъсирланишим, ҳаяжонланишим жўшгандан-жўшар, чайқалгандан-чайқалар, роҳатланар, азобланар, азоблар роҳат бағишлар, роҳатлар эса

азоблар, шулар асносида содир бўлган фикрлар миямни тўлатиб ташлаган эди. Шундай қилиб, мана, ниҳоят, мен кутган илк чақмоқ ҳам чақилди. Унинг чақилишини аввал юрагимда, сўнг вужудимда ҳис қилдим, кейин тушунчамда ифодаланди. Чақмоқ аввал тут шохига ўхшаш эгри шаклда, сўнг турли томонга худди шундай эгилган шохчалар шаклида таралди. Ранги ҳам қип-қизил товланиб, сўнг сарғиш рангга кирди, тепага бир, пастга эса икки қийшиқ чизиқлар тортилди-да, сўнди ва салдан кейин қайта чақилди. Бу гал йўғонроқ, лекин қийшиқ ва эгирилиги бир оз ошган, турли томонга сочилган илдизлар сони ҳам ортганди. Шу тариқа чақмоқ бир неча лаҳза титраб турди-да, аста-секин сўнди. Сўнгандан кейин ҳам назаримда чақмоқнинг ўрнини анча вақтгача кўриб турдим. Чақмоқ қолдирган хотира ҳам тасаввуримдан чиқиб кетгач эса бирдан гумбурлашлар бошланди. «Қарс-қурс» билан бошланиб, борлиқни ларзага солган момақалдироқ овози аста йўғонлашиб кўполлашди, гўё кўпол ва тунд одам қиёфасига кирди-қолди. Момақалдироқ гумбурлагандан-гумбурлар, сўнг тинар, қисқа муддатли жимликдан кейин эса чақмоқ яна чақилар, тиниши билан эса яна нотекис, кўпол гумбурлашлар бир-бирига уланиб кетар эди. Гумбурлаш, чақмоқлар, ҳали айтганимдай, аввал менинг юрагимда, қонларимда содир бўлар, сўнг эса кўкка кўчар эди. Мен олдинлари ҳам чақмоқни кўрган, момақалдироқ гумбурлашини эшитган, лекин диққат қилмаган эканман. Мана, энди эшита туриб ҳайратланар, таажжубга тушар, ҳавас қилар, азобланар, азоблар лаззат бағишлар, ҳаммаси жамланиб, вужудимда исён қилаётганди. Туйғуларим даҳшатли, айни вақтда сархуш қилувчи бир ташналик ва очиқиш билан туғён ураётганди. Осмон «ўйини»га ҳавас билан боқар, буни кимдандир, нимадандир рашк қилардим. Галдаги чақмоқ тўғри чизиқларда содир бўлди ва илдизи ҳам камайиб, нозик, нафислашди, ранги ҳам тиниқлашди. Момақалдироқ ҳам кўполлик ва тундлигини ўзгартириб, тиниқ ва ёқимли янграй бошлади. Энди, ёмғир шиддат билан ёғар, устимни шалаббо қилар, пешонамга «тақ-туқ» урилар, ўрнини бир неча сония совутиб, сўнг иситиб, қовоқларим, қошларим, кўзларим, юзимга оқиб тушар, танамни жунжитар, лекин мен бунга диққат қилмас, лабларимга оқиб тушган шўр, тахир томчиларни ялаб, тамшаниб кўяр эдим. Чақмоқ чақилган кез гўё узиб оладигандай беихтиёр қўлларимни чўзар, момақалдироқ янграши билан қўлларим шалвираб қолар эди. Чақмоқ ва момақалдироқ орасида юз берадиган даҳшатли ўйин менга қизиқ туюлар, айни чоқда, самовийлик бағишлар, худди шундай тушунчамга гўзаллик касб этар, ўзим билмаган ҳолда

худонинг борлигига, угина мана шундай ўйинлар қила олишига ишона бошлар, ишончимни мустаҳкамлашга, бундан буён ҳам мутлақо иккиланмасдан уни сева бошланга ўзимни ундар, шундай ўйинлар қила олганига қойил қолар, кейин ҳам унга қойил қолишга ўзимни кўниктирар, ишонтирар эдим. Ахир, ойим, опаларим, шундай ўйинларни худогина қила олади, қодирларнинг қодирлиги, айбисиз ҳам унинг ёлғиз ўзи, дея қулоқларимга қуйишган эди-да. Ўзимни худо борлигига, ҳозирги ўйинларни ҳам у қилаётганига ишонтирганимдан сўнг, унинг олдида бўлолмаганим, чақмоқ, момақалдиروқни бирга яратолмаганим, бу имкониятдан бенасиб қолганимдан афсусланар эдим. Қани энди, ўша ерга чиқсангу, ҳаммасини ўзинг бажарсанг. Чақмоқ, момақалдироқ шу тариқа менинг саноқсиз қичқириқ ва ихрашларимга сабаб бўлди, азоблардан қутулганимдан кейин эса бирдан сесканиб кетдим ва танимга совуқ ўтганини ҳис қилдим. Дабдурустдан панага ўтиш, ёзилишни истаб қолдим, лекин қаршимдаги ажойиб-ғаройиб ўйинни кўзим қиймай титраб туравердим. Қовоғим санчиб оғрир, оғриқ тобора кучаяр, ёзилгим келар, лекин кетолмас, ёмғир бўйним оша ичимга, ундан пастга оқиб тушиб ҳўл қилар эди. Ёзилишга бориб-бормаслигим, чақмоқ, момақалдироқни тарк этиш-этмаслигим орасида иккиланиб турганимда ичкаридан: «Анвар қани, анчадан бери йўқ, шу пайтда қаерда юрибди?» деган овоз эшитилди ва салдан кейин ёнимда Соифа опам пайдо бўлди-да:

— Анвар, ёмғирда нима қилипсан? — деди. Жавоб қилмадим. Елкамга бармоқлар ботди ва пастга босди. — Нега индамайсан, жинни-пинни бўлдингми? — Соифа опам белимни чангаллади. — Ҳўл бўлиб кетибсан, юр уйга.

— Керакмас, бормайман, — дедим ва елкамни эгиб Соифа опамнинг чангалидан қутулишга уриндим, — бормайман.

Мен ҳўнграр, Соифа опам эса кўтариб олган, қўл-оёқларимни тинчитишга уриниб, ичкарига олиб кирар эди.

— Нима, сени биров уришдими? — сўради ойим ичкарига кирганимиздан кейин. Ойимнинг гапини ҳам жавобсиз қолдирдим. Соифа опамнинг қўлидан аранг чиқдим-да, танчага оёқларимни тикдим ва бошимни кўрпа остига яширдим. У ён-бу ён ағдарилар, ҳиқирлар, дуч келган оёқни босир эдим.

Отам мактабдан қайтиб, кўрпани кўтарди ва юзимга термилиб туриб:

— Ким уришди? — деди. Юзимни ўгириб олдим.

— Ҳеч ким уришмади, — тушунтирди Соифа опам отамга, — ёмғирда турган экан, кўтариб кирдим.

Шу билан мен унутилдим. Унутулишим хўрлигимни яна ҳам ошириб юборди. Ҳамон ҳиқирлар, гоҳ-гоҳ отамнинг «қизиқ», деган гапларини эшитиб қолардим.

Мен баҳор билан шу тахлит учрашдим, шу тахлит кўрпа остида, ҳиқирлашар билан видолашдим. Тун бўйи йиғлаб чиқдим. Эрталаб уйғонганимда кўзларим қизариб, қовоқларим шишиб кетганини Мазифа опам маъюсланиб гапирди. Ҳовлига тушдим. Осмон чарақлаб кетган, борлиқни болалар ҳайқириги, қушлар чуғури, моллар овози тўлдириб юборганди. Кечга яқин туш кўрганим, тушимга ҳам чақмоқ, момақалдироқ кирганини эсладим.

Ҳақиқий баҳор бошланди. Менинг баҳорим!

— Салом, баҳор! — деб юбордим бир пайт. — Етиб келдингми? Мана- мен!

«Салом, Анвар! — дерди назаримда баҳор. — Мана- мен! Сенинг баҳорингман!..» Менинг баҳорим булутлар билан бошланди. Булутлар фасли..

* * *

Баҳор келди. Менинг баҳорим! Навбаҳор ортда қолди. Менинг навбаҳорим! Баҳор келиши билан навбаҳорни кузатиб қолдим. Баҳор, баҳоримнинг илк кунлари бошланаётганди. Навбаҳор, навбаҳоримда мен юрагимнинг бир бўлаги — укам Эркиндан ажралдим. Оғир, жуда оғир алам чекдим, қалбим узоқ, жуда узоқ даврли қайғуга чўмди. Изтиробларим ичида Эркин туфайли чеккан изтиробим энг оғири бўлди. Навбаҳор, навбаҳорим мени тенгсиз шодликка кўмиб ташлади, бахтиёр этди. Бу, навбаҳор фаслининг энг ардоқли шодлиги, бахтиёрлиги эди. Урушда менинг халқим ютиб чиққанди. Инсониятни тутиши мумкин бўлган қуллиқ-қарамликдан асраб қолди. Менинг келгуси бахтим ҳам шу ғалабага боғлиқ эди. Ғалаба! Ғалабага эришилганди.

Оҳ, мана навбаҳор, навбаҳоримни кузатиш палласи ҳам етиб келди. Келди! Мен унинг изтироблари, қайғу-ташвишлари, шодлик, бахтли дамларини хотирлаб туриб: «Хайр, навбаҳорим! Мен, сенинг чектирган изтиробларинг, эриштирган бахтинг билан севдим ва севганча қоламан!» — дейману, худди шундай изтироблари, қайғу-ташвишлари, шодлиги, бахтли дамлари билан мени истиқболига чорлаётган баҳор, «баҳорим»ни қаршилай туриб: «Хуш келибсан, баҳорим!» қабилида хитоб қиламан.

Салом, баҳор!

БАҲОР

Иккинчи қисм

ВИДОЛАШУВ

«Навбаҳорим» унутилмас, ўчмас хотирага айланди. Энди у пойга ва улоқларда чавандозга шон-шуҳрат келтирган, ишқибозларини эса ошиқу беқарор этиб, оқибатда сафдан чиққан тулпор янглиг узоқлардан мени кузатар, ўзи билан фақат умринигина олиб қолаётганди. Унга қанчалик ичикмай, қайтаришга қанчалик уринмай, барибир орадаги масофани қисқартиролмас эдим. У нурли бир ўтмиш, лаззатли бир тасаввур бўлиб, тушунча, туйғуларимга тобора сингиб борар, хотирамга изли сўқмоқлар соларди. Хотира... Қайтмас, унутилмас, яъни инсон умрининг бой берилган, абадий қўмсатадиган, лекин қайта юз кўришиш насиб этмайдиган илк фаслнинг хотираси... Чиндан ҳам «Навбаҳор» хотирадаги хотирага айланиб, янги фасл — «Баҳор»га жой бўшатаётганди. Янги фаслнинг ҳам ўз изтироблари, қайғу-ҳасратлари, бахтиёр дамлари бўлади. Шу хислатлари билан ҳам ўзича гўзал...

«Навбаҳорим» мени чексиз-чегарасиз ғам-ташвишларга фарқ қилди. Шодлик, бахтиёр дамларни ҳам оз бўлса-да, инъом этди. Кулқилари-чи? Чексиз... Кўз ёшлари-чи? Ҳар ҳолда етарли тўкилди. Бундан бу ёғи эса хайрли келар... Эндигина бўйга етиб, гул-гул очилган, барча кўзлар, қалблар, нигоҳларни ўзига қарам, ром этган нозанинлар каби товланувчи мана шу фаслнинг шарафли, шодлик лаҳзалари билан яшайман, уруш ва уруш очган жароҳатлар, даҳшатларни унутаман, деб ўйлагандим, ҳатто бунга ўзимни ишонтирган ҳам эдим. Ҳали тубанлик, олчоқлик, сотқинлик, носамимий, ноинсоний иллатларга кўникмаган қалбим шодлик, фақат шодлик туйғусига тўлади, деган умид мени энтиктирар, ҳаяжонга соларди.

Ҳар бир фасл «ўзлиги» билан келаркан. Инсон ҳар он ўз ихтиёрисиз мана шу кечмишларга тайёр туриши, ўз ихтиёрисиз уни қарши олишга мажбур экан. Ихтиёрсизлик! Тугилиш, ёстиққа бош қўйиш, ёстиқдан бош кўтариш, қорин кўйида куйиб-пишишлар, ниҳоят ўлим... ҳамма-ҳаммаси — ихтиёрсизлик... Мен, буни энди идрок этиб, фарқ қила бошладим.

Қип-қизил қуёшли кун эди. Бургутлари, булутлари, шовқин-суронлари, гуллари, сувлари билан баҳор ҳам етиб келганди. Менинг баҳорим! Менинг севимли фаслим! Уйғониш фасли...

Ўша кунларнинг бирида намгарчиликдан тоб ташлаб қийшайган, гичирлаши билан ғашимни келтирадиган кўча эшигимиз тақиллади. Эшикнинг қоқилиши мени доим қувонтирарди. Чунки хонадонимизга қадам ранжида қилган меҳмонни қарши олиш бахти менга насиб этарди. Бу гал... нохуш хабар... майли бу ҳақда кейинроқ...

Икки томонида сафсар гуллар қийғос очилган йўлак бўйлаб ўқ тезлигида югуриб ўтдим. Гичирлашидан ғашим келиб эшикни очдим. Қаршимда паст бўйли, кулаётганини ҳам, йиғлаётганини ҳам ажратиш маҳол бўлган Носир исмли киши турар, нимадир дейишга оғиз жуфтлар, лекин гапиролмасди. У бўйинини чўзиб елкам оша ичкарига назар ташлаб олиб гўлдиради:

— Ойинг уйдами?

— Уйда, чақирайми? — дедим-да, тезлик билан орқамга қайтдим. Ўчоққа ўнг оёғи учини босиб қозон қирмочини капгир билан қираётган ойимга яқинлашдим.

— Нима гап, нимага ҳовлиқасан? — дея капгир қиридаги қирмочни бармоқлари билан сидириб менга юзланди.

— Сизни Носир ака сўраяпти? — деб қисқа-қисқа йўталдим ва шошилинч ўрнидан кўзгалган ойимнинг ортидан эргашидим.

— Келинг, Носир, — ойим меҳмоннинг бесаранжом кўзларига термулди-ю, бирдан ранги оқариб кетди. Меҳмон қимтинар, елкасини учирар, бироқ лабларини жуфтлолмасди.

— Даладан қайтаётувдим, — тушунтиришга киришди меҳмон. — Қизилсой бўйида Ахрор акани кўриб...

— Тинчликми? Тезроқ гапиринг, — ойим сарасимада атрофга аланглади ва ёмон туш кўрган, ё бирор бахтсизликни олдиндан сезган кезлардаги каби қиёфага кирди. — Тинчликми? Амаким боёқиш, анчадан бери уйига келмай қўювди.

— Ити билан эшаги ҳам ёнида турибди... Ёнига яқинлаштиради.

— Тирикми? — ойимнинг овози титраб, пешонаси тиришди, кейин қошлари ораси йиғилиб, қовоқлари уча бошлади.

— Тезроқ борсангиз ёмон бўлмасди, — Носир аканинг боши эгилиб, киприклари ялтиради. — Мен уйдагиларга хабар қилай...

— Уйдагиларга хабар қилай? — такрорлади ойим бу гал таҳликага тушиб. — Бечора қизига қийин бўлди-да...

Носир ака кескин орқасига ўгирилди ва сал ўтмай кўздан йўқолди.

Ойим эса қисқа муддатли эсанкирашдан сўнг бирдан сесканди-ю, ўзини эшикка урди. Гандираклаб ўчоқ бошига етиб келди.

— Ҳой, Маърифа, Соифа! Қаердасанлар, чиқа қолларинг. Ахрор тоғанг... — Ойим бошқа гапира олмади, бир оз лабини тишлаб турди. Кейин ўзини тутолмай йиғлаб юборди.

Опаларим бирин-кетин даҳлизга чиқишди, ундан ҳовлига тушишди.

— Тинчликми? Нимага йиғлаяпсиз? — деди Маърифа опам ойимнинг елкаларидан кучиб.

— Яна нимага йиғлаяпсиз? — деди Соифа опам кўрсроқ бир оҳангда. — Худо сизни фақат йиғлаш учун яратган-да. Ўзингиз учун ҳам, бошқалар учун ҳам йиғлаб берасиз. Ё тавба! Бунчалик кўнгилчан бўлмасангиз...

— Маҳмадона бўлма, — деди ойим ўпкалаб. — Ахрор тоғангдан... ажраб қолибмиз...

Ойим бирор нарсасини йўқотган одам аҳволига тушиб узоқ эсанкираб турди, кейин шашт билан орқасига ўтирилди.

— Ойи, қаяққа?

— Сандиқни оч, — дея у Маърифа опамга юзланди. — Эҳтиёти шартдан оқликларни олиб қўй.

Ойим бир юриб, бир югуриб кўчага чиқди-да, Қизилсой томон йўл олди. Мен унга эргашдим. Юриб борар эканман, назаримда вужудим қаттиқ босим билан шиширилган мешга ўхшаш қабарар, ич-ичимдан кучли бир қуюн кўтарилиб, теримни ёриб юборишга шайланар, ана шунда бўш қоп ҳолига тушиб қолишимни ҳис этиб турардим. Қуюн-ҳаяжон ниҳоят даҳшатли бир тезлик билан миямга кўчиб, ичимда исён қила бошлаганида оёғим ерга тегиб-тегмай югуриб борардим. Исёнлар, қуюнлар, ҳаяжонлар қўшилиб мени телба қилаёзди. Қачонлардир ҳаддан зиёд кўрққан, кўз ўнгимда даҳшатга айланган, шунингдек, қисматига ачинтириб, қайғуртирган, қалбимни ҳасрат туйғусига тўлдирган, сўнг руҳимни эзгулик нури билан ёритган, ўзи ҳақида узоқ ўйга толдирган ўша жулдур кийимли одамни кўзларим олдига келтириб, мана шундай аҳволга тушаётгандим.

Ойим бир маромда айланувчи, яъни тушунчасиз, туйғусиз темир вужуд каби бир юриб-бир югуриб Қизилсой томон яқинлашар, атроф-муҳитга мутлақо эътибор бермасди. «Худо кўрсатмасин, тош-пошга қоқилса, мен учун оғир бахтсизлик юз беради», деган хаёл юрагимни эзар, эзгиларди. Ҳорғин осмон, толиққан ер гўё сукут сақлаб ойимни кузатарди. Макони- осмонни тарк этиб, тубсиз уфқ томон чўкиб кетаётган қип-қизил қуёш кўзларимга аранг чалинар, илгаригидай мароқли кўринмас, гўё

қадрини йўқотгандай, кераксиздай туюларди. Ойим ҳансираб бориб, кавушини ечмай сувга кечгани, сачраган сувлар кўйлаги этагини ҳўл қилгани хотирамга ўрнашар, шом палласидаги сукунатгина юрагимни ваҳимага солаётганини ҳис қилардим. Ниҳоят бошимни кўтариб, атрофга аланглаганимда кўзларимга учта нуқта кўринди. Чекилаётган изтироблар анча вақтгача нуқталарни фарқ қилишга ҳалал берди. Бир пайт икки нуқта — ит билан эшак экани маълум бўлди. «Жулдур кийимли одам қаерда қолди экан?» — деган фикр миямга урилди-ю, ойимнинг ёнига яқинлашдим. Учинчи нуқта — жулдур кийимли одам ит билан эшак орасида чўзилиб ётарди. Ойим олдинга силжишга уринди, лекин ит билан эшак яқинлашишга қўймади. Ит ириллаб, эшак пишқириб олдинга силжишар, бири тишлашга, иккинчиси қопишга шайланарди. Улар кўпроқ ойим томон яқинлашишдан кўра яқинлашмаслик, яъни эгасидан ажрамасликка ҳаракат қиларди. Мен уларни илк бор кўрганимдан — эгаси уйимизга бошлаб кирганидан деярли кўп вақт ўтмаган, шу сабабли ёдимда яхши сақланиб қолганди. Мана, уларни қайтадан кўриб турибман. Бу орада итнинг териси устихонига ёпишган, кўзлари киртайиб, юнги тўкилиб, қиёфаси кўнгилни айнитадиган даражада хунук бир манзара касб этганди. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган эшак ҳам аранг оёқларида турар, қулоқлари шалпайиб, кўзларининг оқи саргайиб, косалари туртиб чиққан, устидаги яғир, увада тўқими ва алмисоқдан қолган нўхтаси уни баттар хунук қилиб кўрсатарди. Жулдур кийимли одам (Оҳ, у ҳақида гапириш қанчалар оғир!) титилиб кетган кўрпача устида, гўё оғир толиқишдан сўнг уйқуга кетгандек беозор ётар, ёнидаги тумшуги тушган кавуши гўё унга ҳамдардлик кўрсатарди. Азбаройи озганидан қулоқлари катталашиб, пешонаси, юз суяклари, ияги ҳам дўмпайиб, бурни чўзилганди. Ажинлари ёзилиб, қонсиз чеҳраси, қорамтир-сарғиш рангга кирган юзидаги ҳаёт гуллари эндиликда мутлақо сўнганди. У ёш болалардай тинч ва осойишта ухлар, ярим очиқ кўзларида ҳам болаларга хос самимийлик ифодаси акс этиб турарди. Марҳум бўлгандан кейин ҳам юз ифодасидаги соддадиллиги сақланиб қолган, фақат тириклик нурининг сўлишигина мана шу соддадилликка соя ташлаганди. «У тириклик ташвишларидан мутлақо халос этилиб, абадий тинчлик, осойишталик уйқусига кетди, холос! Дунёи оламнинг тожсарвари бўлмиш олиҳиммат инсонни уруш шу ҳолга солди-я! — Қалбимнинг тўрида кимдир шу тахлит фарёд чекарди, — нурлар, мусиқалар, оҳанглар бунёд этмиш манзаралар, яъни гўзаллик манбаи бўлмиш — инсон вақт этиб мана шу кўйи сукутга толишини тасаввур қилини, тан олиш

қанчалар оғир-а! Бунинг учун на кулиш, на йиғлаш мумкин. Фарёд, фақат фарёд чекиш, ҳасрат, дард билан ўз-ўзини овутиш мумкин, холос. Оҳ, қандай қайғули ҳол-а! Қачонлардир, қайси бир она тунларини унга бағишлаган, юзини шамоллардан яширган, оппоқ-оппоқ, лаззатли-лаззатли сутини инъом этган, қойилмақом таомларни ўзи емай унга тутган — ўша мўътабар фарзанд, яъни ана у жулдур кийимли одам эндиликда қайғули бир аҳволга тушса-я!» — қалбимдаги фарёдлар кўтарилгандан кўтарилар, на юриш, на кўзғалиш, на гапиришга имкон берарди. Кўз ёшларим киприкларимга, ундан қовоқларим, қовоқларимдан эса юзим, сўнг лабларимга думаларди. Кўз ёши илк бор аччиқ, тахир туюла бошлаганди.

— Кетларинг, жонимдан тўйдирдиларинг, — деган овоз мени чўчитиб юборди-ю, ҳушимни йиғиб олдим. Ойим бечора бир қиёфада қаршисидаги ит билан эшакдан мурда ёнига бориш учун изн сўраб, гўё яратганга ялингандай ялинар, ёлворарди.

— Ойи...

— Анваржон, — гулдиради ниҳоят ойим менга юзланиб. — Оғзи очилиб, оёқлари чалишиб қолади. Энгагини танғиб, оёқларини боғлаш керак. Худо кўрсатмасин, оёқлари чалишса... бошқаларни ҳам тортади.

Ойим олдинга интилди, бироқ ит билан эшак бу гал ҳам мурдага яқинлаштирмади. Ит тишсиз милқини кўрсатиб иррилар, гоҳ кўмак излаб эшакка қарар, сўнг кўрпача устидаги кўп йиллик ҳамроҳи — эндиликда бандалиқни бажо келтирган одам — уруш қурбонига юзланар, кўзларидан ёш тўкиларди. Эшак эса итга қараб қисқа-қисқа ҳанграр, бу билан унга содиқлигини изҳор этар, сўнг ойимга юзланар, қулоқларини чимираб, шу тахлит бошқа одамларга бўлган нафратини ифода этар, гўё ҳали-бери мурда ёнига яқинлаштирмаслиги, ҳатто ойим буни хаёлига ҳам келтирмаслигини англатарди. Уларнинг хатти-ҳаракатларидан шу кез биргина ифода — иккаласи ҳам ҳар қачон эгасига содиқ бўлгани, марҳумликдан кейин ҳам содиқ қолишлари, уни ҳеч қачон, ҳеч кимга бермасликларини тушуниш мумкин эди. Ойим эса тобора асабийлашарди.

— Ойи...

— Йўловчи ҳам кўринмайди, — деди ойим юракни эзиб юборгудай мунгли оҳангда. — Боёқиш амакигинам, онасининг кўкрагини бунчалик қаттиқ тишлаган экан.

Жавоб қилолмадим. Қилолмасдим ҳам. Илинж излаб атрофга аланглар, кимнидир келиб қолишини истар, юрагимда фақат шу туйғугина хуруж қиларди.

— Отамни айтиб келайми? - дегандим, ойим «жим»маъносида қўл силкитди. Чиндан ҳам яқин орада от туёқлари овози эшитилди-ю, тобора яқинлашаверди.

— Ана келяпти...

Дала қоровули, баҳайбат гавдали Йўлдош акани кўриб ойимнинг чеҳраси ёришди.

— Нима гап? - Йўлдош ака гарангсиб қолди. — Нимага бу ерда...

— Бечора амаким... — ойим пастки лабини тишлади, — пешонаси шўр экан. Куздан бери тоби келишмай юрарди. Мана бу оч — арвоқлар ёнига қўймапти:

— Ит очиқса, одамни ҳам ейди, — деди Йўлдош ака, — қийинчилик йиллари гўрларни очганини эшитганман.

— Ўғлим Эркиннинг гўрини ҳам очишган, — шивирлади ойим маъюс.— Йўлдош, ана уларни тезроқ ҳайданг. Энгагини танғиб, оёқларини боғлайлик.

Йўлдош аканинг кўзларида газаб туйғуси акс этди, жиловини эгар қошига илиб, этиги қўнжидан қамчинни суғурди-да, қўпдан бери душманидан ўч олишга шайланган рақибдай, шиддат билан ит томон юрди. Ит ириллади, лекин орқага тисарилишга улгурмади, кўзлари аралаш пешонасига устма-уст зарба тушди. Зарбалар уни ерга йиқитди. Ит гужанак бўлиб турли томонга ағанар, акиллар, бурни, пешонасидан қип-қизил қон оқиб, кўзларига тўкилар эди. Итнинг аҳволини кузата туриб гўё юрагим тўхтаб, танам музлаётгандай туюлди.

— Бўлди, урманг, урманг! Айтинг урмасин? - дея кутилмаганда чинқириб ойимга юзландим. У, ўзи билан ўзи овора, менга диққат қиладиган аҳволда эмасди. Йўлдош ака эса итни коптокни тепгандай тепарди. Ҳамроҳи — итнинг қисмати, боз устига эгасидан ажралиб қолиш хавфи эшакни ҳам ваҳимага солди чоғи, тишлаш мақсадида Йўлдош акага ташланганди, зарб билан пешонасига тушган қамчи соли уни ҳам гангитиб қўйди. У кўзларини юмиб бошини турли томонга эгди, барибир калтақдан қутулмади, гандираклаб бориб йиқилди.

— Ойи, айтинг урмасин! — фарёд билан ойимнинг кўйлаги этагига чанг солдим, хўнграб юбордим. Ойимдан садо чиқавермагач, оғзимни ушладим, кафтим эса беихтиёр юзимни яширди. Кўзларимни очганимда ойим мурданинг энгагини танғир, Йўлдош ака оёқларини боғлаётганди.

— Қараб туринглар, арава юбораман, — деди бир пайт Йўлдош ака ва асабий отига минди-да, жиловини қишлоқ томон бурди.

— Тезроқ келишсин, — ойим ҳолсиз мурда ёнига чўқди. Узоқ

Ўтирди. Энди у кафтлари билан пешонасини сиқар, гоҳ-гоҳ бурнини тортиб қўяр, лабидаги кўз ёшларини тили билан артар, ҳеч нарсага эътибор бермасди. Мен қалтираётган тиззаларимни гижимлаб тўлганар, миямда эса турли-туман, аниқ-ноаниқ, кўнгилли-кўнгилсиз, даҳшатли ва қайғули фикрлар чарх уриб айланар, лекин уларни ислоҳ, тафтиш қилишга мажолим етмас, изтироб чекиш, ихраш билан чекланаётгандим. Тушунчам карахт, туйғуларим эса тиришиб, увишиб қолганди. Бундай ҳолни илк бор туйишим эди. Кўз олдимда кечаётган воқеа, таассуротлар, яъни одамнинг туғилиши, туғилгандан кейинги шодлиги, шарафли онлари, ниҳоят улғайиши, уруш жароҳати, умуман тириклик борасидаги инсоннинг дард-аламлари, қайғу-ҳасратлари, ўлим тушунчаси, унинг жулдур кийимли одам қиёфасидаги даҳшатли манзараси, шу манзара туфайли содир бўладиган юрак жароҳати ҳақидаги табиий ҳиссиётлар мени қийнагандан қайнар, бироқ туб маъносига тушуниб, англаб етмаётгандим. Ёшим улғайгандан сўнг, мана энди, ўша кунги манзарага жиддий назар ташлаяпман. Ҳар ҳолда инсонга нисбатан тилсиз жониворларга осон. Улар ўлишларини олдиндан билишмайди, сезмайдилар (билсалар-да, сезсалар-да, биз бундан беҳабармиз), уларда ўлим учун қайғуриш туйғуси йўқ. Мурдалари устида дод-вой солиб йиғламайдилар. Уларга осон, инсонга эса қийин. Жуда қийин! Чунки, у бир-бири учун қайғуради, йиғлайди. Ҳайвонлар бир-бирларига қайғурмаслиги, инсонлар эса бир-бирларига қайғуриши билан гўзал.

Орадан ярим соатлар чамаси вақт ўтгач, аравада оймнинг амакиваччалари етиб келишди. Сўзсиз фарёдлар, пинҳоний изтироблар билан ерга тушишиб, марҳумга жигарлик меҳр-муҳаббатларини изҳор этишгандан кейин эса оймнинг кўрсатмаси билан мурдани аравага ортишди.

Йўлга тушдик. Кутилмаганда, ҳа, кутилмаганда ҳали-замон қамчин зарбидан жонларини жабборга урган, шундан бери ёнимизга яқинлашолмай турган ит билан эшак кўз ёшлари билан бизга эргашишди. От ҳуркиб тўхтади. Олдинги оёқларини кўтариб кишнади-да, орқага тисарилди. Оҳ, қандай даҳшат! Ҳар қандай совуқ юракни эзиб борадиган ҳол! Мен биринчи бор ит билан эшак йиғисини кўришим эди. Улар шу кез ўзларини аравага уришга, ёриб ташлашга, йўқса одамлар оёқлари, арава гилдираклари остида эзилиш, ерга сингиб кетиш, оқибат азоблардан қутулишга тайёр туришар, четлаш, орқаларига қайтишни хаёлларига келтирмасди. Чамаси, улар мурда билан қурбон, қўшмозор бўлишни истардилар. Мен қандай бўлмасин

уларга илтифот кўрсатиш, арава гилдираклари, одамлар оёқлари остидан қутқариб олиш, бахтсизликдан халос этиш ниятида эдим. Афсуски уринишларим бекор кетди! Ниятимга етолмадим... Аравадагилар ерга тушишди, ит билан эшак устига турли томондан тошлар, калтаклар ёға бошлади. Бу ҳам камлик қилгандай жониворларни тепиб ўлар ҳолда ташлаб кетишди...

— Ойии!.. Ойижонн! — қўлларим ойимнинг қўлларини сиқди, чинқириб юбордим. Қонлар тирқираб чиққунча лабларимни тишладим. Лекин менга на ойим, на анави одамлар эътибор беришди. Содиқлик, эзгуликни топташган, поймол қилинган одамлар қандай қилиб ҳам менга эътибор беришсин! Улар ҳеч қачон, ҳеч кимга, ҳатто ўзларига ҳам эътибор беришмаган, беришмайди ҳам. Умуман улар ўйламайдилар. Бу қобилиятдан маҳрум ҳолда туғилган бўлсалар ҳам эҳтимол...

Ит акиллаб, эшак маҳзун ҳанграб мурдадан ноилож ажралди. Бу билан улар энди танҳоланиб қолганликлари, уларга ачинадиган одам энди топилмаслигини ифода қилишди...

Ниҳоят арава юқори маҳалладаги кичик масжид қаршисига келиб тўхтади. Масжид ёнидаги торгина ҳовлидан бир тўда эркак-аёллар чиқди ва йиғи-сиғи билан арава атрофини ўраб олди. Олам, осмон, бутун қишлоқни фарёдлар тўлдирди.

Мен бир четда шумшайиб тургандим, ёнимга ўн ёшлар чамасидаги узун бўйли, пешонаси, ияклари кенг, турқи таровати билан жулдур кийимли одамни эслатадиган қизча яқинлашди ва қўлларимни ушлади-ю, ҳўнграб юборди.

— Энди нима қиламан? Отам ўлиб қолибди. Акам, укам, опам, синглим йўқ-ку! Энди нима қиламан! — Қизча сочларини юлар, юзини тирнар, қичқириб йиғларди.

— Йиғлама-йиғлама! — Қизчани юпатишга уриндим. Лекин бошим эгилди, лабимни тишладим. Кўзларимдан беихтиёр ёш думалаб тушаверди. — Мен борман... Мени... ака қилиб ола қол... Фақат йиғлама...

— Оҳ, отажон! — Қизча мени орқага итариб ташлаб ёнига ўгирилди-да, ўзини ойимнинг қучоғига отди. — Аммажон! Нима қиламан?! Отам ўлиб қолибди! Нима қиламан?

— Ўлмаган, ўлмайди, — шивирлади ойим қизчани бағрига босиб ва қовоқлари ораси жиққа ёшга тўлди. — Амманг айлансин, амманг ўргилсин! Йиғлама! Одам баъзан кўп ухлайди. Отанг чарчаб, ухлаб қолибди. Ҳадемай уйғонади. Уйғонади...

— Отажон! Аммажон!

Мурдани уйга олиб кириб кетишди. Қизча чинқириб ўзини одамлар орасига урганди, ойим кўтариб:

— Сен ташқарида тур, биз отангни уйғотиб чиқамиз, — дея юпатди ва уйга кирди. Мен қизча ва бошқа болалар билан бошқа уйда эрталабгача ўтириб тонг оттирдим. Қизча йиғлар, отаси уйғонишини кутар, гоҳ мудрар, сўнг бирдан чинқириб юборар, отасини чақирар эди. Катталар эса қаршидаги уйда эрталабгача «мурдани уйғотиш билан» банд бўлдилар. Уйда мурдани эрталабгача уйғотишолмаган эканлар, кун ёйилганда тобутга солишиб қабристонга олиб кетишди. Уйда уйғонмаган мурда қабристонда уйғонармиш... Шиддат билан тобутни кўтариб кетаётган одамлар ортидан қараб қолаётган қизча қўлларимни тортқилар:

— Отамни ҳозир уйғотиб келишади, — дер, кўзларидан эса бамисоли ёмғирдай ёш тўкиларди.

САДОҚАТ

Жулдур кийимли одамнинг хазон мавсумидан кейин ойим ҳисобсиз кўз ёшлар тўкди. Сўлди, сўлиб қолди. Ранги бевақт узилган япроқлар рангига кирди. Сочларининг оқи қуюқлашди. Табиийки, бу сўлғинлик, ҳазинлик жулдур кийимли одамга бориб тутатшадиган қондошлик изтироблари туфайли юз бераётганди. Ойимга термилар, ич-ичимдан зил кетар, кўзларимиз тўқнаш келганда юзимни четга бурар, шу тариқа юрагимни эзилишдан қутқарардим. «Ойигинам-эй! Бунча дардчил, бунча ғамчил, бунча таъсирчан бўлмаса. Ўзгаларга бунчалик қайғурмаса... Ахир, ўзига ҳам ачиниши, ўзини ҳам асраб-авайлаши, тергаши керак. Юрак! Юраккинаси, жонгинаси ўзига ҳам зарур-ку!

Ахир кўз ёшларнинг ҳам ҳисоби бор-ку! Кўз ёшлар қондан ажралади-ку! Йиғлаверса оғриб қолишлари ҳам ҳеч гап эмас. Кўз ёшларини тўкаверса қонлари камайиб кетади-ку! Бошқалар ҳам ойимга ўхшаб бошқаларни аясалар, уларга ачинсалар, қайғурсалар, ҳимоя қилсалар одам аллақачонлар кўз ёшлардан фориг бўларди! Ўлиш, ўлдириш, босиш, босилишларга ҳам чек кўйиларди!» Туйғуларим тушунчамга шу тахлит ишора қилиб тинчлик бермас, ойимнинг дардини енгиллаштириш ҳақида ўйлардим. У, мана шу тенгсиз олижаноблиги, инсонийлиги билан менинг соф ва мусаффо болалик қалбимда ўзининг кўз илғамас юксак, йиқитиб бўлмас мустаҳкам ҳайкалини бунёд этарди.

Жулдур кийимли одам — уруш қурбони, яъни поклик, одамийлик, ҳақиқатпарастликда беқиёс, лекин аллақачонлар одамлар назаридан четлашган мушфиқ инсонни тупроқ остига кўйиб қайтдилар.

Ҳадемай, ҳа, ҳадемай уни бағрига олган, яъни жулдур кийимли одам қоришган тупроқдан ўт-ўланлар униб чиқади. Ўт-ўланлар

неча-неча валлакатлар каби ана шу жулдур кийимли одамни ҳам ундиради. Кейин эса у бошқа «ўт-ўлан» деб номланади.

Марҳумнинг кўмиш маросими, кўмишдан кейинги иззат-икромни ҳам жойига қўйилди. Бу борада ҳам кўпроқ оғирлик ойимнинг зиммасига тушди. У ҳамон ўзига келолмай, хаёллар тутқунлигидан қутулолмас, егани ичига тушмас, тушса-да, ҳазм бўлмас, унинг учун азоблар фасли бошланганди...

Бир куни ойим кеч билан тут новдасидан етти дона олиб, учига пахта ўради, сўнг ёгга ботирди-да:

— Юр, раҳматлик Ахрор тоғаннинг қабрига чироқ ёқиб келамиз, — дея мурожаат қилди гўё мендан бўлак меҳрибон кишиси йўқдай, ёлворувчи бир оҳанда. Юрагим сиқилиб, дилим вайрон бўлиб турганди, ойимнинг «юр» дейиши паришонлигимни тарқатди.

Ойимнинг ортидан эргашдим.

Юқори маҳалладаги қабристонга кира бошлаганимизда оқшом куйилаётганди. Ойим бошини қуйи солганча қабрлар оралаб илгарилар, ўқтин-ўқтин атрофга аланглаб кўярди. Ҳар томони бир чақиримдан келадиган қабристон яшилга бурканган, баъзи чўккан қабрларгина юрагимда кўрқув туйғусини кўзғатарди. Қабристонда кўрқинчли бир сукунат, ваҳимали бир жимлик ҳўкм сулар, кишини беихтиёр хаёлга чўмдиради. Мен иложи борича қабрларни ёнлаб ўтишга, марҳумлар руҳини безовта қилмасликка уринар, оёқларим учини босиб, ойимнинг ортида борар, миямни эса ноаниқ, мавҳум ўйлар тўлдириб ташлаганди. Тасаввурларим доираси кенгайгандан кенгаяр, сукунат ва жимлик қалбимни эзар, эзгиларди. Қаршимдаги қабрлардан гўё сон-саноксиз одамлар бош кўтариб, кўз ёшлари билан менга термилар, назаримда: «Биз ҳам сенга ўхшаган бола бўлгандик, оқибат шу ҳолга тушдик, сенинг ҳам қисматинг шу, қадамингни эҳтиётлаб бос!» деяётгандай туюлаверади. Мана шундай тасаввур, хотиралар қуршовида илк бор ўлим ва ўлишдан ҳаддан зиёд кўрқаётганимни ҳас этдим, керагидан ортиқ нафратландим. «Одам ўлар экан, нимага туғилади?» Шу табиий тушунча ҳиссиётларимни қийнагандан қийнар, фикрларим чалкашиб кетаётганди. Кўзларим олдида энди бошқа манзара — тирик одамлар жонланарди. Энди уларнинг қисмати ҳақида бош қотирардим. Бир томонимда сукутлар олами ётар, иккинчи томонимда эса тириклар — ҳарақатлар, кучлар, қудратлар, яратилар дунёси қад кўтариб турарди. Мен ўртада оёқларимни қаттиқ ерга босиб, икки томонини ақлим етганча тафтиш қилардим: яшаш яхши, яшаш гўзал. Мен ҳеч қачон ўлмайман, ўлим ҳақида бундан буён ўйламайман ҳам. Яшайман,

яшавйвераман...

— Ҳой, юр, — ойим кутилмаганда хаёлларимни пардай тўзитиб юборди. У нами қуриб улгурмаган қабрга яқинлашди. Қабр устида бир ит кулча бўлиб ётарди. Ойим тўхтаб ёнига қаради. Мен итни кўзатар, қалбимни кўрқув ва изтироб туйғуси қамраб олганди. Кейин бирдан кўзларим олди қорайиб, сон-саноқсиз нурли халқачалар пайдо бўлди-ю, бошимни эгдим. Кўтарганимда эса яна итни кўрдим. Кўзларимга ишонгим келмасди. «Ит, тасаввуримда, жонланаётган бўлиши керак, — деган фикр ялт этиб миямга урилди, — йўқса, бу ерда у нима қилади? Қизиқ, нимага бу ерда ётибди?!» Тасаввуримни айблашга ўрин йўқ, ит ҳақиқат эди. Бироқ мени бошқа нарса таажжубга солаётганди. Тунов куни ойимни ёнига йўлатмаган ит, бугун бошини ҳам кўтармасди...

— Ойи, - дея шивирладиму танам жимирлашиб кетди.

— Кўрқма, ухлаб қолган, — эшитилар-эшитилмас жавобқилди ойим.

— Кетамиз...

— Тур, қутургур, — деди ойим ниҳоят ва титрай бошлади. Ит бари бир қимирламади. Ойим ҳийла дадиллашиб, ўзини гўё мард одам қиёфасига киргизар экан, ердан кесак олиб, итга отишга шайланди, лекин журъат қилмади. Кесакни отиш билан отмаслик орасидаги қисқа муддатли таҳликадан сўнг ниҳоят ойим қўлини силкитди-ю, эҳтиёт-шартдан ўзини орқага тортди. Кесак учинчи бор отилганда ҳам ит бошини кўтармади. Шундан кейингина ойим олдинга юрди.

— Ойи, тегманг:

У менга эътибор бермай эгилди, итни синчиклаб кузатди, сўнг чўп олиб орқа оёғига туртди. Кутилмаганда оғир, жуда оғир хўрсиниб қаддини ростлади ва елкаси оша менга юзланди.

— Ўл... ўлибди... — ойимнинг эзгин овози қулоқларимга чалинди-ю, миямга иссиқ бир нарса қуйилгандай сесканиб кетдим.

— Нима? Ўлибди? — қай ҳолда, қай алфозда, қандай овозда сўраганимни билмайман. Кўнглим оза бошлаганини хира эслайман. Кейингилари... ҳушимга келганимда ойимнинг қўллари елкамни сиқар, силкитарди.

— Кўзингни оч, болам, оёқларингни бос. — Ойимнинг илтижо оҳангига тўла овозини эшитар, лекин англолмасдим. Миям бирдай карахт, қўл-оёқларим бирдай қувватсиз эди. Ит? Ўлган, унутилган, одамлар эътиборидан мутлақо четлашган ит? Содиқ ит? Ит ва у ҳақдаги тушунча — туйғуларимни кишанлаб, на гапиришга, на қимирлашга имкон берарди. Ит ўлганди. Ўлиб қолганди. Назаримда итга боғлиқ ҳамма нарса — осмон, ер, кўрган-кечирганларим,

тушунган, ҳис этган ҳамма нарсалар биргаликда ўлганди. Тугаганди. Олам, дунё бўм-бўш, текис, тап-тақир эди...

— Ойи, кетамиз...

— Мозордан қўрқинингни билганимда, Соифа опангни олиб чиқардим. Сув ҳам йўқ, юзингга сепишга. Қўрқинг.

— Мозордан қўрқмайман, қўрқмайман, — жавоб қилдим шивирлаб. — Итни ким ўлдирди?..

— Яратганнинг хоҳиши шундай, уни ҳеч ким ўлдирмаган, — пичирлади ойим, — тирик жон ўлади.

Оёқларим майишди. Ойим каловланиб қабрга яқинлашди, шамчироқни тиради, гугурт чақди, туртина-сургина ўт олди. Шамчироқ пирираб охири ёнди. Кўтарилётган ис ит томон эгилди. «Нимага худонинг итга раҳми келмаяпти? — деган фикр «ялт» этиб миямга урилди. — Нега шамчироқнинг иси бурнига кирмаяпти? Кирса тирилармиди?!»

— Бу дунёга нурдай келиб, нурдай сўндингиз, — ойимнинг тобора ҳазинлашиб бораётган овози хаёлимни чил-чил синдириди, — қўлларингиз очик келиб очик кетди. Орқангизда ақалли ҳассакашингиз — ўлингиз қолмади. Худо кўплар қатори сизни ҳам ёрлақанган бўлсин. Жойингизни жаннатдан берсин! — Ойим бир нафас жимиб итга термилди ва раҳмдил овозда шивирлади. — Сени ҳам худо ўз паноҳига олсин! Амкигинаминг ортидан эргашиб умр ўтказган эдинг...

Изтироблар, дардлар туфайли зириллаган қалбим бу гал ҳам ойимнинг сўзлари соясидаги пинҳона фарёдига дош беролмади. Юзимни чангаллаб, ойимнинг дардини оширмаслик мақсадида лабимни тишлаш билан чекландим. Юрагимни ташналик, ташналик асносида содир бўладиган кўнгил айнашига ўхшаш оғир бир ҳол қамраб олди. Бу, ойимнинг жулдур кийимли одамдан ҳам кўра, анави унутилган итга қарата айтган гаплари оқибатида юз берган ташналик эди.

Ойим туриш-турмаслиги, кетиш-кетмаслиги, орқасига қайтиш-қайтмаслиги ҳақида аниқ бир қарорга келолмай мақсадсиз бир аҳволда қалдини ростлашга уринди. Лекин эпполмади. Боши сўзсиз эгилди, қабристондан жимгина чиқди. Катта йўл билан орқага қайтдик. Масжид ёнига яқинлашганимизда бирдан қулоқни қоматга келтирадиган, яъни темир гичирлашига ўхшаш ёқимсиз овоз янгради. Қизча отасини кутиб қолган уй қаршисида жулдур кийимли одамнинг ташландиқ эшаги қабристон томон термилар, ҳазин ва маҳзун ҳанграрди. Эшак гўё терисига сомон тиқилган, яъни кимнингдир ёрдамида ҳаракат қилаётган жонсиз жасадни эслатарди.

— Ойи, — дея эшакка ишора қилдим.

— Эгасини соғинибди. Оч. Овқат берадиган одами энди йўқ... —
дея гулирарди ойим.

Ойим кескин ёнига ўгирилди, марҳумнинг уйига қарамасликка уриниб йўлида давом этди. Мен эса чумоли юришда ортидан эргашар, эшакка қарар, уйга олиб кетиш, қорнини тўйғузиш, овқат бериш ҳақида бош қотирардим. Эшак! Ташландиқ дўст! Онгсиз, лекин содиқ мавжудот! Энди у менинг қалбимга ўчмас чўғ, унутилмас бир хотира, раҳмдиллик, содиқлик борасида бир туйғу каби ўрнашиб бораётганиди. У энди мен учун тилсиз жонивор — эшак сифатида эмас, гўё ҳар лаҳза инсон билан мулоқотда бўлган дўст қаторида туюларди.

Оламга сиғмайдиган, ер кўтаролмайдиган бир дард билан уйга кирдим-да, ўзимни кўрпачага отдим. Кўнглим чироқ ёқса ёришмас, хона ҳам кўнглим каби қоронғи эди. Турли томонимга ағанаб-тўлғанар, дилимни овлаш мақсадида китоб, дафтарларимни титкилар, бари бир кўнглимга ҳеч нарса сиғмас, юрагимга ҳеч нарса таскин, юпанч беролмасди. Миям қатларини жулдар кийимли одам, ит, эшак ҳақидаги ўй эгаллаган, бошқа фикрларга йўл қўймасди. Ана шундай ўй-хаёллар талашадида изтироб билан уларга бирон-бир хайрли иш қилиш, уларнинг руҳларини шод этиш ҳақида бош қотирар, мақсадимни тезроқ ижро этиш йўлини излардим. Узоқ фикрлаш, тўлғанишдан сўнг лойдан учта ҳайкалча (илғари ҳам турли ҳайкалчалар ясагандим) яшаш, ясаган ҳайкалчаларимда уларнинг руҳларини мужассамлаштириш ва одамлар хотирасига ўрнатишга қарорига келдим. Одам. Ит. Эшак. Хотира. Абадийлик. Ҳаммаси бирлашиб муштараклик касб этиши керак эди. Албатта, шундай қиламан. Ҳайкалчаларнинг бирида умри бўйи одамларга қайғурган, уларнинг озод кунлари деб урушга кетган ва телбалик қўйларига тушиб қайтган мушфиқ инсон — жулдур кийимли одам ва унинг муқаддаслиги, иккинчисида садоқати билан баъзи бир кишилардан устун турадиган, унутилган ит, учинчиси эса кўриниши билан хунук, гўшти ҳарому меҳнати ҳалол, садоқатли жонивор — ташландиқ эшак қиёфаси акс этади.

Оҳ, эслаш қанчалар оғир-а! Аввал жулдур кийимли одамни, сўнг итни қалбимга кўмиб қайтдим. Эркин, Зиётвой поччам кўмилган, ҳали қабрлари чўкмаган қалбимга... Эшак эса тириклайин кўмилди... Уни танҳо ўзим кўмдим... Қандай қилсам мақсадимни амалга ошира оламан?! Улар тирик одамлар каби юрак ва хотирамда абадий яшай бошлайдилар?! Ҳар ҳолда осон иш эмас. «Қизиқ, одамлар уларни эслашармикин? Билмадим... Ахир одамлар қизиқ-ку! Уларга ҳеч нарса ёқмайди, кўп нарсаларни хуш

кўришмайди. Ношукурларнинг ношукури ҳам ўзлари... Ўзларига ошиқча бино қўйишган, кибор табиат шу одамлар, эндиликда марҳумга айланган муқаддас ота-боболарини ҳам унутиб юборишди, ақалли бир марта хотирламайдилар. Улар «ўзим бўлсам» қабилда иш тутишади! Ўзгалар манфаати билан қизиқмайдилар. Нега шундай-а? Бир-бирлари билан уруш қилгани, ерларини тортиб олгани, қул-қарам қилгани, бир-бирларини ўлдиргани етмагандай на қушлар, на жониворлар, на ўз насли — инсонга шафқат қилишади. Етар! Шундай экан қандай қилиб у мушфиқ одам, унутилган ит, ташландиқ эшак ҳақида бош қотиришсин? Қизиқ-да! Ўзлари: «Одам ҳам, ит ҳам, эшак ҳам худонинг махлуқлари» дейдилару лекин ачинишмайди, ачинишганда, қайғуришганда балки улар яна бир оз яшаган бўлармиди... Бўларди! Буни кўнглим сезиб турибди. Одамларни тушуниш шу қадар мушкул иш эканки... бу туйғу қалбимни тутқун, миямни карахт, ҳиссиётларимни бўғиб ташлаганди...

Опаларим овқатга чақиришди. Бормадим. Боролмадим. Шундай аҳволда овқат еб бўладими?! Уларда инсоф борми ўзи! Йўқ-да, Бўлса ўз ихтиёримга қўйишарди. Ниятимга етмасдан, орзуйим ушалмасдан ҳеч қасерга бормайман, ҳеч нарса емайман, ухламайман ҳам. Уйқусизликдан, очликдан ўла қолай... Олдин ҳайкалчаларни ясай. Одам, ит, эшак (энди у бари бир ўлади) тирилсин. Ўзим жон киритай. Керак бўлса худодан «жон киритиб бер!» — деб ялиниб-ёлвориб сўрай. Улар абадийликка айлансину, одамларнинг қалби, хотирасига жойлашсин. Шу тариқа улар орамизда, хотира, қалбимизда яшай бошласинлар, ўзларига кўним топиб, иккинчи умрларини кечиришга тутунсинлар. Оҳ, қандай яхши!

Уриндим. Ўйладим. Ниҳоят, катталардан эшитганларимдан, кўрган-кечирганларимдан ташқари иш қилолмаслигимга инондим. «Ҳаёт» қозонида обдан қайнаган, қайнаш оқибатида кўп тажрибалар орттирган ўша одамлардан: инсон тупроқдан пайдо бўлгани, сўнг тупроққа қоришиши, ундан ўт-ўланлар униб чиқиши, шулар орқали жониворлар қонига сингиши, гўштлар, сутлар, мевалар орқали қайта қонимизга қўшилишини кўп бор эшитгандим. Муаллимларимиз ҳам семиз-семиз китобларда шундай ёзилганини қулоқларимизга қуявериб, миямизни толиқтириб ташлашарди. Мана, ҳозир болалик фаслини хотирлаб туриб, улар ҳақ эканига мутлақо шубҳа қилмай қўйдим. Тупроқ... Биз идрок этган, ҳис қилган инсон рангидаги тупроқ! Биз устида туғилган, устига илк қонимиз тўкилган, устида ётиб оромга толган, ухлаган, ҳордиқ чиқарган, донини еган, сувини ичган, оқибатда устида ўлган, ниҳоят яна бизни бағрига олган тупроқ!..

У бизни абадий боқди, зурриёт қолдиришга ундайди. Оқибат тенгсиз куч-қудрати билан ўз-ўзини севишга, меҳр-муҳаббат қўйишга мажбур этди. Эвазига ҳеч нарса талаб қилмади. Она тупроқ! Ота тупроқ! Ватан — тупроқ! Халқ — тупроқ! Барча жонли зот орасидан инсонни танлаб-сайлаб уни гултожга айлантириб, муқаддаслик, муқаддас юракни ато этиб, ўз дард-аламлари, фарёдларини шу инсон ва унинг тили, юраги орқали ифодалаган тупроқ! Босиш-босилиш, улиш-ўлдириш... Йўқ! Йўқ! Бу тушунча тупроқ таркибидан ташқари, у ҳеч қачон тупроқ бағрида етилмаган. Тупроқ бундай ёвузликни қилмайди, қилолмайди! Инон! Ҳа, угина муқаддас тупроқ шаънига лаънатлар ёғдирди! Ёғдираётир! Тупроқнинг мақсади — яратиш, боқишдир. Инсон тўккан қонлари, кўз ёшлари билан унинг вужудини тўлатиб ташлади. Тупроқ! У тирик! У ўлмайди! У ухламайди! У абадий бедор...

Мен, мана шу тушунчадан, яъни бедор тупроқдан жулдур кийимли одам, унутилган ит, ташландик эшакни ясайман. Тупроқнинг ўзи каби уларга абадийлик бағишлайман. Улар тупроқ каби кўз илғамас даражада секин ҳаракат қила бошлайдилар.

Ташқарига чиқдим. Сопол товоқни олиб, томорқамиз этагидаги девор тагига бордим. Соз тупроқдан товоққа тўлатдим-да, устига оқаётган сувдан қуйиб орқамга қайтдим. Қориштиришга тутиндим. Қоришгирар, бармоқларим орасидан мушфиқ инсон, унутилган ит, ташландиқ эшак ўтар, ҳаракат қиларди. Ҳароратли тупроқ сув билан қоришди, туташди, бирлашди. Узоқ муддат қориштирганимдан сўнг тупроқ қайтадан одам, ит, эшакка ажралди.

Отам, ойим, опаларим алақачон уйқуга толганди. Фақат мен, жулдур кийимли одам, ит, эшак ва улар билан осмон, ер бедор эди. Улар иштирокида мен қачонлардир узилган тупроқ бўлақларини қайтадан улаётгандим. Ҳадемай уларга жон киритаман. Дарвоқе, эътироф этишим керак. Мен ўша кезлар санъатдан, умуман ҳайкалтарошлик санъатидан хабарсиз эдим. Лекин китобларни саҳифалаб санъат асарларини кўрганимда ҳайрат билан термилиб қолар, нусха кўчиришга тиришардим. Кўнглимнинг қаеридадир, қачонлардир рассом бўлиш орзуси чўкиб ётарди. Мен расм дарсидан доим аъло баҳо олар, муаллим ва ўртоқларим «сендан рассом чиқади» дея каромат қилишарди. Ўйин баҳонасида илгари ҳам турли ҳайвонлар шаклини ясагандим. Лекин бу галги уринишим ўйин эмасди...

Кўзларим уйқусизликдан ачишиб, киприкларим бир-бирларига ёпишар, қовоқларим тортишарди. Лекин ён бермай мақсадимга эришиш йўлида куйиб-пишардим. Ниҳоят, ниятимга етдим. Ҳа, етдим! Ҳайкалчалар тайёр бўлди. Лекин

уларга юрак қўйишнинг иложини қилолмадим. Жонсиз жониворларга юрак қўйиш осонмас-да, ахир. Одамни ҳам, итни ҳам, эшакни ҳам кўрган кезларимдаги каби акс эттирдим. Тасаввурим, хотирам мени алдамади. Фақат, ҳа, фақат ҳайкалчаларнинг чеҳраси маъюс, қиёфаси ғамгин, кўзлари ҳасратли чиқди. Нега шундай?... Атайлаб шундай қилганим йўқ-ку! На чора! Шундай чиқди. Одамни ўртага ётқизиб, икки томонига ит билан эшакни қўйдиму, доглаб юборишимга оз қолди. Беихтиёр мен уни ўлдириб қўйибман. Дарров одамни тургазганимдан кейингина юрагимни азобдан қутқардим. Энди уларга жон киритсам бас. Лекин... Лекин мен бунга қодир эмасман-ку?! Ҳатто катталар ҳам бундай имкониятга эга эмас-ку! Бундай қувватга эга бўлиш учун худо, кам деганда пайғамбар бўлиш керак чоғи. Ҳеч қачон уларга яқинлашолмаслигини сезиб, англаб турсам-да, бошқача бўлиш мумкинлиги ҳақидаги тушунчани ҳам тарк этолмасдим. Фурурим бунга йўл қўймаётганди. Ойим, ишлари юришмаган, омади чопмаган кезлар: «Эй худо, ўзинг қўллагин!» — дея илтижо қиларди. Қойил!

— Эй худо! — ёлвора бошладим ойимнинг гапларини такрорлаб ва бечора қиёфадаги ҳайкалчаларни силадим. — Мана шу... шуларга жон киргиз! Уларни тирилтириб бер! Ўтиниб сўрайман! Менга бошқа ҳеч нарса керакмас...

Назаримда бирдан ҳайкалчаларга жон киргандай, қимирлай бошлагандай туюлади. Йўқ! Йўқ! Йўқ! Назарим мени алдади. На овоз, на шарпа сезилди. Ўз-ўзимни алдадим, ранжитдим, улар жонсиз эди. Охири жонни уларга тасаввуримда ўзим киргаздим. Уларнинг тирилмаганига қанчалик ишонмай, жон кирмаслиги мумкин эмаслигига ҳам шунчалик ишонгим келмасди. Майли, жон киритдим ҳам дейлик. Ясалдим — жон киргани шу-да. Демак, ит, эшакнинг хотираси тикланди. Тирилди. Шу тахлит ўзимни алдаб даҳлиздан чиқдим. Осмонда тўлин ой сузар, олам, ер ҳамон бедор эди. Ўз-ўзимдан фахрланиб санъатимни борлиққа кўз-кўз қилдим. Сўнг ҳайкалчаларни кичик уйга қўйиб катта уйга кирдим-да, ойим билан отамнинг орасига ўтиб ётдим. Кўзларимни уйқу босаётганда ҳам ҳайкалчаларга жон киритолмаганим, руҳларини абадийлаштирганим ҳақидаги ўй миямда қалқиб турарди. Кейингиларини эслолмайман.

Кўёш нурлари болдиримни қиздириб уйғотиб юборди. Сапчиб турдим-да, кичик уй томон югурдим. Кирдим. Кучли бир иштиёқ билан атрофга алангладим. Серрайиб қолдим. Ҳайкалчалар йўқ

эди. Югуриб ҳовлига тушдим. Ойим ўчоққа ўт ёқар, опаларим далага отланишаётганди.

— Соифа опа! — дея қичқирдим томоғим йиртилиб кетгунча.

— Нимага бўғиласан! — ўшқирди у.

— Беринг! Беринг!

— Нимани? — гапга аралашди Маърифа опам.

— Ҳайкалчаларимни...

— Нима балоларни ясадинг? Эзгилаб ташладим, — бепарво жавоб қилди Соифа опам. — Ана, тандирнинг тагига отиб урдим.

— «Эзгилаб ташладим?..» — чинқириб юбордим. Бўйин томирларим лўқиллаб, гўё томирларим куяётгандай бир аҳволда тандир томон юзландим. Эсанкираб, эсим оғиб, эзилган, эзгиланган, топлатган, топтаб ташланган, қайтадан ўлган, ўлдирилган, жулдур кийимли одам, унутилган ит, ташландиқ эшакни қўлларимга олдим. — Ўл... ўлдириб қўйдинг! Ўлдириб... Сарик лўли, сен ёмон одамсан! Қишлоқда сендан ёмон одам йўқ, Сарик лўли! Сени ёмон кўраман...

— Нимага жанжал қиялсан? — ойимнинг овози қулоғимга чалинди.

— Бир балоларни ясаган экан, эзиб ташладим, буни бир ўқитиш керак. Эси кирарли-чиқарли бўлиб қолибди, — тушунтирди Соифа опам.

— Ойм, ойижон, — дедим ўзимни унинг қучоғига отиб. — Амакингизни, итини, эшагини ясовдим, анави Сарик лўли ўлдириб қўйди. Ўл...

— Ясаган ўйинчоғини нимага эзгилаб ташлайсан? — койиди ойим Соифа опамга юзланиб. — Қачон эсинг кираркин?

— Мана сенга, Сарик лўли, мана сенга... — ҳўнграб туриб, Соифа опамнинг юзига чанг солдим, юмдаладим. Кейин нима бўлганини билмайман...

Кўпчилик қўл-оёқларимдан ушлаб уйга олиб киришганини хира эслайман. Ўзим йиғлаб, ўзим овундим.

Мен севган, талбаларча меҳр-муҳаббат қўйган мушфиқ инсон, жулдур кийимли одам, унутилган ит, ташландиқ эшак ўлди, қайтадан ўлди. Уни Соифа опам — Сарик лўли ўлдирди. Шундай қилиб мен уларни қайтадан ўз қалбимга кўмдим. Бир ўзим, танҳоликда кўмдим... Ўзим аза очиб, ўзим кўк кийиб, ўзим мотам тутдим...

ОТАМ МЕНИ ИЛК БОР РАНЖИТГАНИ

Мактаб очилганидан салгина кейин отамни районга

чақиришибди, шодланиб қайтди. Мактабга директор этиб тайинлашибди. Бу янгилик одамларнинг хонадонимизга бўлган эътиқод ва ҳурматларини сезиларли даражада ошириб юборган, ойим ҳам, опаларим ҳам бундан мамнун, энг муҳими, қора қозон энди ҳар куни қайнай бошлаганди. Болалар ва муаллимлар орасида менинг ҳам обрўйим бир қадар ошганди. Бу янгиликка фақат отамгина бефарқ эди. У аввалгидай эрта чиқиб кетар, баъзан кечкурунлари ўртоқларини бошлаб қайтар эди.

Баҳор охирлаб ёзнинг иссиқ дамлари бошланган кунларнинг бирида отам уйга Алмат ака деган колхознинг парткоми билан Миркошиф ака исмли муаллим ўртоқларини бошлаб келди. Алмат ака камгап, бўйи отамнинг бўйига қараганда баландроқ, қотма, оқ юзли, қош-киприклари сарғиш бўлиб, ҳамон ҳарбий кийимда юрар эди. Миркошиф ака отамга ўхшаш ўрта бўй, йўғонроқ, кўк кўзли эди. Алмат ака ҳовлига кирар экан, биринчи галда бошимни силаб:

— Усмоннинг ўғли, қалайсан, ўқишни дўндирияпсанми? — деди ва ёнига ўгирилиб йўлида давом этди, ичкаридан чиққан ойимни кўриб яна тўхтади. — Янга, соғ-саломатмисиз, Усмон келиб хурсанд бўлиб қолдингизми?

— Келинг, келинг, — ойим рўмолини пешонасига туширди ва ўзини четга олди, — хурсанд бўлмай-чи! Қани, ичкарига киришлар. Ўзингиз тинчмисиз, Кароматхон, болаларингиз соғ-саломат юришибдимми?

— Қалайсан, қоравой? — деди орқароқда келаётган Миркошиф ака ҳам. Бошимни силармикин, деган ниятда ҳозирланган эдим, йўқ, силамади, ойимга бир қадар қараб олди-да, ичкарига юрди, — янга, тинчмисиз?

— Анвар, — деди ичкарига кирганимда отам, — бор, опаларинг билан ўйна.

— Қўявер, — деди Алмат ака, — ўтираверсин. Ке, ёнимга.

Отамга термилиб қолдим ва анча вақтгача кўзларимни узолмадим, чунки отам илк бор шаштимни қайтараётган эди. Бунгача кўчадан қайтиши билан эшик олдида қарши олар, ўзимни кучоғига отар, уйгача кучоғидан тушмас, отам ҳам бола қиёфасига кирар, эркалатар, иложи бориचा кўнглимни овлашга уринар эди. Лекин бугун... Кўнглимга оғир ботди, уйга кирганимга афсусланиб истар-истамас Алмат аканинг ёнига бориб ўтирдим, бари бир отамнинг «ташқарига чиқ, опаларинг билан ўйна» деганига тушунолмай таажжубланиб турдим. Ахир мен отамнинг ҳарбийдан қайтишини ёниб-ўртаниб кутган эдим-да. Шундай бўлгач... Йўқ, бу ёғини гапиролмайман...

Миркошиф ака кўрпачага ёнбошлаб, ёстиқни бағрига босди. Отам такчадан дастурхонни олиб ёзди ва кўзларида очикқан, ташна одамники каби бесаранжом бир туйғу акс этиб, ён чўнтагидан бир шиша чиқариб ўртага қўйди. У титрай бошлаган эди. Шундан маълум бўлдики, отам ичкиликка кўникиб қолган, шу ҳирс юрагини ўртаётган, ҳаракатларини ёқимсизлантириб, қиёфасини хунуклаштираётган, оқибат мени ҳам койиган эди. Отамнинг титроғи кучайди ва шошилинч ташқарига чиқиб кетди ва сал ўтмай пиёз кўтариб кирди-да, уч бўлак қилиб кесди.

— Тезроқ қуя қол, — деди ёнбошлаб ётган Миркошиф ака ва кўзгалганда кўзларида отамнинг кўзларидаги каби бесаранжомлик аломати содир бўлди, — хотининг кўрмай қўя қолсин.

— Кўрса нима қиларди, — деди отам ва шишани очишга тутинди. — Хотинлар нималар демайди. Ўлмай қайтганимиз учун ичамиз. Сен урушга бормадинг. Кўзингни баҳона қилиб қутулдинг. Асли кўр мен эдим. Қизамиқда бир кўзим кўр бўлиб қолганди, милтиқни ҳам чап кўз билан отдим. Эгамназар кўра-била туриб, мени ҳарбийга жўнатди. Ўрнимни олиб қўяди, деб кўрққанди бечора.

Шу пайт уйга ойим кириб отамнинг орқа томонидан ўтиб, токчага яқинлашар экан:

— Дастурхонга нон қўймабсиз, — деди ва кўрпа устидаги саватидан нон олиб ўртага қўйди, — шавла пишди, ҳозир олиб келаман.

Ойим чамаси кирганидан, тўғрироғи, меҳмонларни саросимага солиб қўйганидан пушаймон бўлди шекилли, бошқа гап айтмай шошилинч изига қайтди.

— Анвар, ичасанми? — деди Алмат ака ойим чиқиб кетгач, пиёлани кўтариб менга тутар экан.

Гарчи мен бирор вақт ароқ ичмаган, мазасини татимаган бўлсам-да, ўйлаб ўтирмай:

— Ичаман, — дея жавоб қилдим ва дарҳол оғзимда аччиқ, нордон нарса еганда сезиладиган мазани туйдим.

— Ота ўғли-да, — деди Алмат ака бурнимни чимчилаб. Мардлигимдан ғурурланиб, мардлигимни эътироф этаётган Алмат акага нисбатан меҳрим яна жўшди. Миннатдорчилик билдириш мақсадида жилмайиб ҳам қўйдим. Ўтирганларнинг кўзлари сузилиб, қошлари йиғилди, қисқа-қисқа ютиниб олишди ва бир неча бор пиёлаларни лабларига яқинлаштиришди, яна бир неча бор сесканганларидан сўнг ароқни ичишга тутинишди. Шундан кейингина мен ароқни ичмай туриб уни аччиқ, қандайдир бадҳазм экани, ичиш ўзим ўйлаганчалик осонмаслигини илк бор англадим

ва ҳали-замон ичаман дея кўрсатган шижоатимга пушаймон бўлдим. Вужудимни ёқимсиз бир нарса кемириб, қийналдим. Афтини тириштириб ўтирганларнинг юзларини миқ этмай кузатар эдим. Пиёлалар бўшатилади, ерга қўйилгандан кейин эса яна ҳам хунук манзарани кўрдим. Кўзлар ёшланди, қисилди, бурун ва оғизлар тиришиб, тиришлар орасидан эса терлар қалқиб чиқди, бир неча дақиқадан кейин эса мутлақо акси юз берди. Кўзлар чарақлаб, пешоналар қизарди, чехралар ёришиб, қониқиш, юзларда эса мамнунлик, яъни ароқ ичиш шарафли иш экани ва бу ҳол яна такрорланишини ишташга ўхшаш туйғу акс этди. Ўтирганлар бир-бирларига термилар, бу билан «ичиш кўп яхши иш-да, нега ҳар кун ишу тахлит йиғилишиб ичмаймиз, ахир бир марта яшайдиган дунёда шундай қилиш керак-да, бундан буён, албатта шундай қиламиз, умрни бекорга ўтказмаймиз», демокчи бўлишар, ароқ баҳонасида оташин дўстлар эканликларини намоён қилишар эдилар. Мана шундан сўнг вужудимдаги тириш ёзилиб, титроқ сусайди ва аччиқ сўлакай, бадҳазм таъм ўрнини ширинлик еганда ҳис қилинадиган лаззат эгаллади. Бу, албатта, ароқ ичилмасдан олдинги турқларнинг ичилгандан кейин бир нави ёқимлилашганидан қўзғалган туйғу эди. — Усмон, — деди Алмат ака ароқнинг таъмини унутиш учун бўлса керак, пиёз чайнаб, — ажал етмаса дўзахдан ҳам қайтиб чиқар экан одам.

— Ҳа-да, — жавоб қилди отам, — эсингдами. Чирчиқдан Туркменистонга борганимизда: «Жангга киришинг билан сени ўзим отиб ташлайман», дегандинг.

— Туркменистонда ўпкамни шамолга олдириб орқамга қайтмаганимда чиндан ҳам сени отиб ташлаган бўлардим, — деб жилмайди Алмат ака.

— Қани, қуй, — деди мудраб ўтирган Миркошиф ака кўзларини хиёл очиб. — Алмат сени отиб ташламагани учун яна биттадан отайлик.

— Ёнингдагини ол, — деди отам.

— Мана, — Миркошиф ака ён чўнтагидан бир шиша олиб отамнинг олдига қўйди. Отам шошилинч шишани очди, лекин бу гал мутлақо афти тиришмади, фақат бармоқларигина хиёл титради. Пиёлалар тўлдирилди. Ҳали айтганимдай, бу гал кўзлар сузилмади, юзларда ҳам бирон-бир кўнгилсизлик ифодаланмади, ароқни чойдай бемалол сипқориб юборишди. Уйни ароқ ва пиёз ҳиди тўлатиб юборди ва кўнглимни ғашлик билан бирга ўтирганларга ачинишга ўхшаш туйғу қоплади-ю, беихтиёр чиқиб кетиш, қайтиб уйга кирмасликни истаб қолдим. Отам деворга суяниб, оёқларини ёзиб юборган, Алмат ака ёнбошлаб оғзини очиб нафас олар,

Миркошиф ака эса чалқанча тушиб хуррак отар, нафас олган кезлари лаблари кўтарилиб тушар, сўлаги ҳам оқиб борар эди. Бу манзара кўнглимда тобора кучайиб бораётган кўнгилисизлик туйғусини бир карра ошириб, ҳали-замон улар ҳовлига кирганда танамдан кечирган қувноқлик, шодлик туйғусидан эса асар ҳам қолмади. Отам бошини эгиб, ўзича бир нималарни гўлдирай бошлаганида таажжубланишим яна ҳам ортди ва юрагимни кўрқув босди, унинг устига отам кутилмаганда қаҳ-қаҳ отиб кулди ва Алмат акани туртиб, Миркошиф акага «қара» ишорасини қилди. Алмат ака хунук тиржайди-да, Миркошиф акани туртиб тургазди. Миркошиф ака кўзларини аранг очиб:

— Борми, куй, — деди ва яна кўзларини юмди. Отам яна пиёлаларга ароқ тўлғазди. Миркошиф ака кўзларини очиб-очмай ароқни сипқориб юборди. Шу кўйи уйга киргандаги қиёфаларини мутлақо йўқотдилар, ҳатто ойим кириб, темир лаганда шовла кўйиб чиқиб кетганини ҳам сезишмади. Юрагимни бирдан ваҳима босди ва сапчиб ўрнимдан турдим-да, ташқарига чиқдим. Даҳлизда узоқ туриб қолдим ва бир пайт кўзларим ачишганини ҳис қилдим, иссиқ бир нималар пастки қовоқларимга оқиб тушди. Гўё ароқни ўзим ичган, ўзим маст бўлган, уларни уйга ўзим бошлаб келгандай туюлаверар, ҳозир ойим, опаларим мени тутиб олиб уришса керак, деб ўйдардим.

Ниҳоят, ичкаридан отам Алмат акани, Алмат ака эса Миркошиф акани суяб олиб чиқди ва гандираклар кўча эшик томон юришди. Мен ўзимни четга тортдим, бўлмаса босиб кетишлари муқаррар эди.

Шу тун отамнинг ёнига кирмадим. Ҳарбийдан қайтгандан кейин биринчи бор ўзим ёлғиз ухлашга мажбур бўлдим. Отамнинг бугунги аҳволи мени ўйлатиб, шунингдек, қаттиқ кўрқувга солган, ҳадиксиратиб қўйган эди. Тун бўйи йиғлаб чиқдим ва эрталаб отамни ичмасликка ундайман, деб кўнглимга туғиб қўйдим, лекин эрталаб айтолмадим... Шу билан отам ҳарбийдан қайтгандаги ёниб-ўртаниб кутиб олиш учун ҳаддан зиёд шодланганимдан ҳам ортиқроқ унга боғлана бошладим. Бунга кўпроқ ачиниш, раҳмдиллик туйғуси сабаб эди. Шу тариқа мен илк бор ароқдан қаттиқ нафратландим.

ЁЗДАН СЎНГ

Жилдимни бағримга босиб, ҳакаллаганча кўчага чиққаним, ҳеч ким йўқлигига қарамай бор овозим билан ҳайқирганим, аста-секин турли томондан болаларнинг югуриб келишгани ва биргалашиб мактабга борганимизга йил тўлмай, биринчи синфни тугатиш

палласи ҳам етиб келди. Мен илк бор мактабга отланганимда соф ва мусаффо бир иштиёқ туйғусидан ёниб-ўртанган, синфга киргач, худди шундай жуда қисқа муддатда зериккан эдим. Кейин мактабга ҳам, ўртоқларимга ҳам, Мирали акага ҳам шу қадар кўникиб кетдимки, улардан ажралсам, бирор кун кўролмасам, оғриб қолсам керак, деган ўй мени дақиқа сари қийнай бошлади. Чиндан ҳам биринчи синфни тугатиш палласи яқинлашганини ўйласам, вужудим ҳолсизланар, мактаб, ўртоқларим, айниқса Мирали акадан айрилиш даҳшатга айланиб кетаётгандай туюлаверарди. Иккинчи синфда бошқа муаллим ўқитишини эшитганидан кейин эса дардим баттар оғирлашди. На чора, вақт шуни тақозо қилаётган эди. Унинг устига қобил-мўмин дўстим Самаднинг синфдан кўчмаслиги юрагимни эзиб юборди. Юввош, озорсиз Самадни биринчи синфда қолдириб, шу тариқа иккинчи синфга кўчдик. Мирали акани ҳам ўз ихтиёримизсиз тарк этдик.

Ёзнинг терлатиб, ҳансиратадиган, лоҳас қилиб ўзни соя-салқин ерга урадиган иссиқ кунлари ҳам бошланди.

Самад дўстимни тарк этганим, Мирали акани бошқа кўролмаслигимиз сабабли юрагимнинг қаттиқ эзилганини ҳисобга олинмаса, бу ёз мен учун бир нави қувончли бошланди. Ҳавасимни орттирган, дийдорига тўёлмаган далага опаларим билан бир неча бор чиқиб, тўйиб томоша қилиб қайтдим. Мевалар сероб бўлди, буғдой яхши ҳосил берди, одамлар истаганларича машоқ қилдилар. Шу тариқа мен орзиқиб, ёниб-ўртаниб кутган палла — ўқиш даври ҳам етиб келди. Гарчи бу гал ўтган йили мактабга отланганимдаги каби ҳаяжонланмаган бўлсам-да, янги муаллимимизни кўриш иштиёқи мени шоширди. Турдивой, Миравлод, Абдурасуллар билан кўчани тўлдириб, масжид биносига жойлашган мактабимиз томон ўтиб борардик. Гоҳ Миравлоднинг олдинга чиқиши, қолганларнинг фикрини тортиб Мирали акани мақташи, гоҳ Турдивой олдимизни тўсиб олиб, янги муаллимимиз ҳақида завқланиб гапириши, гоҳ Абдурасулнинг орқада келаётиб, бизни тўхташга мажбур қилиши, суҳбатимизга қилган эътирозлари мени беҳад қувонтирар эди.

Бу гал ҳам мактаб олди одамлар билан лиқ тўлган эди. Янги ўқув йилида ўша мактаб, лекин бошқа хона, ҳали айтганимдай бошқа муаллимда ўқир эканмиз. Бу ҳақда Абдулла исми янги муаллимимиз исм-шарифларимизни ўқиб хабар қилди. Одатдагидай мактабнинг очилиш маросимидаги қонун-қоидалар ўрнига қўйилди. Абдулла ака ёш болалардай қувноқлик билан бизни узун даҳлиз оша бошлаб, ўтган йил ўқиган хонамизнинг қаршисидаги хонага олиб кирди. Бу хона ҳам тор, лекин баланд, партасиз ва полсиз эди. Ичкарига киришимиз билан яна

бошбошдоқлик юз берди. Болалар бир-бирларини туртишар, шошилиш олдинга ўтиришга уринар, шу баҳонада сўқинишар, Абдулла ака эса уларни жимгина кўзатар, лекин жеркмасди. Мен олдинга чиқиб чўқдим-да, чордона қуриб ўтириб олиб, ўртоқларимни олдинга ўтказмаслик учун тирсақларимни қоринларига тираб, тинчишларини кутдим, тинчишгач эса янги муаллимимизга жиддий назар ташладим. Абдулла ака баланд бўйли, елкалари икки одам бемалол сиқадиган даражада кенг, қўллари катта ва йўқон, лекин боши гавдасига қараганда кичик, қовоқлари гўштли, кўзлари чағир, қора тринкадан тикилган халат-шим гавдасини сиқиб турарди. Аммо сиртқи дунёси билан ички дунёси орасида бир кўрган одам дарҳол англаб олар даражада номутаносиблик ҳам мавжуд эди. Овози ингичка ва тиниқ, ҳаракатлари тергалган, ёқимли, осойишта, қизларга ўхшаш ёқимли жилмаяр, бу унинг қиёфасини яна ҳам ёқимли қилиб кўрсатар эди. У болаларнинг исмларини айтиб чақирмас, ҳаммага бирдек «отам» деб мурожаат қилар, бу муҳаббатимизни бир карра ошираётган эди. У ўттиз ёшларда, йигитликнинг шиддатли, эҳтиросли, таъсирчан палласида бўлишига қарамай, ўта соддадил ва босиқ кўринар эди. Болаларнинг гоҳ мушуклардай биғиллашиб бир-бирларини қақшатиши, гоҳ итдай бир-бирларининг юзига чанг солиши, гоҳ отлардай пишқириши, бир-бирларини тепишлари ҳам Абдулла акани мутлақо таажжублантирмас, ғазабини ҳам келтирмас, аксинча, жилмайиб тураверарди. У болаларнинг тинчишини кутар, хийла тинчишгач, бирам яхшисизларки, сизлардай юввош болаларни ҳеч ҳам кўрмагандим, қабилда алдар, болалар ҳайрат билан бир-бирларига қараб мулзам бўлишар эдилар. Абдулла ака биринчи дарсаёқ болаларнинг ҳурмат-эътиборини қозонди. Ўзига ошиқча эътиқод қўйишимизга, севишимизга мажбур қилди. Назаримда ҳаммадан кўра уни мен кўпроқ яхши кўриб қолдим, диққатимни ҳам ошиқча қарам қилди. Ўзим билмаган ҳолда Мирали ака билан Абдулла акани бир-бирига таққослаш, шу тариқа бир-бирларидан устун томонларини фарқ қилиш туйғуси мени қизиқтира бошлади. Узоқ ва жиддий бош қотиришдан сўнг Мирали аканинг ҳам, Абдулла аканинг ҳам қиёфалари бирдай ёқимли, иккаласининг ҳам жилмайиши ва муомалалари бир-бириникига ўхшайди, деган қарорга келдим. Бироқ соддадиллик, олижаноблигининг самимийлиги билан Абдулла ака устун, деган фикр анча вақтгача ғолиб келиб турди. Мирали ака назаримда устумонроқ, олижаноб, соддадиллиги ҳам кўр-кўронадай туюлди. Чунки у бизларни эркалатиб туриб, бирдан қовоқларини солар, қиёфаси ёқимсизлашарди. Асли ҳам

шундаймиди, йўқми, ё менга шундай туюлармиди, ҳозир бир нарса дейишим қийин. Балки бунга ораларидаги ёш фарқи сабаб бўлгандир, мен буни англамагандирман. Ҳар ҳолда Мирали ака менга шундай туюлди. Лекин бари бир иккаласидан ҳам кўнгул узолмас, бир бошдан яна иккаласининг ҳам яхши томонини излар, иккаласини ҳам бир-биридан яхши кўрар ва бунга ўзимни кўниктирар, дам ўтмай яна бир бошдан иккаласининг ҳам ёмон томонларини қидирардим. Бу иллатни яна Мирали аканинг қовоқ уйиши, кўзларининг ёқимсизланишида кўрар, шу тариқа Абдулла акага нисбатан ҳурматим ошиб кетар, аммо сал ўтмай тасаввуримда иккаласи яна тенглашиб қоларди. Кун оша ўйлайвериб, ниҳоят, Мирали аканинг қовоқлари солиниши, кўзларидаги носамимийликдан иллат топдим. Абдулла акадан бундай иллат тополмагач, чиндан ҳам Абдулла ака яхши одам, деган қарорга келдим ва бу қарорим қатъийлигига ўзимни ишонтириб, фикримни бошқа ўзгартирмасликка аҳд қилдим.

Қарийб бир ой вақтим мана шундай иккиланиш, фикрларимни саралаш билан ўтди ва аста-секин мутлақо Абдулла акага кўникиб кетдим. Мирали ака эса тасаввуримдан хотирамга кўчди-да, ўчган чироқ пилигидан кўтариладиган тулун янглиғ хиралаша бошлади. Ана шундагина мен хотирамнинг заифлиги, эътиқодимнинг ҳам ўзгарувчанлигидан қаттиқ нафратландим ва ўзимни-ўзим ёмон кўриб кетдим.

Абдулла ака дарсни шошмай ўтар, хотирамизга обдан ўрнашиб олмагунича янгисига кўчмасди. Бу ҳам бир нави диққатимни торти ва ўзи ҳақида чуқурроқ фикрлашгимга мажбур этди. У ўтилган дарсни аксари ёмон ўқийдиган ўқувчилардан сўрар, жавоб беролмаган тақдирда ҳам яхши баҳо кўяр, ўзлаштириб олмагунича шу одатини такрорлайверар эди. У эрталаб истиқболимизга чиқиб қаршилар, дарсдан кейин ҳам анча жойгача кузатиб кўяр эди. Биз — болалар тезроқ мактабга етиб келишга, Абдулла акани кўришга ошиқар, ажралишимиз эса чўзилиб кетарди. Кейинчалик ҳам мен ўртоқларим билан Мирали ака билан Абдулла ака ҳақида суҳбатлашадиган бўлдим. Ўртоқларим ҳам гоҳ Мирали акани, гоҳ Абдулла акани кўкларга кўтариб мақташар, мен эса анча вақтгача фикрларига қўшилолмас, охири улар ҳам Абдулла ака яхши, деган фикрга келишар, бу билан мени қувонтиришар эди. Бунга Мирали аканинг биздан, бизнинг эса ундан узоқлашганимиз шу аснода ундан совиганмиз, Абдулла ака билан эса ҳар куни кўришиб турганимиз, унга кўникиб бораётганимиз сабаб бўлаётганди.

Абдулла ака туфайли мактабга ошиқча меҳр кўя бошладим. Тезроқ тонг отиши, тезроқ мактабга бориш, мактабдан қайтгач эса тезроқ кун ботиши, яна тонг отишини орзиқиб кутардим.

Булар «хамал» давримнинг илк шодликларга тўлган, бахтиёр килувчи палласи эди ва мени беҳад қувонтираётганди.

БИР ЮРАКНИНГ ФАРЁДИ

Уйимизнинг юқори томонидан — ярим чақиримча наридан катта ариқ оқиб ўтар, қишлоқ асосан сатҳида хас-хашак оқиб келадиган шу ариқдан сув ичарди. Ариқ кунботиш томонга қараб оқар, мактаб томон чўзилиб кетарди. Ариқнинг кунгай томони ёлғизоёқ йўл бўлиб, биз кейинчалик шу йўлдан мактабга қатнай бошлагандик. Бунга, Пердаш (Асли исми Пирдош) исми йигитнинг нонимизни тортиб олиб қўйиши мажбур этганди. Авваллари мактабга қатнаган йўлимиз Йўлдош аканинг уйи ёнидан ўтар, унинг беш-олти укалари ичида энг муттаҳами ҳисобланган Пердаш биз болаларга кун бермасди. Қоп-қора, думалоқ юзли, кўзлари қизарган ва қўрқинчли Пердаш ҳар куни мактабга ўтишимизни пойлаб турар, кутилмаганда қаердандир бало-қазодай чиқиб қолар, бирдан ташланар, дод-войимизга қарамай нонимизни тортиб олиб еб қўярди. Гарчи ота-оналаримиз бир неча бор Йўлдош аканинг уйига келиб бу борада жанжал қилишган бўлса-да, бари бир Пердаш йўлимизни тўсаверарди. Пердашдан ҳайиққанимиз, тўғрироғи, нонимиздан ажралиб қолишдан қўрққанимиз учун йўлимизни ўзгартирдик. Биз қатнай бошлаган янги йўл доим аёллар билан гувжум бўлар, чамаси, улар сувга тушиш баҳонаси билан кўнгилларини ёзишар, дардлашиб олишар эдилар. Мен Турдвой билан кўпроқ шу йўлдан қатнар эдим. Мактабдан қайтаётиб баъзан бир нафас аёллар қаршисида тўхтар, гўё ўзимизни ҳеч нарса билмаган, кўрмаган қиёфага киргазиб кишибилмас суҳбатларига қулоқ солардик.

Аёллар кўпроқ мактаб билан катта йўлни туташтирадиган кўприк устида йиғилишарди. Кўприкнинг кун чиқиш томонида катта тут дарахти бўлиб, аёллар шу ерда суҳбатлашишар, чамаси бу ер уларга қулайлик туғдирарди.

Шу кунни ҳам Турдивойнинг қўлидан олиб тўхтатдим-да, аёлларнинг суҳбатига қулоқ солишга ундадим. Бугун тут дарахти тагида икки аёл ва бир кампир ўтириб, суҳбатлашар, лекин суҳбат мазмуни гамгин кўринар эди. Аёлларнинг бири ўрта ёшларда, боши катта, бурни ҳам муштдай, лекин кўзлари бошига ярашмаган даражада кичик, елка ва қўллари эркакларникига ўхшаш йўғон, овози дўриллаган, турқи ёқимсиз таассурот қолдирадиган даражада хунук эди. Унинг ўнг томонида ўтиргани паст бўйли, қора юзли аёл эди. Бу аёлнинг қиёфаси ёқимли, кам гапирар, кўпроқ суҳбатга қулоқ тугарди. Ўртада ўтирган кампир эса олтмишлардан ошган, ориқ, кўзлари қизариб, қовоқлари ичига чўккан, кўп дард

чекканидан бўлса керак, юзи заҳиллашиб, лаблари қуришган, қўллари гўштсиз, салқиган териларидаги томирлари ўйнаб чиққан, юзи эса серажин эди.

— Хомби хола, етар, йиғламанг, — деди ниҳоят боши катта аёл ва кампирга маъюс термилиб туриб, енгини кўзларига босди, — пешонангизда бор экан, нима ҳам қилар эдингиз. Тирик бўлса ақалли бири қайтиб қолар...

Кампирнинг лаблари титради. Титроқ аста бурни, ундан эса юзига кўчди, кейин эса қўл, елкаларида сезилди, ниҳоят, кўзлари ёшланиб кетди ва ёшлар аста-секин иякларига оқиб тушди. У эзгин бир қиёфада туришга уринганди, лекин гавдасини кўтара олмай, ўз ихтиёрисиз қайта жойига чўкди.

— Тирик бўлса келмасмиди, — деди у кейин ва ҳиқирлай бошлади, — уруш босилди, ҳали ҳам бирортасидан дарак йўқ, жувонмарг бўлгур Сайфулла мени уч ўғлимдан айирди. Илоё худодан қайтсин. Жувонмаргнинг кўзлари ириб тушмаса асло розимасман.

— Уйи куяр, — гапга аралашди паст бўйли аёл, — мана, худо кўрсатди-ку, хотини иккита ўғил туғди, иккаласи ҳам шол бўлиб ўлди. Кейинги туққани қурбақага ўхшармиш. Закурвойи букри туғилди. Худо кўрсатгани шу-да.

— Арофат, ундай дема, болада гуноҳ йўқ, — эътироз билдирди боши катта аёл. — Қилғиликни отаси қилган. Уйинг куйгур Сайфулла кимларнинг ёстигини қуритмади. Ҳайронман, ит ҳам, бит ҳам раис бўлаверар экан. Сайфулла раисликка сайланди-ю, ўзига хон, ўзига бек бўлиб олди. Не-не йигитларнинг жонига жабр қилмади. Аёллар билан ҳам билган ишини қилади. Мажлис, пахта деди, олиб кетаверди, оилаларни бузди. Унга ҳам боққан бало бордир...

— Бўйни узилмаса, асло розимасман, — гапни давом қилди кампир, — ичимдан кечаётгани ўзимгагина маълум. Уч арслонимдан жудо қилди. Ичим куйиб кетган. Мана, оғзимни ҳидлаб кўринглар, сассиқ ҳид анқийди. Ичим чирияпти. Мана, мана, — кампир оғзини очиб, «хўххх...»лади. Боши катта аёл бурнини кампирнинг оғзига яқинлаштириб афтини буриштирди-да, дарҳол ўзини орқага тортди.

— Вой ўлмасам, — деди кейин ўқчиб, — ростдан ҳам ичингиз чириётганга ўхшайди. Ичингиздан чириган гўштнинг ҳиди келяпти.

— Энди ишондингми, бола-чақангнинг орзу ҳавасини кўргур, — деди кампирнинг ҳам афти тиришиб. — Ичим ўтдай ёнади, аланга, тутун уфуради, на тун, на кун ухлайман, уйқум ҳам қочиб кетган. Болаларимни унутолмайман... Оҳ... ўғлим Абдуқодир-эй!

Кўзларим олдидан нари кетмайди. Мумин-қобил эди. Отасига эргашиб омов орқасида улгаювди. Мени жонидан ҳам яхши кўрарди. Бир марта тобим қочиб қолганида эрталабгача оёқ-қўлларимни уқалаб, йиғлаб чиқса-я. Қиз ҳам бунчалик меҳрибон бўлмайди. Уйлантирганимда уялиб бир ҳафта кўзимга кўринмай юрибди. Болам бечора ўғил-қизларнинг дийдорига тўёлмай кетди. Келиним Қорасоч болаларини бағрига босиб кун-тун йиғлайди, юрагимни эзиб юборди. Қорахат келганда йигирма бешда эди боёқиш. — Кампир бир оз жимиб қолди ва ихраб туриб қўлларини муштладида, ерга тираб бармоқларини қисирлатди. — Сайфулланинг уйи куймаса асло розимасман. Ювошгина болаларимдан жудо этди. Ўртанчасини айтмайсизми! Акасида ҳам қобил эди. Қўй оғзидан чўп олмаганди. Ҳарбийга жўнатяпти-ку, кулади-я. «Бормайман, акам кетди», деб Сайфулланинг ёқасидан олмайсанми?» — десам «Ойижон, уруш кўпга келган тўй, сиз учун, жиянларим учун, қолаверса қишлоқ одамлари учун бораман, омон бўлсам ҳадемай қайтаман... Сайфулла ҳафтобузга босиб ҳарбийга жўнатса-ю, унда айб йўқ деса. Ҳадича уч кунлик келинчак эди. Абдулҳакимдан қорахат келгач, ота-онаси ёш умри хазон бўлмасин дейишиб, турмушга беришди. Келингинам кетаётиб мени бағрига босиб: «Ойижон, уйингизга сизгадими? Нега мени ҳайдайсиз? Ўғлингизнинг ҳурмати учун эрсиз ўтмасмидим!» — деб кўнглимни бузиб юборди. «Қорахат келмаганда бўлак гап эди, ота-онанинг раъйига қара, хабар олиб турарсан», дея зўрга юпатдим. Турмушга чиқди-ю, келмай қўйди, мендан ранжиганга ўхшайди, — кампир этаги билан кўз ёшларини артди, — мен йиғламай, ким йиғласин. Кенжам Абдурасулни айтмайсизларми. Норасида эди. Ҳурдай келиб ҳурдай кетди. Шу боламга кўпроқ жоним ачийди, уйлантиролмадим, кўзлари очиқ кетди. Эндигина ўн олтига чикувди. Шўх бўлиб ўсувди, шу шўхлиги бошига етдими дейман. Тракторчи бўламан, деб мактабни битирибоқ шаҳарга жўнади, қайтиб келиб тракторга ўтирди. Боёқиш шаҳарли бир қиз билан тил бириктириган экан, ўша қиздан ҳали ҳам хат келади. Акаларидан кейин менга билдирмай Сайфулланинг уйига бостириб кирибди. «Нега икки акамни бирдан ҳарбийга босиб бердинг, бирини қолдирсанг бўлмасмиди, акаларимда нима қасдинг бор эди. Бошингни олиб, ўзим ҳам ҳарбийга ёзилиб кетаман», дебди. Мана шу гаплари бошига етди. Сайфулла мажлисда одамларга айтган экан, кимдир: «Боланинг оёқ олишлари бежо, ҳадемай ўрнингизни олиб қўяди», дебди. Бўйнинг узилгур, ўғлимнинг ёшини катта қилиб ёзиб берди. Ақалли биттаси қайтса нима қилибди. — Кампир чўкиб яна муштарини ерга тираб,

бармоқларини қисирлатди, — бўйнинг узилсин, уйинг куйсин Сайфулла!

— Бўлди, Хомби хола, йиғламанг, — дея юпатишга тушди боши катта аёл ва кампирнинг тирсагидан олиб турғизишга уринди. — Нима қила олардингиз, кўргилик. Худонинг хоҳиши экан, ўзи бериб — ўзи оларкан.

— Худо, худо! Худонинг хоҳиши деб, мени тинчитмоқчи бўласанлар, — кампирнинг кўзлари олайиб, боши катта аёл томон бостириб кела бошлади. — Худойингда инсоф бўлса, уч ўғлимдан жудо қилармиди. Одам Ато, Момо Ҳаво фарзандларини бир-бири билан уриштирармиди! Асли худо сабабчи эмас. Шайтон сабабчи. Шайтонни кўрсам бўғиб ўлдирардим. Эшитяпсанми, бўғиб ўлдирардим! Кўрар кўзларимни ўша шайтонлар ўйиб олди!

Кампир дам боши катта аёл, дам паст бўйли аёл томон ўгирилар, гўё қулочкашлаб қўйиб юборадигандай қўлларини кўтарар, аёллар эса орқаларига тисарилиб, гўё додлаб қочишга шайланар эдилар. Афтидан улар кампирнинг ҳасратини яхши билишар, шу сабабли гапларини бўлмаё эшитишган, энди эса уни тинчитишни билолмай гаранг эдилар. Аёлларнинг таҳликага тушиб титрашлари, кампирнинг эса тобора кўтарилиб бориши мени сергаклантирди. Кўрқув ва таажжуб билан ёнимга ўгирилдим. Турдивой жилдининг бандини гижимлаб кампирга термилиб турар, ранги оқариб йиғлар эди. Унинг бу ҳоли мени баттар кўрқувга солди.

— Кетамиз! Кетамиз! — деди бир пайт Турдивой билагимдан тортиб. — Кўрқаяпман!

— Сенларга осон, болаларинг бағрингда, — кампирнинг овозидан яна ёнимга ўгирилдим. Унинг кўзлари олайиб титроғи авжига чиқа бошлаганди, — мен уч ўғлимдан жудо бўлдим. Эшитяпсанларми?! Уч ўғлимдан жудо этди! Сайфулла жудо қилди! Ўғилларимни кўролмай ўлолмайман! Тутунга айланиб кетяпман. Ўлган тақдиримда ҳам икки қўлим Сайфулланинг елкасида қолади.

— Анвар! Анвар! Кетамиз! Кетамиз! — Турдивой ҳамон бўғилиб менга ёлворарди. Мен эса юриш-юрмаслигимни ҳам билмасдим. Инон- ихтиёрим гўё кампирнинг қўлида эди. Кутилмаганда кампир боши катта аёлнинг ёқасидан олиб силкий бошлади:

— Эшитяпсанми? Эшитяпсанми? Ўлолмайман! Ичим куйиб кетган! Ўлолмайман! — Кампир бирдан «гуп» этиб чалқанча ерга йиқилди. Қўл-оёқларини қимирлатиб бир нималар деб гўлдиреди. Салдан кейин мутлақо жимиб қолди. Аёллар олдинга силжишди. Боши катта аёл кампирнинг қўл-оёқларини уқалай бошлади. Паст бўйли аёл эса ариқдан кафтини тўлатиб сув олди-да, кимпирнинг

оғзига қуйди.

— Тутқалоғи йўқ эди шекилли? — деди боши катта аёл титраб.

— Э, фарзандсизлик доғи нималарга гирифторм қилмайди, — жавоб қилди паст бўйли аёл зўрга. Кампир қимирламай ётар, оғзидан оппоқ кўпик чиқарди.— Ойи, ойижон! — Турдивой бирдан чинқириб ўзини менга отди, лекин мен ушлаб қололмадим. У оёқларим остига йиқилди. Худди шу пайт кўзларим олдида жулдур кийимли одам жонланди-ю, мен ҳам чинқириб юбордим. Турдивойни кўтариш учун эгилган эдим, оёқларим бўшашиб жойимга ўтирдим. Қайтиб туrolмадим. Турдивой эса гўлдирад, худди кампирга ўхшаб оғзидан кўпик чиқарар эди. Аёллар кампирни қолдириб энди бизга қарашди. Улар гоҳ мени, гоҳ ранги мурданики каби оқарган Турдивойни кўтарар, юзларимизга сув сепишар, ичиришар эди. Ниҳоят, Турдивой ҳушига келиб, кўзларини очди. Ўрнидан турар экан, кампирга бир қараб олдида, орқасига ўгирилганича мактаб томон югурди. Мен ҳам орқасидан эргашдим.

Эртаси кун Турдивой мактабга келмади. Оғриб қолган экан, яна бир ҳафта дарсга чиқмади. Мен яна аввалги йўлдан мактабга қатнай бошладим. На тун, на кун кампир кўзларим олдидан нари кemas, қулоқларим остида эса «болам, болаларим!» деган сўзлари жаранглаб турар, бундай кезлар юрагим сиқилар, эзилар, кампирни ўйламасликка уринар, тиришар эдим.

Кампир ва кампирнинг фарёди сабаб бўлган бу галги изтиробларим олдингиларига қараганда минг бор даҳшатлироқ кечди. Кампирнинг йиқилгани, юзини тирнаб, сочини юлгани, оғзи кўпириб ётгани вақт ўтган сари янада даҳшатли туюлаверар, раҳимни оширгандан оширар эди. Бу жулдур кийимли одам тақдирдан куйиб чеккан изтиробларимдан минг чандон оғир эди. Шу-шу бўлди-ю, кампир хотирамга абадий ўрнашиб қолди. Унинг шаҳид кетган ўғилларини ғойибдан телбаларча севиб, Сайфулладан телбаларча нафратланардим.

ҲАЗИНЛИК

Бу йили мен илк бор кузга, унинг кўнглини эзувчи ҳазонлари, қарғалари, чуғурчуқлари билан кириб келишига чуқур, жуда чуқур диққат қилдим. Куз тирик жонлар қатори ер ва дарахтларга ҳам бирдай маъюслик ташлади, бир хил сап-сариқ рангга бўйди. Ҳазон рангига...

Бошқа болаларни билмайману, лекин менда болаликдан ўсмирликка ўтиш палласи эртароқ - фикрлаш, тафаккур қилиш ҳам вақтлироқ бошланди ва мен бун шу куз аниқ ҳис этдим. Одамлар

қиёфасининг фаслларига қараб ўзгариши, табиат рангининг турланиши, кўнгилли-кўнгилсиз воқеа-ҳодисалар ўзим кутгандан кўра олдинроқ хотирамга ўрнашди ва мен уларни бевақт ислоҳ қилишга киришдим. Мен баҳор билан кузни сева, орзиқиб кутардим. Кейин англасам, мен баҳорни лайлаги, турнаси, қалдирғочи, гули, ҳидлари, кузни эса турналари, ҳазонлари, қарғалари, чуғурчуқлари, шунингдек, маъюслиги, ҳазинлиги билан сева эканман. Эрта баҳорда турналарнинг «қур-қур»лари эшитилиши билан ошхона томига чиқар, бир сафга тизилишиб, жанубдан шимол томонга учиб ўтадиган, тумшуқлари ва оёқлари узун ана шу турналарни кутиб олар, «Салом, турналар!» деб телбаларча ҳайқирардим. Улар аста-секин осмон рангига қоришиб, сўнг турли ҳалқачаларга айланиб кетгунга қадар орқаларидан термилиб туриб, маъюсланиб қолар, улардан узоқ муддатга айрилиш эса кўзларимни ёшлантитар, тоқатсиз яна орқаларига қайтишларини кутар эдим! Турналар! Оҳ, менинг турналарим! Шу тариқа юрагимга соғинч ташлаб, улар узоқ муддат мени, мен эса уларни тарк этардим. Улар ўзлари билан менинг ўй-хаёлларимни ҳам юксакликларга олиб чиқиб, қанотларим йўқлиги, хаёлларим билангина уларга қўшилганим, асли учолмаслигимни англаганимдан кейин эса афсусланар, қалбим афсусларга тўлар эди. Шундай кезлар миямга беихтиёр: «Нега одамда қанот йўқ, нега уча олмайди?» — деган ўйлар уриларди.

Турналар шимолдан жанубга учиб ўтдилару, дарахтлар ҳам, далалар ҳам, қишлоқ ҳам олтинсимон рангга бўялди-қолди. Ҳа, менинг турналарим шимолдан жанубга учиб ўтар эди! Бу гал мен уларни танага игна санчилган ё совуқ кунлари бетга сув сепилганда юз берадиган сесканиш билан титроқ ва томоғим йиртилиб кетгудай ҳайқирик билан қарши олдим. Ҳовлида ивирсиб юргандим, кутилмаганда турналарнинг «қур-қур»лари эшитилди-ю, поччалари ёмғир ва қордан шиқирлаб қолган қирқ шалоқ нарвонга осилиб, ошхона томига кўтарилдим. Тепага кўтарилганимда нарвоннинг сўнгги поччаси синиб, танам томга, оёқларим эса пастга осилиб қолди. Ўзимни аранг ўнглаб, юксакликларга термилдим. Турналарим бу гал кўпайиб орқаларига қатишар, болалари билан бирга, осойишта осмон денгизда елкан каби сузиб боришарди.

— Ҳой, Турдивой! Қара, турналар қайтиб келишяпти! — дея ҳайқирганимда турналарим тепамга яқинлашганди. Ҳовлиларига югуриб чиққан болаларнинг: «Ур-ей! Турналар қайтишяпти!» — деган хитоблари янграб, осмон қушларини кутиб олиш маросими бошлангандан кейин ҳам мен ҳаяжондан бўғилар, томоғим

қирилиб ҳайқирардим.

— Ҳой, Ширинжон! Нимага қичқиряпсан? — ҳовлидан Риқси опамнинг раҳмдил овози янгради. — Одамлар кўришса, нима дейишади?

— Риқси опа, қаранг, турналарим қайтишяпти, — такрор қичқирдим осмонга — турналаримга ишора қилиб. — Қаранг, бирам чиройлики... купайиб қайтишяпти...

Зум ўтмай ёнимда Риқси опам пайдо бўлди.

— Қани, қани? — У таҳлика ва таажжубда осмонга — турналарга термилди ва бирдан ҳаяжони титроқ билан алмашди. Кучли бир иштиёқда қичқирди: — Ҳой турналар! Қримдаги уйимизнинг устидан учиб ўтсангиз онам, отам, укаларимга салом айтинглар! Ям-яшил ўтлоқлар, қирлар, доим тўлқинланиб турадиган катта мовий денгизимизга ҳам мендан салом етказинглар! Уруш туфайли йўқолган, уйи, ота-онаси, укаларидан айрилган Сония ўзбек элида, тутунган онаси, отаси, опалари, синглиси, укаси бағрида яшяпти, у ўлмаган, сизларни кўрмай, кўролмай ўлолмади, сизларни соғинган, тун-кун, кун-тун сизларни ўйлайди, кўришга ошиқади, талпинади, денглар. Ҳой, турналар! Ҳадемай юз кўришиб қолишимизни ҳам айтинглар!

Риқси опамнинг овози аста-секин томоғи — бўғзига тақалди, лаблари сўзсиз титрай бошлади ва киприклари ораси ялтиради-да, жиққа ёшга тўлди. Қўли эса ҳавода силкинар, лаблари пичирлар, ҳамон ташналик билан турналарни қидирарди.

— Риқси опа...

— Анваржон... саломимни ота-онам, укаларимга етказармикин?..

— Етказар...

Жимиб қолдик. Риқси опам бошини экканча пастга — ҳовлига тушди, мен эса изтироб билан осмонга — турналарга назар ташладим...

Қалбим эзилди, уни Риқси опамнинг қисмати эзди... Илоё, турналар саломимни уйи, ота-онаси, укаларига етказсин-да...

Турналар манзилларига олиб борувчи чизик бўйлаб янглишмай узоқлаша борарди. Улар баҳордаги каби осмон рангига қоришиб, нузли халқачаларга айлангач, кўзларим, юрагим ва ниҳоят томоғимда маъюслик ва маъюслик сабабли юз берадиган ташналик бошланди.

Шу тариқа куз қалбим ва хотирамга ўрнаша борди. Ўрнашдигина эмас, тушунчамга бутун бир гўзаллик бағишлади. Оламни чиндан ҳам бир бутун гўзаллик эгаллаганди. Кейинчалик миямда бир-бирига зид фикрлар туғила борди: инсонни ҳаяжонга солган,

курашларга чорлаган, энтиктирган, ҳансиратган, муҳаббат алангасида ёндирган, қарамларни қарамликка қарши отлантирган, қушларни тинимсиз чуғурлатган, оҳуларни таҳликага солган, шерларни бўкиртирган, отларни чоптирган — ҳамма-ҳаммасига шу гўзаллик сабабчидир. Мен буни ўша йили кузда, кузги бесаранжомликда кўрдим, юрагим билан ҳис қилдим.

Эрталаб ва кечқурун совуқ ҳам, иссиқ ҳам дейиш қийин бўлган, яъни иккиси орасидаги муроса шамоли эсар, бундай пайтда одамлар қалин кийинишар, тушга яқин ечиб ташлар эдилар.

Ошхона эшиги қаршисидаги тутнинг япроқлари бу паллага келиб сарғайиб, бетидаги майда қора холлари тиниқлашди. Дарахтларнинг юқори қисмидаги япроқлар тўкилиб — шундай бўлган тақдирда қиш енгил келармиш — новдалари аста-секин яланғочланар, пастки қисмидаги япроқлар кучли шамол тургандагина тўкилар, ер сатҳи эрталаб хазонлар билан тўлиб қоларди. Кўй-эчкилар, сигир-бузоқлар уйларидан чиқишлари билан ўзларини хазонларга уришар, моллар боролмайдиган ердаги хазонларни эса болалар қопларга тиқиб, уйларига олиб қайтишарди. Ёз бўйи тутун ва чангдан хиралашган осмон энди бўзариб кўринарди. Тоғ чўққилари орасидаги қорлар эриб, қоялар кундузи кўзга хира ташланар, эрталаб, кечқурун эса бир оз тиниқлашар эди. Кундузи ўзларини соя-салқинга урган қушлар бу паллага келиб, ташқарига чиқишар, чуғурлашиб турли томонга учишар, оламни кўпроқ чуғурчуқларнинг овозлари бузарди. Ёзнинг ўзи ҳам тобора юксакликларга кўтирилиб борар, ерда фақат сариқ рангларинигина қолдираётган эди. Борлиқ яккаш сариқ рангга бўялган, мана шу бир хилликни мовий осмон ранги ва қора калхатларгина бузиб турарди. Кун бўйи осмонда калхатлар изғишар, ёввойи ўрдак ва кабутарлар ҳам эрталаб шарқдан гарбга учиб ўтишарди. Одамлар ҳовлидан айвонга, айвондагилар эса уйга кўчишганди. Болалар яна «ланка», «қулоқ чўзиш» ўйинларини бошлаб юборишган, осмонда варрақлар ҳилпирарди. Бу, кузнинг ёз устидан тўла ғалаба қилганидан дарак берарди. Далада бугдой ўроғи тугамаган, машина, аравалар районга ғалла ташир, колхозчилар кеч билан эшакларига пичан, сомон ортиб қишлоққа қайтишарди.

Турналарни кузатиб қолган кунимизнинг эртасига Турдивой ёнимга келиб:

— Анвар, зерикиб кетяпман, юр сой бўйига тушамиз, — деди. Бугун ҳам унинг кайфияти синиқ эди. Илк бор далага чиқиб «уруш-уруш» ўйинини ўйнаганимиз, уч фарзандидан жудо бўлган жигархун кампирни кўрганимиздан сўнг Турдивой паришон бўлиб

қолган, арзимаган гапга асабийлар, тез жириллаб кетарди. Бу ҳол мени ўйлатиб қўяр, юрагимни эзарди. Ҳозир ҳам мана шу ачиниш туйғуси мени у билан сой бўйига тушишга мажбур этди.

Кеч кириши билан бошланган салқин шабада танани жунжиктирар, қип-қизил қуёш сап-сарик уфққа чўкиб борарди. Қизил сойнинг қишлоқ томонидаги соҳилини мол боқиб юрган болалар тўлдирганди. Улар ҳам ўзлари билмаган ҳолда соҳилдаги тутзор, ёнғоқзорда югуришиб, қичқиритиб кузни кутиб олишарди.

Сафга қўшилдик. Турдивойнинг паришонлиги болалар турли томондан туртишиб, ўйинга қўшилишга ундаганларидоғина ёзилди. Шу тариқа «болалик» ўйини бошланиб кетди. Болалар тўда-тўда бўлишиб, турли томонга югуришар, хазонларни йиғишар, кучоқларини тўлдиришиб, бир-бирларининг устидан сочишар, уларнинг қаҳқаҳалари тутзор, ёнғоқзорни эгаллаб олган эди. Улар гоҳ хазон «тоғлари» устига ағанар, бир-бирларини босишар, кейин кўпчилик бўлиб бир-бирини ағанатишар, хазонга кўмиб ташлашар, сал ўтмай яна бир-бирларига ёпишиб кетишар, кўпчилик бўлиб яна бошқасини йиқитиб олишар, йиқилганининг кўйлаги, иштони ичига хазон тиқишар эдилар. Бири қочар, бошқаси қувар, хазонларга сирпаниб йиқилган болани қийнашарди. Ниҳоят, дарахтларни силкитиб, тепиб, новдаларга осилиб, тўкилмай турган япроқларни ҳам тушириб, ҳолдан тойиб, афт-ангорларимизни кўриб бўлмайдиган даражада хунуклашиб орқамизга қайтдик. Турдивойнинг чеҳраси ҳам бир оз ёришди...

Мен кузни ҳали айтганимдай — куз ўйинини илк бор шу тахлит кутиб олдим. Бу куз юрагим қатлари, хотирам саҳифаларида сончи-саноқсиз тўғри ва эгри, йўғон ва тор излар қолдирди. Куз чиндан ҳам каромат ва саховат нури билан бутун вужудимни аввал ёритди, сўнг сархуш қилиб қўйди. Авваллари ҳам куз мана шундай хазонлари, хазонли ёмғирлари билан келганмиди? Ҳа, келганди? Фақат унда мен бўлмагандим, тўғрироғи, диққат қилмагандим. Эндиликда кексайган, яъни қачонлардир бизга ўхшаб бола бўлган катталарни ҳам бирор куз мени каби ҳаяжонга солганмикин? Билмадим... Ҳар ҳолда бу галгиси мен учун энг гўзали эди ва бундан бўлак бўлиши мумкин ҳам эмасди! Чунки бу куз менинг назаримда олдингиларининг зебоси, антиқаси эди. Кейинчалик ҳам мана шундай кузларни бир неча бор қаршиладим, лекин «ўзимизники»ни бошқа кўришга муяссар бўлолмадим. Чунки бу куз мени бир ёшга улғайтирган, беҳад ҳаяжонлантирган, таъсирлантирган эди. Бир ёшга улғайдим, куз мени улғайтиргани учун ҳам у менга гўзал ва зебо, антиқа туюлганди. Бу куз бошланмасдан анча олдин отам бағримизга қайтган, мен Риқси

опамни орттирган, синфдан-синфга кўчган, олижаноб Абдулла ака борлигидан хабардор бўлган эдим.

Бу куз ҳиссиётларимни керагидан ортиқ жўштирди, янгиларни кўзгатишга, камол топишига имкон яратиб берди.

Оҳ, менинг турнали, хазонли, қарғали маънос кузгинам!

СОВЧИЛАР

Мактабдан ичакларим чулдираб қайтдим. Айвон зинасида шумшайиб ўтирган камолга «илиб ол» дегандай жилдимни отгандим, чамаси унинг ҳам қорни оч экан, «бор» дея лабини бурди. Жилдимни тизасидан олиб қачонлардир сузма халта осилган, энди ўрнида қасмоқларигина қолган михга илдим-да, Камолни бағримга босдим.

— Қорнинг очдими, — дедим ва меҳрим жўшиб кетиб пешонасидан ўпиб қўйдим.

— Ойим келмаяпти-ку, — деди у бурнини тортиб ва юзини қорнимга боса туриб, йиғлаб юборди. Уни овутиш мақсадида етаклаб ошхона томон юргандим, кўча эшик «ғиййққ...» этиб очилди-да, кимнингдир боши кўринди, салдан кейин эса ҳовлига нотаниш бир кампир кириб келаверди. У аланг-жаланг атрофга қарар, кўзлари бесаранжом бўлиб кимнидир изларди. У обдан атрофни кузатиб, қидирган одамни топди шекилли, орқасига ўгирилиб:

— Эгачи, кираверинг, — деди-да, оқ дока рўмолини пешонасига тортди, — ҳой, болам, онанг уйдами?

— Ошхонада, — дедим ажабланиб. Кутилмаганда ҳовлимизга нотаниш кампирнинг кириб келиши мени қизиқтириб қолди. Камолнинг қўлини қўйиб юбордим-да, кампирга қарадим. Бу пайт ҳовлига бошқа бир кампир ҳам кириб улгурди. Улар шошмай айвонга яқинлашишди. Ҳовлига олдин кирган кампир паст бўйли, бели хиёл эгилган, бургут бурун бўлиб, юзи оқ, лекин қовоқлари солинган, бургут бурун, орқадаги кампир эса узун бўйли, қадди тик, япалоқ юзли, бурни ҳам япалоқ, чеҳраси бир кўрган одамни дарҳол мафтун қиладиган даражада ёқимли эди. Паст бўйли кампир қўлтиғига кичкина тугун қистириб олган, гўё уйимизга олдин ҳам келиб юргандай, ўзини бемалол тутар, узун бўйли кампир эса ийманиб, тортиниб айвонга яқинлашарди. Мен ошхона томон ўгирилиб ойимни чақириб чиқишга шайлангандим, ўзи кўринди.

— Келинглар, келинглар, — деди ойим шошиб меҳмонларнинг истиқболига чиқар экан ва биринчи кирган паст бўйли кампир билан кўришди, — Хосият хола, эсон-омонмисиз? — Ойим узун бўйли кампир томон ўгирилди.

— Орифабиби, эсон-омонмисиз? — узун бўйли кампир ойимнинг бағрига суқулиб иягига иягини босди.

— Ойша хола, — ойим ҳам таъсирланиб кетди шекилли, кампирни ўпиб қўйди, — эсон-омонмисиз, укаларим тинчми?

Ойим ҳаяжонлангани, таъсирлангани сабабли гапини чайнаб, кампирларнинг тирсагидан олиб зинадан чиқишларига кўмаклашди. Кампирлар бир юриб, бир тўхтаб «вой-вой-эй», дея бўксаларини ушлаганча айвонга кўтирилишди-да, омонатгина ўтиришди. Ойим эса кампирларнинг фотиҳа қилишини кутиб, устунга суяниб чўккалади ва фотиҳа қилишлари билан қўзғалди.

— Бўйингизга садаға бўлай, ўтиринг, — деди паст бўйли кампир ойимга жиддий назар ташлаб. — Ҳеч нарсага овора бўлманг, турамиз.

— Овораси борми, — деди ойим на туриш, на ўтиришини билмай саросимага тушиб, — ақалли чой қўяй.

— Садаға бўлай, ўтиринг, — деди узун бўйли кампир. Шу билан ойимни жойига чўкишга мажбур қилди. Ойим чамаси, кампирлар кўйлак тиктиришга келишган, деган хаёлга борган бўлса керак, дам кампирларга, дам тугунчага қаради. Чунки отам ҳарбийдан қайтганидан кейин, ойим далага чиқмай қўлига тикув машинасини олган, шундан сўнг уйимиз серқатнов бўлиб қолганди.

— Бир оз сабр қилсаларингиз бўларди, — деди ойим хижолатдан қизариб, — озиб-ёзиб бир келибсизлар...

— Ҳеч нарса керакмас, — деди паст бўйли кампир ва ойимга бир нафас қараб турди-да, гапини давом қилди: — худо раҳмат қилган бўлсин, куёвингиз Зиётвой яхши одам эди. Қорахат келди, деб эшитдик. Анави ўғли бўлса керак? — кампир ёнига — Камол томонга юзланди. — Тўтидай-а, нима ҳам қила олардик, худонинг хоҳиши экан. Қизингизнинг исми нимаиди? Эсимдан чиқаёзди... Маърифа эди шекилли. Эгачимнинг... — кампир яна ёнига қараб олди ва узун бўйли кампир «ҳа» дегандай бошини силкитганидан сўнг яна ойимга юзланди, — ўғли Нодир ҳам бева қолди. Хотинининг қазо қилганини эшитган бўлсангиз керак... Тақдир қилган бўлса иккиласини жуфтлаб қўйсак деб келувдик.

Ойим чуқур нафас олиб аввал кампирларга, сўнг Камолга қаради ва шу зайл узоқ турди. Кўкраги кўтарилиб кўзларига аста ёш қалқиди.

— Хосият хола, — деди кейин ойим паст бўйли кампирга маъюс юзланиб. — Бошида ўгай бўлса ҳам отаси бор. Бир нарса деёлмайман. Қолаверса, эрга тегиш-тегмаслиги қизимнинг ўзига боғлиқ. Эридан қорахат келганидан бери бизларга гапирмай қўйган, уйга кириб олиб йиғлагани-йиғлаган. Бир нарса дейишга ҳам қўрқамиз. Яна

худо билади. Тақдир қилган бўлса ҳеч гап эмас. Шунда ҳам отаси билан бир маслаҳатлашиб кўрай.

— Нодирхон чакки йигит эмас, — ойимнинг гапини бўлди узун бўйли кампир, — урушда бўлиб қайтди. Ёш умри хазон бўляпти бола пақирнинг. Айни ўйнаб-куладиган палласи, фарзанд, ачинар экансиз. Уйланса учала боласини ҳам ўзим олиб қоламан.

— Ойша хола, — деди ойим бу гал кескин ва жиддий қиёфада, — Нодирхон қобил-мўмин йигит. Болалари бўлса нима қилибди. Фарзанднинг тирногига зор одамлар йўқ дейсизми. Менинг ҳам набирам бор. Қизим турмушга чиқса, ўзим билан қолади... Ўйлашиб кўрайлик, хўп десаларингиз бир-икки кундан кейин хабар берайлик.

— Бўлмаса, фотиҳа қилинг, — деди паст бўйли кампир ва ёнидаги тугунчани олиб ойимга узатди.

— Ўзингиз бир нарса денг...

Ойим фотиҳа ўқилиши билан туриб уйга кириб кетди ва тугунчадаги нонни алмаштириб чиқди.

— Турайлик, бўлмаса.

Кампирлар кўзғалишди.

— Ўтирсаларинг бўларди, — деди ойим меҳмонларни кузатиб чиқаётиб, — овқат пишаётувди.

— Раҳмат, раҳмат, насиб этса, қуда бўлсак овқат ейиш қочмайди., — узун бўйли кампир ойимга қараб йўлида давом этди.

Ойим меҳмонларни кузатиб орқасига қайтар экан, Камолни кўтариб ўпди ва кўзлари яна ёшланди. «Маърифа опамни эрга бериб юборишса, Камол ҳам кетиб қолади, — дея кўнглимдан ўтказдим беихтиёр. — Қайтиб келишармикин? Келишмаса зерикамиз-ку!» Ойим Камолни кўтариб ошхонага кириб кетди. Отам мактабдан қайтиши билан ойим совчилар келганини айтди ва шу кўйи иккаласи узоқ гаплашишди. Отам аниқ бир қарорга келолмай, турмушга чиқиш-чиқмаслигини Маърифа опамнинг ўзи ҳал қилишини айтган бўса керак, ойим гаплашмай қўйди. Маърифа опам билан Соифа опа даладан қайтиши билан ойим уни кичик уйга бошлаб кирди ва узоқ вақт ташқарига чиқишмади. Ойим уйдан чиққанда қоронғу тушган, Соифа опам шўрвани сузиб, товоқларни дастурхонга қўйганди. Маърифа опамнинг чиқишини кутиб, анча вақтгача овқат емай ўтирдик. Овқатдан сўнг Маърифа опамнинг ёнига Мазифа опам кирди, мен ҳам орқасидан эргашдим. Дераза ёнидаги токчада қора тош чироқ бўралиб ёнар, Маърифа опам тиззаларини кучоқлаб, энгагини эса тиззаларига қўйиб жим ўтирар, елкасига бош қўйиб ўтирган

Камолга эътибор ҳам бермас эди. Камолга ачиниб, диққат қилмаётганлиги учун Маърифа опамдан хийла нафратланиш туйғуси эгаллади ва сал ўтмай ҳаммаси унутилди-ю, опагинамнинг қучоғига отилиб, эркаланиш, ўпишга юзимни тутиш, Камолни эса етаклаб ташқарига олиб чиқиш, от бўлиб устимга миндириб ўйнатиш ҳақидаги ўй миямни қамраб олди, лекин яқиглашишга бонтинмадим. Кутилмаганда «гурс» этган овоздан чўчиб тушдим-да, орқамга ўгирилдим. Соифа опам оқсоқланиб ичкарига кириб келар, чамаси совчилардан эндигина хабар топган бўлса керак, важоҳати бузилган, афтидан совчиларни уйда учратганида, бўғиб ташлашга ҳам тайёр турар эди. У, узоқ вақт хона ўртасида қотиб турганидан сўнг аста ранги ўчди, кейин эса юзига қизиллик югурди-да, бирдан кулиб юборди.

— Уялинг-эй! Кап-катта хотин, — деди кейин ярим кулиш, ярим йиғлаш орасида юз берадиган бир аҳволда. — Уялмай йиглаб ўтирибсиз-а. Совчилар келишибди. Хурсанд бўлмайсизми. Қанча қизлар ириб-чириб ўтиришибди, ит искамайди. Сиз — кап-катта хотинга совчи келган экан, дўппингизни осмонга отмайсизми. Мана, ўн саккизни уриб қўйибману кўнгил учун ақалли бирор одам келинликка сўрамайди. Қанақадир бир қўшиқ бориди... Ҳозир, ҳозир эслайман: ҳа, мана бундай эди: «Бир ажойиб қушим бор, унинг оти булбулжон. Қанча сайраган билан бургут бўлолмас асло!» Сиз билан бизга бургут бўлишни орзу қилишни ким қўйибди... — Соифа опам яна қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. — Оббо сиз-ей. Биламан Зиёгвой поччамни унутолмайсиз. У ўлди... Ўлгандан сўнг нима қилишингиз керак. Тирик бўлса-ю, уни ташлаб эрга чиқиб кетсангиз, унда... Кўнглингиз бўлмаса «йўқ» денг-қўйинг. Шунга ҳам ота гўри қозихонами. — Соифа опам Маърифа опамнинг ёнига яқинлашиб тирсакларидан олиб турғазишга уринди, — юринг, овқат еймиз.

— Бор, ишингни қил, — дея Маърифа опам Соифа опамнинг қўлини силтаб ташлади. — Сен нимага тушуна қолибсан! Чориғингни судра...

- Ҳа, хўп, совчилар келишини хоҳламайсизми? — деди Соифа опам қошларини чимириб, — шундай демайсизми. Осонгина тинчитаман-ку. Энди келишса бошларига шундай кунни солайки, қайтиб эшигимизни кўришса, қочадиган бўлишсин. Ниёзматнинг суяк ютган итини орқаларидан қўйиб юбораман. Иштонларини йиртиб бир тупроққа булғаласин. Ё бошларидан бир челак сув ўргилсин. А, лаббай? Сувга тушган мушукдай бўлиб кетишаверади. Туринг, овқат еймиз.

— Нарин тур, — деди Маърифа опам бу гал кулгудан ўзини

тиёлмай ва аранг пастки лабини тишлаб сирини яширди.

— Шунақами, — деди Соифа опам ва кўзлари ғазабдан чақнаб кетди, — Сенга қачон яхшилик ёққан. Менга деса очингдан ўлмайсанми. Юрагим эзилиб кетди-ку. — У кескин ортига ўтирилди-да, шиддат билан ташқарига йўналди, чиқиб кетаётғиб хўнграб юборди. Маъриффа опам эса анча вақтгача паришон ўтирди ва бир пайт сапчиб туриб, Камолни кўтариб олар экан, бағрига босди.

— Болам, болажоним, — шивирлади кейин. — Одамларда инсоф йўқ. Ойимда ҳам. Мени эрга беришмоқчи. Қандай қилиб эрга чиқаман. Отангнинг арвоҳини чирқиратиб-а! Сен нега туғилган экансан. Одамларда инсоф йўқ, ойимда ҳам. Нима, уйига сигмаяпманми. Ўзим ишлаб ўзимни боқяпман-ку. Ошиқчалик қилсам кетаман. Бошим оққан ёққа кетаман. Аммо сени ўгай ота қўлига олиб бормаيمان. Менга энди эр эмас, ер керак!

Маъриффа опам Камолни эрга қўйди-да, дераза томон яқинлашди ва пешонасини ойнага суртди. Ойна терлаб, хиралашди, сўнг турли чизиқлар чизилиб, кейин чизиқлар ҳам қоришиб кетди. Бир пайт Маъриффа опам орқасига ўтирилди ва хона ўртасида бўзчининг моккисидай айлана бошлади. У гоҳ тўхтар, бошини орқасига ташлаб, кўзларини юмар, гоҳ бошини кўтарар, кўзларини очарди. Ниҳоят ҳиқилай бошлади ва сочини юлиб, юзинги тирнаган эди, ўрни қизариб, сўнг тирқираб қон чиқди. Кўнглим бузилди. Югуриб бориб Маъриффа опамнинг қўлига ёпишдим-да, қайтиб юзини тирнашга қўймадим.

— Маъриффа опа, — дедим бўғилиб, — бўлди, кўрқиб кетяпман. Ойи!

Ововзимни эшитишган бўлишса керак, сал ўтмай ойим билан Соифа опам бир-бирларини туртиб-суртиб уйга киришди. Ойим бир томондан, Соифа опам бошқа томондан Маъриффа опамга ёпишишди. Маъриффа опам бир силкиниб ойим билан Соифа опамнинг қўлидан чиқиб олди-да, орқага тисарилди. Энди унинг важоҳатидан яхшилик кутиб бўлмаслигини англашди шекилли, ойим ҳам, Соифа опам ҳам юпатишга тушишди.

— Болагинам, тушун, — деди ойим йиғлаб юборгудай аҳволда, — сени ҳозироқ эрга бериб юбораётганим йўқ-ку.

— Боринг, яқинлашманг, — пишқирди маъриффа опам, — уйингизга ошиқчалик қияпманми, чиқиб кетаман...

— Турқинг курсин, — деди ойим жиддийлашиб, — кап-катта хотин. Бола ҳам онага ошиқчалик қиларканми. Тегмайман де-қўй. Юр, Соифа. Ачинганингни кошки билса.

Ойим Соифа опамни бошлаб ташқарига чиқди.

Маъриффа опам эртаси куни ҳам қорасини кўрсатмади. Соифа опам бир неча бор ёнига кириб-чиқиб, «юзи тирналганидан

уяляпти», деди ойимга. Асли бундай эмасди...

Шом палласи ойим Соифа опамни совчиларникига юборди, у совчиларга «йўқ» жавобини бериб қайтди. Бари бир Маърифа опам ташқарига чиқмади. Мазифа опам ҳолидан хабар олиб, овқат ташлаб турди.

Маърифа опамнинг кўз ёшлари кўпдан бери тинчий бошлаган юрагимни яна таҳликага солиб кўйди. Кундузлари тоқатсиз, тунлари уйқусиз, у ҳақда ўйлайдиган бўлдим. У туфайли мен совчларни ёмон кўриб қолдим. Улар қайтиб уйимизга келса киргизмайман, ҳайдаб юбораман, дейдиган бўлдим ўзимга-ўзим.

Маърифа опам учун қайта турмушга чиқиш ўлим билан баробар экани, Зиётвой поччамни чиндан яхши кўргани, шунингдек, ҳурмати, руҳини оёқ ости қилишни ўлим деб билгани ва буни ҳеч кимдан яширмаганини шу кунигина англадим.

ОВ

Отам бир қур районга борганда якка ўқли, якка оғиз милтиқ олиб қайтган, милтиқ кўпдан бери шифтда осиглиқ турарди. Отам ҳарбийдан ёзган хатларида менга тўппонча олиб қайтишини ваъда қилгани, лекин олиб қайтишнинг иложини қилолмагани, шифтда осиглиқ турган милтиққа бўлган ҳавасимни ўн, юз карра ошириб юборганди. Милтиқни олиб беришни, отиб кўрсатишни ёлвориб сўраган кезларим отам муҳлатни орқага сураб, яқинда овга олиб чиқиши, ўшанда отиб кўрсатишини айтиб мени тинчитарди. Худо ярақлаб ниҳоят отам қувончимга, янги ҳаяжонларимга сабаб бўлган воқеа қишнинг дастлабки совуқли, ҳайла туманли кунларига тўғри келганди.

Отам ўша куни милтиқни олиб артди, мойлади. Овга боришимизни Турдивойга айтиб мақтангандим, у пинжимга кириб кўйрда-кўймай «Отанга айт, мени ҳам олиб борсин, бирга томоша қиламиз», деди. Бу, ўзимга ҳам маъқул бўлди, отамга шу ҳақда гапирган эдим, розилик билдирди ва аскарлигидаги каби қиёфага кирар экан, суворий юриш билан бизни бошлаб кўчага чиқди. Ойим орқамиздан қузатаётиб.

— Эҳтиёт бўлинглар, — дея отамнинг қулоқларига қуя бошлади, — авайлаб отинг, милтиқнинг ўқи орқасига қайтармиш...

— Нима қилармиш? — сўради отам таажжубланиб ва чамаси ойимнинг «тошга тегиб, қайтармиш» демоқчи бўлганини тушунди шекилли, мийиғида кулиб кўйди. Отам кейинги пайтларда ҳар куни кўчадан ичиб қайтадиган, жанжал қиладиган одат чиқарган, шу сабабли ойим отамга бўлган ишончини йўқотиб, ҳозир тергаётганиди.

Отам ҳамон суворий юриш қилиб Қизил сой томон тушиб борар, чамаси, ҳамон ойимнинг «милтиқнинг ўқи қайтармиш», деган гаплари нашъа қилиб, жилмайиб қўярди. Мен, Турдивой билан бир юриб, бир югуриб, отамнинг отиб олажак ўлжаси, ўлжа отилгандан кейин ўзимизни қандай тутишимиз зарурлиги ҳақида суҳбатлашардим. Истиқболимиздан чиққан болаларнинг: «Қаёққа кетяпсизлар?» — деган саволларига, мен узоқларга, овга кетаётганимиз, антиқа ўлжа билан қайтишимизни айтиб мақтанар, катта қишлоқда милтиқ фақат бизнинг хонадонимизда мавжудлигидан фахрланиб, бошқаларда эса милтиқ бўлмаганини ва бунга болалар афсуланаётганини кўриб қувониб қўярдим.

Ҳаво огир ва нам, ер сатҳини огир, нам ҳаво босиб турар, ёмғир ёки қор ёғади, дейиш қийин бўлган бир палла эди. Қизил сой суви бу пайтга келиб кўпайган, оёқни тиқиш билан сескантирар, вужудни қақшатар эди. Қизил сойни кечиб сўл соҳилга ўтдик. Кейин тўзори орқада қолдириб Чорлоқ тепа томон кўтарила бошладик. Чорлоқ тепанинг кунчиқиш томони қир-адир бўлиб, тобора баландлаб борар, шу тариқа Оқота тоғига туташар эди. Хонтангрининг давоми бўлимиш Оқота тоғи қишлоқдан яққол кўриниб турар; у ерга қор кеч тушар, тез эриб кетар эди. Оқота тоғи «муқаддас» ер ҳисобланар, одамлар баҳор пайтларида у ерга боришар, мол сўяр, қурбонлик қилиб қайтишар эди. Биз дам кўтарилиб, дам сойликка тушиб илгарилардик. Қир-адирлар бу паллага келиб қорамтир рангга бўялган, бу кўпроқ шудгор ва юмронқозиқлар ташқарига чиқариб ташлаган тупроқларда кўзга ташланар эди. Йўл чўзилгандан чўзилиб борар, тер ва иссиқ танани сиқар, лекин ов иштиёқи кучли келиб, отамнинг орқасидан ноилож эргашар эдик. Қишлоқдан чиқаётганимиздаги шиддат ва ҳаяжон бир нави сусайган, оёқларимизгина ҳаракат қиларди, холос. Олам-жаҳон йўлни босиб қўйган бўлсак-да, на бир қуш, на бир ҳайвон кўринар, отам тобора асабийлашар, тиқ этган овоздан милтигини ўнглар, ҳеч нарса чиқмагач, ноилож йўлида давом этарди. Мен ҳаяжондан бўғилиб, Турдивойга қарар, отишга арзиғулик бирон-бир ўлжа чиқмагани, отам мерганлик маҳоратини намоиш қилолмаётганидан эзилар, тезроқ бирор нарса чиқса-ю, отам отиб, Турдивойни ҳайратга солса деб ўйлаб борар, шундай бўлмаётганидан афсусланар эдим. Турдивой гоҳ менга, гоҳ отамга қараб: «Ўлжанг қани, отам отишни боплайди деганинг, қани?» — қабилида менга термилар, бу менинг баттар мулзам қиларди. Гоҳ отамнинг «секин гаплашинглар, ҳуркитиб юборасизлар» деган гапини ҳам унутиб, тўсатдан чиқиб ўққа учрайдиган ўлжа ҳақида бир-биримизга навбат бермай валдирашар, ўлжанинг ҳозироқ

чиқиб қолишини орзу қилар, бу кўпроқ тоқатсизланаётганимизда кўринарди. Ўлжа чиққан тақдирда отам милтигини қай ҳолда ўнглаши, отиши, отганидан кейинги манзара, ўлжани олиб келиб, отамнинг олдига ташлашимиз ҳақида гаплаша бошлаганимизда эса ҳаяжондан бўғилар, гулдираддик. Жанжалимиз: «Мен олдин бориб олиб келаман, йўқ, мен олдин бориб олиб келаман», қабилидаги тортишувдан бошланиб, «бирга бориб олиб кела қоламиз», деган муроса билан охирланди ва отам узоқлашиб кетганини кўриб орқасидан югурдик. Эътироф этишим керак: мени биринчи галда милтиқнинг отилиши, отилганидан кейинги янграйдиган ўқ овози қизиқтирар эди. Афсуски, ҳозирча милтиқ овози эшитилмаётганди.

Оқота тоғи йўлини яримлаб қўйганимиздан сўнг бир нафас тўхтаб орқамга юзландим. Қишлоқ, деворларга учиб чиқаётган товуқлар, дарахтлар остида изғиб юрган сигир-бузоқлар, сой, уйлар, кулранг уфқ яққол кўриниб турар эди. Яна йўлга тушдик. Япроқлари майда четан, ёввойи терак дарахтларининг новдаларига осилиб тобора юқорилаб борардик. Катта бир арча тагига етиб келганимизда, отам тўхтаб милтиқни чап кўлидан ўнг кўлига олди-да:

— Чарчадиларинг, — деди ўлжа чиқмаётгани, отиб маҳоратини намоиш қилолмаётганидан афсусланиб, афтини тириштирди, — яхшиси, мен сизларга тош отиб томоша кўрсата қоламан.

Отам арча дарахтининг айри шохлари орасига муштай тош кистирди-да, орқасига тисарилиб ерга ётди ва милтиқ кўндоғини чап кўкрагига тираб, ўнг кўзини юмар экан, мўлжални нишонга олди. Мен қулоқларимни беркитиб, кўзларимни юганимча ўқ овозини кута бошладим. Отилди. Кутганимдай «пақ» этиб эмас «қарс» этиб овоз чиқди. Ҳафсалам пир бўлиб, тошга қарадим. Тош жойида турарди. Отам уч марта ўқ узди, лекин бирини ҳам нишонга уролмади.

— Тегизолмадим, — деди қошларини чимириб, — ўнг кўз кўрмагандан кейин иш шу-да. Чап кўз ишнинг пачавасини чиқаради.

Отамнинг чехраси ғамгинлашиб ўрнидан турди. Кувга ўхшаш темир нарсани олиб кафтимга қўйдим-да, томоша қилдим. Турдивой бирини лабларига яқинлаштириб пуфлаган эди, ҳуштак чалинди. Мен ҳам уни такрорладим. Отам, ундай қилманглар, бирор нарса бўлса ҳуркиб кетади, дегандан кейин ҳам бир неча бор ҳуштак чалинди. Йўлда давом этиб, ниҳоят, ёнбағирлаб қоя ичига кира бошлаганимизда кичкина булоққа дуч келдик. Булоқнинг суви оз бўлиб, шағаллар орасига сингиб кетар, атрофидаги тошларга қушлар ўтириб кетган, турли ҳайвонларнинг

тезаклари ҳам қоришиб ётарди. Булоқ бўйида ўтириб тамадди қилиб олганимиздан сўнг:

— Ҳеч нарса чиқмаяпти-ку, — деди Турдивой беҳолгина қимтиниб. Чамаси у: «Чарчадим, бошқа юролмаيمان, қишлоққа қайта қолайлик», демоқчи бўлар, бу кўзларининг маъюслигида ифодаланаётганди. Худди шу пайт юқоридан шақир-шуқур овоз эшитилди-ю, сал ўтмай олдимизга бир тош думалаб тушди. Сапчиб туриб овоз эшитилган томонга назар ташладим.

— Сизлар шу ерда ўтириб туринглар, — деди отам ва милтигини ўнглаб юқорилай бошлади. Турдивой арчанинг ўнг, мен эса чап томонидан айланиб ўтиб, отамнинг орқасидан қараб қолдик. Назаримда, мана ҳозир милтиқ отилар, нимадир олдимизга думалаб тушар, тушиши билан дарҳол кўртариб, отамнинг олдига олиб бориш ҳақида бош қотирар эдим. Лекин на милтиқ отилар, на бирор нарсанинг шарпаси эшитиларди. Тоқатимиз чидамай отам кетган томонга тирмашдик.

— Ана, ана! — қичқирди бир пайт Турдивой кўзлари қинидан чиқиб кетгудай очилиб. — аттанг, йўқолиб қолди, ана, ана, чиқди.

— Оҳ... бирам чиройлики, — деб юбордим беихтиёр ва вужудимда кучли ҳаяжон ва ҳавас туйғуси қўзғалганини ҳис қилдим. Ўн-ўн беш қадамча нарида улоқчага ўхшаш, лекин кичикроқ, ҳийла баландроқ бир нарса чопиб ўтди-да, дарахтлар орасига кириб йўқолди. Гўё хотира ва тасаввуримда нурдай бир шарпа жонлангандай, қисқа муддатда қалбимни ёритгандай туюлиб кетди-ю, анча вақтгача туйғу ва кўзларимга ишонмай турдим. У чиндан ҳам нур янглиғ оппоқ эди. Таҳлика, таажжуб билан олазарак атрофга аланглаб турганимда, бирдан ҳалиги нарса яна қайтадан кўринди ва ҳадиксираб туриб қолди. Чамаси у атрофни одамлар ўраб олганини сезган, қочиш учун қулайроқ, хилватроқ жой изларди. Кейин билсам у тоғ эчкисининг боласи — Олқорча экан. Мен ҳар дақиқа ўқ овози эшитилиши, оппоқ Олқорча ерга йиқилишини тасаввур қилиб турар, илоё шундай бўлмасин-да, дея ўз-ўзимга илтижо қилардим. Олқорчанинг оёқлари, қулоқлари ҳам оппоқ ва узун, қорни ингичка эди, бўри бўғизлаб, яъни олиб кетган улоқчамизга ўхшар, лекин унга қараганда, чиройлироқ эди. Олқорча тез-тез оёқларини ерга уриб қўяр, ўқтин-ўқтин сесканиб кетар, бирдан чопишга шайланар, хилватжой тополмаётгани сабабли дарҳол шаштидан тушарди. Ёнимда кескин олинган нафасни сездим ва шошилинч ўгирилдим. Мендан икки-уч қадам нарида нотаниш бир одам эгилиб турар, милтигини оппоқ Олқорча томон тўғрилар эди. У ҳаддан зиёд баланд бўйли, калласи катта, юзи сепкилли ва чўтир, соқол-

мўйлови ўсган, қиёфаси совуқ одам эди.

— Отманг, — дедим бир пайт, лекин бўғилиб, хириллай бошладим. Хириллаб турганимда бирдан қулоқни қоматга келтирадиган даражада кучли гумбурлаш эшитилди-ю, дарҳол кўзларимни юмиб, юзимни чангаллашга мажбур бўлдим. Овоз шу қадар ёқимсиз, даҳшатли эдики, гўё катта бир дарахт синганда юз берадиган қарсиллашга ўхшарди. Ана шундай даҳшатли овозни яна кута туриб кўнглим айнаб, кўзларим тиниб бораётганини ҳис этдим. Кўзларимни очиб, ҳушимни йиғиб, бошимни кўтарганимда эса хунук, чиндан ҳам даҳшатли манзаранинг гувоҳи бўлдим: Оппоқ олқорча ерда типирчилаб ётарди...

— Зўр мерган экансиз, — дерди отам жилмайиб.

— Кўпдан бери бунқасини отмагандим, — тиржайиб жавоб қиларди нотаниш овчи. Олқорча чамамда чопаётиб ўқ тегиши билан учиб кетган, тумшуғи харсангга урилганди. Олқорчанинг чап биқини йўқ эди. Сочма ўқ афтини илма-тешик қилган, ўқлар ўрnidан тинмай қон отилар, атроф қоп-қора қонга бўялиб борар, Олқорчанинг оёқлари титрар, титроқ аста танасига, ундан тумшуғига кўчар, ўқтин-ўқтин кучаниб ҳам қўяр, кучанган кезлар бурnidан қон отиларди. Гоҳо кўзларини очар, бошини у ён-бу ён сулар, нотаниш овчига термилар, гўё: «Эй одам! Мен сенга нима ёмонлик қилдим?! Нега ёш жонимга жабр қилдиларинг? Наҳотки шу қадар раҳмсиз бўлсаларинг? Ёруғ оламни яқиндагина кўрувдим. Ота-онамнинг иссиқ бағридан жудо қилдиларинг. Онагинамнинг иссиқ, оппоқ лаззатли сутига тўёлмадим. Болани отишга қандай кўзларинг қийди? Ўзларингнинг болаларинг йўқми? Ота-онамни ақалли бир кўрсам майли эди?» — деяётгандай хириллар, назаримда ўлаётиб ҳам душманлари — одамлардан кўмак кутарди. Бу манзара мени ларзага солди. Кўнглимни айнатиб, кўзларимни тиндириб юборди. Аста-секин хотирамга чўкиб ётган хотираларни ҳам жонлантирди. Беихтиёр жияним Камолни эслай бошладим. Камол дам оппоқ Олқорчага, дам оппоқ Олқорча Камолга айланар, ораларидаги фарқ Камол — ўйнаб юрар, Олқорча эса ўлолмай талваса қиларди. Лекин кўзлари ҳам, оёқлари ҳам, қулоқлари ҳам бир-бириникига шу қадар ўхшардики, бу мени бақирришга, нотаниш овчининг ёқасидан олиб сиқа туриб: «Нега жияним Камолни отасиз?! У сизга нима ёмонлик қилди? Сизда инсоф борми ўзи?!» — дейишга мажбур этар, бироқ журъат қилолмас, тўғрироғи, тилим буралмаётганди. Кўнглим айнаганидан айнар, кўзларим тингандан тинар, вужудимни ташналик, изтироб ва нафратга ўхшаш ёқимсиз туйғу кемиргандан кемирар эди. Ниҳоят белим сиқилгани, сўнг чимчилаганини сезиб

ёнимга ўғирилдим. Турдивой зўр бериб белимни сиқар, бошини кўксимга уриб ҳиқирларди:

— Кетамиз! Кетамиз! Кетамиз! Кўрқяпман.

Турдивойнинг ҳиқирлаши, чимчилаши танамда чайқалиб турган оғриқ ва ташналик, изтироб ва нафрат туйғусини кўкрагимга, ундан томоғимга кўтарарди. Хўнграб юбордим. Ичимда қандайдир овоз: «О, жияним Камол — Олқорча! О, жияним Олқорча — Камол!» — дея хитоб қилар, бошим ари уясидай гивирлар, томоғим қақраб борар, гўё қаердадир дарахтлар қулар, музлар қасир-қусур синар, одамлар бир-бирларининг уйларига бостириб кирар, ўт қўяр, тоғлар бир-бирига урилиб, парчаланиб кетар, сўнг таналари одамларга, оёқ-қўллари аллақандай махлуқларга ўхшаш мавжудотлар бир-бирларига ташланишар, гўштарини узиб олишар, ютиб юборишар, кейин гўё қуёш ой билан тўқна шиб кетар, олам олов орасида қолар, ҳаммаёқ қоп-қора рангга бўялар, юрагимда қиёмат-қойим бўлаётганди...

— Кетамиз, кетамиз! — ҳамон фарёд чекарди Турдивой.

«Кетамиз, — кўнглимдан ўтказдим, — ҳозироқ кетамиз! Бошқа овга чиқмаймиз! Анави нотаниш, қалласи катта, турқи совуқ одамни ҳам бошқа кўрмаймиз! У жияним Камол — Олқорчани отиб қўйди! Отам ҳам яхши одаммас. Овчини мақтади!»

Мен қотиб турар, юзимни чангаллаб, лабларимни тишлаб йиғлар, қулоқларим остида ўқ овози тинимсиз жаранглар, танамдан эса ўқ санчилганда — шундай тасаввур қилардим — юз берадиган кучли оғриқ ва ташналик, қисқа муддатли кескин қизиш, санчиқ, санчиқдан кейинги ҳолсизлик, ҳаммаси жамланган кездеги даҳшатли санчиқ ва изтиробни кечирардим. Тушунчамда эса ўлим ва ўлмаслик учун сўнгги бор қилинаётган жанг, яъни Олқорча танасидан кечирган оғриқ ва яшаш учун қилаётган ҳаракати ҳақидаги ўй чарх уриб айланарди. О, боёқини Олқорча! Танасидан яна қандай оғриқлар кечирди экан?! Балки, жичча олдин биз одамлардан кўмак сўраб, танасидаги оғриқ ва ҳолсизликни олиб ташлашимизни истагандир! Кўзларидан шу кез ана шундай бир туйғуни уқиб олиш қийин эмас эди. Ниҳоят, Олқорча кўзларини очиб «муу...» лади, кейин эса боши кўтарилди-да, оёқлари кучсиз силкинди, охири оғир ва кучли силкиниш юз берди-да, жимиб қолди. Бир фасл бевақт сўлди, хазон бўлди, уни анави одам ва ўқ тугатди... Бу ҳол мени яна ўйга толдирди... Камол гўё дам ўзини ойимга, дам Маърифа опамнинг қучоғига отар, дам нон, дам кўкрак сўраб хархаша қилар эди. Камолни дам ойим, дам Маърифа опам кўтариб олиб осмонга отар, нон беришар, кўзларидан ўпиб қўйишар эди. Бир пайт Камол

ерга йиқилди... Шу ерга етганда фикримни йиғиб олдим. Олқорчанинг кўзлари мутлақо юмилган, Камол билан унинг орасидаги фарқ ҳам шу эди. Қаршимда эса ҳалиги турқи совуқ, жилмайиши ҳам совуқ нотаниш овчи отамга «ўлжа»ни кўрсатиб тинмай мақтанарди. Ғазаб ва нафрат билан унга қараб туриб, уни Ортиқвой ўғридан ҳам, ҳатто ҳовлимизга тушган бўғридан ҳам ёмон кўриб кетдим. Катта бўлсам уни роса тепкилайман, деган ўй беихтиёр миямга урилди. Турдивой! Боёқиш Турдивой ерда ўтирар, ранги мурданики каби оқариб кетганди.

— Ота, кетамиз,— дедим ва Турдивойнинг қўлтиғидан олиб турғазишга уриндим. Лекин у қимирламайди.

— Маҳкам! — деди отам бўғилиб ва аввал мени, сўнг Турдивойни турғазишга уринди, — кетинг, кетинг, болалар кўрқишди.

Отам бизни булоқ бўйига олиб келиб, юзимизга сув сепди. Бу пайт нотаниш овчи Олқорчани елкасига ташлаганча пастлаб борарди.

— Сенлар билан овга чиқишнинг оқибати шу-да, — деди отам кишлоққа кира бошлаганимизда. — Энди, сенларни овга олиб чиққан одамнинг падарига лаънат.

Ҳовлига кирибоқ Камолни изладим. У назаримда ҳали ҳам ўқ еб ағанаб ётар, бунга ўзимни ишонтирар, мана, ҳозир шундай бўлади, деб ўйлардим. Кутилмаганда Камол теша кўтариб ошхонадан чиқди. Илдам бориб, уни кўтариб олдим-да, йиғлаб юбордим. Бу гал Камолнинг югуриб юрганидан, уни шу ҳолда кўрганимдан йиғлар эдим.

...Турдивой оғриб қолибди. Онаси Шафоғат хола уйимизга чиқиб:

— Усмонали ака, — деди отамга, — сизда инсоф борми, муштдай болаларни овга олиб чиқасиз-ми? Ўғлим шайтонлаб ётибди. Бир нарса бўлса товонига қоласиз-а!

Отам ялиниб-ёлвориб, айбдор эканини айтиб, Шафоғат холамни кузатиб қўйди.

Мен роса бир ҳафта сирқовланиб юрдим.

Отам милтиғини районга олиб бориб топшириб келди...

Ов, Олқорчанинг отилиши туфайли юрагим яна чидаб бўлмас даражада оғриди.

«Олқорча! Сенинг ўлимингга мен сабаб бўлдим! — деган ўй тинчлик бермасди. — Нимага овга олиб чиқинг, дея хархаша қилдим-а! Ҳаммасига чиндан ҳам мен сабаб бўлдим! Кечир... Мени... Олқорча! Вақт етиб сени унута олармиканман? Ўзимни кечира олармиканман? Унутолсам, кечира олсам қандай яхши бўларди!

Умуман ўқ, милтиқ борлиги, ўқ-милтиқ билан одамлар сен — Олқорчанинг пуштингни қуритиши мумкинлиги ҳақидаги ўйни ҳам вақт етиб унута олармикинман? Ишқилиб унутай-да! Олқоржон, мени кечир!

Ҳаммасига — мен сабаб бўлдим! Лекин ўқни ҳам, милтиқни ҳам мен ўйлаб топмаганимни сен тушунишинг керак. Вақт етиб, ўқлар, милтиқлар, босиш-ўлдиришларга чек қўйилса ажабмас... Сен бунга тушунолсанг қандай яхши бўларди! Менинг ягона ўкинчим ҳам мана шу!»

СОИФА ОПАМНИНГ ОЛГАН ЎЧИ

Соифа опам даладан қайтганда, айниқса ишга чиқмаган кезлари зерикар, сиқилар, табиатдаги бу қусур қиш кунлари яна ҳам кучаяр, Маърифа опам билан бўлар-бўлмасга жанжаллашаверар, мени, Мазифа, Риқси опамни турткилаб йиғлатар, шу тариқа чигилини ёзар эди.

Куз тушиб, бугдой ўрими охирлагач, Соифа опам бутунлай бекорчи бўлиб қолди ва кайфияти мутлақо синди. Маърифа опам билан жанжаллашиши, бизларни турткилаб йиғлатиши ҳам жонига тегди шекилли, янги «ўйинлар» ўйлаб топди. Энди у Шарофат холамнинг Бувхон исмли, бақалоқ, узига ўхшаш йўқни йўндирадиган қизини чақириб келар, баъзан тунашга мажбур қилар, сўнг биргаллашиб қачонлардир бирга ўқиган ўртоқларига имзосиз, адрессиз хатлар ёзишар, тарқатишни эса менинг зиммамга юклашар эди. Ўзи айтмоқчи «боқилган» калтагини ейишдан кўрқиб бўйнимни сиқиб, хатларни айтилган манзилларга ташлаб келар, шу тариқа маҳалламизнинг йигит-қизлари орасида ҳафталаб имзосиз, адрессиз хат келгани, «Алвасти», «Бўри», «Тулки», «Дев» қабилида ҳақоратланганликларини айтишиб, сабабчисини излашар, топиб олишгудай бўлса, бошига ит кунини солишларини гапиришар, лекин топишолмай дардлари ичида эди. Оқибат Соифа опамнинг бу «ўйини» ҳам жонига тегди шекилли, бир кун кечқурун мен, Мазифа, Риқси опамни йиғди-да, бошлаб кўчага олиб чиқди. Эшигимиз олдидаги ясси тош устига ёйилиб ўтирар экан, қўлларини тиззаларига тиради-да, бўйнини чўзиб, Ортиқвой ўғриникига қовун ўғирлашга боришимиз, бирортамизнинг эътироз билдиришга ҳаққимиз йўқлиги, бош тортган одам калтакнинг «боқилгани»ни ейишини, шунингдек бу ҳақда отам, ойимга оғиз очмаслигимизни обдан қулоқларимизга куйгандан сўнг ниятимизни билиш мақсадида оғзимизга термилди. Мендан ҳам, Мазифа опамдан ҳам садо чиқмади, чиқиши мумкин ҳам эмасди. Чунки бунгача бундай таклиф, буйруқлар кўп бўлган,

ўйламай, «йўқ» деб «боқилган» калтакларини еявериб тавбамизга таянгандик. Биз эътироз билдирмаслигимизни ўғрибошимиз сезиб турар, фақат Риқси опамдан кўнгли тўлмаётганди.

— Мен бормайман, — деди Риқси опам ва ҳозироқ ўғирликка бораётгандай ва бундан ойим билан отам хабар топиб, калтаклаётгандай бечора бир қиёфага кириб, ўзини четга тортди. Боёқиш Риқси опам биринчи бор Соифа опамнинг «ўйинлари»га дуч келгани, «боқилган» калтакларини емагани учун ҳозир ҳам эътироз билдирганди.

— Мен сенга ким бўламан? — деди ўғрибошимиз гўё Риқси опам яна бир баҳона изласа қулочкашлаб қўйиб юборадиган важоҳатда.

— Опамсиз, — жавоб қилди Риқси опам ва «ёрдам бер, ўғирликка бормайман» дегандай Мазифа опамга термилди.

— Хўш, шундай экан, опангнинг гапини иккита қилишни ким ўргатди? — гапини давом қилди ўғрибошимиз кўзларини олайтириб. — Кемага тушганнинг жони бир. Опангнинг қўйнида, липпасида келган олма, ўрик, бодрингни пўк-пўккасидан туширганинг эсингдан чиқдими? Чиқмаган. Шундай экан, ошиқча гап бўлиши мумкинмас. Иннайкейин ойим, акамга айтсанг сап-сарик сочингдан бир тола ҳам қолмайди. Мазифа, ана унга бир нарса деб қўй.

— Соифа опамнинг жаҳли ёмон, — қувватлади Мазифа опам. «Хўп» дея қолинг. Бир марта мен ҳам «бормайман» деганимда тутиб олиб, орқамга хивич билан роса савалаган, бир ҳафта орқам билан ётолмаганман.

— Хўш, ўзларидан сўрасак? — деди ўғрибошимиз ва бу гал ҳам Риқси опам яна ўзини у ён-бу ён ташласа, очиқдан-очиқ қулочкашлаб қўйиб юборадиган қиёфада.

— Майли, бораман, — деди-ю, Риқси опамнинг кўзлари ёшланди. — фақат ўғирламайман. Кўтаришиб келаман.

— Яхши, камбағалга шу ҳам тешиб чиқмайди, қани, юринглар, — ўғрибошимиз сапчиб турди ва бизни девор орқасидаги томорқамиз томон бошлади. Девор орқаси сайхонлик бўлиб, шу қадар тинч, хилват жой эдики, тун билан бутун бир молни сўйиб, саранжломласа ҳам ҳеч ким кўрмас, сезмасди.

— Кўргансизлар, Ортиқвой ўғри бу йил қовун экиб, мўмай ҳосил олди. Гўрсўхта итдай ириллаб ҳаммасини яшириб қўйди, жияним, деб менга ҳам ақалли бир дона бермади. О, бирам қовун егим келяптики... Ҳа, майли ҳозир ейман. Қаерга беркитганини биласизларми? Билмайсизлар. Менинг кўпдан бери сўлагимни оқизиб келаётган ўша қовунлар, ўғрининг томида, пичанни тагида.

Сизлар том орқасига ўтиб мени кутиб турасизлар. Борди-ю, бирор одам ўтса, ўзингизни беркинмачоқ ўйнаётгандай кўрсатасизлар. Мен секин ҳовлига кирман, ундан томга чиқиб, нарвонни кўтариб оламан-да, сизлар турган томонга қўман. Ортиқвой ўғри сезган тақдирда ҳам барибир томга чиқолмайди, чунки нарвон йўқ, том орқасида ўғирланган қовунлар учун хизмат қилаётган бўлади. Қалай, маъқулми?

— Яхши, — деб юборди Мазифа опам. Чиндан ҳам бу режа ҳаммамизга маъқул тушди.

— Унутманглар, қулоқларингизда бўлсин, — таъкидлади ўғрибошимиз.— Тез ва чаққон ҳаракат қилинлар, биласизлар, ўғирлик вақтида гаплашиб бўлмайди. Ҳаммасини имо-ишора билан бажарамиз. Менинг кўз қисишим, лаб буришим, қўл силкишимга қараб буйруқни бажарасизлар. Мазифа, сен томга чиқасан, Риқси бўшанг, майли нарвонда тура қолсин. Мана бу каллахум ерда туриб қовунларни тахлайди. Йўқса гўллик қилиб, сездириб қўйиши мумкин. Эҳтиёт бўлинлар, келишдикми?

— Келишдик, — жавоб қилди Мазифа опам бу гал ҳам ҳаммамизнинг номимиздан. Соифа опам она товукдай биз — жўжаларни бошлаб, Ортиқвой ўғрининг ҳовлиси томон юрди, сўнг бизларни том орқасига ўтказиб юбориб, ўзи ҳовлига кириб кетди. Биз гуж бўлиб атрофга аланглар, юракларимизни ҳовучлаб ўғрибошимизнинг томга чиқиши, имлашини тоқатсизлик билан кутардик. Ўғрибошимиздан роса ярим соатча дарак бўлмади, бу орада икки одам гаплашиб, ёнимиздан ўтиб ҳам кетди. Шундан салгина олдин Мазифа опам мени туртиб: «Бор, беркин, биз қилирамыз, бора қол», деди-ю, оёқлар овози тиниши билан «оҳ» садоси узилди ва кўкрагига туфлади. Мана, орзиқиб кутилган дақиқамиз ҳам етиб келди — томда ўғрибошимизнинг қораси кўринди. У бегона томда ҳам ўйин қилиб, товони билан бемалол юрар, бармоқларини бири-бирига ишқалаб рақс ҳам тушарди. Ҳартугур биз томонга нарвон туширилди. Тушиши билан ўғрибошимиз Мазифа опамга «чиқ» ишорасини қилди. Бахтга қарши худди шу пайт катта кўчадан биз томонга яқинлашиб келаётган одамларнинг овози эшитилди-ю, режамизни ўзгартириб юборди. Ўғрибошимиз бир нафас жим қолиб овоз эшитилган томонга қулоқ солди, овоз яқинлашавергач:

— Тез чиқинлар, — деди ва апил-тапил нарвонга ёпишиб, бўғотга яқинлашганимизда елкаларимиздан чангаллаб томга ота бошлади. Кейин нарвонни ҳам тортиб олди-да устимизга бир боғдан пичан ташлаб қўйди. Пичан тагида бўғилиб, қовунларни қучоқлаганча, димоқни қитиқловчи ҳидни ҳидлаб, узоқ ётганимиздан сўнг овоз тинди-ю, Ортиқвой ўғрининг ҳовлисида

нотинчлик бошланди. Табиийки, бу Ортиқвой ўғри билан хотини ибo холанинг овози эди.

— Ваҳима қилманг, — дерди Ибо хола эрига, — кечаси томга ким чиқарди. Ёмғир ёғаётгандир.

— Қоқбош, ҳаво очиқ-ку, қаёқдан ёмғир ёғади, — койирди Ортиқбой ўғри хотинини. — Томда кимдир юрди.

— Қани, кўринмаяпти-ку, юринг, уйга кирайлик, Эргашвой кўрқади,— тинмай минғирларди Ибо хола, — ҳаммани ўзингизга ўхшатасиз. Қўлига тушган нарсани сувлаб юбораверади, деб ўйлайсиз.

Худога шукур эр-хотиннинг ҳам овози ўчди.

— Шошманглар, — шивирлади ўғрибошимиз пичан тагидан бошини чиқариб. — Гўрсўхта, писмиқ, ивирсиб юради.

— Қораси ўчди, — деди Мазифа опам шивирлаб.

— Қани бўлмаса, жўжаларим, — ўғрибошимиз устидан пичанни олиб ташлаб, ўрнидан турди, — кўзғалинглар, ишни бошлаймиз, — у нарвонни туширди, «ўғрилар» жойларини эгаллашди. Ўғрибошимиз қовунни олиб узатар, Мазифа опам Рикси опамга, Рикси опам менга тутар, мен эса ўз вазифамни аъло бажараётгандим. Ўғрилик айтилгандан зиёда ўринлатилди. Ўғрибошимиз димоғида бир нималарни хиргойи қилиб пастга тушар экан, нарвонни елкасига қўйди-да, олиб бориб мактаб деворидан ошириб ташлади. Кейин қўлтиғимизга иккитадан қовун қистириб жуфтақни ростладик. Сайхонлика чиқиб олганимиздан сўнг ўғрибошимиз бир оз дам берди. У чордана қуриб ўтириб олди-да, хиргойисини давом эттирди. Энди у катта қовунни тиззаларига уриб ёрди-да, сахийлик билан бизларни меҳмон қилди. У қовунни афтига суртиб, бурнини ботириб ер, баъзан отам ҳарбийдан юборган «ортиқ»ни Ортиқвой ўғри ўғирлаб қўйганини айтиб, уни ҳали-бери тинчитмаслигини уқтириб бизларни кулдиради. Қовунни шу қадар кўп еб юборибманки, уйгача аранг етиб келдим. Ўғрибошимиз оёқ учида юриб, кўздан йўқолди ва қовунларни беркитишга Мазифа опамни кўндириб чиқди. Қовунларни кўтариб кичик уйга, Маърифа опамнинг ёнига кирдик. Ойим: «Қаёққа йўқолдиларинг?» — деганида: «Кўчада ўйнаб юрувдик», дея баҳона қилдик. Сирни яширишга яширдиму, бироқ эрталабгача тўлғониб чиқдим. Опаларим ҳам менинг аҳволимга тушиб қолишганди. Жоним оғзимга келар, лекин сир ошкор бўлишидан кўрқиб, ноилож қорнимни сиқиб чегараланардим. Шу тахлит уч кунни азоб билан ўтказдим. Мактабга борар, дарс тугагунча эшикка қарайверар, гўё Ортиқвой ўғри эшикдан мўралаб: «Мана бу тирранча қовунимни ўғирлади», дея болалар олдида шармисор қилаётгандай туюлаверарди. Қорним оғригандан ҳам кўра кўпроқ мени қўлга тушиб,

шармисор бўлиш хавфи қйнарни. Соифа опам уриб ўлдириб қўйган тақдирда ҳам бундай ишларга бошқа бош қўшмасликка аҳд қилдим. Чунки ҳамма дардан ҳам кўра ўғирлик қилгандан кейинги дардни унутиш оғир экан...

Бошқа ҳеч ўғирлик қилмайман. Олдинроқ шундай азобланишимни билганимда сира ўғирлик қилмаган бўлардим!

ОЙИМНИНГ РАНЖИГАНИ

Отам ёлғиз қолган кезлари одампарвар бўлиб кетар, катта-кичикни ажратмай меҳрибончилик қилар эди. Баъзан у бола қиёфасига кирар, кўнглини очиб ташлар, бизларни шу қадар суюб эркалатардики, меҳр-муҳаббатни тўла изҳор қилолмаганидан баъзан ойим, опаларимга ҳам ортиқча, ҳатто бачканаликкача етадиган даражада мулозамат кўрсатар эди. Баъзан эса — кўпроқ ароқ ичиб келган кезлари — шу қадар ёввойилашар, турқи шафқатсиз, раҳмсиз тус олар, арзимаган баҳоналар билан ҳаммамизни бирдай ранжитар, орага совуқлик солар эди. Ойимнинг айтишича, отамнинг ҳарбийдан қайтиши ушалмаган орзулар манбаи, насиб этажак бахт ва шодликлар манзилга айланиши, бутун мақсадлар шунгагина хизмат этиши керак эди. Қисқа вақт ичида ойимнинг бекорга талпингани, урингани сирини ошкор бўлди ва афсус-надоматлар чека бошлади. Бу манзара очиқ сезилмас, имо-ишоралар, чеҳраларда, оёқларнинг босилишида кўринар эди. Отам ҳарбийдан қайтгач хонадонга бошчилик қилиши ва буни ҳар кун, ҳар дақиқа эътиборга олиши зарур эди. Аксинча кўп ичиб келадиган, ҳеч нарсага диққат қилмайдиган одат чиқарди. Ичиб қўяр, ичиб қўйгандан кейин эса ўзини қўлга ололмас ва бундан азобланар, орадаги нохушликни ёзолмай, ичкиликка багтар хуруж қўярди. Отам Алмат, Миркошиф исми ўртоқларини уйимизга бошлаб келиб ичишгани, оқибати ойим, опаларим билан ораларига тушган совуқчилик, гарчи бу совуқчилик ойимнинг ташаббуси билан бир оз муросага келтирилган, отам бунга диққат қилиши зарур бўлса-да, ичишни яна ҳам кучайтирди ва орадаги совуқлик яна ҳам кескинлашди. Бу пайтга келиб, отамнинг ҳарбийдан қайтган куни қиёфасида акс этган ёқимлилиқ, олижаноблик менга сунъийдай, ёлғондай туюла бошлади. Буни англаганимдан кейин эса Ортиқвой ўғрининг ойим, опаларимни урганини айтишга бекорга ошиққаним, айтмай тўғри қилганимдан хийла шодландим. Айтган тақдиримда ҳам, ўз ғурурини ўзи оёқ ости қилган одам ўзгандан ўч ололармиди! Отам ойда икки марта маош олар, олиши билан кўчадан бери келмас, ойимнинг айтишича, итни ҳам, битни ҳам чақириб меҳмон қилар, шу тариқа

пулини тугатиб қайтар, сўнг қилмишидан мулзам бўлиб, Ҳошим деган чойхоначидан қарзга нон олиб келар, қарзини узолмай яшириниб юрар, эвазига бизларни ранжитар эди. На Соифа опамнинг бўйига етгани, эрта ё индин турмушга бериш зарурлиги, на менинг ёшим улғайиб бораётгани, суннат қилинишим кераклиги, на қишга тайёргарчилик ҳақида бош қотирар эди. Ойим шу ҳақда гапирганида, отам: «Менга ароқдан ке, мени ҳеч нарса қизиқтирмайди», қабалида жавоб қиларди. Ойим куйиб-пишар: «Отангнинг отаси ўзига ўхшаган одам экан, бола-чақаларини ташлаб бир калава ип, битта жуводизни олиб «ҳайё-хут» дея сайру саёҳатда юраверар экан», қабалида ҳасрат қиларди. Хонадонимиз бир нави нурсизланиб борарди.

Қиш ўрталарига келиб қалин қор ёғди. Қишлоқ одамлари учун танчага миҳланиб олиб, деразадан ташқарига термиладиган, орзиқиб иссиқ кунларни кутадиган палла бошланди. Ойим тун-кун тикув машинасини фитиллатар, хонадонимизнинг корини енгил қилиш йўлини излар, Маърифа опам билан Соифа опам колхоз омборига чиқиб буғдой элашар, Маърифа опам билан Рисқи опам эса ойимнинг ёнида ғимирлашар, мен Камолни бошлаб кўчага чиқар, қоронғу тушганча сирпанчиқ учиб, қўлларим кўкариб, кийимларим шалаббо ҳўл ҳолда қайтардим.

Ўша куни ҳам отам оёқларида туролмайдиган даражада маст бўлиб қайтди. Йиқилиш оқибатида уст-боши лойга беланганди. Опаларим отамни кўришлари билан уйга кириб кетишди. Мен сирпанчиқ учиб, ўлғудай очиқиб, ойимнинг ёнига, ошхонага отланиб турган эдим, отамни кўриб қадамимни тезлаштирдим. Ошхона эшигига етганида ичкаридан ойим чиқди-да:

— Вой ўлмасам, — шивирлади отамни қарши олар экан. Кейин қизларим кўрмасин деган ниятда бўлса керак, дарҳол отамни қўлтиғидан ушлаб уйга етаклади. — Ичкарига кира қолинг. Кўришмасин.

— Кўришса нима қилибди, — отам оғзини хунук очиб кекирди! — Ичдим, ўз пулимга ичдим. Эр сенми ё менми?

— Илоё бой бўлинг, секинроқ, — ойим иложи борича секин гапиришга, отамни ҳам секин гапиртиришга уринар, гарчи опаларим аллақачонлар деразадан бошларини чиқариб манзарани кузатишаётганини сезиб турса-да, ўзини билмаганликка соларди, — ўзингизнинг пулингизга ичасиз. Ичиб келиб, ёта қолсангиз олам гулистон. Ичкарига киринг, ҳозир иссиқ чой дамлаб бераман. Зора кайфингиз тарқалса.

— Чойингни ўзинг ич, — гўлдиради отам ва ойимнинг елкасига қўлини қўйиб силкир экан, итариб юборди. Ойим гандираклар

бориб мункиб кетди ва аранг ўзини ўнглаб олди. Ойим буни ҳазилга йўйди шекилли, эътибор бермаган қиёфага кириб отамни яна ичкарига етаклади.

— Ётиб озгина дам олинг, аччиқ қўноқ гўжа қилиб бераман, — ойим отамни алдаб-сулдаб уйга олиб кириб ётқизди. Отам ёта туриб чалқанча йиқилди, буни ойимдан кўрди шекилли, тегиш мақсадида оёқларини кўтарди. Ойим отамнинг тегишга шайланаётганини сезса-да, ўзини овутиш, кўнглини чўқтирмаслик мақсадида оёғини ушлаб секин босди. — Ёта турунг, ҳозир ўзингизга келиб қоласиз.

— Жонимга тегдинг, миямни қоқиб ташладинг, — отам ўрнидан турди ва тишларини ғижирлата туриб, ойимнинг чап юзига қулочкашлаб қўйиб юборди. Ойим мендан хижолат тортиб юзини ушлади-ю, отам урмаган, гўё қўли тегиб кетгандай жилмайиб, ўзини дарҳол ўнглади ва ёнига ўгирилди. У отамга яхшилик қила туриб эвазига ҳақоратланганлиги сабабли: «Мен сизга яхшилик қилсаму, сиз урсангиз, одам шунчалик ҳам кўрнамаклик бўладими», дегандай отамга узоқ қараб турди. Шундан кейингина ойим таҳқирлангани, ранжиганини ошқор қилиб қўйди.

— Эсингизни едингизми, — деди кейин у ва ҳақоратга чидолмади чоғи, кўзлари ёшланиб кетди. Ойим отамнинг юзига илк бор тик қараши, қаттиқ ранжиши эди. Ҳозир отам урганга эмас, уни ўзи ҳақоратлагани, гап қайтарганлигига йиғлаб юборганлиги аниқ эди. — Уялинг, кап-катта одам, ҳарбийдан қайтгунигизча кўзларим тўрт бўлувди.

— Урушдан қайтмасам яхши эди, — деди отам ойим томон сурилар экан. Шу пайт уйга Маърифа опам билан Соифа опам кирди-ю, орага чуқур сукунат чўқди.

— Ака, — мурожаат қилди Маърифа опам, лекин «уялинг» дея олмади. Бу унинг бўғилиб қолганидан сезилди. У иложи борича отам билан ойимни мурсога келтириш учунг секин гапирарди. — Ойимни нимага қийнайсиз? Ўзи емай бизга егизиб, ўзи киймай бизга кийгизиб, ҳолдан тойди, ўзини ўтга, чўққа урди. Кўкрагига офтоб тегмади. Ҳарбийдалигизда Ортиқвой ўғри урувди, энди сиз...

— Сен менга ўгайсан, — деди отам бошини қимирлатиб, Маърифа опамга назар ташлар экан, — ўгай бўлмаганингда юзимга тик қарамасдинг.

— Ака, — гапга аралашди Соифа опам, — ундай деманг. Биз ҳеч қачон юзингизга тик қарамаганмиз. Аммо энди ойимни уришингизга йўл қўймаймиз, яхшиси бизларни уринг.

— Қани жўнанглар, бизлар билан неча пуллик ишларинг бор, — ойим Маърифа опам билан Соифа опамнинг раъйига қарамай

ташқарига итариб чиқара бошлади.

Опаларим билан орқама-орқа ойим даҳлизга чиқди, ундан ҳовлига тушди ва йўқолиб қолди. Ойимнинг орқасидан эргаша туриб бирдан очиққанимни хис қилдим ва ошхонага кирдим. Ойим ияқларини кафтларига тираб ўтирар эди. Мени кўриши билан кўзларини олиб қочди.

— Эй худойим! — шивирларди баъзан у. — Нега бунча бахтсиз қилиб яратмасанг. Кўз очиб кўрган эримни Совирвой ўроқ билан чопиб ташлади. У ўлмаганда бу кунларни кўрмасмидим. Икки қизим ўгай ота қўлига боқим бўлмасин, деб ўн йил бева ўтирдим. Қариндош-уруғлар, отам ёш умрингни хазон қилма, ўгил кўр, деб турмушга чиқишга мажбур қилишувди. Оқибат мана... Худойим, бир фақир бандангни шунчалик қийнайсанми? Соифа бўйига етиб турибди, ўғлимни суннат қилиш керак...

Ойимга қараб туриб, уни жуда ҳам яхши кўришим, ҳозир бу туйғум бир карра кучайгани, отамни ойимчалик яхши кўрмаслигимни анча аниқ ҳис қила туриб:

— Ойижон! — дедим-да, бўйнига қўлларимни ташлаб, ёшли, шўрли, юзидан ўпдим. — Йиғламанг! Йиғламанг! Йиғласангиз қочиб кетаман!..

— Анваржон! - ойим фарёд аралаш гулдираб эҳтирос билан мени бағрига босар экан, шу қадар тўйиб йиғладики, анча вақтгача титроғини босолмади. — Анваржон! Яхшиям сени туққан эканман. Тезроқ улғайсанг қаддимни кўтарсам. Сени деб иккинчи эрга чиқувдим. Тўғри қилган эканман...

Ойимнинг бўйнини қаттиқроқ сиқиб, яна бир бор уни севишим, севганда ҳам телбаларча севишимни англадим ва бағрида туриб тезроқ улғайишим, ойимнинг қаддини кўтаришим ҳақида орзу қилиб, бундан буён ҳам кўнглини қолдирмасликни юрагимга тугиб қўйдим.

— Ойижон, йиғламанг, — деган овоздан бошимни кўтардим. Бу Маърифа опамнинг овози эди, — акам кетаман, деяпти, кетса кетади-да, нима қиласиз, пешонангизда бор экан. Тавба, урушдан олдин жуда яхши одам эди. Худо инсоф бериб қолар...

— Гўжани суз, — деди ойим ва шиддат билан ўрнидан турди, энди қиёфаси мутлақо жиддийлашган, чеҳраси ҳам тиниқлашганди, — сенлар ниманинг фарқига бора қолибсанлар. Эрга чиқиш, ажралиш, одамларга мазах бўлиш осонми. Ўзингдан қиёс қилмайсан...

Ойим мени кўтариб кичик уйга олиб кирди. Маъфира опам эса овқат сузиб келди, лекин ҳеч ким овқатга қарамади. Ойим шу тун опаларимнинг ёнида тунади, эрталабгача мижжа қоқмади. У

бир нималар деб гулдирар, фақат «худо» деган сўзнигина англаб қолардим.

ХУДО БЎЛИШНИ ОРЗУ ҚИЛГАНИМ

Катталардан, айниқса ойимдан «худо» сўзини эшитавериш, ўша катталар ва ойимнинг кўмак кутиб, илинж, юпанч излаб ана шу «илоҳиёт»га илтижо қилаверишлари хотирамга тобора чуқурроқ ўрнашарди. Тасаввуримда аниқ қиёфага эга бўлмаган, мутлақо мавҳум, яъни одамларнинг айтишларича кўмаклар, каромату саховатлар манбаига айланган шу илоҳиёт чиндан ҳам кейинчалик мени таажжубга солиб, ҳайрат ва таажжубимни оширгандан ошира борди. Жуда қисқа вақтда каттадан-кичикни бетоқат қилиб қўйган ўша илоҳиётни кўриш, билиш, қодирлиги сирини англаш иштиёқи юрагимда тобора камол топиб, уйғунлашаётган, яъни ҳамон болалик тутқунлигида келаётган туйғуларимни жўштириб, қалбимни орзуларга тўлатиб ташлаётганди. Албатта, бу туйғулар ҳали аниқ қарор топмаган тасаввурлар, ишониб-ишонмаган, пишиб-пишмаган туманли тушунчалар билан боғлиқ эди. Бундан қатъий назар менинг қизиқувчан ва тез таъсирланувчи туйғуларим мени аниқ бир қарорга келишга, қодир худони аниқлаб олишга, йўқса, ундан мутлақо умид узишга мажбур қиларди. Яна бунга сабаб — одамларнинг тинимсиз қилган илтижолари, лекин эвазига қоқ қуруқ қолиб, гўё бирортасининг ҳам илтижоси инobatга олинмагани, шунингдек, бирор одам уни кўриш шарафига ноил бўла олмагани эди. Шу пайтгача мен, илтижолар аста-секинлик билан инobatга олинади, деган фикрда эдим ва бунга шубҳасиз ишонардим ҳам. Аниқроғи, ҳали айтганимдай ҳаммасига отамнинг ароқ ичиб келавериши, ойим ҳақоратланганида «худо» деб қилган илтижолари сабаб бўлганди. Ниҳоят, шу тун ёниб-ўртаниб ўша Қодир худо ҳақида чуқур ва жиддий ўйлай бошладим.

Уй ичи қоронғи, баъзан ойимнинг бўғиқ ҳиқирлаши эшитилиб турар, опаларим эса миқ этмай ухлашар, фақат менгина бетоқат эдим. Жияклари йиртилиб, бир оз ҳидланган кўрпа учини иякларимга тортиб, шифтга термилганча ўша Қодир худо ҳақида астойдил бош қотирар, ўзим билганча уни тасаввур қилардим. Ягона мақсадим: ақалли бир нафас қодир худога айланиш, у худо бўла туриб, ўз ихтиёрим билан ишлаш, тезроқ орзуларимни амалга ошириш эди. Эсимда, худога айланиш арафасида ўзимни бахтиёр ҳис қилар, лекин бу гал бахтиёрлик туғуси мени азоблаётганди. Уйқусизликдан қийналар, назаримда бундан кейин, мутлақо ухлай олмайдигандай эдим. Азбаройи асабим таранглашганидан ақалли пашша учса ё кимдир хуррак отса ҳам юрагим ёрилиб кетай дерди. Мен орзуларимнинг ушалишига ҳеч қачон бунчалик эътиқод

қўймагандим. Худога айланиш иштиёқи ва ишончи мени сархуш этганди. Тинимсиз фикрлашлардан сўнг ниҳоят одамлар ошиқча эътиқод қўйган, телбаларча севган, эсларини таниб, кўзлари юмилгунга қадар қўмак кутиб илтижо қилишган Қодир худо аста-секин тасаввуримда турли қиёфаларда намоён бўла бошлади. Табиийки, мен уни ўзим кўрган, билган одамлардан, шунингдек, эртактлардаги шоҳлардан, уларнинг қиёфаларидан чиқиб кетиб, тасаввур қилолмасдим. Шу қўйи кўзларим олдида бир неча дақиқа ноаниқ манзаралар, мавҳум қиёфалар ажи-бужи шаклда жонланиб туриб, сўнг аста тасаввуримга кўчди. Кўчди-ю, бирдан «худо одамга ўхшамайди», деган катталарнинг гаплари ёдимга тушди. Аста-секин назаримда боши Чорлоқ тепадай, бўйни ҳам шунга яраша йўғон, кенг ва дўнг пешонали, сертомир пешонасини оппоқ салла билан чиройли қилиб танғиб олган, қулоқлари кўча эшигимиздай, билак ва болдирлари лорсиллаган, оппоқ иштон, яктакда, пахмоқ соқол, мўйлови ҳам оппоқ ўша Қодир худо харидай келадиган кетмон сопига тиралиб, қишлоғимизга қараб турарди. Салдан кейин эса қиёфаси ўз ихтиёримсиз ўзгарди. У энди кўпроқ афсоналардаги қаҳрамонларга яқинлашган, яъни икки орадаги қиёфага кирган, вужуди ва кўзларидан оппоқ нур таралиб турар эди. У гоҳ баҳайбат қиёфага кирар, Чорлоқтепа устида ёнбошлаб ётар, икки томонидан иккитадан пар ёстиқ, қўлида эса пахта гулли пиёла, пиёлани бармоқлари билан қаттиқ сиқиб олиб, чуқур ўйга толганди. «Худо ҳеч ҳам бунақа бўлмайди, — деган фикр бирдан тасаввуримни хиралаштириб қўйди, — ахир у дарахтлар, сувлар, тоғлар, ҳайвонлар, одамларни яратган экан, бундай кичкина бўлмайди, яктак-иштон киймайди».

Ҳар ҳолда у подшоҳлардай кийинса керак. Ахир ойим айтиб берган эртактлардаги подшоҳлар қойилмақом кийим кияди-ку. Чунки подшоҳларни ҳам худонинг ўзи яратган деган қарорга келиб аввалги баҳайбат қиёфадаги худодан воз кечдим. Узоқ хаёлга чўмишдан кейин яна тасаввуримдаги ранглар, ҳолатлар тиниқлаша бориб, бир жойга жамланди-да, аниқ бир ранг ва қиёфа касб этди. Тасаввуримдаги осмонда энди куз кунларидаги каби оппоқ булутлар фасли ҳукмронлик қилар, булутлар тоғ омонга сузиб борар, қалинлашган ерида ўзим хаёлан яратиб олган Қодир худо оёқларини икки томонга ташлаб ўтирарди. Эғнида тўқ қизил рангли духоба тўн, тўнининг этак ва ёнларига олтин тугмалар қадалган, бошидаги симоби салласи устида олтин тож, тожга турли рангли қимматбаҳо тошлар қўйилган бўлиб, кўзни қамаштирар эди. Белида йўғон ва қалин олтин камар, камарда шер қиёфаси акс эттирилган, оёғида баланд пошналар қип-қизил этик, этиги қўнжигга ҳам гуллар

солинган. Қимматбаҳо тошлар қадалган. У гўдакники каби ингичка ва оппоқ бармоқлари билан мўйловини силаб, ёқимли жилмаяр, жилмайган кезлари бутун борлиги нурланиб, гўзаллашиб кетар, олам эса алвон рангга бўяларди. Уни тасаввуримда шундай ярата туриб ўзимнинг ҳам ҳавасим ортиб кетди. Қалбимда: «О, қани энди, худо бўлмасам ҳам, унинг кийимини кийиб, ойим, опаларимга кўринсам», деган орзу туғилди. Бир нафас фикрим чалғиб, ниҳоят калавамнинг учини топишга эришдим. Энди қодир худо қўлларини камарига тираб, атрофга мағрур ва синовчан назар ташлар, қизарган кўзлари тобора ғазабга тўлиб борар, чамаси ердаги одамларнинг қилмишларидан асабийлашаётганди. Кутилмаганда бирдан миямга: «Қодир худо бу аҳволда зерикиб қолмайдими?» — деган фикр урилди ва унинг корини енгил қилиш йўлини излаб қолдим. Шундай Қодир худонинг нима учун хизматкор-чўрилари йўқ? Бўлиши шарт. Ахир, ойим: «Подшоҳларнинг малайлари, қўллари бўлди», деганди-ку. Қодир худони шу зайлда фикран хоқонга айлантирдим ва ойим айтиб берган «Боғи Эрам» эртагидаги мақомчи пари қизларнинг иккитасини унга чўриликка бердим. Қизил либосдаги пари қизлар ўрилмаган намхуш сочларини хоқоннинг тиззаларига ташлаб, иякларини кафтларига тираб, ёнбошлаган ҳолда кўшиқ куйлашар, кўз ёшлари билан меҳрларини изҳор қилишар, гоҳ-гоҳ олтин пиёлада лолагун шароб тутардилар. Хоқон ҳамон булутлар устида мағрур ўтирар, гоҳ чўриларининг хизматларидан мамнун бош эгиб, миннатдорчилик билдирар, лекин уларни халос этишни ҳали-бери хаёлига келтирмасди. «Шошма, — дедим ўзимга ўзим кўнглимда, — шундай хоқоннинг қули ҳам бўлиши керак-ку. Унга пари қизларни пойлаб ётадиган девларнинг бирини қул қилиб бера қолай. Нима, асакам кетадими!» Хоқонни рози ҳам қилдим. Дев у ён-бу ён юрар, атрофга аланглар, бесўнақай бурнидан туманлар отилиб чиқар, баъзан қулоқни қоматга етказиб бўкирарди.

— Шошма, — дедим кейин шивирлаб, — ҳамма нарсага қодир худо нега хотин олмайди? Бола-чақаси бўлса зерикмайди-ку! Ухлаб ҳам олади. Балки, одамлар гуноҳ қилиб қўйишларидан қўрқиб ухламас... Айтмоқчи ойим: «Худо хотин олмаган, бола-чақа қилмагани учун ҳам бандаи мўминларга меҳрини тўла инъом этади, йўқса, меҳри бўлинади, унда худо бўлолмайди. Ёлғиз бўлгани учун ҳам у Қодир ва қудратли, айбсиз», деганди-ку.

«Қизик, — ўйлаб кетдим кутилмаганда, — у кимга ўхшаркан? Отамга ўхшамасмикин? Ҳечам-да, отам ароқ ичади, у эса ичмайди, овқат ҳам емайди, ароқ ичмагани, овқат емагани учун ҳам Қодир худо-да? Ойимга ўхшармикин? Ундан десам худо аёл

эмас-ку? Аёл бўладими, йўқми, бари бир оймга ўхшаса керак. Қизиқ, у чиндан ҳам эркакмикин ё аёлмикин? Эркакдир... Эркак бўлганда ҳам барибир отамга ўхшаб ароқ ичмайди. Эркаклар: «Аёллар подшоҳлик қилса, одамларни бошқаролмайди», дейишларига қараганда у албатта аёлмас. Ортиқвой ўғри, Сайфуллага ҳам ўхшамас... улар ғирт муттаҳам, ёмон одамлар. Қизиқ, ҳамма нарсени ўзи яратган, ҳамма нарсага қодир бўлса ҳам, нега одамларни бир-бирлари билан уриштириб қўйиб, ўзи тепада томоша қилиб ўтиради? Балки... яна ким билади, у ухлаб қолганда одамларнинг ўзлари бир-бирлари билан уришар...»

Фикрим чалкашиб кетди. Маълумки, хотирада кўпроқ кўнгилли—кўнгилсиз ҳодиса-воқеаларгина сақланиб қолади ва вақт етиб бирор сабаб туфайли қайта жонланади. Кўнгиллисига ҳавас қилинади ва фахр билан хотирланади, кўнгилсизини эса нафрат билан эсланади ва ғазабланилади. Менинг болалик хотирамда ҳам шу каби сон-саноксиз кўнгилли-кўнгилсиз кечмишлар сақланиб келар, баъзиларини қувониб эслар, баъзиларини эслаб туриб нафратланардим. Шу кез ана шундай қувончли бир хотирани эслай бошладим. Қишлоғимизда юз ёшни қоралаб қўйган Шермат бобо бўларди. Узун бўйли, қадди эгик, узун юзли, қўй кўзли бу чолни одамлар фақат мақтаб гапиришар, давраларда чолнинг бутун умр деҳқончилик билан шуғуллангани, бировларнинг ҳақиға хиёнат қилмагани, ҳалол меҳнат билан кун кўргангани айтишиб, шунинг учун ҳам узоқ яшаётганини тилга олишарди. Шермат бобони эслаб туриб бирдан худони ўша чол қиёфасида тасаввур қилдим ва бирдан беҳад қувониб ҳам кетдим. «Тўхта, — деган ўй урилди бошимга даъфатан, — худо ҳозир тепамада менга қараб турган бўлса нима дейди? Нима деса дейди-да. Нима, мен унга ёмонлик истаяпманми. Мен уни Шермат бобога ўхшатапман холос. Шермат бобо ахир соддадил, ҳалол одам дейишади-ку. Унинг устига ўзим ҳам «худо» бўлишни орзу қиляпман. «Худо» бўлишни орзу қилган одамни нимага ёмон кўриши керак экан? Ахир мен ҳаммага ўхшашни истамайман-ку?»

Ниҳоят, фикрлашдан толиқдим ва ҳали-бери худо бўлишга кўзим етавермагач, юзимга кўрпани тортдим-да, оғир «оҳ» чекдим. Бироқ тасаввуримда жонланаётган Шермат бобо қиёфасидаги худони қочириб юбориш, худо бўлишни орзу қилган бир пайтимда ундан айрилиб қолишдан кўрқиб юзимдан кўрпани олиб ташладим. Худо ўрнини эгаллаш, бир нафас одамлар, ҳайвонлар, ўсимликлар, дарахтларга ҳукмронлик қилиш, йўлидан адашганларни қайта йўлга солиб юбориш орзуси қайтадан

юрагимни қамраб, ҳаяжонлантирди. Шундай қилиб, яна орзулар оғушида ўртана бошладим. Шу тариқа мен бирор вақт танамдан кечирмаган, яъни титраш билан титрашдан олдин ва кейинги, ҳаяжонланиш билан ҳаяжонланишдан олдинги, орзуларга берилиш билан ўзни тергаш олдидан юз берадиган бир ҳолни кечири бошладим. Чунки мен худога айланиб, унинг ўрнини эгаллашга яқинлашиб қолган, измини қўлидан олиш арафасида турардим. Кейин бирдан назаримда қўлларим қанотга айлангандай туюлиб кетди-ю, хаёлан ўзимни оқиш булутлар устида ўтиргандай ҳис қилдим-да, дарҳол бандаи мўминларимнинг инон-ихтиёрларини қўлимга олдим.

— Мана, аканг худога ҳам айланди, мана энди ёмон бандаи мўминларимнинг жазосини бераман, — дея гўлдираганим эсимда. Чап жағимга шапалоқ тушди-ю, вужудим олов-оташ бўлиб қизиб кетди, томоғимга бир нарса тиқилди.

— Каллахум, худога айланишни сенга ким қўйибди, — ўшқирди Соифа опам кўрпа остидан бошини чиқариб, — нега худога шак келтирасан? Қиёмат-қойим бўлади. Ҳаммаёқни сув босади, тез тавба қил.

— Тавба қилдим, тавба қилдим... — дедиму, дарҳол бошимни кўрпа остига яширдим. Яширдиму, қандай жавоб қилиб Соифа опамнинг кўнглини овлаш, бошқа уришига йўл қўймаслик чорасини излаб, аста кўрпа остидан бошимни чиқардим-да, атрофга алангладим. Соифа опам жимиб қолганди. Тезлик, жуда тезлик билан қўлларим танамни сийпалаб чиқди. На соқолим, на олтин камарим, на саллам бор эди? Шундан кейингина худо бўлишни орзу қилганим, орзуйим энди ушалиб, эндигина худонинг ўрнини эгаллаганимда Соифа опам мен — худо — Анварни чўчитиб юбориб, Арши-аъло тахтидан қулатган, ҳафсаламни пир қилганди. Соифа опамдан, унинг қўлидан ҳам яна бир карра чидаб бўлмас даражада нафратландим ва ўч олиш мақсадида ўзимни билмаганга солиб оёғига телдим. Яхшики, Сариқ лўли буни сезмади. Сизганда, албатта ўнг қулоғим тагида ҳам шавла қайнатиши аниқ эди. Яна бир нафасга Соифа опамни унутдим-да, яна олдинги хаёлларга қайтдим. «Хўш? — ўйлаб кетдим яна. — Дейлик, Соифа опанг чўчитиб юбормай худо бўлиб олганингда, нима қилардинг? Албатта, шошмай иш бошлардим. Ҳар ҳолда Сариқ лўли чўчитиб яхши қилмади. Муттаҳамларнинг муттаҳами шу Соифа опамнинг ўзи экан. Шунга айтадилар-да: «Ўзингдан чиққан балога, қайга борай давога», деб. Хўш? Жин урсин шу Сариқ лўлини! Борки худонинг ўрнини эгалладинг ҳам дейлик. Чиндан ҳам ишни нимадан бошлардинг? Худо бўлиш, унинг

ишини давом эттириш бурнини қасмоқ босган, қўл-оёғидан ёзқиш кир аримайдиган сен болага осонми? Унинг устига мана ҳозир ўнг жағинга ҳам, ана шу Сариқ лўлининг шапалоғи тушиб қолиши мумкинлигини унутмаслигинг шарт. Вақт зиқ. Ҳозир тонг отади, тезроқ ишни бошла... Ишни биринчи... Хўш? Биринчи нимадан бошлардинг? Дейлик, оқиш булутлар устида ёнбошлаб этибсан. Ҳозирча ердаги одамларнинг қиёмат-қойим қилаётгани билан ишинг ҳам йўқ. Хўш? Ётибсан. Деввой пойлоқчилик қиялпти, пари қизлар эса атрофингда парвона. Мана, ишни энди бошласанг ярашар... албатта. Ишни биринчи бўлиб ҳовлимиздаги туғилганимда фарқ пишган қирмизи олмани кестирмасликдан бошлардим. Отамни шунга кўндираддим. Қизиқ, кесилмаганда ҳозир қанақа бўларди? Қуирмиди? Қизиғи йўқ, бари бир кесилмай қоларди-ку? Кейин нима қилардинг? Тезроқ бўл, ландовур. Хўш? Хўш? Уйимизга тушиб, эчкимизни бўғизлаб, ола-була боласини кўтариб кетган бўрини жазолардим, тумшуғини кесардим. Она-бола дўмбиллаб ўйнаб юришарди. Хўш? Кейин-чи? Эркин... Эркинни ариққа йиқитмасдим. Яхшиси: «Ҳозир ариққа йиқиласан, Мазифа опанга опичма», дердим. Эркин... Эркин... Яхшиси у ҳақда бошқа ўйламайман, чунки бурним ачишяпти, йиғлаб юборишим мумкин. Боёқиш ойим Эркинни деб юрак касалига мубтало бўлди... Яхшиси Эркинни ўлдирмасдим. Эркин тирик дейлик. Тирик! Тирик! У ўлмаган! Нега ўларкан? Биз унутмаганимиздан кейин, албатта ўлмаган бўлади-да. Кейин нима қилардим? Чиндан ҳам йиғлаяпман... Эркинни эслаб яхши қилмадим. Ҳа, майли, ҳозир ўтиб... кейин Зиётвой поччамни ҳарбийга юбормасдим. Кетдими, ўлдирмай қайтариб олиб келардим. Маърифа опам йиғламас, Камол етим қолмасди. Демак, Зиётвой поччам ҳам тирик. Ҳа-да, нега ўларкан? Юргандир, албатта, юз кўришамиз... Энди навбатдаги ишларга кўчиш керак. Хўш, Қодир худо? Кейин нима қилган бўлардингиз? Шу десангиз, Соифа опамни аравадан йиқитмасдим. У оқсамасди. Ана шундан кейин ойим: «Гулдай қизим ногирон бўлиб қолди», демасди. Уйимизни совчилар босарди. Соифа опам соппа-соғ, ана совчилар кела бошлади... Тезроқ... Кейин Риқси опамнинг ота-онасини қишлоғимизга кўчириб... Йўқ, бу унча тўғримас. Яхшиси, ўзини ота-онасининг бағрига олиб борардим. Ахир ўз ота-онаси бағрида яшаганига нима етсин. Шу маъқулроқ экан. Ана унда Риқси опам шодликдан хўнграб туриб мени бағрига босарди-да, Анвардан ўргилай, мени ота-онамнинг бағрига олиб бориб қўйди», дерди. Шунда Қодир худо туриб: «Бўлди, бўлди, талтайманг, тантиқликнинг ҳам чегараси бор, ота-онангизнинг бағрига олиб бориб қўйдим, етади. Қодир худо —

укангизнинг жаҳли ёмон, фикридан қайтиб қолиши ҳам мумкин, унинг икки пари — қиз малайи ва бир дев — пойлоқчиси борлигини унутмаслигингиз шарт. Худони бағрига босиб бўларканми?» — дейман. Тавба, чиндан ҳам худони бағрига босиб бўларканми? Босса худомас ахир у. Бу, телба табиат одамларга ҳайронсан. Худони ҳам бағрига босиб эрмак қилмоқчи... Хайф сизларга-э! Худо сенга шафқат кўрсатиб корингни енгил қилдими, йўлингга кетавер. Бўлди, кўп валдирамай, ишни давом эттир. Худони эрмак қилганлар билан сенинг ишинг бўлмасин. Биринкетин ҳаммаси жазосини олаверади. Хўш? Хўш? Кейин нима қилмоқчи эдинг? Ҳозир... Ҳозир... Ҳа, ариқ бўйида тутқаноғи тутган кампирнинг ўғилларини ўлдирмасдан ҳарбийдан қайтарардим. Бошқа йиғламасди кампир. Бундай йиғлайверса эсидан ажрайди ахир. Йиғиси, кўз ёшлари, титроқларини ҳам қайтариб берардим. Қизиқ, эвазига кампир менга нима берарди? Кампир бир ҳовуч туршак ёки жийда билан алдаб қўя қоларди. Ахир кампирларнинг ҳаммаси қитмир, хасис бўлишади-ку. Ҳой, қилган яхшилигинг эвазига ҳеч нарса талаб қилмаслигингни унутяпсан шекилли? Кейин Мазифа опамни гапирадиган, тез-тез куладиган қизга айлантириб қўярдим. Кейин, шу мактабимизнинг ҳам мазаси йўқроқ-да. Полсиз, зах... Оёғи оғриб қолиши мумкин одамнинг. Янги мактаб қуриб берардим. О, ўйлаб қарасам, қиладиган ишларим жуда кўп экан. Улгуролмайдиганга ўхшайман. Яхшиси энг зарурларини бажариб олай-чи. Кейин десангиз, отамни Алмат, Миркошиф билан ўртоқ қилмасдим. Чунки улар отамга ароқ ичириб, кўчадан маст қилиб юборишади. Борди-ю, отамнинг ўз ароқ олиш учун магазинга кирса, қўлидаги пулини «хуппп...» этиб кулга айлантириб қўярдим. Отам ҳайратга тушиб; «Тавба, кароматингдан ўргилай. Бу Қодир худонинг иши, угина шундай қилиши мумкин» деса, мен туриб: «Қалай, қойилми! Бу сизнинг ўғлингиз — Қодир худо — Анварнинг каромати, яхшиси ароқ ичишни ташланг, пулингизни кулга айлантириб қўйган Қодир худо ўзингизга ҳам тинчлик бермайди», дердим. Яхшиси ароқ деган нарсани бутунлай қуриб ташлардим. Ахир у кимга керак. Қилган иши жанжал, тўпполон. Бу ҳам хамирдан қил суғургандай осон битди, дейлик. Қани, Қодир худо? Кейинги режаларга кўчинг. Кейинги режалар шуки, Қодир худо онасини ишлатмасди, умуман бирор марта ҳам йиғлатмасди. Ортиқвой ўғри билан уриштирмасди. Ойим айтмоқчи муттаҳамларнинг муттаҳами шу Ортиқвой ўғри, тубанларнинг тубани ҳам Ортиқвой ўғри. Уни тилидан дорга осардим. Йўқса Соифа опам айтгандай қулоғидан осмонга тортиб олиб: «Хўш? Ўғри, шунча яшаганинг ҳам етар, а? Албатта, сени

яратиб одамлар сонини орттирганимдан кўра битта мол яратиб қўя қолардим? — дейман. — Ўзинг отам йўқлигидан фойдаланиб опаларимни урувдинг. Энди, жазога тайёрмисан? Менинг айтганим вожиб! «Кечирсинлар, Қодир худо! Янглишган эканман!» — деса қаҳ-қаҳ отиб куламан-да, бирдан қовоқларимни уйиб, сапчиб туриб қўлларимни белимга тираганча: «Асло. Энди мени тингла: «Гуноҳинг асло кечириб бўлмайдиган гуноҳ. Оғир, жуда оғир жазога лойиқсан. Қобил-мўмин, бечора, кучсиз одамларга кун борми ўзи, ё йўқми? Қачонгача у бечоралар эзилиши керак! Қачонгача катта кичикни, кучли кучсизни, эркак аёлни эзиб ташлайверади?! Йўқ, мен , Қодир худо, бундай ишларга асло йўл қўймайман! Мендан сўнг бошқа гап. Аммо мен барча бандаларимни тенг қиламан, отам айтгандай, китобларда ёзилгандай, катта-кичикнинг уйини тортиб олмайди, пуштини қуритмайди... Ҳайвонларни отиш ҳам ман этилади. Ахир инсон мен учун қанчалик қадрли бўлса, жониворлар ҳам, дарахтлар ҳам шунчалик қадрли-да! Умуаман, Қодир худо яратган жониворларни ўлдиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Энди тушунарлими! Сен, Ортиқвой ўғри, жазога маҳкумсан!» Шундан сўнг уни ерга ташлаб юбораман. Ана унда ерга чархпалак бўлиб тушишини кўрардингиз Анварвой... Балки тушмас. Бургутлар илиб олиб гўштларини маза қилиб ер. О, ана шуниси қойил экан! Чунки ерга тушса яна одамларни хафа қилади. О, қани энди шундай бўла қолса!.. Ҳа, Сайфулланинг ҳам бошига шундай кунни солган бўлардим. Хўш, кейин нималар қилардинг? Аммо-лекин кўнглимдаги гапларни Ортиқвой ўғрига айтиб, роса хуморимдан чиқиб олардим-да. Шошма, шошма, яна кўп ишлар қилишинг керак эди-ку! Яна... Яна... Нималар қилишим керак эди-я! Хуллас, яна кўп ажойиб-ғаройиб ишлар қилган бўлардим... Ҳа, айтмоқчи, асосий гапни унутаёзибман. Мутлақо уруш қилмасдим. Эй, каллаварам, бунга юқорида айтдинг-ку. Айтсам нима қилибди. Уруш қилмайман, деб юз, минг марта айтсам ҳам кам. Бева қолган аёллар, ота-оналар, болалар йиғламасди. Борди-ю, бандаларим менга қулоқ солмай, бемаслаҳат уруш бошлаб юборишса, бир-бирларининг уйларига бостириб киришса: «Хой кўрнамаклар, нимани ташляпсанлар?!» — дея қулоқларидан чўзиб лунжига муштлаб, қўлларидagi милтиқларини тортиб олардим. Ахир ойим: «Ҳаммамиз Одам Ато, Момо Ҳавонинг фарзандларимиз», дейди-ку. Нимага бир ота-онанинг болалари бўла туриб урушасизлар? Калласизсизлар, сизларда инсоф борми? Сизларга ўзи нима етмайди! Бир ишга қўл уришингиздан олдин озгина ўйлаб кўринглар, ахир!» Бу калтафаҳмларни шундай жазолаган бўлардим.

Кейин нима... Ҳа, ҳа, асосийси унутилибди-ку. Ленинни тугдирмасдим. Бобом, бибимни, тоғаларимни қулоқ қилди. Дангаса, ишёқмас одамларни фирқа қилиб ҳаммани ўлдирди. Ҳамма нарсани вайрон қилди.

— Худо деган мана бундай... — деганимни хира эслайман, ўнг жағимга шапалоқ тушди. Бу галги шапалоқ жағимни қийшайтириб қўйди, у ён-бу ён буриб, аранг тўғрилаб олдим. Бу ҳам Сарик лўли — Соифа опамнинг шапалоғи эди.

— Уйқу берасанми, йўқми, худо бўлолмайсан... — деди Сарик лўли ва бошқа томонга ўгирилди. Ҳунграб юбордим ва узоқ вақт ўзимни тинчита олмадим. Нима учун йиғладим? Соифа опамнинг ургани учунми ё худо бўлолмаганим учунми? Ҳар ҳолда худога айланолмаганим учун йиғлаган бўлсам керак...

Қодир худо бўлиш менга насиб этмади... Кўнглимга тугиб юрган, орзу қилган ишларимни ҳам амалга ошира олмадим. Эндигина ойим айтган — ер юзидаги издан чиққан ишларни янгитдан, қайтадан изга солиш ниятида эдим... Куролга, урушга, босқинчиликка, ўлимга чек қўймоқчи эдим... бўлмади...

ЯНГИ СОВЧИЛАР

Холдор япроқлар чирт-чирт узилиб, ҳавода липиллаб секингина ерга қўнгани, тўсатдан эсан шамол хазонларни турли томонга супургани, қарғалар қағиллашганча бир-бирларини чўқишиб, хасирва титишгани ҳали хотирамдан кўтарилмай туриб, яна менинг севимли кузим ҳам етиб келди. Мен, бу кузни бир синфга кўчиб, янги хонада кутиб олаётгандим. Гарчи бу куз ҳам қалбимни чексиз-чегарасиз қувончларга тўлдирган, ҳаяжонга солган бўлса-да, юрагимда оғир бир дард чўкиб ётарди. Отам ҳарбийни баҳона қилиб қаёққадир ғойиб бўлди. Бу, ароқ ва ойимнинг қилган эътирози сабабли юз берди. Отам кетаётиб Риқси опамга: «Мени суриштириб юрманглар, ҳарбийга жўнаяпман!» — дебди. Отам, яъни хонадонимизнинг яқин кишисидан ажралиш ва бу ойим, опаларимни таажжубга солмагани эса дардимни бир карра оширди. На чора! Бу ҳақда кейинроқ...

Дарвоқе, бу куз ҳам қалбимда мутлақо янги туйғулар қўзғалганини аниқ ҳис этдим. Авваллари мен кўнгилсиз воқеалардан газабланар, нафратланар, изтироб чекар, кўнгиллиларидан эса худди шундай шодланар, ҳаяжонланардим. Лекин ҳаммаси беихтиёр равишда юз берарди. Энди эса мен кўнгилсиз воқеаларга қарши онгли равишда исёнга чиқадиган, яъни ўз муносабатимни билдирадиган бўлдим, кўнгиллиларига эса хайрихоҳлик кўрсата бошладим. Вужудимни ўртаётган турфа

туйғуларим ичида буниси янгиси ва оташини бўлиб, мени тобора ҳайратга солар, айна вақтда ўз-ўзимни кашф ҳам қилаётгандим. Янги туйғулар манбаи бўлмиш янги бир қудрат вужудимни кундан-кунга ўртаб борар, ҳаяжонга солар, чиндан ҳам ташқи муҳит таъсирига ўз муносабатимни билдиришимни талаб этар эди. Мазкур куз ҳам мени кутилмаганда беҳад қувонтирган, ҳаяжонга солган бир воқеа юз берди-ю, ҳали-замон эътироф этган «қудрат»ни ошкор ҳис қилдим ва бундан қувондим ҳам.

Яна булутлар фасли бошланганди. Қарғалар «қағғ...»лашиб, бир-бирларини чўқишар, моллар дарахтлар тагида уймалашар, холдор япроқлар ҳавода липиллаб секингина ерга қўнар, болалар тинмай ланка ўйнашарди. Ана шундай серзавқ, киши тинчгина оромга толадиган, қиш ғам-ташвишларини мутлақо унутган кунларнинг бирида уйимизга янги меҳмонлар ташриф буюришди. Уйимиз эшиги доим очиқ туриши, катта-кичик, таниш-нотаниш одам бемалол киравериши, айниқса, урушдан сўнг уйимиз серқатнов бўлиб қолиши чиндан ҳам мени бахтиёр этди. Ташриф буюрган меҳмонлар хонадонимизга мутлақо бегона, яъни узоқдан келишган, уларнинг иккитаси аёл, биттаси эркак эди. Эркак ўттиз ёшларда, бўйи узундан-узун, лекин ориқ, қадди бир оз эгилганди. Эгнида яқтак, белини нимдошроқ белбоғ билан боғлаган, кўзлари кўк, чеҳраси нурли кўринар, бу кўпроқ жилмайган кезлари сезиларди. Аёлларнинг бири қирқ ёшларда, эркакка ўхшаш бўйдор, елкалари кенг, кўкрак ва оёқ болдирлари лорсиллаган, кўзлари кўк, қовоқлари қабарган, сочлари йўғон ва узун эди. Иккинчи аёл ёшининг улуғлиги билан ёнидаги эркак билан аёлдан ажралиб турарди. Бўй-басти, феъллари билан бир-бирларига ўхшаш бу меҳмонлар хонадонимизга бемалол, эски танишлардай қадам ранжида қилишди. Аёллар пешоналарини миср эркаклари каби ҳимарилган рўмол билан танғиб олишган, бу ҳам уларни бошқа ерли эканлигидан дарак берар эди.

Маърифа опам Камолни чўмилтираётганди, меҳмонларни кўриб шошилинич атрофга аланглаб олдид-да, ўглини кўтариб кичик уйга кирди. Ҳовли супураётган Соифа опам эса меҳмонларнинг истиқболига чиқди. Кўришди. Ичкарига таклиф қилаётганда, ошхонадан ойим чиқиб қолди. У таажжуб билан бир нафас меҳмонларни кузатди-да, сўнг яқинлашиб кўришди, қўлларидан тугунларини олди.

— Хуш келибсизлар! Хуш кўрдик, Соифа қизим, уйга кир, кўрпача сол. Қани, ичкарига марҳамат...

— Эгачи, эсон-омонмисизлар, болалар соғ-саломатми? — деди аёлларнинг ёшроғи ва узоқ, жиддий, айна вақтда ҳавас билан

ойимга термилди.

Ниҳоят Соифа опам изига қайтиб «тайёр» ишорасини қилгач, ойим меҳмонларни уйга бошлади. Кирдилар. Шу билан ойим қайтиб ташқарига чиқмади. Чой, овқатни уйга Соифа опам олиб кирди. Меҳмонлар шу куни тунашди. Уларнинг нимага келгани, нимага гунаб қолганини ҳеч ким билолмади. Сир фақат эртаси куни маълум бўлди. Нонуштадан кейин ойим мени Шарофат холамникига юборди. Югуриб бориб айтиб келдим. Ойим Шарофат холам билан узоқ суҳбатлашди, сўнг Шарофат холам кичик уйга, Маърифа опамнинг ёнига кириб кетди ва тушга яқин чиқди. Ойимнинг буйруғи билан Ибо хола, Моҳи хола ва Ҳожи оқсоқолни ҳам уйимизга таклиф этдик. Шундан кейингина меҳмонлар паркентлик экани, Маърифа опамга совчиликка келишгани маълум бўлди. Отамнинг Паркентда турадиган Анзират исмли жияни ўртада туриб, меҳмонларни совчиликка юборган экан. Маърифа опамнинг илгариги совчиларга эътироз билдириб, ўзини турли томонга отгани, янги совчиларга эса осонгина «розилик» билдиргани ҳаммамизни таажжубга солиб қўйди. Мен Маърифа опамнинг турмуш қуришига осонгина розилик бергани, бизни осонгина ташлаб узоқ ерга кетганини англаганимдан сўнг изтироб чека бошладим. Унинг устига миямга: «Зиётвой поччам ҳарбийдан қайтиб қолса нима бўлади?» — деган фикр урилди-ю, изтиробимни баттар ошириб юборди. Соифа опам эса мутлақо тоқатини йўқотди. Унинг ранги оқарган, кўзларига қон қуйилиб, турли томонга бориб-келар, қошларини чимирганча Маърифа опамнинг исмини тилга олиб қарганар эди. Бу ҳол мени ўйлатиб қўйди. Чунки Соифа опам ҳар қандай оғир шароитда ҳам ўзини тергай оладиган даражада иродали одам эди. У гўё шу кез бошини деворга уриб ёриб ташлаши, ё устига керосин қуйиб ёндириб юбориши мумкиндай туюлар эди. Ойим ташқарига чиққанда у ўзини тутолмади.

— Маърифа эсираб қолган экан-да, — деди у ойимнинг олдини тўсиб, — эрга чиқишга мунча шошилмаса. Сиз ҳам уни бўйнидан боғлаган итдай эрга бериб юборяпсиз. Поччамнинг арвоҳи чирқирамайдими?

— Жим бўл! — ўшқирди ойим. — Сен ниманинг фарқига бора қолибсан. Эрга чиқ, кейин биласан. Нима, ёш умри хазон бўлсинми. Ҳозир мен тирикман, уйга сиғади. Мендан кейин нима қилади, сенлар жойларингни топиб кетасанлар.

Соифа опам ойимга бошқа гап қайтаришга журъат этолмади. Кўз ёшларини артиб, кўча эшик томон юрди ва қош қорайгандагина қайтди.

Тундан кейин нон ушатилди. Шундай қилиб, Маърифа опамни

паркентлик одамга, яъни ҳатто Маърифа опамнинг ўзи ҳам билмаган, танимаган одамга унаштириб қўйишди. Унаштириш таомилига кўра қўни-қўшни, қариндош-уруғ, меҳмонларга чит саллача улашди. Тўй келгуси шанбага белгиланибди, буни бизга Соифа опам йиғлағудай бир аҳволда гапириб берди. Тўй бўлиши бир жиҳатдан Мазифа, Риқси опам ва мени қувонтирди, фақат Маърифа опамнинг узоқ ерга узатилиб кетишигина бир оз кўнглимизни чўктирди.

Шу кундан бошлаб ойм тўй тараддудига тушди. Кўрпаларни сўкиб, ювиб, қайтадан тикди. Маърифа опам ташқарига чиқмай қўйган, буни ҳамма турмушга чиқиш олдидан аёл бошидан кечирадиган оддий ҳол деб қарар, асли ҳам шундаймиди, йўқми, бунга ҳеч ким қизиқмас, ҳақиқат фақат Маърифа опамнинг ўзигагина маълум эди.

Тўй

Тўй бўлиши қалбимизни чексиз қувончларга тўлатиб ташлади-ю, лекин тўй муҳлати яқинлашган сари кўнглимни ғашлик эгаллаб борди. Чунки Маърифа опамнинг узоққа узатилиши, Зиётвой поччамнинг ҳарбийдан қайтиб қолиш эҳтимоли ўзим истамаган пайтда юрагимга маъюслик солаётганди. Маърифа опамнинг турмушга чиқишини мен истаб-истамай, ишониб-ишонмай, қувониш билан ғамгинлик орасида туриб қарши олган, аслида мен унинг қишлоққа узатилишини орзу қилган эдим. Чиндан ҳам қишлоқни тарк этишга ишонганимдан сўнг юрагим ғашлиги тобора орта борди. Тўй бўлишига қувонганимнинг сабаби шу пайтгача хонадонимиз бундай катта йиғин кўрмаган, ўртоқларимни шодлик дақиқаларига таклиф қилиш шарафига ҳам муяссар бўлолмагандим. Тўй баҳонасида файз кетган хонадонимиз қайтадан файзга тўлар, бу албатта ҳаммамиз учун ҳам қувонарли ҳол эди. Бари бир мен қувониш-қувонмаслигимни билолмай иккиланар, қай томонга ўтишни ҳам ажратолмасдим. Тўй яқинлашган сари бир томондан мени бахтиёрлик туйғуси ҳаяжонга солар, иккинчи томондан эса айрилиқ туйғуси дардимни оғирлаштиради. Мутлақо тоқатимни йўқотган, ётсам ҳам, турсам ҳам кўзларим олдидан Маърифа опам, Камол, Зиётвой поччам ўтаверар, миямга ҳам улар ҳақидаги фикр михланиб қолганди. Улар на бир хотира, на бир тасаввурга ўрин берарди.

Орадан уч кун ўтди. Юрагимнинг ғашлиги хийла енгиллашгандай туюлди, чунки ўртоқларим уйимизда тўй бўлишини билиб ўзлари билан бирга мени ҳам қувонтирардилар. Энди мен ҳам хаёллардан тасаввурларга, тасаввурлардан хотираларга кўчар, тасаввуримда гўё

эрта ё индин янги поччам — мен уни совчиликка келган эркакдай тасаввур қилардим — бошига салла ўраб, зар тўн, хром этикда, қарнай-сурнай, чилдирма билан ҳовлимизга ташриф буюрарди. Тасаввурим туғдирган шу каби ўйлар мени қаттиқ таъсирлантирар, ҳаяжонга солар, қалбимни бахтиёрлик нури билан ёритарди. Сал ўтмай, тасаввуримга Маърифа опам кўчар, этаклари ерга тегадиган оппоқ ҳарир кўйлакда, оёқларида «амиркон» маҳси-калиш, паранжи-чимматда, бошини эгганча уйдан чиқар, қўлларини чўзиб янги поччамни қаршилар, кўзларида ёш, лаблари эса жилмаяр, ҳаяжонга тушиб янги поччамнинг билагидан ушлар, янги поччам ҳаяжон билан қўлларини Маърифа опамнинг елкаларига кўяр, кейин бир-бирларига термилиб қолишарди. Тасаввурим яна ўзгарар, энди у ерда Зиётвой поччам жонланар, ёшли кўзлари билан Маърифа опамни кузатар: «Мени ташлаб қаерга кетяпсан? — дерди ғамгин. — Чимилдиққа кирганингда қилган аҳду паймонинг қани! Озгина кутсанг нима қиларди?» Худди шу он тасаввуримда Маърифа опам янги поччамни итариб ташлар, Зиётвой поччамга юзланар: «Келдингизми, бошқа ҳарбийга бормаисизми? Қандай яхши! Ойим мени мажбур қилиб манабу нотаниш одамга узатиб юбораётганди. Вақтида келиб яхши қилдингиз, қўлингизни беринг, кўзларидан йўқолайлик, бошимиз оққан ёқларга кетайлик! Нега қўлларингиз чўзилмайди! Тезроқ чўза қолинг, йўқса менадан айрилиб қоласиз!» — деб илтижо қиларди. Зиётвой поччам липиллаб турар, сўнг тутун, туманга айланиб, шу тариқа тарқалар эди. Маърифа опам юзини тирнаб, сочларини юлар, чинқириб қўлларини чўзар, лекин на овози чиқар, на кўзгала оларди. У энди тасаввуримда сочлари тўзиган, кўкси йиртилган — бечора бир қиёфада намоён бўлар, ўзини дуч келган одамга ташлаб: «Кутқаринглар!» - дея ёдворарди. Бирдан яна тасаввурим ўзгарар, у ерда янги поччам кўринар, Маърифа опамни суяб, тасалли берарди. Ниҳоят, тасаввурим куюқлашди! Энди у ерда отга миндирилган Маърифа опамни бош эгиб жимгина жўнаётган ҳолда кўрдим. Тўйга қадар мана шундай тасаввур ва хаёллар билан яшаб юрдим. Бари бир қувонишни ҳам, қувонмасликни ҳам, нимадан нафратланиш, кимга илтифот кўрсатишни ҳам билмасдим. Чунки тўй яқинлашган сари Маърифа опам озиб борар, оғзига ҳеч нарса олмас, уйга кирар, ташқарига чиқар, танҳоланиб қолган эди. Унинг бу ҳолати юрагимни сиққандан сиқар, бундай кезлар гоҳ ўзимни хилватга урар, гоҳ ўртоқларимнинг елкаларига қўлимни кўяр, тўй бўлаётгани, бирга ўйнаб-кулишимизни гапирар, боёқишлар кўнглимни кўтариш учун атрофимда тинмай парвона бўлишар, бари бир чеҳрам ёришмас, қайтиб уйга кирар, Маърифа опамга беихиёр термилиб қолардим.

О, опагинам! Аёл ва аёлликнинг — нафосат дунёсининг камсуқум, соддадил, назокатли санами! У бизларга, ҳатто дарахтлар, молларга ҳам қарашга уялар, ҳамма нарсалар гуё уни мазах қилаётгандай бошини кўтаролмасди. У чамаси илк бор турмушга чиққани, уруш туфайли биринчи эридан жудо бўлиб, мажбуран иккинчисига розилик берганидан хижолат эди. Опагинам бир ҳафтада минг қиёфага кирди. Назаримда гоҳ янги поччамдан юз ўгирар, гоҳ эса ўзини дуч келган нарсага уриб қурбон қилиш, дуч келган одамга ташланиб, бу кўргилиқдан озод бўлиш йўлини излар, шунингдек, аёл бўлиб туғилгани, ёруғ оламда эрга чиқиш, бола туғиш, уруш, бева қолиш, қайта эрга чиқиш каби қонунлар мавжудлигидан нафратланар, гоҳ эса барчасига тан бериш, ҳаётини қайта қуриш, ёш умрини хазон қилмаслик, яъни табиий қонунларга жимгина бўйин эгишга розилик бераётгандай туюларди.

Ниҳоят, тўй маросими ҳам яқинлашди. Ҳовлимиз қариндош-уруғ, қўни-қўшниларга тўлиб-тошди. Қуда томондан юборилган сарпо ва тўй тортиқлари аравадан туширилиб олинди. Чой ташиш, меҳмон кутиш, куёвнинг истиқболига чиқиш, қарши олиш ҳам аъло бажарилди. Мен одамлар орқасидан турли томонга юрар, ҳар дақиқа орзиқиб, ёниб-ўртаниб карнай-сурнай, чилдирма овозини кутардим. Бироқ кутганимча бўлиб чиқмади. На карнай, на сурнай, на чилдирма овози янгради. Ҳиссиётларим, туйғуларим қаттиқ эзилди, ҳатто тасаввурларимда айқаш-уйқаш ҳол юз берди. Унинг устига янги поччам мен тасаввур қилгандаги каби гўзал кийимда эмас, оддий иштон, яктак, ковушда эди. Бу эса дардимни бир карра оширди. Лекин ҳовлида бошланган нотинчлик сал ўтмай мени қайтадан ҳаяжонга солиб, қалбимни бахтиёрлик нурларига кўмди. Турмушга чиқиш, уйланиш, умуман тўй, уйланиш шарафли иш экани ҳақидаги тушунча илк бор миямга урилди-ю, энтиктириб юборди. Одамлар куёвни эъзозлаб, йўл бериши, ўзларини унга, фақат унинг ихтиёрларига топширганларида эса ҳаяжондан бўғила бошладим. Айни вақтда катталарга қўшилолмаётганим, инон-ихтиёрим ўз қўлимда эмаслиги, айни вақтда унутилганимни англадим. Мана шундай саросимага тушиб турганимда ҳовли бирдан сукутга толди. Одамлар жой-жойларига чўкишди. Ичкарида никоҳ ўқилаётган экан. Бир пайт одамлар яна оёқларига қалқди. Ичкарига чой, палов киритилди. Кейин ичкаридан йигитлар қуршовида куёв — янги поччам чиқиб келди. У саллалли бошини эгиб олган, устида қора тўн, белига белбоғ ҳам боғланганди. Ҳали-замон одамлар уни бемалол кўришимга ҳалал беришганди, мана энди, тўйиб кузатиш имкони туғилди. Ёнимдаги болаларни тирсақларим билан орқага суриб, шиддат билан олдинга чиқдим-

да, янги поччамга термилдим. У баланд бўйли, ориқ, узун юзли, нозик бурунли бўлиб, ҳадеб қимтинаверарди. Фойибдан унга меҳр қўйиб, бу меҳримни айтишга шу дақиқа одамлар имкон бермаганини, тўйдан кейин сўзлаб беришни кўнглимга тугиб қўйдим. Кутилмаганда устимга бир нималар тушди. Ёнимга ўғирилдим. Ойим куёвнинг устидан сочқи сочарди. Болалар ҳам, катталар ҳам атрофга сочилаётган жийда, туршак, тангалар ва қуртларни теришар, иложи борича кўпроқ олишга уринишарди. Мен дам янги поччамга, дам бир четда саросимада турган ойимга, дам одамларга қарар, лекин эгилишга, сочилган нарсаларни олишга журъат этолмасдим.

— Ҳой, Анвар! — кимдир мени туртди. — Сочқилардан ол! Табаррук нарсалар! Ол! Савоб бўлади! Сени ҳам тўйга етказсин! Ол!

«Табаррук нарсалардан ол! Савоб бўлади!» Хаёлга чумдим ва ҳушимни йиғиб яна одамларга, ердаги сочилиб ётган нарсаларга қарадим, барибир олишга қўлим бормади.

— Анвар! — деди яна кимдир. — Ирим қилиб ол!

«Ирим» қилиб ҳам олмадим. Беихтиёр олишга шайланар, яна шаштимдан тушар, олсам гўё хонадонимиз, Маърифа опамнинг бахти-саодати, қувончларини ўғирлаб қўяётгандай туюлаверар, иложи борича олмасликка, олган тақдирда ҳам муҳлатни орқага суришга уринар, ҳовлида ҳеч ким қолмаганда оламан, деб ўйлардим. Одамлар келин-куёвни унутишиб, фақат ердаги «табаррук»ликни талашаётган кез, бошимда биргина: «Қачон катта бўламан, ҳамманинг диққатини тортаман! Ҳамма мени, фақат мени шарафлаб, мен учун хизмат қилади?! Тезроқ улғайсам...» деган ўй чарх уриб айланарди. Кўзларга, юзларга термилар, одамлар кулса кулар, жилмайса жилмаярдим.

Янги поччамни кўчага ҳам кузатиб чиқишди. Кўчада ҳали замон тўй анжомларини олиб келган икки отли арава йўлга ҳозирланиб турар, Маърифа опамни кутарди... Куёв — янги поччам жўралари билан катта кўча бўйлаб, юқорига кўтарила бошлади. Кузатувчилар эса орқаларига қайтишди. Шу пайт кичик уйда шовқин-сурон, йиғи овози кўтарилди-ю, сал ўтмай даҳлизда бир тўда аёллар кўринди, уларни ойим бошқараётганди. Аёллар Маърифа опамни ўртага олишиб, тасалли беришар эдилар. У бошини кўтарар, атрофга аланглар, чамаси Камолни изларди.

— Бўлди, йиғлама, пешонангга бор экан, ўзинг билан ўзинг тин, қўшганинг билан қўша қари, — деган мунгли овоз эшитилганда нотинчлик яна ҳам кучайди. Кўпдан бери зина ёнида Маърифа опамнинг чиқишини кутиб турган опаларим бирдан

қўзғалишди ва чамаси аёлларнинг дашномидан қўрқишди шекилли яна орқаларига силжишди. Ниҳоят, Маърифа опам кўча эшикка яқинлашганда ўзимни тутиб туrolмадим. Биринчи бўлиб ўзимни қучоғига отдим. У ҳам шиддат билан мени бағрига босди-да:

— Ёлғизим? — деди. Унинг овози мутлақо синган, фарёдга тўлганди,— Ёлғизим! Мени зериктириб қўйма, бориб тур.

— Опа, опажон, — дея ҳўнграб юбордим ва шу қадар йиғладимки, ҳовлида фақат мени овозимгина эшитила бошлади. — Мени ташлаб кетманг! Сизни яхши кўраман! Ҳаммадан ҳам сизни яхши кўраман! Ташлаб кетманг!

— Нарн тур! — тўсатдан ойим мени орқага итарди-да, Марифа опамнинг тирсагидан олиб олдинга юришга ундади. Ойим мени итариб юбориб, Маърифа опамдан ажратиб унга бўлган ҳурмат, эътиқодимни кесиб ташлади, хазон айлади, юрагимни ҳам қаттиқ оғритди. Бу оддий нафрат ё газаб туйғуси эмас, Маърифа опамдан ажралиб қолаётганимда, унга тўйиб олишга шайланаётганимда юз берган ташқи муҳитга, яъни ойимга бўлган эътироз туйғуси эди. Интизорлик билан Маърифа опамга термилдим ва уни бошқаларга қараганда минг бор яхши кўришлигимни ҳис қилдим, яна ўзимни қучоғига отдим. Шу кўйи ўзимни пинжига суқавердим, у ҳам мени бағрига ториб бораверди. «Мана, мана энди бир-биримизга қоришамиз», дея ўйлаётганимда кимдир, Маърифа опамни юришга мажбур этди ва қоришиб кетишимизга йўл қўймади. Бир-биримизга бўлган муҳаббатимизни етим қолдирди. Фақат Маърифа опамнинг ҳидигагина сўнгги бор тўйишга муяссар бўлдим, вужудимни эса ўзи билан бирга олиб кетаверди. Ундан шу қадар ёқимли, оромбахш, кўнгилли сархуш қиладиган ўҳид анқир, бу на гул ва на мева ҳидига ўхшарди. Мен жилмаяр, йиғлар, жилмаярдим. Иккаласини ҳам тарк этолмас, бир томонга ҳам ўтолмасдим. У ҳам мана шундай ҳолга тушган, мен уни илк бор мана шундай итоаткор аёл қиёфасида кўраётгандим. У, ўзининг мана шу осойишталиги, ҳурлигини узоқларга, Паркентга олиб кетаётганди...

Кимдир Маърифа опамнинг билагидан олди, кимдир етаклади, кимдир орқага тортди. Ана шу саросималар талашида бирдан аёлларнинг овозлари янгради-ю, бошларни эгиб қўйди:

*Тоғда тойчоқ кишнайди,
От бўлдим, деб ёр-ёр!
Уйда келин йиғлайди,
Ёт бўлдим, деб ёр-ёр!*

«Ёр-ёр» садолари ҳазинлаша борди, аёллар Маърифа опамнинг қўлтигидан олишиб аравага чиқаришди. Ойим олдинга, Шарофат холам ёнига, Маърифа опам эса ўртага ўтирди. Отларга қамчи босилди. Арава юра бошлади. «Ёр-ёр» садолари ниҳоят сўнди. Сўнган кез одамлар яна ҳовлига киришди, озгина ўтиришиб, уй-уйларига тарқалишди. Соифа опам бизларни кичик уйдан катта уйга бошлаб чиқди. Камол кўзларини очиб: «Ойим қани?»— дея хархаша қилганди, Соифа опам: «Сувга кетди, ҳозир қайтади», дея қўлига нон, жийда тутиб тинчитди. Камол мунгайиб қолди. Соифа опам ўртага ўтди-да, қўлларини белига тираб:

— Қани, жўжаларим, яқинроқ ўтиринглар— деди иложи борича ўзини кулишга мажбур этиб, лекин кулолмади. — Мана, Маърифа опаларинг сизларни ташлаб эрга чиқиб кетди. Сизларни яхши кўрмас экан, яхши кўрганда...

— Ҳечам, — деди Мазифа опам ва юзини чангаллади-да, йиғлаб юборди, — Маърифа опам яхши. Эртага қочиб келади...

— Бизларни яхши кўради-ку, — деди Риқси опам ҳам, — нега турмушга чиқди? Барибир эртага қочиб келади...

— Эси кирарли-чиқарли-да, бўлмаса жим ўтирмасмиди, — дея гапини давом қилди Соифа опам, — яхши қилмади. Қочиб келармиш... У шундай жойга кетдики... На қочиб, на ўз билиги билан келоллади... Ўлганда...

У, Маърифа опамни койир, асли эса ундан кўнгил узолмаётгани, турмушга чиқиб тўғри қилгани, бунга ўзи ҳам розилиги кўзларидан кўриниб турарди. Соифа опам дам Маърифа опам, дам янги поччам қиёфасига кириб, бизларни овутишга уринди. Бизлар эса унинг хатти-ҳаракатидан қотиб-қотиб қулар, лекин кўзларимиздан ёш аримасди.

— Қани, Мазифа, — ғамгин шивирлади Соифа опам, — «Бойчечак» қўшиғини айтиб бер-чи.

Мазифа опам чамаси яна Соифа опамнинг «боқиб» қўйган калтагини ейишдан қўрқди шекилли, ўнгланиб ўтирди-да, куйлашга тутинди:

«Бойчечагим бойланди,

Қозон тўла айронди...»

У хиргойи қилар, лаблари жилмаяр, кўзларидан тинимсиз ёш тўкиларди. Опагинам ўзини қўлга олишга, кулишга, қўшиқни давом эттиришга тиришар, лекин қўшиқ лабларида чайналиб қолаётганди. Шу тариқа тунни ярим қилдик. Ётдик. Опаларим уйкуга толди. Лекин мен ухлолмадим. Кўзларим олдидан тинмай Маърифа опам, Камол, Зиётвой поччам ўтаверарди. Ҳар бири ўзича намоён

бўлар, сўнг бир-бирларига қоришиб кетарди. Мен тинмай Маърифа опамнинг биринчи совчиларга қилган эътирози, иккинчисига эса жимгина розилик бергани ҳақида ўйлар, лекин тушунолмасдим. «Нега ўзимизнинг қишлоққа турмушга чиқмади? Бориб турардим-ку!» Узоқ ўйлашдан сўнг қуйидаги қарорга келдим: Марифа опам Зиётвой поччамни унутолмаган, унутиши ҳам мумкин эмасди. Қишлоққа турмушга чиққанда табиийки, дарди оғирлашарди. Қишлоқли совчиларга «йўқ» жавобини берганига сабаб шу. Узоқдан келган совчиларга «йўқ» деёлмади. Чунки қишлоқдан, Зиётвой поччам ва уни кўрган-билган одамлардан узоқда яшайди. Дарди ҳам енгиллашади. Унинг устига ёш эди, умрини хазон қилолмасди... Узоққа турмушга чиқишга «розилик» беришига сабаб шу эди.

УРУШНИНГ СЎНГГИ ИЗТИРОБЛАРИ

Маърифа опамни узатиб кетганлар уч кундан сўнг қайтишди. Қуда томон катта иззат-икром кўрсатибди. Буни ҳар бири ўзича фахр билан эътироф этди. Ойим Маърифа опамни ўзига тўқ, серуруғ хонадонга узатгани, поччамнинг одоблилигини ўн бор такрорлаб, бизларни ҳам қувонтирган бўлди. Барибир Маърифа опамнинг ўрни бўшлиги сезилиб турар, ойим ҳам, опаларим ҳам ичларидан зил кетишса-да, сиртларига чиқармасликка ҳаракат қилардилар. Маърифа опамга ичикканим, устига бир ҳафтадан сўнг Камолнинг хонадонимизни тарк этиши кўнглимни баттар чўктирди. Маърифа опамни, Камолни кўргим келяпти, дея хархаша қилган кезларим ойим, яқинда олиб боришини айтиб тинчитарди. Шу кунларда яна бир кўнгилсиз воқеанинг гувоҳи бўлдим.

Эрталаб Турдивой билан мактабга кетаётувдим. Турдивой жилдини у елкасидан бу елкасига ўтказиб жилмаяр, янги муаллимимиз Собира опанинг заҳарлиги, жимгина ёнига яқинлашиб чимчилаб олиши ҳақида гапириб бораётганди, мактабга яқинлашиб қолувдик, ўнг томондаги тор кўчадан бошяланг, ялангоёқ, кўкси очиқ, сочлари тўзғиган бир кампир чиқди-ю, бизларни бирдан таҳликага солиб қўйди. Бу ўша, ўтган йили ариқ бўйида учратган, яъни уч ўғлидан айрилган кампирнинг қўшниси Ибодат исмли кампир эди. У муддаосига етиб озган, шу қадар озгандики, афти-башараси ажиндан тиришиб, мутлақо ғайритабиий қиёфасига кирганди. Ажинлари ораси кир билан тўлган, шунингдек, қўйлак, лозими ҳам кир бўлиб, вужудидан чидаб бўлмас даражада сассиқ ҳид анқирди. Кампирнинг лаблари суви қуриган ботқоқлик каби ёрилгани сабабли сўзларини мутлақо

англаш маҳол эди. Унинг бу аҳволи менга беихтиёр жулдур кийимли марҳумни эслатди. Ораларида шу қадар мутаносиблик мавжуд эдики, бир кўрган одам иккиланмай ака-сингил деган бўларди, фарқи — жулдур кийимли одамнинг ит, эшаги бор эди, кампирда эса шу ҳам йўқ эди. Бу икки одамнинг аҳволи кутилмаганда мени икки олам — худо бўлишни орзу қилишим олдидаги ва худога айланганимдан кейинги олам орасидаги фарқни яққол намоён эта бошлади. Пастки олам — кампир билан жулдур кийимли одам, устки олам эса — мен эдим. Бир томон ўта қашшоқ, иккинчи томон эса ўта камолот чўққисидай туюларди. Кампирни кўришим билан шу пайтгача танамдан кечирган гўзаллик сабабли туғилган туйғуларим бирдан барбод бўлди. Мен бирдан болалик дунёсидан чиқиб, ўзимни улғайиб қолгандай ҳис қилдим, ва бирдан изтироблар чангалига тушдим. Юрагимни нафрат ва ғашлик туйғуси эгаллади-ю, ўзим кўрган, ақлим етган ҳамма нарсалар ёлғонда сезила бошлади. Ёнимда Турдивой қалтираб деворга сиқилиб борар, на қичқирини, на қочишни билмасди. Кампир чиндан ҳам миямда бир-бирига зид фикрлар, қалбимда эса турли кўнгилсиз туйғулар кўзғатди ва янги ҳасрат ва алам, титроқларимга сабаб бўлди. Кўзларим олди хийла қорайди, ёришганда эса кампир Турдивой томон ўгирилганини кўрдим. Турдивой гўё юпқалашиб, деворга қапишиб, мана, мана, ёрилиб кетаман дер, кампир эса мутлақо лоқайд жилмаяр, гўё сеҳрлашга шайланарди.

— Кўзичоғим, — дея кутилмаганда мурожаат қилди кампир. Унинг овози ҳаддан зиёд ёқимли эшитилди. — Нега мендан кўрқасан? Мендан қочма, мен одам ўлдирмадим, ўлдиролмайман ҳам. Одамлардан: «Ибодат бувим қанақа одам эди» — деб сўрасанг: «Доно аёл эди, ўғлидан айрилди-ю, эси хийла кирарли-чиқарли бўлиб қолди», дейишади. Начора, пешонам шўр экан. Асли мени осмондан чалқанча йиқлиб тушгур Фулом шу қўйга солди. Ўғлимга заҳар ичириб қўйди. Катта ишга кўтарилаётган эди. Титрама, кўзичоғим! Сен Ҳожи оқсоқолнинг ўғлисан. Онанг Шафоғат яхши аёл. Сен дунёни билмайсан. Билолмайсан ҳам. Сенларни «ҳаммаси яхши, бундан кейин ҳам яхши бўлади» деб ўқитишади. Сенлар ишонаверсанлар. Қачонлардир вақт етиб, Ибодат бувининг ўғлидан ажрагани, ақалли бири тирик қайтмаганини эшитсаларинг, онасининг ичи куйиб кетганини англасаларинг, йиғлайсанлар, менинг устимдан кулмайсанлар ҳам...

Кампир жимиб кўзларини этаги билан артди-да, сўнг мириқиб бурнини қоқди.

— Тойчоғим, - деди кейин мен томон юзланиб. — Сен

Орифанинг ўғлисан. Онанг яхши аёл. Отанг ярамайди, ароқ ичиб онангни хафа қилармиш. Ҳа, майли, эси кириб қолар! Менга қара, сен менга қараб туриб: «Бу жинни кампир нимага валдирайверади», деб ўйларсан. Ахир ҳамма ҳам шундай деб ўйлайди-да! Менга жиннига муомала қилгандай муомала қилишади. Сен асло ундай деб ўйлама. Нимага йиғлаб юришимни улғайганингдан сўнг тушунасан. Бироқ унда жинни бувинг тупроқ остида ётади! Бир пайтлар мен ҳам ҳаммага ўхшаб сув ичар, овқат ер, ухлардим. Рўмол ўрар, кавуш ҳам киярдим... Ундан олдин ўғлимнинг бешигини тебратган, алла айтгандим. Болаларимдан жудо бўлдим, улардан бешикларгина қолди. Менга қара, гапга тушунасанми? Фулом чулдир боламнинг пуштини қуритиб юборди. Тушуняпсанми?

Мен ён-веримга аланглаб, яна кампирга термилдим. Ноилож «тушуняпман», дегандай бош силкидим.

— Тушунсанг яхши, — гапини давом қилди кампир, — лекин мени жинни деб ўйлама. Кўзингни оч, дейлик, сени ўғлинг бор эди, оқибат ундан ҳам жудо бўлдинг... Хўш? Шунда нима қилардинг?

Кўзларим ачишди ва бошим беихтиёр ерга эгилди. Нима ҳам дейишим мумкин эди! Ўзим бола бўла туриб, қандай ота ё она қиёфасига кирай! Вужудимда йўқ ота-она туйғусини қандай кашф қилай! Фақат бош силкиш, тушуниб-тушунмай, билиб-билмай кампирнинг гапларини маъқулламасдан бошқа иложм бормиди!

— Индамайсан, — яна қулоқларим остида кампирнинг ёқимли, жарангли овози янгради. — Сен ҳали нима кўрибсан? Қўлингдан ҳеч нарса келмайди. Шундай экан, нима ҳам дея олардинг! Фақат улғайганингдан сўнг ҳаммасини тушуниб, Фуломни бўғиб ўлдиришинг мумкин. Мен эса ўлдиролмадим. Умидим ёшлардан! Улар аста-секин оқ-қоранинг фарқига боришади. Бунга ишончим комил. Кучга тўлганингда Фуломнинг бир адабини бериб қўй. У одамхўр. Не-не йигитларни жувонмарг, не-не аёлларни эрларига номаҳрам қилмади! Болаларим, бечора болаларим ҳурга айланиб осмонда учиб юришибди, мен ҳам ҳадемай ҳурга айланиб кетаман! Болаларимни олдига чиқиб оламану, охирадэгина ерга тушаман. Ўшанда ҳам Фуломни ўлдириш учун тушаман...

Кампир бир нафас сукут сақлаб, энги билан ёшларини артди.

— Ҳой, жинни кампир, — деган овоздан ҳушимни йиғиб бошимни кўтардим. Қаршимда Мирали ака турар, кампирга ўшқирарди, — йўқол. Нега болаларни қўрқитяпсан. Юрагини ёрасан!

— Мирали ака, — деб юбордим бирдан ва жон ҳолатда қўлига

ёпишдим.

— Мирали, — ўшқирди кампир ҳам орқасига тисарилиб, — нега мени ҳайдайсан. Нега болаларни кўрқитар эканман? Ўғлимдан айрилиб, менинг юрагим ёрилмаган, нега уларнинг юраги ёрилади? Очарчиликда кепакни ҳам тақсимлаб евдик. Мени ҳақоратлашингиз яхшимас. Мана бу гўдакларни ҳам, ўзингизга ўхшаб инсофсиз қилиб ўқитасиз. Фулом билан ҳамтовоқсиз-да, а? Фулом чулдир ўғлимни заҳарлаганда ёнида бўлгансан...

— Жўна, — деди Мирали ака ва бу гал кампирни итариб юборди. Кампир гандираклаб бориб деворга урилди. Тўсатдан кўзларим тинди-да, ўқчий бошладим. Кейин нима бўлганини эслолмайман. Турдивойнинг айтишига қараганда Мирали акага ташланиб, билагини тишлаб: «Нега Ибодат бувини туртасиз?» — депман. «Эсингни едингми, нега жинни кампирнинг ёнини оласан?» — қабилида жавоб қилибди Мирали ака. «Нега, нега туртасиз?» — дермишман тинмай. Кўзларим олди ёришганда кампирни қидирганим, лекин тополмаганим. Мирали аканинг «Сенларни жинни кампир чангалидан қутқардим», дегани хира хотирамда сақланиб қолганди... Кейин жилдимни гижимлаб орқамга қайтдим. Анча жойгача: «Мирали ака ёмон одам, ёмон одам», деб сўкиниб бордим. Эндигина Мирали аканинг чиндан ҳам ёмон одамлиги, бирор вақт яхши одам бўлмагани, бундан буён ҳам яхши одам қаторига қўшилолмаслигига ўзимни ишонтирдим. У шу кундан эътиборан ўзим билган, кўрган одамларим орасида энг ёмонидай туюла бошлади. Уни кўрсам яширинишга одатландим. Фикр-хаёлим, хотира, ҳатто тасаввуримни ҳам биргина кампир эгаллаб олганди. Шу тариқа яна бир бор кампир ва кампир туфайли уруш ва уруш даҳшати, фожиасини англадим...

Бечора кампир! Унинг ўғлини Сайфулла бошлиқ тўдалар заҳарлаб ўлдиришган экан... Катта ишга кўтарилаётгани учун...

БИЗ БИЛМАГАН ФОЖИА

Отамнинг йўқолиб қолиши хонадонимизга ола қоронғилик ташлаган, юрагимнинг бир бўлаги, яъни отам учун ажратилган томони бўш, нурли туйғуларимни ҳам хиралаштириб қўйганди. Кун-тун отам ва отамнинг жимгина хонадонимизни тарк этгани ҳақида ўйлар, изтироб чекар, қайғулар, бу ҳақда одамлар сўраб қолишларидан, сўраган тақдирда нима деб жавоб қилишдан кўрқиб ўзимни танҳоликка урардим. Бу толесизликка фақат ароқ ва шу борада отам билан ойим орасида юз берган муросасизлик сабаб бўлди, деган фикрда эдим. Табиийки, бошқалар ҳам шундай

фикрда эдилар. Лекин «биз билмаган фожиа» сабаб эканини эшитганларидан сўнг таажжубга тушишди.

Орадан бир ҳафталар вақт ўтувди чоғи. Ўша кунларнинг бирида мактабдан қайтиб, жилдимни тоқчага итқитдим-да, ҳовлига тушиб, ошхонага кираётгандим, кўча эшик «ғиййққ...» этиб очилди. Ёнимга ўгирилдим. Ҳовлида йигирма беш ёшлардаги узун бўйли, елкалари кенг, соч ва қошлари қора, тарғил кўзли бир қиз кўринди.

— Сен Анвармисан? — деди у ниҳоят ёнимга яқинлашгач. — Онанг уйдадилар?

— Уйда, - дедим унга ҳайрон бўлиб қараб, — нимаиди?

— Бу ёққа чиқсинлар, айт, — деди у.

Югуриб ошхонага кирдим, ўчоқдаги чалаларни тортиб ўчираётган ойимнинг тирсагидан ушладим-да;

— Сизни бир қиз сўраяпти, — дедиму ойимдан олдинроқ ташқарига отландим. Орқамдан этагини қоқиб ойим чиқди. Қизга яқинлашар экан:

— Келинг, қизим, - дея меҳмон қизни бағрига босиб кўришди, — қани, ичкарига кирилинг.

— Раҳмат, кетишим керак, — қиз ойимнинг қўлини ушлаб тухтади, — шошиб турибман.

— Озиб-ёзиб бир келибсиз, — ойим қизнинг қўлидан етаклаб ичкарига киришга ундади, — овқат еб борарсиз.

— Ишим кўп, — дея қиз бу гал ҳам эътироз билдирди. — Усмонали ака... ўртоғингиз бўладиларми?

Ҳа, ҳа, — деди ойим ва пешонаси тиришиб, қошлари чимирилди. — Нима гап, тинчликми?

— Тинчлик... Бир оз мазалари қочибди, — қиз иложи борича секин ва мулойим гапиришга, ойимни тинчитишга уринарди. — Мен ҳамшираман. Бошим оғриди, деб чиқувдилар. Қарасам, мазалари йўқ. Бошларига урушда ўқ теккан экан. Ўқ мияга зарар қилган. Сиз хафа бўлманг, хўпми? Тузалиб, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетадилар. Секин-секин тузаладилар.

Ойимнинг қўллари шалвираб, лабларига титроқ кирди ва аста-секин киприклари, қовоқлари кўчди. Юзи шу қадар қайғулашдики, кўм-кўк кўкариб ҳам кетди. Назаримда ойим шу кез кўпдан бери қўлида авайлаб кўтариб бораётган муқаддас «чинни»сини тушириб юбориб, одамлар олдида шармисор бўлганди. Гўё у муқаддас «чинни»ни атайлаб тушириб юборганди. Ҳаммасига ҳам фақат ойимнинг ўзи сабабчидай нима дейиш, нима қилишини билмай қолганди. У дам менга, ҳам ҳамшира қизга термилар, гўё: «Тшунтиринглар, тезроқ тшунтиринглар, нима гап ўзи? Юрагим

ёрилади!» — демоқчи бўлар, бироқ тили айланмасди.

— Ўзингизни тутинг, — ҳамшира қиз ойимнинг елкаларидан ушлади.

— Бу кўргулик ҳам бормиди? Ҳозир қаерда? — ойим ҳамшира қизга термилиб гулдирди.

— Сиз хавотир олманг, касалхонадалар, — ҳамшира қиз ойимни кучди. — Озгина ётиб, кейин яхши бўлиб қайтадилар.

— Шўрим бор экан, — шивирлади ойим ва бир пайт юзини чангаллаб, мен томон ўгирилди. — Менга бу кўргуликлар ҳам бормиди, болам? Мунча шўрлик эканман.

Ойим шундай деб гўё бўри чангалида роса эзгиланган, ниҳоят кимнингдир ёрдамида холос этилган оҳу янглиг битта-битта босиб уйга кириб кетди. Ҳамшира қиз ҳам кўздан йўқолганди. Мен дам ойим томонга, дам эшикка қарар, нима қилиш, нима дейишимни билмай турардим. Менга бир нарса маълум эди: шу кез мен уйимиз, ойим, опаларим, туйғу-ҳиссиётларим, тушунча, ҳатто тасаввуримдан ҳам минг-минг қақирим узоқлашгандим. Кимсасиз, сукунатли узоқ бир оламда гангиб, довдираб, адашиб юрар, одамлар гавжум бир ерга яқинлашишга уринар, лекин оёқларимда мадор қуригани сабабли қўзғалолмаётгандим. Кўзларим олдидан отамнинг чуваккина гавдаси, масъум ва маъюс чеҳраси ўтаверар, фикримни мутлақо қарам қилиб борарди. Отамнинг бошидаги чандигини кўп бор кўрган, бироқ диққат қилмаган эканман. Боёқиш отам бошидан ўқ еган, оқибат ароқ ичишга ружу қилган, бизларни ранжитган экан. Мен буни мана энди тушундим. Тушунган кез отам қалбимда қайта қўним топди, нурли бир сиймога айланди. Шу кунгача отам ҳақида ногўфри фикрда эканим, оқибат, қаттиқ, жуда қаттиқ янглишганимни англаганимдан сўнг эса, унга бўлган меҳрим минг чандон ортди, қалбимдан узоқлашган отам қайта жойига қайтди, ўз ўрнини эгаллади. Шу тариқа мен қайта шиддат ва чинқириқ билан отамнинг кўксига отилиш, қучиш, ўпиш, йиғлаб туриб юпатиш йўлини излай бошладим.

Бу, қалбимда қўним топган мутлақо янги, кучли бир оташин туйғу эди ва буни бирор куч қайтадан поймол қилолмасди. О, бечора отагиним! У урушдан куч-қуввати билан бирга саломатлигини ҳам хазон қилиб қайтган экан! Мана шу «хазонлик» отам билан хонадонимиз, хотин билан эр, фарзандлар билан ота орасига ҳам вақтинчалик низо ва совуқлик солди-я! Нега мен буни илгарироқ англамадим! Англамай туриб отагинимдан ранжидим?!

— Ширинжон? — деган мунгли овоздан чўчиб тушдим ва

чинқириб юборишдан қўрқиб апил-тапил оғзимни чангалладим. Қаршимда кичкинагина булиб ойим турар, нурли чехраси ҳасратга тўлганди. — Отангнинг ҳоли нима кечди экан?! Боёқишнинг биздан бўлак ҳеч кими йўқ-ку...

— Ойижон! — дедиму, овозимда фарёд, чинқириқ, ўкириш, инграш оҳанги акс этиб кетди. — Ойижон!

— Ойи, Ойижон! — Яхшики кўчадан опаларим кириб қолишди-ю, мени азобдан қутқаришди. Улар қўлларини ушлаб силай бошлаганди ойим уларни итариб юборди:

— Қўйинглар, қўйинглар, тегманглар...

Ойим шундай деб уйга кирди-ю, қайтиб ташқарига чиқмади. Оқшом чўкди, тун чўкди. Опаларим шовла сузиб ойимнинг ҳолидан хабар олишди. Бироқ ойим ўгирилиб ҳам қарамади. Томоғидан шовла ўтмаётганди...

Эрталаб йўлга чиқдик. Отам Паркентдаги шифохонада экан, уни ўрта бўй, қора бир хотин бошлаб чиқди. У озган, қовоқлари шишиб, бечора бир қиёфага кирганди. Ойим қишлоқдан олиб келган тугунчани отамга узатди, лекин у олмади. Бир нималар деб гўлдиради-да, орқасига ўгирилди. Қишлоққа қайтдик. Ойим йўл бўйи йиғлаб келди. Мен ҳам... Мен учун қайғули, изтиробли, танҳолик дамлари бошланди. Шу куни суякларим ҳам сирқираб оғриди. Бу мутлақо янги ва чидаб бўлмас оғриқ эди...

АРИ ЧАҚИБ ОЛГАНИ

Маърифа опамнинг узоқ тул ўтириши, Соифа опамнинг ногиронлиги, менинг ёшим улғайиб бораётгани, суннат қилинмаётганлигим ойимни азоблагандан азобларди. Маърифа опамнинг турмушга чиқиши ойимнинг юрак оғриғини хийла енгиллаштирди, қадини ростлаб олди. Табиийки, ойим мен учун кўпроқ қайғуларди. Чунки Соифа опамнинг тақдири совчи келиш-келмаслигига, менинг суннат қилинишим эса бисотимизнинг бор-йўқлигига боғлиқ. Отамнинг хасталиги ишнинг белига тепган, ойимнинг тикув машинасидан топилган даромад билан эса фақат қорин тўйғизишгина мумкин эди. Мана шу сабаблар туйфайли ойим узоқ вақт бош қотиришдан сўнг охири мени яширинча суннат қилдириш қарорига борибди. Мен буни туй куни эшитдим. Асли мен мана шу сонияни отам, Зиётвой поччамнинг ҳарбийдан қайтишини кутгандай орзиқиб, ёниб, ўртаниб кутгандим. Чунки ўртоқларимнинг тўйларига борган, ўзим ҳам уларники каби тўйим бўлишини истардим. Бироқ акси юз берди. Иложим қанча. Тўй яширинча, ҳеч ким билмаган, сезмаган ҳолда ўтиши, ўзим ҳам бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмаслигим шарт экан. Бу ҳақда

қулоқларимга қуйишгач, жимгина дардимни ичимга ютдим. Ўша куни мен ўзимни қишлоқда, ўртоқларим орасида энг бечора, ҳимоясиз одамдай ҳис қилдим, чиндан ҳам буни бошқалардан сир тутдим. Мен «бахтсиз»га ойим ҳам, опаларим ҳам бирор вақт, бирор одамга кўрсатишмаган илтифотларни кўрсатишди. Бу ҳол — жилмайиб ёнимга яқинлашиш, бошимни силаш, бағриларига босиш, улғайганимда катта тўй қилиб беришлари, ҳиссасини чиқариб юборишга ваъда бериш қабилда юз берди. Салгина кейин эса мени мева, қанд, нонлар билан меҳмон қилишди. О, қанчалар олиҳимматлик! Инсон боласи кўрмаган илтифот-а! Қувонмай бўладими! Ахир бирор вақт шунчалик илтифот кўрмагандим-да! Барибир кўнглим таскин топмас, чунки ягона орзуйим ушалмаган, ўртоқларимни тўйимга таклиф қилиш имконидан бенасиб қолгандим.

Қош қорайиши олдидан уйимизга қўшнимиз Ҳожи оқсоқол чиқди. Мен уни деразадан кузатиб турдим. Шу орада ёнимга опаларим киришди, кўнглимни овлаш мақсадида болаликда қилган қилиқларимни айтиб қулдиришга уринишди, кейин палов дамлангани, ҳозир сузилиши, мириқиб ейишимизни ҳам айтишди. Улар мени қўғирчоқдай қийнашиб, эрмак қилишаётганларида уйга ойим кирди. У қувониш билан ғамгинлик орасида туриб жилмаяр, жилмайиши кўпроқ йиғлаётганга ўхшар, қовоқлари ораси тобора йилтираб борарди. Ойим бир нафас менга яқинлашиш-яқинлашмаслигини билмай турди ва ниҳоят қўлларини ёзди-да, кучоғига отилишимни таклиф қилди. Унга бўлган оташин меҳр-туйғум, тўйимни яширинча ўтаётгани сабабли юз берган туйғумдан голиб келиб, бирдан ғам-ташвишларимни унутдим, гўё беихтиёр, айни вақтда бечора бир одам қиёфасига кириб, ўзимни кучоғига отдим. Кейин эса, ўзимни чиндан ҳам бахтиёр ҳис қилаётганим, худди шу кез юрагимни оғир бир алам кемираётгани, бу ҳол ҳали-бери тарқамаслиги, тарқалиши осонмаслигини ҳам ҳис этдим. Ойим ҳароратли лаблари билан юз-кўзларимдан ўпгани, орқамни силай бошлагандагина таъсирланиб бораётганимни англадим ва бу ҳаяжонимни оширгандан ошириб бораверди. Ойимнинг бағрига суқилар, ҳаяжонлар орасида ёниб: «Ойимни яхши кўраман, катта тўй қилиб берганида яна ҳам яхши кўрардим», дея алам билан ўйлардим. У ўпишдан, силашдан тўхтаб, кўзларимга термилар, бу билан: «Анваржон, хафа бўлма, йўқчилик, айб мендамас», қабилда жимгина кўзлари билан меҳрини изҳор қилар, нигоҳи билан эса эркалатарди. Мана шундан кейингина ойим ҳаддан зиёд жўшиб кетгани, бутун каромат ва саҳоватини иккиланмай менга нисор этаётганининг гувоҳи бўлдим. Ойим таъсирланган кезлари

доим йиғлаб юборарди. Бу гал эса йиғламаётганди. Шунга қараганда бу гал ойим аввалгиларига қараганда юз, минг бор кучли ва ортиқроқ таъсирланиб, ҳаяжонланаётганди. Чунки ойимнинг кўпдан бери орзу қилган нияти ушалаётганди. Мен ҳам иккиланмай бутун юрагимдаги меҳр-муҳаббатимни ойимга бағишлар, илк бор мактабдан қайтганимдаги каби пешонамни кўксига қўйиб, шўр ва тахир кўксига лабимни сурардим. Бу билан ҳам қониқмай, юз-кўзи, қўлидан ўпар, ўпаверар, бу ўзимга ҳам хуш ёқар, лаззатланар эдим. Ойимдан антиқа бир ҳид анқир, бу на гул, на ўсимлик ҳидига ўхшар, бу шундай қиёссиз ҳид эди, уни бутун умр димоқда сақлаб қолиш, қўмсаб юрса бўларди. Ҳа, бу ер юзидаги ҳидлардан мутлақо фарқ қиларди, бу олиҳиммат, раҳмдил она — инсон ҳиди эди! Ер юзидаги турфа ҳид, лаззатлардан баҳраманд бўла туриб ҳам бу ҳидни туйган ондаги каби таъсирлана олмаслик мумкин эди. Бу ҳид деҳқон яктаги, омов, бугдой ҳидини эслатарди...

Нихоят, она-бола бир-биримизга меҳр-муҳаббатимизни шу тахлит изҳор қилганимиздан сўнг, яъни ойимнинг ҳиди, ўпиши таъми вужудимдан кўтарилмай туриб, опаларимнинг бири қўйиб иккинчиси бағриларига босиб ўпа боллашди. Улар «каллаҳум, мишиқи» деган гаплари билан дилларини изҳор қилишганларидан сўнг эса ўпиб, тишлашиб юзимни шишириб ҳам юборишди. Навбат паловга етди. Едик. Кейин опаларим мени катта уйгача кузатиб қўйишди. Тўрда Ҳожи оқсоқол билан яна бир нотаниш киши ўтирарди. Мен уларга назар ташлаб туриб, жилмайиб қўйдим ва бу билан суннат қилишларига тайёр эканлигим, ҳеч қачон кўрқим ҳам мумкинмаслиги, аксинча, шу дақиқани орзиқиб кутганимни ифода этдим. Улар ҳам жилмайиб билан: «Сен мард йигитсан, суннат қилишдан кўрқмайсан, умуман полвонсан», қабилдаги жавобларидан сўнг Ҳожи оқсоқолни ўзимга яқин олиб ёнига чўқдим. У одатдагидай бир хил жилмайиб билан бошимни силади. Мен ҳам миннатдорчилик билдириб жилмайдим-да, ёнимга, нотаниш кишига юзландим. Нотаниш киши чуваккина, пешонаси тор, иягининг бичими чиройли, юзи сарғиш билан ҳийла қизғишга мойил рангда бўлиб, тарғил кўзлари ўта ёқимли, нигоҳи Қосим ювошники каби озорсиз эди. У кўп катта тўйларда қатнашган, чамаси, менинг суннат тўйим яширинча ўтаётгани ва бундан кўнглим чўкканини сезиб турар, иложи борича жилмайиб, бу билан мени овутишга уринарди. Қирқ ёшлардан ошиб қолган бу одам, чиндан ҳам бир кўришимдаёқ фикримни қарам этди. У лаҳза сари менга яқинлашишга, иложини топа олса кўнглимдаги изтироб ва низоларни чиқариб ташлашга ҳаракат қилар, бу эса мени яна ҳам

ҳайратга солаётганди. У менга қараб туриб ҳаяжонланар, кўзлари ёшланиб борар, бу табиати билан у кўпроқ ойимга ўхшарди. Жуда тез орада бу одам тасаввур ва хотирамга ўрнашиб олди ва қалбимда янги иштиёқлар кўзгатди. Мен доим жичча меҳрибонлик кўрсатган одамни ёқтириб қолиб, баъзан янглишардим, лекин бу одамни севиб янглишмаслигим мумкинлигини кўнглим сезиб турарди. Ниҳоят, у мени бағрига босди-да, кўлимни ўпиб, ёнига тортди ва кўзларимга термилди.

Чироқ милтиллар, ташқари қоп-қора зулмат қўйнида мудрар эди.

Ойим дастурхонни йиғди ва қалин қилиб ўрин солди. Шундан кейингина ҳам таҳлика ва таажжубда атрофдагиларга қарадим.

— Қани, Ширинжон! — ойимнинг кўнглини эритадиган оромбахш овози эшитилганда ҳам ҳайратдан қотиб турардим. Гарчи суннат қилинишим, яъни ётишим зарурлигини сезиб турсам-да, вужудимнинг қаеридадир ноаниқ, мавҳум бир оғриқни ҳис қилиб, ўзимни четга тортиш йўлини излардим. «Анварнинг эси кириб қолган, кўрқмайди», деган мақтовлардан кейингина беихтиёр кўрпа орасига кирдим, кирдиму, юзимни чангаллаганча ҳўнграб юбордим... Бу гал ҳўнграшимга кўрпада ёлғиз ётганим, кўнгил берувчилар озлиги, тўйим яшринча ўтаётгани, ўртоқларим қатнаша олмагани сабаб бўлганди. Кўллар елкамни босди. Иштонбоғимни бўшатишиб, иштонимни туширишди... Кейин юзимни ёстиққа босдим-да, кўзларимни юмдиму, бошқа қимирламасликка аҳд қилдим.

— Йўлдош, бўла қолинг, — деди Ҳожи оқсоқол бир пайт.

— Ширинжон! — шивирлади Йўлдош ака, — қимирламай ёт. Хўпми?

— Хўп, — ҳиқирлаб бошимни кўтардим, ёнимга назар ташладим. Ёнимда темир товоқ, ичида эса куйдирилган пахта турарди. Йўлдош ака қорни ёрилган қамиш ва устара ушлаганди. Шу кез мени суннат қилинишим, суннат қилинганимдан кейин кўзгаладиган сим-сим оғриқдан ҳам кўра, қорни ёрилган қамиш ва уларнинг тайёрланиши, устаранинг қандай ишлатилиши қизиқтираётганди. Кутилмаганда кимдир елкамдан такрор босди, яна кимдир пешонамни ушлади, кимдир тиззаларимга ўтирди. Салдан кейин эса кўзларимга илинаётган нарсалар, хотирамга ўрнашган кечмишлар, бундан буён содир бўладиган мавҳум воқеалар миямда ифодалана бошлади-ю, тез орада бир-бирига қоришиб кетди. Худди шу пайт вужудимнинг қаеридир «жиз» этди-ю, аввал ачишди, сўнг таҳир оғриқ кўзгалди. Кўзларимни катта очиб, бошимни турли томонга ташладим. Томирларим тиришар,

терлаб борардим.

— Бўлди, бўлди, Ширинжон! Чида, — устанинг овози...

— Ширинжон! — бу ойимнинг титраётган овози эди.

— Мана энди қўлинг ҳалол бўлди. — Ҳожи оқсоқолнинг овозини ажратиб олдим. Қолганларини эслолмайман. Уйғонганимда дераза ойналари ёришган, вужудимнинг қаеридир оғрир, ва карахт, томоғим тахир, кўнглим нохуш эди. Ойим ёнимда эди. Қўзғалолмадим. Ойим қўлларини ерга тиради-да, юзим, кўзларимдан ўпди. Мен бу гал ҳам қўзғалолмадим. Фақат қўлларимни елкасига ташлаш билан меҳримни ифода қилиб чекландим. Шу орада уйга опаларим ҳам киришди, қуш болаларидай чирқирашиб, атрофимни ўраб олишди. Ўпиб, бошимни силашиб изларига қайтишди.

Тўй яширинча бўлса-да, ўтди. Ойимнинг дарди ҳам енгиллашди. Болалигимга бордим, эртаси куни кеч билан иштонимни кўтариб, оёқларимни эҳтиётлаб босганча кўчага чиқдим. Ёнғоқ ўйнаётган Турдивой билан Эрмат дарҳол атрофимни ўраб олишди. Улар икки кун кўчада кўринмаганим, бу орада ҳайла озиб қолганим, ўзлари менга ичикишганини айтишди. Эрмат менга маъюс термилар экан:

— Нега оёқларингни кериб юрибсан? — деди.

Қалтирашдан аранг тилимни ўнглаб:

— Ари чақиб олди, — дея гудрандим.

— Ари оёқларингнинг орасини чақдими, қизиқ, — гапини давом қилди Эрмат. Сукут сақлашдан бўлак чора тополмадим. Бир нафас бошимни эгиб турдим-да, сўнг уйга кириб кетдим. Кирдиму, ўзимни кўрпага ташладим. Шу тариқа эрталабгача йиғлаб чиқдим...

ҚУТЛУФ ҚАДАМ

Нима ҳам дейиш мумкин! Баъзан нима дейиш, нима қилиш, ҳатто қувониш, қувонмаслигингни билмай қоласан киши. Вужудингнинг бир томони ўзингникидай, иккинчи томони эса ўзганикидай туюла бошлайди. Кутилмаган яна бир воқеа юз берди-ю, ана шундай ҳолга тушдим. Олдинроқ воқеадан хабар топганимда бирор нарса деб ё бирор муносабат билдирардим. Начора! Бу воқеа ҳам тасодифан юз берди. Яна қувонадиганга ўхшайман... Қизиқ! Қувончли воқеалар доим ўзим кутмаганда, яъни кузда менинг сеvimли кузимда содир бўлади.

Куз охирлаб қолганди. Холдор япроқлардан бўшалган новдалар шамолда аста ва хаста тебранар, оламда куз маъюслиги кезиб юрар, ҳаммаёқ сап-сариқ рангга бўялганди.

Мактабдан яна очиқиб қайтдим. Ўғри мушукдай обдан токча

ва дастурхонни титкилаб, қорнимнинг корини енгил қилдим-да, дераза олдида туриб, тупуги билан бармоғини ҳўллаб, ойнага сугир бошини чизаётган Рикси опам томон яқинлашдим. У сугир бошини қойил қилиб чизаётгани, кимдир санъатини кўришини истаётган экан шекилли, шарпамни сезиши билан дарҳол орқасига ўгирилди-да:

— Қалай? — деди ва жавобини кутмай ҳовлига назар ташлади ва тезлик билан менга юзланди. — Анвар, қара, меҳмонлар келишяпти.

Пешонам шилингунча ойнага тираб, ҳовлини кузатдим. Ҳовлига икки нотаниш аёл кираётганди. Олдиндаги аёл кичкина, бели букилган, рўмоли билан юзини яшириб олган, кўзлари ва қирра бурнигина хиёл кўриниб турарди. Орқада келаётган аёл бўйдор, тўла, духоба камзулда бўлиб, тез-тез ён-верига қарайверар, лекин ҳамроҳини босиб олдинга ўтишга ботинолмаётганди. Аёллар бир нафас йўқолиб қолишди ва салдан кейин эшикдан бошларини суқишиб, бизларга қарашди-да, аста ичкарига киришди.

— Ҳой, дўндиқ, — деганда йўл бошлаётган аёл, тишлари йўқлигидан лаблари хуштак чалиб юборди. — Онанг қани?

— Моҳи холамникида, — жавоб берди Рикси опам мендан олдинроқ.

— Югур, қақир, — гапини давом эттирди бўйдор аёл ва эринмай уйни кузатди. Рикси опам менга «бор, айтиб чиқ» ишорасини қилди-да, кўрпача ёзишга тутинди. Мен югуриб ҳовлига, ундан кўчага чиқдим. Эшикни елкам билан туртиб очдим-да, ичкарига кирдим. Ойим ўша Эркин йиқилган ариқнинг ўнг томонида, Моҳи хола эса чап томонида чўққайиб ўтирар, ойимга эрининг тўрғай чулдирамасдан кирки ва тўр кўтариб далага, бедана овига равона бўлишини айтиб, шикоят қиларди. Ойимнинг ёнига яқинлашиб, қўлларимни елкаларига ташладим-да:

— Меҳмонлар келишди, сизни сўрашяпти, — дедим.

— Қанақа меҳмонлар? — ойим кафтларини тиззаларига тираб кўзгалди. Чамаси ойим меҳмонлар Паркентдан бўлса керак, деган хаёлга бораётганди, — Маърифа олангмасми?

— Йўқ, битта кичкина, битта катта хотин.

Ойим бир юриб, бир югуриб уйга чиқди. Меҳмон аёллар билан узоқ ва астойдил кўришди, паст бўйлигини ўпиб ҳам қўйди. Афтидан аёллар баобрў хонадондан эди чоғи, ойим биринчи кўришишдаёқ титраб, сўзларини аниқ ифодалолмай қолди. Аёллар ҳам иложи борича ойимнинг кўнглини овлаш учун кўришиб бўлганларидан кейин ҳам қўлларини тирсақларидан олишмай,

юзига узоқ термилиб туришди. Ойимнинг: «Қани, қани, ўтиринглар», меҳмон аёлларнинг эса «Ўзингиз ўтринг», деган гапларидан сўнг паст бўйли аёл тўрга ўтди, унинг ёнига бўйдор аёл ўтирди, ойим эса пойгакка чўкди. Дастурхон ёзилиб, нон ушатилади. Чой ҳам олиб кирилди. Ойим меҳмон аёлларнинг оғзига қараб гап бошлашларини кутди.

— Орифахон! — деди ниҳоят паст бўйли аёл, — қариндош бўлгани эшигингизни қоқдик...

Ойимнинг кўзлари катта очилиб, пешона териси тезлик билан ёзилиб-йиғилди, майда тер ҳам қалқиди. Кейин илтифот ҳам, илтифотсизлик ҳам билдиришни ажратолмай, меҳмон аёлларга юзланди.

— Яхши келибсизлар, — деди ниҳоят ойим, — кўзларим учаётувди.

— Қаранг, яхшиликка учаётганакан, — жилмайди паст бўйли аёл. — Илоё, яхшилика учгани рост бўлсин. Орифахон, биласиз, ёлғизгина жияним бор. Ўзим билан юртимиздан келиб қолганди. Қизингизга совчиликка... Юлдузлари топишган бўлса, иккаласини бириктириб қўйсак...

— Ҳа, бўйга етиб турибди, — деди ойим ҳаяжонланиб ва бармоқларини бир-бирига сиқа бошлади. Бари бир титроғи сезилди. Шундай ҳолга тушиши табиий эди. Чунки севимли қизи, яъни оқсоқ Соифа опамга илк бор совчилар келишганди. Ойим: «Гулдай қизим, оқсоқланиб қолди, умри хазон бўляпти», дея йиғлаб ҳам олди.

— Сизга бир эмас, ўнта қизимни ҳам бераман, — гапини давом қилди ойим. — Сизга бермасам кимга бераман. Тўйнинг ўзи бўлмайди...

— Бизда ҳам ҳеч вақо йўқ, уруш тинкани қуришди, — мингиллади паст бўйли аёл. — Пешоналарига берсин. Ойнинг ҳам ярми қоронғи, ярми ёруғ. Ўзимиз ўраб-чирмаб оламиз.

— Қизи тушмагур, бир оз эркин ўсди...

— Ўргилай, онанинг бағрида эркин бўлади-да, — деди паст бўйли аёл ва тиззасини қучоқлади-да, ўнгланиб ўтириб олди. — Бегона уйга борганидан кейин қўйилади. Қариндош-уруғларингиз билан маслаҳатлашинг. Рози бўлишса тезроқ тўйни бошлаб юборамиз.

— Сора опа, — ойим маънос мурожаат қилди пас бўйли аёлга. — Ким билан маслаҳатлашаман. Онам, укаларим узоқда, шаҳарда. Боролмайман, йўл йироқ.

— Ихтиёр ўзингизда, тўйни эртага десангиз эртага, индинга десангиз индинга бошлаймиз, — паст бўйли аёл бу гал хийла

паришонхотирлик билан ойимга юзланди. — Ихтиёр сизда...

— Нима ҳам дердим. Мен... — ойим жимиб қолди.

— Эртага эркаклар нон ушатиб кетишади, — деди паст бўйли аёл ойимнинг «рози»лик билдирганига мамнун жилмайиб. Ойим ҳам самимий ва жиддий жилмайди ва бу билан ҳам «рози» бўлганини англатди. Масала ҳал этилди.

Совчи аёллар қўзғалишди, ойим уларни катта кўчагача кузатди.

Мен учун яна тоқатсиз дақиқалар бошланди. Шу тун ҳам узоқ ухлолмай тўлганиб ётдим. У ён-бу ёнга ағдарилар, хаёлга чўмар, лекин нималар ҳақида ўйлаётганим, нималар ҳақида ўйлашим зарурлигини фарқ қилолмасдим. Вужудимда бахтиёрлик туйғуси жўш уриб борар, мана, мана, бахтиёр дақиқалар яқинлашар, бу «бахтиёр» дақиқанинг тезроқ яқинлашишини орзиқиб кутардим.

— Эй худойим! — шивирлардим ўзимга ўзим. — Қандай яхши-а! Соифа опам узатиладиган бўлди! Эй худойим! Қандай яхши-а! Энди ойим; «Гулдай қизим оқсоқланиб қолди, умри хазон бўляпти», демайди. О, қандай яхши-я! Соифа опам узатилади... Бу ёғи тўй...

ОРАЛИҚ

Икки кундан сўнг нон ушатилди. Ойим на қариндош-уруғлар, на қўни-қўшниларга маслаҳат солди, ҳатто Соифа опамнинг ўзидан ҳам розлик сўрамади. Қувонганидан шундай қилганди. Чунки, Соифа опамнинг телба табиатлилиги, устига-устан оқсоқлиги, ёши ўтиб бораётган бир пайтда совчилар сўраб келиши ойимгагина эмас, хонадонимизга бахт келтирарди. Совчилар ойим учун биринчи «ўлжа» бўлиб, борди-ю, шу биринчи ўлжани қўлдан чиқариб юборса, иккинчисига эришиш-эришмаслиги гумон эди. Унинг розилик беришига, тўй муҳлатини тезлаштиришга эса асосий сабаб шу эди. Маърифа опамдан сўнг Соифа опамнинг турмушга чиқиши, умуман хонадонимизнинг тўйлар, шодликлар манбаига айланиши айниқса биз болалар учун қувончли воқеа эди. Шу баҳонада мен суннат тўйимга таклиф қилолмаган ўртоқларимни Соифа опамнинг тўйига таклиф этар, шунингдек, мақтаниш, уларни меҳмон қилиш имкониятига ҳам эга бўлардим.

Совчилар нон ушатиб кетгач, ойим ғамга ботиб қолди. Бахтиёр жилмайишлари, кўзларидаги қувонч нурлари сўниб, чеҳрасига маъюслик кўнди. Жимгина кўчага чиқадиган, худди шундай орқасига қайтадиган бўлиб қолди. Унинг бу аҳволи полапонини учирма қилиб юбориб узоқ вақт қайтишини кутган, лекин қайтмаган болаларини кутаётган она қуш аҳволини эслатарди. Маърифа опам узатилган, Соифа опа эса узатилиш арафасида

турар, табиийки, улар бошқа орқаларига қайтишмас, бу ҳол кўнгилларни паришон қилганди...

Ойим Соифа опамнинг колхоз омборидан қайтишини бетоқат кутар, лекин у бугун нима учундир кечикаётганди. Мен бир томонда, Мазифа опам билан Риқси опам иккинчи томонда, гарчи кўнглимиз гаш бўлса-да, зўрма-зўраки жилмаяр, Соифа опамнинг тезроқ қайтишини, кўриниши билан қучоғига отилиб, совчилар келганини айтишга, суюнчи олишга ошиқардик. Лекин воқеа мен ўйлаганча юз бермади. Ойим жимгина сеvimли қизини бағрига босди, жимгина кўксига бошини қўйиб, жимгина ўпди.

Соифа опам, ойимнинг бу ҳолидан таажжубга тушди. Чунки у совчилар келганини эшитган бўлса-да, ишни бу қадар жиддий тус олишини ўйламаган, унинг устига ойим кўпдан бери унга рўйхуш бермай, отдан тушса ҳам эгардан тушмайдиган одам қабалида муомала қиларди. Шу кез Соифа опамни таажжубга солган ҳол ҳам шу эди. Ойим чиндан ҳам бугун Соифа опамни ардоқлади. Маълум бўлдики, ойим Соифа опамни қаттиқ севган, сева туриб меҳрини пинҳон сақлаган, иложи борича уни одоб чегарасидан чиқишига йўл қўймас экан. Соифа опам ойимнинг кўрсатаётган илтифотидан ҳамон ҳайратга тушар, гоҳ жилмаяр, гоҳ жиддийлашар, барибир ҳеч нарсани англолмас, ойим эса нон ушатилганини айтолмай қийналарди.

— Болам, болажоним! — деди бир пайт ойим ва қиш кунлари сувга тушиб қолган одамдай титрай бошлади. — Сендан сўрамай розилик бериб юбордим...

— Нимага? — сўради Соифа опам гўё киймига ўт кетгандай бир аҳволга тушиб.

— Турмушга чиқишингга, — жавоб қилди ойим бу гал ва ўзини орқага тортди. Чамаси ойим телбатабиат қизининг ҳар бир дақиқа ваҳшийлашиши, яъни ўзини деворга уриб ёриб ташлаши, ё чинқириб, боши оққан ёққа қочиши, натижада тўй тўхтаб қолиши мумкинлигини сезганидан хавфсираб ўзини орқага тартаётганди. Лекин Соифа опам мутлақо ойим кутмаган, бирор вақт хаёлига ҳам келтирмаган йўлни тутди.

— Турмушга, дедингизми? — сўради у ва ойимнинг жавобини кутиб турмай қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. У шундай кулдики, девор, ҳатто ер ҳам зириллаб кетди. У кулар, тинмай кулар, энди унинг кулгисида гоҳ ўқ еган оҳунинг фарёди, гоҳ кишандаги от кишнаши, гоҳ қоплоннинг инграши ифодаланар, кўзларида эса барча нарсаларга бепарволик ва мазаҳга ўхшаш туйғулар акс этарди. Бу, бахтиёрлик билан изтироб, қувонч билан эзилиш, ҳасрат билан фарёд орасидаги кулги бўлиб, қайси бири аниқроқлигини

ажратиб бўлмасди. У кула-кула охири хириллаб қолди ва сал ўтмай хириллаши ўқчиш билан алмашди. Чиндан ҳам энди унинг на йиғлаётгани, на кулаётганини ажратиш амри маҳол эди. Кўзлари ёшланган, буни ҳам на йиғлаётган, на кулаётганидан деб бўларди. Ниҳоят, у ўзини ўнглаб олди ва ғайритабиий бир шиддат, кескинлик билан ойимни қучди-да, юз-кўзи, бўйнидан ўпа бошлади. Ойим ҳам ана шундай шиддат ва кескинлик билан Соифа опамни бағрига босар экан, ўпишга киришди. Соифа опам аста-секин шиддатдан тушди, сўнг бошини ойимнинг кўксига қўйди-да, сукутга толди. Ойимнинг кўнгли бузилганди, Соифа опам яна қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

— Ойижон, йиғламанг, — деди кейин у ўзини қувонаётган одам қиёфасига киргизишга зўр бериб уринар экан. — Менинг кўзларим қувонганимдан, шодланганимдан ёшланди. Розилик бериб юбордингизми.

— Бердим! — ойимнинг кўзлари чарақлаб кетди.

— О, бошим кўкка етди! Ажаб қилгансиз. Сизнинг ўрнингизда бўлганимда мен ҳам шундай қилардим. — Гапини давом қилди Соифа опам бу гал хийла паришонхотирлик билан. — Мен учун бундан бошқа бахт бўлиши мумкинмас. Иккаламизнинг ҳам юзимиз ёруғ бўлибди! Сиз қизим ногиронлиги учун совчилар келмаяпти, деб тун-кун алам чекардингиз, мен эса тезроқ совчилар келишса-ю, турмушга чиқсам ойимнинг юзи ёруғ бўла қолса, дея яратганга илтижо этардим. Ахир қайси она ўз қизи учун қайғурмайди! Ёки қайси бола она учун...

О, мен қанчалар бахтлиман-а! Бунинг учун яратганга, фақат яратганга минг бор шукрона айтсам ҳам оз. У менга, қолаверса хонадонимизга гарчи оз бўлса-да, каромат ва саховатини аямади, илтифот кўрсатди. Ҳа, оз бўлса-да, кўрсатди! Шу озгина илтифоти учун ҳам унинг қаршисида бош эгиб, таъзим қилишга бурчлимиз. Ҳа, майли жин урсин ҳаммасини! Хўш? Қани, энди айтинг-чи, сизнинг бўлғуси куёвингиз — қайлигим ким экан? Сиртдан бўлса ҳам ҳар ҳолда танишиб қўйсакмикин... Чимилдиқда яна ит-мушукдай қувишиб юрмайлик. У ҳам ўзимга ўхшаш..! — Соифа опам оқсоқ оёғига ишора қилди. — Оёғини қирқ мақомга ўйнатса-я... Шундай бўлган тақдирда икки чўлоққа худо берди деяверинг. Қўлларимизни елкаларимизга ташлаб, бир чўлоқ иккинчи чўлоқни суяб юрса-я.

Ойим кутиб-кутмаган, истаб-истамаган бир ҳолга тушиб, кулиб юборди ва бирдан ҳали-замон йиғлаганини эслади чоғи, дарҳол қиёфасини жиддийлаштиришга уринди.

— Нозандай йигит, — тушунтира бошлади кейин. — Ўзим кўрганман. Озгина паканароқ, холос. Паканароқ бўлса нима қиларди. Одамлик турқи бўлса етади-да. Эркакнинг хунуклиги билинмайди, лекин борадиган еринг чакки эмас. Кимсан Аълам домла. Бутун қишлоқни сўраб турибди.

— О, чиндан ҳам бахтим очиладиган кўринади, — Соифа опамнинг қошлари учди. — Бундай бахт отликқа ҳам йўқ деяверинг. Шундай экан, яёвга йўл бўлсин. Қани, қани, яна бир куёвингизни мақтанг. Зора кўнглим илиса... Оқсоқ оёқ... Йўқса...

— Оти Мухтор чоғи, — деди ойим бу гал чиройи очилиб, — ювошгина дейишади...

— Ҳа, ҳа, биламан, — ойимнинг гапини бўлди Соифа опам. — Ана у ичимдагини топ йигит-да. Жувонмарг мени кўрганида қизларга ўхшаб жилмайиб, қизариб ўтиб кетарди-я. Юрагидан уриб қолган эканман-да. Оббо паканавой-ей! Бирдан баланд тоққа осилганини қаранг. Шунга айтадилар-да, «писмиқдан кўрқ», деб. Таом танлаши ҳозирча чакки эмас. Ҳечқиси йўқ, ўзим тарбиялаб оламан. Қулоқларидан бошлаб бир чўзайки, сиппа-силлиқ, ноппа-нозандай йигит бўлсин-қолсин. Қизиқ, мени Султимат ёқтириши чиндан ҳам қизиқ! Умуман мени ёқтирганларнинг сони беҳисоб эди. Жағингга пашша ўтириб кетгур, ана шу ҳам ишқимда ёниб, оёғимни аравага бостириб олганди. Юрагидан урмаганимда мени авайлаган бўларди. Унда балки соғ қолармидим... Шунга айтадилар-да, қурбақанинг ишқи шоҳнинг қизига тушибди деб. Оббо Мухторвой-ей.

— Менга қара, — ойим Соифа опамга жиддий термилди, — қулоғидан чўзиб қўяман дедингми? Уял болам. Қулоғидан чўзсанг эртагаёқ қайтиб келиб, юзимни ерга қаратасан. Сенги ишониб булмайди, шундай қилишинг ҳам мумкин...

— Ойижон, кўрқманг. — деди Соифа опам қошларини чимириб, — ҳазиллашдим. Ўзим зўрға эрга етишдим, қулоғидан чўзаманми. Қулоғидан чўзиш шартмас, қийноқнинг бошқа усуллари ҳам бор-ку! Кечаси қўйнига ўлган, сасиб-чириган ит ёки мушукни тиқиб қўйса ҳам бўлади. Шундай қилсам, зора қаттиқ-қурум йигитга айланса.

— Қўйнига ўлган ит ёки мушук тиқиб қўяман, дедингми? — тутоқиб сўради ойим. — Шундай қилсанг ўзимни сувга ташлайман, ё бошимни олиб бирор ёққа жўнайман.

— Хайр, — келиб туринг, — деди Соифа опам, яна қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— Турқинг қурсин, сен одам бўлмайсан, — ойим орқасига ўгирилди. — Сен билан гаплашмай тўғри қиламан.

— Ойижонимдан ўргилай, — Соифа опам ойимни кучиб, ўзига қаратди ва ўпиб қўйди. — Шундай қилади, деб асло хаёлингизга келтирманг. Ҳазиллашдим. Ақалли тўйдан олдин ҳазиллашиб олай. Мен розиман. Хўш? Тўй қачон? Иложи борича тезроқ бўлсин. Ана шу шайтон ўртоқларимнинг маломатларидан тезроқ қутулай. Ўғри мушуклар: «Оқсоқсан, эр олмайди», деб мазах қилишади. Ўзларини эр сўрамайди-ю, мана мен узатиляпман...

— Шанба куни, — жавоб қилди ойим, — ўзлари ўраб-чирмаб оламиз дейишди.

— Яхши, мен розиман. Тўйни бошлайверинг, ҳар ҳолда куёвингизни одамлик турқи бор экан-ку! Мана энди, булбулгинам, сайра, сайрайвер! Ҳазин кўшигингни куйлайвер! «Шод эдим, чуғур-чуғур куйлаб шохдан-шоҳга кўнардим. Сўнг... тузоқларига илинтирдилар... Эркимни ҳам ўғирладилар...»

Соифа опам орқасига ўгирилди-да, ўқ тезлигида кўздан йўқолди. Ойим унинг ордидан узоқ қараб турди-да, сўнг ҳар биримизга алоҳида илтифот кўрсатиб, яна бағрига босиб қўйди....

ТАҚДИРГА ТАН БЕРИШ

Соифа опамнинг ўз инон-ихтиёримиз турмушга чиқаётганини ҳамма билар, лекин сезмаганга олар, шунингдек, улар бу борада ўзларини ўзлари айбдор ҳисоблар, унинг юзига қарашга, бир-бирларига бу ҳақда бир нарса дейишга ботинолмасдилар. Соифа опам ўзини танҳоликка уриши, гоҳо ҳовлини супураётиб, супургини ерга уриб, югуриб уйга кириб кетиши орадаги парокандаликни бир карра ошириб юборди. Бу манзарани ойим қизлар турмушга чиқиши олдидан юз берадиган оддий бир ҳол деб қарар, асли ҳам шундаймиди, йўқми, бу ҳозирча Соифа опамнинг ўзигагина маълум эди. Менимча бунга мажбурият, яъни Соифа опам мажбурият юзасидан турмушга чиқаётгани сабаб бўлаётганди. У қадли-қоматда ҳам, чиройда ҳам, одамшавандалик, дилжонликда ҳам тенгсиз эди. Мана шу аломатлари билан қишлоқнинг манман деган йигитлари эътиборини тортган, уларни доғда қолдириб келарди. Бироқ шаддодлиги, ўзига ошиқча бино қўйиши билан ўша йигитларга узоқ вақт парво қилмаган, камситган, тўғрироғи, яна ҳам баланд тоққа осилиш ниятида эди. Лекин кутилмаган бахтсизлик — оқсоқ бўлиб қолиши ўша «баланд тоққа»осилишдан бенасиб этган, орзу-умидларини чил-чил синдирган, оқибат тақдир қаршисида бош эгиб, ўзи яхши кўрмаган йигитга мажбуран турмушга чиқаётганди. Унча-мунча йигитни ҳам, оддий кечмишларни ҳам писанд қилмайдиган, фақат

олижаноблик ва гўзалликни эъзолзлайдиган, гўзалликнигина қурбони бўлган, назокат, нафосат соҳибаси — Соифа опамнинг бирдан тушкунликка тушиши табиий бир ҳол эди. Чунки у ҳамма нарсани гўзаллик ва ғурур ўлчови билан ўлчарди. Унинг бугунги аҳволи узоқ лолазорда юрган, обдон лолаларни саралган, оқибат биронтасини ҳам узиб олиш насиб этмаган гулпараст қисматини эслатарди. Тўй муҳлати яқинлашган сари унинг чеҳрасидаги паришонлик, ташналик, қониқмаслик туйғуси яққол сезила бошлаганди.

Ниҳоят, у тўйдан уч кун олдин бизларни йиғди-да, кўчага етаклади. Эшик олдидаги ит тумшук тош устига ёйилиб ўтирар экан, қўлларини мен билан Мазифа опамнинг елкасига қўйди-да:

— Хўш? — деди ўзини зўрма-зўраки кулишга мажбур этиб, лекин кулолмади. Кейин бошини орқасига ташлади ва кўзларини юмиб оғир, жуда оғир «оҳ» чекди-ю, юзини чангаллади. Бошини кўтарганда қиёфаси ўлгин бир манзара касб этган, кўзларининг оқи билан қораси туташган ерида ваҳшиёна бир ташналик туйғуси содир бўлганди. Энди чеҳрасида, на кўзларида бирон-бир бахтиёрлик, қувонч туйғуси сезиларди. Тез орада яна қиёфаси ўзгарди-қолди. Энди унинг кўзларида хонадонимизга нисбатан оташин бир муҳаббат, шунингдек, ҳали-бери хонадонимиздан кўнгил узиб бирор ёққа жилиш мумкинмаслигига ўхшаш бир туйғу ифодалана бошлаганди. У чиндан ҳам тобора бечора ва ялинувчан бир қиёфага кириб борар, айнаи вақтда ғурур ортидан тушгиси келмас, бизларга мағрур қарар, нигоҳларида ҳам мағрурлик аломатлари акс этарди. Мен бирор вақт уни мана шундай аҳволда кўрмагандим. Ниҳоят, у лабини тишлади-да, шу билан ўзини аранг йиғлашдан тийиб, гапини давом қилди:

— Жўжаларим! Сизларнинг ҳеч нарсадан хабарингиз борми?

Гарчи биз яқин орада тўй бўлиши, Соифа опамнинг узатилишини билсак-да, кутилмаганда берилган саволдан ўйланиб қолдик.

— Йўқ, — деди Мазифа опам ҳадеганда мен билан Риқси опамдан садо чиқавермагач.

— Сен-чи, каллахум? — Соифа опам менга юзланди.

— Йўқ, — дарҳол жавоб қилдим.

— Сен-чи, Сарикнисо, — деди у кейин Риқси опам томон ўгирилиб, — ҳеч нарса эшитдингми?

— Билмадим, — деди Риқси опам.

— Ҳар ҳолда яхши бўлмабди, — Соифа опам кўрсатгич бармоғини лабига босди. — Биласизлар мени... Ҳар ҳолда яхши

қилишмади. Тақдир қурғур мени сизлардан ажратиб қўядиганга ўхшайди. Тўғри, кун бермайдиган опаларингиздан қутуласизлар. Аммо зеркиб ҳам қоласизлар. Липпада, қўйнида келадиган мевалар сизларга бошқа nasib этмайди. Томоғингиздан «лиқ» этиб ўтадиган шафтоли, Ортиқвой ўғрининг қовунларини ҳам қўмсайсизлару, лекин у пайт опаларингиз... бошқа уйда, бошқа одам қаршисида мунғайиб ўтирган бўлади. О, одамлар қанчалик бераҳм-а! Тугилишнинг ўзи ҳам бераҳмлик! Майли! Жин урсин! Ҳа, азизларим, ичакларингизни узиб кулдирадиган одамни ҳадемай излаб қоласизлар. Юракларингиз ўша одамни излаб эзилади. Бироқ, уни тополмайсизлар. Хўш? Қани, айтинглари, опаларингизни яхши кўрасизларми? Бирор вақт озгина бўлса ҳам севганмисизлар?

— Яхши кўраман, жонимдан ҳам яхши кўрман, — деди Мазифа опам гўё ҳозироқ Соифа опамдан ажралаётгандай ранги ўчиб. — Сизни ҳеч кимга бермайман.

— Ўзингиз ташлаб... — деди Риқси опам қовоқларини уйиб. — Бари бирам кетмайсиз. Олиб кетиб қолишса ҳам қочиб келасиз.

— Сизни ҳеч кимга бермайман, — деб юбордим мен ҳам опаларимнинг гапларидан таъсирланиб. — Эшикни занжирлаб қўяман, — афсуски итимиз йўқ-да, бўлганида қоптириб олардим. Нега итимиз йўқ-а!

— Яхши, яхши, — деди Соифа опам ёшли кўзларини артиб ва ҳар биримизни алоҳида меҳр билан бағрига босиб, ўпди. — Менга бўлган меҳрларингиз чакки эмас. Мен «Сариқ лўли тезроқ йўқолса, ундан тезроқ қутулсак дейсизларми» деб ўйлабман. Бироқ содиқ укалар чиқиб қолдингиз. Бу содиқлигингиз учун поччаларингизникига борганингизда чўнтақларингиз қантга тўлиб қайтади. Хўш? Мени узатиб кетишаётганларида қандай қилиб йиғлайсизлар. Бир кўрсатиб беринглари-чи. Мазифа, сендан бошлаймиз. Сен йиғининг машқини олгансан, бошлайсан.

Мазифа опам эринмай аввал Соифа опамга, сўнг Риқси опам билан мен томонга юзланди-да, ниҳоят фожиавий ролни бажарадиган актёрдай ўзини турли қиёфага киргизишга уринди. У чиндан ҳам яхшироқ, яъни Соифа опамнинг кўнглини тўлдирадиган даражада йиғлаш йўлини излар, лекин тополмай қийналарди. Ниҳоят киприкларини пирпиратар экан, бурнини тортиб:

— Сиз... сизни жуда яши кўраман, — деди ва чиндан ҳам хўнграб юборди. — Сизни ҳеч кимга бермайман. Совчилар яна келишса эшикни беркитиб оламан-да: «Нега келаверасизлар, кетинглари, бошқа келманглари, нима, Соифа опамга пулларингиз куйганми?»

— дейман, — Мазифа опам жимиб кўзларини артди, тўлган ўпкасини босиб, бошини эгганча, гапини давом қилди: — Соифа опамни олиб кетиб қолсаларинг мева, қовун еёлмаймиз. Бизларни қовун ўғирлашга олиб борарди, Ортиқвой ўгрининг қовунини ўғирлашга, йўқ, «Қовун ейишга», дейман. Кулогимиздан чўзиб ишлатарди... йўқ, бундай ҳам демайман. Алдаб, эркалатиб ўйнатарди дей-а? — у бурнини тортиб олди. — Соифа опамсиз зерикамиз, десам бўладими? Бошқа йиғлолмайман, йиғлагим келмаяпти. — Соифа опам қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

— Ҳой, ювош мушугим, қовун ўғирлашга олиб борарди, дея кўрма! — Соифа опам қорнини ушлаб аранг гапиришга тутинди. — Опангни ўла қолишса ҳам олиб кетишмайди. Оббо сен-эй! Бошқа йиғлолмайман, дегин. Етар, камбағалга шу ҳам тешиб чиқмайди. Хўш? Риқси, гал сенга...

Йиғлашга тайёрланмаган Риқси опам бирдан таажжубланиб Соифа опамга қараб олди ва бир неча дақиқа қандай йиғлаш, нима деб йиғлаш йўлини излаб, охири:

— Опа, — нима деб йиғлай? — қабалида мурожаат этди. — Ўзингиз йиғлаб кўрсата қолинг. Ҳозир кетиб қолмаяпсиз-ку! Нима деб йиғласам экан-а?!

— Жин урсин сени, Сарикнисо, — деди Соифа опам Риқси опамнинг елкасига муштлаб. — Опангни олиб кетишаётган бўлсаню, ўзи йиғлаб кўрсатсинми? Ҳу, текинхўр...

— Қизик-ку, — деди Риқси опам шошилич. — Нима деб йиғласам экан-а! Ҳозир... Ҳа, «Соифа опам яхши эди, сизлар бизлардан сўрамай олиб кетиб қоляпсизлар! Бировнинг опасини ҳам сўрамай олиб кетиб қолишадими? Ахир бир оғиз бизлардан сўрасаларингиз бўлмайдимми!» — десам-чи? Билмасдан «қўшнилари олма, ўриги, шафтолисини бошлаб ўғирларди, ўғримисан, ўғри», деб юборсам-а!

— Ҳой, ҳой, — кичқириб юборди Соифа опам. — Ундай дея кўрма. Опангни худо уриб қолади-я! Яна қариб-чириб ўтиравераманми! Эндигина не азоблар билан топган эримдан жудо қилиб қўясан. Яхшиси, опам бузоқнинг ҳаққи бор, деб сигирнинг сугини ичмайди, қўйнинг оғзидан чўп олмаган қиз, де. Сен ҳам бўлмадинг. Қани, каллахум, ўзинг бир нарса де-чи. Опасидан ажралганда қандай йиғлашни мана бу ландовурларга бир кўрсатиб қўй.

Маълумки, мен Соифа опамни бошқаларга қараганда юз, минг бор ортиқ яхши кўрардим. Шунингдек, битдан баттар ёмон ҳам кўрадиган одамим ҳам шу Соифа опам эди. Яхши кўришимнинг боиси: мен истаганча унга эркалик қила олар, баҳор, куз кунлари

варрак ясатиб олар, ўғирланиб келган мевалар ҳам биринчи галда менга тегарди. Ёмон кўришимнинг боиси эса: у ўта бераҳм эди ва ноҳўя ҳаракат қилган кезларим итнинг боласидай калтакларди. Менгина унинг қийноқларига бардош берар, у ҳам мени қийнаб, калтаклаб, шу билан ташналикларини қондириб олар эди. Шунинг учун ҳам у мени бошқалардан кўра ортиқроқ яхши кўрарди. Демак, мен Мазифа опамдан ҳам, Риқси опамдан ҳам яхшироқ йиғлашим, шу тариқа меҳримни ифода қилишим, иннайкейин қойилмақом сўзлар топиб мақташим, мақтаганда ҳам еру кўкка кўтариб мақташим керак эди. Шундагина мен унинг меҳрини қозонган, ҳайратга солган бўлардим. Албатта, бу осонликча битмас, узоқ ўйлаб, аниқ бир қарорга келиб олгач, ишга киришишим зарур эди. Ниҳоят, узоқ ўйлаш ва изланишлардан сўнг иложи борича овозимни силлиқлаштириш, ёқимлиштиришга уриниб фикримни ифода қилишга тутиндим:

— Қишлоқда Соифа опамдай қиз йўқ, ундай қизни топиш маҳол, — шу тариқа зўр бериб унинг ўзида йўқ, яъни ҳеч кимга маълум бўлмаган аломатларини тўқиб чиқара бошладим. — Яна нима десам экан! Ойим айтгандай, қишлоқда энг яхши қиз ҳам Соифа опамнинг ўзи. Уйимизга жон куйдирадиган одам ҳам шу Соифа опам. У бизни яхши кўради. Айниқса менга шамолни ҳам раво кўрмайди. Ўзи бошимга ит кунини солади-ю, бошқаларга урдирмайди. Бир марта оёқларимдан кўтариб бошим билан ерга ташлаб юборган бўлса, ўзим сабабчи эдим. Қулоғимдан чўзиб, чимчилаб йиғлатганига ҳам ўзим айбдорман. Чунки қулоғимга ҳадеганда гап киравермайди. Қулоқсизсан, деб сўкиниши ҳам тўғри. Нима қилай, ҳаммасини билмай, истамай қилиб қўяман. Қулоғимнинг тешиклари кичкина бўлса керак. Катта бўлганда, тезроқ гап кира қолганида Соифа опам ҳам ҳеч қийнамаган бўларди. Учқурликда унга бас келадиган одамни етти иқлимда ҳам қидириб топиш қийин. Қишлоқда пишган мевалар биринчи галда Соифа опамнинг липпа ва қўйнида бизникига равона бўлади. Қўшнилариинг пирамонида осиклик турган қуртли саватни айри таёқ билан илиб олишини кўрсаларингиз, қойил қолардингиз. Шундай жойдан қуртни мушук ҳам ололмайди-да, ахир. Ҳали, шундай опамни олиб кетиб қоласизларми? Бериб бўлман. Мана, мана сизларга, деб шапалоқлаб юзларига қўйиб юбораман. Афсуски, итимиз йўқ-да, бўлганида қоптириб олардим. Нега итимиз йўқ-а?

— Ҳой, қоравой, — Соифа опам оғзимни ушлади. — Қурт ўғриси десанг, ҳолимга маймунлар йиғлайди. Мен учун йиғлаб туриб, итнинг бўлишини орзу қиласан-а, мишиқи...

Кулгу кўтарилди-ю, тобора авжига чиқиб бораверди. Ўзим ҳам қотиб-қотиб кулдим ва бир пайт лабларимни йиғиштириб олдим-да, фахрланиб яна тутилмаган ёлгонларни тўқишга киришдим.

— Соифа опам тинч ухлайди, алахсирамайди, худога айланишни орзу қилганимда билмай қулочкашлаб қўйиб юборганди. Албатта, яхши қилмаганди. Худо бўлиб олганимда ҳозир чиндан ҳам опамни уйда олиб қолардим. Мардлигини айтмайсизларми. Қўлларига нима тушса, итга ҳам, битга ҳам улашаверади, ишни ҳам дўндиради. Ҳовлимизни доим ёғ тушса ялагудай қилиб супуриб қўяди. Кир ювишга бирам моҳирки... ундай опамни олиб кетишга уялинглар-эй! У кетиб қолса... — шундай деб туриб бирдан кўзларим ёшланди, ҳиқиллай бошладим. Ҳиқиллашим кучайгандан кучайиб бораверди. — Шу-шу... оёғи... бир оз... ҳа, бир оз оқсоқ... соқ... оқсоқ...да. Бўл-бўлмаса, ҳа, оқсоқланмаганда яна... яна ҳам яхши бўларди... жуда ҳам яхши бўларди.

Бошқа гапиролмадим, гапиришимнинг иложи ҳам қолмаганди. Фақат йиғлар, хўнграб-хўнграб, тўйиб-тўйиб йиғлардим. Мен умримда илк бор бутун вужудим, сезгиларим, туйғуларим, эътиқодларим билан йиғлаётгандим...

— Ҳа, — Соифа опам гулдиради. — Мана шу оқсоқлигим ишнинг белига тепди-да! Йўқса тасқара Мухторга тегармидим! Начора! Пешона шўр экан, — Соифа опам ёнига ўгирилиб, йиғлаётган Мазифа опам билан Риқси опамни бағрига босиб юпатишга киришди. — Бўлди, бўлди, йиғламанглар. Бари бир Анвар йиғлашни қойил қилди, йиғлашни ундан ўрганинглар. Энди сизларга битта топширигим бор. Кўчага чиқиб пойлоқчилик қиласизлар, поччаларинг ўтса мени қақиринглар, хўпми?

Жавоб бўлмади. Ҳамма бошини эгиб қолган, фақат ҳазин йиғи овозигина эшитилиб турарди... Бу Соифа опамнинг биз билан қилаётган сўнгги ҳамдардлиги эди...

ЙИҒЛАМА, ҚИЗ...

На қувонишни, на ранжишни билмай юрган кунларим ҳам ниҳоясига етди. «Куёвнавкар» муҳлати яқинлашган сари уйимизга келувчиларнинг сони тобора ортиб борар, тўй тараддуди, одамларнинг елиб-югуриб қилаётган хизматлари фақат Соифа опам, унинг узатилиб кетиши ҳурмати учун бўлаётгани қувончимга қувонч қўшарди. Эрталабданоқ ҳовли супурилиб, кўрпача ёзилди, нонлар ёпилиб, чойлар қайнатилди. Бу манзара юрагимда янги, мутлақо янги иштиёқлар қўзғатиб, қалбимни эса бахтиёрлик нурлари билан ёритди. Мен қувонган ё изтироб чеккан кезларим

паришонликка тушишимни аввал ҳам айтгандим. Мана, бугун ҳам мана шундай ҳолни танамдан кечиряпман. Жимгина кўчага чиқаман, жимгина уйга кираман, ҳаяжонимни сездирмасликка тиришаман, тўйга ташриф буюрган ўртоқларимга кўзларим билангина «марҳамат» дея илтифот кўрсатаман. Бошимда биргина «поччам тезроқ келса, тезроқ уни кўрсам», деган ўй айланади. Ҳаёлларга чўмар, Соифа опам ҳақида бош қотирар, бирдан ҳаяжонга тушар, бари бир сиртимга чиқармасликка уринар, лекин туйғулар исёни беихтиёр вужудимни қалт-қалт титратар эди. Сал ўтмай сиқила бошлар, ўзимни қил устида тургандай ҳис этар, лекин ҳали-замон эшитиладиган карнай-сурнай, чилдирма овози кўнглимга таскин берарди. Мана, мана, ҳозир поччам кўча эшикдан бошни эгганча кириб келади. Одамлар бир нафас унга қараб турадилар-да, сўнг ўзларини турли томонга урадилар. Диққатлар биргина Соифа опам ва поччамга қаратилади. Қаратилган кез ажойиб-ғаройиб ўйин — келин-куёв ўйини содир бўлади. О, қандай ифода қилсам экан!

Мана, ниҳоят, ўзим кутгандай ўйин, «бахтиёрлик» ўйини юз берди. Муддаосига етиб қиздирилган, яъни мени титроқ, чексиз-чегарасиз ҳаяжонга солиб чилдирма овози ҳам янгради. «Бакабум!» Нега, нима учун карнай-сурнай овози янграмади?! Юрагимнинг шу карнай-сурнай овозига ажратилган ери бўш қолди, ҳиссиётларим ҳам жўшмади. Карнай-сурнай овози янграмаса нима қилибди... Ахир ҳар қачон ҳам орзу қилган ниятлар тўлалигича ушалавермайди-ку! Чилдирма овози янграгандан янграр, вужудимдаги сўнгги ҳиссиётларимни ҳам сугуриб оларди. Мана, эшик олдидаги, яъни куёвни кутиб олишга шайланганлар ҳам икки томонга бўлиндилар-да, турли томонга сочилиб кетдилар. Ҳовлига кўзлари бесаранжом иккита йигит кирди. Ана, учинчиси ҳам кўринди. Бу поччам эди! Чилдирма ёрилиш даражасига етиб тангиллар, куёвнинг ҳурмати уни ўрнига қўйишга шошилаётган одамлар гўё шамол ураётган дарахтлардай силкинар, кўзлар, нигоҳлар, чеҳраларда эса турли хил олов ёниб сўнарди. Ифода қилиш қийин бўлган ажойиб-ғаройиб бир ҳол! Ҳиссиётлар чайқалаётган ондаги ҳол!

Одамларни туртиб-суртиб ниҳоят ораликдан чиқдим-да, шу тариқа поччамни яқиндан кўриш имкони туғилди. Поччамнинг бўйи Соифа опамнинг елкасидан келадиган даражада паст, елкалари ҳам тор, оёқ-қўллари калта бўлиб, бу гавдасини думалоқ қилиб кўрсатар, лекин кўзлари қора, қошлари ҳам қора ва қалин эди. У ўнг қўлини қимирлатмас, чамаси майиб экан — чиндан ҳам майиб экан, — буни эшитганимдан сўнг беихтиёр Соифа

опамнинг «агар куёв чўлоқ бўлса! Худо урди, икки чўлоқ елкаларимизга қўлларимизни қўйиб, бир-биримизни суяб юрарканмиз», деган гапларини эсладим ва юрагим ўртана бошлади. Бироқ поччамга узоқ қараб туриш имкони менга бошқа насиб этмади. Одамлар шиддат билан уни ичкарига олиб кириб кетишди. Навбат куёв ва куёв жўраларни меҳмон қилиш маросимига етди. Ҳовли бир неча дақиқага сукутга толди. Шу орада саллали, тасбеҳ ушлаган бир одам кўриниб, даҳлиз томон юрди. Ориқ, узун бўйли, узун соқолли бу одам домла бўлиб, поччамнинг поччаси экан. Домланинг орқасидан мен ҳам секингина даҳлизга кирдим-да, эшик орқасига ўтиб жим туравердим. Домла кўрпача устига чўкиб, тасбеҳ ўгиришга тутинди. Ичкарига палов олиб кирилди, ниҳоят бўшаган лаганлар орқага қайтди. Даҳлизга баҳайбат бир одам билан Ҳожи оқсоқол кирди. Домла Ҳожи оқсоқолга «чақиринг» ишорасини қилди. У ичкарига мўралади ва кимнидир имлаб чақирди. Кейин яна катта уйдан поччам ва икки йигит, кичик уйдан эса Соифа опам билан икки аёл чиқиб, остонага ўтиришди. Домла тасбеҳни ўгира туриб, поччамга юзланди:

— Сиз, Мухтор Азим ўғли, — дея мурожаат қилди унга, — Тангри таоло ва Муҳаммад алайҳиссалом шоҳидлигида, вакил отангиз бўлмиш Ашур Фозил ўғли гувоҳлигида Соифа Расулвой қизини завжаи мўминликка қабул қилдингизми?

Жавоб бўлмади, фақат домла юқоридаги гапларни учинчи марта такрорлагандан кейингина «қабул қилдим» деган овози эшитилди.

— Эшитдиларингизми?

— Эшитдик.

— Сиз Мухтор Азим ўғли, — гапини давом эттирди домла, — бугундан бошлаб никоҳингизга олган Соифа Расулвой қизини ёлғиз ташлаб бирор ёққа кетиб қолмайсиз. Ножўя урмайсиз, розилигисиз устига хотин олмайсиз. Уқдингизми?

— Уқдим.

— Эшитдиларингизми!

Домла Соифа опам томон юзланди ва шошилмай гапиришга тутинди:

— Сиз Соифа Расулвой қизи, Тангри таоло ва Муҳаммад алайҳиссалом шоҳидлигида вакил отангиз Ҳожи Собир ўғли гувоҳлигида Мухтор Азим ўғлини тан маҳрамликка қабул қилдингизми?

Бу гал ҳам жавоб бўлмади. Юқоридаги гаплар яна учинчи марта такрорланди ва «Ҳммм...» деган овоз эшитилди. Бу Соифа опамнинг овози бўлмай, унинг ёнидаги аёллардан бири жавоб қилганди.

Эшитдиларингизми?

— Эшитдик.

— Сиз, Соифа Расулвой қизи, — домла бошини кутариб гапини давом эттирди, — эрингиз бўлмиш Мухтор Азим ўглининг чизган чизигидан чиқмайсиз. Дину исломнинг ҳамма қонунларига амал қиласиз ва бу борада эрингизга кўмаклашасиз. Уқдингизми.

— Ҳмм... — бу Соифа опамнинг овози эди.

— Эшитдиларингизми?

— Эшитдик.

— Сиз, — домла Ҳожи оқсоқол томон ўгирилди. — Ҳожи Собир ўғли вакила қизингиз бўлмиш Соифа Расулвой қизига қолдириладиган меросингизни гувоҳлар олдида унинг зиммасига ўтказишга ҳақлимисиз?

— Бир она-болалик сигир, бир эчки. Икки уйни айвони, даҳлизи билан мерос қилиб қолдираман, — жавоб қилди Ҳожи оқсоқол.

«Қизиқ, — ўйлаб кетдим, — Ҳожи оқсоқол бизга қариндошмаску. Нима Соифа опамга шунча нарсани ваъда қиляпти? Ўзининг сигири йўқ-ку? Қаердан олиб бераркин? Берса Соифа опам ҳаммасини поччамникига олиб кетиб қолармикин?»

Никоҳ маросими ҳам тугади. Домлага тугунча берилди. Куёв жўралар билан ҳовлига тушди, тош ўғир устида қалт-қалт титраб турган ойим поччамнинг устидан қурт, туршак, танга пуллар соча бошлади. Одамлар сочилган «табаррук» нарсаларни теришга шошилишди. Мен бу гал ҳам «табаррук» нарсалардан ақалли ирим қилиб ҳам ололмадим. Тўғрироғи, бу гал ҳам олишга ботинолмас, Соифа опамнинг бахти, қувончини олиб қўйишдан қўрқаётгандим.

Куёвни кузатиб қолишди. Қош қорая бошлаганда эса аёллар Соифа опамни уйдан ҳовлига, ҳовлидан эса кўчага олиб чиқишди. Аста-секин «ёр-ёр» садолари янгради-да, шу тариқа кўтарилиб бораверди. Ниҳоят қулоқларимга: «Анвар, Анвар» қаердасан?» — деган овозлар чалинди-ю, ҳаяжондан титраб кетдим. Назаримда чақиринишаётганини, нима қилишим кераклигини билмай, ўзимни аёллар орасига урдим. Саноқсиз қўллар дуч келган еримдан тутиб, ўқ тезлигида, эшик олдида типрчилаб турган от ёнига судраб боришди. Боёқиш от, одамларнинг елиб югуриши, дод-фарёдлари ва ўзининг тутқунлиги сирини тушунолмай ҳамон типирчларди. Бир неча қўллар яна билагим, болдиримдан олди-да, чимчиладилар, сим-сим оғриқдан сўнг ўзимни от устида, эгарда ўтирган ҳолда ҳис қилдим. Ҳали-замон карнай-сурнай овозини кутиб таранглашган, лекин эшитилмай ҳазон бўлган ҳиссиётларим қайтадан хуружга минди. Эгар қошини чангаллаб ўтирар, қулоқларим остида эса ҳазин «ёр-ёр» садолари янгради.

*Йиғлама-қиз, йиғлама,
Тўй сеники, ёр-ёр.
Остонаси тиллодан,
Уй сеники, ёр-ёр.
Йиғлама, қиз, йиғлама,
Тўй сеники, ёр-ёр.
Остонаси тиллодан,
Уй сеники, ёр-ёр!*

«Ёр-ёр» садолари еру-кўкка туташа бошлаган кез Соифа опамни кўтаришиб, отга, менинг орқамга миндирдилар. Отни етакладилар. Шу тариқа нотинч тун кўйнида, эгри-бугри йўллар бўйлаб юриб, ниҳоят, манзилга етиб келдик. Поччамнинг уйи мактабимизга яқин ерда эди. Тўйхона эшиги олдида бизларни бир тўда аёллар «ёр-ёр»лар билан қарши олишди. «Ёр-ёр» садолари остида отни ўртада ловуллаб ёнаётган гулхан атрофидан уч марта айлантирилди. Сўнг Соифа опамни отдан туширишди ва шиддат билан ичкарига олиб киришди. Шу билан мен унутилдим. Кутилмаганда Риқси опам кўринди-ю, ўзимни қучоғига отиб, дардимни енгиллаштирдим. Риқси опам мени етаклаб уйга олиб келди. Йўл бўйи йиғлаб қайтдим ва шу кўйи эрталабгача йиғлаб чиқдим...

БАХТИЁР ДАМЛАР

Тўрғай чулдирамасдан уйғондим, қайтиб ухлаёлмадим.

Ойим эшикдан кирар экан, қўлидаги тугунни ерга қўйди-да, ёнимга тиз чўкди. Ётганимча қўлларимни ойимнинг елкаларига ташладим ва узоқ термилдим. Бугун ойимнинг юзидаги ажинлари ёзилган, қовоқ ва ёноқлари ялтираб, кўзларида, ҳа, кўзларида қувонч ва бахтиёрлик нурлари шуълаланарди. У қўлларини қўлларим устидан ўтказиб, бағрига босди-да, ўзига хос бўлмаган кучли бир шиддат билан кўзларим, юзим, ҳатто қулоқ, бўйнимдан ҳам ўпа бошлади. Шу тариқа эҳтирос ўтида ёниб-ўртаниб ўпди, ўпаверди. Фашим, қитигим келаётганига қарамай, жимгина туравердим. Ниҳоят, лаблари намланиб кўзлари лаззатдан юмила бошлаган кез мен ҳам кўзларимни юмдим-да, ойимнинг пинжига суқила бошладим. Энди мен ҳам қалт-қалт титрар, ёниб-ўртаниб ойимни ўпар, ўпаётгандим.

Ўпиш, ўпаверишдан бир пайт иккаламиз ҳам толиқиб, бир-биримизга қараб қолдик. Шу пайт Мазифа опам билан Риқси опам ҳам уйғонишди.

— Соифа опангизни поччангизникига ташлаб қайтдим, —

жавоб қилди ойим на кулиш, на йиғлашини билмай. — Ташлаб келиб яхши қилдим, елкамдаги оғир юк ағдарилди.

Ойим ўнглиниб ўтириб олди-да, Мазифа опам билан Риқси опамни бағрига босди. Уларни ҳам ўпиб, ўпавериб менинг кунимга солди. Опаларим ҳам ойимнинг қийноғига жимгина юз тутиб беришди, сўнг ўпиш билан жавоб қилишди. Орадаги бугунги ўпишлар, кучишлар мутлақо соф ва мусаффо бўлиб, ундан бирор изтироб қидириш хайф кўринарди. Бу, узоқ вақт бахтиёр дамларга талпинган юракларнинг оташин бир муҳаббат туйғуси билан бир-бирларига дил изҳор қилиши эди! Бундай манзарани илк бор кўришим эди. Ҳаммаси гўзал туйғулар туфайли содир бўлар, ҳаммаси фақат гўзаллик учун хизмат қилаётганди. Бу гўзаллик ва нафосат ўйинини ифода қилиш мумкин эди, лекин ойимнинг бахтиёрлигини ифода қилиш осонмасди. Ойигинам! Ахир у нечача кунлар, ойлар, ҳатто йиллар опаларимни турмушга чиқариш, мени суннат қилиш учун ёниб-ўртанмаганмиди. Ўртанганди. Ниҳоят орзуси ушалган экан, не ажаб! Бундан бу ёғи ойим учун шарафли онлар эди. Бу шарафли онлар ойимники эди! Шараф — ойим! Ойим — шараф! Муштарак тушунча! Ойигинамнинг бахтиёр онлари, лаҳзалари!

Ойимнинг қувонч, бахтиёрлигидан шу даражада ўзимни эркин ҳис қилдимки, ҳатто сиқилганимни сеза бошладим. Аввал айтганимдай мен изтироб чеккан кезларим ёлғизланиб қолар, ўзимни танҳоликка урардим. Маълум бўлдики, қувонган кезларим ҳам ёлғизланиб, танҳоликни истаб қолар эканман. Кутилмаганда вужудимни кучли бир ташналик эгаллади-ю, ўзимни дуч келган ерга уриб, бирор еримни қонатиб, шу билан роҳатланишга ўхшаш бир иштиёқ юрагимни қийнай бошлади. Юрагимда эса ташқарига чиқиш, бир нималар деб қичқириш, бир нималар қилиш илинжи хуруж қиларди. Мана шу тариқа, мен бирдан иштиёқ ва илинжлар билан яшай бошлаганимни англадим ва югуриб ташқарига йўл олдим. Чиқиб кетаётиб, итим бўлмагани, бўлганда у билан ўйнаб, ҳамдардлик қила олишим мумкинлиги ҳақида ўйлаб бордим. Гапиролмаган билан ит деган жонивор инсоннинг ягона ҳамдардидир! Шу итгина инсонга ҳамдардларнинг ҳамдарди бўла олади! Начора! Бўлмагандан кейин нима қила олардим!

Ниҳоят, кўча томондан айланиб томорқамга ўтдим. Тўйиб атрофга термилдим. Кўзларим тиниб, бошим айлана бошлади. Сўнг мен, ўз ихтиёримсиз турли томонга югуришга тутиндим. Тинмай жилмаяр, сўзсиз кулар, роҳатланиб керишардим. Телбалик аломатлари ёки телбалик куйларига тушганда юз берадиган бир ҳол! Назаримда шу кез икки олам — ер билан осмон орасида

мену ичкарида ойим, опаларимгина бахтиёрдай туюлар эди. Кўзларимга илинаётган жамики нарсалар гўзал, ойимнинг бугунги қувончи, опаларимнинг жилмайишлари, ҳатто Соифа опамнинг бошқа уйга узатилиб кетишигача гўзаллик касб этарди. Гўзал ва қувончли дақиқалар! Хонадонимизнинг гўзал ва қувончли дақиқалари! Вужудим гоҳ кенгайиб кетар, гоҳ торайиб қолар, териларим орасида иссиқ бир нималар кучли босим билан оқар, сўнг жимирлашишлар билан қоришар, бу ҳол яна бир бошдан бошланар, яна тугар, шу тариқа такрорланаверарди. Жимирлашлар роса хуружга минган кез, мен ўзимни ер юзидаги бахтиёр одамдай ҳис қилардим. Гўё вужудим фақат ҳиссиётлардан бунёд бўлгандай туюлаверарди. Ҳатто тушунча, тасаввур, хотирам ҳам тиниқлашаётганди. Бу ҳиссиётларнинг на чегараси, на ниҳояси бўлмай, чегарали юрагимни чегарадан чиқишга ундарди. Шундан кейингина мен илк бор одам бахтиёр бўлган дамлар ҳам изтироб чекиши мумкинлигини англадим. Одамлар бахтиёр бўлган дамлар ҳам изтироб чекиши қизиқ-а! Табиийки, бу галги изтиробларим ҳам гўзал эди ва гўзаллик учун хизмат қилаётганди. Шу ҳолда яна бирор соат қолсам, ёрилиб кетишим мумкин эди. Гал тасаввур, фақатгина тасаввурлар билангина яшашга етганди. Тасаввуримда мана, мана, худога айланиб, оқиш булутлар устида ёнбошлаб ётибман. Мана, мана, осойишта сув сатҳида суза бошладим. Бу тасаввурлар ҳам бахтиёрлик аломати эди! Шу кез мен ўзим учун ҳам, ойим, опаларим, барча бахтли, бахтсиз одамлар учун ҳам бахтиёр эдим, турфа бахтлар орасида яшаётгандим. Чунки мен барча кўнгилсиз воқеаларни унутган, ҳатто дунёда ўлим хавфи борлигини ҳам эсламасдим. Ахир тул қолган Маърифа опам ва ёши ўтиб, умр бўйи уйда ўтириши мумкин бўлган Соифа опамнинг турмушга чиқиши, ойим, опаларимнинг қувончини кўришдан ҳам бошқа бахтиёрлик бўлиши мумкинми? Йўқ, албатта. Бахтиёрлик мени шу кез мард, олижаноб, одампарвар, дилжон қилиб қўйган, илк бор шу туйғуларнинг қулига айлангандим. Ўзимни шундай тўла бир одам тимсолида кўраётган кез ўртоқларимни ўйлар, улардан ҳам мардлик, олижаноблик, одампарварлик, дилжонлик туйғуларини излар, лекин тополмас — Турдивой бундан мустасно — ҳамма гўзаллик аломатлари ўзимда мавжуддай туюлаверарди. Арзимас бахтиёрликдан беҳад қувонишим, арзимас кўнгилсизликдан изтироб чекишимга ҳам сабаб шу мардлик, олижаноблик, одампарварлик, дилжонлигим экан...

Шу куни мен орқамга қайтаётиб, анча-мунча улғайиб қолганимни ҳис этдим. Мен чиндан ҳам улғайгандан улғайиб

борар, «Баҳор» фаслим ўз инон-ихтиёримсиз орқада қолаётганди. У билан хайрлашиш палласи яқинлашганди. Ахир салгина, ҳа, салгина олдин мен ўз инон-ихтиёримсиз «Навбаҳорим» билан ҳам хайрлашмаганмидим! Ахир, бу хайрлашиш мен ифода қилгандан ҳам оғирроқ кечганди-ку! Мана «Баҳор» фаслим тугаб, «Ёз» фаслининг бўсағасида турибман. «Навбаҳорим»ни ортда қолдириб «Баҳор» билан хайрлаша туриб, ҳадемай «Ёз» фаслимни ҳам қарши оламан. Бу ҳам ўз инон-ихтиёримсиз, оддий қонун йўли билан юз берапти. «Навбаҳорим» ва «Баҳорим» билан хайрлашиш қанчалик оғир бўлса, «Ёз» фаслини кутиб олиш ҳам шунчалик оғир туюляпти. Чунки ҳадемай у билан ҳам хайрлашиш палласи яқинлашади... У билан тугишган бир кишимдай ёниб-ўртаниб юз кўришаману, умр бўйи бир-бирининг жонига қасд қилган ёвуз одамлардай хайрлашаман. Ҳар иккала «фаслим» ҳам мени қанчадан-қанча азоб, изтиробларга солади. Соифа опам айтмоқчи, гарчи оз бўлса-да, қувонч, бахтиёр дамлари ҳам бўлади. «Навбаҳорим» ортда қолди. «Баҳорим» билан эса хайрлашяпман. Демак, иккаласини ҳам тарк этаман. Бу ёғи қисқа давр, яъни баҳор билан ёз ўртаси. Шиддатлар, ҳиссиётлар фасли. Бу фаслда мен ўз ихтиёрим, ўз эрким билан ҳаракат ва иш қилиш имконига эга бўламан, шунингдек катталарга, уларнинг ножўя ҳаракатларига қарши чиқишим, ўз муносабатларимни билдиришим мумкинлиги туғилади. Шундай қиламан ҳам. Демак, мен оғир ва хавфли давримни бошимдан кечираман. Ана, «Навбаҳор» ва «Баҳор» фаслим аста-секин қўл силкиб, мен билан хайрлашяпти. Йўқ, видолашяпти! Мен ҳам қўл силкиб хайрлаша туриб: «Хайр, Навбаҳорим!», Хайр «Баҳорим», дейман. — Сизлар мени, гарчи оз бўлса-да, бахтли этдингиз, қувончларга кўмдингиз! Ундан ҳам кўра ортиқроқ изтироблар, азоблар чекдингиз! Ҳаммасига сабаб — уруш! Шу уруш яхши кўрган одамларнинг ёстигини қуритди, менга эса изтиробларинигина қолдирди! Ҳечқиси йўқ. Улар ёруғликни бевақт, ўз ихтиёрларисиз тарк этдилар, лекин бизга Ватанни, халқни омон сақлаб қолдирдилар. Аммо биз уларни тарк этмадик, унутмадик, унутмаймиз ҳам. «Навбаҳорим», «Баҳорим», сизлар билан хайрлаша туриб ичикишим мумкин. Барибир мен сизларнинг қайтишингизни истамайман! Ҳар бир фасл ҳам «ўз-ўзлиги», ўзича, қайтмаслиги билан гўзал. Гўзаллик ҳам асли шунда...

Хайр, ўтмиш!

Салом келажак!

ХАЙР, БАҲОР

УЧИНЧИ ҚИСМ

ТАЪТИЛ

Роппа-роса ўн тўртни тўлдириб еттинчи синфни тугатган куним ҳаётимда мутлақо янги истиқбол йўллари очила бошлади. Янги фаслнинг нурлари билан ёритилган мана шу йўллар галдаги қувончларимга сабаб бўлди. Мактабдан чексиз бир шодлик билан қайтиб уйга югуриб кирдим. Кираётганимда бахтиёрлик туйғусидан юқори, яъни лаззатланиш ва сархушликнинг олий нуқтасига кўтарилган ҳаяжонни ҳис қилиб, гўё қанотларсиз учардим. Мен аксари тушларимда учиб юрар, уйғонгач, оймнинг «учган одам узоқ умр кўради», деган сўзларини эслаб беҳад қувонардим. Бугун гўё ўнгимда учардим. Ҳаяжоним, таъсирланишим, қувончларим ҳам чексиз-чегарасиз эди. Чексиз-чегарасиз бир бахтиёрлик денгизида гўзал бир манзил томон сузиб борардим. Абадийдай туюлган, яъни киши қалбини узоқ муддат сархуш этадиган, тушунча ва хотирасига ҳам абадийлик бағишлайдиган мана шу сония, онлар, лаҳзалар ҳиссиётларимни ҳаддан зиёд жўштириб юборганди. Ўртоқларимнинг хайрлашаётган кездеги ғамгин, маъюс чехралари кўзларим олдидан узоқлашмаган, қулоқларим остида эса «зериктириб қўйма, хабар олиб тур», деган овозлари жарангларди. Катта кўк дарвоза олдида бир-бирларимизга илинж, юпанч билан узоқ термулганимиз, сўнг ғамгин ажралишганимиз — қалбим ғашлигини орттирса-да, янги фаслнинг бахтиёрлик туйғуси мени янги истиқболларга чорлади. На чора! Ғам билан бахтиёрлик эгачи-сингил бўлгани каби, учрашув билан айрилиқ ҳам ака-укадир.

Ўқишни тугатдик, истасак-истамасак бир-биримиздан ажралишимиз зарур эди. Ажралишдик. Бирдан уйга бориш, ойм, отам, опаларимни ўқишни тугатганимдан хабардор қилиб қувонтириш истаги устун келди-ю, ҳали айтганимдай шошилинч ҳовлига кирдим. Тўхтадим, бир неча лаҳза ҳовлида гангиб турдим. Қулоқларим остида жаранглаётган шовқин-суронлар аста-секин тинди, кўзларим олдида липиллаётган ўртоқларимнинг қиёфалари ҳам сўнди. Қалтироқ билан ҳаяжон, энтикиш билан ғулдираш, изтироб билан таҳлика ва таажжуб орасида содир бўладиган, яъни киши нима қилиш, нима дейишини билмайдган бир аҳволда яна анча вақтгача атрофга парижон алангладим. Қош қорая бошлаганди. Ҳовли жимжит, фақат тикув машинасининг «қатр-қатр»игина

эшитиларди. Ойим сувоқлари нураб, сомонлари осилиб, илиниб қолган пастгина супада сариқ пўстак устида оёқларини икки томонга ёзганча, зўр бериб тикув машинаси қулоғини айлантираётганди, шарпамни сезиши билан бошини кўтарди-да, тиззаларини уқалаб, қовоқларини силади. Ойимни кузата туриб бирдан хаёлга чўмдим. У муддаосига етиб толиққан, толиқиш чеҳрасига қайғу ташлаганди. Тикув машинаси унинг тинкасини қуритган, ноиложликдан қўлига олиши, ўзини мажбур қилиши дардли юзидан очиқ англашилиб турарди.

— Келдингми, Ширинжон! — ниҳоят ойим фикрини йиғиб, жилмайди-да, менга юзланди. — Рангинг синиқибди, имтиҳонгни топширдингми!

— Топширдим, — дея жавоб қилдим ва бирдан юрагимда ойимга нисбатан ачиниш туйғуси қўзғалганини ҳис қилдим-у, кўзларимни узолмай қолдим. У озган, пемонаси кенгайиб, боши катталашган, кўзлари оқи саргайган, қорачиғи кўкиш ранг касб этган, қовоқлари узоқ муддат тўшақда ётган беморники каби салқиган, ажинлари қати ҳам ортиб, чеҳраси кузги япроқлар каби ҳазинлашганди. Нигоҳидаги шиддат ўрнини энди ҳаётнинг бир маромдаги оқимига кўникиш, тақдирга тан бериш, муҳит билан муросага келишишга ўхшаш аломатлар эгаллаганди. Фақат кўзларида доимо акс этадиган саховат ва олижаноблик нурлари ҳам қуюқлашиб, тиниқлашиб, оналик салобатини бир карра оширганди. Бу салобат мўмин қиёфаси, ўта меҳрибон ва раҳмдил қўй кўзларига ёқимлилик, соддадиллик бағишлаганди. Табиийки, бу мунис аёл қалбининг орзу-ҳаваси, гурури сўнган, иштиёқлари ўз фаслини яшаб ўтган, ниҳоят муқаддас фасл — кексалик фаслига кўчганидан далолат берарди. Мана шу муқаддаслик — аёлликни ҳам, эркакликни ҳам ҳисобга олмасдан, яъни муқаддас инсон тушунчаси дейиш мумкин бўлган туйғуга яқин эди ва аёллик билан оналик орасидаги фарқни яна ҳам равшанлаштирганди. Ойим ўз ихтиёрсиз ёшликнинг гуллари қийғос очилган, атри атрофни тўлдирган, қушлари бийрон-бийрон сайрашиб, охулари турли томонга чопишган, яъни шодон шовқин-суронлар оғушидан, кексаликнинг гуллари сўлган, қушлари қўшиғи тинган, сукутлардан иборат бўлган боғига ўтганди. Назаримда у шу кез умри бўйи ёлғиз елканда, тубсиз уфқларга туташган сув сатҳида, ваҳший тўлқинлар қуршоведа, оғир юк — бизларни машаққатлар билан қирғоққа элтган-у, ниҳоят бир лаҳзали оромга төлиш мақсадида қумлар устига ёнбошлаган йўловчи — Момо Ҳавони эслатарди. Бундай йўловчининг узоқ ва машаққатли сузиш, юк элтишдан сўнг бошқа денгизга чиқишга мадори етмас, бундан

буёғига ёнбошлаб тин олиш, вақт етгач, жимгина қўлоқларини узатиб абадийлик уйқусига толишдан бўлак иложи, чораси қолмайди... Кутилмаганда миямга урилган мана шу тушунча ва туйғу юрагимни зириллатиб юборди. Вужудимда қўзғалган изтироб, азобдан қутулиш, барчасига барҳам бериш ниятида ютиндим. Ойим ҳамон мендан кўзларини узолмасди. Унинг лабларига яна жилмайиш югурди, кейин бурнининг икки томони йиғилди, аста қовоқлари ёзилиб, сўнг жилмайиш бутун юзига ёйилди. Кулиш-кулмаслигимни билмай турган бир пайтимда ойимнинг киприклари ораси ялтиради, лекин жилмайиши сўнмади. У тиззаларига кафтларини тираб, қўзғалди, мени бағрига босар экан, пешонасини кўксимга қўйди. Танам жимирлашиб, онажонимни қучдим, энтика туртиб чиққан куракларини силадим, силайвердим. Хўрсина-хўрсина оппоқ сочларини ўпдим, ўпавердим. Ҳаяжон, ҳиссиётларим тўлқинлари соҳилдан ошиб-тошиб, вужудимни ларзага соларди. Юрагим беҳаловат урар, олий бир лаззат ва сархушлик мени маст қилганди.

— Ширинжон! — шивирлади ойим ёқимли, айна вақтда қалбни сел қиладиган куйга ўхшаш оҳангда. — Улғайдинг. Энди қаддимни ростласам ҳам бўлади. Орзуларим ушалари.

— Ойижон! — дея гулдираш билан фикримни ифодаламақчи бўлдим. — Нимага йиғлайсиз?

— Йиғламаяпман, — у қовоқларини енгининг учи билан артди, — ҳеч йиғлаётганим йўқ. Куляпман. Одам баъзан шунақа кулади...

Ойим жилмаяр, беихтиёр мени қучар, орқага итарар, қайтадан қучар, қўлларини елкаларимга ташлар, кўзларини юмиб, ажиб бир меҳр билан юзимдан ўпар: «Ширинжон! Йигит бўп қолдинг, энди дам оламан. Тикув машинаси жонимга тегди, бошқа қўлимга ушламайман!» — дер, мен эса гул япроғидай титраб, олазарак уни кузатар: «Йиғламанг, йиғламанг!» — деб шивирлар, кўзларим ихтиёримсиз ёшланиб борарди. Яхшики, шу пайт ҳовлига опаларим киришди-ю, орадаги алдоқсиз меҳр-муҳаббат онлари, яъни бир-биримизни юпатишни ҳам, ҳамдардлик билдиришни ҳам билмай қийналәётган кездеги оғир вазиятдан ихлос этишди. Опаларим мени четга суришиб, ойимни ўраб олишди?

— Тинчликми? Яна нимага кўзларингиз ёшланди? — дея аввал ойимга, сўнг менга юзланишди. — Жиннивой, имтиҳонингни топширдингми?

— Топширдим, ўртоқларим билан ҳам хайрлашдим, — дедим у, кўнглим чўкди.

— Ойижон, — минғирлади Мазифа опам одати бўйича ширин жилмайиб ва менга ишора қилди: — Ширинжонни бугун бир

палов билан меҳмон қилайлик. Ёлғиз укамиз.

— Ёғи бармоқлари орасидан оқадиган қилиб бир ош дамланглар, — деди ойим Мазиф опамнинг сочини силаб. — Ширинжон ошни яхши кўради, бир тўйиб есин.

— Ширинжоннинг кўнглини нима билан кўтарсам экан-а? — гапга аралашди Риқси опам кўрсаткич бармоғини лабига босиб ва гапини давом эттирди: — Қримда бўлганимда, денгизга олиб чиқардим, қайиқда сайру саёҳат қилдирардим. Хурмо билан қорнини тўйгазардим.

Орага оғир жимлик чўкди. Риқси опам уйини эслагани учун шундай бўлди.

— Ширинжон, — ниҳоят ойим жимликни бузди. — Улғайдинг. Энди ўйинни йиғиштир.

«Улғайдинг... Энди ўйинни йиғиштир...» — ойимнинг гапларини кўнглимда такрорладим. Фикрларим чалкашди. Оғир бир алам ичимни кемира бошлади. Бошим эгилиб, юрагим ғамга ботди. Гўё мен бирдан уйимиз, ойим, отам, опаларим, мактабим, бахтиёр, маъюс дамларим — ҳамма-ҳаммаси ногаҳон мenden узоқлашиб кетгандай туюлди. Ер билан осмон орасида ёлғиз ўзим қотиб турар, ўзимни танҳо ҳис қилардим. Бу, болалик билан ўсмирликдан кейинги ёшлик билан йигитлик оралиғидаги остонага илк бор қадам қўяётган лайтимдаги, яъни «олдингиси»ни тарк этолмай «кейингиси»дан ҳам воз кечолмай, қолаверса, ўртадаги гангиш, изтироб ва ғамгинлик ёлғизлиги, танҳолиги эди. Ўсмирлигим! Наҳотки мен сени ўз ихтиёримсиз тарк этаётирман?! Наҳотки сен ҳам ўз ихтиёрингсиз мenden узоқлашяпсан? Наҳотки биз энди қайтиб кўришолмаймиз?! Нимага?! Нима учун?» Шу каби ўйлар, тушунчалар билан вужудим кишанланиб, миям оғирлашиб борарди. «Ўсмирлигим иштиёқи мени орқага тортар, йигитлик фасли эса олдинга чорлар, лекин қайси томонга ўтишни билмас, шунингдек, икки томонни ҳам тарк этолмас, икки орада сарсон-саргардон, хаёлан гоҳ у, гоҳ бу томонга чирқираб югурардим. Ўсмирлигимни тарк этаётганимга ачинсам, изтироб чексам, ёшлик — йигитликка кўчаётганимдан, хонадонимиз юкини енгиллаштиришга ярай бошлаганимдан, айниқса, ойимнинг дардига малҳам бўлишимдан беҳад қувонаётгандим. Шундай қилиб, мен «болалик», «ўсмирлик»дан «ёшлик», яъни «йигитлик» фаслига кўчганимни аниқ ҳис қилдим...

— Ширинжон! — қулоқларим остида ойимнинг раҳмдил овози жаранглади. — Энди далага чиқиб ишла. Опаларинг... Қиз боланинг олам-жаҳон ташвиши бўлади...

— Чиқаман, ишлайман, — дедим ва ўзимни илк бор катталардай тутишга уриниб, қалбимда ишлаш иштиёқи барқ уриб кетди. — Ошга уннанглар, — ойим атрофида сочилиб ётган латталутталарни йиғиштиришга тутинди. Мен ҳали-замон ҳовлига кирганимдаги каби шиддат билан катта уйга ўтдим ва қўлларимни ёзиб, мириқиб керишдим-да, ўзимни кўрпача устига ташладим. Танам қизигандан қизир, турли томонга ағанар, турар, кўнглимга ҳеч нарса сиғмас, таскин ҳам беролмасди. Ҳиссиётларимда бесаранжомлик бошланганди. Мана, мана, нимадир мени бахтиёр этиши керак... Лекин нима? Мана шу мавҳум тушунча ниҳоят мени сапчиб туришга мажбур қилди, дарҳол тоқчадаги тахлоглиқ китоблар орасидан бирини суғуриб олдим. Муқовасига «Рабиндранат Тагор», «Оқшом қўшиқлари» деб ёзилган рус тилидаги бу китобни отам ҳарбийдан олиб қайтганди. Илгари ҳам китобни варақлаб, суратларни кузатган, лекин ўқимагандим. Фикримни тортган, ром этган китобдаги товус сурати эди. Товус суратини тўйиб томоша қилишга одатлангандим. Товус сурати туйғуларимни керагидан ортиқ жўштирар, ҳайратга солар, расм чизишга бўлган иштиёқимни кўзғатар, узоқ-узоқ термилтирар, охири рашк, ҳавас билан китобни ёпиб қўярдим. Ҳозир ҳам сурат беҳад ҳаяжонга солди. Сурат ранги ва гўзаллиги билан тенгсиз бир лаззат бағишлади. Бу лаззатни фақат гўзаллик меъёри билан ўлчаш, ифодалашгина мумкин эди. Сурат гўзал эди, гўзаллик борлигимни кишанлаб, сархуш этар, ҳаяжон денгизига фарқ қилганди. Ҳозир ҳам гўзаллик туйғусини тўла ҳис этдим ва бу мени тоқатсизлантириб қўйди. Сурат устига йиқилишим, уни вужудимга қориштириб юборишим мумкиндай туюлаётган шу кез юрагимда ана шу суратни чизиш, чизганда ҳам қойилмақом қилиб чизиш иштиёқи туғилди. Таътилимнинг илк таассуротлари, туйғулари, ҳаяжонлари — шулар бўлди ва мен бундан беҳад қувондим.

Бу — таътилнинг бошланиши эди. Давоми яна ҳам мароқли бўлишини кўнглим сезиб турарди.

Оёқ шарпаси эшитилди. Отам... яна ичиб қайтганга ўхшайди...

ГЎЗАЛЛИК

— Анвар қани? Имтиҳонини топширибдими? — даҳлиздан отамнинг зардали, аниқроғи, томоқ қақраганда юз берадиган бўғиқ овози эшитилди. Ҳали-замон отам ичиб қайтди, деганимда янглишмаган эканман...

— Топширибди, уйда, — ойимнинг ҳам кўнглимга ҳеч нарса сиғмайдиган кездеги каби паришонлик оҳанги қоришган жавоби

қулоғимга чалинди. Суратга қўл уриш иштиёқида ёниб-ўртаниб турганимда ойим билан отамнинг кўнгилга ғашлик солувчи гаплари фикримни чалғитди, боз устига эшик қоқилди.

— Ким?

— Анвар, чиқ, — деди Риқси опам, — ошни сузяпмиз.

«Одамларда инсоф йўқ, — афсус билан кўнглимдан кечирдим. — Ишни битиришга ҳам қўйишмайди. Шундай пайтда овқат ўгадими?»

— Бораверинг, чиқаман, — тўнғилладим зарда билан ва дераза томон яқинлашдим. Ташқаридаги оёқ овози узоқлашиб, аста-секин сўнди. Қовоқларимни уйиб даҳлизга чиқдим, ҳовлига тушдим. Супада ойим, отам, Мазифа опам ўтиришар, Риқси опам эса ошхонадан лаганда палов кўтариб келаётганди. Отам чиндан ҳам ароқ ичган, тунд қиёфасидан қачонлардир чеккан азияти учун бирортамиздан ўч олиш ниятида экани сезилиб турарди.

— Имтиҳонни аранг топширибсан, — тўнғиллади у ва бордию, эътироз билдиргудай бўлсам, қулочкашлаб қўйиб юборадиган важоҳатда менга тикилди. Юзимни ўгирдим. «Биз билмаган фожиа»дан сўнг каттадан-кичик отамнинг тақдирига қайгурар, иложи борича ранжитмасликка тиришардик.

— Тинчлиги бузилди, — тушунтирди ойим ийманиб, — ҳар ҳолда топширибди-ку.

— Ичишимга шама қиляпсанми? — отам ойимга ўкрайди, тишларини ғичирлатди.

— Йўқ, — ойим беихтиёр отамнинг ичишига шама қилганини англади чоғи, дарҳол гапни ўнглашга уринди. — Ишга соляпмиз. Қўли тегмайди. Қани, ошга қаранглар.

Шу билан ҳамма жимиб қолди. Лаган яримлагач, қўлларимни артдим-да, туриб уй томон юрдим. Риқси опам чақирган кездеги ҳаяжоним қайтадан хуружга минди, аста-секин хаёл денгизига ғарқ бўлдим. Назаримда шу пайтгача бирор рассом эришмаган, балки эришолмайдиган, умуман ҳамма бирдай орзу қилган, фақат орзугагина айланиб келаётган хаёлий бир гўзаллик, яъни гўзал сурат чизиш ҳақида бош қотира бошладим. Қарорим ҳозирча қатъиймас, фикрим ҳам тугал эмасди. Чунки бу пайтгача жиддий сурат чизиш кўрмаган, рассомлик санъати сирларидан хабарсиз эдим. Бу эса ишга киришиш учун қийинчилик тугдираётганди. Кафтим, пешонам терлагандан терлаб борар, бармоқларим титрагандан титтарди. Токчадан бўёқ ва альбомни олганимда эса бутун вужудимдан тер қуйиб, титроқлар баланд пардага кўтарилди. Альбомни очиб, қаламни лабларим, тишларим орасида айлантириб, турли томонга юрар, суратни нимадан, қандай

бошлаш ҳақида ўйлашга тутиндим. Китобдаги суратда хийла кўкиш туманли чўққилардан тортиб, қора қоялар остидаги яшил водийгача шу қадар табиий ва гўзал бир ҳолда акс эттирилгандики, жиддий кузатган киши, шубҳасиз, уни чизилмаган, аксинча, табиатнинг бир бўлагини кесиб олиб, саҳифага ёпиштириб қўйган, деган фикрга бориши тайин эди. Сурат ва суратдаги манзара гўзал эди ва мана шу тенгсиз гўзаллик мени изтиробга солар, уни чизиш ҳақидаги ўй эса юрагимни баттар қийнади. Суратдан кўзларимни ҳамон узолмасдим. Мовий осмон гумбазини чағир чўққилар ёпиб турар, осмоннинг булутли қисми эса сарғиш, уфққа бориб туташарди. Водийда турли-туман ўсимликлар кўзга ташланар, суратга яқинлашгач, катталшиб, узоқлашилса кичиклашарди. Суратнинг олд қисми кип-қизил, яъни лоларанг товланар ва бу жуда бир юксак дид-фаросат билан ифодаланганди. Кип-қизил лолалар орасида кўм-кўк бир товус патларини ҳурпайтириб, думини ёзганча хиромон юриб ва нозу-карашма билан бир томонга бошини эгиб, гўё лолалар билан суҳбат қураётгандай туюларди. Мен дам олдинга силжиб, дам орқамга тисарилиб суратни томоша қилар, сурат турли вазиятда турли рангда гавдаланар, қалбимни тобора ром этар, ҳаяжонга соларди. Сурат гўзал бўлиши билан бирга найрангли ҳам эди. Унга қанчалик жиддий тикилсам, шучалик мураккаблашиб туйғуларимни азоблар, тушунчамни пароканда этарди. Найранглилиги, сирлилиги билан сурат нусха кўчиришга бўлган иштиёқмни тобора ошираётганди. Бу, менинг гўзаллик олдида илк бор изтироб чекишим, ҳаяжонланишим, сархушланишим, ўзимни ноқобил сезишим эди. Бу туйғу-ҳавас касалига мен болалигимда дучор бўлгандим. Назаримда суратдаги ранглар илгаридан менга танишдай туюларди. Шу сабабли қўлимга қалам олишим билан қойилмақом қилиб чизиб ташлайман, деган фикрга боргандим. Иштиёқ билан суратни чизишга қўл урганимда вужудимда табиий бир енгилликни ҳис этдим. Тушунчамда аста-секин мукамал ранг ва чизиқлар жонлана борди, суратни кўнгилдагидай чиза олишимга ниҳоят қаноат ҳосил қилдим. Орадан кечган бир-икки соатли муддатда ўнлаб саҳифаларни қоралаб ҳам ташладим. Чизар, ўчирар, товусга қайтар, бари бир кўнглим тўлмаётганди. Яна бир неча саҳифа жувонмарг бўлди. Қизиқ. Ҳавас билан машқ икки хил тушунча экан. Менда мана шу машқ камлик қилаётганди. Илгари ҳам лойдан ҳайкалчалар яасам-да, ҳали етарли тажрибага эга эмаслигим сезилиб қолди. Гўзалликни кўриш, ҳавас ва томоша қилиш мумкин экан-у, лекин чизиш ўзим ўйлаганчалик осон эмас экан. Ҳис этиш ҳам зарурдай кўринади.

Шундай! Ниҳоят миямга чизишни чағир чўққилардан бошласаммикин, деган фикр урилди-ю, қувонмиб кетдим. Шошилишча ишга киришдим. Аста чўққилар чизилди, жигаррангга бўялди. Чўққилар орти эса тиниқ мовий рангда акс этди. Чўққиларнинг соя тушиб турган, яъни орқа томони қорамтир рангда ифодаланди. Тоғлар пасая бориб ерга туташди, туташган ер ҳам яшил рангга айланди. Чўққиларнинг кунгай томонига эса қизғиш-сариқ ранг сургандим, қуёш нури кўзга ташланди. Шиддат билан орқамга тисарилдим, жиддий кузатганимдан сўнг тайёр қисмга қайтадан ранг югуртирдим, бўёқлар қуюқлашди. Қандай яхши! Сурат ўзимга шу қадар ёқа бошладики, ҳаяжондан қичқириб юборишимга оз қолди. Суратнинг хомаки қисмини боплагандим, битмаган ҳолда ҳам ўзимга маъқул тушгани беҳад шодлантирди ва миямнинг қаеридадир катта истеъдодли одам эканман, деган ўй ғимирлади. Оҳангни бузмай чизишни давом эттирдим. Навбат лолаларга етди. Лолалар! Қалб гули! Мана шу «қалб гули»ни илғари ҳам машқ қилганим сабабли чизиш муҳлати узоққа чўзилмади. Ям-яшил водий аста-секин қизара борди. Бошимни турли томонга эгиб, турли томонга ўтиб кузатдим, «гўзал, жуда гўзал!» деган фикр миямга урилди. Лола ўзим истагандай, яъни табиийдай аниқ, мукамал, гўзал яратилганди. Назаримда қаламни қўлимга ўзим тутган, чизишга келганда эса қандайдир илоҳий куч кўнглимни саховат нурлари билан ёритиб турганди. Қувонмай, ҳаяжонланмай бўладими?! Навбат товусни чизишга етди. Товус! Гўзаллик тимсоли! Мана шу ҳур қуш кўпдан бери юрагимни ўртаб, энтиктириб келарди. Ахир у, туйғуларимни кишанлаб, сархуш этиб ташлаганди-да. Товус! Гўзаллик! Нимага гўзалликка шунчалик ўчман, ташнаман?! Нимага?! Нима учун мен фақат гўзалликни чизишга жазм қилдим?! Ахир мен кузатган манзара бошқалар учун ўзим ўйлаганчалик гўзал бўлмаслиги мумкин-ку! Балки бошқаларни менчалик ўйлатмас, ҳаяжонга ҳам солмас... Бари бир фикримдан қайтмайман. Гўзалликни севаман, севиб қоламан. Бундан буён ҳам фақат гўзалликни чизаман, мадҳ этаман, деган ўй ишни давом эттириштига ундади. Товус! Ҳиссиётлар, туйғулар, ҳаяжонлар, изтиробларим манбаи! Отам, ойим, опаларим, укам Эркин, яна барвақт йўқотган, видолашган азиз кишиларим билан муштарак бўлган тушунча! Шу қуш туфайли мен яна бир бор оламни гўзал ҳолда кўрдим, ҳис этдим. Қуш ўз йўлимни топишга, инсоний бурчимни адо қилишга, бажаришга, уни ардоқлашга ундади, бу йўлда илк имкониятлар уфқи очилди. Ватанни, одамларни севишга қўзғатди, улардан бўлак муқаддаслик йўқлиги, бўлиши мумкинмаслигига ишонтирди, бу йўлда мен учун ўчмас

бир машъал вазифасини ўтади, Ватан! Мен уни бутун ҳиссиётларим билан сева бошладим. Ахир, гўзаллик шу кунгача мен учун оддий гўзаллик эди-да. Қалбимда қўним топмаганди-да. Ватан, халқни севишга, ҳис этишга ундаганиди-да. Ватан, халқни севишга, ҳис этишга ундагандан кейин эса ҳақиқий гўзалликка айланди. Ватан, халқ билан боғлиқ гўзалликни севмай бўладими! Бироқ гўзалликни туйғуларим ҳис қилганида довдиратиб қўйди. Ахир довдиратмаса, гўзалликмас-да. Китобларда ёзилгандай гўзалликни шеърда, оҳангда ифода этиш мумкин, лекин бўёқларда акс эттиришга келганда эса чиндан ҳам довдираб қолар экансан. Чунки ёритишга бел боғлаган гўзаллигим — менга гўзаллик билан хунуклик, яхшилик билан ёмонлик, ваҳшийлик билан эзгулик, олчоқлик билан мардлик, ғаламислик билан соддадиллик, шахсиятпарастлик билан одиллик, қотиллик билан яратувчилик, олижаноблик билан тубанликнинг фарқловчи вазифасини ўтар, туйғуларим дақиқа сари буни сезгиларим орқали тушунчамга етказиб, ифодалаб турди. Мана шуларни ҳис қилгач, англагандан сўнг эса гўзалликни яратиш осонмаслигига аниқ иқрор бўлдим.

Титрапман. Товус яраляпти. Бош қисмидан бошлайми ё оёқлариданми? Ё думидан... Қанотлариданми... Қадамни босдим. Дарҳол фикримдан қайтдим. Гўзалликни оёқ, дум, қанотлардан бошлаб ниҳоясига етказиш маҳол экан. Гўзалликни бошдан, ҳар бир нарсанинг бошдан чизишга тутинган тақдирдагина мақсадга эришиш мумкин, деган хаёл мени ўйга толдирди. Бу ингичка, учи хийла пастга эгилган тумшугининг икки томонидаги холга ўхшаш озгина қабарик бурунчаси катаклари рангларга кўчди. Кейин тумшуги тугайдиган ердан юқорига қараб чизиқлар тортдим, товуснинг кичкина бошчаси яралди. Уни мовий рангга бўяб, икки томонига тарғил кўзчалар қўйдим. Мовий бошда тарғил кўзлар яна ҳам гўзал кўринар экан. Кейин тепага қараб учта қизил чизиқ чиздим, устига гунча, қизил гул гунчасини ўрнатдим. Тож бунёд этилди. Мен чизгандан чизар, рангларни сургандан сурар, ҳаяжоним соҳилдан тошгандан тошар, қалбим сархушланиб борарди. Узун бўйинини ҳам мовий рангга бўядим. Қанотларини учишга шайланган кўйи тасвирладим. Навбат думига етганида тўхтадим. Қаршимдаги — китобдаги товуснинг думида ўнлаб гунчалар, ранглар, оҳанглар мавжуд эди. Мана шу етуклик мени гангитиб ташлаганди. Узоқ фикрлаш, ёниб-ўртаниш, ўчириб-қайта чизишдан сўнг бирдан истаган илоҳий, самовий рангларимни топдим, назаримда, шу тариқа турли томонга паришон ёйилган дум акс этди. Қип-қизил оёқлари ифодалангач, қип-қизил лолалар орасига қадалди. Қўлимдаги қаламни шиддат билан ерга

улоқтирдим-у, орқамга силжидим. Танам енгиллашиб, кўзларим тиниб борар, бошим ҳам айлана бошлади. Хона ёришиб, бошим айланиши тинганда ичимдан кучли бир чинқириқ узилди. Бу гўзаллик яралгандаги, уни вужуд билан тўла ҳис қилгандаги фарёд—чинқириқ эди. Бу — гўзаллик яратиш йўлида тубсиз чекилган изтироблар, ошиқлик, сархушлик, ожизлик ва унинг устидан ғалаба қилган кездеги шодлик онлари, ўз-ўзинга бўлган ишонч ва эркинлик бахтиёрлиги нидолари эди. Гўзаллик яратилганди. Уни ўзим яратгандим. Чин гўзалликни...

Китобдаги сурат назаримда яна ҳам тиниқ, яна ҳам мукаммал аксини топганди. Товус турли томондан турли хил товланар, турли нурлар, шуълалар ажратар, тасаввуримда гоҳ юлдузлар, гоҳ ой, гоҳ қуёш янглиғ порлар эди. Мен ва мен ҳис қилган, идрок этган барча гўзаллик, эзгулик, олижаноблик, саховат, одамиятга хос барча гўзал ҳиссиётлар, шунингдек, орзу-умидларим, куч-қувватим товус ва товусдаги рангларда ўз ифодасини намоён қилганди. Бунга ишонганимдан сўнг туйғуларим гўзал бўёқларга лиммо-лимлиги, уни хассослик билан қоғозга тўканим ҳақидаги фикр миямга урилди-ю, чексиз-чегарасиз қувончдан юрагим хапқирди. Сурат орзу қилганимдай, ҳатто ундан ҳам кўра юксак бир тушунча ва туйғу билан чизилган, мен имкониятимни иккиланмай қаршимдаги гўзалликка бағишлагандим. Бу ёшлик, илк йигитлик фасли, қалбнинг мусаффо, соф гўзаллиги эди. Чунки қалбимда ҳали тубанлик, киборлик каби иллатлар илдиз отмаганди. Ёшлик фаслининг тўла самимияти тўкилган, сарфланган мазкур суратда «мен», яъни фалончи муаллимнинг оддий ўғли — писмадончи бола, яъни Усмонали ўғли Анварнинг ўз юраги, худди шундай асрлар бўйи ота-боболари қонида йиғилган иқтидор, истеъдод ҳам мавжуд эди. Мен ўзим кутмаган ҳолда ёшлик фаслининг тўла-тўкис самимиятини яратдим. Ойимдан эшитган «Боғи эрам» эртаги ва хотирамда сақланиб қолган ўша эртактаги гўзаллик, гўзал манзарани товус тимсолида ифодалагандим. Фақат пари қизлар, девлар, булбуллар, олтин балиқлар, олтин супалар, олтин сувлар, мрамар зиналар, зангори фавворалар, кўзга кўринмас, қўрқинчли, ваҳимали шарпалар, бўғилган, пинҳоний фарёдлар, пари қизларнинг асрий қуллик — қарамлиги, олтин занжирлар чизилмаганди. Пари-қизларни абадий қуллик — қарамликка солган олтин занжирлар, шафқатсиз, ваҳший девлар, кўзларни маҳлиё этиб алдовчи сароб — жаннатмакон «Боғи Эрам»ни чизиш, ифодалаш осонмас-да! Уни гўзаллик билан ёнма-ён чизиш, акс эттириб бўлмасди-да! Олтин занжирлар, шафқатсиз, ваҳший девлар, қуллик—қарамлик гўзаллик эмас-да! У, гўзалликни қон

йиғлатиб, фарёдлар чектириб, хунукликнинг оёқлари остида топтайди, камситади. Бундан олдин ер юзидаги олтин занжирлар, тиш-тирноқларигача қуролланган босқинчи девлар, улар келтирадиган қуллик-қарамликни йўқотиш зарур бўлади. Юрагим оғрий бошлади. Худо ҳаққи, энди ҳеч босқинчи ҳақида ҳам, уруш ҳақида ҳам ўйламайман...

Афсуски, суратда яна кўп кечмишлар — уруш қурбон қилган, ҳисобсиз кўз ёшлар тўктирган фожиалар ифодаланмади. Бунинг иложи йўқ эди...

Энди мен ўзимни турли томонга отар, елкаларимни деворга уриб олар, шифтга ирғир, антикар, тинмай шивирлардим. Юрагим кенг хонага сигмаётганди. Роҳатлар энди мени азоблар, азоблар эса роҳат бағишларди. Вужудимда роҳатли азоб, азобли роҳат, кўнгил айнаган кездеги каби беҳоллик, айни вақтда тенгсиз бир куч-қудрат, кўз тиниш, бош айланиш, кулиш билан йиғлаш, ўзни осий билан жонни эҳтиёт қилиб сақлашга ўхшаш туйғулар гўжғон ўйнардди. Бир пайт ер силкингандаги каби қасир-қусур овозлар қулоғимга чалинди-ю, гангитиб ташлади. Телбаларча ташқарига отилдим. Эшикни очолмадим. Кимлардир эшикни тепар, очишга уринардди. Хушимни йиғиб, ташқарига қулоқ тутдим. «Тинчиб қолди, худо ҳаққи шифт қулаганга ўхшади», деган овоздан сўнг ҳали замон ўзимни деразага урганим, ойнани синдирганим, уйдагилар безовталаниб эшикни қоқишганини англадим. Ниҳоят, эшик очилиб опаларим ичкарига киришди, қўлларимни тортқилашди:

— Нима гап? Бир нарса қулади! Кимдир қичқирди...

...Эшик очилиб ойим, опаларим киришди. Хаёлларим бўлинди.

— Вой, мана буни қаранглар, ким чизди? — деди Мазифа опам ҳам.

— Ёпирай, ёпирай, — ойим ҳайратдан ёқасини ушлади. — Товба, товба, ким чизди? Ўзингми?

— Ўзим... ўзим...

Улар ҳамон саросимада суратни кузатишар, мен эса кўплар орзу этган, лекин уддасидан чиқмаган гўзалликни яратиб кўйганимдан фахрланиб мағрур атрофга аланглардим.

— Ҳой, Мази, катта уйга олиб чиқ, тузукроқ кўрайлик, — деди ойим.

Суратни катта уйга олиб киришди. Мен эса жимгина, кўнглим бузилиб кўрпачага ёнбошладим. Салдан кейин тонг отди. Бу тонг ўзининг самимияти, саховати билан қалбимга бахтиёрлик нурларини бағишлади. Ойим, опаларим шу куни кўзларимга суратдаги гўзаллик каби муқаддаслик касб этди....

МЕҲНАТ ОҒУШИДА

Ойим колхоз раиси Абдурашид акага далада ишламоқчи эканлигимни айтган экан, рози бўлибди. Эшитиб шодландим. Илк бор ойим билан далага чиққанимдан буён чексиз-чегарасиз кенгликлар бағрида ишлашни ёқтириб қолгандим. Таътил бошланган куннинг эртасига аравага ўтириб Қораман даласига жўнадим.

— Хўш? Қўлингдан қанақа иш келади? — деди Маъди исмли бригадир мени истар-истамас қаршилаб.

— Қанақа ишга солсангиз бажаравераман, — бундан бошқача жавоб қилишнинг мавриди эмасди. Чунки Маъдининг кўзлари олайиб, лабларида тажанглик аломатлари кўринди, ошиқча гапни ёқтирмаслиги совуқ турқидан ошкор сезилиб турарди. Лўнда ва қисқа жавобим унга маъқул тушди чоғи, ёқимсиз тиржайди.

— Арава ҳайдашга қандайсан? — у синчковлик билан мени кузатишга тутинди, — нечага чиқдинг?

— Ўн тўртга.

— Ҳимм.. ўн тўртга. Сенинг ёшингда мен, — гапини давом эттирди у қамчинни этиги қўнжига уриб, чамаси бу билан қаттиққўллигини англатди. — Бригадир эдим. Ана у хирмон четидаги аравани кўряпсанми? Аравакаш топилмай турибди. Аравага ўтириб хирмонга дон ташийсан. Отлар асов, бўш келсанг, ўзингни катта холангникидан топасан.

Аравага тезроқ ўтириш, ҳайдаш иштиёқи қалбимни ўртасада, сабр билан обдан кузатдим. Ўн қадамча нарида уйилган буғдой хирмони ёнида (тахта-тобут арава ҳам дейишади) арава турар, унга бир сариқ, бир қизил қашқа от қўшилганди. Отлар сағрисига тухум қўйса думалайдиган даражада семиз эди. Улар сувлиқларини чайнаб кишнашар, турли томонга интилишар, жиловлари бўшаши билан аравани олиб қочиши мумкиндай кўринарди.

— Ҳайдайверайми? — беозор оҳангда сўрадим Маъдининг совуқ, қонсиз турқига қарашга ботинолмай.

— Бор, — деди у энсаси қотиб, — менга қара. Хирмондагилар билан вақирлашиб, комбайнни куттириб қўйма. Чол халқи эзма бўлади. Арава тўлиши билан орқангга қайт. Кечқурун отларни тўқайга олиб борасан, Душан отага топширасан. Тушундингми?

— Тушундим, — дея арава томон юрдим. Маъди туш пайтида хирмонга, чолларнинг ёнига чиқишимни қулоғимга қуйди-да, буғдой ямлаётган оти томон яқинлашди. Мен унинг асабий ва қаҳр билан отга мингани, қамчи босгани, ким биландир жиққамушт бўлишга шайланаётган одамникидай ёқимсиз афтани кузатдим ва юрагимни гашлик туйғуси эгаллади. Маъди тепаликдан

ошгандан сўнг аравани бошқаролмаслигим, бригадир асов отларни топшириб тўғри қилмагани ҳақида чолларнинг гаплари қулоғимга чалинди, ижирғандим. Бари бир мен ҳам бўш келмаслигим, ишни дўндириб ана у чолларнинг фикрини ўзгартириб юборишни кўнглимга тугиб отларга юзландим. Сариқ от мен томон ўгирилиб қулоқларини чимирди ва орқасига тисарилди. Тепса ё тишласа, қочаман, деган ниятда эҳтиёт-шартдан қизил қашқа от томон юрдим. У сариқ отга нисбатан асовроқ кўринарди. Ёлини силаш, шу билан дўстлашиб олиб, бундан буён бирга ишлашимизни ифодалаш мақсадида эдим, у оғзини очиб пишқирди, сўнг олдинги оёқларини кўтариб сакради-да, ерни ларзага солгудай кишнади. Қулоқларини чимириб менга ташланганди, жон ҳолатда ўзимни четга отдим. У сариқ отга қараганда чиройли бўлгани сабабли биринчи галдаёқ уни ёқтириб қолдим. Бу от бадфеъллиги, қайсарлиги, одамни ёқтирмаслиги билан гўё ёввойи мушукни эслатарди. От ҳали-бери бўйин бермаслиги, бошимга ит кунини солиши мумкинлиги аён эди. Усталик, яъни қамчи зарби билангина бўйинини эгиб оламан, деган ўй кўнглимга таскин берди.

Арава олдидаги темирга қистириб қўйилган узун, ошланган чармдан тўқилган қамчинни суриб, ғазаб билан ҳавода бир неча бор айлантирганимдан сўнг тахтага урдим. Оёқларимни қаттиқ тираб жиловни сиқдим-да, қизил қашқа отнинг сағрисига уч бор қамчи туширдим. От кишнаб, пишқириб олдинга итнилди. Лекин қаттиқ тортилган жилов кўзғалишга имкон бермади. Сариқ отни ҳам шу тариқа уч бор қамчи билан «меҳмон» қилгач, сағрисини силаб жиловини бўшатдим. Боёқиш отлар чамаси менда раҳм-шафқатсиз аравакашни кўришмагани, ғирт муттаҳам аравакаш — мен бўш келмаслигимни англашди-ю, раъйимга қараб кўзғалишди. Ландавурлигим курсин. Жиловни буришни унутибман, гилдираклар хирмон устидан юриб донни сочиб юборди. Чой ичаётган чоллар «ҳой-ҳой»лашиб апил-тапил ўзларини турли томонга ташлашди. Тавба! Яна бахтсизлик юз берди! Хижолатдан бўғилиб, аламимни олиш учун отларга қамчи босгандим, ўзларини қаршидаги чайлага уришди ва арава чайлани дўппидай кийиб олди-да, анча жойгача кўтариб борди. Қўрқув ва таҳлика билан қамчи босавердим. Чайла титилиб охири тўкилиб адо бўлди, йўл четида қолиб кетди. Орқамга қараб қоринларини ушлаб кулаётган чолларни кўрдим. Юзим шувут бўлди. Маъди энди мени итнинг боласини савалагандай савалайди, деган ўй билан отларнинг бошини кунчиқиш томонга бурдим, қайтиб чолларга қарамадим. Отлар ўқ тезлигида чопиб боришар, аравани турли томонга

силкитар, ағанашга етганда тахтага ёпишиб аранг жон сақлардим. Тепаликка кўтарила бошлаганда от оёқлари тезлиги сусайди ва кўнглим хийла таскин топди. Ер ёрилса-ю, кира қолсам. Бунақа асов отларга биринчи бор дуч келишим... Отлар жонларини жабборга бериб чопишарди. Сойликка бурилганда жиловни тортдим. Отлар анча жойгача сувлиқларни чайнаб бориб охири тўхташди. Навбатдаги тепаликка кўтарилганда эса отлар мутлақо ҳолдан тойди. Шу билан мен ғалабага эришдим. Ниҳоят, далани босиб кетган тўзон орасида комбайнни судраб бораётган трактор кўзга ташланди. Чайла «фожиаси»ни унутмаган ҳолда трактор ёнига яқинлашдим. Аравани комбайннинг ўнг томонида тиралиб турган катта темир карнай тагига тўғриладим. Трактор қуюқ тутун бурқитиб комбайнни судраб борар, комбайннинг тирсакка ўхшаш карнайидан эса бункерга тинмай дон тўкиларди. Отлар, комбайн, трактор, дала — ҳамма-ҳаммаси гўзал эди. Қалбимда сурур туйғуси кўзғатди.

Комбайн устида паст бўйли, калласи катта бир йигит ушлоғичли ғилдиракни айлантитар, афт-ангори шу қадар чангга белангандики, лойга ағанаб чиққан маймундан мутлақо фарқи йўқ эди. Комбайнчи мен томон қараб тиржайди-да, елкаларини қисиб, бошини лиқиллатди, чамаси у, бу билан «ишимиз шунақа», демоқчидай кўринарди. Кузатиб туриб у менга ёқиб қолгани сабабли, турқи хунуклигидан қатъий назар мириқиб тиржайдим. Кўнглимда эса «қизик, мен сизни учратаман, деб ўйламагандим», деган хаёл «ялт» этиб ўтди. Шу орада трактор тўхтаб, ўнг томондаги эшиги очилди ва ичкаридан баҳайбат бир гавда чиқди. Боши катта, елкалари кенг, қўллари беўхшов бу одамнинг ҳам афти азбаройи чангга белангандан на кўзлари, на лабларини ажратиш мумкин эди. У қўлларини белига тираганча тиржайганди, назаримда лаблари кулоқларига туташиб кетгандай туюлди. Кулиб юбордим. У чамаси, буни ҳамдардлик аломати, деб тушунди шекилли, оғзини яна ҳам катта очиб ширингина жилмайди.

— Олим, — дея мурожаат этди ва у кейин маймунбашара йигитга ўгирилиб. Унинг овози ҳаддан зиёд йўғон ва дўриллама эди. — Янгиси ташриф буюрибди-ку! Маъди аравакашларни бунча кўп алмаштирмаса. Қара, болага бошдан худо берган экан. Ҳой, каллахум, сен ҳам эртага жуфтакни ростлайсанми?

— Кетмайман, — дедим зарда билан. — Мен ишлашга чиқдим. Шу аравани бермаганда...

— Бало кўринади, — минғирлади Олим. — Ишлайвер, акаси. Трактор кўзғалди. Отларнинг жиловини бўшатдим. Янги

дўстларим менда яхши таассурот қолдириб, ишлашга қўзғалган иштиёқимни яна бир карра кучайтирди.

— Ҳой, кўзингга қара, — кутилмаган овоздан чўчиб тушдим-у, аравани карнай тагига ҳайдадим. Карнак ичидан «вигиллаб» йўғон тунука ҳажмида шовуллаб дон тўкила бошлади. Мўлжални тўғри олмаган эканман, дон устимга қуйилиб сескантириб юборди, ўзимни четга тортдим. Дон тинмай қуйилар, комбайн эса илгариларди. Отларнинг жоловини тортсам, дон ерга тўкилар, донни текисласам отлар юриб кетарди. На кулишни, на йиғлашни билардим. Куракка ёпишаман, донни турли томонга сураман. Гангиш, толиқиш сув-сув терлатди. Маймунбашара Олим ичаклари узилгудай кулар, қаҳ-қаҳ отаётган комбайнчи бир нималар дер, ҳамон мазахли тиржайарди.

— Бўлди, тўхтатинг, — қичқириб юбордим аравадан тошиб бораётган донни ичкарига тортиб. — Шошманг!

Ниҳоят, дон тўхтади. Қаддимни ростлаб енгим билан пешонамни артдим-да, ихтиёрсиз дон устига чўкдим. Қотиб ўтиравердим. «Иш мана шунақа, — кўнглимдан ўтказдим беҳол, — Анварвой, агар иш мана шундай давом этиб турса, бир ойдан сўнг уйингга эмаклаб борасан».

— Начора! — дея ўзимга-ўзим тасалли бердим. — Чидайсан. Оила боқишни осон тутма. Ўлмаган ойингнинг жони.

Миямга бирдан «ўрнингдан тур, қамчини ерга от-у, отларни ташлаб, аравани ағанат-да, уйингга жўна», деган фикр урилди-ю, аниқ бир қарорга келолмай турганимда «янги» дўстларим ёнимга яқинлашишди. Уларнинг лоқайд, бепарво, хунук турқларини кўриб юрагим увишганини ҳис этдим. Шундай совуқ табиат одамлар билан ишлаётганим кўнглимни қайтадан орзиқтирди. Иш оғир бўлгач, ақалли чиройли одамлар билан ишласанг-да, деган ўй билан зўрма-зўраки тиржайдим.

— Қалайсан? — баҳайбат тракторчи оғир қўлларини тиззаларимга қўйди. — Тирранча, тиришқоқ экансан. Шердай сапчийсан-а! Илигинг тўқ кўринасан. Кимнинг ўғлисан?

— Усмонали аканинг...

— Э, ана у ароқхўрнинг ўғлимисан? — тўнғиллади тракторчи — отанг чакки одаммас, аммо беармон ичади-да.

— Шошилмай ишлайвер, — кўнглимни кўтарди Олим. — Бунақада толиқиб қоласан. Иш бир кунда битмайди. Яхшики «иш» дейишган «ҳиҳ» дейилганда ўлдирарди. Отинг нима?

— Анвар...

— Ўғирликка қалайсан?

Юрагим «шув» этиб кетди. Соифа опам билан қовун ўғирлашга

борганимдан буён қўрқиб қолганимни эсладим-да:

— Нимаиди? — сўрадим саросимада.

— Колхоз боғига бориб, узум ўғирлаб келмасанг бўлмайди, чанг ютавериш жонга тегди, — тушунтирди Олим.

— Ўғирлик қилмаганман...

— Бўлмадинг... — ўшқирди баҳайбат одам ва кескин ёнига ўғирилди. Олим ҳам қовоғини уюб ортидан эргашиди. «Ҳозироқ югур, узум ўғирлаб кел», дейишларини кутаётгандим, йўқ, ҳайтовур, ўйлаганимдай ҳол юз бермади. Қувонганимдан отлар бошини хирмон томон бурдим-у, қамчи босдим. Чолларнинг юзига қандай қарайман, деган таҳликада эдим, чайла тикланганини кўриб шодландим.

— Сен дон ташийсанми, ё чайлами? — секин сўради пахмоқ соқолли чой. — Бунақада бизларни ҳам аравага қалпоқ қилиб кўясан-ку?

— Отларни тўхтата олмадим.

— Эҳтиёт бўл, аста-секин ўрганасан.

— Хўп, — дея орқамга қайтдим.

Қош қорайгунча дон ташидим. Сўнг отларни тўқайга олиб бориб, Душан отбоқарга топширдим. Уйга жўнадим.

ТАНҲОЛИК

Ойим далага чиқ, ишла, деганида розилик билдириб хонадонимиз оғирини енгил қилишга ярай бошлаганимдан баҳад шодлангандим. Бу — ҳавас эди. Уч кундан кейин муддаомга етиб толиқдим. Бу — ҳақиқат эди. Суяқларим гўё бўғинларимдан ажраладиган даражада сим-сим оғир, танам ҳам ўзимникимасдай туюларди. Даладан қайтар эканман, нари-бери тамадди қилар, ўзимни кўрпачага ташлардим. Кўчага чиқиш, ўртоқларим билан ўйнашни тарк этган, улар ҳам ҳолимдан хабар олишмай кўйишганди. Тўртинчи куни йиғлағудай бўлиб уйга қайтдим. Боз устига Риқси опамни паришон аҳволда кўришим қалбимни ҳасратга тўлдирди.

Ҳовли жимжит, кичик уйнинг деразасидан чироқ нури тушиб турарди. Бугун истиқболимга чиқиб кутишмагани, овқат ейсанми, деб сўрашга ҳам бирор киши топилмагани кўнглимни баттар чўктирди. Кирибоқ ётаман-у, тинчгина оромга толаман, деган ниятда кичик уйнинг эшигини оёғим билан туртиб очдим. Хона ўртасида, эски, титиғи чиққан намат устида Риқси опам тиззаларини кучоқлаганча гамгин ўтирарди. Илгарилари даладан қайтишим билан бағрига босар, эркалар, сўнг овқат ейиш-емаслигимни сўрарди. Бугун эса бахтга қарши ўғирилиб ҳам

қарамайди. Юрагим қайтадан эзилди. Риқси опам ўн етти ёшни тўлдирган, бўйи Мазифа опамнинг бўйидан бир оз баланд, елкалари тўлишган, биалаклари йўғонлашиб, қовоқлари дўмпайиб, тарғил кўзларида эҳтирос ўти чақнар, ана шу эҳтирос замирида маъюслик ва ҳазинликка ўхшаш аломатлар қалқиб кўринар эди. Унинг қизғишга мойил қалин, ҳийла жингала сочлари орқасини тўлдириб, балиқдай тўлғанарди. Вужудидан қизлик — ёшликнинг тенгсиз бир гўзаллиги, нафосати, назокати, оташин бир сеҳри ёғилиб, қиёфаси, чеҳра ва нигоҳини нурафшон этарди. Бармоқларининг узун ва текислиги, ҳаракатларининг тергалганлиги, кўзларидаги қонмаган, қониши ҳам маҳол бўлган, яъни қондошлари, уйига интизорлик чанқоқлиги, ташналиги ифодалари, мафтункорлиги, ёқимтойлигини бирмунча дағаллаштирар, лекин ёшлик ва қизлик малоҳати бу дағалликни деярли сездирмасди. Риқси опам бу пайтга етиб камгап, кам куладиган, купроқ хаёлга бериладиган, ундан ҳам кўра ётсирайдиган, ботинолмайдиган одат чиқарган, бу қизлик иффатидан мутлақо узоқ тушунча бўлиб, кўпроқ бегона уйга кириб қолган, яъни ёт қушчаларга, элакишолмаган қуш боласи ҳолатини эслатарди. Унинг хонадонимизга кирганига, сеvimли фарзандига айланганига роса саккиз йил тўлганди. Бу орада ўзбекча гапирадиган, яъни ўзбек қизи номини олганди. Сарик ранглиги ҳисоб қилинмаса, ҳеч ким уни хонадонимизга ёт-бегоналикда айбололмасди. Лекин бугун унда ичкикиш, зериккишга ўхшаш аломатлар равшан сезила бошлаганди. Баъзан у мана шундай ташналик, ичкикиш билан мени бағрига босар, қучиб, кўзлари ёшланиб: «Анвар, мактабни битирсанг, бизникига борамиз!» — дея ҳўнграб юборарди. Ҳозир унга термилиб, юрагим ачишди. У гўё ошиқча бир ҳаракатдан, бир сўздан чинқириб қаёққадир қочадигандай кўринарди. Кўнглимни раҳмдиллик туйғуси қамради, секин ёнига яқинлашдим, жим кўзларини кузатдим. Кўзлари, чеҳраси оғир бир мўнғга тўлган, нигоҳида ҳарчанд ёниб турадиган ўт, эҳтиросдан асар ҳам кўринмасди. Арзимас ташқи муҳит таъсири уни қаттиқ ранжитиши, ҳатто юрагини тўхтатиб қўйиши мумкиндай туюларди. У назаримда ер юзидаги барча бечора одамларнинг бечораси, бахтсизларнинг бахтсизи аҳволда эди. Афтидан, нимадандир, кимдандир ўч олиши, олганда ҳам бўғиб, тирнаб, қичқириб, бўкириб, ҳўнграб, тишлаб олишга тайёр эканини англаш қийин эмасди. «Нима гап? Нима бўлган ўзи? Унга нима камлик қилади? Уни ким ранжитяпти?» Бошимни шу тахлит ўйлар тўлдириб ташлаган, Риқси опамнинг ҳозирги аҳволи сирини тушунолмаганим каби, бошимни тўлдириб ташлаган ўйларнинг ҳақиқат эканини ҳам англолмасдим. Эътироф этишим зарур: Риқси опамни оташин

бир туйғу билан севар, мусофирлиги туфайли у билан кўпроқ дардлашар, шунингдек, озор бериш, кўнглини ранжитишга ботинолмасдим. Бугун ҳам сукут сақлашдан бўлак чора тополмагандим. Кўз, қовоқлари титраб, қизғиш киприклари ораси жиққа ёшга тўлиб борар, ёшлар юзини ювар, бурни, лаблари сезилар-сезилмас титрар, юз териси кўкариб, ўлгин бир маъюслик, яъни қонмаган ташналик, ундан ҳам кўра одамлар назаридан четлашган, унутилган, уйи, қондошларидан жудо бўлган ва буни танҳо ўзи ҳис қилган кишилар қиёфасида акс этадиган норозилик туйғуси ифодаланарди. Унинг шу кезги ҳолати баҳордан сўнг тўсатдан ёққан қор, яъни эндигина ёзила бошлаган япроқнинг сўлишини эса соларди. Аниқроғи, у кулиш билан кулолмаслик, йиғлаш билан йиғлолмаслик, шодлик билан азоб орасида юз берадиган, яъни у томонга ҳам, бу томонга ҳам ўтолмай гангиб, довдираб турган одам дардига ўхшарди. Бундан ҳам кўра кимсасиз одам бошидан кечирадиган тўла танҳолик ва тўла чорасизликни эслатарди. Чунки у шу кунгача бағримизда бегонасирамай ўйнаб-кулган, ўқиш, уй юмушлари билан вақт ўтказган, уйи, ота-онаси, укалари ҳақида кам ўйлаган, ўйлашга имкон туғилмаган, чамаси, бугун бирдан ёт-бегона уйда экани, ота-онаси, укалари, уйдан узоқларда юрганини хотирлаб эзилаётганди. Опаларимизнинг «синглим», мен ва Мазифа опамнинг «опа», отам, ойимнинг «қизим», дейиши унинг учун шартли туйғу эди ва бу «шартлилик»ни ҳозир англаган, мана шу шартлилик изтироблари қалбини беҳад азоблаётганди. Гарчи, бу шартлиликни ҳеч ким, ҳеч қачон унга эслатмаган, сездирмаган бўлса-да, бари бир ҳақиқат ҳақиқатлигига борганди. Вақт бу шартлиликни ошкор қилиб қўйганди. Мана шу изтироб тутқунлигидан халос этиш учун эса ё уруш қилганларни, ўзгалар ерини босиб олишга уринганларни тутиб, боғлаб унга топшириш; ё ватани, қондошлари ёнига юбориш шарт ва зарур бўлар эди. Мана шулар бартараф қилингандан кейингина барча изтироблар, аламлардан озод бўлиши, ҳақиқий инсон — Риқсига айланиши мумкин эди. Ватан! Ота! Она! Ука! Жудолик! Мазкур муқаддас тушунча ва туйғу уни телбалик, танҳолик қўйларига солганди. Уни мана шу муқаддасликка ташналик ўз-ўзи, ҳатто табиат олдида ҳам ожиз қилиб қўйганди. Оҳ, опагинам — Риқси! Ер юзидаги бахтсиз инсонларнинг бахтсизи! Сенга ачинаман, сенга қайғураман, сен учун ҳасрат чекаман, йиғлайман! Ким билсин, шу кез у хаёлан, ҳа, фақат хаёлан юрти, ота-онаси, укалари ёнига сайру саёҳатга жўнагандир... Улар билан учрашгандир... бир оний бахтиёрлик уни азоблардан халос этолмаётгандир... Ватани — Қримни эслагандир.

Уйга киришим билан мен унинг хаёлларини парокандаликка



*Мирфузоилнинг онаси
Заҳро Фулом қизи*



Ўзувчи онаси Орифа Мирза қизи билан



*Ёзувчининг тоғаси
Бурҳониддин Мирза ўғли*



*Ёзувчининг тоғаси
Сайфиддин Мирза ўғли*



Ёзувчининг ўғли Кабба



Ёзувчининг 13 ёшлиги



Ёзувчи Ғайрат Тоҳир ўғли билан



Ёзувчи ўғли Достон билан



Ёзувчи Равшон Саид ўғли билан



Ёзувчи академик Бунёдов билан



Ёзувчи ўзи ўқиган мактаб болалари билан



Ёзувчи Эркин Рўзматов билан



Ёзувчи Олия билан

солган, кутилмаганда уни ҳақиқатга қайтарган, яъни бегона уй, бегона одамлар бағрида эканини эслатиб қўйган, барча орзумидларини пучга чиқаргандим. Ота-онаси, укаларидан қайтадан жудо бўлганди. Уни бу гал мен жудо қилгандим. Мен қай ҳолда уни юпайтишим, қандай кўнгил беришим мумкин эди! Ахир мен ўз уйим, ота-онам, опаларим бағрида яшар, уйсизлик, бегоналик доғи-дардини татиб кўрмагандим-да. У эса... орамизда юксак ва ҳали-берги қулатиб бўлмас тоғ мавжуд эди.

— Риқси опа, — шивирладим ниҳоят бўйнимни сиқиб. — Нимага...

— Ширинжон! — деди у гўё яраланган оҳу каби ўксик бир оҳ билан. «Тамом! Мана, энди у уйимиздан кетиб қолади», деган фикр яшин тезлигида миямга урилди. Ҳозиргина танамдан кечган изтиробларим ва изтироблар кўзғатган қайғуриш туйғуси гўё бир нафасда ўткир учли игналарга айланди-ю, вужудимга санчилиб, чидаб бўлмас даражада оғриқ кўзғатди, кўнглимни оздириб, боз устига кўзларимни нурсизлантириб, бошимни оғирлаштириб ҳам юборди. Тушунчам хиралашиб, туйғуларим ғижимланиб, қулоқларим остида гўё «дўпир-дўпир» от туёқлари овози, кишнашлари, яна қандайдир, яъни на одам, на ҳайвонниқига ўхшаш нола-фарёдлар жаранглай бошлади. Саросимада кўзларимни юмдим. Қулоқларимни беркитдим. Очганимда тасаввурим ойнасида Товус, Эркин, Олқорча жонланди. Улар қисқа муддатда Риқси опам қиёфасига кириб аста-секин эриб кетаётганди... Тасаввурлар... энди мени ногаҳоний «Боғи Эрам»га бошлар, у ерда Риқси опамни пари қизлар орасида, олтин занжирларга солинган қирқ қизларнинг қирқ биринчисига айланган ҳолда кўзларини ёшли кўрар, дев — босқинчи уни абадий асирликка солганди. Дев! Босқинчи — дев! — Босқинчи! Унинг уйи, ота-онаси, укаларидан жудо этган ҳароми — Босқинчи!

Қонларим керагидан ортиқ жўшиб, томирларим оша кучли бир босим билан оқар, вужудимни ларзага келтирар, юрагимга санчиқ ва оғриқ киритганди.

— Риқси опа! — ёлвордим бармоқларини сиқиб, — Бўлди... Йиғламанг, фақат йиғламанг!.. Ватанингиз — Қримга бир кун борамиз...

— Ширинжон! — мурожаат қилди у гўё кўксидан ўқ еган Олқорча янглиғ ва иягимни силади. — Сен ҳеч нарса билмайсан... ҳеч нарсага тушунмайсан! Билмаганинг, тушунмаганинг маъқул... одамларнинг бир-бирлари билан урушгани, бир-бирларининг уйларини тортиб олишгани, ота-онаси, укаларидан жудо этганларини билмаганинг яхши. Ширинжон!.. Сенгина мени тутқун

хаёллардан ҳалос этишинг мумкин... Мени отам, онам, укаларим ёнига элт! Уларсиз яшолмайман, уларсиз ўлиб қоламан... Уларсиз яшашнинг қизиғи йўқ! Халоскорим, қачон кетамиз? Ахир, уларга нима бўлганини билмаймиз-ку! Қримга қачон қайтамиз?!

— Ойимни кўндириш, «хўп» деса мен розиман.

— Тилингдан ўргилай, тилларингдан айланай, халоскорим! — Риқси опам пешонамдан ўпар, иложини қилолса еб қўйишга тап-тайёр эди. Мен ҳам кўзларимни юмиб, мойиллик билдирдим. «Эй худойим! Қани энди жимгина ухласам, қайтиб уйғонмасам, Риқси опамнинг кўз ёшлари тўкилмаса, мунгли овозини ҳам эшитмасам, уйғонган тақдирда ҳам уни ўз уйида — Қримда, ота-онаси, укалари ёнида кўрсам, қани шундай бўлиб қолса...», деган табиий бир тушунча чарх уриб айланарди. Орзуйим тез, жуда тез ушалишини истардим. Қаршимда икки йўл ястаниб ётарди. Бири — Риқси опамни уйига элтиш, ташлаб қайтиш, учинчиси — жимгина уйкуга толиш — ҳаммасига барҳам бериш эди... Оҳ, қани эди урушни эшитмасам, Риқси опам ўз уйи, ота-онаси, укалари ёнида бўлса... икки йўл орасида гангиш менга бошқа насиб этмаса... Қрим шунчалик гўзал ерми?

Кутилмаганда кўрагимга бир нарса тегди ва чайқалтириб юборди, ўзимни ўнглаб, ёнимга ўгирилганимда Риқси опам ерда ҳушсиз ётар, вужуди қалтирарди. Фарёд, чинқириқ билан ташқарига отилдим. Ҳовлига тушиб, кўча эшик томон югурдим. Эшикни очиб оқ ойимга дуч келдим.

— Тинчликми? Нима гап, нимага рангинг ўчди? — гўлдиради ойим таҳликага тушиб.

— Риқси опам... — ҳўнграб юбордим. — Мазаси қочиб... тутқалоғи тутиб...

— Нима? Нафасингни иссиқ қил, тутқалоғи йўғиди-ку! — Ойимнинг тўйдан олиб қайтаётган тугуни қўлидан тушди. Гўё жулдур кийимли одам ўлимини эшитган кездеги каби изтироб билан ичкарига ошиқди. Кавушини ечишни ҳам унутди. — Қизим, қизгинамга нима бўлди? Риқси, ҳой Риқси?

Ҳаммасига ўзим айбдордай ожиз бир қиёфада Риқси опамнинг бошини кўтарганим, ойим мени четга суриб ташлади. Риқси опам сезилар-сезилмас қимирлаб, сўнг кўзларини очди.

— Ойижон, — шивирлади бир пайт. Ойим унинг бошини тиззасига олди.

— Болам, болажоним! Сенга... — ойим ҳиқирлай бошлади. — Сенга теккан дард менга тегсин! Не азоблар билан катта қилдим-а! Нима бўлди?

Риқси опам киприкларини пирпиратиб оч назар билан ойимни

кузатди.

— Ойижон! Сизни яхши кўраман...

— Жоним, гапир, юрагингни сиқма. Тўйларингни кўрай, қизгинам, қариганимда мени қўрқитма, жоним... — Ойим жимиб менга тажанглик билан юзланди. — Нимага бўзраясан, югур, сув олиб кел.

Коса кўтариб кирганимда Риқси опам ойимнинг бўйнига осилиб ёш болалардай тўйиб-тўйиб йиғлар, ойим эса бошини унинг кўксига босиб сочларини силар, ўпар, юпатарди. Риқси опамга сув тутдим, лекин у ичмади.

— Ота-онам, укаларимга ичикдим... Қримга...

— Қримга, ота-онанг, укаларинг олдига ўзим олиб бораман...

— Ойижон, — мурожаат этди кейин у эзгин бир оҳангда, — мактабим, тенгқурларимни соғиндим.

— Кўзингга жоним тасаддуқ! — ойимнинг чеҳраси хийла ёришди. — Жоним билан уйингга олиб бораман. Уканг ишляпти. Озгина пул топсин. Шунақа экан, секин қулоғимга шивирламайсанми, ҳа, боласи тушмагур. Тобинг қочиб қолдими, деб юрагим ҳалак бўлаёзди.

Ойимнинг кўзларига ёш қалқиди. Бу ҳам шодлик, ҳам маъюслик, яъни Риқси опам ҳушига келганидан кейинги бахтиёрлик, ундан ҳам кўра, ойим ўз боласидай ҳис қилган, ардоқлаган, топинган қизининг уйи, ота-онаси, укаларини кўмсаган кездеги ҳайрат, таажжуб, иккиланиш туйғуси эди ва буни кўзлари ошкор англаётганди...

Ойим шу куни Риқси опамнинг ёнида тунади. Кечки овқатга ҳам қарамади. Ёнларига ҳам ҳеч кимни киргизмади. Эрталаб ичкаридан кўзлари қизариб, қовоқлари шишган бир ҳолда чиқди.

Оҳ, Риқси опам! Бунча бахтсиз... Қрим деб аталмиш жаннатмакон юртидан нега ҳайдалди?! Нега... нега... нега...

Оҳ, ойим! Бунча жафокаш...

ҚИСМАТ

Мен отларни севиб қолдим. Отларимга нисбатан туйган оташин меҳримни сўз билан ифодалаб бўлмасди. Гаплаша олмаслигимиз эътиборга олинса, ибтидой давр, яъни мутлақ эркин яшаган жониворларга хос бир самимий туйғу билан бир-биримизга кўникиб қолгандик. Отлар тез орада, қачонлардир ўз оналарига суянгандай менга суяна бошлашди. Буни мен, ёнларига яқинлашганимда бошларини қуйи солиб туришлари, сўнг кўзларини юмиб, тумшукларини оёқларимга суриши, аравага чиққанимдан кейин авайлаб чопишларида кўрардим. Илк бор дуч келганимда тепиш, тишлашга шайланган қизил қашқа ҳам тез орада қадрдонимга айланди. Энди мен уларни ортиқча саваламас,

алдаш-авраш билан йўлга солардим. Отлар аста-секин қалбимга янги бир туйғу бўлиб жойлаша борди ва ўз ўринларини эгаллашди. Кундузи орамиздаги деярли сезилмаган меҳр-оқибат иллари кеч билан ажралишадиганимизда яққол сезиларди. Мен анча жойгача орқам билан юриб борар, отлар эса ортимдан қараб, узоқ муддат кишнаб туришарди. Назаримда отлар ҳайвонлар орасида инсонга энг яқини, фидойисидай туюларди.

Далага чиққанимдан бери икки ҳафта ўтган бўлиши керак. Ўша кунни Ортиқбой овчи: «Анвар, эртага вақтлуроқ қайтсанг, ўғлим ёш, ёнғоғимни қоқиб берсанг», деди. Розилик билдирдим. Ортиқбой овчи колхоз боғига ҳам қоровуллик қиларди. Боғ тепаликда, турли хил дарахтлар гужгон ўсган ерга жойлашганди. Жар ёқасида катта, кекса бир ёнғоқ дарахти қаққайиб турар, устига чиқишим, қоқиб беришим зарур эди. Йўгон, пўстлоғи аллақачонлар шилинган, баъзи шохлари синиб, қурий бошлаган ёнғоқ дарахтига осилиб, тирмашиб, ниҳоят тепага кўтарилдим. Пастдан узун хода узатишди. Дарахтнинг устига чиққанимдан сўнг баланд ва ваҳималилиги яққол сезилди. Атрофга аланглаб, айри шохга оёқларимни тирадим-да, дарахт бандига суялиб қоқишга тутиндим. Тепа қисмини саранжомладим, навбат паст ва ён қисмига етди. Хода оғир, шохлар узунлиги сабабли қўлим титраб, белим букчаяр, йиқилишга етганда аранг оёқларимни тутиб қолар эдим. Эслайман. Бир пайт хода оғирлиги қўлларимни толдирди. Мувозанатни йўқотганим, лекин ходани қўйиб юборишга кўзим қиймагани, сўнг жон ҳолатда пастга— одамларга қараганим хотирамга хира ўрнашди. Оёғим ўрнидан кўзгалгани, бўшлиққа чиққанини ҳам яхши эслайман. Ниҳоят, хода қўлимдан чиқди-ю, танам ҳавода анча вақтгача муллақ сузиб борди. Шохдан-шохга урилганим, ҳар урилганда қаерларимдадир аччиқ ва тахир оғриқ кўзгалганини ҳис этдим. Сўнг нималар юз берди, билмадим, сезмадим. Ҳаммаёқ бирдан қоп-қора рангга бўялди-қолди. Орадан яна қанча вақт ўтди, билмайман, юзимга сепилган совуқ сувдан ҳушимни йиғиб, зўрға кўзларимни очдим. Чалқанча ётар, осмон чирпирак бўлиб айланар, кўзларимга чалинаётган манзара кино ленталари каби тез ўтар, нурсиз, рангсиз туюларди. Танам оғир, миям карахт эди. Аста-секин тушунчам тиниқлаша бошлади ва тепамда соқоли титраб, кўзлари олайган, елкалари кўтарилиб тушаётган Ортиқбой овчи ва унинг ориқ, филай кўзли хотини, йиғлаётган оқ юзли ўғлини кўрдим.

— Қаеринг оғрияпти? — сўради Ортиқбой овчи саросимада. Унинг овози гўё менга узоқдан, хириллаб эшитилаётгандай англашилди. Жавоб қилолмадим, кўзларим беихтиёр юмилди. «Қандай йиқилдинг?» бу овоз ҳам қулоғимга узоқдан чалинди.

Сўнг қўлларимга совуқ бир нарса тегди ва ўзим истамаган ҳолда қўзғалдим. Вужудим ҳамон ўзимникимасдай туюлар, бошим ёрилгудай сирқираб оғрир, бунга бўғинларим, яна аллақаеримдаги номсиз, жисмсиз, чидаш маҳол бўлган оғриқлар қоришиб кетар, аниқроғи, қаерим оғриётганини, қандай оғриётганини фарқ қилолмасдим. Ниҳоят, чап биқинимда кучли бир оғриқ қўзғалганини сездим-у, чинқириб юбордим. Нафас ололмас, олишга уринсам, биқиним санчиғи кучаяр, дарҳол нафасимни ичимга ютишга тиришардим. Гўё кимдир чап биқинимнинг гўштини ўтмас пичоқ билан қирқарди. Ортиқбой овчи сув тутди. Қайта ўзимга келганимда оғриқ бир нав босилганди. Ортиқбой овчи ўнг, хотини чап қўлтиғимдан кўтариб турғизишди. Бари бир оёқларимни босолмасдим. Ётиш, қимирламай уйқуга толиш иштиёқи кучайгандан кучаярди. Зудлик билан уйга қатишим керак эди. Эр-хотин авайлашиб мени эшакка миндиришди, бола эса ёнимда йиғлаб турди.

— Тузукмисан? — сўради Ортиқбой овчи арқонни қўлимга тутар экан. «Ҳа» қабилида бош ирғадим, чунки бир нарса дейишга мадорим етмаётганди.

— Илоё уйига эсон-омон етиб борсин-да, — оғир хўрсинди хотини ортимдан.

— Худонинг хоҳиши, — жавоб қилди эр, — ҳар ҳолда яхши бўлмади. Нимага ҳам ёнғоқ қоқтирган эканмиз...

— Яхши етиб ол, онанг, отангга айтма, — деди йўлга тушганимда хотинининг кўзлари ёшланиб.

Индамадим. Эшакнинг оёқ олишига қараб жим, чап биқинимни силаб боравердим. Йўлда икки бор қайт қилдим. Вужудим беҳолланиб борар, тезроқ уйга етиш, чўзилиб дам олиш туйғуси қийнарди.

— Нима гап, нимага букчайиб турибсан? — ойимнинг кўзлари кинидан чиққудай очилди.

— Қорним оғрияпти, — аранг тушунтирдим. Ойим кўзга яқинлигим, кинна киргани, ҳозир кинначи чақириб кинна солдиришини айтди. Киннадан кейин ҳам аҳволим яхшиланмади. Инграй-инграй тонг оттирдим. Кўзларимни очсам ҳам, юсам ҳам юз берган фожа — бахтсизлик манзараси ўтаверар, ҳаммасидан ҳам кўра Ортиқбой ота билан хотинининг эшакка ёлғиз миндириб юборгани, ойингга айтма, дегани газабимни қайинатар, нафратлантирар эди. Мен уларни ҳаддан зиёд ёмон кўра бошладим. Улар мен учун энг ёмон одамларга айланди.

Роса икки ҳафта тўшақда михланиб ётдим. Икки қовурғам, икки умуртқам жойидан қўзғалганини ҳамшира аёл ойимга билдирибди. У тунлари қўй ёғи билан танамни силар, юз берган воқеа ҳақида сўрарди. Лекин ёрилмадим. Сир сирлигича қолди. Бир ойлик

букчайишдан сўнг бир нав қаддимни ростлайдиган бўлдим. Бу менинг галдаги изтиробим эди.

Ортиқбой овчининг Орзу биби исмли қизини яхши кўрганим учун, ўша кунги бахтсизликни ойимга айтмадим... Лекин чолнинг Умрзоқ исмли ўгли бевақт ўлди. Бунинг сирига ҳамон тушунолмаман...

СЕВГИ Ё СЕВГИГА ЎХШАШ ТУЙҒУ

Меҳнат қила бошлаганимга ҳам, мана, бир ойдан орти. Эрталаб ёстиқдан бош кўтаришим қийинлашгани, даладан қайтибоқ ўзимни кўрпачага ташлаганим, ёнғоқдан йиқилганим ҳисобга олинмаса, чиндан ҳам бахтиёр дамларни бошимдан кечираётгандим. Чунки чигаллашган ҳиссиётларим ёзилган, сиқилган, маънос тортган туйғуларим мусаффолашган, эркин юриш, ўз-ўзини эркин тутишга интилиш онлари менга насиб этганди. Бригадир Маъдига уйда дон тугаганини айтгандим, эътироз билдирмай бир қоп буғдой ёзиб берди, олиб қайтдим, ойимнинг боши кўкларга етди.

— Бўйинга қоқиндиқ бўлай, — ойим беҳад қувониб бошимни кўксига босди, — кўз тегмасин, мана, оилани ҳам бошқаряпсан.

Қаттиқ ҳаяжонланганим сабабли ойимга термилиш билангина чекландим. Эътироф этишим зарур. Илк меҳнатим самарасидан хонадонимиз аъзолари татигани мени чексиз шодлантирди. Ойим шу куни буғдойни тегирмонга олиб боришим, тортиб келишимни уқтирди. Узун бўйли, узун юзли, чўққи соқол, салмоқлиниб гапирадиган Комил тегирмончидан қачон навбат тегишини сўрагандим, тунда одамлар сийраклашиши, келсам тортиб олишимни айтди. Бу ойимга ҳам маъқул тушди. Қош қорайиш олдидан буғдойли қопни сариқ отга юклаб йўлга чиқдим. Отни тўқайзорга, ўтга қўйиб, навбат кута бошладим.

Тупроқ томли, бир хона, бир айвонли тегирмон уйимиздан икки чақирим нарида, кунчиқиш томондаги сой соҳилига, катта ариқ ёқасига жойлашганди. Айвон ва уйга саноксиз қоплар тахлаб ташланган, сувалмаган гувалали деворларга гард ўтирганди. Катта қизғиш тош тинимсиз айланар, устидаги дондондан шовиллаб буғдой оқиб тушар, уч томондан каноп билан сириб қўйилган шақилдоқли тарнов қулоқни қоматга келтигудай шақирлар, охур оппоқ унга тўлиб борарди. Комил ака тегирмоннинг бир тахлит ҳаётига кўникиб қолган, атроф-муҳитга лоқайд қарар, фақат гоҳ-гоҳида жилмайиб кўярди. Унинг Раҳима исмли ўн уч, ўн тўрт ёшлардаги қизи мени самимий қарши олди. Ўзимга ҳамсуҳбат топганимдан кўнглим равшанлашди. Танишганимиздан сўнг, у

мактабдан қайтгач, отасига овқат пишириши, чой қайнатиб беришини алоҳида бир мароқ билн гапириб берди. Отаси кундузги толиқишдан сўнг тегирмонни қизига топширар, озгина мизғиб олар эди. Раҳимани аввалдан танир, лекин жиддий эътибор бермагандим. Танишувдан кейинги қисқа муддатли суҳбатда илгари у билан қизиқмаганим, яхши билмаганимдан афсусландим. У гапдон, бир зумда кўнглидагини тўкиб ташлайдиган одамлар тоифасидан кўринарди. Чиндан ҳам шундай бўлиб чиқди. Сал ўтмай у мени «сен»сираб ишга буюрди ва ўзига нисбатан эътиқодимни бир карра орттирди. Унинг бўйи менинг бўйимдан хийла пастроқ, билак ва бармоқлари жуда кам қизларда учрайдиган даражада нозик, бармоқ бўғинлари пайи ичига чўккан, бу ўзгача бир чирой бағишлар, гапиришдан олдин бармоқларини бир-бирига сиқиб, шу билан ўзини ноқулай ҳолдан тез қутқариш имконига эришар ва бу одати ҳам ўзига жуда ярашар, ёқимли кулиш ва жилмайиш ҳам чехрасига алоҳида ҳусн берар, озгина ўринсиз ҳаракат қилган ё хижолат чеккан кезлари ёноқларидаги кулгичлари дарҳол сезилар ва юзига қизиллик югуриб, бу ҳам гўзаллигига гўзаллик қўшар, ҳатто суҳбатдошини тақлид қилишга ундарди. Кўзлари тарғил, яъни кўкиш билан қора ранг омихтасида бўлиб, бир пайтда икки хил товланар, бу сифати ҳаддан зиёд мафтункор ва сеҳрловчи бир кучга эга эди. Кенг пешонаси, силлиқ сарғиш юз териси, билакларидаги майда ва майин юнглариининг аниқ сезилиши ва тиниқ кўзлари юракни безовта қилар, сочлари билан бўйни орасидаги сарғиш юнглари ҳам қиёфасига ажиб бир нур касб этар, қизғиш, йўғон сочлари қаддини ростлаган кезлар орқасида балиқдай тўлганар, елкалари нозик, кўкси эса шу ёшдаги қизалоқларники каби билинар-билинемас кўзга ташланар эди. У мириқиб жилмаяр, лаззатланиб гапирар, жилмайиш, гапиришдан ўзи роҳатланар, баъзан тўғри гапиряпманми, дегандай кўзларини юмиб бошини силкитиб ҳам қўяр, имо-ишорасида ёлғон гапирмайман, ишонавер, қабилдаги мамнунлик белгиси сезиларди. Гапиришдан олдин у ҳамроҳининг нима демоқчи экани, ўзи ҳақида қандай хаёлга бораётгани тушунчасини ҳам унутмас, кўзларида ҳозир сенга ҳам гал бераман, шошма, гапимни эсимдан чиқариб қўймай, каби туйғулар ифодаланиб турарди. Бу хатти-ҳаракати, туйғу, тушунчалари билан болалик ва ёшлик орасидаги, яъни ҳадемай тарк этажак қисқа муддатли масофа орасида қалқиб кўринар, баъзан болалик чегарасига ўтар, болаларга хос тартибсиз қилиқлар қилар, гоҳ ёшлик томонига сакраб жиддийлашар, бари бир икки мавсум кўриниши ҳам унда бекаму кўст акс этарди. Шу пайтгача бундай самимий ва соддадил қизга дуч келмаганим,

диққат билан эътибор бермаганим, ё шундай қизлар борлигидан беҳабарлигим сабабими, Раҳима мени кўзга кўринмас ип билан ўзига боғлаб ташлади. Боғлабгина қолмай, бутун борлигимни ўзининг сирли, сеҳрли жилмайиши, чиройли гапириши ва гапларини аниқ ифодалаши билан мутлақо кишанлаб қўйди. Ҳатто, жуда қисқа муддатда у бўлишни, ундай ифодали, ёқимтойлик билан сўзлашни, одамлар қалбини сеҳрлашни орзу эта бошладим. Мана шу тушунчадан сўнг уни яхши билмаганим туфайли кўп нарса йўқотганимга ишондим. Иштиёқ билан чизганим — Товус билан Раҳима орасида қандайдир ўхшашлик, муштараклик бордай туюларди. Мазкур ўхшаш ва муштараклик қонларимни жўштириб, қалбимни кишанлаб бораётганди.

Тун чўкиб, ер юзини кўкиш, рангпар парда қоплаганда Раҳима: «Кутиб тур, отамга чой берай», қабалида силкиниб сочларини елкаси оша орқага ташлади-да, силлиқ, ялтираётган қошларини чимириб кўзларини юмди ва ичкарига шошилди. Сал ўтмай қумғон кўтариб чиқар экан, айвонда ёнбошлаб этган отаси олдига қўйди. Кейин имлаб мени ёнига чорлади. У гўё яхшилиги эвазига отаси ё онасидан мукофотга янги ўйинчоқ олган қизалоқдай мусаффо бир ёқимтойлик билан жилмайиб мени ичкарига етаклади. Кирдик. Ун тортадиган куракчани ушлаб эгилар экан, «ҳозир, ҳозир» дегандай охурдаги унни зўр бериб четга сурди ва охур қирғоғига оёқлари учини қўйди, қўллари билан дондонни ушлади-да, бўйнини чўзиб назар ташлади.

— Ҳали дон кўп, — у беозор бир қиёфада мен томон юзланди. — Тугаса, сеникини соламиз. Хўпми?

— Бўпти, — шивирладим мамнун, — нима, отанг эрталабгача ухлайдими?

— Баъзан ухлайди, — жавоб қилди, — ўзини ухлаганга солиб ётади-ю, лекин ухламайди, қуш уйқу. Ахир шундай қилмаса, бўлмайди-да, ун тўлиб охурдан ошиб кетади. Отамга ачинаман. Укаларим ёш, қарашолмайди. — У бир оз сукут сақлаб, ёлворувчан бир оҳангда гапини давом эттирди: — Отинг тепмайдими?

— Нимайди?

— Биласанми, — унинг бу галги овозида ҳавас ва иштиёққа ўхшаш оҳанг сезилди. — Мен отни жуда яхши кўраман.

— Тепмайди-ю, — тушунтирдим, — сени тепмаса керак... от қизларни яхши кўрармиш-ку... — қиз боланинг отни, боз устига менинг отимни яхши кўриши қалбимда ҳавас туйғуси кўзғатди ва отимни кўрсатишга розилик билдирдим. — Юр, фақат ёнига бормайсан. Ун тошиб кетади...

— Анча бор, тўладиган вақтини биламан, — дея Раҳима гўё

янги боғчага йўл олган қизалоқдай гул-гул очилиб мени ташқарига бошлади. Отаси чиндан ҳам ухламаган экан, оёқ шарпасидан кўзларини очиб:

— Қизим, ун тўлмадимми? — дея уйқисираб сўради ва ёстиқни бошига тортди.

— Отажон, қарадим, анча бор, — мурожаат қилди Раҳима отасига алоҳида бир меҳр билан. Унинг гўё тошга тушган олтиндай соф ва тиниқ жаранглаётган овози, сўзлай бошлаганда елкаларида сезилган нозик ҳаракати, сочларининг тўлқинланиши мен учун гўё сирли, сеҳрли бир оламдай туюлар, юрагимни ҳаяжонга солар, қонимни жўштиргандан жўштирар эди. Чиндан ҳам мен унинг қурбонига айланаётгандим. Комил аканинг юзини қўлларига босиб ёнбошлагани, енгил хуррак отганини кўриб, эшитиб турсам-да, фикрим қизда эди.

— Раҳима...

— Отам энди ухламайди, — қулоғимга шивирлади у хийла ғамгинлик билан, — Юр, унга қараб, сўнг отинг ёнига борамиз.

Қизнинг ҳар бир сўзи мен учун шарафли бир садодай туюлар, бундан фахрланардим. Кутилмаганда у инон-ихтиёримни олиб қўйган, энди мени мутлақо раъйига қаратиши, истаган мақомига ўйнатиши мумкин эди. Раҳима гард ва мойдан қорайган чироқни кўтариб, охур томон яқинлашди, сўнг чироқни кўтариб, менга тутқазиб унни суришга киришди.

— Юр, — деди сўнг ва мени тегирмон ортидаги нов томон бошлади. — Сувга қараб қўяйлик. Тунда одамлар томорқасига сув боғлашади. Сув, камайса, тош секин айланади.

Тош ва чимлар босилган баландликка кўтарилдик. Ажиб бир манзарадан танамга жимирлаш югурди. Ой, юлдузлар қадалиб турган дим сув новга етгач тораяр, сўнг шиддат билан пастга оқар, парракка урилар, кўз илғамас даражада тезлик билан айлантларди. Олам сукутга толган, атроф ёришаётганди. Осмонгина мовий рангда бўлиб, шу мовийликни юлдузлар шуъласигина сарғайтирар, сукунат ва ранглар ҳақидаги хаёлни сув шовуригина бузаётганди. Тун ва тун манзарасини ифода қилиш осонмасди, манзара гўзал кўринар, шунинг учун гўзал эдики, мен Раҳима билан уни танҳоликда томоша қилаётгандим.

— Энди юр, отингни кўрамиз, — Раҳима тирсагимга туртди. Назаримда мен мана шу сукунатли онни, сирли олам осойишталигини кўпдан бери бесабрлик билан кутар, насиб этгандан сўнг ҳаяжондан қийналар, бўғилардим. У паст томонга югурди, ортидан эргашдим. Бир-биримизга ботинолмай, айна вақтда бир-биримиздан ҳайиқиброқ ариқнинг сўл соҳилига — от

ёнига ўтдик. Бошини кутармай кучли бир иштиёқ билан ўтлаётган от шарпани сезиши билан тумшугини силкитиб, бурнидан «курр...» деган овоз чиқариб қарши олди. У ҳам келишимни гўё тоқатсизлик билан кутаётгандай бир нафас жимиб, думи, бошини солинтирди. Раҳима бирон-бир байрамни орзиқиб кутган ва ниҳоят орзусига эришган одамдай ўйноқлаб очилиб-сочилиб отнинг дам у-дам бу томонига ўтар, тўйиб томоша қиларди. Отим унга ёққанидан, ўзим ҳам ёнида бўлганимдан шодланиб жилмаяр, бечора бир қиёфада тиржаардим.

Ниҳоят, Раҳима шижоат кўрсатди. Капалак тутишга шайланган боладай қўлларини эҳтиёткорлик ва раҳмдиллик билан ёзиб, мана, мана тутажак капалагини авайлаётгандай отнинг пешонасига нозик, сезилар-сезилмас титраётган бармоқларини яқинлаштирди. Менга, отга осуда бир табассум билан қараб олгач, қўрқув ва жилмайиш орасида юз берадиган саросимада кафтларини турли томонга сурди. Ҳароратли ва ёқимли бармоқлари отга ҳам маъқул тушди чоғи, кўзларини юмиб сукут сақлади. Мен уни тоқатсизлик билан кузатар, унга ёқиш, фикрини қарам этиш ниятида ҳаракатларини беихтиёр такрорлар, орамизда мутлақо самимият ўйини содир бўлаётганидан гурурланиб қўярдим. Тўлин ой юксакликларга кўтарилгандан кўтарилиб борар, юлдузлар порлагандан порлар, икки олам — ер билан осмон улар орасидаги рангпар ҳаво бўшлиғи, биз турган майсазор, от ва Раҳиманинг юзини саховат ва беминнат нурлари билан ёритар, мунаввар этарди. Табиатнинг бу сирли, сеҳрли ўйини мени мутлақо гангитиб қўйганди. Нима учундир бугун ой нури менга ҳаддан зиёд сирли-сеҳрли, саховатли, яъни одатдагидай сарғиш эмас, қизғиш рангда туюларди. Асли ҳам шундаймиди, у менга шундай кўринаётганмиди, буни тасаввур қилишга мутлақо ярамасдим. Тунги осойишталик, чигирткаларнинг бесаранжом чириллашлари янграётган дардли он, от ва қиз орасидаги яқинлашув ўй-хаёлларимни кишанлагандан кишанлар, кишанлар устига эса қават-қават пардалар ташлар, мен кишан ва пардалар орасида бўғилар, қийналар, изтироб чекардим. Икки олам — ер билан осмон, ой ва қиз, от билан мен орамиздаги тинч, таҳликасиз ўйин кўнглимни маҳлиё, мафтун этар, айтилиш вақтда туйғу ва тушунчамни қўлида ушлаб турган қиз эса мени ортиқча ҳаракат қилишга, бирор нарса дейишга имкон бермасди. Шундай лаззатли, оромбахш вазиятда сабабсиз сиқилар, эзилар, ҳасрат чекардим. Назаримда бугун от, қиз, олам осойишталиги, тун сокинлиги беҳад гўзал товланар, гўё бундан ўзгача бўлиши мумкинмасдай сезиларди.

Бир пайт Раҳима отнинг пешонасига юзини босди-да, кўзларини юмар экан, «ҳимм..»лаб бўйнидан қучди ва шу тариқа меҳр-муҳаббатини изҳор қилгандан сўнг ортига ўгирилди-да, ойга термулди.

— Анвар, — дея мурожаат этди ерга тушиб жаранглаган тор оҳангидай овозда. — Ойни яхши кўрасанми? Оймомони... менинг оймомомни...

— Яхши кўр... кўра...ман... ҳозир... — гулдирай бошладим. — Ҳозир айниқса яхши кўриб...

— Қара, бирам чиройлики, шундай чиройли ойни яхши кўрмай бўладими... Отни-чи?

— Яхши кўраман...

— Мен жуда, жуда яхши кўраман. Айниқса сенинг отингни... Худди ўзингга ўхшайди-я... Бирам ювошки... Анвар... отам ухлаб ётганда шу ерларда айланиб юраман. Ойни ҳам, тоғларни ҳам, ана у сойни ҳам яхши кўриб қолганман. Сен тунда бу ерларни томоша қилмагансан, чиройли бўлишини билмайсан. Ой, тоғлар, юлдузлар, майсалар сен билан гаплашаётганга ўхшайди. Ҳамма нарса шивирлаётгандай туюлади. Ҳечам кетгинг келмайди.

Раҳима отга термулди. Сўнг олам, осмон, ой, назари тушаётган ондаги кўзларидаги гўзалликка ташналик, қалбидаги оташин меҳр-муҳаббат, нигоҳ, лабларидаги озорсиз табассум, шунингдек, инсон боласи экани, эркин нафас олиб, ер юзидаги барча гўзалликлардан баҳраманд бўлгандаги лаззат, сархушлик туйғуларини юзида акс эттириб, менга юзланди. Гўё у вужудидаги барча туйғуларни кўзларига жамлаб менга, фақат менга тортиқ қилишга ошиқар, лекин у ўзини титрамаётган қиёфага киргазишга уринар, гўё, мана, ой нурига, олам сукунатига сингиб кетаман, дерди. Оҳ, қанчалик изтироб, саросима! Мутлақо ифодалаш маҳол бўлган гўзал манзара! Раҳиманинг кўзлари бахтиёрликдан тобора шуълаланиб борар, назаримда ой уфқдан эмас, қиз кўзларидан кўтарилар, от ва мени, оламни ёрқин нурларга кўмиб ташлаётганди. Гўё у, бутун имкониятдан фойдаланиб меҳрини менга, танҳо менга изҳор этишга тиришар, изтироб чекиш билан чегараланарди. Яширмайман! У, бечора бир қиёфада таҳлика ва интизорлик билан мен томон яқинлашган, яъни бутун диққат-этиборини ой. оламдан узиб менга қаратган ва уни тасвирлолмай эзилаётган кез юрагимни кучли бир олов алангаси ўртай бошлади. Ўрнини дарҳол қўрқув ва саросима, иккиланишга ўхшаш изтироб туйғуси эгаллади. Гўё ўғирликка бораётган одамдай, кимлардир яқин орада мени кузатаётгандай ваҳима билан орқамга тисарилдим. Ой нури, унга қоришган олам, ер сатҳидаги қизғиш парда тобора

оғирлашиб тунги жим-житлик қўйнида, мана, мана, эриб бораётган оним эса билакларим устига нимадир қўйилди-ю, вужудимни ёндириб юборди. Назаримда вужудимдан ажралаётган олов алангаси терим ва юнгларим, сочимни жизганак қиларди. Олов! Оламни ўт босди! Олам олов орасида ёняпти. Олов! Олам қип-қизил олов рангига қоришди. Тез, жуда тез муддат кўзларим тиниб, бошим айланди. Худди шу кез билагим устида Раҳиманинг гул япроғидай нафис, назокатли, ҳароратли, учқунлар сочаётган қўлчасини курдим. Чинқиритиб, қичқиритиб, фарёд чекишдан аранг ўзимни босдим. Ҳушимни йиққанымда вужудимни куйдирган, ёндирган, ачиштирган, маст-сармастлик кўйига солган Раҳиманинг қўлчаси турли томонга бориб келар, сийпаланар, роҳат бағишлар, азоблар, оғриқлар қўзғатар, танамни қалтиратар эди. Гўё аъзоларим тўкилиб, пайларим бўғинларидан ажралиб қуруқ суякларимгина қолгандай туюларди. Тушунчам мана шу суякларнигина тутиб турар, руҳим узоқларга кўтарилиб, самога қоришиб борарди. Раҳима! Олов! Ой! Юлдузлар! Осойишталик! Раҳима! Мана шу гўзал инсон боласи, унинг муқаддас қўлчаси мени эритиб юборганди. Қизнинг оромбахш, алаңғали, айни вақтда тиконли, игнали, чўғли бармоқчалари танамни аввал куйдирди, тирнади, санчтирди, сўнг шундай бир лаззат бағишлади, сархушлик, мастликка солдики, бунгача ҳис этилган лаззат, сархушлик, мастлик, оромлик, ҳозиргиси олдида арзимас бўлиб қолди. Бу шундай олий, илоҳий бир туйғу эдики, инсон буни умри бўйи қайтиб татимаслиги мумкин эди. Танам на оғирлик, на енгилликни ҳис этар, юрагимгина гурсиллаб уриб турар, одам руҳга ё нурга айланиши ҳақидаги ўй миямга уриларди. Мен энди саросима билан таҳлика, таҳлика билан таъсирланиш, таъсирланиш билан ҳайратланиш, ҳайратланиш билан лаззатланиш, лаззатланиш билан сархушлик, сархушлик билан шодлик ва ваҳима, изтироб билан бахтиёрлик — гўзал тасаввурлар орасида нафас олаётгандим. Тушунча, туйғуларим қоришиб кетган, саралаш маҳолга айланганди. Чўғли, тиконли бармоқчалар эса ҳамон билагим устида сийпаланарди. Ниҳоят, ўша сийпаланишни елкамда ҳам туйдим. Бирдан қаердадир қасир-қусир, яна аллақандай даҳшатли, қўрқинчли гумбирлашлар, шунингдек, юракни эзадиган, ҳатто ўлимга рози қиладиган, ундан ҳам кўра яшашга бўлган иштиёқни минг бор орттирадиган турли хил садолар янгай бошлаганди. Гўё ер силкинар, тоғлар қулар, ўрнидан даҳшатли оловли вулқонлар отилар, юқори олам — осмонда юлдузлар учар, пастки олам — ер эса сувга ғарқ бўлар, атроф унсиз, дод-фарёдларга тўлиб борарди. Эсдан ажралиш, телбалик

қўйларига тушиш ҳеч гап эмасди. Булар менинг юрагимда юз бераётганди. Юрагим! Қўлларим беихтиёр кўтарилди, чўзилди ва қизнинг қўлчаси устига босилди. Бу ҳол ҳам ўз ихтиёримсиз юз берди. «Гумбир-гумбир!» Қасир-қусир!» «Мана энди йиқиладман!» — деган ўй миямни кишанлади. Вужудимда даҳшатли титроқ қўзғалди-ю, сўнг олам оғир сукутга толди. Сукут... сукут... Ой тўхтади. Юлдузлар қора доғлар билан алмашди. Бирдан оёқларимдан бошимгача иссиқ бир нарсалар қуйилди ва танамга ёйилди, ёйилган кез кўзларимдан пўртираб ёш отилди. Лабимни тишлар, ич-ичимдан ихраш қўзғалар: »Нимага тегирмонга келдим, нимага шундай бўлди, нимага...?» — дер, лекин ўша «нима» сирини тушунолмаётгандим. Кўз олдимдан отам, ойим, опаларим ўтар, мени номуссизликда айблашар, гўё уйдан ҳайдаб юбораётгандай, одамлар мени нопок, деб ораларидан чиқариб ташлаётгандай туюлар, юзимни чангаллаб, қаёққадир қочиш йўлини излар эдим. Мен илк бор сабабсиз, ихтиёримсиз йиғлаётгандим. Шу пайтгача бунчалик мавҳум йиғламаган, ўзимга ўхшаш йиғлаган одамни ҳам учратмагандим. Бошимни кўтариб, қовоғимни бармоқларим билан артиб, маъюс ва ғамгин атрофга алангладим. Раҳима мендан узоқлашиб борарди, бу ҳол бирдан кўнглимни беҳузур этди. Қалбим бирдан бўшаб, олам ҳам қоронғилашганди. Қаддим эгилди. На юриш, на қочиш, на орқамга қайтишни билмасдим. Назаримда кечириш мутлақо мумкин бўлмаган оғир гуноҳ қилгандим. Отам, ойим, опаларим юзига қаролмайдиган аҳволда эдим. Кўзларимга чалинган нарсалар менга мазах билан қарар, таъқиб қилар, бошимни кўтаришга йўл бермасди. Миямнинг қаеридир «кечириб бўлмас гуноҳ қилдинг», деган ўй липиллаб турар, кўзларим Раҳимани изларди. Тегирмонга келганимдан афсусланар, Раҳимани ранжитдим, деб ўйлар, бари бир қувонардим. Кутилмаганда бирдан Раҳиманинг ёнига бориш, кўнглини овлаш, бағримга босиш, бир нималар дейиш йўлини қидирдим. Ёнига бораман, бир нималар... Оёқларимни аранг кўтардим, босдим. У ариқ лабида оёқларини сувга солиб ўтирарди. Сукутга толдим. Бағримга босиш фикридан дарҳол қайтдим, гўё шундай қиладигандай кўрқиб ҳам кетдим. Ерга чўкдим. Кафтими тўлдириб сув олдим-да, юзимга сепдим. Сув томчилари юзимда гўё қизиган тошга сепилган сувдай жизиллади, куйдирди. У эса мен томон юзланди. Қовоқлари шишиб, кўзлари қизарганди...

— Раҳима... — шивирлагандим, у сесканиб апил-тапил қўлларини ерга босди. Турди, ариқдан ҳатлашга уринди ва ҳатлолмай сувга тушди. Шошинич, сувни кечиб ўтди-да, тегирмон томон югурди. Ортидан эргашдим. Ун тошганди... У бир томонда, мен бир томондан унни тортар, ерга ошиб тушган қисмини охурга

ташлардик.

— Нимага унни тошириб юбординг?! — хириллоқ овоз янгради.

— Отажон! Кўзларим илинибди, — деди Раҳима ва нотавон бир аҳволда менга юзланди.

— Мен ҳам ухлаб қолибман, — гўлдирадим ва ёлғон гапираётганимдан пешонамга тер қалқиди.

— Қара, тош қуруқ айланяпти, — ўшқирди Комил ака, — тошнинг тишлари ейилди, янгисини қаердан оламан?..

Раҳима қаддини ростлади ва деворга суялди. Комил ака менинг қопимни кўтариб, дондонга ағдарди.

Тун бўйи тирсақларимни охурга тираб ўтирдим. Раҳима эса айвонда ҳиқирлаб чиқди.

Оҳ, бу қандай бахтсиз, бахтли тун бўлди?! Инсонни йиғлатган, фарёд чектирган, ўлимига рози этган илк севги туйғуси шундай даҳшатга солса... севгининг ўзи нима қиларкин...

КАШФ

«Тегирмон» воқеасига қарийб бир ҳафталаб ўтган бўлса-да, ҳамон сархушлик отида икки олам аро сайру саёҳатлар қилар, ерга тушолмас, тушишни ҳали-бери хаёлимга ҳам келтирмасдим. Раҳима ва у билан алоқадор туйғу, тушунчалар кундузлари тоқатимни олиб, тинмай ўйлашга мажбур этар, тушларимга ҳам кириб изтироблар чектирар эди. Бир кўр Раҳиманинг отасини кўрдим. Тушимда у мени қувиб юрар, баъзан етиб ҳам олар, калтаклар, уйғонганимдан сўнг акси юз берганини англагач, беҳад қувонардим. Бошқа бир куни тушимга от, ой ва юлдузлар кирди. Ниҳоят, Раҳимани кўриш бахтига ҳам эришдим. У узоқларда нур янглиғ жонланди. Ўша илинж, юпанчлар сабабчисига айланган — нурга интилар, нур эса мендан узоқлашгандан узоқлашиб борарди. Нур узоқлашган сари мени ўзи томон шунчалик ортиқча куч билан тортарди. Ана шу нур тобора самовийлашиб ва илоҳийлашиб, қалбимни сурурларга тўлдирад, уйда тезроқ ун тугаши, тезроқ тегирмонга жўнаш йўлни излар, бахтга қарши ун тугайвермас, дардимга дард қўшиларди. Яширишнинг ҳожати йўқ. Мен шу пайтгача барча изтироблар, қайғу-ҳасратларни танамдан кечирдим, етар, бундан буёғига ҳаётим осойишта ўтади, деган умидда эдим. Бироқ акси юз берди. Изтиробларим, қайғу-ҳасратларим қайтадан фаолиятларни бошлади-ю, яна янги ҳаяжонлар қуршовида қолдим. Бари бир буёғи шарафли эди. Оддий бир учрашув, ногаҳоний бир тўқнашув, оддий бир тегирмончининг қизи... ҳа, у мана шу жўнлиги, яъни шуларнинг ибдитоси бўлмиш — мусаффолиги, софлиги билан қалбимга нурдай кирди-ю, вужудимни нурдай ёритди ва абадийликка қарам, ром этди. Нур! Абадийлик! Ромлик! Қарамлик! Муштарак тушунча,

туйгулар! Ётсам ҳам, турсам ҳам Раҳима — малак миямга қадалиб турар, кўзларим олдидан нари жилмас, машъал каби йўлимни ёритар, беихтиёр: «Тегирмончининг қизи...» дея такрорлардим. У ўзининг сирли қараши, сеҳрли ғамзалари билан вужудимга жисмсиз ҳалқачалар, кўтариб бўлмайдиган даражада оғир ҳалқачалар солар, умрим бўйи ўша ҳалқачалардан қутулишим мумкинмасдай туюларди. Шу пайтгача мени на жиявакор ой шуъласи, на таъсирчан куёш нури, на тунги оромбахш сукунат, на таҳликали бесаранжомлик мафтун этганди. Айни вақтда титратмаган, ҳаяжонга солмаган, ёндирмаган, куйдирмаганди. Тегирмончининг қизи ҳаммасини остин-устун айлади. Мени боши берк кўчага бошлаб кирди-ю, кишанлаб ташлади. Энди мен ўз-ўзимга ғайритабий, бегона бир одамдай кўрина бошладим. Лекин у орқали кўп мушкулларни англадим, билъакс у туфайли табиатдаги, инсон оламидаги турли кечмишлар, рангларни идрок этишга, қадрлашга, куйлар оҳангини тафаккуримда уйғунлаштиришга эришдим. Назаримда у — ҳозирги тасаввурим шундай — қалбимга мунис бир шеъриятдай, оҳанглари, қофиялари, вазнлари билан кўнди-ю, шеъриятда илк бор қалам тебратган ноёб истеъдод каби қонларимни керагидан ортиқ жўштирди, тушунча, туйғумда ўз ифодасини топиб, мукамал бир санъат асаридай юрагимда кўним топди. Шунингдек, кўзга кўринмас сеҳри билан вужудимни карахт қилди, гоҳ қалбим гуллари шоҳида булбул янглиғ чирқираб, гоҳ кўнглим водийсида оҳулардай чопиб, менга олам-олам бахтлар инъом этди. Оҳ, ҳаммаси шу тегирмончининг қизидан бошланди! У малак хотира, тасаввуримга маҳкам ўрнашиб олиб, илгариги хотира ва тасаввурларни бераҳмларча четга суриб чиқарди. Ўрнида гўзалликда тенгсиз бир боғу бўстон яратди. Ўша боғу-бўстонга энди мен у билан сайру саёҳатларга чиққандим. Сайру саёҳат пайтида ҳам у ғамза ўтларини қалбимга отар, жароҳатлар, мени «Боғи Эрам» томон бошларди. У туфайли мен пари қизларни қайтадан кўриш, учратиш бахтига ноил бўлдим. Пари қизларни асир этган девларга нисбатан нафратимни бир карра орттирди. Илк бор девларни хаёлан ўлдирдим. Қарамликдан халос этилган пари-қизлар мен, Раҳиманинг атрофини ўраб олишган, кўз ёшлари билан меҳрларини изҳор қилишарди. Раҳима шодлигини яширолмаё оҳулар, товуслар ёнига чўкар, пешоналарини силар, сўнг оламни аллаловчи қўшиқ куйлашга тутинар, эркин — ва тантанавор овози оҳанги оламни тўлдириб юборганди. «Боғи Эрам» — жаннатмакон мамлакатга озодлик нури тушган, уни Раҳима туширган, у ерда оҳулар, товусларнинг эрк ўйини бошланганди. «Озодлик» қўшиғи тобора тантанавор тус олаётганда у югургилаб истиқболимга

чиқар, мени кучар эди. Тушдагидай, хаёлдагидай самовий, илоҳий бир ҳол, бир манзара! Шу пайт бирдан «Боғи Эрам» панжаралари ордидан: «Ҳой, ўзбек қизи! Сенга раҳмат! Сен пари қизларни босқинчи-девлар исканжасидан озод этдинг!» — деган хитоблар янграр, ҳушимга келтирар, оч назар билан атрофга аланглар, Раҳимани излардим. Кўнглимда эса: «Девлар ўлди, уни оддий тегирмончининг қизи ўлдирди!» — деган хаёллар кечарди. «Қизиқ, — уйга чўмдим ногаҳоний. — Ахир қизиқ-да. Ёшликда туйғу, тушунчалари, ҳиссиёт, таассуротлари, хотиралари билан яшаётган бир пайтингда оддий тегирмончининг қизи ҳаммасини издан чиқарса... Ўтмишни қисқа муддатда четга суриб ташлаш ўрнига ўзи ўрнашиб олса... Ўтмиш ва ўтмиш хотиралари, таассуротлари қани? Изсиз, белгисиз йўқолиб кетаверадими?! Тавба! Вужудингни вужудга қориштириб... ўзи бўлиб яшашга ундаса... На ухлашга, на ишлашга қўйса... ўзи, фақат ўзи учун яшашга мажбур қилса... Тавба! Илгарилари мен мактабдан уйга, уйдан мактабга ошиқардим. Энди эса тегирмонга, фақат тегирмонга югуришни орзу қиляпман. Биргина орзу мақсадим — тезроқ ун тугаши, тезроқ тегирмонга бориш бўлиб қолганди.

Эътироф этганимдай — рассом бўлиш ниятим бор эди. Бу орзуйим укам Эркин, бўри бўғизлаб кетган эчки, кесилган қирмизи олма, ҳаётдан бевақт кўз юмган Олқорча, уч боласидан бевақт ажралган кампир, ўглини Фулом чулдур заҳарлаган Ибодат исмли кампир, бечора жулдур кийимли одам, ити, ташландиқ эшаги, Ортиқвой ўғри, ойим, опаларим, отамнинг фожиа ва изтиробларини турли рангларда тасвирлаш эди. Лекин аниқ бир ранг, бўёқ тополмай қийналаётгандим. Тегирмончининг қизини учратган оним излаган рангим, бўёқларим тушунча, туйғуларимда дарҳол қарор топди. Рассомлик санъатини эгаллашимда етишмаётган «камчилик» тегирмончининг қизи экан... Демак, мен ҳаммасининг сабабкори — тегирмончининг қизини чизишим, чизганда ҳам бутун куч-қувватим, имкониятим, қобилиятимни ишга солиб, сарфлаб, қойилмақом қилиб чизишим лозим эди. Бу менинг биринчи ва сўнгги, яъни энг суюкли, ардоқли, мукамал, яъни одамлар кўришлари билан хушларидан ажрайдиган санъат асарига айланади. Асли уни етук бир оҳанг ё етук бир шеърда ифодаласа яна ҳам мукамал чиқарди. Нега илгари шеър машқ қилмаган эканман? Майли, ҳозирча расм чизишни машқ қилаверай-чи. Қизиқ, от ёнида, билагимга қўлчасини қўйган кездеги паришонлиги, мана, мана, уйқуга толаман, деб туриши, энтикиши, изтироб, таҳлика, шодлигини чизиш мумкинмикин? Яшашдан кўра жон таслим қилиш осон туюлган ўша ҳолни рангга яратиб осонмас-да, ахир! Хўп! Буни ҳам чизиши мумкин... лекин

хўнграб орқасига ўғирилгани, югургани, оёқларини сувга ташлагани, ариқдан ҳатлаётиб сувга тушганини... буларни чизиш осонмас-да. Муҳаббат, илк самимият туйғуси, йиғисини чизиш...

Оҳ, нимага уйдагилар нонни кўпроқ ейишмайди, Нимага унни тезроқ тугатишмайди?! Илгарилари нонга тўйишмасди-ку! Оҳ, тегирмончининг қизи! Ўзингнинг иффатинг, соф ва мусаффолигинг, оташин меҳр-муҳаббатинг, самимий туйғуларинг, гард юкмаган тушунчанг билан мени ўзингга мафтун этдинг? Кишанладинг! Сени яна бир бор кўриш насиб этрикин!...

ЎГИТ

Отам бир нави соғайиб қайтгандан сўнг, яна муаллимлик фаолиятини бошлади. Врачлар ароқ ичманг, дардингиз кучаяди, дейишибди. У бир ҳафтага аранг чидади. Ичса чехраси очилар, ўтган-кетганлар, қизиқ топишмоқлардан гапириб кўнглимизни хушнуд этар, ичмаганда эса тумтайиб олар, сўлгин бир аҳволда ўзини танҳоликка урар, арзимас нарсага асабийлашар, дуч келган одамни ранжитар эди. Бизга маълум бўлмаган, яъни отамнинг мияси жароҳатланганидан хабар топганимиздан кейин иложи борица кўнглини олишга уринардик. У ҳурмат-эътиборимизни қайтадан суиистеъмол қилди.

Далада ишлаётганимга бир ой бўлганди. Шанба куни отларни тўқайга олиб бориб, Душан отага топширдим-да, уйга қайтдим. Риқси опам билан Мазифа опам даладан қайтганимда қаршилашиб: «Ҳорма, чарчамадингми?» — қабилида кўнгил берадиган одат чиқаришганди. Бугун улар ҳам мени ранжитишди. Ичкарига кирганимда улар бир-бирларига бир нималарни тушунтириб, шивирлашарди.

— Ўзларинг хог, кўланкаларинг майдон кўринасизлар, — дедим ковоғимни уйиб.

— Отам... — Мазифа опам маънос менга юзланди. Катта уйда отамнинг асабий сўкинаётгани эшитилди. Сир аён бўлди. Ойим ошхондан чиқиб мен томон яқинлашди. — Келдингми, болам. Уйга кир, чарчагансан. Отангга яхши гапир. Зора тинчиса...

Кўнглим оғир тортиб уйга бурилдим. Отам хона айланар, бир нималар деб бўғиларди. Қонларим бирдан миямга тепиб, паришон аҳволда отамнинг кўнглини кўтариш, шу баҳонада ухлатиш ниятида ёнига бордим. У мақсадсиз, маслаксиз, ёлғондакам киборлик, сунъий мағрурлик, зўраки зўравонликка ўхшаш аломат ва шунингдек, арзимас туртки билан ҳовуридан тушадиган одамдай мен томон ўғирилди. Пешона териси йиғилиб ўнг қўлини елкамга қўяр экан:

— Хўш? — деди мазахли бир оҳангда кулиб. — Қалай, Анварвой! Далада ишляпсиз, ишларни дўндирияпсиз. Қодирий домулланинг ҳурмати учун исмингизни Анвар қўйганмиз. Фаҳрлансангиз арзийди. «Меҳробдан чаён» романини сиз ўқиганмисиз? Афсус... Ўқимагансиз... Ҳали-бери бирор ёзувчингиз бунақа асар ёзолмайди. Мен йигирма саккиз кун навбат кутиб, домулланинг икки романини ўқиб чиққанман. Етти иқлимни қидириб ҳам бунақа асар тополмайсиз. Ана асару мана асар. Отабек! Бунақа ҳақиқатпарвар қаҳрамонни Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» китобидагина учратасиз. Отабекка ўхшамасангиз отангиз сиздан асло рози эмас. Ҳа, сиз туйғусиз танқидчиларнинг сафсатасига ишонманг. Умуман танқид — ижодга кирмайди. Америка ёзувчиси Жек Лондон шундай деган. Қулоғингизга қуйиб олинг, пуштсиз одамлар пуштли одамларни кўролмайдилар. Пуштсизлар ўзлариға тўғри бўлган нишонни пуштлиларга тўғрилайдилар. Чунки, улар қобилиятсиз одамлар. Қобилиятли бўлса, ўзлари улуғ асар ёзарди. Ер юзида бизнинг ҳукуматдай, бизнинг диндай одил дин, одил ҳукумат йўқ. Ноқобил ижодкорларгина ҳукуматимиз, динимиз шаънига доғ тушириши мумкин. Менга қаранг, сотқин бўлманг! Сотқиндан, сотқинликдан ҳазар қилинг! Одамларнинг бошларини гангитган, кулфатлар солган, йўлдан оздирган, тараққиётни ҳам барбод этган шу сотқинлар. Парвардигорга суянинг, у сизни оғир фожиалардан сақлайди... Умуман, ишлар қалай?

Отамга қарадим. У кўтилмаганда мени мутлақо лол этиб, фикримни қарам қилган, қалбим кўзларини очиб юборганди. Уйга кирганимдаги таҳлика, ранжиш, нафратланиш аломатидан асар ҳам қолмаганди.

— Ишлар чакки эмас, — дедим шоду хуррамлик билан. — Озгина чарчайпман.

— Чарчайсиз, чидайсиз, — тажанглик билан тушунтира бошлади отам мутлақо жиддий бир қиёфда. — Чарчамасангиз, чидамасангиз иш бўладими! Навоий ҳазратлари: «Ўлмаган жоним менинг», деганлар. Ўлмаган бизнинг, ота-боболарнинг жони. Ота-боболарингиз уззукун омоч ортида ер чизганини бир ўйлаб кўринг-а! Қорнингиз орқангизга тортиб кетади. Оҳ, кўрган кунларим! Етимлик, ўғай ота қўлида кун кечириш, етти ёшдан Фозил бойнинг қўлида қўшчилик қилиш, сув, нон билан умр ўтказиш, қорни, эғни учун болалар кўглигини ювиш, Анварвой, айтишга осон. Отангиз, онангиз, опаларингиз ёнингизда. Еганингиз олдингизда, емаганингиз ортингизда. Ўн тўрт ёшимда тентираш бошланганди. Эҳ-ҳей! Ўлмаган жоним. Бир ой ишлаб бир қоп дон олиб мақтанасиз. Йигирма йиллик муаллимлик, тўрт йил уруш,

қон кечиш, қон тўкиш, миядан ўқ ейиш, ҳа, тил тутилади. Жинни бўлмайд кўринг-чи...

Отам жимиб орқасига ўгирилди. Кўкраги кўтарилиб, енги билан кўзларини артди. Юрагим эзилди ва секин тирсагидан олдим.

— Овқат ейсизми?

— «Овқат ейсизми»миш, — гулдиреди отам мен томон юзланиб. — Ёлгон гапиряпсан. Сен мени яхши кўрмайсан. Ойинг, опаларинг ҳам... кайфи тарқалса, тезроқ ухласа, қулоғимиз тинчиса, дейсанлар. Лекин даҳшат нималиги хаёлларингга келмайди. Яхши кўрасанларми, йўқми — бу мени қизиқтирмайди. Бурчимни ўтадим. Ўқитган ўқувчиларимнинг олди вазир.

— Отажон, — шивирладим ва кўнглини овлаш мақсадида қўлини ушладим. — Чой ичасизми? Шу... ичишингиз...

— Анварвой! — ўшқирди отам лабини ялаб, — ароқ ичиш-ичмаслик менинг ишим. Ақл ўргатмаган бир сен қолувдинг. Ичганман, бундан кейин ҳам ичаман. Улғаярсиз, пул топинг, отангизни боқсангиз ана унда «ичманг» дейсиз. Ишқилиб уруш кўрманг.

— Ота...

— Бекор қолсанг расм чизармишсан. Чамаси, рассом бўлмоқчисан. Шундайми? Орзуйингга эришсанг яхши. Эришолмасанг, ўзингни катта холангникида кўрасан. Хўш? Рассомсан ҳам дейлик. Нималарни чизасан? Отангиз етимликда, мажбурият юзасидан бировларнинг битини боққанини, қишда йиртиқ кавушдан бармоқлари мўралашиб: «Салом, Усмонали», дегани, кунини ўтказиш учун хўжайиннинг итига ҳам хушомад қилганини чиза оласизми? Чизолмайсиз. Бахт излаб шаҳарга жўнагани, нотаниш кўчаларда, овлоқларда очликдан қалтираб, дилдираб чиққани, тўйиб-тўйиб йиғлаганини рангда тасвирлачи. Мумкинмас. Инқилоб отангизни одам қилди.

— Отажон!

— Ҳа, отангиз кўп балоларни кўрди. Онаси, сингиллари қишлоқда қолгани, ўзи Самарқандга бориб «катта мактаб»да ўқигани, одамлар: «Усмоналининг отаси субутсиз одам эди, ўғли ҳам отасига ўхшади», дейишгани, муаллим бўлиб қайтганда яна ўшалар: «Отаси бамаъни одам эди, ўғли ҳам отасига ўхшади», деб каромат қилишганини чизиб кўринг-чи. Одамлар шунақа. Бўлса кўролмайди, бўлмаса беролмайди. Ўша одамлар яна отангиз устидан кулишяпти. Буларни чизиш осонмас. Эҳ-ҳа! Орден олдим, катта ишларда ишладим. Мазифа опангиз, ўзингиз туғилдингиз. Уруш. Ўзим ёзилдим. Ҳа, болажон, буларни рангда ифодалаш маҳол.

Отам қаҳр, ғазаб, айни вақтда синовчан назар билан мени

кузатар, жавоб кутарди. Мен эса нима дейиш, қандай муносабат билдиришни билмасдим. Боши берк кўчага кириб қолгандим. Фикрларим чалкашиб, вужудим оғир тортганди. Шу кунгача муқаддас деб билган, топинган барча соф ва мусаффо туйғуларим ногаҳоний барбод бўлган, уни отам барбод этганди. Танамни кескин бир эштироб кемиргандан кемирарди.

— Хўш? — кутилмаганда отамнинг асабий овози янгради. — Болажон. Мен кўп китобларни ўқиб туширдим. Лекин бир нарсга тушунолмадим: нимага насл, насаби бир одамлар бир-бирларини ўлдиришади?! Ўзгалар ватанини босиб оладилар?! Қул-қарамликка соладилар?! Бирор ерга ёзиб қўй. Чиз... Қуллик-қарамликни чизиш даҳшат. Ҳеч қандай бўёқ уни тасвирлолмайди. Америка деган мамлакатни эшитганман. Маҳмадона муаллимларинг харитадан кўрсатишган. Ўша ерда бир пайтлар ҳиндулар яшашарди. Ўша ер ҳиндуларнинг ватани эди. Эндиликда эса яҳудий у ерни ўз ватанига айлантирди ва муҳрлаб ҳам олди. Сув остида катта наҳанг кичик балиқларни ютиб, ҳаёт кечиради. Яҳудий ҳам шундай қилмоқчийди, бўлмади. Катта халқ кичик халқни йўқотади. Йўқотмаса очдан ўлади. Ҳа, майли... Сиз Навоийни биласиз-а! Билмасликка ҳаққингиз йўқ. У Туроннинг фахри, тожсарвари! Муаллимларнинг бугун ўша улуг зотнинг хатосини ҳам осонликча топиб беришади. Тавба! Беш юз йил одамлар топишолмаган камчиликларни бугун лаҳзада топишади. Машрабни эшитгансан-а! Эшитмагансан. Чунки у дарслигингизда кам ўқитилади. Халқни деб бечора дорга осилганди. Бу тўғрида ҳеч ким бош қотирмайди. Сизда виждон деган нарча бўлса, мактабингизнинг номини Машрабга қўясиз. Унга ҳайкал ўрнаттирасиз. Ватанни, халқни севишни руслар қойил қилишади. Улар ёзувчиларга ҳайкал ўрнатишган. Мана сизга рассомлик. Ҳа, айтмоқчи, яна бунга муаллимларнингизга айта кўрманг. Бундан сиёсий хато топиб думалоқ хат йўллашмасин. Отангизни яна тунда олиб кетишмасин... Қани сен мард бўлсанг, кўрқмасанг, мана шу гапларни ўртага чиқиб, ўқувчилар, муаллимларнинг ўртасида гапир, жиддий ўйлаб кўришсин... Сен Таробий, Жалолиддин Мангубердини биласанми? Билмайсан. Улар араблар, мўғулларга қарши тик туриб курашганди.

Отам жимиб, эшик томон аланглади. Ташқарида оёқ шарпаси сезилди. Шу орада ичкарига ойим, опаларим киришди. Отам орқасига ўгирилди. Тирсакларини гижимлаб, тишларини гичирлатди.

— «Тирик қолмоқ ё ўлмоқ!» — отам бирдан ҳайқирди ва ҳаммани ўзига қаратди. — «Шудур масала!» Қалай! «Ҳамлет! деган

асардан парча.

— Зўр, — деб юбордим-у, ойим, опаларимни кузатдим.

— Туппа-тузук артист экансиз-ку, — жилмайди ойим.

— Артистликка ҳам қобилият бор, ёшлиқда бу ишни ҳам бажарганман, — отам чамаси ойимни ҳайратга солиш учун шундай деди. Аслида артистлик қилмаган, бирор вақт бу ҳақда гапирмаган ҳам эди. — Бундан буёғига артистлик... Чунки, ҳамма артист, артистлик билан кун ўтказишади.

Хонага сукунат чўқди. Бу отам билан биз орамиздаги «ярашиш» аломати вақифасини ўтади. Буни ҳамма тушунди. Сўнг ўтириб овқат едик. Ёлғиз қолгач, отам ҳақида узоқ бош қотирдим. Янги изтироблар мени оғир азобга солди. Энди, мен отамни янгитдан кашф этган, назаримда у улугларнинг улуги, буюкларнинг буюгидай туюла бэшлаган эди.

Отажон! Мен сизни севаман! Бугун эса тенгсиз бир меҳр, тақрорланмас бир туйғу билан севиб қолдим!

НАФРАТ ТУЙҒУСИ

Орзиқиб, ёниб-ўртаниб кутган ўқиш мавсуми ҳам бошланди. Мактаб! Орзу билан яшаш яхши-да! Шу тариқа мен кўнглимни яйратган дала, сеvimли сариқ ва қашқа отларим, арава, қамчин, пахмоқ соқол, раҳмдил Хусан ота, камсуқум Карим ота ва улар ёнларига ўтказишиб меҳмон қилган мевалардан ҳам ўз ихтиёримсиз ажралишга тўғри келди. Юрагим сиқилди. Нимага доим шундай ҳол юз беради? Дилимни қарам этган одам ё жониворлар, манзараларга яшин тезлигида ўзимни урамани-у, фидойиси бўла бошлаганимда арзимас кўнгилсизлик таъсирида орқамга тисариламан. Эндигина чоллар, отлар, дала, комбайн, тракторга кўникканимда улар билан узоқ ҳамдардлашиш насиб этмади. Бундай кўнгилсиз ҳоллар, табиийки, қалбим торларини эзар, қолганларини таранглаштирар эди. Баҳайбат тракторчи, маймунбашара комбайнчидан ажралиш ўзим ўйлаганчалик осон эмасди. Ҳар бир нарсга оринқча кўнгил қўйиш ҳам яхши оқибатларга олиб бормаслигини мен ўша кун — улар билан хайрлашаётганда чуқур сездим. Айниқса, отларим билан хайрлашиш... Улар кишнашиб, сувлиқларини чайнашиб ортимдан узоқ термилишиб, айрилиқ дардларини оёқлари билан ер тепиб англатишди. Гўё отлар: «Анвар, нимага бизларни ташлаб кетяпсан? Сенга ўрганиб қолгандик», деяётгандай туюларди. Ортимга сўнги бор ўгирилганимда кўзларимга беихтиёр ёш қалқиди. Тилсиз жониворлар! Улар қалбимга тилсизликлари — самимиятлари билан мунгли бир оҳангдай жойлашди-ю, узоқ вақт сезгиларимни кишанлаб юрди. Бу кишандан узоқ вақт қутулолмаслигим тайин

эди. Оҳ, айрилиқ дарди қанчалар оғир-а! Галма-гал отларимнинг пешоналарини силаб, қулоқларини юзимга сурдим. Жониворлар иложини топишолса устларига миндириб бутун оламни сайру саёҳатлар қилдиришга таппа-тайёр туришарди. Дўстлар шу тариқа меҳр-муҳаббатларимизни сукут сақлаш билан изҳор этиб жимгина хайрлашдик. Эртаси куни колхоз идорасига чиқиб ҳисоб-китоб қилдим. Икки қоп дон тегди. Ойимни беҳад қувонтирдим.

Бу йил синф раҳбарлигига Абдулазиз ака тайинланибди. Эшитиб кўнглим оғир тортди. Чунки бу адабиёт муаллими бадфеъллиги, оғзи шалоқлиги билан мени кўпдан бери газаблантирар, вақт етиб таъзирини бериш йўлини излаб юрардим. Болалар ундан Азроилдан кўрққандай кўрқишарди. Бари бир узоқ муддатдан сўнг дўстларим билан дийдор кўришиш насиб этгани мени шодлантирди.

Ниҳоят, бир ҳафталик дарсдан кейин пахта теримига жўнадик. Биз борган колхоз қадим-қадимда тўқайзор бўлган, эндиликда гўзал ва яшил пахтазорга айлантирилган теп-текис ерга жойлашган экан. Тунаш учун бизга мактаб биносини бўшатиб беришди. Эрталаб чой ичиб далага чиқар, қош қорайганда қайтардик. Яширишнинг нима кераги бор. Бу пайт мен паришонлик кўйинга тушган, тунлари танҳо айланиб юриш, хаёлларга чўмиш, тегирмончининг қизи ҳақида бош қотиришни одат қилгандим. Рассом бўлиш иштиёқи ҳамон менга тинчлик бермас, юрагим лаззатли бир орзу, оромбахш бир истаклар қуршовида тўлғанар, шу туйғу иштиёқи билан кунни ботирар, тонгни оттирардим. Кенгдан кенг, бепоёндан бепоён яшил пахтазор кўнглимни яшнатгандан яшнатар, узоқлардан кўзга ташланадиган тоғлар эса сурурларга кўмар, қамишзорнинг шитир-шитирлари вужудимда чексиз ҳаяжонлар кўзгатар, осмонни тўлдириб турли томонга учиб ўтадиган ёввойи ўрдаклар, кабутар, чуғурчуқлар хаёллар денгизига чўктирарди. Тегирмончининг кизи! Ўйлар, иштиёқлар, лаззатлар, орзулар! Куз, ёз, баҳор, қиш фасли! Мен билган, кўрган, тушунган, ҳис қилган тушунча, туйғулар ҳамма-ҳаммаси шу тегирмончининг қизидан бошланар, гўё у билан тугайдигандай туюлар эди. Назаримда, табиат фаолияти шу тегирмончининг қизи билан боғлиқ эди. Уни кўриш, узоқдан бўлса-да, бир кўриш йўлини излар, суҳбатлашиш иштиёқида ёниб-ўртанардим. Мақсадим, маслагим — шу қиз эди. У эса мендан узоқларда, бошқа колхозда пахта терарди. Узоқ ўйлаш, изтироблардан сўнг охири тегирмончининг қизининг суратини чизиш, чизганда ҳам тенгсиз санъат асари даражасида чизиш қарорига бордим. Антиқа санъат асарига айланажак бу суратда бутун истеъдодим акс этиши

зарур. Қиз ва қиз сурати ҳақидаги ўйлар мени асабийлаштирар эди. Ўртоқларимнинг гаплари ёқмас, ўзим ҳам уларни ранжитар, арзимас ҳаяжондан энтика бошлардим. Тавба! Олам ҳам гўё оғир, кўтариш маҳолдай сезилар, тобора елкамдан босиб тушар, сукунат ҳам чексиздай, юракни ҳаддан зиёд эзар, оламнинг бир томонида мен, иккинчи томонида Раҳима турар, орада йиртиш қийин, олиб ташлаш мумкин бўлмаган парда кўринар эди. Илк бор яралган одамлар каби гангиб бир-биримизни излар, юзма-юз туриб тополмасдик...

Пахтазордан кеч қайтдик. Макарон қовуришибди. Мис товоғимга солиб, похол устига ёнбошладим. Ўтмади. Чой ичишга эса тоқатим етмади. Кўзгалдим. Танҳолик онлари яқинлашди...

Узоқ тоғлар ортидан тўлин ой кўтарилар, қуёш тафти сўниб улгурмаган мухташам қаср — оламини саховатли нурлари билан ёритаётганди. Тун билан шом алмашинувидаги нотинчлик, осойишталикни чигирткаларнинг бир маромда чириллашларигина бузарди. Пахтазор оралаб бораётганимда япроқлари енгил шабадада сезилар-сезилмас тебранаётган гўзалар, ой нури ва олам билан танҳо ўзим юзма-юз учрашдим. Шу тариқа ўйлар, хаёллар, орзулар, фикрлар фаслига кўчдим. Бир чақиримча йўл босганимдан сўнг тераклар ортда қолди. Фарб томондан шимол томонга қараб оқадиган ариқ лабига етгач, оёқларим беихтиёр ҳаракатдан тўхтади. Ана шунда мен икки олам аро мутлақо танҳоланганим; юрагим увишиб, томирларимдаги қонлар оқиши кучайгани, қамишлар шитирлашлари тиниқлашиб, табиатга жуда яқинлашганимни туйғуларим тушунчамга сездирди. Бундай яқинлашувни илк бор англадим.

Энига уч қулочча келадиган ариқ ичи ва қирғоғи қалин қамишлар билан қопланган, тунги шабадада улар ҳазин ва маҳзун тебранаар, кўнгилни аллалар эди, қамишлар шитирлашини тўла идрек этиб улгурмасимдан қаердадир эшитилган қушлар чуғури ва чиябўрилар «уви» туйғуларимни чўчитар, кўнглимга безовталик солар, айни вақтда узоқ ўтмиш—эртаклар оламини, шунингдек, улуг кишилар ва уларнинг эзгу хизматларини хотирада жонлантирар, танҳолик ва танҳолик шарафлилиги ҳақидаги ўй эса миямнинг бир четида липиллаб турарди. Инсон ана шундай ўй-ташвишлар, таҳликали, изтиробли онларни мутлақо унутадиган дақиқада ўзимни беқиёс даражада улуг одам, тенгсиз бир истеъдодли кишидай ҳис этиб, келажакда эзгу, фақат эзгу ишлар қилиб, кишиларни ҳайратлантириш, улар менга, фақат менга топинишларини истаб ариқ лабига яқинлашдим. Миямда, шундай кенг ва бепоен оламда танҳоланиб қолганим, бундан кейин ҳам

танҳоликдан қутулолмаслигим, юрагим гўё шундай бепоёнликка сифмаётгандай, айна вақтда қачонлардир мана шу танҳоликни, гўзал оламни тарк этиб кетишим, исиз йўқолишим, барча орзумидларимни ҳам ўзим билан бирга ер остига элтишим, шулар асносида юз берадиган тушкунлик туйғуси мени бечора бир аҳволга киргазди. Одамлар, жониворлар пайҳон этган ерга келиб чўкдим. Чўккан оним рассом бўлиш, бу борадаги орзуйимга тезроқ етиш, Раҳиманинг суратини чизиш, ота-онам, опаларим, муаллимларимнинг ҳайратини ошириш ҳақидаги ўй, ҳаяжонимни жўштиргандан-жўштирар эди. Сувнинг тиниқлиги, осойишталиги беихтиёр хаёлга чўмдирди. Энди ўзимни пешонаси кенг ва дўнг, сочлари, қошлари, ҳатто киприklarигача оппоқ оқарган даҳо тимсолида кўрар, гурурланар, кейин асли бошқа одам эканимни ўйлаб қайтадан сиқилар, бўғилар эдим. Албатта, буюк рассомлик шохсупасига кўтариламан, вассалом! Бундан камига рози эмасман. Тегирмончининг қизи! Жилла бўлмаганда ана шу қиз учун мақсадимга эришишим шарт.

Ниҳоят, Раҳима мени хаёллар осмонидан пастга — ҳақиқат олами — ерга олиб тушди. Бесаранжом, асабий, нотинч қалбимга ой нури янглиғ қайтадан ўрнашди-ю, вужудимни нурга кўмди. Узоқ сузган, охири ҳалокатга учраган елкан каби нурлар денгизига фарқ этди. Олам ҳам мен билан шу денгизга чўкди. Нур! Раҳима! Кўзларимга чалинаётган, тушунчам идрок қилаётган барча гўзал манзаралар ўша нурдан иборатдай туюларди. Нур — Раҳима кўзларимни тиндириб юборди. Ой — нур! Қиз — нур! Қизлик — нур! Иккаласи кўшилиб гўзаллик ва муқаддаслик касб этар, қул қилиб имкониятларимни чегаралаб қўярди. Узоқ энтикиш, уринишлардан сўнг ой тимсолидаги қизга термилдим. Нур қизга айланиб, қиз эса нурга айланиб сув орасидан қалқиб-қалқиб, қўлларини ёзиб мен томон югуриб яқинлашарди. Қамишлар тебраниб сувни тўлқинлантирар, тўлқинлар қизни турли шаклга солиб липиллатар, титратар, назаримда у югурар, лекин жойидан кўзгалмасди. Мен унинг ой нури янглиғ елкаларига ёғилган сочлари, кўй кўзлари, сарғиш юзи, япроқ гулли чит кўйлагини аниқ кўриб турардим. Тўлқинлар баъзан қизни гижимлар, кесиб, бўлак-бўлақларга бўлар, мен эса ваҳм ва ҳасрат билан қўлларимни қиз томон чўзар, шунда тўлқинлар гўё тиниб Раҳимани аввалги ҳолига қайтарар эди. У истиқболимга тинмай югурар, орамиздаги масофа эса чўзилгандан чўзилиб борарди. Тўлқинлар! Бесабр, бешафқат, бераҳм тўлқинлар! Шамол эсар, тўлқинлар қалинлашар, мен томонга чўзилган гул япроғидай нозик қўлчаларни кесиб ташларди. Тўлқинлар, уларни яратгувчи

шамолдан, қамишлардан нафратланар, қўлларимни сувга солиб, қиснинг қўлларидан ушлашга, кўтариб олишга уринардим. Қўлларим бир нималарга тегар, ачишар, дарҳол тортиб олиб кузатар, қиз эса майда чизиқларга айланиб аста йўқоларди. Изтироб, изтироблар қуршовида қийналардим. Тасаввуримда қиз ёнимга яқинлашгандай, қўлларини чўзгандай туюлди. Энди, у қаршимда сув париси янглиғ тўла ва мукамал ҳолда гавдаланар, кўз ёшлари билан менга тикилар, хаёлан: «Анвар! Нимага келмай кўйдинг?! Сенсиз зерикдим!» — дерди ўкинчли бир овозда. Унинг овози мунглашиб борарди. — Отларингни ҳам шу қадар соғиндимки! Ҳатто тушларимга ҳам киряпти.

— Қўрмаяпсанми, — лабларим шивирларди, — пахта теряпмиз. Эрта чиқиб кеч қайтамиз. Боришга имкон йўқ. Катталар тезроқ пахта режаси тўлса, юзимиз ёруғ бўлади, дейишяпти. Сизларни бошқа ерга юбориб яхши қилишмади...

— Қийин-қийин менга қийин, — назаримда қиз гапини давом эттирарди. — Ётсам ҳам, турсам ҳам ўша тўлин ойли тунни хотирлайман. Ўнгимда ҳам, тушимда ҳам ўшани кўравераман. Тушимда бир-биримиздан қочиб юрамиз. Ун ташиб кетганини эслайсанми? Қизиқ, ўша кунни нима учун ёнингдан қочдим? Нимага оёқларимни сувга ташлаб йиғладим? Худо ҳаққи, айтолмайман. Оҳ, қани энди ўша кунги тушни яна бир бор кўрсам, майли, йиғласам ҳам, лекин қочмасдим... Отам илоё сирдан хабар топмаган бўлсин-да, оҳ, қандай фикрга борди экан-а!

Бошим эгилди. Жавоб қилолмадим. Қиз сўзсиз, чорасиз, аммо кучли бир иштиёқ билан менга узоқ қараб турди-да, ноилож қўлларини силкита-силкита узоқлаша бошлади. Интизор атрофга алангладим. Шамол қаърига сингиб кетганди. Ўз-ўзим, ҳозирги манзарадан нафратланиб апил-тапил сувга қўлимни суқдим, қиз қўлларини изладим, излайвердим. Тополмадим, тополмадим... Аста-секин сувга чўкиб боравердим. Сув бўйнимгача кўтарилди. Бармоқларим илдишларга етди. Бармоқларим лой ва қамиш илдишларини олиб чиқди. Изланишларим самара бермади. Олам ҳамон осойишта эди, қамишлар шитирламас, чигирткалар овози эгинлашганди. Кафтим ачишди. Кузатдим. Бармоқларим қонаган, тирноқларим орасидан қон силқирди. Қамиш илдизи бармоқларимни кесганди. Ҳушимни йиғиб пешонамни сиқдим. Пахта терганим, овқатланганим, ҳозирги тасаввурлар узоқ бир ўтмиш хотирасидай жонланди.

— Анвар! — кутилмаганда яқин орадан қулогимга ёқимсиз овоз эшитилди.

«Анвар!» қизиқ, кимнинг овози?

— Нима? — деганимни биламан. Қаршимда Абдулазиз ака пайдо бўлди.

— Нимага бу ерда қочиб юрибсан?

— Қочганим йўқ.

— Бу ер катта холангнинг уйими?

— Бўкирманг.

— Бўкиришни сенга кўрсатиб қўяман Ҳу, валати...

— Ўзингиз, қўлингизни калта қилинг.

Ётоққа қайтдим. Хонага кирдим. Остонадан ўтдим-у, кўзларим тиниб, бошим айланди. Ўртоқларим бир-бирлари билан олишишар, устиларига оқ рангли дори сепишарди. Ўзимни бурчакка — похолга ташладим. Салдан кейин шовқин-сурон бирдан босилди-ю, ҳамма эшикка қаради. Қаршимда математика муаллими Олим ака пайдо бўлди. У кўпдан бери очиққан, гўё узоқ вақт емиш — ўлжа тополмаган қоплондай олазарак атрофни кузатиб, мен томон юзланди.

— Ишни бажариб, нимага писиб ётибсан? — гўлдиради у еб қўйгудай важоҳатда.

— Нима қилибман? — ҳайрон Олим акага термилдим.

— Бу нима? — у чанг-тўзонга ишора қилди.

— Мен ҳозир ташқаридан қайтдим, — деганимни хира эслайман.

Ўнг юзимга оғир ва кучли тарсаки тушди. Қулоғим шанғиллаб, кўзларим тинди. Гандираклаб, охири ўтириб қолдим. Бошим ари уясидай гувиллар, қулоғим тинмай шанғилларди. Олим ака кескин орқасига ўгирилди ва тишларини гичирлатиб, эшик томон юрди. Ҳали-замон жимиб, ўзларини четга тортганлар қайтадан шовқин-сурон кўтаришди. Мен эса кўзларим ёшланиб жойимга ўтирдим. Эрталабгача тўлганиб чиқдим. Қулоғим шанғиллаши аччиқ бир оғриқ билан алмашиб, эрталабгача ухлатмади. Ювинётгнимда ўнг қулоғим битиб қолгани, ҳеч нарса эшитмаётганини ҳис этдим. Қилғиликни катта ўкувчилар қилишган, калтакни мен егандим. Олим ака катталарга қўл кўтаришга қўрққан, аламини кичик бўлганим учун мендан олганди. Ўша кунни мен ўнг қулоғим эшитиш қобилиятидан ажраганига ишондим ва Олим акадан қаттиқ нафратландим. У мен ёмон кўрган, нафратланган одамлар қаторига қўшилди.

Қулоғим улғайганимдан кейин ҳам аввалги ҳолатига қайтмади. Аъзоларимдан бири учун ногиронлик фасли бошланди, унга Олим ака сабаб бўлди...

ЖУДОЛИК

Сап-сариқ хазонлари, қаргалари, чуғурчуқлари, чумчуқлари

билан севимли кузим билан юз кўришдик. Булутлар фасли ёмғир фаслига туташди. Навбат оппоқ қорлар фаслига ҳам етди. Оппоқ қорлар фасли сап-сарик куз фаслини ҳам ниҳоят сиқиб чиқарди-да, куз ва хазонлари қор остига кўмилиб, чуғурчуқлар ғойиб бўлди, куздан фақат қарғаларгина қолди. Қиш оғир келадиганга ўхшайди...

Салгина илгари пахтадан қайтгандик. Дарслар бошланган куниёқ ўртоқларим бир оғиздан синфкомликка сайлашди. Кўнгилчан, хаёлпараст бирор одамга қаттиқ-қурим гапиролмайдиган ўсмирдан қандай синфком чиқиш: мумкин эди! Бу ҳолга на кулиб, на йиғлашим мумкин, на чора! Бу соддадил одамлар азал-азалдан кўнгилчан одамларга ишонч билдиришга уринишади. Бизга ҳам ишонишган экан... Умуман, арзимас қайғу, ҳасратдан кўзларига ёш қалқийдиган, қушлар ва жониворларни ҳам қадрдонидай ардоқлайдиган ўсмирга ўқувчилар қисматини тергаш-тежашни топшириш чиндан ҳам кулгили ҳол-а! Камина «хукумат»ни қўлга олгач, қолоқлар, дангасалар миқдори ортиши мумкин, холос. Унинг устига кўнгилчан одамнинг бирор вақт омади юришганини билмайман. Хуллас, зиммамга юкланган оғир масъулият мени келажак ишлар ҳақида жиддий ўйлашга мажбур этди. Қизиқ, бирор одам менинг раҳбарликни уддалаш, уддалай олмаслигим ҳақида бош қотирмаса-я!.. Хўп! Деворий газетани чиройли расмлар билан тўлдириб чиқарарман, тун бўйи ухламай, борингни, ўртоқларимга ўрнак бўлдим дейлик. Ахир бу — иш битди, эшак лойдан ўтди, деганимас-да. Масъулиятдан сиқилиб, имконият туғилганидан эса фахрланардим. Чунки, энди мен ўз-ўзим олдимдаги бурчдан ташқари ўзгалар олдидаги бурчни ҳам ҳис этишим зарур эди. Ўйлаганим тўғри чиқди. Бироқ узоқ йиллик қадрдоним, қиёмат кўшним Турдивойнинг эрта пахтадан қайтиши, оғриб тўшакка миҳланиб қолгани ярамни янгилаган, кун-тун, тун-кун у ҳақда ўйлар, кўнглимга чироқ ёқса ёришмайдиган бир аҳвола юрардим. Кейинги кунларда иложи борица ундан узоқлашишга, у ҳақда кўнгилсиз бирон-бир гап эшитмасликка уринар, гўё кўнглим яқин-орада юз берадиган фожиани олдиндан сезаётгандай туюларди. Турдивой! Юрагим! Вужудим, дард-аламларим! Қайғу-ҳасратлар, изтироб, фарёдларим! Меҳрим, сеҳрим, муҳаббатим!

Ўша куни ҳам тутқун хаёл билан мактабга жўнаганим, Шафоат хола эшик олдида мени қарши олиб ўғли аҳволи оғирлашгани, мени, фақат мени сўраётганини айтди. Пайларим бирдан бўшашди, бурним ачишиб, кўзларим ҳам беихтиёр намланди. Илон оғзига тушган қуш боласидай чирқираб, ўнг томондаги очиқ дарвоза томон бурилдим ва бир юриб, бир югуриб ичкарига кирдим.

— Қаерда ётибди? — овозим титроққа тўлиб сўрадим. — Худо

бунчалик Турдивойни суймаса...

Қай аҳволга тушганим фақат ўзимгагина маълум эди. Назаримда атрофимни тиглар ўраган, мен тиглар орасидан таҳлика ва изтироб билан ўтар, гўё тиглар тилган танамдан қонлар оқар, лекин мен эътибор бермасдим. Эътибор берадиган аҳволда эмасдим.

— Болажоним-эй, — ҳовлини босиб ўтаётганимда орқамдан ҳазин овоз эшитилди. — Кўкрагимни бунчалик қаттиқ тишлаган экан. Кўз очибдики, боши дарддан чиқмайди. Озгина хўрда пиширувдим, зораки сенинг баҳонанг билан татиса...

Ичкарига севимли ўртоғим Турдивойнинг ёнига кириш, кирмаслигимни билмай, киришдан кўра орқамга қайтиб, уни кўрган кездеги даҳшатдан қутулиш осон туюлаётган бир пайтда Шафоат холага юзландим. Бечора аёл! Гўё у бутун умр интилган, орзу қилган, шу йўлда қуйиб-пишган илинж ва юпанчлардан, мана, мана, жудо бўладигандай, ёруғликда ўғлидан бошқа таянчи йўқдай, арзимас бир кўнгилсиз гап, арзимас бир ортиқча ҳаракатдан чинқириб, кўз илғамас ерларга бош олиб кетадиган аҳволда эди. Аёл ва аёллик — мунис она ва оналик қалбининг тенгсиз гуллари сўлган, атри тугаган, бўстонидаги булбуллар қўшиғи тинган бир пайтда боласи саломатлигини истаб, бутун борлиқдан ҳамдардлик—ёрдам сўраётган кездеги ҳасрат, дардга тўлиб-тошган кўзларига қараш қанчалар оғир-а!

Ойимдан узоқ ётган бемордан ҳол сўраш яхшилик келтирмаслиги, бемор сўнгги умидларини узиб, тинчиши мумкинлиги ҳақида эшитгандим. Шу сонияда мени мана шу тушунча, туйғу азоблар, Турдивойнинг ёнига кириб ҳол сўрашим билан гўё тинчиб қоладигандай туюларди. Наҳотки шундай бўлса?! Кўкрагида липиллаб турган азиз жони, жонгинаси узилса... Йўқ! Йўқ! Тинчиш, узилишини асло истамайман!

Ҳамон қатъий бир қарорга боролмай турганимда, бирор бахтсизлик юз берган тақдирда ўзим ҳам, у ҳам армонда қолмасин деган хаёл билан олдинга силжидим. Кунгак томондаги эшикдан тор даҳлизга ўтдим, ўнг томондаги эшикка яқинлашдим. Даҳшатли ва кўрқинчли бир чинқириқни кутиб, тирқишдан ичкарига мўраладим. Хона жимжит, оғир ва ваҳимали сукутга толган, гоҳ-гоҳ сиқилиш, ё зўрлов, ундан ҳам кўра мажбурий олинган нафас сезиларди. Оламдаги турфа азоблар шу он гўё хона ичида кечаётгандай, хона қачонлардир одамлар гавжум бўлган, сўнг кимсасиз қолган оламга ўхшаш қайғули ва ҳасратли, дардли бир кулбага айланганди. Оҳ, айтиш қанчалар оғир-а! Ана шу кимсасиз, қайғу ва ҳасратга тўлган, бўм-бўш инсон кулбасида менинг жонажон ўртоғим сўнгги нафасларини олаётганди! Табиат ҳаво

орқали унга сўнги насиба — озуқа бераётганди...

Ойналарига газета қопланган дераза тагидаги кўрпача устида Турдивой чўзилиб ётар, қовиргалари саналиб, кўкси аста ва хаста кўтарилиб-тушар, катталашган боши, кўз, қулоқ, сочлари мавжудлигини ҳисобга олмаса, турқи кўрқинчли бир манзара касб этганди. Баъзан у «оҳ— вой» деб кўяр, чамаси уни дераза кўзидан кўриниб турган бир парча мосий осмон, салқин ҳаво, қийналмай олиши зарур бўлган нафасгина қизиқтирар, бошқалари эса аллақачонлар унутилган, унутилмаса-да, қизиқтирмай қўйган, борди-ю, қизиқтирган, сўнги бор арзимас иштиёқ кўзгатган бўлса — бу мен ва онасини кўриш эди. Тенгсиз мақсад, юксак орзулар, иштиёқ, ҳавас, жўшиш ва кўтаринкилик билан дунёи оламни сайру саёҳат қилгани чиққан, пировардида қўлини ювиб қўлтиғига урган сайёҳ аҳволида мана, мана, оғир бир фожиани кутиб, оёқ учини босиб, бемор ёнига яқинлашдим. Беозоргина ёнига чўкдим. Лекин у (оҳ, нимага шундай) на оёқ шарпам, на олаётган нафасимни сезди. Ёнида сўзсиз, лабимни тишлаганча, йиғилишдан аранг ўзимни тутиб, бармоқларимни бир-бирига сиқиб узоқ ўтирдим. Хона ва хона ичидаги исланган, оғирлашган ҳаво, совуқ девор ва ўртоғим ҳақидаги тушунча, туйғулар мени исканжасига олиб сиққандан сиқар эди. «Оҳ, Турдижон! Наҳотки, кўзингни очмай, мени шунчалар қийнасанг? Сен туфайли олам кўзларимга тор туюляпти, юрагим сиқилиб, қўлларим қисқарди! Қони, жонимга синган, абадий ажралмайдиган даражала синган ва вужудимнинг ярмига айланган Турдивойжон! Мен сени, эсимни таниган, ҳатто танимасдан ҳам илгари, ҳаммомпиш ўйини ўйнаганимиздан бери— лойдан қуёнча, тойча, кучукча ясаган, кўрга йиқилиб, оёқларимизни куйдириб олган кунимдан бери севардим! Бу мутлақо болаларгагина хос мусаффо ва соф туйғу, яъни иккаламиз, фақат иккаламизгагина хос туйғу эди. Наҳотки... Йўқ! Йўқ! Бўлиши мумкинмас... Сен узилмаслигинг, тинчимаслигинг керак! Сенсиз қолишнинг қизиғи йўқ... Кетсанг... ўзинг билан бирга ҳамма нарса ҳам кетади... Юрагим оғрияпти. Ахир! Укам Эркиндан абадийликка жудо... У қайтмас бўлиб кетди... Сендан ҳам... йўқ... Эркин ҳур қушга айланди. У вужудимнинг ярмини увиштириб, жонсиз қилиб йўқолди, ўша увишган, жонсиз қисмидаги томирлар қурий бошлади гўё. Қолган — иккинчи қисмини ҳам, яхшиси мени ҳам, ўзинг билан олиб кет-у, сендан жудо бўлдим, деган тушунчадан халос эт! Сенсиз қийналамиз, эзиламиз...» юрак, юраккинам мана шундай фарёд чекар, унсиз йиғлар эди.

Титраётган қўлларимни ерга тираб кўзгалдим ва авайлаб

Турдивойнинг юзига назар ташладим. Кўзлари юмуқ, юпқалашган қовоқлари териси кўкиш тусга кирган, бўйни ингичкалашиб, майда томирлари сезилар-сезилмас липиллаб турар. бурни ҳам кичиклашиб, ёрилган ва ярим очиқ лаблари орасидаги тиш милклари туртиб чиққанди. Билаклари териси ҳам суякларига ёпишганди. Оёқ терилари эса салқиб кўнгилни гумирлатадиган даражада хунуклашганди. Елка суяклари ўртаси чўккан, зўрлик билан нафас олган, ҳаво сўрган пайтда суяклари яққол сезиларди. Мен ундан кўзларимни узолмас, юрак дардига учрамасдан илгариги, оқ юзи, тўлишган ва суқ киритадиган гулгун чеҳраси, ифбатли қизалоқлар каби ёқимтой нигоҳи, раҳмдил, соддадил кўзлари, қиёфаси хотирамда тикланар, унга нисбатан туйган метр-муҳаббатимни ортттиргандан ортттирар эди. Торгина, жимжитлик, сукунат ҳукмрон, яъни беморнинг қўланса ҳиди билан тўлаган хонада, дераза тагида кўрпача устида шу дақиқа ёмонлик ва эрксизлик, хиёнат ва ваҳшийлик - турфа инсоний тушунча, туйғулардан мутлақо йироқда бўлган, бутун борлиги билан гўзалликка ва эзгуликка интилган, севган, ардоқлаган, шулар учунгина туғилган ва нафас олган, таъсирчанлиги, нозик таъблиги, теран тушунчаси билан тенгқурлари ва катта-кичикни бирдай қарам, ром қилган одамдан кўра, руҳ, илоҳийликка яқин бир онгли мавжудот — Турдивой беморлигида ҳам гўзал бўлиб ётар эди ва бу гўзалликни унутиш, тарк этишнинг асло иложи йўқдай туюларди. Даҳшат! Қай йўл билан руҳ, илоҳийликни ўлим тўшагидан қайтарай! У азобсиз, дардсиз, эркин ва қийналмай нафас олиб, орамизда яшай бошласа... Бемор ўртогим, ўзим ва олам билан юзма-юз турган мана шу он биргина ўй — уни жонига ора кириш йўлини излардим. Аччиқ кўз ёшлар билан беморга термилиб турганимда онасининг оёқлари шарпаси мени азобдан хийла қутқаргандай бўлди.

— Турдивойжон! Кўзларингни оч! Жоним қоқинди: , ўртогинг чиқди.

Турдивойнинг лаблари титради, аста-секин киприклари кимирлади, сўнг кўкиш қовоқлари тортилиб, нурсиз кўзлари ялтиради. Менга қараганда гўё вужудим янги бир ҳаёт нафасидан яйради. Кўлларим беихтиёр совий бошлаган иякларини силади.

— Тузукмисан? Мени... сўраган экансан...

— Туз... — Турдивойнинг нафаси ичига тушиб, ранги кўкарди, кўзлари юмилди. Жимиб ҳам қолди. Юрагим қинидан чиққудай уриб, нима қилиш, нима дейишни билолмай гангиб турганимда Шафоат хола ўлгининг ёнига чўкди-да, кафти билан юзини ишқалашга тутинди.

— Ҳой, ҳой, нафас ол, — гулдиради Шафоат хола ва ўглининг кўл-оёқларини силкитди. — Бечора болагинам кўкйўталга мубтало бўлди.

Турдивойнинг рангига бир пайт қизиллик югуриб, аста кўзларини очди ва қисқа-қисқа йўталди, нафас олиши ҳам енгиллашди.

— Йўтал жонимга тегди, — шивирлади ниҳоят Турдивой тушкун бир оҳангда. — Томоғимга бир нарса тиқилади. Эрмат, Тиллаҳўжа, Самад, Исомиддинлар нимага келишмайди? Кўргим...

— Йиглама, йиглама, мазанг қочади, — Шафоат хола беморни юпата бошлади. — Анварни сўраётувдинг, озгина гаплашгин-да, озгина хўрда ич, ўртоғинг ҳам ичди. Анвар, қани, хўрдага қара. Мен чой қўяй, — у ташқарига чиқди.

— Ичасанми, ичириб қўяйми?

— Ичмайман, — Турдивой афтини буриштирди. — Кўзимга кўрсатма. Хўрда ҳам жонимга тегди. Зерикдим. Болаларга айт, киришсин. Мени узоқларга олиб боринглар... Узоқларга кетгим келяпти... узоқларга...

— Ундай дема, кўрқитма... — лабимни ташладим, бошим эгилди. Гўё Турдивой «узоқларга...» деганда ўлиши, нариги дунёга ишора қилаётгандай юрагимни кўрқувга солди ва чинқириб юборишдан аранг ўзимни ушладим, сир бермасликка уриндим. — Ўртоқларинг келишади. Бирга сой бўйига тушамиз, айланамиз.

— Кўкрагим чирияпти. — Турдивойнинг овози мунглиниб, юзида бирдан ҳаётдан бешиш, зерникиш, шунингдек, лоқайдликка ўхшаш аломат сезилди. — Бугун ё эртага чириб битади... Кўзимга жинлар чалиняпти. Олқорчани отган одам билан, Хомби буви тушларимга кириб, қоронғи жарликка этаклашади. Илгарилари учиб юардим. Энди эса учмай қўйдим...

«Ҳаммасига Олқорча билан ўша нотавон кампир сабабчи, — деган ўй урилди миямга, — венинг кичкинагина юрагинг Олқорча ўлимига ва кампирнинг қисматига бардош бераолмади. Сен бевақт туғилгандинг... Сен узоқ яшашинг мумкинмасди...»

Бошимни кўтариб беморга юзландим. У яна жимиб қолган, нафас олиши яна оғирлашганди. Кафтимни пешонасига босдим. Пешонаси кўлни куйдирадиган даражада иссиқ эди. Алаҳсирашига ҳам шу иссиқ сабаб экан. Унинг юраги ўтган баҳорда дардга чалинган, дори-дармон, боқтириш кор қилмаётганди...

— Қаеринг оғрийди? — сўрадим кўзларини очгач.

— Ҳеч қаерим оғримайди, — жавоб қилди у оғир ютиниб. — Кўкрагим қисади. Қиш тушди... — у бир оз сукут сақлаб, гапини давом эттирди. — Янги баҳорни кўролмайман...

— Ундай дема... согайиб кетасан... Кўрқяпман...

— Нимага кўрқасан? Мен кўрқмаяпман-ку... мактаб, дала, ҳатто ўроқларим ҳам ҳадемай унутишади...

— Турдивой...

— ...

— Турдивой...

Унинг боши «шилқ» этиб ёстиққа тушди. Кўл-оёқлари бир силкинди-ю, сўнг тинчиб қолди. Юзидаги кўкиш ранг ўрнини оқлик эгаллади. Апил-тапил туриб оёқларини ишқаладим, иягига урдим. Бари бир у сезмади.

— Сув... — дея шивирлаганди у, бу сафар овози зўрга эшитилди. Назаримда у, мана, мана, узиладиган кўринар, вужудим қалтироқдан шу қадар куч билан силкина бошлагандики, гўё учиб кетаман, деб ўйлардим.

— Турдивой! — тўсатдан хунграб юбордим. — Йўқ! Йўқ, Сен...

Қай ҳолда, қандай тезлик билан ташқарига чиққанимни билмайман. Чинқириб Шафоат холани чақирдим.

— Нима гап, тинчликми? — Шафоат холанинг кўзлари олайиб, мени итариб ташлади-да, ичкарига шошилди. Ҳаллослаб ўғлининг ёнига чўкаркан, юзини ишқалашга тутинди. Бўлмади чоғи... оёқ-кўлларига ёпишди...

— Турдивой... Турдивой...

— Сув...

Шафоат холанинг кўзларидан шашқатор ёш отилди ва ўзини Турдивойнинг устига ташлаб қичқира бошлади:

— Турдихон! Кетма! Кетма! Шошма, мени ҳам олиб...

Юрагимни ваҳм туйғуси қамради ва фарёд, чинқириқ, ундан ҳам кўра жон таслим қилаётган кездеги каби талваса, хириллаш билан ташқарига отилдим. Кўксига ханжар қадалган шердай наъра билан ўзимни эшикка урдим.

— Ойижон! Ойижон!

— Нима гап? Нимага...

— Турдивой... Турдивойни қайтаринг! Қайтаринг...

Ойим ташқарига қиқди ва Турдивойларникига югурди. Ортидан эргашдим. Ичкарида шу кунгача, олам, инсон кўрмаган даҳшат, фожиа юз берар, Шафоат хола ўғлини қучиб, юзи, кўллари, оёқларидан ўпар, ҳамон фарёд чекарди. Ойим Турдивойнинг қўлини ушлади ва Шафоат холани орқага сурди.

— Сув томизмабсиз-ку. Бола пақир қийналибди. — Ойим ёнидаги пиёлани олиб марҳумнинг оғзига уч марта сув томизди. Кейин нимлар бўлди, билмайман. Кўзимни очганимда уйда, кўрпача устида беҳол ётар, ойим.опаларимнинг кўзлари ёш,

юзимга сув сепишар эди. Қаерда, нима учун ётгнимни хотирлашга уриндим, назаримда узоқ, жуда узоқ ухлаган, ухлашдан олдин узоқ муддат калтакланган, азоблангандай кўринар, гўё бошқа оламдан тушгандай ўзимни уйга ёт-бегонадай ҳис этардим. Бирдан Турдивойни эсладим, кўзларим жиққа ёшга тўлди-ю, вужудимда гайритабиий бир куч қўзғалди-да, инграб ўрнимдан турдим. Ташқарига отилдим. Шафоат холанинг уйини одамлар тўлдирган, синфдошларим ҳам сукут сақлаб, бошларини қуйи солиб, эшик олдида туришар, бир-бирларига қаролмай пинҳон йиғлашарди. Ҳеч нарса англамайдиган, тушунмайдиган, ҳис этмайдиган, фақат кўзлари милтиллаб, қўл-оёқларигина қимирлайдиган ёғоч одамдай мақсадсиз, маслаксиз атрофни кузатганимдан сўнг ичкарига юрдим. Қаршимдаги ўнлаб қўлларни қайириб, эгиб марҳум ёнига кирдим. Чамаси ўртоқларим ҳам шу онни кутишган, менгача ботинишолмаган ё кўрқишаётган эканлар, ортимдан ичкарига отилишди. Дераза тагигача яқинлашиб таажжубдан қотиб қолдим. Марҳумнинг оёқлари боғланиб энгаги танғиб қўйилганди. Оёқларим беҳолланиб ерга чўкдим. Ўртоқларим ҳам арофни ўраб олишди. Марҳумга термила-термила оҳри юзимни тирнаб, тишларим лабларимга ботириб, иссиқ бир нарсалар оғзимни тўлдириб, ғазаб билан ютиб юборардим. Қон! Ниҳоят, қўлимни ерга тираб эгилдим, лабларим марҳумнинг юзларига тегди, ўпдим. Турдим. Вужудим энди гўё марҳумнинг танасига тегди... Гўё жазавага тушиб ўпар, қучар, хўнграб, ўртоқларим ҳам юрагимни эзиб, чинқиришарди. Кимдир елкамга чанг солди ва сиқиб тортди.

— Турдивойжон... нимага ташлаб...

— Мурдани ўпиб бўлмайди...

— Ишингиз нима, у ўлмаган, ўлмайди. Тирик Турдивойни ўпяпман, — елкамдаги қўлни итағиб ташладим. — Турдивой... бизни ташлаб кетма...

Турдивойга талпинар, аёни ҳақтда елкамга ёпишаётган қўлларни итарар, тишлар, назаримда қулоқларим остида гўё марҳумнинг: «Анвар! Тинчлан, менга озор берма. Кетдим, кетмасликнинг идожи қолмади! Олқорча ўлимини, бечора кампир қисматини кўрмаганимда, уруш бўлмаганда балки кетмасмидим...» деган овози жаранглаб турарди. Миямда эса: «Олқорчага ҳам, урушга ҳам лаънат, ҳаммасига ўшалар сабаб бўлди», қабилдаги ўй чарх уриб айланарди.

— Анварни олиб чиқинглар, бошқаларни киритманглар, — қандайдир бўғиқ ва ёқимсиз овоз янгради ва шу заҳотиёқ саноксиз қўллар менга ёпишди. Зум ўтмай ўзимни ташқарида кўрдим.

— Бераҳмлар! Инсофсизлар! Қўйиб юборинглар! Ўртоғимни

кўрсатинглар! — деб бўкирдим. Мени ҳеч ким тингламади. Қарамади ҳам. Тунни эшик олдида ўтказдик. Эрталаб, ҳаммаси эрталаб юз берди. Оломон турдивойни тобутга солиб, юқори маҳалладаги қабристон томон жўнади. Бизларни... йўқ... бизларни олиб боришмади... ягона ўкинчим-армоним ўзим билан қолди.

Орқамга қайтаётиб одамлардан қочишга уриндим. Гўё одамлар мени турли томондан таъқиб этар, сиқа бошлар, бошимни кўтаришга юрагим дов бермасди. Гўё, Турдивойнинг бевақт орамиздан йўқолишига ўзим, ёлғиз ўзим сабабчидай, қалбимни айбдорлик туйғуси кемиргандан кемирарди. Бошимни кўтаролмас, на осмонга, на атрофга қарашга ботинардим. Осмон, атроф Турдивойнинг кўзлари, қўллари, вужудига тўлиб борар, устимга бостириб келарди. Ҳамма ёқни фарёд босиб борар, фарёдлар ҳам фақат Турдивой учун чекилаётганди. Назаримда, беғуноҳ, норасида Турдивой вужудинигина йўқотган-у, кўзлари, чеҳра ва нигоҳлари осмонга жойлашган, мана шу қолган аъзоларгина ҳурга айланиб, тобора юксакликларга кўтарилар эди. Ўша юксакликларда укам Эркин, бўри бўғизлаган эчки, Зиётвой поччам, баҳайбат овчи яралаган Олқорча ҳам Турдивойга қўшилиб учиб юришар, Турдивой уларни бошқарарди. Турдивой ўзи ва ҳамроҳлари билан мен топинган, орзу этган, етишга уринган гўзаллик ва гўзаллик ҳақидаги тушунча, туйғуларимни олиб кетар, мен эса ёмон одамлар, хунукликлар орасида қолиб бўғилардим. Юрагим шу қадар уюшгандики, ҳаётнинг бундан буёғи зерикарли ва оғир машаққатларга айланганди... Турдивой ақалли бир сонияга ҳаётга қайтса, ана шу қайтган сонияга бутун гўзалликни қурбон қилишга таппа-тайёр турар эдим.

Ортимга қайтдим. Кичик уйга кириб, ичидан занжирладим-да, ўзимни кўрпачага ташладим. Юзимни ёстиққа босиб, сблон тўйиб йиғлаб олганимдан сўнг турли томонга ағанаб, туриб, ўтириб, ёнбошлаб гўлғана бошладим. Ихрар, фақат «Турдиво?!» сўзини такрорлардим. У ўзим билмаган, сезмаган бир пайтда вужудимнинг бир бўлагига айланган экан, ундан ажралганимдан кейин ўша бўлаги қаттиқ оғриди, беҳол ҳам қилди.

Гўё яшашнинг, олдинга интилиш, силжишнинг мутлоқ қизиги, иложи қолмаган, ҳаётдан тўйиш, жондан кечиш каби туйғулар юрагимни оғритар, эзар, гўё ўз-ўзимни осий, бўғиб ўлдириш, сувга ташлаш йўлини излар, маъқулини тезроқ ижро этиш, гўё Турдивойнинг ортидан тезроқ қувиб етиш ҳақида бош қотирардим. Миямда гўё ҳур қушга айланиш, Турдивойнинг руҳига қоришиш, ерга тушмай у билан юксакларда учиб юриш ҳақидаги ҳасл миҳланиб турарди. Укам Эркин оламдан кўз юмганда болаларга

хос онгисизлик билан ўлиш, ўлимни орзу этгандим. Бугун эса эсимни таниганимда, ўлиш ва ўлимни қайтадан эсладим. Бу ҳам болаликнинг ҳаяжонлари эди. Бунга азиз ўртоғим, самимият, гўзаллик тимсоли — Турдивойнинг ўлими сабаб бўлди... Бу ҳаяжонларни Яратган кечиради...

У ёшлиқ, норасидалиқ, поклик, мусаффолик, софлик, яъни ёшлиқ билан йигитлик бўсағасида турган улғайиш фаслининг навқирон даврида бандаликни бажо келтирди. Олам, инсоният норасида, пок бир гўзалликдан жудо бўлди. Оламнинг, инсониятнинг мана шу гўзал қисми — марҳум мулки қалбимга хазон ранг — ўлими билан кирди ва абадийликка қўним топди-ўрнашди. Энди бу гўзаллик ва у ҳақидаги хотирани ўзим билан юз ёшни қоралагунимча сақлаб бораман... Бу ёғига худо пошшо...

Оғриб қолдим.. Уч кун мактабга чиқмадим. Турдивойни телбаларча суйганим, унга нисбатан туйган оташин севгим қалбимни жароҳатлади, оғритди, йиқитди... Бу бетоблик аста-секин узайиб кетади...

Ўлиш, ўлим ҳамма тирик жон учун муқаррар, деган табиий бир тушунча мени олдинга интилишга, нафас олишга, яна ҳаёт йўлида курашишга, куйиб-пишишга ундади. Турдим. Бари бир соғаймаган эдим. Фақат Турдивойнинг суратини чизиб орамизда хотирасини абадийлаштирган тақдиримда соғайишим мумкин эди...

Мактабга бошқа кўчадан қатнай бошладим. Шафоат хола мени кўрмаслиги керак эди...

ШОДЛИК ОНЛАРИ

Қорлар бир неча бор ёғиб ўтди. Оппоқ қорлар... Далалар, томлар, сувлар, кўчалар қатори мўътабар азиз ўртоғим, яъни такрорланмас инсон — Турдивойнинг қабрини ҳам оппоқ рангга буркади. Кўча, мактаб ҳовчисинг босилган изларини ҳам ёпди, овози эса изгиринлар орасига сингиб сўнди. Қиш қишлигига борди. Утнинг оғир келганини Турдивойни қаро ер қаърига кузатганимиз, мени энг яқин ҳамдардим, қалбимга самимий бир туйғу янглиғ ўрнашган азиз ўртоғимдан жудо этганида яққол сездим. Оҳ, у янги баҳорни қанчалар орзиқиб кутганди! Лекин у қайтмади, баҳор эса такрорланди... Янги баҳор бошлангач, Турдивойни бир оз унутарман, у туфайли чеккан изтиробларимдан халос бўларман, деган фикрда эдим, бироқ акси юз берди, янги баҳор ўртоғимни қайтадан ёдимга солди, дардимга дард қўшди. Қиш аста-секин ўзи билан кўнгилни эзувчи лойгарчилиги, хосиятсиз қушлари — қаргаларини ҳам олиб узоқларга жўнади.

Турдивойга нисбатан туйган меҳр-муҳаббатимни юрагимдан чиқариб ташлаш ўзим ўйлаганчалик осон кечмади. У болалик билан ўсмирлик фасли каби мендан тобора узоқлашиб боради, ундан аччиқ ўтмиш, ҳасратга тўла хотираларгина қолаётганди. Кундузлари миямни фақат Турдивой ҳақидаги ўйлар банд этар, тунлари эса тушларимга кириб қийнар эди. Тушларимда уни оппоқ кафанда кўрар, вужуди сезилмас, кўзларигина ёришиб чалинар, ҳур қушлар каби юксакликларда учиб юрар, имо-ишоралар билангина мени истиқболига чорлар, мен эса ундан қочишга уринардим. Тушимга киргани мени қувонтирар, қочиб юришим эса кўнглимни чўктирар, бу ҳақда ойимга гапирар у: «Қочиб яхши қилибсан...» дер, туш таъбирини айтмасди. Парвардигорнинг ўзи асрар экан...

Баҳор оламни ям-яшил рангга буркади. Оламни турли гуллар, чечаклар, ўт-ўланлар ҳиди, турли қушлар чуғури тўлдирган кунларнинг бирида қабристонга чиқиб, Турдивой қабрини зиёрат қилдим. Қабр устида унган оласийрак майсалар, тупроққа суқилган — бир қисми чириб синган ва турли томонга қийшайган ҳассалар, дўмпайган тупроқ гумбази ўртоғимни абадийликка биздан айиргани, қайтиб уни кўриш асло мумкинмаслиги, ундан фақат хотирагина қолгани ва бундан буён биз мана шу хотиралар туфайли уни эслашимиз тайинлиги ҳақидаги ўй қалбимда янги оғриқ ва изтироблар кўзгатди.

Баҳор қайтадан жамол очди. Бироқ, ёш бир вужуд, яъни оламнинг илк бошланиши — Турдивой бош кўтармади. Оҳ, у жувонмарг бўлди!

Юрагим гўё бўрилар тўдасидан ҳуркиган от каби безиллаган ўша кунларнинг бирида хонадонимиз арзандасига айланган ажойиб бир инсон уйимизга ташриф буюрди. Меҳмон Турдивой сабабли кўнглимга кўнган бир ғуборни тарқатишга имкон яратди. Қўлимни ювишга тутингандим, эшик очлиб ҳовлига икки-уч ёшлардаги қалласи катта бир бола кирди. Ҳайрат ва таажуб билан кузатиб турганимда бошқа бир бола кўринди. Сўнг бир неча қиз ва болалар чуғурашиб, бирин-кетин ичкарида пайдо бўлишди. Саккиз... тўққиз... Саноқдан адашдим. Бир зумда ҳовли болаларга тўлди. Уларнинг олди икки-уч, кети ўн етти ёшлар чамасида эди. Шовқин-сурондан опаларим ҳовлига чиқишди. Улар ҳайрон, бир-бирларига қарашарди. Бу чиндан ҳам кутилмаган, антиқа бир ҳол эди. Болалар уйдан чиққан ойимни кўришлари билан қий-чувлар билан истиқболига югуришди.

— Ойи, ойижон, сизни кўргани келдик.

Улар бир-бирларини орқага суришар, ойимнинг кучоғига талпинишар. Кучишга, бўйнига осилишга навбат кутишар, декин

навбат етмаётганди.

— Болаларим, болажонларим! — ойим ногаҳоний эришган шодлик ва бахтиёрлик туйғусидан гангиб, меҳмонларни тартибсиз бағрига босар, бирини қучиб, бошқасини ўпар, саноғидан янглишиб, ўпганларини қайтадан ўпа бошларди. — Тавба, шунча болаларим бёр экан, билмай юрибман, — у ҳаяжондан бўғилиб, «билмаган» болаларини ҳамон эркаларди. — Жўжаларим, ойингизни соғиндингизми? Қани, опаларинг билан кўришингларчи, анз у каллахум Анварвойни ҳам унутманглар.

— Опа, опажон, — болалар опаларимга ташланишди. Кўришиб, ўпишишгач, мени ўраб олишди.

— Ака, акажон, — болалар қўлларимдан тортқилашарди.

— Қани айтинглар-чи, кимнинг фарзандисизлар? — дея ойим ичаклари узилгудай кула-кула болаланни сўроққа тутта бошлаганди, эшик олдида паст бўйли, беозор, раҳмдил жилмайишлар билан кўпдан бери қалбларимизни ром этган Қосим ювош кўринди.

— Дада, дадажон! — у болалари чангалидан аранг қутулиб ойим томон яқинлашди. Ўта меҳрибонлик билан елкасини тутди. Ойим ҳам худди шундай меҳрибонлик билан кўришди ва пешонасидан ўпиб қўйди.

— Ювошгина болам, бормисан?! Нимага кўринмайсан? Мени унутиб юбордингми, деб ўйлагандим.

— Онажон, кўрмайсизми мана буларни, — у мамнун жилмайиб болаларига ишора қилди. — Қўл тегмайди. Эртадан кечгача шулар учун куйиб-пишаман. Бола ширин экан. Жон-танимдан ҳам яхши кўраман.

— Вой, соддавой, бола ширин-да. Болаларни яхши кўриш ҳам ота-бободан қолган удум. Бола — худонинг саховати. Ота-она олдидаги қарзингни болаларинг билан узасан. Қосимжон, ҳаммаси ўзингникими! Ё кўни-қўшниларникини ҳам йиғиб келдингми?

— Ҳаммаси ўзимники.

— Нечта? Санаб саноғига етолмадим.

— Ўн битта...

— Иха-ха-ха! — Ойим бирдан қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. — Туф-туф! Кўз тегмасин. Бунча кўп, экиб ўстирддингми?

— Худо камбағалга боладан бераркан...

— Вой, Қосим тушмагур. Худо камбағалга боладан бераркан, дегин. Ҳа, буларга кийим-кечакни қаердан оляпсан? Шошма, нечтаси қизу, нечтаси ўғил?

— Олтитаси қиз, бештаси ўғил. Кичиклари катталарининг кийимларини судраб улғайишяпти. Уйимиз бозорга ўхшайди. Нон ҳам, овқат ҳам ортмайди.

Кулоқни қоматга келтиргудай кулги кўтарилди. Опаларим шамол титратаётган дарахтдай турли томонга чайқалишар, қоринларини чангаллашиб кулишар, ойим эса таниш қийин бўлган қиёфага кирганди.

— Оббо сен-эй! Нон ҳам, овқат ҳам ортмайдими? Ўн битта боладан ортмайди-да. Майли, ош бўлсин. Даврингда ўйнаб-кулишсин.

— Баъзан ўзимга ҳам овқат етмайди. Келинингиз билан тишимизнинг кирини сўриб қолаверамиз.

— Шунисига ҳам шукур қил. Ўн битта бола ўстиргандан кейин ота-она тишининг кирини сўриши тайин. Келинни нимага бошлаб келмадинг?

— Уялди, — Қосим ювош эшитилар-эшитилмас шивирлади. — Кимдир «бир кўча боласи бор», дебди. Эшитиб ўзини кўрсатмайди.

— Вой, келини тушмагур, уялибдими-а? Тавба, хўп топишгансизлар-да. Болани худо беради. Болага шак келтириш, худога шак келтириш. Гапирганлар гапираверади. Набираларим, — ойим болаларга мурожаат этди. — Сизлар шу ерда турунглар. Сандиқда сизларга бир нималар асраб қўйганман. Ҳозир...

Ойим ичкаридан кичик бир тугунчада қурт, туршак, шафтолиқоқи, қанд олиб чиқди. Болаларга улаша бошлади. Улашар, ҳар гал кўлини халтага суққанда етказа оламанми, йўқми, деган ўй билан чамалаб кўрарди. Амал-тақал қилиб етказди. Болалар чуғурлашиб кафтларидаги «тортиқ»ларини бир-бирларига кўрсатиб мақтанишар, жилмайишиб ойимга қарашар, шу тариқа меҳрларини изҳор этишарди.

— Қосимбой, бу гал ҳам сенга етмади, — ойим ниҳоят қуруқ халтани қоқиб кўрсатди, — яна тишининг кирини сўраверасан.

— Анчадан бери туршак, қанд мазасини билмайман, — жавоб қилди Қосим ювош. — Болаларимнинг егани — менинг еганим.

— Хўш, Рикси, Мазифа, Анвар, кулиб бўлдиларингми? Қани, энди бир палов дамланглар-чи. Набираларимни бир тўйгазай. Ёғини бармоқлари орасидан оқизиб ейишсин.

Опаларим истар-истамас тарқалишди, ошхонага ўтиб паловга уннашди. Ойим ҳамон болаларни эркалатиш билан банд эди.

— Ҳой, етар, ойингизни тинч қўйинглар, — мингирлади Қосим ювош.

— Майли, майли, — деди ойим дарҳол, — қани, исмларингизни айтинглар-чи? Таниб олай.

— Ойша.

— Сеники-чи, пучуқвой?

— Маъди.

— Яхши, сеники-чи, сариқ қизим?

— Орифа, — деди сариқ қизча. — Дадам сизнинг отингизни қўйган.

— Қосим, болам, чиндан ҳам мени қувонтирдинг. Хўш, сеники-чи, қоравой?

— Ҳссил?

— Сизларники-чи?

— Асолат, Анор, Абдували, Деҳқон, Мохлар, Қодир, Тўйчи...

— Ҳой, ҳой, шошманглар. Бари бир эслаб қолиш қийин кўринади. Бошимни айлантириб юбордингиз. Яхшиси, бўйларинг, кийимларингга қараб чақираман. Энди, уйга кирилар.

Ойим болаларга йўл бўшатди. Улар апил-тапил эшикка ёпишишди. Катта уйдаги кўрпача, пўстак, наматларнинг бир зумда тит-питини чиқариб ташлашди.

— Ойи, қанча гуруч соламиз? — сўради Мазифа опам деразадан бошини суқиб, ойим зўр бериб болаларни тинчитаётганида.

— Уч килодан кам солсаларинг, мана булардан балога ҳоласанлар. Сочларингни юлиб қўлларингга беришади, — деди ойим бошини кўтариб. — Уч кило солинглар. Қосим ҳам бир тўйиб палов есин. Шунда ҳам етмаса ўзидан кўрсин. Қосим, нима дейсан?

— Майли, — гўлдиради Қосим ювош.

— Тўрт коса гуруч қолибди, — тушунтирди Мазифа опам.

— Бугдойми, жўхорими қўшиб юбораверинглар, — ҳазиллашди ойим. — Хуллас, бугун набираларимни тўйдирасанлар. Ҳой, сандиқда гуруч бор. Ўшандан олингдар. — Ойим ниҳоят дастурхон ёзиб, ҳали-замон ёпилган зоғорани ўртага қўйди. Болалар отасига қарашганди, ойимнинг овози янгради: — Қани, нонга ҳужум. Қани, бир кўрай-чи, зоғорани юмалоқ ёстиқ қилинглар-чи.

Саноксиз қўллар зоғорага чўзилди, кўзлар атрофни яна бир бор кузатгандан сўнг зоғорага ³пишишди. Бу галги ҳужумни ҳам кичикларидан бошлади, катталари эса ийманиб кишибилмас қабилда жангга киришишди. Зум ўтмай дастурхондаги зоғоралар йўқолиб қолди. Уни йигирма икки жажжи қўл, саноксиз муқаддас бармоқчалар йўқ қилди. Ойим кулар, шодлик, бахтиёрликдан кўзлари ёшланиб, беҳад қувонч, беҳад ҳаяжон билан болаларнинг бошларини силар, зоғорани ейишга ундарди. Хонадонимиз ажойиб-ғаройиб дамларни бошидан кечирди.

Қошқорайиш олдида палов сузилди. Ойим болаларнинг бўйи, ёшларига қараб ўтказди. Олдиларига лаган қўйди. Болалар қоринларини зоғора билан тўйгазиб қўйгани сабабли паловни охиригача ейишолмади.

— Қосим болам, — деди ойим қуйида мунгайиб ўтирган Қосим ювошга, — мана, болаларингдан ортди. Навбат бизга етди. Анварвой, сен ҳам яқинроқ ўтир.

Паловни едик. Меҳмонларни кузатиш учун кўчага чиқдик.

— Онажон! — деди Қосим ювош хайрлашаётганда, — ўшанда омондан бугдой олиб бермаганингизда мана булар бўлмасди.

— Ўтган гапга саловат, — ойим Қосим ювошнинг елкасини силади. — Мен қилмасам, бошқа одам қиларди. Мана бу кўйлакли читни хотинингга бер, тикб кийсин. Сингилларингнинг тўйларига аталганди. Хотинингга буюрган экан.

— Раҳмат, раҳмат, онажон?

Меҳмонларни кузатдик. Қалбим беҳад шодликларга тўлди. Турдивой туфайли чеккан дардларим бир оз енгиллашгандай туюлди. Болалар мени тўйиб-тўйиб қулишга мажбур этди. Бу — Турдивойнинг ўлиmidан кейинги илк бор қулишим эди...

ОРТИҚВОЙ ЎҒРИНИНГ ҚИСМАТИ

«Арпа эксанг арпа, бугдой эксанг бугдой ўрасан», деган нақлга мана энди — ақлимни таниганимдан сўнг мутлақо ишондим. Ҳаёт тушунчаси ҳар қачон инсон учун шараф вазифасини ўташи билан бирга ҳар қачон мажбурият ва заруриятга айланиб, инсон юрагига муқаддас Ватан, халқ бурчи-туйғусини юклаши ҳам тайин. Ҳаёт, арқонни узун ташлаб қўйиш қабилда иш тутиши, дилозор кишилардан вақт етиб ўч олиши мумкинлигига ҳам мана энди қаноат ҳосил қилдим ва буни ўз кўзларим билан кўриб, унинг тенгсиз қудрати олдида беихтиёр бош эгдим. Бунинг учун фақат шошмаслик зарур экан. Қишлоқда кўпчиликнинг дилини оғритган, оқибат кўр, шол бўлган нокас кишилар қисмати кўз ўнгимда кечди. Улардан бири — Ортиқвой ўғри эди. У Маъриф, Соифа опаларимга амаки, боз устига қиёматли қўшнимиз сабаблилиги туфайли аҳволдан хабардор эдик.

Қосим ювош уйимизга ташриф буюрган куннинг эртасига мактаб томон ўтаётиб Ортиқвой ўғри эшиги олдида йиғилишиб турган аёлларни кўрдим. Улар нафрат ва ғазабларини яширишмай, Ортиқвой ўғри ҳақида валдирашар, баъзан ичкарига — дилозор киши уйига қараб ҳам қўйишарди. «Тинчликмикин?» — деган фикрдан кўнглим оғир тортиди.

— Хотини, ўғли ташлаб қочибди, — қулоғимга Моҳи холанинг таниш овози чалинди. — Баттар бўлсин. Унга бу ҳам кам. Озмунча одамларни қақшатдими.

— Онам раҳматли, «Ортиқвой ўғри отасига тиг кўтарган», дерди, — тушунтирарди Ўғилжон исмли жувон. — Отага озор

етказган одам ўнгламайди — ўсмайди. Мана, худо оёқ-қўлидан ажратди. Яхши одамни хотини, ўғли ташлаб қочмайди.

— Майли, борар, кўрар, — гапга аралашди Ибодат исмли аёл.

— Ҳаммаси худонинг хоҳиши. Чой берайлик, одамга савоб ҳам керак.

— Чой ўрнига захарни ичсин, — тўнғиллади Моҳи хола, — унга берадиган чойни тўкаман. Бўйнинг узилгур, бригадирлигида бошимга ит кунини солганди.

Золагимдан буён юрагимда чўкиб ётган, яъни Ортиқвой ўғрига нисбатан туйган нафратим туйғуси қайтадан хуружга минди. Шундай ҳолга тушганимдан шодландим ҳам. Бироқ сал ўтмай нафрат ўрнини ачиниш, қайғуришга ўхшаш туйғу эгаллади-ю, беихтиёр илгариларим. Дарс бугун қулогимга кирмади. Тушунча, туйғумни Ортиқвой ўғри ва унинг қисматига ачиниш ҳақидаги ўй кишанлаб тураверди. Уйга қайтаётиб кириб ўтаман, дея ўзимни юпатдим. Дарсни тугатиб чап томондаги кўримсиз, кўпдан бери одам қораси ўчган, оёқлар шарпаси тинган, кўни-кўшнилари кўзи тушган, эслганда ғазаб билан юзини ўгирадиган ташландиқ ҳовли томон бурилдим. Ҳовлига қадам босганимда қалбимни янгидан нафрат ва ғазаб, айни вақтда ачиниш ва қайғуриш туйғуси қамради-ю, бир нафас тўхтадим, лекин табиий инсоний ҳиссиёт, инсон, фақат инсонгагина хос олижаноблик туйғуси устун чиқиб, ичкарига мўраладим. Мўралаган оним нафрат ва ғазаб туйғуси кўтарилиб, қалбим мумлақо мусаффолашиб, ўрнида фақат қайғуриш туйғусигина ҳукмронлик қила бошлаганди. Эътироф этишим шарт. Ичкарига мўралашим билан димоғимга аччиқ, қўланса ҳид уфурди ва дарҳол бурнимни беркитдим. Сал ўтмай қайтадан ичкарига назар ташлаш иштиёқи туғилди. Ҳавоси димиққан хонадан чириган, ачиган, ундан ҳам кўра сасиган гўшт ҳидига ўхшаш ҳид анқир, ичкарига киришдан кўра орқага қайтиш истагини туярдим. Хона кўпдан бери одам яшамаган, узоқ муддат ит, мушук, моллар дайдиган ташландиқ жойни эслатарди. Бунга сабаб — уйнинг анчадан бери йиғиштирилмагани, аёл қўли тегмагани, яъни ҳаётсизлиги эди. Чамаси хотини, ўғли ташлаб қочгандан бери чол ўридан турмаганди. Тор, саёз тоқча, таҳмонга ўргимчак ин қўйиб, қирқямоқ кўрпа-тўшаклар устини чанг қоплаганди. Кузда ўрнатилган курси олинмаган, устидаги кўрпа ҳам йиғилмаганди.

Ортиқвой ўғри кунчиқиш томондаги девор тагида, кўрпа-тўшак орасида жимгина ётар, атрофида эса оғир сукунат ҳукм суради. Гўё у, ўн йиллар муқаддам унутилган, шундан буён ҳеч кимнинг хаёлига келмас, ўзи ҳам одамларни эсидан чиқаргандай, сезилар-

сезилмас ҳаво сўраётганини ҳисобга олинмаса хона мутлақо ўлгин ва ҳаётсизликни бошидан кечирарди. Дилозорлиги билан назарлардан четлашган одам, ваҳмга тўлган уй манзараси, шу кез инсон қалбида ёқимсиз, ҳатто кўнгилни гумуртирадиган, шунингдек, ачиниш, нотавонлик туйғуси қўзғатар, инсон қисмати оғирлиги, айниқса, Ортиқвой ўғри қисмати чидаш мумкин бўлмаган даражада даҳшатли эканини ёдга туширарди. Ортиқвой ўғри тимсолидаги аянчли қисматдан ачинмасликнинг иложи йўқ эди. Назаримда, у хотини, ўғли ташлаб кетгандан буён турмаган, ҳатто туз ҳам тотмаган кўринарди. Бош томонида қумғон думалаб ётар, бу қумғонга қўл чўзгани, лекин мадори етмай йиқилганини англатарди. Ердаги намнинг қуримаганига қараганда, қумғон кеча ё бугун ағанаганди.

Оёқ учида бемор томон юрдим. Лекин у сезмади. Юрагимни кўрқув босди ва миямга «ўлган бўлса, мени айблашмасин», деган ўй урилди-ю, орқамга тисарилдим. Раҳмдиллик туйғуси бари бир олдинга силжишга ундади. Эгилдим. Диққат билан кузатдим. Беморнинг кўзлари юмуқ, кўкраги чўккан, қовоқлари кўкиш тусга кирганди. Юз-кўзлари, лабларида пашшалар гивиллашар, гўё ер юзидаги барча пашшалар йиғилиб, «кетар жафоси» қабилида хомталаш қиларди. Термилиб туриб, ўзим, одамлар бемор ҳолидан хабар олишмагани, ҳатто ойим ҳам унутгани ҳақидаги ўй паришон этди. Жилдимни курсига қўйдим-да, беморнинг ёнига чўкдим, тупроққа қоришган кўрпани кўтариб устига тортгандим, у узоқ, жуда узоқ ухлаган одамдай кўзларини очди, менга синчковлик, ёввойилик билан қараб олгандан сўнг, афтини тириштирди ва бирдан ўзини деворга урди.

— Нима, ўлдирмоқчимисан?! — хириллади у гўё қуввати етса кўзларимни ўйиб ташлайдиган важоҳатла. — Йўқол, бақираман. Ким бор?

— Ортиқвой бува... — дедим жон ҳолатда ва кирганимга пушаймон еб орқамга қайтиш тараддудига тушгандим, у саросимада тиржайди, ноилож гапимни давом эттирдим: — Анварман. Сизни сўраб...

— Ташқарида ким бор? Чиқ, қувиб юбор...

— Ҳеч ким йўқ, — минғирладим, бироқ аёлларни кўрганимни айтишга ботинмадим. Айтсам, табиийки, умрини қисқартиришим аниқ эди.

— Хотиним билан ўғлим йўқми? - интизор бир оҳангда сўради у.

— Йўқ.

— Аблахлар ташлаб қочишди, уларни боқаман, деб не-не ишлар

қилмадим. Бари бир билишмади, уларни деб бекор одамларга озор етказдим.... Хогин зотининг тупроғини халодан олинган... У одамга дўстлик қилмайди. Пул учун худосини ҳам сотади. Ҳу, ана у бурчакда,— у курси ортидаги бурчакни кўрсатди, — пул бор. Ол. Мени пойлайсан. Одамлар ўлдиришмоқчи.

Беморнинг кўзлари юмилди, кўкраги енгил кўтарилиб тушди. Саросимада уни кузатар, миямда эса ёлғиз қолдирмаслик, иложи борича дардига малҳам бўлиш ҳақидаги ўй кезарди.

— ...Сув, — шивирлади бир пайт беморнинг лаблари қуришиб.

Думалаб ётган қумғоннинг бандидан тутиб жўмрагини беморнинг лабларига яқинлаштирдим. У лаблари билан қумғон жўмрагини бир неча бор ямлади-да, югинди.

— Яна ичасизми?

— Бўлди. Ичимни ёндириб юборди, бир ҳафтадан бери иссиқ чой ичмайман.

— Уйдан чой олиб чиқайми?

— Керакмас, фақат кетма, мени ўлдиришади...

«Одамлар ёмон, уларда инсоф йўқ, — ўйлай бошладим қаҳр билан, — соғлигида ўғирлагандир. Тоби қочганида унинг гуноҳидан кечишса асакаси кстадими. Бағрикенгтлик ҳам зарур-ку!»

Томоғим қақрай бошлади, оғзим тахир сўлакка тўлиб, оғир за ёқимсиз югиндим-да, беморга назар ташладим.

— Ортиқвой бува...

— Бир хўплагина хўрда ичсам... — аранг фикрини ифодалади бемор.— Юм-шоқ нон...

Сапчиб турдим, токча, тахмонга алангладим. Токчадаги лаганга кўзим тушди. Лагандаги бир ушатимгина нонни қумурсқалар талон-тарож қилар, илма-тешик нондан фақат майда увоқлар қолганди. Нонни қоқиб, зўрга қумурсқалардан тозаладим, бемор томон юриб:

— Уйдан нон олиб чиқайми? — дедим.

— Кетма... анавилар мени ўлдиришади...

— Кимлар?

У овозимни эшитмади. Чунки илгарироқ кўзларини юмганди. Назаримда бу гал у, кўзларини қайта очмайдигандай, гўё узоқ даврли энтикишларга чек қўйгандай, одамлар билан абадийликка видолашгандай, умр азобларидан ҳам мутлақо қутулгандай туюларди. Кўзларимга пўртиллаб ёш қалқиди. Бурнимни сиқиб аччиқ-аччиқ йиғладим. Нимага, нима учун йиғлаётганимни ифодалаш маҳол эди. Ҳар ҳолда шундай қарорга бориш мумкин эди: бутун қишлоқ аҳли ёқтирмайдиган, яъни ажалдан ҳам ёмон кўрадиган, қўйиб берса ёриб ташлайдиган дилозор одам, яъни

Ўғрига нисбатан, унинг қисматига ачиниб эмас, қаршимдаги, яъни ер юзида ўрмалаб қорин тўйғазган жонзот, шу йўлда борингки, ўғирликка ҳам қўл урган, яъни ўлимга маҳкум оддий инсон боласи аҳволига қайғуриб йиғлаётгандим. Тушунчамдаги ўғри, туйғуларимдаги дилозор одамга нисбатан кўпдан бери туйган нафрат ва газаб тамоман унутилган, ўрнини мутлақо мусаффо, соф инсоний туйғу эгаллаган, янги бир иштиёқ билан яшай бошлагандим.

Узоқ иккиланишдан сўнг уйга кириш, хўрда, юмшоқ нон олиб чиқиб, беморга едириш, уни танҳолик, ташландиқлик балосидан халос этиш ниятида, жилдимни ғижимладим. Турдим. Жилдимни кўпол, ёқимсиз бир қиёфада дераза тирқишидан ичкарига итқитдим. Кимландир мутлақо сабабсиз ўч оладиган важоҳатда ҳовли айландим. Миямда эса: «Нимага одамлар Ортиқвой бувани кечиришмайди? Улар шунчалик тошюракми? Ахир, ўзлари айтгандай одамга савоб ҳам зарур-ку! Савоб учун тўй, турли маъракалар ўтказишади. Етим-есирга садақа ҳам беришади. Садақаларини бир гал Ортиқвой бувага инъом этишча, нима қилибди?» — деган ўй айланарди. Бир аниқ қарорга бориш осонмас эди. Ортиқвой ўғрининг дилозорлигини тушунолмаганим каби, одамларнинг ундан юз ўгириши сирига ҳам тушунолмас эдим.

— Нима гап, нимага шумшайиб ўтирибсан? — сўради ошхонадан коса кўтариб чиққан ойим. — Муаллимларинг уришдими? Ўзингда ҳам бор. Дарс тайёрламайсан. Хир, увра ош пиширдим, ич.

— Ичмайман. — Асабий ва тажанг бир оҳангда тўнғилладим. Илк бор тўнғиллашим, кўпол муаомала ойимни таажжубга солди, лекин индамади. Ёлғиз қолгач, ошхонага ўтдим, бўш косага увра ошдан куйиб, ортимга қайтдим, тўғри беморнинг уйига жўнадим. У ҳамон жим ётар, муттаҳам, безбет пашшалар бирдай кулоғи, лаблари, қовоқлари сўрасига учиб кўнар, очикқан итдай талашар, бемор эса лоқайд эди. Чамаси пашшалар ҳам беморнинг тугаётганини сезишган, зўр бериб хомталаш қиларди. Юрагимни ваҳм босди. Косани ерга қўйиб, пашшаларни ҳайдашга тутиндим. Бироқ, улар учини хаёлларига келтиришмас, мен эса қўлим бемор юзига тегиб чўчитишдан қўрқардим. Вужудимни тер босди, лабимни тишлаб беморнинг биллагини ушладим.

— Ортиқвой бува...

У қимирламади, фақат кўзларини хиёл очгандай туюлди, асли ҳам шундайми, йўқмиди, буни идрок этолмадим. Гангиб ортимга ўғирилдим. Ташқарида мени яна аёллар қаршилашди.

— Безбетлар, раҳмсизлар, — шивирладим иложи борича уларга

қарамасликка тиришиб, — инсофсизлар...

Қай аҳволда ҳовлига кирганим, қай аҳволда ўзимни кўзлардан яширганим, ҳеч кимни кўрмасликка, ҳеч нарса эшитмасликка уринганим ўзим, фақат ўзимгагина аён эди. Ер юзига ортиқчадай ўзимни ҳис этиб ёнбошладим, ёстиқ олиш, устимга кўрпа ташлаш ҳам кўнглимга сиғмади, қуруқ тўшақда тўлганиб ётавердим. Ушолмас, кўзларим илина бошлаганда чўчиб-тушар, вужудимга бемор қадалиб тураверарди. Шу аснода тонг оттирдим. Турдим. Ювиндим. Мактабга боришга асло раъйим йўқ, кўчага чиқишга, аёлларни кўришга, бемор ҳақида ўйлашга эса юрагим дов бермасди. Нимага шундай? Юрагим бунча дардчил? Ўзгалар бахтини ҳам, шодлигини ҳам ўзимникидай сезаман, дард, қайгулари ҳам ўз танамдан кечгандай туюлаверади. Ортиқвой ўғри... у ҳам мени йиғлатди...

Бугун чой ичишга ҳам журъат этмадим. Муддаосига етиб калтакланган одамдай жилдимни қўлтиқлаб, гуноҳкорлардай эшикка яқинлашдим. Ортиқвой ўғри эшиги олдида оёқларим беихтиёр тўхтади. Кўзим яна одамларга тушди. Улар тунда кимдир қичқиргани, қичқириқ Ортиқвой ўғри уйидан эшитилганини бир-бирларига тушунтиришар, лекин ичкарига кириш, бемор ҳолидан хабар олиш ҳақида ҳеч ким бош қотирмасди. Юрагим бўшашиди: «Наҳотки, ўзи айтган одмлар уни ўлдиришди...» деган ўй билан шошилинич ўнг томонга буридим. Таҳлика, изтироб билан ичкарига мўраладим. Хонада ҳамон ўлган бир жимлик ҳукм сураб, пашшаларнинг беҳол гивирлашларигина эшитилар, сассиқ ҳид яна ҳам кучайганди. Кўзларим беморни қидирди, топди: Унинг чап қўли ерда, ўнг қўли эса деворга тиралган, ўнг оёғи тиззаси букланиб, қовоқлари кўкарган, юзидаги ҳаёт нурлари эса мутлақо сўнганди. Бечора, нотаваон бир аҳволда илгариларим. У нафас олмас, юзи кичрайиб, гўё тўшақка ёпишиб қолганди. Устидаги кўрпа сурилиб ерга тушган, абжағи чиққандай гижимланганди. Назаримда, икки полдон узоқ муддат шиддат билан мушшлашган, нафрат ва ғазабда бир-бирларини ҳолдан тойдиргану, оро йўлда бемор азият чеккан кўринар эди. Унинг бўйнидаги тирноқлар ўрни қизғиш, яъни қонталаш манзара касб этган, ўнг қўлининг ўрта бармоғининг тирноғи гўштидан ажралганди. Кўрпадан чиқиб турган чап оёғининг юзи ҳам шилинган, чамаси кимдир уни роса эзган, эзгиланган, бу ҳам етмагандай бўлган, тирноғини ерга босиб, гўштидан ажратган, хуллас, итлар тишлашган, мушуклар тирнашгандагина мана шундай ҳол юз бериши тайин эди. Очиқроғи, у ўз-ўзи ё ким биландир шафқатсизларча олишган, яъни икки орада кечган даҳшатли ўлим чанғалида узоқ ва шиддатли

жанг борган, ниҳоят енгилганди. Кўзларим ёшланди, ёшлар беморни бир неча онга яширди. Ҳушимни йиғиб, беихтиёр билагини ушладим. Кўллари алақачонлар совиган, ҳаёт нафасидан асар ҳам сезилмасди. Чорасизликда чинқирдим, бу мутлақо фарёдга ўхшамасди.

— Ойи!..

Жавоб бўлмади. Миям карахт, туйгуларим увишганди... Гангиб ўрнимдан турдим. Танам ўзимникимасдай туюлар, бўғинларим, мана, мана, суякларимдан ажраламан, дерди. Ҳовлига тушдим. Юрдим. Ёшли кўзларимга бир неча аёллар ва эркаклар чалинди-ю, ҳўнграб юбордим.

— Ўғри тирикми? — деган овоздан ёнимга ўгирилдим ва дарҳол кўзларимни юмиб, қулоқларимни чангалладим. Хотирамда марҳумнинг «кетма, мени ўлдиришади», деган гаплари жонланди, нафрат ва газабдан қалтираб ёнимга юзландим:

— Уни сизлар ўлдирдингиз, сизлар... ўзингиз ўғрисишлар, — дея жазвага тушиб сўкина бошладим. Сўкинар, йиғлар, қаршимдагиларнинг елкаларидан сиқиб силкитгим келар, юзларидан тишлагим келар, лекин ҳолсизлик бунга имкон бермаётганди. — Сизларда инсоф йўқ. Ортиқвой бувам...

— Ўлди?..

— Ўлди... — лабимни тишладим, — хотини, ўғли ҳам ёмон.

— Бола пақирнинг эси кирарли-чиқарли чоғи, — кимдир мингирлади.

— Баттар бўлсин. Одамларнинг қарғишига учради, — яна кимдир бўғилди.

— Сизларни қарғиш тутсин, ўзларингиз кирарли-чиқарлисизлар...

Одамлардан юз ўгирдим, аранг эшикка етдим. Топдим. Ҳовлида ивирсиб юрган ойимнинг бўйнига осилдим.

— Нима гап?

— Ойижон... — юзимни кўксига босдим, тўйиб-тўйиб йиғладим, — ойижон! Сиздан яхши одам йўқ. Ортиқвой бувам...

— Ҳой, ҳой, кўзингни оч, рангинг оқарди, нима гап? — Ойим елкамга қоқди. — Вой шўрим, боламнинг юраги ёмон экан...

— Ойижон! Боринг, Ортиқвой бувам ўл...

— Ростданми? Боёқиш чол, — ойимнинг пешонаси тиришди. — Ким айтди? Қани юр-чи.

Ойим Ортиқвой ўғри ўлгани, ўлмасдан илгари хабар олмагани, ундан хабар олиши зарурлиги, одамлар бу ҳолни эшитса уят қилишини ўйлади чоғи, бўйнига тушган рўмолни бошига тортиб саросимада эшик томон юрди. Ҳеч кимга эътибор бермай ичкарига

кирди. Мархумнинг ёнига чўкди ва дарҳол билагини сиқди.

— Ортиқвой ака... — ойимнинг кўзлари ёшланди. — Вой отам, вой отам. Бевақт кетган отам, — шивирлади сўнг. — Ёруғ кун кўрмадингиз. — Ойим мархумнинг қовоқларини силаганди, очилиб қолган кўзлари юмилди, кейин қовоқлари, лаблари орасидаги майда қуртларни сидириб ташлади. — Одамлар кўришмасин... Анвар, қумғонни ол, сув томизай. Боёқиш чолга сув томизадиган одам ҳам топилмабди. Хотини инсофсиз экан. Кўра-била туриб ташлаб кетганини қара-я?

Қумғонни ойимга тутқаздим, у мархумнинг лабларига сув томизди-да, тўсиндаги сочиқни олиб йиртди ва бир бўлаги билан энгагини тангиди, иккинчи бўлаги билан эса оёқларини боғлади.

— Сен туриб тур, мушук сакрамасин, — деди ойим ташқарига отланиб ва уйга кириб, тез орада орқасига қайтди. Кўтариб кирган кафанлик, тўн ва саллачаларни курсига кўяр экан, мурда томон яқинлашди ва устидаги кўрпа, тагидаги тўшакни тортди, оёқ-қўлларини ростлади. Кўрпа-тўшак шалаббо ҳўл бўлган ва сасиб кетганди. Чамаси мархум анчадан бери ташқарига чиқмаган, ўрнига ёзилган кўринарди.

Одамлар йиғилишди. Ойим йиғилганлардан бирини гўрковга, бошқасини ювгичга жўнатди.

Тобут келтиришди. Лекин ювгичдан хабар бўлмади. Ойим билагини шимариб мурдани ўзи ювишга шайланганида, эркаклар ўртага тушишди. Мурда ювилди, кафанга ўралди, пешинга яқин эса тобутга солинди... Кўтаришди... Мархумнинг ҳурмати учун ойим ва менгина йиғладим...

Аза очилди. Ойим биринчи кунни азани мархум уйида очди. Одамлар қатнови тез орада тинди. Шу билан мархум мутлақо унутилди. Ойим азанинг иккинчи, учинчи кунини уйда ўтказди. Мен белимни боғлаб эшик олдида турдим. Бери бир уни йўқлашчилар бўлмади. Мархумнинг «кир ювд»си дан сўнг «етти»сини ҳам ўтказдик.

Ортиқвой ўғрининг бевақт ўлими, боз устига сув томизадиган одам ҳам топилмай ўлиши, одамлар ўлгандан сўнг ҳам йўқлашга ярамаганликлари юрагимга оғир дард, изтироб бўлиб ботди. У қалбим, тушунча-туйғуларимга яхши одамлар қатори ўрнашди, хотирамдан мустаҳкам ўрин олди. Ким билсин, балки у ҳам бошқалар қатори ўлганда, ҳурмат-этиборга лойиқ кўмилганда бундай ҳол юз бермасмиди, қисмати юрагимни огритди... ойим, онажонимга унинг олижаноблик, саховатига янги дан тан бердим, қайтадан сева бошладим. Онагинам! Шунча саховат, олижаноблик, раҳмдиллик, соддадиллик, одамларнинг фарқи га бормай ачиниш,

қайғуриш туйғуларини вужудига қандай сиғдира олди экан?

ҚУВОНЧ ВА ҚАЙҒУ

...Оҳ, эсласам, ўйласам, юраккинам эзилиб, сиқилиб, вужудим терга кўмилади, олам кўзларимга тор туюла бошлайди? Мазифа опам! Уни беҳад севганим, унга нисбатан олий бир меҳр туйғусини туйганимни тасвирлаш мен учун ҳар қачон ҳам осон бўлавермайди. У, ўзининг тенгсиз олижаноблиги, жуда кам қизларда учрайдиган камсуқумлиги, табиатига алоҳида малоҳат боғловчи соддадиллиги, безорлиги, таниш-нотаниш, қондош-бегоналарга, ҳатто қушлар, ҳайвонларга ҳам ачиниши, қайғуриши, давраларда бечораларнинг бечорасига айланиши, бахтиёр одамларни кўрганда шодланиши, бахтсизларни кўрганда ва бахтсизликдан эса ортиқча дард чекиши, яхшига ҳам, ёмонга ҳам бирдай илтифотда бўлиши билан туйғуларим шосупасидан мустаҳкам ўрин олганди. Ҳамма одамлар яхши, бир-бирларининг кунига ярайди, жумладан менга ҳам, мен уларга ҳамдардлик билдиришим, буюрган юмушларини бажаришим зарур, деб тушуниши ва бунга кўникма ҳосил қилиши билан у мени доим ҳайрат ва таажжубга соларди. Унинг қалбида кимнидир, нимагадир ундаш, мажбур этиш туйғуси сезилмас, аксинча, ҳаммага қулоқ тутар, буйруқларини бирон-бир эътирозсиз бажарарди. Ўзгалар дарди ҳам уни қаттиқ азоблар, унсиз йиғлатар, ўз дарди каби танасидан оғир кечирар, хонадонимиз аъзоларига эса юксак бир эътиқод туйғуси билан қарарди. Камсуқумлиги сабабли ўзини назардан четга тортар, ҳадеганда кўзга ташланавермасди. Катта-кичик унга тавозе кўрсатар, севар, севгиларини ошкор эътироф этишар, турли маросимлар вақтида боёқиш бари бир диққат-эътибордан кўтариларди.

У ҳеч кимга, ҳеч қачон тик қарамаган, айниқса оғам билан ойимга тик қараш, ёхуд гап қайтаришни, кечирилмас гуноҳ, яъни худога шак келтиришдай гуноҳ деб билар, ранжиган келлари жимгина йиғлаш билан ўзини овунтирар, гарчи гуноҳсизлигини тушунса-да, ўзини гуноҳқордай сезиб мунғайиб қоларди. Ойимнинг олижаноб ва раҳмдиллиги, отамнинг эса шоиртаъб дарвишлиги тўлалигича Мазифа опамга кўчганди. Гўё у, олий пардада созланган, бироқ, чалинмаган, чалинишини кўпдан бери одамлар тоқатсизлик билан кутаётган мусиқа асбобини эслатар, ундан ҳам кўра қойилмақом кўшиқ, дилларни сеҳрловчи оҳангга ўхшар, ундан ҳам кўра озорсизлиги билан оҳу, мунислиги билан булбулга яқин эди. Шу ёшга чиқиб мен учун бирор оддамни ранжитгани, озор берганини билмасдим. Назаримда, у мана шу табиати билан ҳам мен учун одамдан кўра кўпроқ ҳур, париларга яқиндай

туюларди. Хаёлимда у мана, мана, хонадонимизни бахтга кўмиши зарур эди. Унда соддадиллик, инонувчанлик туйғуси шу қадар уйғунлашгандики, ёш бола ҳам осонликча лақиллатиши ҳеч гап эмасди. У кўрган-кечирганларни ҳақ, деб билар, бунга астойдил ишонар, шу билан бошқалардан ажралиб турарди. Гарчи мен унинг овқат ейиши, ухлаши, барча инсоний хусусиятларга эгалигини билсам-да, бунга мутлақо ишонгим келмас, чунки у тасаввуримда доим ҳурлардай гавдаланаверарди. Ёшим улғайиб оқ-қоранинг фарқига етдим. Умуман, олижаноб инсонларнинг сиртқи, ички иллатларини одам ҳар қачон ҳам илғайвермайди. Олижаноблик хусусияти ўша иллатларни илғашга халал беради. Мазифа опам ҳам ҳамма қатори инсоний иллатлардан холи бўлмаса-да, мен бунга илғамас, уни доим кам-кўстсиз, тўла бир инсон сифатида кўрар, унга гўзаллик, эзгуликка талпингандай талпинардим. Ойим баъзан: «Ҳой, булбулжон, мунча қобил-мўминсан, бунақада нонигни олдириб кўясан», дерди. Табиатида ёмонлик бўлмагандан сўнг қийин экан. Мазифа опам улғайганидан кейин ҳам бари бир «ўз-ўзлиги»да қолди. Унинг мана шу «ўзлиги» гўзал эди ва бунга ҳамма тақлид қилса арзирди.

У мактабни тугатмади. Бунга ҳам табиийки, ўта қобил-мўминлиги сабаб эди. Мазифа опам роппа-роса ўн етти, яъни қизликнинг гултожи ёшени тўлдирганди. Мана шу ёшдаги табиатан гўзал ва олижаноб қизларда кўриш, идрок этиш мумкин бўлган барча гўзаллик, қизлик ва қизлик иффати, чиройи, ўзини ҳар нарсага уравермаслиги, аксинча, «қизлик» чегарасида ўзини тутиб туриши каби аломатлар унда бошқаларга қараганда кучлироқ сезилар, бу аломатлар жилмайган, ҳаяжонланган, кўпроқ хижолат чеккан кезлари яққол кўзга ташланар, чиройга чирой қўшар, ҳавасни орттирар эди. Ёши мендан уч ёш улуг, лекин бўйимиз тенг, фақат у менга нисбатан тўлароқ эди. Соч, қошлари хийла сариққа мойил, пешонаси кенг, юзи думалоқ, бурни эса қиёфасига мутлақо номуносиб, номутаносиб даражада қирра, киприк ва кўзлари тимқора эди. Табиатидаги баъзи бир ойимга хос хислатлари ҳисобланмаса, турқи-таровати билан отамнинг ўзгинаси эди. Отамни таниган одам дабдурустан: «Усмоналининг қизимисан?» — дейиши аниқ эди. Шу боисдан баъзан отам «ўзим туққанман», дея ҳазиллашарди. Бироқ, инсон сифатида эса ўзига хос бир одам, мана шу ўзига хослиги хонадонимизга алоҳида кўрк ва малоҳат бағишларди. Чамаси шу кунгача давом этиб келаётган аждодларимизнинг барча гўзаллиги, олижаноблиги Мазифа опамда ўз аксини топган, бизнинг даврга етиб бу аломатлар сиртига тепганди.

Мактабни битиргач, уйимиздан совчилар аримай қолди. Лекин ойим ёшлигини айтиб, совчиларни қайтарди. Кузга яқин эса кутилмаганда, ҳеч ким ўйламаган бир йигитга розилик билдирди. Опаларим билан кенгашиб шундай қарорга борибди. Худо ҳаққи, бундан на нафратланиш, на шодланиш мумкин эли. Балки бунга ойимнинг юрак хасталиги оғирлашаётгани сабаб бўлгандир... Албатта, бир нарса дейиш маҳол эди. Қисмат, бунга қолаверса ойимнинг бетобланиб бораётгани, кўзи тириклигида армони ушалиши, сеvimли кенжа қизини ўрнига қўйиш орзуси сабаб эди. Хуллас, розилик берилди...

Эшигимиз олдидан ўтадиган катта кўчанинг колхоз идорасига буриладиган муюлишдаги уйда Зулфия исмли кампир уч фарзанди билан яшарди. Кампирнинг биринчи эридан Холмат, Эргаш, иккинчи эридан Шарофат исмли қизи бўлиб, Мазифа опам унинг Холмат номли ўғлига узатилиши керак эди. Холмат илгари ҳам уйланган, хотини ёмонлиги (албатта бу совчиларнинг фикри) туфайли ажралишган, бир ёшли фарзанди ажралиш арафасида ўлган эди. Холматни яхши танирдим, яхши одамлиги ҳақида ҳам эшитгандим. Мен гарчи бўлгуси поччамни ёмон кўрмасам, қанақа одамлигини яхши тушунмасам-да, опамни унга унаштиришганидан қаттиқ ранжидим. Бунга сабаб — бўлгуси поччамнинг уйлангани, ёшининг улуғлиги, Мазифа опамнинг эса турмуш қурган, яъни ёши улуғ одамга узатилишини истамаганим, раво кўрмаслигим эди. Мен уни, ўзига ўхшаш кўзи очилмаган йигитга узатилишини орзу қилар, орзуим ушалмаганидан кўнглим чўкканди. Мазифа опамдан «розилик» сўрашганда, бошини эгиб жимгина йиғлаш билан чекланибди. Оҳ, опагинам! Ахир, у бундан бўлакча жавоб беришга қодирмасдида. Бошқа йигитга узатилган тақдирда ҳам жимгина бош эгиш билан чекланиши тайин эди.

— Ҳой, мунча йиғлайверасан? Игначига ўхшаб думингни босишса ҳам индамайсан-а, — ўшқирдим хунобим ошиб ўша куни. Мен уни илк бор «сен»сирашим эди, у бунга ҳам эътибор бермади. Бош эгиш, лабини тишлаш билан қутулди. Баттар бўл, қабилида сўкиниш билан ўзимни овутдим. Начора! Қисмат шуни талаб этибди, пешонасидан кўрсин, инсон ва инсонлик қонунлари шундай экан, нима дейиш, нима қилишим ҳам мумкин. Бу ҳолга на йиғлаш, на кулишни биласан киши. Ҳар ҳолда мен уни ҳеч қачон турмушга чиқмаслиги, мен билан бирга ўйнаб юриши талабдори эдим. Ахир, у тасаввуримда турмушга чиқмаслиги, хонадонимизнинг абадий кўрки, ҳуснига айланиши керак эди-да. Бу қадар чексиз сурурга берилиш оқибати яхшиликка олиб

бормаслигини ўша кезлар қаёқдан билибман...

Тўй тараддуди бошланди. Ойим тобора озиб, сирқовланар, илгариги шашт, шиддатидан асар ҳам кўринмасди. Онажоним кўз ўнгимда куз япроқлари янглиғ сўлиб, хазонлашар, бу хазонлик, сўлгинлик кун ўтган сайин очиқ сезилар, лекин ойим аҳволи танглигини билдирмасликка уринар, баъзан мадори етмай ўтириб, қийналиб нафас олганда сир ошкор бўларди. Мана, мана, куз япроқлари — ойим, шохдан узиламан-да, ҳавода қисқа муддат муаллақ туриб, ерга тушаман, тупроққа қоришиб кетаман, дерди гўё. Лекин севимли қизи — барча орзу-умидларини тикан Мазифа опамни узатиш, ўрнига қўйиш туйғуси ўзини тутишга, умрини истаса-истамаса узайтиришга мажбур этарди.

Ойим тўй баҳонасида тикув машинасини яна қўлига олиб, тўй сарпосини ўзи тикишга тутинди. Сарполарни тикар, уялиб юзига қаролмаётган Мазифа опани ёнига чақирар, ўпар, кучар, кафти билан ёшларини артар, шу билан ўзини ҳам, қизини ҳам юпатар эди.

Тўй муҳлати белгиланди, олди-бердиси ҳам келишилди. Мен узоқ муддатдан сўнг уйимизда қайтадан тўй бўлиши, одамлар хонадонимиз ҳурмати учун хизмат қилишларини ўйлаб қувонар, Мазифа опамнинг узатилишини эслаганимда эса ғамга ботардим. Тўйга бутун орзуларимни тиккандим, Маърифа, Соифа опаларимнинг тўйларида кутган, лекин эришолмаган, яъни карнай-сурнай, чилдирма овозларини Мазифа опам тўйида эшитишим зарур эди. Ўйлаганимдай, истаганимдай ҳол юз берди. Бунинг учун яратганга шукрона айтишга бурчлиман. У хонадонимизга илифот ва саховатини аямади. Оз эса-да, ҳар ҳолда кўрсатди. Шунинг учун ҳам унга шукрона айтишга ўз-ўзимни бурчлиман, деб билардим.

Қуда томон тўй юборди. Таомилга кўра тўйнинг муқаддас «анжом»лари мамнунлик билан қарши олинди. Мен учун ҳам қайғули, ҳам ардоқли туюлган ўша куз оқшомларининг бирида катта кўчада карнай-сурнай, чилдирма овози янгради ва тобора баланд пардага кўтарилиб, яқинлашаверди. Ҳадемай, ҳадемай, ушалажак орзулар, армонлар, мақсадлар, ниятлар фасли бошланди... Бўлғуси поччам оҳорли кийимдаги бир тўда жўралари билан уйимизга ташриф буюришди. Қош қорайгунча ўйин-кулги, рақс, давом этди. Мен тенгсиз шодлик, чексиз изтироб, дард-алам билан тўй ва тўй маросимини қаршилар, елиб-югуриб опам ҳурмати учун хизмат бурчимни ўтардим. Айниқса, никоҳ ўқилиб, поччам ташқарига чиққанида онажонимнинг куёв устидан сочган туршак, қурт, қанд, чақа пулларни кўрганда шодлик, бахтиёрлигим ўз соҳилидан ошиб, ҳаяжондан қалт-қалт титрардим.

Хонадонимиз адоқсиз бир шодлик онларини бошидан кечираётганди. Буларнинг ҳаммаси саҳоватпеша қиз — Мазифа опам, уни туғиб вояга етказган азиз, мўтабар онажоним, уларга қондошлигимиз туфайли отам, опаларим ва менинг ҳурматим учун юз бераётган шодлик онлари эди. Фақат кўшни уйда, дугоналари орасида, ўз уйи, ота-онаси, опалари, укасини тарк этолмай азият чекаётган, ҳасрат билан кўз ёш тўкаётган келин — Мазифа опам ҳозирча бу шодликдан маҳрум ва йироқда эди. Онажоним шодликдан ўзини йўқотиш даражасига етганди.

Оҳ онажоним-эй! Мунча ҳаяжонланмаса... ахир шу ҳаяжонлар дардга чалинтирди-ку!

Куёв кузатилгач уйга бирдан маъюслик чўмди, ҳали-замон тўй ҳурмати учун елиб-югуришганларнинг қадам олишлари ҳам сусайди. Аёллар ичкарига кириб келин — Мазифа опамни ясантиришга тушишди. Уларнинг ҳар бири ўзларининг тўйга фидойилигини сездириш, шу билан ойимга ёқиш учун чексиз ҳаяжонлар билан келинга илтифот кўрсатишар, ўзларининг қачонлардир узатилгани, йиғилганликлари, чимилдиқ ичида ҳаммаси унутилганини мароқ билан сўзлашар, фақат Марифа, Соифа опам севимли сингилларига ачинганлари учун остонада жимгина кўз ёш тўкишарди. «Бу дунёнинг ўйинлари, айниқса, инсон ўйинлари қизиқ, ҳам қайғули, — деган тушунча туйғуларимни қийнагандан қийнарни, — она фарзанд кўради, авайлаб ўстиради, бўйга етказди-ю, кимнингдир уйига абадийликка ташлаб қайтади.

Шу билан қизи уйига абадий қайтмайди. Қизиқ... Нима учун қизларни бегона уйга узатади-ю, нима учун қизлар йигитларни уйларига олиб келишмайди?! Нима учун кетиш «фожиа»сига фақат қизларгина дучор?! Ҳар ҳолда бу борада озгина инсофсизлик, чалкашликка йўл қўйилган. Куёвни уйимизда қолдиришганда, Мазифа опам ҳам бағримизда бўларди...»

Тун яримдан оққанда куёв томон от юборди. От! Отга қараш, от сабабли юз берадиган фожиани эслашнинг ўзи қанчалар оғир-а! От, Мазифа опамни миндириб... Отнинг олдига мен, ортига опам ўтириши... Аёллар эса орқада «ёр-ёр»лари билан кузатиб боришлари зарур эди. Ахир, бир пайтлар Маърифат опамни узатишганда ҳам шундай...

Риқси опамнинг пинжиги суқилиб, дард-аламларимни унга, фақат унгагина изҳор этаётганимда, Мазифа опамни ташқарига етаклаб чиқишди. Опагинам! Паранжи-чимматда бошини эгганча пиқ-пиқ йиғлаб жимгина, эркисиз, озорсиз аёллар қуршовида қадам ташлади. Қадамлар... бу унинг ҳовлимизда босилаётган сўнгги қизлик

қадамлари эди, кейин ҳам қадамлари босилади, фақат аёллар сафига қўшилган бўлади... Ойим турли томонга аланлар, нимадир қидирар, лекин нима қидираётганини фарқ қилолмасди. Аёллар ниҳоят ҳовлини тарк этишди. Шунда бирдан: «Анвар! Анвар!» — деган хитоблар янгради. Худди шу овозни хаёлан кутаётгандим, эшитибоқ бераҳмларча Риқси опамни орқасига итардим-да, югурдим.

— Қаерда юрибсан? — олдига ўтказди Шарофат холам. — Сени кутяпмиз. Опангнинг олдига мин.

«Отингиз, куёвингиз, тўйингиз ҳам бошларингиздан қолсин, ҳеч нарса истамайман, ҳеч нарса керакмас, фақат Мазифа опамни қайтариб беринглар», дейишга шайлангандим, бир неча қўллар тирсагимдан ушлади, яна бир неча қўллар белим, оёқларимдан тутди. Жуда қисқа лаҳзада ўзимни от устида кўрдим. Титраётган бармоқларим эгар қошига ёпишди. От силкинди ва ортимга Мазифа опам минди, аёллар уни ҳам кўтариб ўтқазишганди. От олдинга талпинар, кишнар, сувлигини чайнар, лекин жиловни сиқиб турган паст бўйли йигит қўзғалишга имкон бермасди. Ниҳоят, от жилови тортилди. Аёллар ҳам жимишди. Шу билан... Шу билан опагинам, севимли опагинам, қадрдон уйи, эркатой укаси, азиз ва мўътабар ота-онасидан ажраладиган фасл бошланди... Оҳ, қандай даҳшат-а! Беғубор болалик, ўйин-кулгидан иборат ўсмирлик, ҳаяжонларга тўла ёшлик, яъни қизликнинг такрорланмас онлари, лаҳзалари, дақиқалари кечган уйи — гўшасини тарк этиш, яна абадийликка тарк этиш қанчалар оғир-а! Бунга фақат қиз ва яна қиз қалбигина ифодалаши мумкин холос! Бегона уйга кириш, унинг фарзандига айланиш, ёт вужуд билан қоришиш, икки орада дунёга кўз очадиган фарзандни тан олиш осонмаслиги яна қизларгагина маълум. Жондан ҳам ортиқ севган ота-оналар, опалар, укани ўз ихтиёрисиз ортда қолдириш эса ундан ҳам даҳшат!

От илгарилар, ўз ихтиёрисиз илгарилар, Мазифа опам белимни сиқар, йиғларди.

*Йиғлама қиз, йиғлама,
Туй сеники ёр-ёр.
Остонаси тиллодан,
Уй сеники ёр-ёр.*

Инсон илк бор яралган, фарзанд яратишга истак сезган ондан эътиборан, жуфтлик учун, пуштини асраб қолиш учун, ўз-ўзини ҳимоя этиш учун тўқиган қўшиқ! Инсоннинг тушунча, туйғулари

асрлар оша қофия, оҳангга солинган силсилалар қўшиғи, жуфтлик қўшиғи! Шарафли, муқаддас қўшиқ! Остонаси тиллодан эмас, оддий ёғочдан бўлган уй ҳурмати учун куйланган қўшиқ.

Аёлларнинг юракни қон қиладиган қўшиқлари янграгандан янграр, оламини келин-куёв қўшиғи садолари тўлдиргандан тўлдирар, бу фақат Мазифа опамнинг ҳурмати учун янграр, уни аёллар билан бирга онам ҳам кузатиб-узатиб борарди. Мен эса ихраб-ихраб тўйни ёлғонга чиқиши, Мазифа опам шу кез қушга айланиб, осмонга учиши, ердаги ноҳақликларга чек қўйишини истаб ўтирардим.

Йиғлама, қиз, йиғлама...

«Нимага йиғламайди?! Нима учун йиғламаслиги керак?! Ахир азиз ота-онаси, севимли опалари, эркатой укаси, қадрдон уйини ташлаб кета туриб ҳам йиғламайдими?! Тавба! Аёлларда инсоф борми ўзи! Нима, у кулсинми?! Бу ҳолга ахир кулиш мумкинмас-да?! — Миямни шу тахлит ўйлар тўлдирганди. — Йиғла, қиз, йиғла, Бошқа йиғлолмайсан! Бундай йиғи сенга бошқа nasib этмайди! Кейин ҳам йиғлайсан... лекин у бошқа йиғи бўлади... бола-чақа, турмуш ташвиши йиғиси...»

Ниҳоят, от эшик олдида ловуллаб ёнаётган гулхан ёнида тўхтади. Нотаниш уй, нотаниш қиз... Отни уч марта гулхан атрофида айлантиришгач, «ёр-ёр» садолари остида аввал Мазифа опамнинг, сўнг мени ерга туширишди. Опамни қуршаб ичкарига етаклашди. Шу билан Соифа опамни узатишиб боришган кездеги каби унутилдим-қолдим.

— Мазифа ёмон, ёмонларнинг ёмони, — шивирладим алам билан танҳоликда. — Нимага қочиб кетмади?! Қочса ўлмасди-ку!

ҲАСРАТ

Мен бегона маҳалла болалари орасида, бегона уйда Мазифа опам ҳурмати учун кечаётган тўй нотинчликларини жимгина, яъни опамнинг узатилганини ҳамон тан ололмай, унинг ёлғонга айланиб қолишини истаб, кузатар эдим. Каттадан-кичикни сукутга толдирган, ўзлари ҳам шундай бахтли дамларга эришиш иштиёқида ҳавас билан қулоқ тутаётган «ёр-ёр» садолари ҳам ниҳоясига етди. Келин—опамни шиддат билан безатилган, яъни ўнг томондаги катта уй томон бошлашди. Узун бўйли, ориқ куёвни бир тўда жўралари қуршаб остонага яқинлаштиришди. Нотинчлик кучайди. Одамлар оёқлари орасида югуришаётган болалар қўлларидаги машғалаларини кўтаришиб деразага талпинишди, ичкарига мўралашди. Мен ҳам ҳаяжон билан ўзимни болалар

орасига урдим. Олдимга, ёнимга ҳеч кимни ўтказмасликка тиришиб, пешонамни ойнага босдим-да, ичкарини кузата бошладим. Шу орада аёлларнинг «олиб қочолмайди, ҳо-ҳо», деган тантанавор хитоблари янгради-ю, остонада турган симоби саллалари, қора костюм-шим, хром этикдаги поччам олдинга чиқди-да, ёввойи бир важоҳатда опам томон силжиди ва даст кўтариб тўрдаги оппоқ чимилдиқ ичига кирди. «Қойил, куёв бола полвон экан!» — қабилдаги қутлов сўзларидан сўнг яна аёллар тинчлиги бузилди. Улар рўмолларини белларига боғлашди ва икки томонга бўлинишиб, сафга тизилишди ва белбоғларидан ушлашди. Хонанинг ўнг томонини куёв томон аёллари, чап томонини эса келин томон аёллари эгаллашди. Кўллар бир-бирига ёпишди, шу билан «тортишмачоқ» ўйинига навбат етди. Улар қичқаришиб, қаҳ-қаҳ отишиб, оёқлари учини ерга қаттиқ босишиб, қутурган тўлқинлар каби бир-бирларини тортишар, баъзан келин-куёв ҳурмати учун тортишаётганларини эсларидан чиқаришиб, қачонлардир бир-бирларига ўтказган ситамлари учун ўч олиш қасдида зўр бериб олишардилар. Маърифат опам билан Соифа опам севимли сингилларини бегона уйга ташлаб кетмаслик учун аёлларни ўзлари томон суришарди. Келин томон енгаётганини англаган куёв томон аёллари: «Етар-етар, ярашинглар», дея белбоғларини бўшатишди. «Тортишмачоқ» ўйини, яъни шафқатсиз аёллар жанги келин томон мағлуб келиши билан ниҳояланди. Нимага шундай? Ахир, опаларим сингиллари учун жонларини жабборга уриб тортишдилар-ку! Улар ғалаба қилаётганди. Нимага тўхтатишди? Тўй таомилига кўра келин томон енгилиб бериши шарт экан. Инсофсизлар. Тўй, муқаддас тўйда ҳам носамимийлик қилишди. Йўқса, ўзлари енгилган, Мазифат опамни қайтариб олиб... Оҳ, нимага опаларим ён беришди-я!

Бирдан... ҳа, бирдан ичкаридаги шовқин-сурон тинди. Шодлик, бахтиёрлик билан бошланган келин-куёв уйи бирдан сукутга толди. Қойилмақом безатилган, ўйин-кулгига тўлган хонага бирдан қайғуга чўмди... Аёллар сукут сақлашиб, жой-жойларида серрайиб, бир-бирларига ҳайрат ва таажжуб билан термилишди. Пешонамни ойнага тираб ичкарини жиддий кузатдим. Ўртада кимдир ўтирар, кимдир эгилар, кимдир юзини чангаллаб: «Ойи, ойижон!» - дея ҳиқирларди. Соифат опамнинг овозини дарҳол танидим ва дилгир бир туйғу билан ҳовлидан даҳлизга ўтдим, ундан уйга кирдим. Бошини орқасига ташлаб, оёқларини ёзганча, кафтларини ерга босиб энтикаётган ойимга кўзим тушиши билан қалтирай бошладим. Онажоним... волидагинам талваса қилар, опаларим атрофида қуш болаларидай чирқирашар, гангиб қолишганди.

Маърифа опам ойминг бошини тиззасига олиб йиғларди. Ойимнинг бурни билан оғзидан қон отилар, кўкси, кўйлагини қип-қизил қонга бўярди. Инсон қони, онажоним қони тўкилар, нигоҳлар, чехралар, кўзлар, уй, тўй ва тўй билан алоқадор ҳамма-ҳамма нарсани қон этарди. Севимли кенжа қизи тўйини... Онажоним! Нима бўлди! Ким ойимга озор етказди?! Ҳалиги дилгирлик ва дилгир фарёд билан ойимнинг ёнига яқинлашдим. Титрар, қалтирардим.

— Ойижон... ойижон... — кўзларимдан шашқатор ёшлар тўкилар, юрагимни жароҳатлар, беихтиёр ойимнинг оёқларини силар, ёшлар орасидан опаларимга ҳазин ва маҳзун термилардим. Чимилдиқ ичидан Мазифа опамнинг «ойижон, туғилмай ўлай», деган мунгли овози эшитилар, лекин унга ҳеч ким эътибор бермас, унутишганди. Маърифа опам тинмай кўлига илинган нарса билан қонларни озорсиз авайлаб артар, айна вақтда бегона назардан ойимнинг юзини яшришга тиришарди. Мен гоҳ опаларимга, гоҳ аёлларга оч ва синвовчан, аламли назар билан қарар, ойимнинг оғзи, бурнидан оқаётган қон сабаби, умуман, бу қандай касаллиги, нима учун ойимгина бундай касалга йўлиққани сирини тушунтириб беришларини истар, жавоб бўлмагач, изтироб чекиш, йиғлаш билан чегараланардим. Аёллар ҳам қаршидаги манзара — касалини илк бор кўраётганликлари сабабли кўмаклашишга ожиз эдилар. Опаларим эса тезроқ ойим кўзларини очиши, тезроқ ташқарига олиб сиқиш, ноқулай вазиятдан қутулиш йўлини излашар, лекин ойим бери қарамаётганди.

Кимдир чой тутди, Маърифа опам пиёлани ойимни лабларига текказди, бироқ ойим сезмади, лабини қимирлатмади. Кимдир ойимнинг оёқ-қўлларини уқалашни буюрди. Мен дарҳол ойимнинг оёқларини уқалашга тутиндим, опаларим эса қўллари, иякларини авайлаб ишқалаша бошлашди. Ойим ниҳоят тамшанди, тишларини гичирлатди, алҳол кўл-оёқларига жон кирди, ҳаракатга келди. Аста пешонаси ялтиради, сезилар-сезилмас тер қалқиди.

— Худога шукур, — кимдир оғир хўрсинди, — энди соғаяди.

Чиндан ҳам ойим кўзларини очди, бир нафас тепасида қийлаётган опаларимга, сўнг атрофга ҳайрон, лоқайд термилди. Чамаси атрофида қанақа воқеа кечаётгани, нимага опаларим йиғлаётгани, нимага одамлар ҳайрон қотиб туришгани, салгина олдин — мазаси қочмасдан илгари нималар содир бўлгани, тўй, Мазифа опамнинг узатилганини англолмай, идрок этолмади чоғи, қайтадан кўзларини юмди. Маърифа опам шошилишча пиёлани ойимнинг лабларига яқинлаштирди, ойим тамшанди ва ютинди, қайтадан кўзлари очилди, у анча тетиклашганди, атрофни кузатиб

шивирлади.

— Мазифа билмасин...

Опамнинг билмаслиги, сезмаслиги мумкинмасди. Ташқарида — чимилдиқ ортида азиз ва мўътабар онаси, вужудининг бир бўлаги, юрагига туташ бир юрак азоб чекса, ўлим чангалидан қайтса-ю, лоқайд қолиши... У чимилдиқ пардасини кескин кўтариб ташқарига чиқди. Сўзсиз кўз ёшлари билан юзини ойимнинг юзига босди, гўё онаси дардини ўзига, ўз танасига ўтказиш ниятида елкаси, билакларини силай бошлади.

— Ойижон, ҳаммасига мен... — деди гуноҳкорона бир вазиятда.

— Болажоним, ичкарига кир, — ундади ойим Мазифа опамнинг сочини силаб, — уят бўлади. Тузукман...

Аёллар Мазифа опамнинг тирсагидан олиб ичкарига — чимилдиққа ундашди. Бари бир чимилдиқда ҳам йигиси тинмади.

Ойимнинг юзи, лаблари, бўйни, оёқ-қўллари ҳам қизарган, томирлари гупиллаб урар, танаси эса бамисоли ёнарди. У атрофга айбдорона бир қиёфада термилар, нигоҳи билан аёлларни ўтиришга, ўйин-кулгиларини давом эттиришга ундар, айна вақтда чехрасидан: «Бу кўргилик ҳам пешонасида бор экан, қизимни узатганимда оғриганимни қаранглар-а, начора, яратганнинг истаги, ўзимга қолса, ҳеч кимни безовта қилмасдим, ўтиринглар, ирганманглар, касалим юқумли эмас» қабилидаги маъно англашилар эди.

— Ойи, — деди ниҳоят Маърифата опам ноқулай аҳволдан сиқилиб, — уйга қайтамизми?

— Қудажон, тузукмисиз? — уйга қуда-кампир кирди. — Тўйчилик толиқтирган-да...

— Қудажон, тузукман, шукур, — беҳол жавоб қилди ойим, — хафа бўлманг, анчагина толиқибман. Уйга борай, озгина дам олиб чиқаман. Ёшлар ўйин-кулгини давом эттираверсин.

— Қудажон, сиз хафа бўлмасангиз майли.

Ойим бу гал қуда-кампирнинг гапига эътибор бермади. Маърифата опамнинг қўлини сиқиб, кўтар ишорасини билдирди. Ойимни суяб, етаклаб ҳовлига олиб туширдик. Сўнг аравага ўтқазиб уйга олиб қайтдик. Жойни қалин қилиб ётқиздик. Ойимнинг иссиғи тобора ортар, лаблари ҳам ёрила бошлаганди. Опаларим иссиқ чой ичиришиб, пешонасини қаттиқ боғлаб қўйишди.

Лаҳза, сония ва дақиқалар қийинчилик билан кечар, ойимнинг аҳволи оғирлашгандан оғирлашар, биз атрофида парвона бўлар, термилар, шу билан чекланардик. Бу пайтга етиб ойимнинг кўзлари қораси кўкиш, оқи эса қизғиш тусга кирди. Энди у тўй, Мазифа

опам ҳақида ҳам мутлақо ўйламас, ҳаммага, жумладан, олам, ҳатто ҳаётга ҳам лоқайд эди. Ҳаётни кучли бир иштиёқ билан севадиган, унга телбаларча талпинадиган, одамларни эъзозлайдиган, фарзандларини шамолдан ҳам яширадиган олижаноб, саховат қалб эгаси ойим шундай ҳолга тушишини мен асло тасаввур қилолмас, соғаймаслиги, вақт етиб оламдан кўз юмиши мумкинлигига ишонгим келмас, бу ҳақда ўйлашни истамасдим. Ҳамма бирдай ойим кўзларини очиши, туриши: «Мени Мазифанинг олдига олиб чиқинглар, соғайдим, мутлақо соғайдим», дейишини кутарди. Афсуски, онажоним тузалмас дардга йўлиққан, танасида эса зилзила — ўзгариш юз берган, саломатлигини аввалги ҳолига қатъиришнинг асло иложи йўқ эди. Бунинг учун қайтадан туғилиши зарур эди. Бундай бўлишини хаёлга келтириш асло мумкинмасди. Қон! Томирларидаги қоннинг ярми ташқарига чиққан, юрак! Юраккиноси ўз фаолиятини сусайтирганди. Узоқда, бегона уй, бегона йигит қаршисида, бегона аёллар орасида эса севимли қизи — Мазифа опам, шу кез онаси ҳақида ўйлаб, унга талпиниб кўз ёшлар тўкар, лекин онаси бундан беҳабар ва лоқайд эди. Бетоблиги ҳатто севимли қизи ҳақида ўйлашга имкон бермаётганди.

Тун, безбет, беодоб тун чўзилгандан чўзилар, адоқсиздай кўринар, уй, ҳатто опаларим, олам ҳам даҳшатга айланиб, даҳшатга тўлиб борар, ҳамма-ҳаммаси зерикарли, ёқимсиз туюларди. Ойимга қарар, совуқ нигоҳи, лоқайд чеҳрасида турли хил аломатларни ўқирдим, шу кунгача кўрган-кечирган, тортган, татиган, тушунган, ҳис этган, англаган барча гўзаллик, эзгуликлар, қуёшдан тортиб ойгача, юлдузлардан бошлаб ер, табиат, яъни кўзни сеҳрловчи оҳанг, ранг, қўшиқлар, чеккан, чекилган дард-аламлари, қайғу-ҳасратлари, турли жудолик фарёдлари, назаримда энди ойим учун ёлғонга, алдовчи саробга айланган, алданиб келгани мана энди ошкор бўлиб, афсунлар, азоблар чекар, ҳаммаси оқибатда хафсаласини пир этганди.

Ойим қимирламай ётар, гоҳо кўзларини очар, бу билан нафас олаётгани, тириклигини сездирар, бизларни қўрқувдан халос этар, бари бир аҳволдан мана, мана, узоқ муддатли уйқуга толиши, толганда ҳам озорсиз уйқуга толиши, қайтиб турмаслиги, ҳаёт, фарзандлари билан абадийликка видолашиши мумкинга ўхшаш аломатлар англашилди. Унинг бу ҳоли тасаввуримда сап-сарик рангли куз фаслини эсга солар, ҳадемай куз ниҳояланар, ўрнини изғиринли қишга бўшатар, шу тариқа куз ўз нишонаси — қарғалари, чуғурчуқлари, сап-сарик япроқларини олиб орқасига қайтар, ғамгин ва аламли қўшиқларни куйлай-куйлай куз фаслига

— ойим умрига мутлақо чек қўяр эди. Ойим... Мана шу сокин ва жимжит куз фасли билан, кўнгилни эзувчи, баҳорга иштиёқ кўзғатувчи қиш фасли орасида липиллаб, қалқиб турар, икки томон уни ўз домига тортар, ойим эса қайси бир томонга ўтишни билмай, гангир эди. Куз фасли! Барча тирик жон учун сўлиш қонуни бўлган, темир қонунга айланган фасл! Қиш-тун! Тун фасли яқинлашганди... Кундузи бошланган барча кечмишлар — елиб-югуриш, экин экиш, дон сепиш, тўй маросимларига ҳам шу тун чек қўяр, буёғи яна қиш фасли... Кундуз учун тун — ўлим! Тун учун эса кундуз — ҳаёт! Тун, даҳшатли лаҳза! Ахир, ҳамма даҳшатлар — туғилиш, ўлим ҳам кўпроқ тунда юз беради-ку! Қувонч, шодлик, бахтиётлик кундузи бошланади-да, тунда ниҳояланади... Ойим, онажонимнинг кундузи ўз ўрнини тунга бўшатиб берар, барча қувонч, шодлик, бахтиёрлик дамларини мана шу тун чеклар, чек қўядигандай туюларди... Оҳ... юрагим, юраккинам! Даҳшатли бир оғриқни бошдан кечиряпти. Онажоним! Юрагининг мендаги бир бўлағи, ўзидаги бўлагига интиляпти, талпиняпти! Унинг оғриғи, азоби билан эзиляпти, оғрияпти. «Она билан фарзандни нимага яратди, яратиб қўйиб, нимага барвақт бир-биридан жудо этади?!» — шундай, шунга яқин бир туйғу ва тушунча кўнглимни қийнагандан қийнарди.

Қишлоқ кўчаларини ёритаётган чироқлар бирин-кетин сўнди, сўнди... Қишлоқ, жумладан бизнинг хонадон ҳам оғир зулмат ичида қолди, итлар мудраб ҳурий бошлаган, хўрозлар мудраб чақираётганда ойимнинг аҳволи оғирлашди. Турғизишимизни сўради. Турғиздик, орқасига учта ёстиқ қўйилди. Ойимнинг ранги оқариб, лабларига титроқ кирганди. Кутилмаганда, опаларимнинг қўлларини ушлашди ва ўзи сезмаган ҳолда гижимлади, гижимлаш ҳам узоққа чўзилмади, қўллари шалвираб қолди. Лаблари бир нималар деб шивирларди, лекин ҳеч нарса англаб бўлмади. Шу орада бурни қонади. Юзимни чангаллаб, хўнграб юбордим. Уйда йиғигина эшитилар, ойим эса бошини турли томонга ташлар, қўл-оёқларини силкитарди. Маърифа опам саросимада қонларни артар, кўмак истаб атрофга алангларди. Нима қилиш, нима деб бир-биримизни юпатишни билмай турганимизда, ойим кўзларини очди ва сув сўради. Риқси опам чой тутди, ойим бу гал чойни охиригача ичди.

— Нима... — ойим лабларини ялаб, тамшанди. — Нима...

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, озгина ухладингиз, — гўлдиради Маърифа опам, — тузукмисиз?

— Оёқларимни уқаланглар, — шивирлади ойим. Мен оёқларини, Риқси опам қўлларини, Маърифа, Соифа опам эса

юз, ияги, куракларини силашга тутинди. Худога шукур! Ойимнинг кўзлари очилди, тоби қочмасдан илгариги ҳолидай очилди. Ҳаммамизни қувонтирди. Сўнг ўнг қўлини елкамга ташлади, бўйнимдан, сўнг пешонамни силади. Мен эса олий бир лаззат ва хуш ёқишдан кўзларимни юмиб, вужудимни ойимга тутиб берар, соғайганидан беҳад шодланар, кўзларим тинмай ёш тўкарди.

— Эркатой... тўйингни... — ойимнинг гапи узилди, «тўйингни кўролмайдиган бўлдим», — деяётган кез узилди. Буни ҳамма тушунди ва бошларини эгди. Ойим Риқси опамнинг сочларини силади.

— Ойижон, — мурожаат этди Риқси опам гангиб ва енги билан ёшларини артди.

— Жоним, — ойимнинг овози хиёл жонланди, — сенга кўпроқ қайғураман, ачинаман, — ойимнинг яна гапи узилди, «сенинг ҳам тўйингни кўролмайман чоғи!» демоқчи бўлганда узилди. Буни ҳам ҳамма англади ва бош эгиш билан чекланишди. — Йиғлама, — гапини давом эттирди титроқ овозда ойим, — ўзимга ўхшаш куюнчак чиқдинг. Опаларинг бор, жоним. Сенга ҳам синглингникидан кўра аъло қилиб сарполар тайёрлаганман. Сандиқда турибди...

— Менга ҳеч нарса керакмас, керакмас... — ҳиқирлади Риқси опам. — Мен ҳеч ҳам эрга чиқмайман. Сизга қарайман. Сизни боқаман...

— Болажон, ҳеч ким тоқ ўтмаган, ўтмайди... — ойимнинг лабларига жилмайиш югурди, — сенинг ҳам тенгинг топилади. Ўзим, ўз қўлларим билан... фарзандингнинг тўйини...

— Бўлди, ойи, мазангиз қочади, — деди Маърифа опам. Ойим қайтиб гапирмади. Аҳволи чиндан ҳам бир оз енгиллашганди. Толиққани энди сезилди чоғи, аста бошини ёстиққа қўйди. Кўзларини юмди-ю, энгил хуррак ота бошлади. Ойим бирор вақт хуррак отмаган, бетоблиги сабабли бу гал хуррак отаётганди.

Ухламай, ойимга термилиб тонгни қаршиладим. Ойим чошгоҳга яқин уйғонди. Опаларим ёрдамида ташқарига чиқиб, юз-қўлини ювиб қайтди. Сўнг гўшт қовуртириб Мазифа опамдан хабар олиш учун Маърифа опамни жўнатди. Маърифа опам Мазифа опам тинмай йиғлаётгани, қовоқлари шишганини айтди. Лекин ойимга билдирмадик, врач чақирдик. Укол қилди. Врач ойимнинг юраги оғир жароҳатланганини, озор бермаслигимиз, мутлақо кўзғатмаслигимизни маслаҳат берди.

Врач янглишмаган экан. Ойимнинг аҳволи кундан-кун оғирлашиб борди, энди у суяш билан ташқарига чиқар, ҳожати қийинлашгандан шикоят қилар, оёқ-қўллари шиши ортгандан

ортиб бораётганди...

Онажоним... олам, ҳаётдан кўз юмолмас, умид узолмас экан, мени уйлантирмагани, Риқси опамни турмушга чиқармагани сабабли умрини узайтиришга мажбур бўлаётганди... Ваҳоланки, умри илк бор бурни қонаганда тугаганди...

ДАҲШАТ

Отамнинг бағримиздалиги, опаларим одоб билан ўз ўринларини топиб, турмушга чиқиши, укам Эркиннинг ўлими, Зиётвой поччамнинг ном-нишонсиз йўқолиши эътиборга олинмаса хонадонимиз шодлик дақиқаларини бошидан кечирарди. Мазифа опамнинг орзу-ҳавас, тўй-томошалар билан узатилиши қалбларни қайтадан қувончга тўлдирди-ю, онагинамнинг кутилмаганда бетобланиши эса хонадонимизга оғир маъюслик солди, ғамга чўктирди. Тан олмасдан, эътироф этмасдан асло иложим йўқ. Ойим, ҳеч ким сезмаган, билмаган ё диққат қилмаган ҳолда хонадонимизнинг кўрки, тож-сарвари, гўзаллиги, таровати, ҳатто суйанган устунига айланган экан-у, бу бетоблангандан сўнг очиқ сезилди. Ойимнинг бетоблиги тўфайли хонадонимизни ёритиб турган чарогон нур бирдан сўнгандай туюлди. Унинг бевақт бетоблангани, отамнинг ароққа ортиқча ружу қўйгани, хонадонимизда бундан буён куз фасли бошланганидан дарак берар, шундай тушунча, туйғу билан яшашга мажбур этарди. Болалик фаслим мени тарк этиши билан юрагимга ўчмас чўғ ташлаб, вужудимда титроқ қўзгатди, кўп ажойиб-ғаройиб дамларимни йиғи билан ўтказишга сабаб бўлди. Севимли укам Эркиндан жудо қилди. Бу фасл Соифа опамни майиблади, олма дарахти кесилди. Зиётвой поччам йўқолди. Ўсмирлик фаслимда эса Соифа опам мажбурият юзасидан турмушга чиқди. Маърифата опам эса ноилож иккинчи эр остонасига қадам қўйди. Қадрдоним, нотавон инсон Турдивой билан оғир дамларни кечирдим. Уч ўғилдан бир пайтда айрилган бахти қаро кампир қисмати ҳам шу фаслимга тўғри келди. Жулдур кийимли одам ва унинг етимча қизи тақдири сабабли шу фаслимда чексиз кўз ёшлар тўқдим. Ўлим тўшагида одамлар назаридан четлашган, дилозорлиги билан танҳоликда ўлишга маҳкум бўлган Ортиқвой ўғри аҳволи ёшлик фаслимда юрагимни қаттиқ оғритди. Севимли Мазифа опам ўз ихтиёрисиз иссиқ бағримизни тарк этди. Табиийки, бу изтироб ва қайғулар калбимни қийнамаслиги, азобламаслиги мумкинмасди. Юрагим, юраккинам эндигина чеккан барча оғриқ ва азоблардан халос бўла бошлаганда онажоним... Кутилмаганда дардга, оғир даҳшатли дардга йўлиқди. Шу куни мен, ёшлик фаслининг қоқ ўртасида туриб илгари

чекилган турфа дард-аламлар, қайғу-ҳасратлар, изтироб ва азобларим бугунгиси, яъни ойим туфайли чекилган дардларим олдида арзимас, шунчаки талпинишларгина эканини англадим. Она туфайли чекилган азоблар чиндан ҳам энг кучлиси, энг огири, деган қарорга бордим ва буни бутун вужудим билан сездим. Она учун на фақат дард чекиш, ҳатто жонни гаровга қўйиб, уни, фақат уни ўлим чангалидан қайтариб олиш учун ўзингни барча балоларга уришинг мумкин экан.

«Шунча дард-аламни фақат бизнинг хонадонимиз бошидан кечиряптими? Шунча кўз-ёшлар бизнинг хонадонда тўкиляптими? Бошқа хонадонларда ҳам шундайми?» — деган фикр менга тинчлик бермас, тоқатимни олар, лекин жавоб тополмасдим. Ўзга хонадонлар ҳам ўзларича бахтли, ўзларича бахтсиз, ўзларича шод ва гамноклиги, ўзларига хос кўз ёш тўкишлари, ўзларича кулишлари мумкинлигига мана энди тушундим. Ахир, бошқача бўлиши мумкин эмас-да. Туғилиш, ўлим мавжуд, демак кўз ёши, қайғу, ҳасрат ҳам табиий бир ҳолдир. Уч фарзандидан бир пайтда айрилиш, уларнинг ҳарбийдан қайтишини кутиш, лекин кўролмай ўлиб кетиш фожиаси айтишгагина осон. Онам дарди бағримни эзар, ўша кампир қисматини эслаб, ўзимга таскин берардим. Жулдур кийимли одам ўлими, катталар уни ухладига чиқариб, қизчасини алдагани, қизчаси отаси уйғонишини интизор кутганини айтиш эса даҳшат...

Ойим ҳамон тўшақда михланиб ётар, чой ичиш билангина чекланар, шифтга термилиб тонг оттирар, бизлар эса ёнида мудраб чиқардик. Бир ҳафтадан сўнг ойимнинг қўл-оёқларидаги шиш вужудига кўчди. Шиш сирига ҳеч ким тушунолмас, дардга шифо топишга қобил бирор одам ҳам топилмасди.

Уч кундан сўнг ойим опаларимга Мазифа опамни «чақирди» қилиш ҳақида оғиз очди. Гарчи бу ҳол опаларимнинг юрагига сизмас-да, розилик билдиришди. Ўша куни қариндош-уруғлар йиғилишди. Мазифа опамни «чорлаш»га тайёргарлик кўрила бошлади. Тўёнага келган катта сариқ қўй сўйилди. Кеч билан катта қозонда палов дамланди. Аҳволи тобора оғирлашаётганига қарамай ойим ўзини бардам-бақувват тутишга уриниб. ташқарига чиқди. Ўзига мутлақо ярашмаган, яъни ғайритабиий жилмайиш билан севимли қизи ва куёвини қаршилади. Мазифа опам қайнонаси, ҳамроҳ аёлларни ортда қолдириб ўзини ойимнинг пинжига суқди.

— Онажон... — дея ойимнинг қўллари, ияklarини силаб, кўз ёшлари билан меҳр-муҳаббатини изҳор этди.

— Тентак қиз, — йиғлайверма, тузукман, — деди ойим мардона бир оҳангда ва бурни учи хиёл титради. — Эртага ўзим кўргани

чиқаман. «Чақириқ» қилдик, энди ўзинг келаверасан. — Ойим куёвини қучди. Унинг кўзлари ҳам ёшланди. У куёвини бугундан эътиборан ўз фарзандидай ардоқлаяжаги, фарзандларидан бирига инъом этиши шарт бўлган меҳр-муҳаббатини унга нисор қилаётганини қучиш, бағрига самимий босиш билан изоҳлади. — Ўғлим, бағрингизни эзманг, қарилик, ҳамманинг пешонасида бор гап. Худо хоҳласа ўғилчангизнинг тўйини ҳам ўзим бошқараман...

«Чақириқ» баҳонасида чеҳралар бир оз очилган, бу қалбларни қувонтирса-да, бари бир ойимнинг бетоблиги бу очиқлик ва қувноқликнинг рангини бир оз ўчирди ва келин-куёвни кузатганимиздан сўнг бу ҳол яққол сезилди.

Ойим ажрала олмай бағрига суқилаётган Мазифа опамни бу гал совуқ кузатди ва дарҳол ичкарига кирди-ю, ўзини тўшакка ташлади. Толиқиш, беморликнинг галдаги жараёни кучайгани сабабли ойимнинг юзи кўкара бошлади. Энди унинг қиёфаси — нигоҳ ва чеҳрасида ҳаётдан ҳаддан зиёд толиқиш, зерикиш, совиш аломатлари ифодаланар, ўрнини бизлар — фарзандларига нисбатан ўта, ҳатто ортиқча меҳр-муҳаббат қўйиш, ардоқлаш, иложини тополса, уларни бағрига босиб ўтириш, мутлақо қўйиб юбормасликка ўхшаш туйғу эгаллаганди. Ойим фарзандларини барча муқаддас оналарга хос меҳр-муҳаббат туйғуси билан севар, ардоқлар, эъозлар, ўзи емай уларга тутар, яъни шамолни ҳам раво кўрмас, вақти билан тергар, зарурият туғилган кезлар уришар ҳам эди. Бетоблашгандан кейин эса тергамай қўйди, фақат кўнглимизга қарар, ўринсиз ҳаракатларимиздан ранжимас, бошимизни силар, ёнидан жилдирмас, юпатиш, эркалатиш билангина чекланар, «бир-бирларингизга яхши гапиринглар, ҳурмат қилинглар», қабилида ўгит берар, кимдир кўринмаса, «фалончи қани?» дея сўроқларди. Унинг бетакрор марҳамат ва муҳаббати ўзига нисбатан бўлган оқибатимизни минг қарра орттирар, кўнглини эзиб, тугаб бораётгани ҳақидаги шубҳамизни кучайтирар эди. Юрак уриши мўътадиллигини йўқотганига қарамай, ойимнинг фикри ҳамон тиниқ, тушунчаси соф, туйғулари тийрак, қараш ва гапириш оҳангида эса доноларга хос салобат сезилар, мулоҳазалари ҳам ўша салобатига мос теран эди.

Бир ҳафталик сурункали ҳароратдан сўнг ойимнинг иштаҳаси тортилди. Ширчай, ширгуруч ҳам ўтмай қолди, у нуқул уйқуга мойиллик сезар, ухлар, тез уйғонар, кимнидир, ниманидир унутгандай атрофга оч ва синовчан назар ташлар, сал ўтмай яна лоқайд кўзларини юмар, баъзан лаблари «Мазифа келмадимми?» — дея шивирлар, «чақирайликми.» дея сўралса, бошини силкир, қайтадан кўзларини

юмар, хуррак ота бошларди. Чамаси, шиш томоғига ҳам кучини ўтказган, шу сабабли хуррак сурункаликка кўчганди.

Мен жимгина ойимнинг ёнига чўқар, сукут сақлаш билан кўзларимни намлар, лекин бир нарса деб юпатишга ожизлик қилар, борди-ю, овоз чиқарсам чўчитиб юборадигандай, аҳволи оғирлашадигандай туюлаверарди. Кўнглимга ҳеч нарса сиғмас, тушунча, туйғуларим, хотирамда шу пайтгача сақланиб келган барча кечмишлар ўрнини ойим, фақат ойим ва у билан боғлиқ изтиробларгина эгаллаганди. Тунда, ойим тинч уйқуга толгандагина ташқарига чиқар, опаларимга сездирмай ҳовли айланар, паришон оламни кузатар, юрар, нима ҳақида ўйлаётганим, нималар ҳақида ўйлашим зарурлиги, умуман нима мени қизиқтираётганини билмас, олам — борлиқ кўзларимга фаолиятини йўқотгандай нурсиз кўринар, танам ҳам ўзимникимасдай, яъни ёлғон ва пуч, жонсиз, жисмсиз, ҳаракатлари ҳам ёлғондай туюлар, назаримда кўзларим ва тушунчамгина нафас олаётганимни англаатарди. Гўё, мана, мана, олам билан одамни боғлаб турган нозик ипни кимдир тортиб узар, олам, одамлар чок-чокидан сўкилар, мен эса телба оломон, бетинч жараён орасида қолиб сиқилар, бўғилар, шу билан барча энтикиш, елиб-югуришларга чек қўйилар эди. Айни вақтда ойимнинг оғриб қолгани ҳам ёлғондай кўринар, гарчи вужудимнинг қаеридадир унинг бетоблигига ишонтирувчи туйғу липиллаб турса-да, бари бир тан олмас, мана, мана, ойимнинг туриши, аввалги ҳолига қайтишига ўзимни кўниктирар эдим. Чой, овқат ҳам гўё илгариги таъмини йўқотиб, уйқу бадҳазмлик касб этар, юрагимни чидаб бўлмас оғир бир ташналик кемиргандан кемирар, гўё бу ташналик адоқсиздай сезилар эди.

Опаларим ҳам озган, қўллари ишга бормас, ёзилган дастурхон эса кўпдан бери йиғилмас, лекин чой ичиш, овқат ейиш ҳеч кимнинг кўнглига сиғмас, арзимас баҳона билан бир-бирларини жеркишар, сиркалари сув кўтармайдиган аҳволга тушишганди, куюнчак Мазифа опам ҳам ойим ёнида тунар, жимгина ҳиқирлаш билан тонг оттирарди.

Олам сукутга толган кезлар ойим, опаларимга термилар, яъни «одам тупроқдан яралган, оқибати — тупроқ», деган онамнинг гапини эслар, хаёлга чўмардим. «Одамлар тупроқдан яралади, — ўйлардим тинмай, — тупроқдан одам шаклига келади, жуда қисқа муддат шу тупроқ устида елиб-югуради, бола-чақа кўйида куйиб-пишади-да, қайтадан тупроққа қоришади ва бадар йўқолади. Ўз вужудига сингади. Онажоним ҳам ҳадемай шу тупроққа... йўқ... йўқ! Мен бундай бўлишини асло истамайман! Онажоним ҳеч қачон тупроқдан яралмаган, яралиши мумкин ҳам эмас. Онажоним руҳ

ё нурдан бунёд бўлган! Руҳ, нур ўлмайдди, ўлмаслиги шарт, тупроққа ҳам қоришмайди. Ахир семиз-семиз китобларни ўқиб туширган муаллимларим: «Руҳ, нур абадий, у ўлмайдди, йўқолмайди», деганди-ку!»

Ойим тасаввуримда руҳ ё нурдан яралгандай туюлаверар, ўлиши, тупроққа қоришишига асло ишонмайсидим. У руҳ ё нурга айланиши, қачонлардир учиб ерга тушиши, биз — фарзандларини бахтиёр этиши зарур эди. Бироқ кетганлардан бирортаси ҳам қайтмаган, қайтиши мумкин ҳам бўлмаган, буни эслашнинг ўзи кулгили ҳоллиги, тирик жон вақти билан тириклик фаолиятини йўқотиши муқаррарлигини табиий бир ҳиссиёт сездирса-да, бари бир ойимнинг тупроққа қоришишини тан олгим келмасди. Барча инсоний гўзаллик, эзгулик, олижанобликни ўзида мужассамлаштирган онажоним ўлиши, тупроққа қоришиши асло мумкин эмасди-да. Табиийки, бу фикрлар ҳам ёшликка хос соддадиллик эди, ҳолос.

Кунлар ўтиши билан ойимнинг аҳволи мутлақо оғирлашди. Туншунчаси сусайиб, туйғулари сезиларли даражада инқирозга юз тутди. Шу билан вужудда хазон фасли бошланди. Энди у чой ҳам сўрамас, овқатни эса хаёлига келтирмас, жимгина мизғир, гоҳо кўзларини очар, илинжсиз, иштиёқсиз, бизга лоқайд қарар, ҳамма нарсадан умидини узаётгани нигоҳида ошкор кўринар эди. У фарзандлари, уларни ортда қолдириб кетаётгани, келгуси тақдири ҳақида энди бош қотирмас, қизиқмас, гўё хонадонимизга етти ёт бегона одамдай кўринарди, нигоҳ ва чехрасида кимгадир кўнгил бериш, ўз кўнглини овлатиш аломати англашилмас, фақат безовта қилманглар, деган ифоданигина ўқиш мумкин эди. Кўзи, қовоқлари, ҳатто қўл-оёқлари ҳам сарғайган, гўшт ва томирлари катталашиб, бармоқ тегиши билан ўрни оқиш, сўнг қизғиш рангга кирар эди. Бўйин томирларигина липиллаб урар, мана шу «уриш»гина вужудда ҳаёт нишонаси сўнмаганидан дарак берарди. Шишлар ўпкасини қисиб, натижада нафас олиши қийинлашган, энди унинг ягона орзуси — тезроқ барча оғриқ ва азобларга чек кўйиш, бартараф этиш, сўнг оёқ-қўлларини бемалол узатиб, тинчгина оромга толиш эди.

Ўша куни уйда қозон қайнамади, чой дамлаш ҳам ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Опаларим кўзларини енглари билан артишиб жимгина ўтиришар, гўё ойимнинг оғришига ҳар бири ўзини айбдор санаб, бир-бирларига тик қарашга ботинмас, лекин айблари нимадан иборатлигига тушунолмаб гаранг эдилар. Агар шу кез кимдир дабдурустан: «Онангизни аввалги ҳолига қайтараман, бунинг учун умрингизнинг ўн йилини беришга

розимисиз?» — деса, ҳаммамиз, жумладан ўзим ҳам, ўйламай-нетмай: «Истасангиз барини олинг, фақат онажонимни тезроқ соғайтиринг», дейишимиз аниқ эди ва бунга мутлақо шубҳа қилмаса ҳам бўларди. Ҳамма шундай ҳол юз бериши, жуда тезлик билан юз беришини кутар, лекин муҳлат орқага сурилаётганидан юраклар сиқилар, эзиларди. Рангларда қон қолмаган, изтироблар эса олий пардага кўтарилган, вужудлар қалтирар, титрар, ҳамма бирдай ойимнинг кўзларини очиши, туришини интизорлик билан кутар, орзулари ушалмагач, ноилож ташқарига чиқишар, йиғлаб юракларини енгиллаштириб қайтишар эди.

Чекилаётган изтиробларга бардош беролмай ниҳоят мен ҳам ташқарига чиқдим. Ҳаво айнаган, қаттиқ изғирин бошланиб, осмонни кўкиш, оқиш булутлар қоплаган, мана, қор ёғаман дер, онда-сонда қор учқуни жонсиз юзга уриларди. Манзара мени хаёлга чўмдирди. Гўё осмон ҳам ойимнинг бетоблигидан хабар топган-у, унга бўлган ҳурмат-эътиқоди туфайли оғир изтироб чекар, қорлари билан кўз ёши тўкишга шайланганди. Чиндан ҳам ҳавонинг айниши ойим бетоблигига алоқадорми ёки бу шунчаки фасл хуружимиди, бир нарса дейишим маҳол эди, лекин миямнинг қасридадир «алоқадор», деган тушунча шуълаланиб турарди. «Ойим илиқ, шабадали, ёруғ кунлар, баҳор, ёз фаслини хуш кўрарди, — деган фикр менга тинчлик бермасди. — Нима учун оғриб ётганда ҳаво айнади, қора совуқ бошланди, нимага, нима учун?..»

Ойим, мен - арзанда ўғли олдидаги оналикнинг барча муқаддас бурчини аъло даражада адо этган — едирган, кийинтирган, улғайтирган, болалик учун хавfli бўлган ҳаётнинг турли босқичларидан омон сақлаб ўтганди, мен эса ойим олдидаги фарзандликнинг муқаддас бурчини мингдан бирини ҳам бажариб улгурмагандим. Мен буни қачонлардир, умримнинг қайсидир сўқмоғида узишим шарт ва зарур эди. «Онажоним қорнида қонқонимга сингган, эндиликда улғайиб шиддатга минган мана шу табиий туйғу — бурчимни қандай қилиб узаман?» - деган тушунча мени қийнагандан қийнади. Онажоним оғир бетобланди. Эрта ё индин... --худо кўрсатмасин... оҳ, эслаш қанчалар оғир-а... хазон бўла бошлаган япроқ — онам эрта ё индин арзимас бир шамолнинг тўлқини билан тўкилиши, мутлақо тупроққа қоришиши мумкин... Ундан кейин эса узилган, сарғайиб хазонлашган япроқ — онажонимни қайта кўриш... нимага, нима учун табиат бунчалик шафқатсиз... ҳамма нарса қайтади, кўкаради, бироқ, узилган япроқ — онажонимгина қайтмайди, кўкармайди... қайтмагач, кўкармагач, мен уни қайтиб кўролмайман... йиғлаяпман... бутун вужудим йиғлаяпти... кўз ёшларим билан онажоним олдидаги бурчимни

ҳаётлигида шошилишчи узиш, бажариш йўлини излардим, қандай қилиб, нималар билан... Чой ичмаса, овқат эмаса... ичгани, егани билан бари бир булар бурчга кирмайди-ку! Муқаддасларнинг муқаддаси, олижанобларнинг олижаноби, саховатлиларнинг саховатлиси — онажоним қалбимда абадий яшасин, ўзи қурган тенгсиз ҳайкали абадий йиқилмаслиги тайин (Бурч — бошқа тушунча). Бирдан миямга: «Онажонимнинг расмини чизсам, балки шу билан олдидаги бурчимни қисман бажарарман», деган фикр урилди ва қалтиратиб юборди. Бу — муқаддас онажонимнинг расмини чизиш олдидаги, яъни ер юзидаги ягона, тенгсиз муқаддаслик — она сиймосини абадийликка яратишим лаҳзасидаги қалтироқ эди. Оҳ, қандай даҳшат! Онанинг хазон бўлаётганда расмини яратишдан ҳам кўра қайғули ҳол бормикин... Кўз ёшларим билан югуриб қаршидаги хонага ўтдим. Тажанглик билан тоқчадаги китоб-дафтарларни титкиладим. Кўпдан бери чанг босиб ётган альбом ва мўйқаламни олдим. Альбомни дераза тахмонига тираб ерга чўкдим-да, мўйқаламни бўёққа суриб чизишга шайландим. Вужудим қалтирагандан қалтирар, мана, мана, юксакларга кўтариламан, деб ўйлардим. Турар, чўкар, чизар, орқамга тисарилар, қайтадан ишга киришардим. Миямда турли ўйлар гужгон ўйнар, тасаввуримда эса турли ранг, манзаралар шакллана борарди. Бироқ, расми нимадан бошлашни билмаётгандим. Ахир, онани чизиш — ҳамма учун муштарак бўлган сиймони яратиш осонмас-да. Бутун тирик жонни туққан, ўзи емай боласига тутган, унинг учун ўлимларга кўксини қалқон этган, эвазига ҳеч нарса талаб қилмаган муқаддас она расмини чизиш ўзим кўрган, тасаввуримда яратган, ҳар лаҳза нафасини туйган, телбаларча севган, севмасликнинг мутлақо иложи бўлмаган онажонимни расмда акс эттириш, тирилтириш — машаққатларнинг машаққати эди. Назаримда онажонимнинг расмини ман-ман деган, яъни дунёнинг барча улуғ рассомлари ҳам чизиши маҳолдай туюлар, уни фақат ўзимгина яратишим мумкиндай кўринарди. Чунки рассомлар она расмини яратаётганларида менчалик ҳис этмасликлари мумкин эди.

Изтироб ва ҳаяжоним расми тезроқ чизиш иштиёқи билан алмашди-ю, қалбим қувончларга тўлди. Мўйқаламни қоғозга сурар, ойим эса тасаввуримда гоҳ қаҳ-қаҳ отиб кулар, гоҳ жониворларнинг бошини силаб, овқатлантирар, баъзан марҳум Ортиқвой ўғрини ётқизиб муштарак, кўзлари ғазаб ва нафратдан чарақлар, гоҳ эса кўп болали Қосим юввошнинг болаларига нон улашар, кейин эса Риқси опамни бағрига босиб юпатаётган, қўшилиб йиғлаётган, сал ўтмай эса ароққа муккасидан йиқилган

эри ва фарзандларига содиқ уй бекаси тимсолида гавдаланар эди. Ниҳоят, тасаввурим ойнасида онажонимнинг сўнгги онлари — тўшакдаги қиёфаси жонланди ва шу ҳолини акс эттиришга жазм қилдим. Кўлларим қайгадан титрай бошлади ва янги иштиёқ, изтироб, ҳаяжон билан орзуйимни амалга оширишга киришдим.

Ташқарида оёқ шарпалари сезилар, опаларим елиб-югуришар, турли томонга ўтишар, ҳиқирлашар, лекин мен ҳеч нарсага эътибор бермас, эътибор берадиган аҳволда эмасдим. Расмни тезроқ битириш, биринчи галда ойимнинг ўзига кўрсатиш — оҳ, у бари бир кўрадиган аҳволда эмас-ку! — иштиёқида ёнардим. Кўзларим ёшланар, ёшлар тийилар, қовоқларимда қотар, қотган ерлар тиришиб ачишар, ғайри-табиий бир шиддат, қудрат билан тер тўкардим. Аста-секин онажонимнинг кенг, нурли пешонаси, пешонасидаги тўртта ажин чизиклари, гўштсиз, лекин бетоблик оқибатида шишган қовоқлари, сийрак, рангсиз киприклари, қовоқ милклари орасида қотган икки томчи, яъни ҳаёт билан видолашиш олдидаги, ундан ҳам кўра олам, ҳаётга тўймаслик, ундан кўнгул узолмаслик асносида тўкилган, қалқиган аччиқ инсон изтироблари аломати бўлмиш — ёшлари, бу пайтга келиб хиёл чўзилган, учи торайган бурни, бурни учигаги аниқлашган майда доғлар, ичига тортган жағлари, туртиб чиққан юз суяклари, қорайиб ҳароратдан ёрилган лаблари, шалвираган бўйин териси, сертомир билак, қўллари, ниҳоят, ер юзидаги барча одамлар, ҳатто оҳулар, булбуллар кўзига ўхшаманган, ўхшаши мумкин ҳам бўлмаган раҳмдилликда тенсиз, олижанобликда қиёссиз, саховатда улуг, қачонлардир — қизлик даврида ёнган, чарақлаган, барча гўзалликларни ифодалаган, эндиликда эса ҳаёт машаққати, ғам-ғуссаси сарғайтирган, ўлгин бир манзара касб этган, ҳадемай юмилажак қўй кўзлари тасвирлана бошлади. Онажонимнинг кўзлари ҳаддан зиёд қайғули чизилди. Бу, ўз ихтиёримсиз юз берди, илгарилари эътибор бермагандим. Мана энди маълум бўлдики, мен кўрган, учратган, билган одамларнинг бирортасининг кўзлари ҳам онажонимнинг кўзларидай қайғули эмас экан. Назаримда табиат барча қайғуларни йигиб онажонимнинг кўзларига жамлагандай туюларди. Чиндан ҳам шундаймиди, ё тугаб бораётган инсон кўзлари асли шундай ҳолга тушармиди, бир нарса дейиш қийин. Лекин онажонимнинг кўзларини илк бор қайғули кўраётгандим. Сочлари оппоқ оқарган, қўллари икки томонга ташланган... Расм ўзим ўйлаганимдан ҳам аъло даражада яратилди. Лекин, афсуски, онажоним узилаётганида яралди. Илгари... бунинг иложи йўқ эди. Ахир, ҳамма нарсалар ҳаётнинг бошланишида ё тугашида тугал акс этади-ку! Оралиқ доим мавҳум бўлган ва чала

қолган. Расм қиёмига етди. Қиёматга етади. Шунинг учун етдики, мен иккиланмай, бутун туйғу, тушунчам, ҳароратим, қудратим, иқтидоримни сарфлаб чиздим. Расмни мен чиздим, лекин чизишга ундаган қудрат онажонимнинг ўзи, яъни менинг вужудимдаги бўлаги сабаб бўлди. Ахир, биз бир вужуднинг икки бўлаги эдик холос. Вужуднинг бир бўлагигина иккинчи бўлагини мана шундай табиий ҳолда акс эттириши мумкин эди.

Кўзларим ёшларини тўкар, вужудим титрар, онажоним расмини кўзим, юзим, кўксимга босар, шу билан ташна, дилгир, асабий, тажанг қалбимга таскин берардим, илгари чизган товус расми онажоним расми олдида «ҳеч»га айланди. Қувондим, қувончим изтиробли эди.

Расмни ҳеч кимга кўрсатмадим, кўтсатишга қўрқдим, юрагим бетламади. Токчага қўйдим, устига ойимнинг ўралмаган оҳорли рўмолини ташладим.

Энди мени на ўйлар, на хаёллар, ўз-ўзини юпатиш, таскин бериш туйғуси овута олар, дилгир вужудим изтироб, чексиз изтироб исканжасида эзилар, сиқилар, бўғилар эди.

Қўрқув ва таҳлика, ҳамма нарсадан безган, юрак олдирган бир аҳволда ортимга қайтдим. Опаларим ойимга термулишар, ойим эса жимгина ухларди. Чўқдим, ойимнинг қўлини кафтларимга олиб юзимни босдим.

— Қўй, озор берма, — шивирлади Маърифа опам ўлгин овозда. «Нимага, озор берма» дейсиз! Нима учун онажонимни силаш, қўлини юзимга босиш, ўпишга қўймайсиз? — қабилида Маърифа опамга нигоҳим билан эътироз билдира бошладим. — Ахир, онажоним доим мени кучарди-ку! Эркалаб, силаб ўпарди-ку! Ахир, биз кўпчиликмиз, онажоним эса битта. Битта онажонимга ҳам меҳримни изҳор қилолмайманми?!»

Тун ярмидан оғди. Безбет тун... Маърифа опам туриб, токчадаги отам ҳарбийдан олиб қайтган соатга қаради. Уч... соат кўрсаткичлари имиллар, вақт эса ундан ҳам баттар имиллар, тонг ёришиши чўзилгандан чўзиларди. Мен шу пайтгача туннинг бу қадар чўзилгани, зерикарли бўлган ва даҳшатга айланганини сезмаган, эътибор ҳам бермагандим. Тасаввуримда олам яралгандан буёнги тунлар-кунлар мана шу бугунги тунга жамланган-у, бутун даҳшати шу тунда кечарди. Гўё тун билан тонг орасидаги масофа минг йилга тенглашганди.

Нихоят, ойимнинг қўл-оёқлари сезилар-сезилма қимирлади, аммо кўзларини очмади. Сўнг лаблари шивирлади, аввал ҳеч нарса англашилмади, аста-секин овози кўтарилиб, тиниқлашди:

— Онажоним келди, қоп-қора аравада келди, мени олиб

кетгани... йўл бўшатинглар... нимага йўлимни тўсасизлар...

— Ойи... ойижон...

Кўзларим ўнгида бирдан улкан ва ловуллаб аланга олаётган олов ёнди-да, атрофга ёйилди, атрофни ўт босди. Устимга энди шафқатсиз ва қутурган тўлқинлар ёпирилар, тўлқинлар кўзимни очишга, нафас олишимга имкон бермас, танамни аланга жизганак қилар, бераҳм тўлқинлар эса гирдобига тортар эди. Вужудим чексиз ва турфа азоблар, изтироблар орасида қовурилар, қовжирарди. Изтироблар орасида жуда қисқа муддатда йўқолиб қолдим. Ҳушимни йиғиб, кўзларимни очганимда опаларим қулоқни қоматга келтиргудай фарёд чекишар, сочларини юлиб, юзларини тирнашарди. Маърифа опам унсиз йиғи билан ойимнинг лабларига сув томизар, бошқалари ойимнинг қўл-оёқларини силшар, сийпалашарди. Ойим эса қимирамас, қадрдон уйи, танаси ва жонига туташ фарзандларини, кўрган-кечирган, татиган барча шодлик, бахтиёрлигини, чеккан азоб, ангизлари — ҳамма-ҳаммаси, ҳатто шунча йил нафас олган оламни ҳам абадийликка ташлаб, тарк этиб кетаётганиди...

Ташқарида борлиқни даҳшатга солиб, юракда кўрқув ва таҳлика кўзқатиб момақалдироқ гумбирлар, деворларни титратарди. Осмон қалдироқ, гулдираклари билан ойимни абадийлик уйқусига толдираётганиди... чексиз нафрат ва ғазаб билан соатга қарадим. Соат кўрсаткичи бешу ўттиз дақиқани кўрсатиб турарди. Ўттиз биринчи октябрь, жума тонги... минг тўққиз юз олтмиш тўққизинчи йил... бирдан кўзларим тиниб, бошим айланди, қисқа-қисқа ўқчидим, ўқчиш қайт қилиш билан алмашди. Оғзимни тўлдирган аччиқ сўлакни тупуриб ташладим. Юрагим, томоғим, кўкрагимга нимадир тиқилар, на чиқар, на ютишнинг иложи бориди. Такрор тупурдим. Қон ранги... Ёшли кўзларимни артиб, бошимни кўтарганимда Маърифа опам онажонимнинг энгагини танғиб, оёқларини боғлаётганиди...

— Онажон... — лабларим қимиради, — онажон...

Онажоним бирдай сукут сақларди. Шундан кейингина ўзим учун ҳам, опаларим учун ҳам азиз ва мўътабар бўлган қадрдон кишимнинг олмдан мутлақо кўз юмганига, қайтиб уни кўриш мумкинмаслигига, оромбахш сўзларини бошқа эшитмаслигимга ишондим. Ишонган оним иккинчи бор ўқчидим ва бу гал бурним қонади. Ойимга қарар, термилар, кўнглимнинг қаеридадир ўлганига ишонмаслик, ҳадемай кўзларини очишга ишонч ва илинж туйғуси қалбимни равшан этарди. Лекин бу хаёллар тугдирган орзулар ҳам соддадилликдан ўзга гап эмасди...

Ойим чиндан ҳам бандаликни бажо келтирганига

ишонганимдан сўнг эса энди унинг тўшақда руҳ ё нурга айланишига умид боғладим, тезроқ нур ё руҳга айланса-ю, қайтадан қалбларни марҳаматига кўмса... Бироқ онажоним руҳга ҳам, нурга ҳам айланмади. Тўшақни ҳам тарк этмади. Ойимнинг бир неча кундан бери кўкарган юзи энди олий бир соф ва мусаффо, ажиб, мутлақо оқ-оппоқ тусга кирган, чиройига чирой қўшилиб, тикилгинг, термилгинг келаверарди. Онажоним умри бўйи тўлишишни орзу қилганди... тўлишди, бу тўлишиш уни абадийликка олиб кетди, абадийлик тўшашига ёнбошлаганда тўлишди...

Тонг... оғир, даҳшатли тонг ҳам отди. Кўнгилни гумуртирадиган, юракни оздирадиган безбет, ёқимсиз хунук тонг отди... мотамсаро тонг... Уни ойим сукут ва абадийлик уйқуси билан, биз эса фарёдлар, дард-алам, қайғу-ҳасрат, тубсиз изтироб билан қаршиладик... Бу тонг биз — фарзандларни фожага ботирди, ойимни эса абадийлик жарига қулатди... Икки орада тиклаш мумкин бўлмаган жудолик ғори очилди... Ҳаммасига шу мотамсаро тун чек қўйди ва мотамсаролиги билан хотиралардан жой олди...

Тонг отиши билан қўни-қўшни, яқин-йироқ, қариндош-уруғларга хабар берилди... тушга яқин эса ойимнинг кузатиш маросими ниҳояланди. Тобут келтирилганда эса йиғилар, кўз ёши тўкишлар соҳилдан ошиб-тошди. Тобут ойимнинг ўлганини ҳақиқатга айлантирди ва умидларни узди, видолашув мавсуми яқинлашганидан дарак берди...

Боз устига кутилмаганда Қосим ювошнинг ўкириб ҳовлига кириши, ўзини тобутга ташлаб, фарёд чекиши юракларни қайтадан эзди.

Ҳовлимизга сийрак қор чўкиб ётар, ойимни осмон оппоқ қорлари билан кузата бошлаганди... Пешинга яқин ойимни қабристонга кузатиш тараддудига тушишди. Опаларим мутлақо мадордан кетган, тобутга ёпишиб, ёнларига ҳеч кимни яқинлаштирмасди. Тобут кўтарилди, опаларим қўлларга ёпишишди, лекин қўллар раҳмсизларча уларни четга суриб ташлашди. Мен ҳаммага тираниб, аранг кўчага чиқдим. Катта йўл ўртасида йиқилдим...

Онажонимни кўмиш, қабрига бир сиқим тупроқ ташлаш менга насиб этмади, бу мен учун абадиятга армон бўлиб қолди. Ҳаммасидан фақат қўлимдаги ҳассагина қолди... Онажоним... уни катталар менсиз, опаларимсиз тупроқ остига қўйиб қайтишди...

Бир нафас мен учун ўлган олам, осмон, тупроқ орасида гангиб, оғир даҳшатлар исканжасида эзилиб, фарёдлар чекиб онажонимни юрагим кўзлари билан кузатдим... қабрга қўйдим, устига «хайрли»

САДР

Онажонимни узоқларга, кўз илгамас, ақл бовар қилмас узрқларга, не-не валламат зотларни ютган, лекин қайтариб чиқармаган, яъни уни сукут, абадий сукутга толдирган марҳумлар манзили — қабристонга кузатиб қўйдик. Оддий тахталардан ясалган ёғоч от — тобутга солишиб оёқлар ерга тегиб-тегмай чоптириб кетишди. Гўё ойим умри бўйи кечиш мумкин бўлмаган гуноҳ қилган-у, одамлар гуноҳларни яшириш учун тезроқ кўз, нигоҳлардан четлатишга уринишарди. Қизлик дунёсидан аёллик дунёсига кўчган, фарзандлар ўстирган, тўйлар қилган қадрдон уйига марҳумликдан сўнг ақалли бир кун сиғмади, сиғдиришмади... Ахир, ўз уйида уч кун тунаши, олам, фарзандлари дийдорига тўйиб олиши мумкин эди-ку, Лекин турли ибодат ва саждаларга кўниккан, унинг қулига айланган одамлар бунга имкон бермади. Онажоним дунёга бир марта келади, марҳумликдан сўнг орқасига бошқа қайтмайди-ку! Шундай экан нимага уни фарзандлари дийдорига тўйишига қўйишмайди?! Уй, фарзанд, олам, ҳаёт ширин-ку! Туғилишга тўйиб бўлмагани каби гўзалликка ҳам тўйишининг иложи йўқ-ку! Нима учун онажонимни уч кунгача меҳмон қилишмади?..

Онажоним узоқларда, тупроқ остига, қабрга кирди, мен эса опаларим билан уйи ва ёруғликни мутлақо тарк этган жигаримиз — ойим ҳурмати учун унсиз фарёдлар чекдим. Эшик олдида беҳол, бесас, беҳуш ўтирар, аёллар эса юзимга сув сепишар, узоқларда... онажоним тупроқ остига яширинарди. Азиз боши, мўътабар вужуди, марҳаматли юраги, муборак кўзларини тупроқ кўмарди. Уни қайтиб кўриш энди на менга, на опаларим, на оламга насиб қиларди. Онажоним хотирага кўчиб, ўрнашиб йўқлик ва яна йўқлик дунёсига сайру саёҳатлар бошлаганди. Ҳадемай онажоним яширинган, устини ёпган, сайру саёҳатлар бошлаган тупроқлар қорамтир рангини оч-жигарранг ранг билан алмаштирар, ҳовури ҳам кўтарилар, ҳассалар эса эгилиб, охир синар, сўнг чирир, ундан кейин эса ўрnidан ўт-ўланлар униб чиқар... ўша ўт-ўланларда онажонимнинг азиз боши, мўътабар вужуди, марҳаматли юраги, муборак кўзлари ўз аксини топади... ўт-ўланлар қабр дўнглигини пасайтириб, сўнг илгариги қабрлар билан тенглаштиради. Шу билан... Шу билан онажоним мутлақо тупроққа қоришиб... бу орада қанчадан-қанча қорлар эрир, ёмғирлар ёғиб тинар, гуллар очилар, гўрлар очилиб, ёпилар. сўлар, сувлар оқиб ўтар, дарахтлар яшнар, хазон бўлар, япроқларини тўкади, кейин... аста-секин хотира заифлашади ва хотирадаги онажоним ҳам янги хотираларга ўз

ўрнини бўшатади... ахир, дунёда Худонинг ўзидан бошқа абадийлик йўқ-да. Тупроқ ҳам абадийлик... Онажоним ҳам ана шу таркиби-тупроққа сингиши, қоришиши билан ўзига, ўтган умрига абадийлик касб этади...

Марҳума жўнатилгандан сўнг аёллар удумга кўра опаларимни «садр»га тайёрлашди. Даврани Шарофат холам бошлаб берди. Опаларим кўз ёшлари. мунгли ихраш, ҳасратли инграш билан «садр» садолари остида ҳовлини айланишга тутинди. Аламли қўшиқ илк бор Маърифа опам юрагидан узилди:

*Қора рўмол қўлимда,
Қараб қолдим йўлингда.
Сариқ рўмол қўлимда
Сарғайибман йўлингда.*

Маърифа опам олдинда, Соифа, Мазифа, Риқси опам орқада, мен эса адоқда давра айланар, бир неча кундан бери ҳолдан тойган оёқлар ерга «гурс-гурс» тушар, опаларим мутлақо жондан тўйган бир аҳволда сочларини юлиб, юзларини тирнашар, шу кўйи ойимга бўлган меҳр-муҳаббатларини изҳор қилишар, мен эса уларнинг ҳаракатларини такрорлардим. Маърифа опамнинг йиғлайверишдан хириллаб бўғилган аламли, қайғу-ҳасратга тўла овози янграгандан-янграрди:

*Бўз-бўзлай, бўзлай,
Бўзлардан учган ғазалай.
Ўз тенгининг ичинда
Уйнаб-кулиб юрмаган
Жон онамдай беталай.*

Опажонимнинг фарёди кўтарилгандан кўтарилар, оёқлари гўё кўпдан бери ортиқчалик қилаётгандай, ундан мана энди қутулиш пайига тушгандай бераҳмларча, шафқатсизларча ерга урар, зарбдан суяклари қирсиллар, вужуди эса қалтирар, қўллари бетартиб ва шиддат билан сочлари, юзидан ўч олар, гоҳо бирдан тўхтар, ўкириб йиғлар, яна шиддатга минарди. Майиб оёғини ҳарчанд тергаб босадиган, эҳтиётлайдиган Соифа опам бу гал на тергаш, на эҳтиётлашни ўйлар, жазавода ерни ларзага солгудай тепар, сочлари миқдорини камайтирар, юз териларини юпқалаштирар, кўксини қонга беларди. Унинг тиниқ-соф овози асабийлашганди:

*Кўкариб оққан кўк дарё,
Кўкариш ерда дарди бор.
Жоним онам, ғарибим,
Армони кетмай дарди бор.*

Бир неча кунлик очлик, ташналик оқибатида мутлақо ҳолсизланган Мазифа опам Соифа опам ортидан фиғон чекар, эшитилар-эшитилмас шивирлаш билан товонини ерга босар, қўллари сочларига чанг солар, кўзларини юмиб телбаларча тортар, сочларини бир пайтда суғуриб ололмаётганидан ғазабланар, юзини шилар, қонга бўярди. Унинг хатти-ҳаракати, фарёди ҳам беозор кечар, овозида хиргойи оҳанги сезиларди:

*Сойларда битган сим терак,
Сим теракка сув керак.
Ўғилларинг тўйида,
Жоним онам, сен керак.
Осмондаги булутни
Ёқмайди хаёл айладим.
Жоним онам, ғарибим,
Ўлмайди хаёл айладим.
Оқшом тушимга кирган,
Ғариб онам, сен бўлдинг.*

Опагинам, гўё узоқ муддат ўз бахти, шодлиги, орзу-армонлари манзилини излаган, кўзлаган, югурган, ниҳоят манзили йўллари адаштирган, орзу-армонлари ушалмаган бир қиёфада бўзлар, мунгли-мунгли, ҳазин-ҳазин куйларди.

Унинг орқасида кучли шиддат, телба жазави билан ер тепиб бораётган Риқси опамнинг аҳволига маймунлар йиғлағудай эди. У бутун қувват ва имконияти, туйғу, тушунчаларини биргина «садр»га сарфлаб, онажонимнинг ҳурматига садаға этар, нисор қиларди. Бармоқлари гўё очиққан бургутдай сочларига чанг солар, кафтларига тутиб берар, кафтлари эса сочларини ўрнидан юлиб чиқарар, сўнг бармоқлар аёвсиз юзини тирнар, териларини сидириб чиқар, қонлар кўксинни қизартирар эди. Узлуксиз йиғлаш ҳам овозини бўғмаган, аксинча тиниқлашиб, тобора кўтарилиб, яшнаб борарди.

*Шу ёққа борган шўр қўллар.
Онамга салом айтинлар,
Онам мени сўраса,
Аҳволи оғир денлар.
Кўрмай қолдим кўзингни,
Айтолмадим сўзингни.*

*Энди қандай юраман,
Ғариб онам, раҳбарим.
Ўлимлари қурсин,
Сендай киши чириса.*

- Бола пақир қийналди...
- Боқваган онани ҳам шудай яхши кўрадимми?!
- Тутинган ҳам туққандан афзал бўлади...
- Ўғлига қаранглар, бўтадай бўзлайди...
- Тилаб-тилаб олган, яккаю-ягона ўғли, бўзласа арзийди...

Қулоқларимга шу тахлит овозлар чалинар, опаларимнинг фарёдларига қоришиб кетар, аста сўнар, яна қайтадан янграр, ойим ҳақидаги тушунчани оз муддатга четга сулар, ўрнини янгидан опаларимнинг нолишлари эгалларди. Мен опаларимдай «садр» ва унинг қонун-қоидаларига диққат қилмас, онгсиз, паришонхотирликда ер тепар, гоҳида юзимни чангаллар, тирноқларим эса ёпишқоқ, силлиқ юз теримда сирпанар, сочларимни юлиш учун қўл чўзар, тақир қирилган бошимни тирнардим. Иҳраш, инграш билангина чекланар, «Онажон!» дейишдан нарига ўтмасдим. Миямни фақат онам ҳақидаги ўй-хаёллар эгаллаб турар, ойимнинг бирдан тирилиб қолиши, ҳаммани ҳайрат ва таажжубга солиб эшикдан кириб келиши ҳақида бош қотирар, бу тезроқ ижро этилишини тоқатсиз кутар, «садр» тушаётганимиз ва бу ойимнинг ўлганини чинга айлантирганини эслагач, азоблар орасида қайтадан сиқила бошлардим. Гўё вужудим менга бўйин эгишдан бош тортар, ўй-хаёллар, ҳаракатлар ҳам зерикарли, бадҳазмдай туюларди. Танамдан тер қуйилар, бамисоли осмондан ҳам тер чиқар эди. Кийимларим шалаббо ҳўл, бўғинларим олов-оташда ёнар, иссиқ томоғимни қақратар, бўғар, териларим шишиб бораётгандай туюлар, сезар, бари бир оёқларим бир маромда кўтарилиб тунар эди. Опаларим бу пайтга етиб толиқишган, энтикишар, ҳансирашар, жон бераётган қушдай оғизларини каппа-каппа очишар, зўр бериб ҳаво сўришар, лекин шаштларидан тушишмасди. Маъифа опамнинг мунгли-мунгли, ҳазин-ҳазин овози қулоққа чалинарди:

*Қора рўмол қўлимда,
Қараб қолдим йўлингда.
Сариқ рўмол қўлимда,
Сарғайибман йўлингда...*

Ниҳоят оёқларим майишиб, мана, мана, ҳушсиз ерга йиқиламан, деяётганимда кўзларимга Мазифа опам чалинди.

Унинг ҳам оёқлари чалишиб борарди. Бўйдор бир аёл шошилинич ёнига яқинлашиб тирсагидан олди, у эса кўзларини юмиб гангиган бир ҳолда ўзини аёлнинг бағрига суқди. Гўё ойимнинг бағрига суқилгандай юзини юзига сурди, аёл ҳам унинг бошини силаб, бағрига тортди. Бошқа бир паст бўйли аёл эса Мазифа опамга пиёлада сув тутқазди, у сувни ҳўплади ва дарҳол орқасига ўгирилиб ~~дарҳол~~ қушилди. Бошимни кўтардим ва беихтиёр Рикси опамга қарадим. Назаримда у қисқа муддатда бутун куч-қувватини сарфлаб бўлганди... гандираклаб турганда бўйдор аёл унга ҳам сув тутди, лекин у пиёлани орқага итарди, пиёла ерга тушди, лекин синмади. Унинг қадам олишлари тезланди.

— Ҳой, бой бўлгурлар, келинга дам беринглар, йиқилади, — деган овоздан аёллар томонга назар ташладим. Қуда-кампир афтини тириштириб Мазифа опамга талпинарди. Кампирга ҳеч ким қулоқ солмади. Мазифа опам эса ўгирилиб ҳам қарамди. Кутилмаганда «гуп» этган овоздан аланг-жаланг алангладим. Соифа опам йиқилган, кафтларини ерга тираб, кимдандир кўмак кутар, туришга эса мадори етмасди.

— Опажон! — дея энгашиб қўлидан ушладим ва турғазишга уриндим. Бироқ қувватим етмади, сўнг оч ва олазарак, илинж, юпанч излаб аёлларга термилдим, «ёрдам беринглар, опамни турғазинглар», дегандай мўлтайдим, ҳадеганда ёрдамга келишавермаганидан ғазабландим. Ойимдан кейин наҳотки Соифа опам оғриб қолса, деган туйғу юрагимда ваҳм кўзгатди. Ниҳоят, аёллар уни кўтариб четга тортишди. Шу пайт Маърифата опам ҳам ўзини тутиш қобилиятини йўқотганди, бўйдор аёл зудлик билан унинг тирсагидан тутди. У йиқилмай қолди. Қуда кампирнинг тоқати етмади чоғи, алжираб-алжираб ўртага чиқди ва Мазифа опамнинг билагидан ушлаб силтади. Мазифа опам ўз ихтиёрисиз қайнонасига мойиллик билдирди. Рикси опамгина, титилиб абжағи чиққан, гўё сон-саноксиз отлар гўё топташ оқибатида пайҳонага айланган ер — лойда тинмай айланар, ер тепар, бўзлар, сочи, юзидан аламини оларди. Энди мен сўнгги кучим билан унга суяниб силкири, «опажон!» дея кўнглимга таскин берардим. Томоғим қақрагандан қақрар, гўё личоқ қадалган ё қирқаётган кездеги оғриқни ҳис этар, мана, мана, нафасим бўғилар, шу билан жоним узилай дер... тобора кучаяётган олов танамни куйдиргандан куйдирар, ташналигим эса ортгандан ортарди. Ҳушим сусайди, бошим айланди, кўзларим тинди, қўл-оёқларим титради-да, қийшайди, сўнг юзимга сув сепилгани, сув гўё қизиган тошга сепилгандай жизиллагани англашилди. Кўзларимни очганимда эшикдан эркаклар кириб келар, Рикси опам мени кўтарарди. Жаҳд

билан қабристондан қайтаётганлар орасидан ойимни қидирдим, лекин тополмадим... ойим йўқ эди... қайтганлар «садр» маросими ва унинг садоларига чек қўйишди, ниҳоялашди. Ойим кузатилганда бошланган «садр» уни кўмиб қайтишлари билан адоқланди. Шундан кейин ойимнинг абадий қайтмаслигига ишондим ва кўзларим аччиқ-аччиқ ёшга тўлди. Бу онасизлик жудолигининг аччиқ кўз ёшлари эди...

Ичкарида ойимнинг ҳурмати учун қуръон туширилди, бошқалар қатори мен ҳам сукут билан қуръонни садоларини тингладим, қулоғим ичкарида, хаёлим эса ойимда...

Ҳовли тит-пит бўлган, тит-пит ерни опаларим қони қизартириб турарди...

«Садр» мени, менигина эмас, опаларимни, уларга гувоҳлик қилганларни ҳам ҳаддан зиёд толиқтирди. «Садр» шиддат, изтироб, саросима ва даҳшатли бир тўлқин билан бошланди, терлаш, беҳоллик, телбалик кўйларига тушиш билан адоқланди. Унда ҳиссиётлар, туйғулар, тушунчалар, изтироблар хуружи, дард-алам, қайғу-ҳасрати, дод-фарёдлар исёни ифодаланди. Бу хуруж ва исёнлар мутлақо самимий кечди, эҳтиросларга тўлиб-тошди. Қонлар тўкилган бу мудҳиш, қўрқинчли маросим «садр» садоларида она, фақат онажонимдан ажралиш, жудо бўлиш, унга кўрсатилган ҳурмат-илтифот, оқибат, яъни фарзандлар вафоси, икки орадаги талпинишлар, туйғу ва тушунчалар ўз аксини топди. Ҳаммаси она, фақат она учунгина ижро этилганини бутун вужудим билан ҳис этдим, бу тушунча, туйғу қонимга сингди, хотирамга ўрнашди. Ҳаммаси она учун, инсоннинг бошланиши ва ниҳояси ҳурмати учун юз берди...

Илгарилари «садр» ўйини мен учун даҳшатли, ёқимсиз, қўрқинчли, бадҳазм ва телбаликдан иборатдай туюлган, кўнглимни оздирган, «садр»дай нокерак маросимни ўйлаб топишган одамлардан нафратланардим. У менга ҳарчанд чириган, сасиган сарқитлардай кўринарди. Бугун эса у мен учун онажоним олдидаги муқаддас бурч, муқаддас шарафга айланди, унда, унинг садоларида мен она, яъни муқаддас инсон, мана шу муқаддас инсон йўқолишидаги инсон болаларининг фарёди, меҳр-оқибатларини кўрдим, туйдим. Шундай муқаддас ўйинни ўйлаб топишган, юракка таскин берадиган муқаддас маросимни ихтиро қилганидан яна инсонга, инсон болаларига хаёлан таъзим қилдим. Инсон тафаккури ихтиро қилган барча ижод авлодлар учун муқаддас ва шарафли эканини, мана, энди англадим ва аждодим қаршисида ўзимни бурчли эканимни тан олдим...

«Садр» — юрак таскини.

ОҒИР ИЗТИРОБ

Ойимнинг етгиси ҳам ўтди... Шу етти кун чексиз ва чидаб бўлмас изтироблар билан кечди. Гўё аср ва минг йилларга тенглашди. Юрагим сиқилар, эзилар, танамни оғир бир дард кемиргандан кемирар, мактабга бориш, кўчага чиқиш, тенгқурларим билан гаплашиш ҳам кўнглимга сиғмасди. Қосим ювош ёнимдан жилмас, чой ичиш, овқат ейишга ундар, кундан-кун озаётганимни айтар, оғриб қоласан, деб қўрқитар, бари бир қулоғимга гап кирмасди. Оздим, озганда ҳам ўлар ҳолга етиб оздим. Ахир, онадан айрилгач озмай... озиш у ёқда турсин, ҳатто оғир бир олинган нафасдан жон таслим қилишинг мумкин экан. Опаларим ҳам...

На чора, бахтсизлик бизнинг инон-ихтиёримизсиз юз берди. Одам ҳамма нарсага истаса-истамаса кўникиш, чидашга маҳкум. Бари бир ойимнинг ўлганига ишонгим келмас, эрта ё индин эшикдан жилмайиб кириб келишини тоқатсиз кутардим. Уҳлолмас, қисқа муддатли уйқуда ҳам ойим тушимга кирар, ҳаяжондан уйғонар, сўнг уйқусизлик бошланарди...

Жудолик кунларининг бирида хонадонимиз яна кутилмаган бир мусибатни бошидан кечирди. Риқси опамнинг ҳатта-ҳаракатида телбалик, ундан ҳам кўра ўта паришонлик, узоқ манзилга ошиққан, лекин юра-юра толиққан, йўлидан адашган одам ҳолига ўхшаш аломатлар кўзга ташланди. У йиғи билан қорин тўйғазар, йиғи билан ташналигини қондирар, йиғи билан кунни ботирар, йиғи билан тонгни оттирарди. Хийла сариқ рангга мойиллиги ҳисобланмаса, юз бичимининг гўзалликда етуклиги, қадди-қоматининг камолоти билан чин маънодаги Зухро деса арзигулик қиз — Риқси опам етти кунда таниб бўлмас аҳволга тушди. Сўлди, куз япроғи янглиғ сўлди... Қуруқ йиғлар, кўзлари ҳам ёш тўкишдан бош тортганди. Чамаси у ойимнинг ўзича «ўз-ўзлиги» билан севган, шу сабабли мурда устида жонини жабборга урганди, у ойимни мутлақо самимий туйғу билан севган, шу сабабли оғир азият чекканди. Ахир, уни эсини таниб-танимаган пайтда фарзандига айлантирган, ўксимасин, деган мақсадда ўзи емай унга тутган, кийгазган, бизларни баъзан жеркир, лекин уни ҳеч қачон жеркимасди. Ойим кўзларини юмишдан олдин кўлини Риқси опамнинг кўли устига босган, юрак сўзларини ҳам унга изҳор этганди. Бу табиий бир ҳол эди. Чунки бизнинг бағримиз бут, кўнглимиз тўлиқ, Риқси опамнинг эса бағри қон, кўнгли ярим эди. Ойим шу сабабли етимча — Риқси опамнинг ярасини янгиламасликка, етимлигини сездирмасликка уринар, барча

имкониятларни сарфлаб, кўнглини олиш йўлини изларди. Бизларни ҳам шундай қилишга кўниктирганди. Риқси опам билан бизнинг орамизда бирон вақт ёт-бегоналик аломатлари сезилмаган, бунда, табиий, ойимнинг улуши катта эди. Риқси опам ҳам ойимга ўз онаси, ҳатто ундан ҳам зиёда меҳр-оқибат кўрсатар, севарди. Ойим унинг учун Қримда қолган, йўқотган ота-онаси, укалари, шунингдек, бўлажак қайлиғи, бола-чақаси демак эди. Ахир, ойим турмушга чиқариш учун сарполарни ҳам тайёрлаб қўйганди. Қарийб ўн беш йил бағрига босган, меҳримарҳаматини дариг тутмаган, яъни оналикнинг барча саховатини аямаган одами оламдан ўтди... Унинг учун барча гўзаллик, эзгулик, олижаноблик эшиклари ойимдан сўнг беркилган, манзили, йўли ҳам тугаганди. Марҳуманинг барча маросимлари тугагач, опаларим ўз уйларига қайтшар, хонадонимизда мен, отам, Риқси опам қоларди. Отам эса ҳамон ўз дарди — ичиш билан овора эди. Онасиз уйга кириб-чиқиш, суюнчиғисиз умр кечириш, табиийки, унинг учун осонмасди, ҳатто даҳшатли эди. Очликдан силласи қуриб, саккизинчи куни бирдан йўқолиб... чошгоҳга яқин кўзлари шишиб, қизариб, телба бир ҳолда уйга қайтди.

— Онажонимни... — у гўлдирай-гўлдирай аранг лабини жуфтлади. — Онажонимни зиёрат қилишга чиқдим... Тупроқ остида жимгина ётибди... жимгина...

У шиддат ва аламзадалик билан мени бағрига босди, иссиқ кўз ёшларини кўксимга тўкди. Сўнг кескин ёнига ўгирилди-да, уйга кирди, бор-будини бир тугунга тугди.

— Риқси опа, қаерга... — сўрадим тикилиб, ерга синггудай бир оҳангда. — Мен...

— Анваржон... — у мени еб қўйгудай ё ёриб юборгудай бир важоҳатда бағрига босди ва пешонасини елкамга тираб узоқ турди. Ҳиқирлар, ҳиқирлар, вужуди кўтарилиб-тушарди. Юз-кўзларини тинмай елкамга сурар, кураklarимни силарди. Мен ҳам ҳиқирлар, сукут билан Риқси опамнинг билакларини гижимлар, ёқимли ҳидини симирардим. — Сиқилдим, — қулогимга титроқ овоз чалинди, — ўладиган ҳолда сиқилдим. Юрагим ёрилади. Ичимни ит тирнаяпти... Анваржон... бир ёқларга бориб қайтаман... ўша бир ёқларда зораки дардимга даво топилса...

У шашт билан ўзини орқага тортди. Дилгир, паришон, ёввойи бир қиёфада менга термилди, у гангиган, мутлақо гангиб қолганди. У тугунни қўлтиғига қисди-да, олазарак ташқарига чиқди. Йўлга тушди, ортидан эргашдим. Энди у на ортига, на ёнига қарар, на уйи, на мен билан иши бор эди. Бир юрар, бир югурар, ихрар, инграр, олдинга, фақат олдинга интилар, талпинар эди. Кўздан

йўқолгунча ортидан қараб турдим, лекин у ақалли кўнгил учун мен томонга ўгирилмади...

Шомни қаршиладим, чой дамладим, кутдим, кутавердим, бироқ у қайтмади. Алам билан, нафрат билан уни эслар, безовталанардим. Эрталаб жилдимни коволаштиратиб икки букланган қоғозга кўзим тушди. Очдим.

«Анваржон... Онажоним... Мен учун онажоним билан қишлоқда ҳамма нарса ўлди... қайта тирилтиришнинг иложи йўқ, чунки онажонимни ҳам тирилтириш мумкинмас... мен ўн беш йил шу азиз ва мўътабар инсон учун нафас олдим, умр кечирдим. Мен асли уйим — Қримдан, ота-онам, укаларимдан айрилганда ўлгандим. Онажоним мени ҳаётга қайтарганди. Менга қайтадан ҳаёт бағишлаган ўша қадрдон инсон ўлди... энди мен учун ҳеч нарсанинг қизиғи қолмади, кетдим, Қримдаги уйимни, ота-онамни излайман, қидираман. Уйим, ота-онам, укаларимни топсам яхши, топмасам, бундан буёғига мен ўзбек онам ёнига ёнбошлайман-у, қўлларимни кўксига ташлайман...

Анваржон! Сени унутиш ҳам мен учун осонмас... Отам, опаларимдан мен учун узр сўраб кўй. Берган тузларига рози бўлсинлар... Хайрлашиш кўнглимга сигмагани, оғирлиги сабабли уларнинг кўзларига кўриноладим. Болажон, биламан, отам кўп ичяпти. Сен буни ёқтирмайсан. Майли, арқонни узун ташла, бағрингни кенг қил, ҳар ҳолда ота. Сени сева-сева тарк этган опанг Риқси...»

— Аблах Риқси, жинни Риқси, — дея гўлдирдим ва юзимни чангаллаганча тўйиб-тўйиб йиғладим ва бирдан юрагимни оташин бир меҳр туйғуси эгаллади. — Риқси опа... Риқси опажон...

Юрагимдаги нафрат ва газаб туйғуси дарҳол сўнди ва олий бир эътиқод туйғуси билан алмашди. Бундан қувона бошладим. Бечора Риқси опам ўз уйи — Қримга, ота-онаси, укалари ёнига жўнабди. Қандай яхши, қандай яхши...

Воқеадан опаларим хабар топишди. Зир титрашиб қаргашди. «Етим кўзи асрасанг, оғзи-бурнинг мой бўлар, етим бола асрасанг оғзи-бурнинг қон бўлар», қабилда шаънига лаънатлар ўқишди. Қаргаш, лаънатлар ҳам, табиийки, уни беҳад севишгани, севган одамларидан бевақт ажралганлари алами туфайли юз берди. Чунки, улар сеvimли сингилларининг тенги топилса, ойимнинг йилидан сўнг турмушга бериш ниятида эди. Ахир, ойим тўй сарполарини тайёрлаб, турмушга чиқаришни кулоқларига қуйганди-да. Риқси опам ҳаммасига чек қўйди. Кетди ва тўғри қилди. Бўлажак эри, тугилижиа болаларидан ҳам кўра, ўз уйи — Қрим, ота-онаси, укаларини афзал кўрди. Келажагини уларга қурбон этди... Қрим

— жаннаткамон ўлка — унинг учун асл Ватан...

— Жинқарча, билдирмай йўқолганини қара. — бўғиларди Соифа опам.

— Ақалли хайрлашмабди-я, — қувватларди Маърифа опам.

— Овозларингизни ўчиринглар, етар, — бақирдим асабий ва тажанг оҳангда, — тушуниб-тушунмай валдираверасизларми? Сизларнинг уйингиз, отангиз («онангиз» деёлмадим), опасингилларингиз бор. Унинг ҳеч кими йўқ-ку! Ахир, ўз уйига — Қримга, ота-онаси, укалари ёнига бориши керак-ку! Ажаб қилди.

Кунлар ўтган сари Риқси опамни яхши ният, иштиёқ ва ҳавас билан эслай бошладим. У кетди. Мен учун беҳад қувончли, шодлик дамлари яқинлашди. Ҳаяжондан кўзларимга ёш ҳам қалқиди. Қувонмаслик, шодланмасликнинг иложи йўқ эди. Ахир, беватан, ота-онасиз, укасиз қолган Риқси опам ниҳоят ўз уйи — Қримга, ота-онаси, укалари ёнига жўнаганди. Қайтмаганда бутун умри кўз ёши, изтироб, таҳлика, дард, ҳасрат, қайғу билан кечар, ҳаётини шамолга совурар, хазон этарди. Кетмаган тақдирда эсидан оғиши, ё оғир дардга мубтало бўлиши тайин эди. Ватани — Қримга, ота-онаси, укалари ёнига қайтиши мени чексиз қувонтирди, бироқ сал кун ўтмай Риқси опамнинг хонадонимиздаги ўрни очиқ сезилди ва оғир мусибатга чўктирди...

ХАЙР, БАҲОР!

Болалик фасли ортда қолди. У менга изтироблар, чексиз изтироблар билан бирга тубсиз шодликлар инъом этди. Улар орасида турфа яқинлашув ва узоқлашувлари, эътирозлари ҳам бўлди. Инсон умри — фаслининг самимият, фақат самимиятга тўла, яъни гултожи бўлмиш — бу нурли даврида йиғим ҳам, кулгим ҳам мутлақо самимий кечди. Сўкишиши, муштлашиши, муҳаббат ва нафрати ҳам самимийлик доирасида юз берди. Ақлим етган, фикримни қарам, ром қилган, шодлантирган, изтироб чектирган, яъни олам ва одамзод кечмишларини ҳақ деб билдим, бунга бирон-бир шубҳасиз ишондим. Олам ҳам, ҳаёт ҳам шундай, бошқача бўлиши мумкинмас, деган тушунча ва туйғу билан нафас олдим. Олма дарахтининг кесилиши, бўри бўғизлаган эчки, укам Эркиннинг ўлими, Зиёввой поччамнинг бедарак йўқолишига ҳам самимий қайғурдим, самимий йиғладим. Алдаш, алданиш, олчоқлик, тубанлик, самимийлик ва олижаноблик, гўзаллик билан эзгулик ҳақда бош қотирмадим, туйғулар билан сездим. Барча ҳиссиётлар ўз ихтиёримсиз, самимий равишда юз берди. Мана шу самимиятлар фасли вақт етиб мени олдинга ўтказди-да, ўзи эса ортига чекинди. Ана шу мутлақо соф ва мусаффо, самимият

фаслини телбаларча севдим, унга бутун умр ошиқдим, иштиёқ туйдим, лекин у қайтмади... Сўнг...

Ўз ихтиёримсиз ўсмирлик фаслига кузатилдим. Унга самимият-ла болалик фасли кузатиб қўйди. Ўсмирлик фаслимда ҳам мен самимиятга талпиндим, ундан узоқлашмадим. Фақат катталар табиати бу фаслда мени бир оз ўйга толдирди, оқибат иккиланиш туйғуси содир бўлди, худди шундай болалик самимиятига путур етди, бунга ўқиндим. Чунки болалик фаслида мен иккиланмай, ўйга толмай, дуч келган нарсага ўзимни урдим, дашном едим. Шу сабабли ўсмирлик фасли болалик фаслига нисбатан бир нави оғир ўтди. Энди мен вужудим — туйғуларим билан эмас, тушунчам билан ҳам ҳаракатга кўчдим. Ўсмирлик фаслимда мен баҳайбат овчи ўқи яралаган Олқорча қисмати туфайли азоб чекдим. Опаларим ўз ихтиёрларисиз хонадонимизни тарк этишиб, мени ўйлашга, фикрлашга ундашди. Отагинамнинг бахтсизлик даври ҳам шу фаслга тўғри келди.

Инсон умрининг такрорланмас, муқаддас фасли — ўсмирлик ҳам мени чексиз кўз ёшлари, тубсиз шодликлари билан ёшлик фаслига кузатди. Жимгина сукут сақлаш билан ўтказди, унга ичикдим, уни соғиндим, унга нисбатан олий бир иштиёқ туйғусини туйдим, бари бир, ўз ихтиёримсиз у мени ёшлик фаслига узатди. У мени балолардан омон сақлаб ўтди. Бу ёғи — ёшлик фасли... ёшлик... инсон сифатида шакллана бошлаган, тўла инсонликнинг илк даври...

Ёшлик, болалик ва ўсмирлик фаслига қараганда бирнав оғир кечди... Туйғулар, ҳаяжонлар даври болалик ва ўсмирликда қолди. Туйғулар, тушунчаларга қоришди. Шодлиги, қувончи ҳам ортиқча сезилди. Бу фасл мени қадрдоним Турдивойдан жудо этди. Инсоннинг гули, олижаноб, эзгу қисми шу тариқа қалбимдан абадийликка ўрин олди. Шам каби сўнди-ю, юрагимга кўчди. Рассомлик санъати лаззатини ҳам шу фаслда татидим. Бегуноҳ, беозор, раҳмдилликда тенгсиз тегирмончининг қизи билан ҳам шу фаслда танишдим. Сўнг одамлар назаридан четлашган, танҳоликда ўлишга маҳкум бўлган Ортиқвой ўғри тақдирига гувоҳлик қилдим, йиғладим. Қайгудан кейин бахтиёр дамлар бошланди. Мазифа опамни турмушга чиқардик. Шодлик ва ҳасрат орасида туриб, уни хонадонимиздан кузатдим. Сўнг...

Ҳаммамиз учун азизу мўътабар инсон, хонадонимизнинг чирогига айланган, унинг кўрки, таажжуқи, тож-сарвари — онажонимдан бевақт айрилдим. Қон-қон йиғладим, қон тупурдим, ёшларим қонга қоришди, бу ҳам ёшлик фаслига тўғри келди. Болалик, ўсмирлик фасли дардлари, аламлари, оғриқлари,

изтироблари бу галгиси олдида дарёдан томчидай туюлди. Юрагим мажруҳликка юз бурди. Хонадонимиз инқирозга юз тутди. Унинг севикли аъзоси — Риқси опам ҳам шу фаслимда бағримизни тарк этди. Отам ароққа ҳам шу фаслимда муккасидан кетди. Иккаламиз қолдик... хонадонимизнинг бундан буёнги тақдири шу икки киши — мен ва отамга боғлиқ эди.

Куйиш, зерикиш, сиқилиш орасида гангиб ниҳоят еттинчи куни ҳовлига тушдим. Атрофга алангладим. Бурним ачишиб, кўзларим намланди...

— Онажон! — Қичқирдим бир пайт. Бугунги қичқиригимда болалик, ўсмирлик фасли гувоҳлик қилган турфа кечмишлар, уларнинг изтироби ва бундан кейинги содир бўлажак изтироблар орасида гангиётган йигитчанинг онасизликдаги, танҳоликдаги фарёдлари акс этди. Ҳаммасига кўникдим, лекин онажонимнинг ўлимига асло кўниколмадим... Кўниколмайман ҳам...

Эшик қоқилди.

— Ким?

— Анвар! Отанг йиқилиб қолди, маст...

Югурдим.

— Отажон... яна...

— Онанг қайтмадими? Онанг эмас, мен ўлишим керак эди...

— Отажон, ундай деманг, ақалли сиз...

Шу тариқа орзулар, армонлар, ҳаваслар, иштиёқлар, самимият, яъни эртақлар фаслига чек қўйилди. Эртақлар фасли ҳам ўз ихтиёримсиз мен билан хайрлашди. Буёғи йигитлик, сўнг кишилик, кейин эса йўқлик фасли... бу, фақат тушунчалар билан ҳис этиладиган оғир, изтиробли фасл, эртақлар ортидаги ҳақиқат фасли...

Орқамга назар ташлаб, изтироб ва қувонч билан: «Хайр, навбаҳор! Хайр, баҳор! Хайр, баҳрим!» — дейман-у, олдинга интиламан, кўлларимни чўзаманда: «Салом, йигитлик! Салом, кишилик, салом келажак! Салом, ҳазин фасл! — қабилда шивирлайман. — Хайр, ҳаммангизга, ўтган, кечган фасллар!!!»

Онамнинг ўлими уч фаслимга якун ясади... Бу ёғи онасизлик фасли...

* * *

Орадан бир-икки ой ўтиб Риқси опамдан хат олдим. Хатида у, ўзининг жаннатмакон ватани — Қримга етиб олганини ёзганди...

Бу хабарни эшитиш қалбимни бахтиёрлик туйғуси билан тўлдирди.

Бу ёғи мен учун онасизлик фасли, Риқси опам учун эса оналик, оилалик, укалик ва ватанлик фасли эди...

ПИРИМҚУЛ МИНГБОШИ

Ҳужжатли қисса

БАҒИШЛОВ

Оллоҳнинг беадад улуғлиги икки олам, яъни ер билан осмонни ва улар орасидаги тирик ва ўлик мавжудодларни, жумладан, қушлар ва жониворлар билан бирга инсонни ҳам мукамал даражада яратишидадир. Қушлар ва жониворлар гапиролмагани учун уларда онг ва ҳиссиёт инсонга нисбатан ортиқроқ ривожланган. Улар ўзларини ва уялари, инларини мана шу онги ва ҳиссиётлари билан ҳимоя қиладилар, инсон эса ҳам онгли, ҳам ҳиссиётли ва гапира олади. Унга гапириш — нутқ санъати ҳам ато этилган. Яратган онг билан, ҳиссиёт билан бирга тил, яъни сўзлашиш санъатини ҳам ато этдиким, қушлар ва жониворлардан ортиқроқ меҳрини ҳам инсонга бағишлади. Худди мана шу нуқтада инсондай улуғ зотга Оллоҳ жаннат билан дўзахни ҳам яратди. Тилдан қисилгани учун ҳам қушлар, ва жониворлар абадият билан алоқадор жаннат ва жаннат лаззатидан маҳрум. Инсон, қушлар, жониворлардан кўпроқ гуноҳлар қилгани учун дўзах азобини ҳам асосан инсонга ажратди... Онги, юксак ақли, теран ҳиссиёти, диди, фаросати ва идроки билан бирга, сўзлашиш санъати ҳам инсонга ато этилгани сабабли жаннат лаззатини, дўзах азобини ҳам инсоннинг елкасига юклади. Шундан аниқ-равшан кўриниб турибдики, инсон қушлар, жониворлар ва майда ҳашаротлардан минг бор юксакка кўтарилди. Динлар ва ишонувчиларнинг яралиши, пайгамбарларнинг туғилиши, Қуръони Каримдай муқаддас битикнинг нозил бўлиши, яъни муомалага киритилишини ҳам фақат инсоннинг зиммасига юклади. Икки дунё, яъни устки олам билан остки олам, яъни инсон яшаб, фаолият кўрсатадиган ернинг усти билан, емайдиган,

ичмайдиган, яъни фаолиятда бўлмайдиган, танаси чириб, руҳигина тана орттирган гуноҳлар учун ёнадиган, яъни қарзини узадиган, абадул-абад азобда бўладиган ё роҳатда, жаннатда кезадиган руҳ учун ер ости дунёсини ҳам яратди. Ер усти инсон учун шунчаки олтмиш-етмиш йиллик умри жараёнида тунаш учун, ризқ ейиш учунгина ярайдигаан омонат ватан. Бу асл ватан эмас. Абадул-абад ётадиган ер ости эса инсонга ҳақиқий ватан... Устидаги ватанда инсон бир-бирига ёмонлик қилади, бир-бирини ўлдиради, талайди ва зинолар қилади. Ер остида эса бирор-бир гуноҳларга, мол-мулк орттиришга имкон йўқ. Ейилмагач, ичилмагач, уйланмагач, табиийки, талон-тарождликлар, гуноҳ орттиришлар ҳам бўлмайди. Инсон ер устидаги уйини ўзи ҳимоя қилади, остидаги уйини эса руҳ ҳимоя қилади.

Инсон доим ҳам мазорини бузмаслиги, яъни ҳимоя қилиши шарт ва зарур. Мозор бузилган ерларда албатта урушлар бўлади. Очарчилик, қаҳатчилик юз беради. Мазори бузилган халқнинг бири-икки бўлмайди. Бундай ерда одамларнинг омадлари юришмайди. Сабаби битта — руҳлар чирқираб туради. Руҳлар чирқирамаган ерлардагина улуғ ривожланиш ва тараққиёт бўлади.

Яратганнинг инсонга кўрсатган яна бир илтифоти унинг умуртқа поғонасига гавҳарини ато этишидир. Англия микробиолог олимлари инсоннинг умуртқа поғонасидан бирида унинг мошдай гавҳари борлигини аниқлашди. Бу гавҳар — уруғ кучли иссиқлик, кучли музлашларда ҳам, оғир юклар билан эзгиланганида ҳам зиён кўрмас экан. Ҳатто энг кучли саналган, яъни инсон танасидаги вабо касали уруғи ҳам кучли иссиқлик ё совуқликдан, оғир юкдан музлаб ё эзилиб кетиши мумкин. Қадимий китобларда «охир замонда бир отнинг туёғидан қирқ минг одам бош кўтаради» деган нақл бор. Демак, бир отнинг туёғи остига қирқ минг инсон гавҳари сиғар экан. Мана шунинг ўзи ҳам Илоҳнинг улуғлиги ва инсонга алоҳида меҳр-муҳаббат кўрсатганидан далолат. Кушлар ва жониворларнинг умуртқа поғонасида ҳам гавҳари яратилган-яратилмагани ҳақида ҳозирча бирор маълумот йўқ. Демак, Оллоҳ фақат бандани мўминига мана шундай гўзаллик бахшида этди. Мана шу улуғ хислатлари учун инсон моҳият-эътибори билан ўзидан ўзгаларга мутлақо ёмонликни раво кўрмаслиги керак.

Инсоннинг мазмуни, яъни сийрат ва суврати шундай. У атрофни ўраб турган мавжудликка фақат олижаноблик, эзгулик нуқтаи назаридан муносабатда бўлиши керак. Шундай қилган тақдирдагина инсоннинг гўзаллиги тўла ифодаланади. Демак, инсон истаса-истамаса ватанини, миллатини ҳимоя қилиши шарт ва зарур. Эъзозлашга, ҳимоя қилишга ҳам масъул, ҳам бурчли.

Оллоҳнинг назари тушган инсонлар, яъни Ўзи томонидан тўла ёки мукамал қилиб яратилган бандаи мўминлар умуммуштарак ишлари, тараққиёт ва ривожланишга қўшган ҳиссаси билан, халқига, ватанига қилган хизмати билан ўз номларини абадийликка боғлаб кетишган. Ҳазрат Темур ва унинг авлодлари қолдирган мухташам бинолар, жумладан, Туркистон, Эрон, Арабу Ажам, Ҳиндистондаги ТОЖМАҲАЛ ва ҳазрат Навоий қурдирган масжиду мадрасалар чиндан ҳам таҳсинга сазовор ишлардир. Демак, инсон доим ва ҳар қачон яратиш ҳисси билан яшаши керак. Гўзал табиатли инсонларгина бу дунёни гўзаллаштириб кетади. Туркистоннинг мустақиллиги учун курашган Муқанна, Спитамен, Торобий, Жалолиддин Мангуберди, Алимқул ва унинг беваси Қурбонжон додҳо, Темур ва теурийлар, жумладан, Шоҳ Жаҳон қаторида яна минглаб ота-боболаримиз, яъни ватандошларимиз, миллатдошларимиз борким, уларнинг номларини абадийлаштириш бизнинг муқаддас бурчимизга киради. Бугунги мустақиллик ҳам шуни тақозо қилаётир.

Улардан бири Зомин, Совет, Баландчақир, Сармич, Жулонгар, Шаҳристон каби музофотларда қарийб қирқ йиллар мингбошилик қилган, баҳоли қудрат ватанига, халқига хизмат қилган, яъни Шаҳристонни босқинчи қирғинидан асраб қолган улуғ зот Пиримқул Аширмуҳаммад ўғлидир. Бугун шу зот ҳақида биз ҳам баҳоли қудрат қалам тебратиш ниятидамиз. Бу бизнинг ўша марҳум отахонимизга кўрсатган, яъни ватан учун, миллати учун қилган хизматларини юзага чиқаришга қўшган ҳиссамиз бўлади, деган умиддамиз. Ҳурматли китобхонлар ҳам бу китобга мана шу нуқтаи назардан ёндошиб фикр билдирсалар, биз қатори ёпилган тарихимизни ҳам, арвоҳларимизни қувонтиради. Бу йўлда бизга яна Яратганнинг ўзи мадаккор бўлишини сўраб қоламиз.

* * *

Маълумки, 1780-йиллар атрофида Туркистонга кўпроқ ён қўшниси эронликлар томонидан тез-тез ҳужумлар уюштирилган ва туркистонликлар томонидан эронликлар устига ҳам бир неча бор ҳужумлар бўлиб турган. 1710 йили Хоразм шоҳи Шерғозихон томонидан кучли ҳужум уюштирилди ва Эроннинг бир неча шаҳарларини босиб олди. Минглаб одамларни асир олиб, қул сифатида Хоразмга ҳайдаб келди. Шерғозихон Хевадаги катта қурилишдан кейин у қулларни бўшатиши ва уйларига қўйиб юбориши керак эди. Ваъдасининг устидан чиқмаганидан кейин эронликлар унинг шоҳ саройига киришини пойлаб туриб тошбўронга олишади ва шу билан шоҳлигига нуқта қўядилар.

Ваҳоланки, Шерғозихон ўша кезлари Пётр Биринчининг 5 мингли Черкасов бошчилигидаги босқинчи тўдаларини қириб ташлаган ва Туркистоннинг забт этилишини қарийб икки юз йилга орқага суриб юборган эди. Биргина қилган хатоси, яъни ваъдасининг устидан чиқмаганлиги унинг ўлимига сабаб бўлади.

Ўшанақа кўнгилсиз инсоний уруш-жанжаллардан бири тахминан 1780-йилларда ҳам уюштирилди. Кутилмаган бу воқеа кўп хонадонлар қатори тақводор бир эшоннинг оиласини ҳам маълум маънода бахтсиз қилди. «Ёв келди, ёв келди!» бақириқлари остида ўша эшон хонадони ҳам ўз уйини тунда тарк этишга, бошқа, номаълум ерларга кўчиб кетишига сабаб бўлди. Эндигина бўйга етган, ўн гулидан бир гули очилмаган қизчаси тўс-тўпалонда йўқолиб қолди. Излашлари, қидиришлари барибир самара бермади. Адашиб қолган қиз тентирай-тентирай тасодифан бир ерга кириб, тонгга яқин беихтиёр қисқа муддатга уйкуга кетди. Туш кўради ва унда қандайдир оппоқ кийимдаги, оппоқ соқолли, мулойим бир одам: «Қизим, сен уйғониб ҳеч қаёққа қарамай тўғри кун чиқиш томонга қараб юр. Сенинг бундан кейинги қисматинг ўша томон билан боғлиқ... бир неча қишлоқларни босиб ўтганингдан кейин Холдорқипчоқ деган қишлоққа кирасан. Тепаликка кўтариласан, тепалик устида қишлоқ бор. Қишлоқнинг тўридаги уйга, яъни Холмуҳаммад деган одамнинг хонадонига кирасан, сени у ерда қирқ ёшлардаги аёл қарши олади. Кўрқма, ўзга хонадондаги одамлар ҳам сени бир неча кунлардан бери кутишаётир...» дея қандайдир туманлар орасига кириб кўздан йўқолди. Қиз чўчиб уйғонди, ўзини кимсасиз ерда кўриб гангиб қолди ва ҳушини йиғиб бир неча сониялардан кейин тунда «ёв келди» деган хитобларни эшитгани, одамлар тўс-тўпалонда қўлларига тушган нарсаларини кўтариб қочишгани ва ўз ота-онаси, ака-укаларидан ажралиб қолганини хотирлаб аччиқ-аччиқ йиғлади... Йиғлаётган қиз худди шу лаҳзада кўзи илинганидан кейин туш кўргани, тушига қандайдир оппоқ кийимдаги, оппоқ соқол-мўйловдаги, чиройли меҳрибон киши кирганини ва унинг сўзларини хотирлашга уринди. Ҳаммасини эслади. «Холдорқипчоқ» сўзини беихтиёр ўзи ҳам сезмай бир неча бор такрорлади ва шу билан хотирасига маҳкам жойлашиб қолди.

Аччиқ-аччиқ йиғлаётган қиз қаддини ростлаб атрофига жиддий назар солди. Кун чиқиш томонларда чиндан ҳам паст тупроқли томларда одамлар гимирлашар, отлар, туялар, қорамоллар ҳам кўзга чалинар эди. Ота-онаси, азиз уйи, жигарларидан айрилган қизнинг кўнглига қил ҳам сиғмас, жонидан тўйган, ўзини ўлдиришга таппа-тайёр турар, бироқ ота-онасининг топилиб

қолиши, қайтадан кўришиш илинжи ўзини ўлдириш фикридан қайтарар эди. Бўйи баланд, қошлари туташ, оппоқ юзли, киприклари қайрилган, гўё араб қизларига ўхшаб кетадиган, камсуқум, камгап, ўзининг соясидан ҳам ийманадиган Ойша исмли қизча тушидаги одамнинг сўзига биноан кун чиқиш томонга қараб йўл солди. Оёқларига тиконлар кириб қонатди. Қонли оёқлари билан тинмай йўл босиб, бир неча қишлоққа дуч келади. Қишлоқда учратган аёллардан секингина «Бу қанақа қишлоқ?» деб сўради. Йўловчилар бошқа қишлоқ номини айтишлари билан қизча йўлида давом этади. Кун ботиш олдидан қизча букчайиб кетаётган бир кампирдан: «Эна, Холдорқипчоқ қишлоғини билмайсизми?» деб сўрайди. Кампир паранжисининг бир четини очиб, чимматини кўтариб, қаршисидаги ҳамма томонлама етук гўзал — қизни кўриб ҳайратдан гангиб қолди. Холдорқипчоқ қишлоғида нима қиласан? Кимникига борасан?» дея сўрайди. Қизча аччиқ-аччиқ кўз ёшларини тўкиб, шу қишлоқда узоқ қариндошлари борлигини, қидириб келаётганини, паранжисини йўқотиб қўйганини айтади.

— Мен билан юравер, қизим, — деди ниҳоят бели букик кампир ва қизчани ўз уйига бошлаб келади. Уйи чиндан ҳам тепалик устида, тепаликнинг шимол томонида эди. Қизчани кампир уйига бошлаб кирганида ҳовлидан қирқ ёшлардаги кўзлари кўк, қалди-қомати келишган аёл чиқиб қарши олади.

— Эна, бу қизни қаердан бошлаб келяпсиз? — дея аёл қизчага синчковлик билан термилади. Термилади-да, бирдан юраги шувиллаб кетади. Қизча гўё танишдай, ё қариндош-уруларининг қизларига ҳам ўхшаб кетарди. Лекин қиёфаси, ранги-рўйи билан, гўзаллиги билан қариндош қизларга ўхшамасди. — Эна, бу тўкис қиз бу ернинг қизларига ўхшамайди... шу тун туш кўрувдим... тушимда оқ кийган бир одам: «Бугун уйингга меҳмон келади, қаршилаб ол! У уйингда абадий қолиб кетади... келинга айланади...», деганди... Эна, тушимга назаримда Ҳасти Хизр кирган экан. Эрталабдан бери кўнглим безовта эди. Ҳар лаҳза эшикка қараётгандим...

— Қизчанинг қорни оч, чўллаган кўринади, аввал қорнини тўйғиз, ташналигини қондир, оёқларини ювиб, калиш кийдир. Кейин бафуржа гаплашасан, — деди саксонларни қоралаб қўйган кампир, яъни Холдорқипчоқ қишлоғидаги Холмуҳаммад қипчоқнинг онаси. У қизчани қаршилаб олган аёлнинг қайнонаси эди.

Кампир таҳорат олишга ва шом намозини ўқишга тараддулланиб, аёл тутқазган қумғонни олиб, ҳовли адоғидаги

тахоратхонага йўл олди. Худди шу лаҳза қизча кампирга юзланиб:

— Эна, мен ҳам кечадан бери намоз ўқимаётирман... — дея шивирлади. Кампир эса:

— Сен аввал қорнингни тўйгаз, чой ич, кейин намоз қазосини ўқиб оласан, — дея йўлида давом этди. Уй бекаси қизчани бошлаб жануб томон қараб солинган катта айвонли уйнинг ўнг томонидаги, яъни аёллар учун режалаштирилган хонасига бошлаб киради. Киришидан олдин эса оёғига сув қуйиб ювдирди. Ўзи кампирга қўшилиб шом намозини ўқишга чиқиб кетди. Шу орада ўн, ўн бир ёшдаги қизалоқлар қиз билан танишди ва нон-чай олиб кирди. Дастурхон фарқ пишган мевалар билан тўлдириб ташланди.

Адашиб қолган қизчани бошлаб келган кампирнинг, яъни унинг Нормуҳаммад исмли ўғлининг уйида шу тун кутилмаганда қизиқ бир манзара содир бўлди. Кампир, ўғли Нормуҳаммад, қизчани уйига ташриф буюришини тушда кўрган, унинг аёли учун, аёлнинг Холмуҳаммад исмли ўғли учун эса ҳам шодлик, ҳам қайғу жараёнлари бошланганди. Оллоҳ унга янги уй ато этди. Лекин ота-онаси ва ака-укалари, қадрдон уйдан айрилгани алами, ҳасрати, қайғуси ҳамон тинчлик бермас, кўзларидан оқаётган аччиқ-аччиқ ёшлар тинай демасди. У узоқ Самарқанд томонларда қолган, «ёв-ёв» деган ҳайқириқлар туфайли айрилган уйдан, яқин-йироқларидан, ўртоқларидан кўнгил узолмас эди. Шу тун бошидан кечган тентираш сабаблари ва номаълум томонларга кетган ота-онаси, укалари, сингиллари, акалари ҳақида йиғлай-йиғлай кампирга ва унинг келинига сўзлаб берди.

Кампир билан келини уни шу кеч ўрталарига олиб ётишди. Эрталабгача қиз билан қўшилиб йиғлаб ҳам чиқишди. Эртаси кун кампирнинг ўғли Нормуҳаммад отига миниб, қиз айтган томонларга дайдиб кетди. Қизнинг ота-онасини излаш ниятида йўлга чиққан эди. Нормуҳаммад шу билан уч кун йўқолиб кетди. Бироқ қизнинг ота-онаси, қишлоғи ҳақида бирор хабар топиб келолмади.

Ойлар ўтди. Ойша исмли қизча бу хонадонга бироз кўника бошлади. Энди кампирнинг ёнида тунар, бирга намоз ўқир, хонадон юмушини бажарар, адашган қизчани кўни-қўшнилари, узоқдаги қариндошлари келиб кўришар, ҳаммаси бирдай ўғилларига келин қилишни айтишар, бироқ кампир билан келини ҳаммага бирдай: «Ота-онаси топилади, қизчани олиб кетишади», дея рад жавобини беришарди. Қизча биринчи галда мана шу хонадоннинг аъзоларини ўзига қарам — ром қилганди. Қизча беҳад соддадил, беҳад интизомли, пок ва ҳалол, исломнинг барча қонун-

қоидаларига, яъни Яратганнинг ҳамма ақидаларга амал қилар, Расулulloҳнинг олдидаги умматлик бурчини ҳам сидқидилдан ва астойдил бажарар, мана шу аломатлари билан, ҳақиқий мусулмонлиги билан Холдорқипчоқ қишлоғида ҳамманинг оғзига туша бошлади. Каттадан-кичик «Нормухаммаднинг уйига фаришталар бир фаришта қизни олиб келиб ташлаб кетибди...» дейишар эди.

Орадан бир неча йил ўтгандан кейин қариндош-уруғлар, ёр-биродарлар, қўни-қўшнилар йиғилиб, маслаҳатлашиб, Ойшани Нурмухаммаднинг Холмухаммад исмли ўғлига олиб беришга келишишди. Тўй-томоша билан қизни Холмухаммадга бошқа бир қариндошиникига олиб бориб, никоҳ ўқитишиб, ўша ердан узатиб келишди. Қизни отнинг орқасига миндиришди. Гулхан атрофидан айлантиришди. Куёвнинг уйига узатиб ҳам киришди. Ҳамма удумлар аъло даражада ўринлатилди. Адашган қизчанинг кўзларидан ёши ҳамон аримас эди... Турмушга чиқаётганидан, бўлғуси қайнота — қайнонасининг, катта қайнонасининг олижаноблигидан қувонса, ота-онаси тўйида бўлмагани, йўқотиб қўйганини, бевақт ака-укалари, опа-сингилларидан айрилганини эслаб жимгина йиғлар эди... Тўй-томоша ниҳоясига етди. Ойша чимилдиққа кирди. Ўзи истамаган бир пайтда, яъни онасиз, отасиз, жигарларсиз қизлик дунёсини тарк этиб, аёллик дунёсига кўз ёшлари билан жимгина ўтди ва Оллоҳ олдидаги, инсонийлиги олдидаги илк қарзини, яъни она бўлиш қарзини узди. Бундан буюғи эса фарзандлик бўлиш қарзини узиш турар эди. Кейин... кейингилари ҳозирча номаълум.

* * *

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай адашган қизчани уйига бошлаб келган раҳмдил кампирнинг дуоси ижобат бўлди. Ойша оғирёқли бўлди. Энди дунё кўзига мутлақо бошқача кўринарди. Назарида дунё бироз оғирлашган ва вазминлашган, қушларнинг сайрашлари ҳам бироз ғамгин туюлар, отлар ҳам секин чопаетгандай таассурот қолдирарди. Ойша кўпроқ ётгиси келаётганини, кўлроқ овқат егиси келаётгани, иложи борица одамларнинг кўзларига кўрингиси келмаётганини сезар, нима учундир одамлардан уялар, гўё гуноҳли бир иш қилиб қўйгандай эди. Оналикнинг илк даври, ҳомиладорликнинг илк фасли мана шундай кечаётганди. Ота-оналарини, қариндош-уруғларини, ёру биродарларини кўргиси келар, нима учундир уларнинг елкаларига пешонасини босиб, тўйиб-тўйиб йиғлаб олгиси ҳам келар эди. Гарчи турмуш ўртоғи Холмухаммад раҳмдил, олижаноб бўлса-да, ўзи емай ёшгина, гўзал

хотинига тутса-да, барибир нимадир етишмаётгани аниқ сезилиб турарди. Онажони ёнгинасида бўлишини, пешонасини ва танасини силашини бутун вужуди билан истаётганди.

Бу ҳам холва экан... Адашиб қолган, Холдорқипчоқда бирор жигари йўқ Ойшанинг ой-куни яқинлашган палласидаги азобларини айтмайсизми! Кўзи ёриши, она бўлишини ўйлаб шодланар, чекаётган азоблари эса танасини эзгандан-эзарди. Ой-куни яқинлашган сари ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари кўзи олдидан ўтаверар эди. Кутилмаганда ёш онани тўлғоқ тута бошлади. Бундан кўра даҳшатли оғриқ йўқ экан. Гўё кимдир танасини ўтмас пичоқ билан нимталар эди. Қайнонаси, катта қайнонаси Ойшанинг ёнида парвона эди. Танасини силар, бағриларига босар, хуллас, оғриқни ўтказиб юборишга уринар эди.

Ниҳоят даҳшатли оғриқ ҳам тинди, илк бор у фарзандининг «инга»сини эшитди-ю, ҳозиргина танасидан кечирган оғриқни унутди-қўйди. Илк фарзанди ҳамон ёнгинасида чирқираб йиғларди. Илк оналик сутини тўнғич боласига кўкраги орқали ичирди. Чирқираб йиғлаётган боласининг йиғиси тинди. У боласини эмизаётиб жимгина сукутга толиб аччиқ-аччиқ йиғлади. Кўз ўнгидан онаси, отаси ўта бошлади. Адашиб қолган куни ва чалдирвада тонгга яқин тунагани, ухлаб ҳам қолгани, туш кўргани ва тентираб кетгани кўз ўнгидан бирма-бир ўтди. Энди унинг кўнгли бузилганига мана шу манзара ва билагидаги, яъни жонидан яралган ўғилчаси шодлиги қўшилиб бораётган эди. У шод эди. Ота-онаси, уйдан айрилганидан кейин ёмон одамнинг қўлига тушмади, ёмон йўлларга кириб кетмади. Оллоҳ уни ўзи истагандан ҳам кўра зиёда хонадонга етаклаб келди ва раҳмдил кампир билан, олижаноб қайнонаси билан учраштирди. Пешонасига битилган экан, ўзи тенги Холмуҳаммадга турмушга чиқди. Мана, илк фарзанди ҳам дунёга келди. Туғилганидан кейин илк бор онасининг билагида сутига тўйиб миқ-миқ ухлаётир...

Ойшанинг назарида оғирлашган, қийинлашган, секинлашган дунё ҳам, қушлар овози ҳам, отларнинг чопиши ҳам бирдан тезлашиб кетди ва аввалги ҳолига қайтди. Ўғилчасига Аширмуҳаммад деб исм қўйдилар. Фарзандлари сони яна биттага кўпайди ва учтага етди. Ҳамон онаси, отасидан, ака-укалари, опа-сингилларидан хабар йўқ эди. Ёши ҳам қарийб ўттизларга яқинлашиб қолган, энди ота-онасини кўпроқ кўргиси келар, фарзандлари, эри ва қайнонасини бошлаб, уларнинг уйларига бориб келишни орзу қилар, тунлари ҳеч кимга билдирмай йиғлаб чиқар, Оллоҳдан ота-онамни кўрсат, деб сўрар ҳам эди.

Оллоҳ адашиб қолган ва кутилмаганда бахтини топган Ойшани умидсиз қолдирмади. Бир куни уйларига бир бола югуриб келиб, Нормуҳаммад деган кишини икки отлиқ одам сўраётганини айтди. Нормуҳаммад шошилинич, сарпайчан югуриб кўчага чиқди ва тепалиқдан пастга қараб йўлга тушди. Йўлнинг четида икки отлиқ турар, бири эллик ёшларни қоралаган, оқ юзли, қошлари қалин ва қора, мовий рангли салла ўраган, ола тўнда, иккинчиси эса йигирма беш ёшлардаги биринчи одамга ўхшаш йигитча бўлиб, Нормуҳаммадни кутишаётганди. Нормуҳаммад меҳмонларни кўриб, қўлларини олар экан, бирдан сесканиб кетди. Ҳар иккала эркак ҳам келини Ойшанинг худди ўзи эди. Бироқ муомалалари беҳад ширин, ҳаракатлари тергалган эркакларда қандайдир сир борга ўхшарди.

— Нормуҳаммад ака ўзларими? — дея отидан тушиб сўрашди ёши катта эркак.

— Ҳа, — ўзимман, хуш кўрдик... — дея довдираб қолди Нормуҳаммад ака, чунки на она, на ота томонидан бунақа хушбичим одамларни кўрмаганди. — Марҳамат қилсинлар... уйимизга, ана, у тепалик устидаги уйда тураминиз...

Ҳар иккала томон — мезбон билан меҳмон ҳамон бир-бирларига қарашар, бирор нарса дейишга ботинмас эдилар. Нормуҳаммад меҳмонларни тепаликка бошлаб чиқди. Тепалик устида кўп уйлар қатори кўримсизгина, тупроқ томли, икки уй, бир айвонли уй қаққайиб турар, атрофи пастаккина девор билан ўралган, кенг ҳовлида бир-икки дона товукқина дон излаб юрарди. Меҳмонлар ичкарига киришди. Мезбон меҳмонларнинг отларини кираверишдаги ёнғоқ дарахтига боғлади. Кутилмаганда, ҳа кутилмаганда ҳовлига беш ёшни тўлдирган Аширмуҳаммад югуриб чиқиб меҳмонлар томонга яқинлашди ва тўғри катта меҳмоннинг қучоғига интилди. Меҳмон ҳам иккиланмай Аширмуҳаммадни кўтариб бағрига босди, пешонасидан ўпди... Кўзлари ва юзидан раҳмдиллиги, олижаноблиги, саховатлилиги яққол сезилиб турган бола ўз пушти, яъни набираси эканини англаб етди. «Оллоҳга беадад шукур! Қизим топилди. Қизим ёмон қўлларга тушиб қолмаган экан, яхши хонадонга келин бўлиб тушган экан... фақатгина озгина камбағал эканлар...» деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Шу орада нимадир ўқдай учиб келиб меҳмоннинг кўксига отилди. Меҳмон болани ерга қўйиб бошини кўтарди. Қаршисида етти онаси, етти отасини эслатувчи, жону жаҳонидан бунёд бўлган, бутун борлигини қурбон қилишга таппа-тайёр турган, тунлари овқат ўтмай, баъзан кунлари ҳам овқат еёлмай фақат қизчасини ўйлаб йиғлаб олган, бирор нарсасини аямай,

яъни «ёв-ёв» бўкириклари оқибатида йўқотиб қўйган, ниҳоят бир неча йиллардан кейин аёлга, онага айланган қизчаси отасининг кўксига пешонасини суриб ҳўнграб, ўкириб йиғлар эди... Аччиқ-аччиқ йиғиси ширин-ширин йиғи билан алмашганди... Ҳамма нарсадан улуг, ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайдиган, тану жонини нисор қилиб келган отажони уни қидириб топган, қаршисида турар, онасини эслатадиган қизчасининг пешонасини силар:

— Онажоним, она қизим, йиғлама... Оллоҳга шукур қил! Оллоҳ сени яхши жойга насиб этибди... Онанг тинч, ака-укаларинг, опасингилларинг тинч, тўқ, фақат сенинг қўйингда йиглаб хазон бўлдилар, — дерди. Ёнида ўзига ўхшаш укаси ҳам жимгина йиғлар, опасини кўрганидан мамнун эди. Ойша бонунинг кейинги икки фарзанди ва боболари ва тогалари томон интилдилар. Меҳмоннинг куёви ҳам, қайнотасининг бағрига суқилиб, адашиб қолган хотинининг йиғиларини тунлари тинглаб эзилган Холмуҳаммад ҳам қайтадан йиғлади.

Ойша бонунинг кўзлари ярқираб очилиб кетган, танаси яйраб борарди.

Шу куни Нормуҳаммад хонадонда қудасининг ташриф буюриши сабабли тўй бўлиб кетди. Бу хонадонга алоқадор ҳамма кишилар йиғилди. Чўпон Нормуҳаммад тезликда ўзи чўпонлик қилаётган овчилик бойнинг уйдан иккита катта қўй олиб келди ва ҳар иккаласини ҳам сўйиб, меҳмонлар ҳурмати учун зиёфат берди.

Эртаси куни меҳмонлар йўлга чиқишга тараддудландилар.

— Қизим, — дея мурожаат этди Алихон эшон маъюс тортиб, — келин бўлганигга беш йилдан ошди. Уч фарзандлик ҳам бўлибсан. Эшонзодалигингни буларга айтмадингми?

— Айтолмадим... дадажон... — дея ийманибгина жавоб қилди Ойша бону, — тентираб қолганимда бағриларига олишди. Ювиб, тарашди. Ўзлари емай менга тутишди. Айтолмадим, айтишга тилим бормади.

— Нормуҳаммад, — деди бу гал Алихон эшон бироз қийналиб, — биз эшонларданмиз. Биласиз, Самарқанддаги эшонлар ҳазрат Нақшбандга бориб тақалади. Одатда фуқароларга қиз бериш таъқиқланарди... тақдири азал экан. Пешонасига ёзилибди. Ўғлингизга турмушга чиқиб, уч фарзандлик ҳам бўлибди. Қизни олиб кетсак... Хонадонингизга бирор шикаст етмаса, деб қўрқаман... биз эшонларда қизлар тўққиз ёшдан, ўғил болалар ўн бир ёшдан беш маҳал намоз ўқишга киришади... Сизларда бунга доим ҳам эътибор қилавермайди. Қанақа бўларкин...

— Эшон бува, аввало, Оллоҳнинг иродаси, — дея фикрини тушунтира бошлади уй хўжаси Нормухаммад ака, — қизингизда, келинимизда илк бор кўрганимдаёқ эшонзодаларга зос ифбатни кўрдим. Уйимизга келган куниданоқ онамизга қўшилиб намоз ўқишга тутинди. Мана шу хислатлари билан ўзим ҳам эшонзодалардан бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Қаранг, фикрим тўғри чиқди. Оллоҳ етказибди, хонадонимизга эшонзодалардан қадам ранжида қилибди. Демак, яқин-орада хонадонимиз бойиб кетар экан... Бунинг учун Оллоҳга беадад шукроналар бўлсин. Маъзур тутсинлар... қизингизни олиб кетсангиз, уч қора кўз фарзандлари нима бўлади! Булар ҳам эшонзодаларга айландику... Кўпроқ она ҳисоб... она фарзандни қорнида тўққиз ой кўтариб ва яна икки йилу тўрт ой кўкрак сути билан боқади... Яратган хонадонимизга эшонзодаларнинг қонини аралаштиришни эп кўрган экан, озгина ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди.... Аввалроқ билганимизда эшонзодаларга кўрсатилган илтифотни кўрсатар эдик. Қизингиз умридан барака топсин, камтарлиги билан бундан хабардор қилмабди...

— Набираларингизда бирор асорат сезилмадими? — деди секингина Алихон эшон ва беозоргина назар ташлади.

— Шу... тўнғич набирамизнинг бош бармоғи озгина узунроқ... беш ёшлигидаёқ оёғига усталар тикиб берган чориқ сиймаяпти...

— Ана кўрдингизми. Акси барибир сезилади, — деди кейин Алихон эшон ва қизига юзланди.

— Қани, кийин қизим, кетамиз... Онанг, қондошларинг кўзлари тўрт бўлиб сени кутишяпти.

Ойша бону отасининг сўзларига эътироз билдирмади. Жимгина кўзғалиб, фақат оёқ кийиминигина кийди. Кейин отаси қаршисида бош эгиб:

— Дадажон... — дея шивирлади, — майли кетаман. Фақат фарзандларим ухласин, ухлагандан кейингина мени олиб кетинглар... Улар кетганимни кўришмасин... — Ойша бону юзини терс ўгириб, худди адашиб қолган кездегидай изтироб чека бошлади...

— Яхши, кечаси йўлга чиқамиз, — деди отаси ва Ойша бонунинг болалари ухлаганда чиндан ҳам йўлга чиқишди. Ойша бону бу гал болалари ёнига кирмади, хайрлашмади ҳам. Укасининг ортига миниб, жимгина кетаверди. Бир чақирим йўл босганларидан кейингина орқада бораётган қизил қашқа отнинг кўкрагига Ойша бонунинг кўз ёшлари тўкилди ва от бирдан кишнаб юборди. Таққа тўхтаб, қанча қамчилаганлари билан барибир юрмади. Худди шундай олдинда кетаётган кўк қашқа ҳам

оғир-оғир кишнаб тўхтади. Қанча савалаганлари билан олдинга силжимасди...

Бу пайт Ойша бонунинг кўзларидан ёшлар гўё жала каби қуйилаётган эди ва буни ҳар иккала от сезиб турганди. Кутилмаганда Алихон эшон от жоловини ортига бурди, бургани кез қандайдир бир одам икки букилиб турганини кўрди. Бу Холмуҳаммад эди... У қалт-қалт титрар, катта ўғли Аширмуҳаммаднинг исмини такрорлаб йиғларди. Алихон эшон қизини отдан тушишга буюрди ва эрига топшириб қайтадан ортига ўгирилди:

— Холмуҳаммад... — деди қайнота маънос тортиб, — умрингиздан барака топинг, авлодингиздан беклар, хонлар чиқсин. Фақат аёлингизни «падарингга лаънат», «отангнинг гўрига...» деб сўкманг.

— Мен ҳеч ҳачон сўкмайман, — деди куёв ғамгин.

Алихон эшон отига қамчи босди. От шиддат билан чопиб, аста-секин кўздан йўқолди.

Ойша бону жимгина болалари ёнига кирди. Юзларига юзини босиб, яна аччиқ-аччиқ йиғлади... Энди у ота билан укасидан айрилгани учун йиғлаётганди...

Орадан бир ой ўтгандан кейин Холдорқипчоқ қишлоғига яна бир тўда отлиқлар ва бир арава аёллар ташриф буюришди, Эндиги меҳмонлар орасида Ойша бонунинг онаси Саида бону ҳам бор эди...

* * *

Овчилик музофотида ўзининг самимийлиги, соддалиги, мардлиги ва олиҳимматлиги билан кўпларга таниш бўлган, яъни бу пайтга келиб манаман деган бойлардан ҳам бойиб кетган Авазмуҳаммад эндиликда бирмунча кексайиб қолган, ўзини фақат муқаддас Қуръони Каримнинг ақидалари билан яшашга, нафас олишга ундар, бирор жонзотга озор бериб қўйишдан қўрқиб, доимий равишда оёқлари остини кузатиб юрар эди. Авазмуҳаммад бойнинг қўйлари қарийб 30 мингдан ҳам ошиб кетган, лекин у саноғини билмас ва ҳисоби билан қизиқмас ҳам эди. Чўпонлари Авазмуҳаммад бойни беҳад суйишар, умри бўйи унинг уйида қолиб ишлаб кетар, кўп етим-есирларни, камбағалнинг болаларини ҳам уйлантириб, қизларини турмушга чиқариб берарди. Авазмуҳаммад бой мана шу инсоний хусусиятлари билан Овчилик музофотида шу қадар ном таратган эдики, у зотни одамлар кўришлари билан ўринларидан сапчиб туришар, икки букилиб салом беришар, бу олижаноб бой ҳам отдан тушиб катта-кичик билан бирдай кўришиб, алик олиб, ҳамманинг ҳаёти, оилавий шароити билан қизиқар, бирор ёрдамга муҳтож одамни учратса, кўнглига қайд

қилиб қўяр эди...

«Мол-мулк ҳеч кимга буюрмаган, бундан кейин ҳам буюрмайди...» деган ақида билан яшайдиган Авазмуҳаммад исмли ўша бойнинг Аширмуҳаммад исмли чўпонини Аширмат ялангоёқ деб ҳам аташарди. Сабаби: Аширмуҳаммад аканинг бўйи беаҳад баланд, елкалари кенг, суяклари йўқон, оёқлари ҳам беаҳад катта бўлиб, бирор оёқ кийим сиғмас экан, сиғса-да, бош бармоғи сиғмай қолар экан. Шунинг учун ҳам Аширмуҳаммад ака кўпроқ ялангоёқ юришни хуш кўрар экан, оёқ кийимини кийишга зарурият туғилса, алоҳида усталарга бармоғига мослаб тиктириб кияр экан. Айтишларича, бош бармоқлари бошқа бармоқларига қараганда тўрт энлик узун экан. Аширмуҳаммад чўпон деса кўпчилик танимас, Аширмат ялангоёқ десалар ҳамма бир зумда танир экан. Аширмуҳаммад ака хўжайини Авазмуҳаммад бойга ўхшаш беаҳад ҳалол ва пок, беозор табиатли киши экан. Шу билан бирга соддаликда ҳам бутун Холдорқипчоқ ва Баландчақир қишлоқларида у зотга тенг келадигани топилмас экан. Бирор қўй бетобланиб қолса ҳам ўн-йигирма чақирим ердан елкаларига қўйиб хўжайини олдига олиб келар, кўрсатар, бўйнидаги чўпонлик бурчини шу тахлит бажарар экан.

— Аширматбек, Худо хайрингизни берсин, поклигингиз, ҳалоллигингизга гап йўқ, — дея Авазмуҳаммад бой койинар экан, — барака топгур, мен қўйларнинг ҳисобини олмаганман, сўйиб еявермайсизми. Бола-чақангиз бор, олиб кетинг...

— Бой ота, сиз кўрмаяпсиз, саноғини олмаяпсиз, бироқ тепада Яратган кўриб турибди. Фаришталар эса ҳисобини олиб турибди. Хўжайин сизсиз... озгина хиёнат аралашса, у дунёда жавоб бераман. Ўқиётган беш вақт намозим, тутаетган рўзаларим нима бўлади? Маъзур тутсинлар, боз устига сиз менга ишониб қўйларни топшириб қўйгансиз. Сизнинг ишончингизни оқламасам нима бўлади?!

— Отангизга минг раҳмат, мулла Аширмат, умрингиздан барака топинг. Умримда кўп чўпонларни ишлатдим, аммо сиздақа ҳалолу покини учратмадим, — дея Авазмуҳаммад бой Аширмат ялангоёқни доим елкасига қоқиб қўяр экан, — онангиз эшонлардан. Онангизнинг зоти тоза. Онангиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари Фотима онамизга, ул зотнинг фарзандлари Имом Ҳасаннинг фарзандлари Имом Зайнобиддин ҳазратларига бориб тақалади. Сиздаги ҳамма яхши хислатлар кўпроқ ҳазрати эшон онангиздан ўтган... Қандай чиройли феълга эга бўлсангиз, ҳаммаси она зотингиздан. Сиз ҳам эшонларга кирасиз. Биз сизни «эшон бобо» дейишимиз шарт. Инсон отанинг белидан онанинг қорнига тушгандан бошлаб тўққиз ой, тўққиз

кун, тўққиз соат, тўққиз лаҳза она қорнида озиқланади. Қони билан озиқланади. Шунга қараганда болада онанинг етмиш фоиз жисму жони бўлади... Сиз иккиланмай эшонлигингизни айтаверинг...

— Ташаккур, тасанно... — дея секингина шивирлаб Аширмуҳаммад ака хўжайини қаршисида бош эгди.

— Оллоҳ кўнглимга солаётир, — дея бой гапини давом эттиради, — фарзандларингиздан бири жуда катта лавозимларга эришади, мендан ҳам бир неча марта катта бой бўлиб кетади... Эшон онангизнинг шарофатлари шундай... Муҳаммад пайғамбаримиз Оллоҳнинг инояти билан Ер юзига охириги пайғамбар бўлиб келиши билан у зотга Оллоҳнинг бутун нури-саховати ато этилган. Мана шу нурлардан бир қисми онангиз Эшон бибимизда мужассам... Мана шу нур сизда ҳам, фарзандларингизда ҳам ўз аксини топади. Сиздан кейин бир неча авлодларингизда ҳам шу нур ўз ифодасини топади ва кўп катта лавозимларни эгаллайдиган авлодларингиз туғилади. Орада баъзи бир ёмон инсонлар туфайли авлодларингиз озгина қийналиши мумкин, кейинчалик яна бойиб кетишади... Фаришталар кўнглимга шундай бир фикрни солди...

— Тасанно, ташаккур, — дея Аширмуҳаммад ака кўнгли тоғдай кўтарилиб далага қайтиб кетди. У зот уйланган ва бу пайтга келиб ўғил ва қизлари улғайиб бораётган эди... Энди ўзича турмуш қуриш, ўзича мол-ҳол қилиш ва рўзгорни тебратиш фикрига тушиб юрган эди. Бироқ хўжайинига бу ҳақда оғиз очишга журъат этолмаётганди. Чунки ўзининг феъли билан хўжайинининг феъли мос тушганди. Барибир чўпонликни ташлаб ўз уйига кетиши зарурлигини турмушнинг ўзи тақозо қилаётганди, ўша кунларнинг бирида Аширмат ялангоёқ туни билан ўйлаб, охири бир фирқрага келди ва хўжайинининг хонадонига қутилмаганда ташриф буюрди. Унинг феъли ўзгарган, не учундир қиёфасида ҳам бирмунча ўзгариш сезилар эди.

* * *

Аширмуҳаммад чўпон қийналиб, оғир юрак изтироби билан ўзига таниш бўлган Овчилик Авазмуҳаммад бойнинг уйига бугун ўзгача кўриниш билан қадам ранжида қилди. Унинг важоҳатини кўрган бой бирдан сергак тортиб ўйланиб қолди. Бирор чўпонни ранжитмадимикин, деган хаёлга ҳам борди. Бой одатий меҳрибонлиги билан чўпонни қаршилади. Уйига олиб кирди, чой-нон қилди. Орага узоқ муддатли чўккан сукунатни яна бойнинг ўзи бузди:

— Эшон бобо, — дея мурожаат этди бу гал бой, — нимагадир кайфиятлари унчалик эмас. Бирор чўпон билан айтишиб қолдингизми? Сизнинг бунақа одатингиз йўқ... тортинмай, очиқчасига гапираверинг. Мен билан ҳамма масалада гаплашиш, келишиш мумкинлигини биласиз...

— Бой ота, кўп тузингизни ичдим, рози бўларсиз деган ниятдаман, — дея Аширмуҳаммад ака ҳам хижолатнамо гапини бошлади. — Фарзандлар улғайиб бораяпти... аёлимиз ҳам ёлғиз қолишига тўғри келаяпти... айбга буюрмасангиз уйга қайтсам, йигирма йилдан ортиқроқ чўпонингиз бўлдим. Ҳар йили ҳақимни бердингиз... асло норозилик йўқ... қилган меҳнатимга у дунё, бу дунё розиман... онамиз ҳам кексайиб қолдилар...

— Ҳой, ҳой... — деди бу гал бой хиёл жилмайиш билан, — Аширматбек, Оллоҳнинг каломи — Куръони Каримнинг аввали ва охирининг мазмуни ҳеч кимга, ҳеч нарсага озор бермасликдир... Бирор одамнинг кўнглига қарамаслик ҳам уни норизо қилишга киради, марҳамат қилинг, умрингиздан барака топинг. Болачақангизнинг орзу-ҳавасини кўринг. Мен розиман. Фақат битта илтимосим бор. Бугун кечгача бирга бўласиз, бир қўйни дангана қиламиз, ёр-бироларларни чақириб рози-ризолик қиламиз... Шунга розимисиз?

— Розиман, бой ота...

— Умрингиздан барака топинг. Эртага отарга чиқамиз. Оллоҳ буюрган қўйларингизни олиб кетасиз, кейинчалик ҳам келиб туришни унутманг. Сиз бизнинг хонадонимизга фарзанддай бўлиб келдингиз, шундай бўлиб қоласиз... Қачонлардир Оллоҳ кўнглингизга солиб ўғилчаларингиз, қизчаларингиз бўйга етса, қуда-анда бўлиш орзуси туғилса ҳам тортинмай келаверинг. Сизга бир эмас, учта қизимни ҳам келинликка бераман...

— Тасанно, ташаккур, — дея Аширмуҳаммад шу куни бой отанинг илтимосини жон-тани билан бажарди. Қўй сўйилди, Аширмуҳаммад аканинг кетиши учун зиёфат уюштирилди. Бош-оёқ сарупо қилинди, кийдирилди. Эртаси куни далада, отарда учрашишди. Авазмуҳаммад бой чўпонлик таёғини олиб отарнинг ўртасига отди ва таёқдан бўлинган, яъни Аширмуҳаммад томонга бўлинган қўйларнинг ҳаммасини совға қилди. Тахминан ўттиздан ортиқроқ қўй...

— Бой ота, бу қўйлар кўплик қилади, менинг бунча ҳаққим йўқ, — деди хижолат тортиб Аширмуҳаммад ака.

— Энди гапни айланторманг, — деди бу гал бой жиддийлашиб, — ярми сизники, ярми Эшон онамизники, биз у зотнинг муридларимиз, қани ҳайдасинлар. Фақат хол сўраб туришни

унутмасинлар...

— Асло унутмаймиз, бой ота, — дея Аширмухаммаднинг кўзлари ёшланиб кетди. У шу куни кўйларни ҳайдаб қишлоғи Холдорқипчоққа йўл олди. Чориғи ҳамон оёқларига торлик қилар, янги чориғининг ҳам бармоғи тешиб чиққан, назарида бош бармоғи яна ҳам ўсиб кетгандай эди. «Ё Худо, — деб ўйларди Аширмухаммад ака бош бармоғига назар ташлаб, — хурсанд бўлсам ҳам, хафа бўлсам ҳам бош бармоғим ўса бошлайди. Чориғимни тешиб чиқаверади. Яна кимга чориқ тикиб бер, деб бораман. Бош бармоқни ўстирмасликнинг йўли бормикин? Дориси ҳам бормикин? Табиийки, табиблар бош бармоқни ўстирмайдиган дорини тополмайди...»

Аширмухаммад аканинг оғзи қулоғига етиб, ўттиздан ортиқ кўйларни, яъни танланган сара кўйларни ҳайдаб Холдорқипчоққа етиб ҳам келди. Бунчалик кўп кўй кўпчиликда йўқ эди. Ҳамма унга ҳавас билан қарар эди. Ялангоёқ Аширмат бирдан бойга айланиб қолди. Кейинчалик эса вақт-бевақт эски қадрдони Авазмухаммад бойнинг уйдан ҳам хабар олиб турди.

* * *

Тахминан 1855 йилларда Ўратепа вилоятининг кўп музофотларига маълум ва машҳур қадимий шаҳарлардан бўлмиш Шаҳристонга яқин Холдорқипчоқ қишлоғида, Аширмухаммаднинг хонадонидида қўчқордай ўғилча дунёга келди. Янги дунёга келган мана шу гўдак пешонасининг кенглиги, кўзларининг катталиги ва бўлалиги билан доно ҳиссиётли болакай чиндан ҳам ота-онаси қатори кўпчиликнинг фикрини қарам-ром этди. Гўдак кам йиғлар, бироқ сутга, овқатга ўчроқ кўринарди. Ёши улғая борган сари боланинг кўзларидаги донолик, раҳмдиллик ва саховат, олижаноблик туйғулари қуюқлаша борди. Бола доим жилмаяр, кулар, қўлидаги нарсаларни ким сўраса бериб юбораверарди. Бола чиндан ҳам жисмонан, ҳам руҳан тетик бўлиб ўсиб борар эди. Аширмухаммад аканинг отаси Холмухаммад, унинг отаси Нормухаммад, унинг отаси Мандабой, унинг отаси Бавабой, унинг отаси Андобойнинг эшитганлар, мана шу хонадоннинг, яъни сулоланинг охиргиси Аширмухаммад хонадонидида фавқулодда туғилган бўлали ва раҳмдил болани кўришлари билан ҳар бирлари ўзларича каромат ҳам қила бошлашди.

Авалло, ҳар қандай каромат ҳақидаги фикрлар ҳам Яратганнинг саховати билан одамларнинг кўнглига солинади ва сўзга кўчади. Демак, Оллоҳ банди мўминларининг қалбига буйруқ қилиб, ёш гўдак Пиримқулнинг келажаги ҳақида кароматлар қилдирган.

Оллоҳнинг 99 исми мавжуд. Балки ундан ҳам кўпдир. Чунки ер юзидаги барча эл-элатлар ҳаммаси ўзларича Оллоҳни турли номлар билан атайдилар. 99 исми эса фақат араб тилидагиси. Пирим, деб кўпроқ Оллоҳга нисбат берадилар. Чиндан ҳам инсоннинг Оллоҳдан бошқа пири, яъни устози йўқ. Демак, бандаи мўминларнинг биринчи ва сўнгги Устози биргина Яратгандир... агар Ўзидан ишоралар бўлмаса, Пиримқулга шундай исм қўйилмаган бўларди. Худди мана шу ерда, яъни исм қўйилишида боланинг умр дафтари Оллоҳ томонидан бичилган эди. Пиримқул, яъни Оллоҳнинг абадий қули... бутун умр фақат Оллоҳгагина хизмат қилади, яъни унинг бандаи мўминларига яхшилик қилиб, Пири олдидаги қарзларини узди. Оллоҳнинг содиқ қули... боланинг кўзидаги раҳмдиллик, олижаноблик, эзгулик, донолик аломатларини кўриб, исмини Пиримқул қўйганлар ҳар ҳолда янглишмаган эдилар...

Кейинчалик чиндан ҳам одамларнинг шундай исм қўйиб янглишилмаганликлари аён бўлди. Пиримқул исмли ўша йўғон-йўлпи йигит улғайиб, беҳад қудратли ва кучли, гўзал йигит бўлди. Раҳмдилликда, олижанобликда чиндан ҳам тенгсиз бўлиб етишди. Юрагидаги мана шу раҳмдиллик, олижаноблик, эзгу туйғулари камол топа бориб, ватани учун, миллати учун улуг бир зотга айланди... Оллоҳнинг номи қўшиб айтилган ёки Оллоҳнинг қули, деб юритиладиган инсон болалари тарихдан маълумки, инсониятга зарар келтирмаган, зарарли иш ҳам қилмаган. Шу билан бирга машҳур одам бўлиб қолган. Пиримқул исмли ўша йигитча улғая борган сари ота-онаси, қўни-қўшниларнинг ҳам диққат-эътиборини торта бошлади. Мана шу фавқуллоддаги диққат-эътиборлар Пиримқулнинг ўзини ҳам ўзига, ўзгаларга жиддий қарашга, жиддий бош қотиришга, жумладан, ватани, миллатига чин юракдан қайғуришга ундай бошлади. Динимизга, ватанимиз, миллатимиз удумларига тўғри келмайдиган куфр ишлардан юз ўгиришга мажбур этди. Меҳнатга чиндан ҳам ортиқча меҳр қўйди, инсон фақат меҳнатдан топади, деган нақлга бутун умр содиқ қолди, амал қилди. Оллоҳ эса уни, қулини доим ҳам қўллаб келди. Худди мана шу лаҳзалардан, яъни меҳнатни онги, шуурига сингдира бошлаган лаҳзалардан бошлаб, чўпонлик таёғини қўлига олиб отасига қўмаклашишга киришди. Оллоҳ яна уни қўллади. Хизр фариштасини бўлғуси қайнотасининг қалбига киритиб, кутилмаганда Пиримқулнинг истиқболига келишга чорлади. Ҳозирча Оллоҳнинг бундай қудратидан бирор одам хабардор эмас эди...

* * *

Орадан бир неча йиллар ўтди. Авазмуҳаммад бой билан Аширмуҳаммад чўпон орасидаги боғланиш ҳам табиий равишда узилди. Доим улар бир-бирларини эслашар, ёдга олишар, бироқ бориб бир-бирларини кўришга деярли ҳафсала қилмас эдилар. Ўша кунларнинг бирида овчилик Авазмуҳаммад бой кутилмаганда ғаройиб туш кўрди... Тушида ўзининг ҳашаматли уйи, кенг дарахтли ҳовлисини ва мусаффо осмонни ҳам кўрди. Тўлин ой эди. Кутилмаганда, ҳа, кутилмаганда осмондаги ой Авазмуҳаммаднинг ҳовлисида пайдо бўлди ва бироз вақт ўтганидан кейин ҳовлисидаги ой бошқа бир ҳовлига ўтди ва ўша ердан ботиб кетди. Ҳовли ўзиникига ўхшаган ҳашаматли, ҳашамли эмас эди. Торгина, юпунгина, тепалик устидаги ҳовли эди. Ўша ҳовлида кутилмаганда баҳайбат гавдали одам пайдо бўлди. Одамнинг оёқ бармоғи гўё дарахтга ўхшаб ўсиб ҳам кетганди. Бой бу одамни кўриб таниб турарди, фақат исмини эслолмаётганди. Кейин бирдан: «Бу Аширмат-ку! — дея тушида қичқириб юборди. — Нимага унинг бош бармоғи ўсиб кетибди... чоригимни йиртиб юборди, кимга янги чориқ тиктираман, деяптими? Қизиқ...»

Кейин Авазмуҳаммад бой Аширмат билан қучоқлашиб кўришди. Шу ерга етганда бой уйғониб кетди ва юз-қўлини ювиб, таҳорат олиб бомдод номозини ўқишга тутинди. Ўқиб бўлганидан кейин тушини аёлига айтиб берди.

— Бир гап бор, — деди аёли эрига, — ҳовлимиздан ой учиб Аширматнинг уйига тушса, давлатингиз унга ўтиб кетибди, астайфирилло, нима, биз қашшоқ бўлиб қоламизми. Ойни давлат дейишарди, бугун ё эртага бориб чўпонингизни бир кўриб келинг.

— Тўғри айтасан, — дебди бой аёлига, — Эшон энани ҳам зиёрат қилиб қайтаман.

Икки кундан кейин Авазмуҳаммад бой отига миниб, ёнига яқин кишиларидан бирини олиб тахминан Аширматнинг қишлоғи Холдорқипчоққа йўл олди. Қишлоққа кирмай йўлини Баландчақир қишлоғи томонга солди. Чунки қўйлар ўша томонларда боқилар, бу томонларда қир-адирлар, яъни яйлов мўл бўлиб, қўйларни суғориш учун қулайлик туғдирадиган булоқлар ҳам сероб эди. Отлар билан анча-мунча йўл босиб, кутилмаганда йўловчилар қир орасида, бир туп тол дарахти ўсиб турган булоқ томон от жilовини буришди. Булоқ атрофида икки юзга яқин қўйлар уймалашар, чамаси эндигина сув ичиб, ўтлаш учун қирларга эна бошлаганди.

Йўловчилар булоққа яқинлашганларида истиқболига бўйи беҳад баланд, қўллари йўғон, узун юзли, елкалари ҳам беҳад кенг, қадди-қомати билан худди Алпомишни эслатадиган йигитча чиқиб қаршилади.

— Ассалому алайкум! — дея Авазмухаммад бойнинг қўлини олди.

— Ваалайкум ассалом! — дея бой йигитнинг қўлини сиқиб қўйиб юбормади ва ёнига яқинлашиб, елкаси билан елкасини тенглаштирди. Бой йигитчанинг елкасидан келди. — Неча ёшга чиқдинг, ўғлим?

— Ўн етти ёшни тўлдирдим, — дея жавоб қилди йигитча.

— Мен сенинг елкангдан келдим. Ҳой-ҳой, йигирма бешгача ўсасан. Демак, бўйинг ярим терак бўлар экан. Эслолмай турибман. Кимгадир ўхшайсан. Қўлларингнинг катталиги, кучлилиги ҳам таниш туюляпти. Кимнинг ўғлисан?

— Аширматнинг...

— Аширмат... Аширмат....

— Отангнинг мабодо лақаби йўқ эканми?

— Бор, — дея мийиғида қулди бола ва чамаси айтишга хижолат тортди шекилли, жавоб қилмади.

— Мабодо отангнинг оёғининг бош бармоғи узун эмасми?

Бола қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

— Отамни Аширмат ялангоёқ ҳам дейишади.

— Келинг, Эшон бобо, қайтадан кўришайлик, — дея чол йигитчани бағрига босиб қаттиқ ва астойдил кўришди. «Эй, куёвинг бўлса, мана шунақа йигит бўлсин-да, тоғни урса талқон қиладиган...» дея хаёлидан кечирди бой ва озгина вақт ўтмасдан йигитчани куёв қилишни астойдил истаб қолди ва бу орзу армонга айланди. Бой йигитга узоқ, жуда узоқ термилди. — Қўйларнинг ҳаммаси ўзларингникими?

— Ўзимизники, — деди бола бу гал қувноқлик билан. — Отам бир бойнинг уйида қўйларини боқарди. Ўша бой жуда сахий бўлган экан, отамга кўп қўй берган экан. Мана, кўпайиб кетди...

— Яша, азамат, аввало Эшон энамизга кўп дуои саломларимни етказ. Бизни ҳам дуо қилсинлар, кейин отангга айт. Авазмат ака сизни сўради, уйларига тезлик билан ўтар экансиз, зарур ишлари бор экан дегин, — қабилида йигитчанинг қулоғига қуйди ва қўшни қишлоққа ўтиб кетди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмади. Бола шоду хуррамлик билан Авазмухаммад бойнинг гапларини отасига етказди. Бу пайтга келиб кексайиб қолган Эшон кампир ҳам бойнинг ҳаққига дуо қилди. Ўғлини зудлик билан бойдан хабар олишга ундади.

* * *

Ўратепа вилоятининг Шаҳристон шаҳрига яқин Овчилик қишлоғидаги Авазмухаммад исмли беҳад доно ва ақлли, айни

пайта олижаноб, инсонпарвар, ватанларвар бой кўпларни ўзига мафтун этган эди. Баланд бўйли, билаклари серюнг, қош-кўзлари қоп-қора, қора соқол-мўловли мана шу бойнинг ўгли бўлмай, учтагина қизи бор эди. Ўта тақводор, етим-есирларнинг, сағирларнинг, бева-бечораларнинг бошини беминнат силайдиган, ўз вақтида эҳсонларини тўлаб борадиган мана шу бой эрта-кеч Худодан ўгил фарзанд сўрар, улғаяётган қизчасига эса яна Яратгандан ақлли-хушли куёв чиқишини ҳам сўраб турарди. Авазмуҳаммад бой Оллоҳнинг саховатидан баҳраманд бўлиш учун доимий равишда масжид, мадраса, ҳаммом, кўприк қурдирар, ариқлар ҳам қаздириб, қишлоқларни сув билан таъминлар эди.

Авазмуҳаммад бой қачонлардир қўлида чўпонлик қилган холдорқипчоқлик Аширмуҳаммадни бошқа чўпонлардан ортиқча суйгани, эъзозлагани учун кўпроқ у билан суҳбатлашар: «Ҳаммамиз Оллоҳнинг бир хил, бир қадр-қийматга эга бўлган, бир хил эъзозга сазовор бўлган бандаи мўминларимиз. Пайгамбаримиз Муҳаммад мустафо саллоллоҳу алайҳи васаллам, у зотга умматмиз. Оллоҳнинг назарларида бой-камбағал йўқ. Фақат одамларнинг тушунчасида бой-камбағал бор. Шоҳ ҳам, гадо ҳам, косиб ҳам, чўпон ҳам бир хил кафанга ўралади, бир тобутга тушади, бир хил кўмилади. Қилган гуноҳлари учун ҳам бир хил жавоб беради. Гадога, бойга, шоҳга мустасно деган гаплар йўқ. Шоҳга алоҳида жаноза ўқилганда, гадога эса бошқа жаноза ўқилганида эди, одамнинг фарқини билиш мумкин эди. Жаннат ҳам ҳаммага бир хил очилади, бир хил бекилади. Дўзах ҳам бир хил. Ҳаммани қабул қилади. Бир хил алангасида қовиради. Тобутгина шоҳни ҳам, гадони ҳам мол-мулкидан, уйи, болачақасидан айиради. Шоҳни ҳам, гадони ҳам оддий халқ кўтариб қабристонга олиб боради. Демак, кунимизга барибир оддий фуқаро ярайди. Оддий фуқарони камситганларни Оллоҳ албатта камситади. Мана сизга оддий инсоний ҳақиқат... Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи васаллам нима учун пайгамбар бўлганлар? Чунки у зотнинг меҳри умматига ва ҳамма жонзотга бир хил бўлди. У зотда айириш, камситиш ҳислари бўлмаган. Киборлик, манманлик у зотга мутлақо бегона бўлган. Хабарингиз бор, у зотнинг ўн битта никоҳлари бўлган. Никоҳларига олган ҳамма аёллар билан ҳам эр-хотин бўлмаганлар. Бева аёлларга, уларнинг болаларига ёрдам қилиш учун, яъни шаръий йўл очиш учунгина никоҳларига олганлар ва шу тариқа хонадонини боққанлар. Сиз мана шу зотга бориб тақаласиз. Энангиз у зотга набира бўладилар. Эшитгансиз, Пайгамбаримиз ҳар куни беш маҳал масжидга ўтаётганларида шу кўчада истиқомат қиладиган

бир яҳудий аёли пойлаб туриб, устиларидан доим ахлат ағдарган. Таҳоратларини бузган. Бироқ у зот бирор вақт яҳудий аёлга қарамаганлар. Фақат: «Парвардигоро! Шу аёлга ҳам инсоф бер!» дея ортларига қайтиб қайтадан таҳорат олиб, намоз ўқиш учун масжидга ўтганлар. Бу воқеа минг марталаб такрорланган. Бир куни яҳудий аёли устиларидан ёзилиб ҳам юборган. Пешоби бутун кийимини ифлос қилган. Шунда ҳам у зот бошларини кўтариб қарамаганлар, фақат Яратгандан унга инсоф сўраб ортларига қайтиб кийимларини ўзгартириб, қайтадан таҳорат олиб масжидга жўнаганлар. Бир куни дафъатан яҳудий аёли кўринмай қолади. Ҳазрат пайғамбаримиз аёлнинг қўни-қўшниларидан нимага кўринмай қолгани сирини сўрайдилар. Шунда қўни-қўшнилари: «Бўйни узилсин, ифлос аёл эди. Сизнинг устингиздан ахлат ағдарарди, ҳатто бир кун ёзилиб ҳам юборганди», дейишади. «Ҳой-ҳой... асло ундай деманглар! У зотнинг гуноҳлари тўкилди, сизлар эса гуноҳкор бўлдиларинг...» дея ҳазрат Пайғамбаримиз яҳудий аёлнинг эшигини очиб ичкарига кириди. Аёл ҳовлида оғир бетобланиб ётган эди.

— Ассалому алайкум, она, яхшимисиз. Доим салом-алик қилиб турардингиз. Кўринмай қолдингиз? — дея ҳазрат Пайғамбаримиз ҳол-аҳвол сўрайди. Яҳудий аёлнинг кўзларига ёш қалқийди.

— Сен Муҳаммадмисан? — дея сўрайди яҳудий аёл. «Ҳа» деган жавобидан кейин эса аёл: «Сенга қойилман. Оллоҳ сени бекорга Пайғамбар қилиб яратмаган экан. Энди менга калимани ўргат, сенинг динингга — исломга кириб ўламан», деди.

Ҳазрат Пайғамбаримиз дарҳол калимани ўргатди. Аёл калима келтирди. Ҳазрат Пайғамбаримиз шу куни аёлнинг озиқ-овқатидан хабар олади. Алоҳида бир хизматкор ҳам ёллаб беради. Доридармонига пул беради. Орадан бир неча кун ўтгандан кейин аёл бандаликни бажо келтиради. Мана кўрдингизми? Мана сизга савоб. Ҳазрат Пайғамбаримиз гуноҳкор бўлиб қолмай дея қўлларига ҳеч қачон пул ушламаганлар. Чунки пул ҳар хил одамнинг қўлидан, яъни нопок, ноҳалол одамларнинг қўлидан ҳам ўтади. Биз эса 30 минглаб, 100 минглаб қўйлар қилиб юрибмиз. Аслида эса қўйларни етим-есирларга, камбағалларга бўлиб беришимиз керак. Ҳамма ҳам бирдай бой бўлиши керак. Баъзи бир ишёқмас, дангаса кишилар ҳам бўлади, мол-мулкка беписанд қарайди ва ҳеч қачон бойимайди. Ватанпарвар, миллатпарвар одам яхшилик қилиши керак...

— Тасанно, тасанно, — деб юборди чўпон Аширмуҳаммад ака ҳаяжонланиб. У шу тариқа Авазват бойнинг ўғитларини доим қулоқларига қуйиб олди. Шу амалларга доим садоқатли бўлишга

тиришади.

— Бизга Худо ўғил бермай турибди, бериб қолар, Оллоҳнинг саховати кенг. Оллоҳ доим ҳам: «Саховатли бандаларимга менинг ҳам саховатим чексиз...» деган. Фарзандларингизга ҳам шундай ўғит беринг. Сизлар эшонларнинг фарзандларисиз...

Бой билан чўпоннинг суҳбатлари шу таҳлит кечарди. Бир-бирларига ҳам меҳр-муҳаббатлари чексиз эди.

Ўғли Пиримқулни Авазмуҳаммад бой кўрганлигини, бағрига босиб гўё туғишган одамидай кўришганини ҳаяжон билан, энтикиш билан гапириб берганини эшитганидан кейин Аширмуҳаммад ўзини қўярга жой тополмай қолди. Бу ҳақда яқинларига, қариндош-уруғларига ҳам гапириб берди. Билган-билмаганлар ҳам: «Аширмат, ўғлингга Хаста Хизр кўринибди, тезда бор», дея маслаҳат беришди.

* * *

Авазмуҳаммад қишлоғи Овчиликка беҳад кучли шоду хуррамлик билан кириб келди. Унинг аъло кайфиятини кўрганлар ҳайрон эди. Унинг чиндан ҳам чиройи очилиб кетганди. Бойни бугун ё эрта кутилмаган бир шодлик, яъни тўю тантана кутаётгандай бир таассурот билан нафас олаётганди. Шу лаҳзаёқ уйидагиларга, уни таниган-билганларга Толбулоққа боргани ва ногаҳон бўйи беҳад баланд, қошлари туташ, кўзлари катта, пешонаси кенг, нигоҳидан, чеҳрасидан фавқулодда бир нур ёғилиб турган, айти пайтда ҳаддан зиёд мулозиматли, олижаноб, киришимли, ишлаб чарчамайдиган, еб тўймайдиган Пиримқул исмли йигитчани кўргани, бу йигит қалбига мустаҳкам ўрнашганини, кўнгил узолмай зўрға хайрлашганини, танасининг бир бўлаги ўша йигитчада қолганини ҳаяжон билан, кучли бир ҳиссиёт билан сўзлаб берди ва ўтирганларда ҳам йигитчани кўришга кучли иштиёқ кўзгатди. Ҳамманинг бирдай ҳавасини келтирди.

— Аширмат ялангоёқнинг ўғлими? Аширмат ҳам дароз одам. Аммо бутун Шаҳристонни қидириб Аширматдай мард, камсуқум, олижаноб, ҳалолу пок одамни топиб бўлмайди. Аммо бояқишга Худо оёқдан ҳам берган-да. Оёғининг катталигидан этик тополмай қийналгани-қийналган. ундан ҳам кўра бош бармоғини айтмайсизларми? Оёғидан тўрт энлик узун, ошпичоққа ўхшаб туртиб чиқиб туради. Аширматнинг онаси эшонлардан. Шунинг учун ҳам у ҳалолу пок. Ахир эшонлик нишонаси ҳам бўлади-да... Бувиси ҳам азамат аёл. Гов уруғининг қизи. Қипчоқлардан, — дея қариндошлари Авазматнинг сўзларига аниқлик киритишди.

— Ўтган кун мен ногаҳон бир туш кўргандим. Аммо тушимни

сизларга айтмагандим, — дея Авазмат бой ҳам гапини давом эттирди. — Одам бунақа тушни кам кўради. Тўлин ой менинг ҳовлимдан чиқиб, Аширматнинг ҳовлисига бориб, ўша ердан чўкиб кетди. Уйғониб ёқамни ушладим. Ҳайрон бўлдим. Бирор одамдан таъбирини сўрашга эса иймандим. Хуллас, эртаси куниёқ кўнглим бир нарсани сезди ва Аширматни кўриш учун Баландчақир томонларга йўл олдим. Хуллас, шу куни ҳалиги йигитчани учратдим. Вой-вой, ана йигиту мана йигит...

Суҳбат шу ерда ниҳоясига етди. Бироқ бирор одам Авазмуҳаммад бойга: «Тақсир, давлатингиз сиздан кетиб Аширмуҳаммадга ўтиб кетибди. Ойнинг ҳовлингиздан чиқиб унинг ҳовлисига ўтиши ва ўша ердан чўкиб кетиши шундан дарак беради. Одам тушида ойни кўрса давлатманд бўлади...» деёлмади. Деганида ҳам бой мутлақо ранжимасди. Чунки у доно бой эди ва давлат синов учун берилгани, у ҳеч кимга вафо қилмаслиги, охир-оқибат қўлдан кетишини ҳам яхши билар, давлатга мутлақо совуққонлик билан қарар эди.

Бой кеч билан аёлини ёнига чорлади. Суҳбат устида кўрган тушининг бежиз эмаслиги, яъни собиқ чўпони Аширмуҳаммад билан қуда бўлиши, унинг беҳад гўзал ўғлига қизини бериш нияти туғилганини, тушидаги ойнинг ўз ҳовлисидан собиқ чўпон ҳовлисига ўтгани, яъни ўз давлати энди бўлғуси куёвига ўтишини ётиғи билан тушунтирди. Оллоҳ кўнглига ўша йигитчага қизини узатишни солганини ҳам айтди. Ётиғи билан ўғиллари йўқлиги, йигитча уларга ўғил ҳам бўлиб қолишини тушунтирди.

— Хўжайин, сиз нима десангиз шу, — деди аёли ҳам аста. — Аширматни яхши биламиз. Поку ҳалол одам. Ўн йил тузимизни ичди. Тузимизга хиёнат қилмади. Бирор нарсангизга кўз ҳам олайтирмади... Мен розиман. Қариндош-уруғларингизни йиғиб, маълум қилинг.

Авазмуҳаммад бой Аширмуҳаммаднинг келишини тоқатсизлик билан кута бошлади. Чунки Оллоҳ кутилмаганда у билан қуда бўлишни сездирган, бу тушидаги ойнинг унинг ҳовлисидан бўлғуси қудаси ҳовлисига ўтиши билан изоҳлаган эди.

Авазмуҳаммад бойнинг кутган вақтини ҳам Оллоҳ насиб этди. Пиримқулдан воқеани эшитган Аширмуҳаммад тоқатсизланиб, ҳам хижолат тортиб зудлик билан меҳмонга боришга тайёрлана бошлади. Бу пайтга келиб Аширмуҳаммаднинг ўзи ҳам бойга айланган, бойларнинг даврасига қўшила бошлаганди. Эртаси куниёқ Аширмуҳаммад қариндош-уруғларидан иккитасини олиб, икки гилдиракли аравага икки семиз қўйни ортиб, Овчилик қишлоғига жўнади. Бу гал Аширмуҳаммад собиқ хўжайинининг уйига чўпон сифатида эмас, энди меҳмон сифатида қадам ранжида

қилаётганди. Авазмуҳаммад меҳмонларни юксак тавозе билан қаршилади. Ўзлари ўйлагандан ҳам кўра юксак меҳр-муҳаббат билан қаршилаб, жонларини бахшида этиб, уйларининг тўридан жой беришди. Меҳмонлар алламаҳалгача ўтиришди. Ош-овқатдан кейин Авазмуҳаммад бой:

— Эшон бува, Эшон знамизнинг соғлиқлари яхшими? — дея юрагини ёза бошлади. — Сиздан яширадиган гапимиз йўқ. Сиздан яширадиган сиримиз ҳам йўқ. Сиз хонадонимизнинг азиз фарзандига айлангансиз... Сиздан фақат яхшилик кўрдик. Оёғингиз хонадонимизга яхши келди. Кўйларимизга бирор вақт вабо ҳам тегмади. Бойиб кетдик. Буларнинг ҳаммаси аввало Оллоҳдан. Қолаверса, энангиз Эшон бувининг хосиятлари. У зотнинг олдида кўп нарса қарздормиз. Шу, ўтган куни фаройиб бир туш кўрсам денг. Бу ҳам аввало Оллоҳнинг буйруғи. Тушимда тўлин ой менинг ҳовлимдан кўтарилиб, сизнинг ҳовлингизга ўтиб кетди, кўпчиликка айтдим. Сизга ҳам айтаяпман... Ўзимча тушнинг таъбирини ҳам қилдим. Биз сиз билан яқинлашиб кетамиз, қариндош бўламиз, сизга Худо яна ҳам катта давлат беради. Туф... туф... кўз тегмасин. Толбулоқда, Баландчақир қирларидан ўтиб бораётиб, отларни суғориш ниятида булоқ томон тушдим. Шу десангиз, булоқ четида Алпомишга ўхшайдиган девқомат, беҳад гўзал йигит турибди. Йигит кимгадир ўхшайди. Ўйлаб тополмайман. Охир ўзидан сўрадим. Аширматнинг ўғлиман, деди у. Ёқамни ушладим. Худди ўзингизга ўхшайди. Бўйини айтмайсизми. Менга иккита келади. Ўзингизга ўхшаган беҳад одобли, андишали, мулозаматли йигит экан. Кўнглим мафтун бўлиб қолди. — Ана у оёғингизга сиғадиган кийим тополмай доим ялангоёқ юрадиган биродаримнинг ўғли экансан, — дедим кулиб, — отангнинг бош бармоғи бир қарич келарди. Орада кулги кўтарилди. Кейин сизни зудлик билан уйимизга келишингизни айтдим. Қадамнингизга ҳасанот. Хуш кўрдик.

— Раҳмат, бой ота! Иймонингиз доим саломат бўлсин. Сиз беҳад яхши одамсиз, сахий одамсиз. Менга уч-тўртта қўйни санаб берсангиз бўларди. Ундай қилмадингиз. Таёғимни отиб, қўйларнинг бўлинган еридан хоҳлаган томонингни ол, дедингиз. Чакана қўй берганингиз йўқ. Худога беадад шукурлар бўлсин, сиздай бой бўлиб кетдим, — дея Аширмуҳаммад миннатдорчилик билдирди.

— Эшон бува, сиз билан қуда бўлишни ният қилдик. Қолаверса, бу аввало Оллоҳнинг буйруғи. Уч қизим бор. Пиримқулга истаганингизни келин қилинг. Сиздан яширолмайман. Шу ниятда чақиртирган эдим... Эшонзодалар билан қуда бўлиш бизга ҳам фахр...

— Куллуқ, қуллуқ. — деб юборди Аширмухаммаднинг кўзларига ёш қалқиб на шодлигини яширолмай кўз ёшларини артди. — Куллуқ. Сиз шундай ишни бизга раво кўрган экансиз, жон-танзимиз билан қабул қиламиз. Пиримқул сизга ҳам, бизга ҳам ўгил бўлади... Қани, Оллоҳнинг йўлига бир дуои фотиҳа қилинг.

У кунни дуои фотиҳа билан Авазмухаммад бой Аширмухаммад бойга тўнғич қизини ўғлига келинликка беришни чин дилдан ният қилди. Худди шу лаҳза тўй ҳам белгиланди. Келгуси ҳафтанинг жума кунни куёв куёвнавқарга келиши белгиланди. Бу орада куёв томон фотиҳа тўйини ҳам юборадиган бўлишди, Фотиҳа тўйи ҳам ўтди. Зомин, Баланчақир, Шаҳристоннинг азамат бойлари Авазмухаммад қизини чиқараётганини эшитиб, катта совға-саломлар билан қадам ранжида қилишди. Авазмухаммад ўзининг собиқ чўпони билан қуда бўлаётгани, собиқ чўпони ҳам ҳозир бойиб кетганини, яъни дидли-фаросатли одамлигини, асли эшонзодаларга бориб тақалишини ғурур ва фахр билан айтиб берди. Фотиҳа тўйида ҳамма бойлар қаторида илк бор чўпон Аширмухаммад ҳам, у билан бирга ташриф буюрганлар ҳам зарбоф тўнлар кийиб, зарбоф саллалар ўради. Аширмухаммад эса оёғига илк бор Ўратепадаги энг катта хиром этикни кийиш бахтига муяссар бўлди ва худди мана шу лаҳза у бойларнинг сафига келиб қўшилди. Бу Авазмухаммад бойнинг донолиги, узоқни кўра билганлиги, худди шунингдек, аёлининг ҳам ўта фаросатлилиги, дидлилиги белгиси эди. Мана шу аломатлари билан у бутун Ўратепа, Зомин, Шаҳристон каби шаҳар аҳлининг ақлини лол қолдирган ва ҳайратга ҳам солганди.

* * *

Ниҳоят пайшанба кунни Авазмухаммаднинг уйига Аширмухаммад тўй юборди. Жума кунни Авазмухаммад қариндош-уруғлари ва қўни-қўшнилари билан Авазмухаммаднинг уйига, куёви Пиримқул эса ўзининг тенгқурлари билан бир неча аравада, отларда тўйга қадам ранжида қилдилар. Авазмухаммаднинг эшиги олди ва қўчалар тўйга келган кишилар билан лиқ тўлганди. Улар орасида Ўратепа, Зомин ва Шаҳристондан, Панжкентдан тўйга ташриф буюрган қозилар, бойлар, катта савдогарлар, ҳунармандлар, миршаблар, оқсоқоллар ва кўплаб одамлар икки ёшни қутлаш учун саф тортиб туришарди, катта маърака қозонларида палов дамланар, гўштлар пиширилар, тўй баҳонасида Авазмухаммад бой етим-есирлар, камбағаллар, сағирларнинг ҳам қоринларини тўйдириш ниятида эди. У ҳар бир меҳмонни алоҳида уйларга олиб кириб ҳаммасига бир нечалаб кўйлар ажратган,

кутилмаганда Пиримқулнинг тўйи ҳаммаёққа овоза бўлиб ҳам кетганди. Ёшгина йигитнинг мана шундай тўю тантана билан уйланиши ва бундан ҳамма хабар топгани сири ҳозирча ҳаммага сир эди. Унинг келажаги порлоқлиги, яъни яқин-орада мингбоши бўлиб, кўпларнинг оғзига тушиши, ватанига, халқига қатта хизматлар қилиши мумкинлиги ҳозирча Авазмұхаммаддан бошқа одамга аён бўлмаганди. Чунки Авазмұхаммад бунини тушида кўрган, ўз ҳовлисидаги ой Аширмұхаммаднинг уйига ўтиб кетганди. Бу эса Аширмұхаммад хонадонининг келажаги ёрқинлигидан дарак берар эди...

Тўйга келувчилар Шаҳристонга маълум ва машҳур бой, яъни бу музофотдаги олди бой ўзининг собиқ чўпони билан қуда бўлгани ҳақида гапиришар, бироқ бунининг сахийлигига, тақводорлигига йўйсалар, бошқаси собиқ чўпоннинг беҳад олижаноблиги, поку ҳалоллигига йўяр, кимдир қизларига совчи келмаганини гапиришар эди.

Ниҳоят куёв навкарлари билан қайнотасининг эшигидан кириб келаётганда чиндан ҳам ҳамманиннг оғзи очилиб қолди. Куёвнинг бўйи ҳамманиннг бўйидан баланд эди, гарчи бошини эгиб келаётган бўлса-да, боши ҳамманиннг бошидан юқорида турар, ҳамма куёвнинг келишган, гўзал йигит эканлиги ҳақида оғиз тўлдириб гапиришарди.

Тўй ниҳояланди. Етим-есирлар, сағирлар, камбағаллар оғизларидан чиқунча палов еб, тўйиб олиб, бойга минг бор раҳматлар айтиб кетишди. Куёвни ҳам, қудаларни ҳам кузатиб қолдилар. Тўйдан кейин эса бойнинг биродарлари алоҳида уйга йиғилишиб, тўйдан кейин дам олиб суҳбатлашдилар.

— Авазмұхаммад, — деб мурожаат қилишарди бойнинг биродарлари, — бу, қандай қилиб собиқ чўпонингиз билан қуданда бўлдингиз? Чўпонликдан кетгандан кейин ораларингиз узилиб кетганди...

— Аввало, бу Оллоҳнинг буйруғи, қолаверса, икки ёшнинг тақдири, — суҳбатини бошлади Авазмұхаммад хотиржамлик билан, узр сўраб, — озгина вақтларингизни оламан. Орангизда: «Авазмұхаммадга қуда бўлишга бошқа одам топилмабдими, собиқ чўпони билан қуда бўлибди», деганлар ҳам топилади. Мана шундай хаёл ҳозир ҳаммангизнинг бошингиздан ўтаяпти. Қолаверса, Оллоҳ кўнглимга солди. Бур куни гаройиб туш кўрдим. Тушимда мениннг ҳовлимдан ой чиқиб, Аширмұхаммаднинг ҳовлисига ўтиб, ўша ердан ботиб кетди. Бунинг маъносини мен: «Аширмұхаммад билан қариндош бўламиз ва мениннг давлатим унга ўтади», деган фикрга бордим. Негадир кўнглим собиқ чўпонимни бир кўришга

ичикаверди. Зора кўриб қолсам, деган умид билан Аширмуҳаммад кўй боқадиган Баландчақир қирларига йўл олдим. Ўзларингиз биласиз, улоқ тортишиш учун у ерларга кўп борганмиз. Баландчақир ерлари серсув, булоқлар мўл. Қўйларга ҳам ўтовларни куриб келаман деган ниятда эдим. Толбулоққа отларни суғоргани тушдим. Булоқ бўйида беҳад келишган бир йигит эндигина қўйларини суғориб, қирларга ёйишга шайланаётган экан. Кўзимга йигит таниш туюлди. Сўрадим. Аширмуҳаммаднинг ўғли бўлиб чиқди. Сизлардан яширганим билан Худодан яширолмаيمان, йигит ақлимни лол этди. «Қани шундай куёвинг бўлса» деган ўй келди бошимга. Ўша ернинг ўзидаёқ шу йигитга қизларимнинг бирини узатаман, дея ният қилдим. Мана, Оллоҳ ниятимга етказди. Аширмуҳаммад ўн йилдан ортиқ қўйларимни боқди. Илгарилари қўйларга вабо келарди, қирилиб ҳам кетарди. Аширмуҳаммад чўпонлик қилди-ю, қўйларимга қиргин келмади. Бойиб кетдим. Бунинг сирини неча бор сўрасам ҳам айтмади. Кейинчалик билсам, Аширмуҳаммаднинг оналари эшоннинг қизлари экан, оталари Алихон эшон кўп доно киши бўлган экан. Қирқ кун чилла ўтириб, жиниларни ҳам ўқиб тузатар экан. Шундан кейин мен у кишининг исмларини айтишга хижолат тортиб «Эшонбува» дейдиган бўлдим. Оналари эшон қизи бўлса ҳам эшонздалардан ҳисобланар экан... бир куни Аширмуҳаммаддан: «Сенинг ҳалоллигинг, поклигинг, қўйларнинг кўпайишининг сирини нимада?» деб сўрадим. «Онам ҳар куни қўлларини очиб, илоё қўйларингни бало-қазолардан Эгамнинг ўзи асрасин. Бой бува ҳам бойиб кетсинлар! Уларнинг орқаларидан биз ҳам бойиб кетайлик!» дея дуо қиладилар, деди. Мана шу Эшон энамизнинг хосиятлари... Оллоҳ хоҳласа ҳаммамиз кўраимиз... Чунки тушим бежиз эмас эди. Набираларимиз ҳам эшонзодаларга тутшиб қолади. Назаримда, куёвим Зомин, Шаҳристонни сўрайдиган одам бўлади... Омин! Оллоҳ ўша кунларга етказсин!»

— Илоё айтганингиз келсин! — дея ҳамма бирдай юзига фотиҳа тортиди.

— Ҳамма иш, жумладан, туғилиш, ўлиш, турли миллатларга мансуб бўлиб туғилиш, ҳатто ҳожатлар ҳам фақат Оллоҳнинг буйруғи билан юз беради. Оллоҳ турли тилда гаплашадиган миллатларни яратди. Бу билан Худо бир-бирлари билан танишсинлар, қондош эканликларини билсинлар, дейиш ниятида бўлган. Буни қарангки, қачонлардир Самарқанд томонларга «ёв» келармиш, деган миш-мишлар тарқалади. Ёв чиндан ҳам босади... қиргин қилади. Қиргинда одамлар яқинларидан айрилади, йўқотиб ҳам қўяди. Худди шундай кунларнинг бирида Ойша исмли Эшон

энамиз адашиб қолиб, узоқ йўл босиб, Нормухаммад исмли одамнинг уйига келиб қолади. Нормухаммаднинг Холмухаммад деган бўйга етиб турган ўғли бор экан. Никоҳлаб ўғлига беради. Шу никоҳдан Аширмухаммад туғилади. Ахир бу ҳам Оллоҳнинг иши эмасми? Нормухаммаднинг хонадони қаёқда, самарқандлик Алихон эшоннинг хонадони қаёқда. Эшон энамизни қисмат бошлаб келган.

— Тасанно, тасанно, — дея ўша куни ҳамма бир оғиздан Авазмухаммад бойнинг донолигига қойил қолишади. Шу тариқа Оллоҳнинг иродаси билан Аширмухаммаднинг ўғли Пиримқул донгдор Авазмухаммад исмли бойга куёв бўлади.

* * *

Авазмухаммад исмли бойнинг, яъни Пиримқул мингбошининг қилган кароматлари тўғри чиқди. Бойнинг уйдан ой чиқиб, Аширмухаммаднинг уйига ботганлиги, яъни бойнинг давлати куёвига ўтиб кетганлиги, бу асли Оллоҳдан келган ваҳийлиги орадан ўн йиллар ўтар-ўтмас исботланди. Тез орада қўйлари 30 мингга етган Аширмухаммад, яъни ўғли Пиримқулнинг номи Зомин, Баландчақир, Холдорқипчоққа маълум ва машҳур бўлиб кетади. Ўттиз ёшдан ошиб қолган Пиримқул имкон қадар, қўлидан келганича қариндош-уруғлари ва қўни-қўшинилари, жумладан бошқа қишлоқдан ёрдам сўраб келган етим-есирлар, бева-бечоралар, сағирларга ёрдам берар, қўй совға қилар, уйлантирар, қизларини чиқаришга кўмаклашар, мана шу сахийлиги уни элга танита бошлаганди. Асли Пиримқул отаси Аширмухаммад ва қайнотаси Авазмухаммаддан сахийликни, мардликни, олижанобликни ўрганган, қонида эса эътироф этилгандай, Эшон энанинг қони бор эди. Бу қон эса уни Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга туташтирар эди. Бу қонга қон билан туташган бандани мўмин бировга ёмонлик қилиши мумкин эмас эди. Чунки Оллоҳнинг нури тушган, яъни назарида турганларнинг ёмонликка қўллари бормайди... Оллоҳнинг нури ёмонликка билмай чўзилиб қолган қўлларни қайтариб туради. У юнг сотиб ҳам бойиган эди.

Ўттиз ёшлардаги алпқомат, гўзалликда тенги йўқ Пиримқул бу пайтга келиб отга, от минишга беҳад кучли иштиёқ қўйган, ўзининг ҳам беш-ўн та насли отлари бўлиб, уни алоҳида отбоқарлар боқар, катта улоқларда ўзи севган отга миниб ўртага тушиб улоқ тортишар, манаман деган йигитлардан бир силтаб улоқни тортиб олиб қўяр, доғда қолдирарди. Чунки қўллари узун ва бақувват эди.

Холдорқипчоқдан ва яна бир неча қишлоқлардан оқсоқолликка номзод сўраганларида каттадан-кичик, бой ҳам, камбағал ҳам

бир оғиздан Пиримқул Аширмуҳаммад ўғлини кўрсатади. Зомин, Шаҳристон ва ўнлаб қишлоқлардан ўнга яқин оқсоқолларнинг номзодлари кўрсатилганидан кейин ҳаммаси йиғилиб, Самарқандга йўл олдилар. У ерда Уезд бошлиғидан тасдиқдан ўтиши керак эди. Номзодлар орасида Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли ҳам бор эди. Тасдиқдан ўтаётганида Уезд бошлиғи, яъни ўша кезлардаги Самарқанд вилояти Уезди раҳбари Пиримқул Аширмуҳаммад ўғлининг қўлини алоҳида диққат-эътибор билан сиқади ва диққатини ўзига қаратади. Ёш оқсоқол масъуллиги, бурчлилигини рус бошлиғи олдида ўринлата олди...

— Тасдиқдан ўтганидан кейин менга алоҳида учраш, — деди полковник ва буни таржимон секин қулоғига шивирлаб айтди. Шу тариқа Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли марказдаги кўриқдан ҳам аъло даражада ўтади. Ўша кезги Оқпошшонинг барча солиқларини ўз вақтида йиғиб топшириши билан ҳам бу соҳадаги мутасаддиларнинг фикрини ўзига тортади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай бутун Шаҳристон, Зомин, Баландчақир музофотларига мингбоши сайлаш масаласи кўтарилади. Ўша даврнинг шароитлари билан Россиянинг Туркистондаги вакиллари одамларнинг ораларига кириб, оқсоқолларнинг кимлигини ўрганиб, феъл-атворларини синчиклаб текшириб, қозикалонлар, оқсоқоллар, миршаблар бошлиқлари билан маслаҳатлашиб, бир оғиздан уч музофот мингбошилигига Пиримқул Аширмуҳаммад ўғлини кўрсатишади. У бу лавозимга, биринчидан, олиҳимматлилиги, яъни сахийлиги, мардлиги, бировга қасддан ёмонлик қилмаганлиги, қўлидан келганича, имкон қадар ҳаммага бирдай яхшилик қила билишлиги, қолаверса, сиртқи гўзаллиги, жумладан, қайнотасининг обрўси ва унинг дўстлари кўмагида эришади. Аслида эса каромат қилинганидай Оллоҳнинг инояти, бибиси Эшонбувининг хосияти эди.

* * *

Уч музофотда ўтказилган сайловда ҳам Пиримқул Аширмуҳаммад ўғлининг омади кулиб боқди. Мингбошиликка сайланди. Авазмуҳаммад бойнинг каромати, яъни ўз хонадонидан ой чиқиб, қудаси Аширмуҳаммаднинг ҳовлисига ўтгани ва ўша ердан ботгани самараси ўлароқ бахтнинг илк самарасини кўра бошлади. Оллоҳ кўнгилларига солган ҳақиқат юзага қалқиб чиқди. Ўттиз ёшдан салгина ошган алпқомат йигит илк бор елкасига кўнган бахт қушидан ўзини кўярга жой тополмай қолди. Гўё ерда эмас, осмонларда учиб юрар эди.

Унинг олдидаги асосий масала, Самарқанд шаҳрига бориб

тасдиқдан ўтиб келиш эди. Бу гал уни генерал қаршилар, тасдиқдан ўтказар эди. Ўтганидан кейин эса мингбошилиқ «ёрлиғи»ни олиб уйига қайтиши ва энди ўз қўли остига ўтадиган, яъни мингбошилиқ қиладиган музофотларга катта тўй-томоша қилиб бериши керак бўларди. Бу масалада у биринчи галда қайнотаси, ўз отаси, қозикалон ва оқсоқоллар билан узоқ кенгашди. Аниқ бир қарорга келинганидан кейин генералга совға-салом тайёрлаш масаласи ҳам ўртага ташланди. Совға-салом орасида ўша кезги удумга кўра, генералга, унинг хотинига, болачақаларига қимматбаҳо кийимликлар, тўнлар, оёқ қийимлари, худди шунингдек, олтинлар ҳам олиб борилиши керак эди. Шундай қилинди. Кўпчиликнинг олқишлари билан Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли мингбошилиқка ҳам тасдиқланди. Тасдиқ пайтида қатнашган ҳайъат аъзолари ва совға-саломлар билан тақдирланди. Генералнинг уйига бориш, совғаларни яширинча беришга келишилди. Кутилмаганда генералнинг ўзи уни тасдиқдан кейин уйига таклиф этиб, бир пиёла чой ичиб кетишини айтди.

Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли генералнинг гапини икки қиллолади. Аравага ортиб келинган, яъни отдай қўчқорлар сўйилди. Генерал учун аталган мусаллас ҳам тортиқ қилинди, айниқса, мингбошининг фикрини, қалбини қарам-ром қилган ҳол генералнинг ўттиз беш ёшлардаги қорақош, кўзлари катта-катта, бели бир сиқим келадиган хотини бўлди. Анна исмли ўша аёл бўйи икки метрдан баланд, елкаларига икки одам сиғадиган, кўзлари катта, қирра бурун, қўллари ҳам қудратли йигитни кўриб қаттиқ ҳаяжонланди, тоқатини йўқотди. Чиндан ҳам бу йигит аёлнинг бутун вужудини қалтироққа киритиб юборганди. Гўё аёл ўз хаёлида ёшгина, гўзал мингбошига турмушга чиққан, назарида у билан яшаётгандай тасввур қилар эди ва бу ҳол кейинчалик Пиримқул Аширмуҳаммад ўғлининг қайта мингбошилиқка сайланишига, жумладан, Шаҳристон аҳолисини қирғиндан асраб қолишига асосий сабаб ҳам бўлди.

— Гўзал хоним... — дея Аннанинг қўлини олган Пиримқулнинг ҳам қалбида безовталиқ бошланди. Аёл беҳад гўзал эди. Қалдиқоматда тенгсиз эди. Боз устига, яҳудий бўлгани сабабли енгсиз, бели тор кўйлак кийган, кўкси ва болдирлари лорсиллаб юракни така-пука қилар эди...

Шу куни генералнинг уйида кичкина даврада зиёфат берилди ва ёш мингбоши Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли келгусида кунига ярайдиган дўст орттирди. Бу Анна эди... Энди у тез-тез генералнинг уйига келиб туриши ва совға-саломлар билан кўнглини овлаши, ватанига, миллатига бўладиган ҳар қандай зулмдан халос этиши,

яъни хотини орқали эрининг кўнглига йўл топиб, келадиган босқинчининг балосидан асраб қолиши керак бўларди. Шундай қилди ҳам. Бунга яна Анна орқали бажаришга киришди. Босқинчи яҳудийларнинг зулмидан, таъқибидан асраб қолишнинг бошқа иложи йўқ эди.

ХИДИРОВ СУЛАЙМОНҚУЛ АКА ХИКОЯСИ

Пиримқул Аширмухаммад ўгли мингбошилиқ ҳужжатини олиб, яъни тасдиқдан ўтиб келганидан кейин уни бутун Холдорқипчоқ қишлоғи аҳли кўчаларга чиқиб қаршилади. Оёқлари остига гиламлар ёзди. Бир неча кўчқорларни сўйиб, маърака қозонларида палов дамлашиб, халқни уч кун меҳмон ҳам қилишди. Катта улоқ беришди. Мингбоши жўшиб кетиб қарийб элликка яқин қўйларни турли қишлоқларга тарқатиб, шу билан бирга кўплаб совғалар ҳам улашиб, ўзининг мингбоши бўлгани ҳурматига улоқ чопишга рухсат ҳам берди. Шаҳристон, Холдорқипчоқ, Зомин. Баландчақирда мингбошининг ҳурмати учун улоқлар чопилишига имкон туғдириб берди. Мингбошининг ўзи эса болалиги кечган, кўп умрини қўй боқиб ўтказган қирлар орасидаги, гўзал Баландчақир қишлоғига келиб улоқ бериш ва улоқни ўзи бошқаришга қарор қилди. Олдиндан хабар берилди. Улоққа от, туя, сигир, бир нечта кўчқорлар тикиладиган бўлди.

Тонгда йўлга чиққан мингбоши ва унинг мулозимлари тахминан чошгоҳга яқин кўзланган ерга етиб келишди. Одамлар тумонат. Отлар ҳам ҳисобсиз. Айниқса, Баландчақир ва атрофидаги қишлоқлардан минг-минглаб одамлар йиғилишар эди. Алпқомат, гўзал йигит Пиримқул Аширмухаммад ўгли улоқ майдонига етиб келганида одамлар бирдан оёққа қалқишиб, гўё улуғ бир зотни, яъни амирларни қаршилаётгандай: «Мингбошилиқ муборак бўлсин! Мингбоши Баландчақирга хуш келибсиз! Биздан ҳам улуғ киши чиқар экан-ку!» дея бақир-чақир, ҳайқириқлар билан кутиб олдилар. Мингбоши ҳам отдан тушиб одамлар билан бирма-бир қучоқлашиб кўришади. Шу тариқа зиёфат уюштирилади. Зиёфатдан сўнг улоқ бошланади. Ўртага ҳар бир улоқ ташланганида мингбоши номидан гоҳ от, гоҳ туя, гоҳ гиламлар тикиларди, улоқчилар шу қадар кўтаринки кайфият ва мамнунлик билан ўзларини ўртага, улоққа уришар, шиддат билан тортишар, олишар, не азоблар билан улоқни олишга, маррага етказишга тиришар эдилар. Бунга сабаб, биринчидан, ўз қишлоқларидан мингбоши чиққани, иккинчидан, улоққа тикилган совғалар беҳад қимматбаҳолиги эди. Совғаларни ютиб олганлар отли, туяли, сигирли ва бир нечта кўчқорли ҳам бўлиб қолиши мумкин эди. Улоққа жуда кўп ва

узоқ ерлардан ҳам машхур чавандозлар ташриф буюришган, шу сабабли улоқни олиш беҳад қийинлашиб кетганди.

Мингбошининг ўзи ҳам улоқ тортишиш учун бир неча бор ҳаракат қилди, бироқ кексалар энди мингбошилиги, ўзини озгина тергаши кераклигини айтиб рухсат беришмаётганди. Мингбошининг ўзи ўртага тушар, улоқни тақимига босиб ташлаб ва совринни ҳам ўз қўли билан берар, бу эса чавандозларнинг иштиёқларини орттирар эди. Мингбошининг сабри чидамади. У Самарқанддан қайтаётганида бозордан баланд ва буйни йўғон, беҳад семирган қора от ҳам олиб қайтган, от улоқда қатнашаётган отлардан бирмунча баланд эди. Мингбоши отнинг оёқларини кўриш, яъни кучи, чопишини синаш ниятида ўртанаётган эди. Чиндан ҳам сабри чидамай Шаҳристон томонлардан келган беҳад кучли чавандозни ёнига чорлаб: «Куни кеча Самарқанддан сотиб олган эдим. Бир оёғини кўриш ниятидаман... бир чопиб берсангиз...», дея илтимос қилди, йигит ҳам дарҳол илтимосни қабул қилиб «Мингбоши бува, бир оғиз сўзингиз, отни беринг, — деди ва отни миниб чопиб ҳам кўрди. Сўнг: — Отингизнинг боши қаттиқ, унча-мунча одам удда қилолмайди. Четроққа олиб чиқиб туринг, ўзим чақираман...»

Мингбоши рози бўлди, қора отни миниб тепалик тагига бориб турди. Салдан кейин ҳалиги чавандоз чақирди ва дарҳол отни миниб ўртага кирди, ўн-ўн беш дақиқалардан сўнг улоқни олиб отнинг бошини тепалик томонга қараб солди. Қора от қийналмай шиддат билан тепаликка кўтарилди ва бир хил тезликда кўтарилиб бораверди. Манаман деган отлар тепаликнинг ярмига ҳам чиқолмай орқада қолиб кетди. Чавандоз ўртага чиқиб, от мингбошининг оти эканлигини, бир она-болали сизирни ҳам мингбоши ютиб олганини эътироф этди.

Аширмуҳаммад ялангоёқнинг Пиримқул деган ўғли, яъни чўпон ўғли бойиб, ўзининг иқтидори, олижаноблиги билан, одамларга қилган яхшилиги учун оқсоқолликка сайланиб, ундан мингбошиликка кўтарилгани халқ учун кутилмаган воқеа эди. Агар отаси қачонлардир катта лавозимда ишлаганида, ўғли мингбоши бўлганида унчалик диққат-эътиборни тортмаган бўларди. Оддий чўпоннинг, яъни бойларнинг қўлида чўпонлик қилган одамнинг ўғли мингбоши бўлгани оддий фуқарони ҳайратга солган эди. Шоду хуррамлик қош қорайгунча давом этди. Сўнг мингбоши ҳалиги йигитни, яъни отини чопиб, соврин олиб берган чавандозни олдига чорлаб, уйига меҳмон бўлишини илтимос қилди.

— Мингбоши бува, йўл узоқ, уйингизга киролмайман, — деди йигит.

— Укам, йўл-йўлакай кириб ўтасизлар, отлар вақтида ёзилмаса, бетобланиб қолиши мумкин, ўзингиз қоринни тўйдириб сўнг йўлга чиқасизлар, — дея кўндирди. Шу тариқа мингбоши йигирмага яқин йигитларни ўн чақирим наридаги уйга таклиф этди, бир неча кўчқор сўйиб зиёфат берди. Устиларига биттадан тўн ёпди. Қимизга тўйдирди. Чиндан ҳам отлар озгина дам олиб, сўнг йўлга чиқишди. Мингбоши чавандоз йигитга ютиб олган соврин — бир болали сигирни берди.

— Мингбоши бува, сигир-бузоқ сизники, сизнинг отингиз ютди, — эътироз билдирди йигит.

— Худога шукур! Бизда сигир-бузоқ етарли, менга отимнинг оёғини кўриш керак эди, кўрдим, — дея у сигир-бузоқни етаклатиб юборди ва шу билан яна бир олижаноблигини кўрсатиб, кўп қишлоқларга танилиб ҳам қолди.

Бу Пиримқул Аширмуҳаммаднинг галдаги машҳур бўлиб бориши эди...



Оллоҳ яратган барча бандаи мўминларда ватан, миллат туйғуси бўлмаслиги асло мумкин эмас. Оллоҳ бандаи мўминларни тиллари, миллатлари ва ватанлари билан бирга яратган. Уни ҳимоя қилишга ҳам ҳар бир одам мутлақо ҳақли. Ўз ватани ва миллатини ҳимоя қилган инсон боласи ҳеч қачон миллатчи бўлолмайди. Фақат босқинчи наздида миллатпарвар «миллатчи»га айланиши мумкин. Оллоҳнинг назари тушмаса, «эшак бозорига даллол бўлмайди», деган қадимий ота-боболаримизнинг гаплари бор. Агар Пиримқул мингбошига Оллоҳнинг назари тушмаганда қайнотасининг ҳовлисидаги ой чиқиб, унинг ҳовлисига ўтмасди. Қайнотаси Авазмуҳаммад ўзи қидириб уни топмас, куёв ҳам қилмасди. Оллоҳ фаришталарини юборди. Фаришталар қайнотасининг кўнглига солди, излади, топди, куёв қилди. Аширмуҳаммаднинг ҳам бойдан ажралиб чиқиши ва бойиб кетиши, аввало, Оллоҳнинг инояти эди. Демак, Оллоҳнинг назари тушган одамлар ватани, миллати ҳақида бош қотирмаслиги, келажаги ҳақида ўйламаслиги ҳам мумкин эмас.

Пиримқул мингбоши ўзини тиклаб, мингбошиликда муқим ўтириб олганидан кейин фақат генералларга бож йиғиб олиб бериш билангина шуғулланмай, ватани ободончилиги, яъни атроф қишлоқлардан турли юмушлар билан илинж излаб кела бошлаган одамларнинг илтимосларига қулоқ солмаслиги ва кунига ярамаслиги ҳам мумкин эмас эди. Холдорқипчоқ тахминан Зомин билан Шаҳристон шаҳрининг ўрталарига жойлашган ва бу ерларга

сув келиши бир оз қийинроқ бўлар эди. Ахир мингбошилиқ дегани халқнинг ҳам юмушини енгиллаштириш дегани бўлади. Холдорқипчоқ қишлоғи ва ён-атрофдаги бир неча қишлоқларнинг халқи Пиримқул мингбошига ариқ қазитиб, шу томонларга сув олиб келиш ва баҳонада тегирмон ҳам қуриш, халқни узоқ ерларга бир неча кунлаб уловларда бугдой ортиб қийналишлардан халос қилиш масаласини ҳам кўндаланг қўйишди. Пиримқул мингбоши баланд бўйли, қудратли гавдали бўлгани сабабли табиатан босиқ, яъни бировни бекорга ҳақоратламайдиган, шаштини ҳам тезроқ қайтармайдиган, узоқ вақт мулоҳаза қиладиган, етти ўлчаб бир кесадаган, очикроқ қилиб айтганда, қандай бўлмасин одамларнинг юмушини битириб берадиган одамлар тоифасидан эди. Мингбоши бўлганига қарийб беш-олти йил бўлиб қолган эрсада, бирор одамни ранжитмаган, иложи борица кўнглини олар, шу сабабли каттадан-кичикнинг оғзига тушган ва ҳурмат-эътиборини қозонган эди. Унинг довруғи Ўратепа, Шаҳристон, Зомин, Жиззах, Самарқанд томонларга ҳам тарқалганди.

Биз тилга олаётган, яъни Пиримқулнинг ёши ўттиз беш ёшларни қоралаб қўйган кезлари, яъни роса кучга тўлиб, бер, ейман, иш топиб бер, ишлайман, деб турган паллада Холдорқипчоқ қишлоғи ва ён-атрофдаги қишлоқларнинг халқи мингбошига ариқ қазитиб, сув олиб келиш масаласини қайтадан қўйди. Мингбоши дарҳол кексаларни, оқсоқолларни, ўзи билан бир пайтлар юнг кесиб, юнг савдосини ривожлантирган, рус бойларига ҳам сотиб анча-мунча бойиган дўстларини йиғиб узоқ вақт кенгашди. От билан юриб Шаҳристонгача бориб сув келадиган ерларни аниқлаб, қаерларга тегирмон қуришни ҳам режалаштириб, аҳолининг ўзи билан маслаҳатлашди. Бу ишга ҳатто Шаҳристон, Зомин бойларини ҳам жалб этди. Масжид қуриш, мадраса қуриш, кўприк қуриш, мазорларни обод қилиш нечоғлиқ савобли иш бўлса, ариқ қазитиб, сув чиқариш, тегирмон қуриш ва халқнинг дуосини олиш ҳам шунчалик савобли иш эканини тушунтирди. Бунга диний уламоларни ҳам жалб қилди. Ҳамма бу ишга жон-тани билан қўшилажагини билдирди.

Мингбоши қарийб ярим йилдан ортиқ вақтда режасини турли томондан ўрганиб, текшириб чиқди ва бу ишга розилиқ берадиган рус генералларининг ҳам ётиғи билан розилигини олди. Режасига кўра қарийб ўн-ўн беш чақирим ерга ариқ қазитиб, сув олиб келиш, ҳашарчиларга уч маҳал овқат бериш, тегирмон қурилиши, ҳамма-ҳаммасини чамалаб чиқди. Кўпчилик билан ўтказилган маслаҳатлар ҳам бу ишга жуда катта маблағ талаб этишини изоҳлади. Мингбоши Шаҳристон ерларини айланиб юриб, шаҳристонлик Турсунжон

исмли бир бева аёл борлиги, беҳад бойлиги, яъни отаси, эри вафот этиб, ёлғиз ўзи ўғли билан қолгани, катта ерлари ҳам борлигидан хабар топди. Аёл ёш ва гўзал эди. Мингбоши аёлнинг қариндошларини орага қўйиб гаплашди. Мингбоши ўз режасини, яъни Шаҳристондан Холдорқипчоқ қишлоғига ариқ қазиб, сув олиб бориш ва тўрт тегирмон қуриш режасини айтиб, ёрдам беришини сўрайди. Аёл тақводорлиги, яъни мингбоши билан гаплаша олмаслигини айтади. Эри ўлгани, яқинлари ҳам йўқлигини, ёлғиз ўғли борлигини ётиғи билан тушунтириб, бирор одам уйлансагина мол-мулки ўша одамга ўтиши ва ўша одамгина бу ишга мутасадди бўлишини ҳам ётиғи билан тушунтиради. Мингбоши бу ҳақда ҳам биролардари ва қариндош-уруғлари, оқсоқоллар билан кенгашади. Ҳамма бир оғиздан, эзгулик йўлида, яъни ариқ қазиш, сув чиқариш, тегирмон қуриш учун бева аёлга уйланса гуноҳ бўлмаслиги, бир бева аёлни турли-туман гап-сўзлардан сақлаб қолиши мумкинлиги, бола-чақа қилиши, шу билан аёлни ҳам бахтли қилишини айтишади. Бунга Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи васалламнинг бир неча аёлларга эрхотин бўлмасалар-да, никоҳига олганликлари ва шу билан ўзи бола-чақасини оч қолишдан асраб қолгани, шундай қилинганда ҳар ишга ҳақли бўлганини ҳам гапиришди. Худди шундай йўл билан Пиримқул мингбоши шаҳристонлик Турсунжон исмли бой аёлга уланади. Ҳисобсиз ерларнинг катта қисмини сотиб, аёлни никоҳига олиб, ўз уйига олиб келиб, ариқ қазиш ишларини бошлаб юборади. Сотилган ердан чиндан ҳам катта маблағ келади. Шу билан бирга бева аёлни бахтли қилади. Ўғлини ўғил қилиб олди. Оллоҳ бу никоҳидан ҳам олти фарзанд берди, чиндан ҳам Турсунжон ая бахтли бўлди.

Ариқ қазишга бутун қишлоқлардан қўнғиллилар ҳам келади. Берганга Худо беради, деганларидай, Пиримқул мингбошининг ўзи ҳам, бошқа бойлар ҳам ҳашарга, яъни одамларнинг уч маҳал овқатига бир неча қўй, туя, от, моллар бериб юборишар эди. Тегирмонларнинг жойлари ҳам белгиланди. Тоғдан тошлар кесиб келтирилди. Ариқ қазиб, айна пайтда тегирмонлар ҳам қуриб борилди, халқ шодлигининг чегараси йўқ эди.

Ҳар бир қишлоққа сув келиши билан дарҳол бир неча молларни Оллоҳ йўлига қурбонлик қилиб худойи ўтказар, шу билан етим-есирлар, қашшоқларнинг қорнини овқатга тўйгазар ҳам эди. Пиримқул мингбошининг ўзи ҳам халққа қилаётган яхшилигидан ҳаяжонланар, яхшиликнинг илк меваларини ея бошлаганидан ғурурланиб, фахрланиб, кучига-куч қўшилиб борарди. Худди шу паллада бирдан мингбошининг номи тилларга тушиб, ҳаммаёқда

бирдай мақтала бошлаганди. Пиримқул мингбошига қадар нечта мингбоши ўтган бўлса, биров билмас, ариқ қазитмаган, сув чиқармаган, тегирмон қурдирмаган, ўзининг обрўси учун курашиб ўтиб кетганди. Янги мингбошининг ишбилармонлиги ҳам аён бўлиб қолди. Халқнинг севгани Оллоҳнинг севгани, халқнинг ёмон кўргани Оллоҳнинг ёмон кўргани. Халқ алқиса одам истаган ишига, орзу-ҳавасига эришиши мумкин. Халқ қарғаса бири икки бўлмайди, умри ҳам узун бўлмайди.

Пиримқул мингбошининг сахийлигини, ишбилармонлигини эшитиб бутун Зомин, Шаҳристон ва бошқа қишлоқлардан ҳам илтимос билан келувчиларнинг сони ортиб кетди. Мингбоши кўпроқ вақтини Холдорқипчоқдаги идорасида ўтказар, илтимос билан келганларни қабул қиларди. Ўша кунларнинг бирида, яъни қазииш ишлари авжига чиққан кезларда Шаҳристон яқинидаги қишлоқлардан биридан бир неча кексалар келиб, қишлоқда мадраса йўқлиги, яъни фарзандлари саводсиз бўлиб қолаётганини айтиб, ўша ерларга мадраса қуриб бериш, ё масжид қошида мадраса очиб болаларни ўқитиш, бунга саводли кишидан, иложи бўлса эшонлардан муаллим топиб беришини сўрашади. Бу масалани ҳал қилиб беришини ва одамлар билан кенгашишга имкон беришларини сўрайди. Халқ рози бўлиб, қишлоқларига қайтишади. Бу пайтга келиб бу ердаги эшонлар ҳам баъзи ишлар борасида бир-бирлари билан келишмай, низо қилиб турган эди. Тўраҳон исми олижаноб ва саховатли бир эшонни бошқа эшонлар сиқиб чиқарганини мингбоши эшитиб қолади. Тўраҳон эшоннинг талаби, бошқа эшонларга бойлар эҳсон қилмасин, эҳсон етим-есирларга, камбағалларга, сағирларга, масжид, мадраса, мазорларга қилинишини айтиб, бошқалар билан низога борган эди. Мингбоши Тўраҳон эшон билан суҳбатлашиб, мингбошилиқ идорасидан маош тайинлаб, илтимос қилиб келган одамларнинг қишлоғига етаклаб боради ва катта масжидга имом қилиб тайинлаб, зиммасига болаларни ўқитишини ҳам ортади. Тўраҳон эшон мингбошининг илтимосини жон деб бажаради. Ва абадул-абад мингбошидан рози бўлиб, умри бўйи дуо қилишдан қайтмайди, ҳатто набираларидан бирининг исмини Пиримқул деб ҳам атайди.

Холдорқипчоқ томонларда эса ҳамон ариқ қазилар, ариқ қазилган ерларга сув олиб келган, одамлар экинларини суғорар, сув ичар, мингбошини алқар эди. Ишлари бароридан келаётганидан мингбоши мамнун, ҳар куни ҳашарчиларнинг ҳолидан хабар олар эди.

Қарийб икки йил деганда ўн-ўн чақирим масофадаги ариқ қазиб бўлинди. Сувлар Холдорқипчоққа келди. Тўрт тегирмон

вангиллаб ишлаб турибди... ариқ қазилиши муносабати билан яна Пиримқул мингбоши ҳар қишлоқда Оллоҳ йўлига худойи ўтказар, халқни қутлар эди. Беҳад ҳаяжонланган халқ мингбошига тўнлар кийдиарар, мингбоши эса тўнларни камбағалларга улашиб берар, шу тариқа Шаҳристон атрофидаги қишлоқларда ўша йиллари одамлар «Пиримқул» исмини қўйиши удумга айланиб кетганди.

Бу Пиримқул мингбошининг ватани, миллати олдидаги илк қилган ишлари, яъни ватани, миллати кунига ярагани белгиси эди. Бу ҳозирча дастлабкиси эди. Бундай ишлардан жуда кўпи навбат кутиб турар эди.

* * *

Пиримқул мингбоши қаздирган ариқ ва олиб келинган сув оқибатида Холдорқипчоқ қишлоғи атрофида 116 гектар ер очилиб тоқзор қилинди. 2 гектар ер эса кундалик экинзорга айлантирилди. Шу билан молларни боқадиган ерлар очилиб, у ерларга ҳам маълум маънода сув олиб борилди. Шаҳристоннинг қибла томонида ҳам боғроғлар қилинди. Жарқўрғон, яъни Турк қишлоғига сув келтирилиб, тоқлар экилди, шу билан бирга қирғизлар яшайдиган қирлар бағри ҳам тоқзор этилди. Бу ерларда янги ва катта бир масжид қурилди.

Пиримқул мингбоши Холмуҳаммад бобосидан отаси Аширмуҳаммад, амакиси Гулмуҳаммад (Гулмамат), Курбонбой исмли амакилари ва Анорой исмли аммасининг фарзандлари бўлиб, уларга ҳам эътибор бериши керак эди. Бу пайтга келиб уларнинг кўпчилиги кексайиб қолган эди.

Пиримқул мингбошининг Кулжонбой ва Эшназар исмли шахсий кўриқчиси ва Шоназар, Оллоҳназар, Мамаражаб исмли йигитлари ҳам ўзи билан бирга фаолият кўрсатар эди.

Шаҳристон ва Зоминнинг тўрт томони тоғлар билан ўралган. Шаҳристон шаҳри чуқурликда жойлашган. Қадимий Туркистонда Зоминга, Шаҳристонга ўхшаган гўзал музофотлар жуда кам учрайди. Шаҳристон ва Зомин тоғлари турли ҳайвонларга бой. Бу тоғларда ёввойи эчки, ёввойи қўй, бир неча турдаги кийиклар, ёввойи тўнғизлар, айиқлар, бўрилар, жайронлар, ҳатто қоплонлар ҳам учрайди. Қуроллар кенг тарқалмаган, яъни россияликлар бу ерларга босиб келмасдан олдин, милтиқлар тарқалмаган кезларда бу тоғларда ҳайвонлар ҳозиргига нисбатан бир неча бор кўп бўлган. Бу тоғларда турли шифобахш ўсимликлар, ўт-ўланлар ҳам керагича топиларди. Бу ернинг зилол сувларига, қушларига гап бўлиши мумкин эмас. Какликлар ҳам истаганча топилиши мумкин эди. Россияликлар Туркистонни мутлақо қул-қарам қилганларидан кейин табиати гўзал, ҳайвонлар, қушлар, ўсимликлар, доривор ўтларга сероб ерларни эгаллаб, иложи борича маҳаллий аҳолини

яқинлаштирмасликка уринганлар. Шаҳристон тоғлари ерлик аҳолига ўтин йиғиш учун қулай шароит ҳам яратган эди. Аҳоли тоғларга чиқиб кексайган ва қуриган дарахтларни йиғиб келиб, ўтин қилишар эди. Россияликлар босиб келганидан кейин бу тоғларга ҳам келгиндилардан қоровуллар тайинланди ва ўша қоровуллар тоғ ҳайвонлари, қушларини ейиш билан бирга, тоғдаги меваларни ҳам маҳаллий аҳолига ейишини тақиқлаб қўйишди. Бу эса маҳаллий аҳоли орасида норозилик кайфиятини туғдира бошлади. Ҳатто келгинди тоғ қоровуллари шу даражага бориб етдиларки, маҳаллий аҳолини тоғларга ҳам чиқармай қўйишди. Ҳайвонларни ўзлари отишар, асосан руслар яшайдиган ерларга олиб кетишар, тоғнинг қушлари ҳам фақат уларнинг овқати учун зарур бўлар эди.

Куз кунларидан бирида Шаҳристон яқинидаги қишлоқда бир одам йўқолиб қолади. Одамлар йўқолган одамни тоғ томонга кўтарилиб кетганини кўришади, лекин у қайтмайди. Чамаси ўша одамнинг бола-чақалари мўл бўлган ва емак излаб, яъни тоққа қопқон қўйиб кийик тутиб, бола-чақаларини боқар экан. У тоғга чиқиб чиндан ҳам орқасига қайтмайди. Орадан бир неча кунлар ўтиб, кимдандир ўша одамнинг тоққа кўтарилиб кетганини эшитганларидан кейин яқинлари қидириб чиқишади. Бирор ҳафтаалардан кейин бир мурдани топишади. Мурдага ҳеч нарса тегмаган, фақат кўкрагидан бир нарса тешиб ўтган эди. Мурдани қишлоққа олиб келишади. Турли хил фикрлар билдиришади. Кимдир айиқ ўлдирган, кимдир ёввойи тўнғиз ўлдирган дейди, бошқаси йиқилган, кўксига бир нарса кирган, дейди. Мурдани ювётганларида эса сир ошкор бўлади. Мурданинг орқа томонини ўқ ўйиб, катта тешик ҳосил қилган экан. Тоғда тоғ қоровулидан бошқа ҳеч кимда милтиқ бўлмаган, ҳамма ҳайрон эди ва шубҳасиз, мурданинг отилганини тоғ қоровулидан кўришади. Чамаси тоғ қоровули ўша одамни отиб ташлаш билан бошқа одамларни ҳам қўрқитиб қўйиш, яъни тоққа бошқа чиқмасликни кўзда тутган кўринади. Аммо одамлар ўша мудҳиш воқеанинг сирини тез орада англаб етишади.

* * *

Шаҳристондан ғарб томонга кўтариладиган, яъни хушманзара, атрофи дарахтлар билан ўралган, мевалар, яъни олма, ёнғоқ, олча, тоғ қулупнайи ғарқ пишиб ётадиган, бир неча булоқлари шарқираб оқадиган, сўнг сойга бирлашиб, катта-катта балиқлари кўзга ташланадиган серсув ва яшаш учун беҳад қулай қирликлар остида Семён исмли соқол-мўйловли, ёши элликларга яқинлашган тоғ қоровули истиқомат қилар, унинг хотини ва икки қизи, икки ўғли бор эди. У баъзан озиқ-овқат учун шаҳарга тушар, ҳаражат қилиб

тоғга кўтарилиб кетар, баъзан тоғдан каклик ва турли гўштлар ҳам олиб тушиб сотиб қайтиб кетарди. Бу тоғ қоровули Самарқанд генерал-губернаторининг буйруғи билан тоққа қоровул қилиб тайинланган ва Семён исмли соқолли ўша яҳудий хўжайинини ҳам қўй гўшти, кийик ва тўнғиз гўшти билан таъминлаб келарди. Туркистонга босиб келган генераллар, умуман, қўшин бошлиқлари ва аскарларнинг бошлиқлари, асосан, яҳудийлардан тайинланган ва тоғли ерларга ҳам яҳудийлардан қўйилар эди. Семён ҳам яҳудий кишиси эди.

Кутилмаганда бутун Зомин, Шахристон ва бошқа қишлоқларда шум хабар тарқалди. Кимдир ғазабга минган, кимдир ҳайратга тушган, яна кимдир бу мудҳиш ишнинг сирига тушунолмай дол эди. Кимлардир тоғга чиқиб ўша Семённи бола-чақаси билан ёқиб ташлаган эди... Бироқ буни ким қилгани, қандай амалга оширилганини ҳеч ким билмас, фақат тахминлар билангина миш-мишлар тарқатишар эди. Зиёлиларнинг баъзилари русларнинг ўзлари томонидан уюштирилган, яъни халқни шу баҳонада қўрқитиб қўйиш, маълум қисмини қириб ташлаш, ақлли зиёлиларни ҳам калласини олиш учун баҳона излаб қилинган иш дегувчилар ҳам топилар эди. Мана шундай уринишлар кўрбошилар пайтида ҳам қўлланган эди. Инқилобчи аскарларнинг ўзлари тунда яширинча қишлоқларга киришар, шўро аскарлари томонга ўқ узишар, сўнг: «Ана у қишлоқда босмачи бор экан!» деб қанчадан-қанча қишлоқларни ўққа тутиб юборган эди. Буни ҳозиргача бирор одам билмайди ва билишни истамайди! Текшириб ҳам кўрмайди. Худди шундай ҳол рус армияси Афғонистонга босиб кирганида ҳам такрорланган. Шўро аскарлари афғон қишлоқларига кириб ўзларининг аскарлари томонга ўқ узган ва «Бу қишлоқда душманлар бор экан!» дея қишлоқларни болалари билан ўққа тутишган. Бу босқинчининг фирибгарлиги эди ва буни маҳаллий аҳоли тушуниб етмаганди. 1938 йил, 1951 йил қатағони ҳам шундай мудҳиш ишларнинг янгича кўриниши эди.

Хуллас, тоғ қоровули бола-чақаси билан ёқиб ташланди. Ҳозирги фикр билан тафтиш қилинадиган бўлса, тоғ қоровулининг аблаҳлиги, яъни тоғга маҳаллий аҳолини яқинлаштирмагани, ниҳоят бола-чақасини боқиш учун бирор нарсани олиб келаман деб, тоғга чиққан одамнинг отиб ташланиши асосий сабаб бўлган эди. Қарийб эллик йиллик босқинчининг зулми чеклаб ташлагани, истаган пайтда баҳона топиб қатағон қилиши, қамашлари, Сибирга сургун қилишлари, мардикорга олишлари халқнинг жонига теккан, нафратини кўзгаган эди. Нафрат ва ғазаб эса охир-оқибат даҳшатга айланган ва жонидан тўйдириб тоғ қоровулини бола-чақаси билан ёқиб

ташлаш даражасига олиб борган эди. Бу воқеа чиндан ҳам халқнинг бошига адоқсиз кулфатлар келтириши мумкин эди. Буни бутун Зомин, Шаҳристон ва Ўратепа атрофидаги аҳоли яхши тушунар, энди уни тинчителиш, халқни ёппасига қирғиндан сақлаб қолиши керак эди. Бу масъулиятли вазифа мингбоши Пиримқул Аширмухаммад ўғли зиммасида эди. Барча балолар мана шу мингбошининг атрофида айланиши мумкин эди.

Каттадан-кичик, ёшу қари, зиёлилар, бойлар ҳам тоғга кўтаришар, воқеа юз берган жойга боришар, Семён бола-чақаси билан ёқилган ерни кўришар, мурдаларнинг қолдиқларини нима қилишни билмай гаранг эдилар. Тоғ қоровулининг қолдиқлари кўмиб ташланиб, яъни йўқолиб қолди, десалар, ўйлари ҳам ёқилган эди. Хуллас, ҳамманинг бирдай боши қотган эди.

* * *

Пиримқул Аширмухаммад ўғли тунлар, кунлар ухломас, ухломас, бир неча бор Семён исмли яҳудий тоғ қоровулини ёқишган ерга борар, кузатар, оқ чекар, тиззаларини гижимлаб, узоқ ўтириб қолар, ёнганларнинг қолдиқларини йўқотиш ё кўмишга кўрқар, сабаби, губернатор келиб сўроқ қилиб қолиши ва ўз кўзи билан кўриши мумкинлигини ўйлар, ичига чироқ ёкса ёришмайдиган кайфиятда эди. Ватани, миллати босқинчилар оёқлари остида топталишини ўзича тасаввур қилар, олдинроқ мана шундай бир-икки ҳол юз берганда губернатор халқни қирғинга буюрган эди. Мана шу қирғин, яъни ёппасига юз берадиган қирғин масаласи кўпроқ уни даҳшатга солаётган эди. Бир мингбоши эмас, Зомин, Шаҳристонга қарашли бўлган қишлоқларда яшовчи халқ ва бойлар ҳам бу масалада тинмай бош қотиришар, бирор аниқ қарорга келолмай гаранг эдилар. Унинг ҳамон тоғ қоровулини ёққан, яъни ваҳшийларча ўлдириб, бола-чақаси билан кўшмозор қилган одамни, бунинг сабабчисини билолмай боши қотган эди. Бу ваҳшийликка сабаб бўлган бахтсизлик аслида ўша кезги чор ҳукуматининг Туркистонда олиб бораётган қуллиги, қарамлиги, яъни халқларнинг, миллатларнинг мутлақо ҳуқуқсизлиги ва бунинг натижасида юз берадиган йўқчилик, қаҳатчилик ва ислом динининг маълум маънода таъқиқланиши сабаб эканлигини билар, бунга ақли етар, барибир эр-хотин, тўрт боланининг ёқиб кетилиши сабаби уни кўпроқ ўйга толдираётганди. Ўғирлаб кетилганларида ёки шунчаки сўйиб ўлдирилганларида ҳам майли эди. Ваҳшийларча ёқиб ташлангани чиндан ҳам ақлга сиғмайдиган манзара эди.

Ўша кунларнинг бирида Аширмухаммад ўғли вилоятнинг ўзига тўқ бойларидан қайнотаси Авазмухаммад ва Бобожон бой, Мирсултон бой, Шокир бой, Шаҳристондан Мансур бой,

Дўстмат бой, Соли бой, Рустам бой, Рўзмат бой ва ҳамма ердаги юзбошилар, элликбошилар, оқсоқолларни йиғиб, одамларга шов-шув қилмасдан, ими-жимиди мудҳиш воқеа юз берган ерга бошлаб чиқди. Манзарани синчковлик билан кўздан кечирдилар. Отлиқлар тоғ қоровули ёқилган ерларга ким, қай томондан келганини билиш учун одамларнинг изларини ҳам диққат билан кўздан кечирдилар. От ёки эшакнинг туёқлари кўзга чалинмас, фақат ялангоёқ босилган излар кўзга ташланар, оёқ изларидан келган одамларнинг ёш-қарилигини ажратиб бўлгмас эди.

— Ҳарқалай бизни яхшилик кутмаётир, — дея мингбоши оғир-оғир хўрсинди ва бойларга, қозикалонга юзланиб, уларнинг фикрини билишни истади.

— Шундай! — деди Бобожон бой ҳам оғир тин олиб. — зудлик билан бош қотириш керак, ҳозирча генерал-губернатор хабар топмаган кўринади. Айғоқчилари бугундир-эртадир хабарни етказишади. Хабар етиб борганидан кейин эса нима бўлишини фақат Оллоҳ билади...

Шу куни ҳам мингбоши бошчилигидаги зиёлилар оғир сукут сақлаш билан изларига қайтишди ва бу ҳақда бирор одамга оғиз очмасликка келишиб олдилар. Бойлар ва қозикалон мингбоши алоҳида бир ерга йиғилишиб, масалани узоқ муддат муҳокама қилишди. Охир-оқибат ҳамма қўлидан келганича, яъни олтмиш-етмиш қадоққа яқин олтин йиғиш ва бирор кўнгилсизлик юз берган тақдирда генерал-губернаторга тортиқ қилиш масаласига келишиб сўнг уйларига тарқалишди. Мингбоши бу билан ҳам тинчимай бир неча йигитларини турли томонларга юборди ва тоғ қоровулининг ёқилиши сирларини билишни буюрди. Ўзи эса ҳамон ухлалмас, отига миниб, шахсий қоровули ва йигитлари билан Самарқанд томонга элтадиган йўллар бўйлаб узоқ жойларга бориб келар, тоғ қоровули ҳақидаги хабарни билишга ҳаракат қилар эди.

Ўша кунлардан бирида уйдаги кексайиб қолган хизматчисини секин ёнига чорлаб:

— Сарибой, — деди бесаранжом овозда, — ана у нарса турибдими?

— Мингбоши бува, турибди, кеча пичан олаётгандим, қўлим тегди, ичкарига суриб қўйдим, — дея жавоб қилди Сарибой исмли хизматчиси...

— Кириб қаранг-чи, учта туянинг бўйин терисига солинган.

— Хўп, мингбоши бува, — дея хизматчи югургилаб пичанхонага кириб кетди ва тез орада қайтиб чиқди. — Чиндан ҳам учта туянинг бўйнига солинган экан...

— Яхши... — деди мингбошининг чеҳраси очилмай. «Ана у нарса...» дегани олтин эди. Боғларидан, ерларидан кўтарилган даромад ва қўйларнинг бир қисмини сотиб у олтин олиб қўяр эди. Гап мана шу туянинг, яъни туя бўйнининг икки еридан сўйишади. Бўйнининг ўрта терисини шилиб олиб, халта қилиб тикишади, ичига олтин солиб тикиб қўйишади. Бола-чақалари, қариндошлари, етим-есирлар, сағирларга аталган мана шу олтинлар кутилмаганда тоғ қоровулининг хунига тўлашга ажратиб қўйилди.

* * *

Олтинлар олиниб, тоғ қоровулининг хунига бериш учун ажратилган куни ҳам мингбоши кайфиятсиз вазиятда, ҳатто кечки овқатга ҳам қарамай алламаҳалда ётди. Енгилгина кўзи илиниши билан туш кўра бошлади...

Тушида аллақандай қора кийимдаги, кўзлари олайган, сочлари тўзгиган, одам деб одамга, тўнғиз деб тўнғизга ўхшамайдиган, лекин оёқ-қўллари бор, қўлларига аллақандай қуроллар ушлаб олган тўда ва олдинда соч-чоқоли ўсган, кўзлари олайган қуролли одам келар, турқи-тароватидан ваҳший қиёфага кирган, ёнидаги ваҳший тўда эса қуролсиз, ялангоёқ, ялангбош одамларнинг бошларига аллақандай учи тўмтоқ нарса билан уришар, одамлар ерга йиқилар, ҳаммаёқни қип-қизил қон босиб борарди.

«Қон тўкилди... қон ёруғлик... — деб юборди мингбоши тушида, — бу ёғи яхши бўлади...»

— Ё Оллоҳим! — деди кейин у тушида овоз чиқариб, — ё Оллоҳим! Бошимизга бало ёғилди, бизни балолардан асраб қол! Раҳм қил, шафқат қил! Халққа раҳминг келсин! Қара, қирилиб кетаётир... товуқлар, эшаклар, моллар ҳам қириляётир. Бу галги ёвлар — босқинчилар ҳамма нарсани бирдай қириб келаётир...

Мингбоши тушида жимиб қолди. Турли томондан одамларнинг, бегуноҳ одамларнинг фарёдлари кўтарилди бошлади. Одамлар: «Ё Оллоҳ, ё Оллоҳ! Ўзинг раҳм қил, шафқат қил! Бойлар, мингбоши ухлаб ётибди... бизга қарамайпти... босқинчи бизни ёппасига қираяпти... ўзингдан бошқа шафқатли йўқ! Ватанимизни, миллатимизни босқинчиларнинг қирғинидан асраб қол!»

Шу ерга етганда мингбоши бўкириб юборди ва чўчиб уйғонди. уйғонди-ю:

— Нима гап! Ташқари тинчликми? Ким босиб келяпти? — дея овоз чиқарди. Шу пайт Муҳаррам исмли хотини уйга югуриб кириб, чироқни ёқди.

— Тинчликми? Нимага алаҳладингиз? — дея сўради хотини, — ёнбошлаганингизданоқ алаҳлай бошладингиз?..

— Ташқари тинчликми? Мени ҳеч ким сўрамадими?

— Тинчлик, ҳеч ким сўрамади...

Мингбоши туриб ҳожатхонага кириб чиқди ва дарҳол таҳорат олиб бомдод намозини ўқишга киришди. Ўқиди ва Оллоҳдан кўрган тушининг акси бўлишини сўради. У қўлларини юзига тортаркан:

« Ё Парвардигор! Сенинг, фақат Сенинг иноятинг билан бойидим, бир камбағалнинг фарзанди эдим... Сенинг иноятинг билан оқсоқол бўлдим... Сенинг, фақат Сенинг саховатинг билан халқнинг назарига тушдим... Мингбошиликка кўтарилдим... Сен раҳм қилмаганингда мен бойимаган, халққа ариқ қазиттириб, сув олиб келмаган, тегирмон ҳам қуриб бермаган бўлардим... Қирларда тоқзорлар, олмазорлар пайдо бўлмасди. Кандикларимиз донга тўлди... буёғини ҳам ўзинг қўлла! Жоҳиллар, хурофотга берилганлар, тоғ қоровулини ёқиб ташлашди. Бизни бахтсизликдан Ўзинг асра... юзимни қора қилма, шувит қилма, халқ менга ишонади. Уларнинг ишончини оқлашим керак...» дер, шашқатор кўз ёшлари эса юзини ювар эди... У ўзига келганидан кейин ёшларини артиб бир нуқтага термилганича узоқ ўтирди, туши ва унинг оқибати ҳақида бош қотирди. Ўзининг устозига айланган Тўраҳон эшонни ҳузурига чақиртирди. Тушини сўзлаб бериб, тафсилотини сўради. Тўраҳон эшон: «Озор чекмасинлар, қон тўкилибди тушингизда, қон ёруғлик бўлади... ишларимиз яхшилик билан ниҳояланади...» дея кўнглини кўтарди. Мингбоши хизматчисига икки катта қўчқордан эшон бувага бериб юборишини сўради.

— Маъзур турсинлар, тақсир, — дея эшон бува қўчқорни қайтарди, — ўзимга тўқман. Ўзига тўқ кишиларга эҳсон берилмайди. Шу масалада бошқа эшонларга қарши чиққаним эсларида бўлса керак, шу сабабли улар мени яхши кўришмайди. Етим-есирларга эҳсон қилсинлар...

— Демак, мен анчагина гуноҳкор бўлибман... — деди мингбоши бироз ўйланиб, — ҳар йили юзга яқин катта, насли кўчқорлардан боқтириб, эшонларга, қозикалонга тортиқ қиламан...

— Энди бошқача йўл тутинг, масжидга, мадрасага, камбағалларга беринг!

Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли эшон бува билан хиёл кўнгли очилиб хайрлашди... Орадан бирор соатлар ўтар-ўтмас хизматчиси кириб кимдир келганини, ичкарига киришга ошиқаётганини, мингбоши билан гаплашиш фикрида эканлигини маълум қилди. Мингбоши розилик билдирди. Ичкарига бўйи паст, ориқ, кулча юзли, юпун кийинган бир киши кириб келиб:

— Мингбоши бува, маъзур тутсинлар, мен Кенгкўл қишлоғидан келдим, исмим Қодир, — деди. — Камбағалман...

бирор хизматга қўйсангиз...

— Кимларингиз бор? — сўради мингбоши.

— Ҳеч кишим йўқ.

— Хотин, бола-чақа...

— Йўқ, мингбоши бува...

— Кенгкўлда ғалла қалай?

— Бу йил қурғоқчилик келди.

Мингбоши меҳмоннинг қорнини тўйдиргандан кейин:

— Сиз маҳаллангизга ўнбошисиз. Бориб ишлайверинг, бир ойлardan кейин бориб ишларингизни кўраман, — дея меҳмонни кузатиб қўйди. Бир ойдан кейин эса бориб ишларини текширди. Кенгкўллик Қодир аканинг иши аъло даражада эканлигини кўриб, дарҳол элликбоши қилиб тайинлади. Сал кун ўтмай эса юзбошиликка кўтарди.

— Энди Қодирбек, бошингизни иккита қиламиз, — деди мингбоши юзбошини бағрига босиб. — Ишларни қойил қилдингиз.

Орадан бир оз ввақт ўтиб мингбоши Қодир акани кексалар билан кенгашиб уйлантириб қўйди. Бу орада Қодир ака бойий бошлаган ҳам эди.

Келгуси йили Қодир ака ўғилли бўлганини Пиримқул Аширмуҳаммад ўғлига хабар қилди. Мингбоши қувониб, совға-саломлар билан ёнига йигитларни олиб Кенгкўлга жўнади. Кенгкўлга мингбоши келиши билан қувончли лаҳзалар бошланди. Қодир аканинг аёллари чақалоқни кўтариб чиқиб, от устидаги мингбошига тутқазди. Мингбоши чақалоқни қўлига олиб:

— Исмини Пиримқул қўйинглар, — деди қалби қувончларга тўлиб. — Менга ўхшаб, дуо олиб юрсин, Одамларнинг эътиборига тушсин?

Шу куни Қодир ака кўчасига йиғилганлар ҳайқириқлар билан мингбошининг сўзларини қаршилади. Қўлларини очиб болани дуо қилишди, исмини эса «Пиримқул» деб қўйишди. Шу тариқа мингбошини ҳам қувонтиришди.

Ўша куни «Пиримқул» деб исм олган чақалоқ бугунги «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» унвонини олган Пиримқул Қодиров.

Пиримқул мингбошининг дуосини олгани ҳар қалай яхши натижасини кўрсатди.

* * *

Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли ёмон туш кўриб, кайфияти синиқ бир аҳволда юрган кунларнинг бирида дафъатан узоқ қишлоқларнинг биридан чопар келиб қолди. Қирқ ёшлардаги, юзи ичига тортган, япалоқ бурунли Азамат исмли чопарнинг кўзлари

олайган, ранги қув ўчган, қалтирар, тилига сўз келмай гулдирад эди. Чамаси жарчининг аҳволига қараганда от ҳам ўзиники эмас эди. Мингбоши беҳад асабийлашиб, бирдан ранги-рўйи оқарган ҳолда гўё мудҳиш воқеани салгина олдин сезгандай қалтироқ билан, ҳаттоки эсидан ажрагудай, гўё бетобланиб йиқилиб қоладигандай бир аҳволда қаршилади.

— Шошилма, секин гапир... нима гап? — дея мингбоши гулдиради.

— Мингбоши бува! Шаҳристонга жуда кўп аскарлар босиб келаётир,— деди хабар келтирган одам, — қўлида милтиқлари бор, кўзлари қизарган. олайган, озгина мастга ҳам ўхшайди. Одамларга ўқ узди...

— Етар... бошқа гапирма... бу ерга яқинлашиб қолдими?

— Яқинлашиб қолди...

Мингбоши дарҳол йигитларини ва шахсий қоровулини, Зомин, Шаҳристондаги, шунингдек, бошқа қишлоқлардаги ўзига тўқ кишиларни зудлик билан чақириб келишини буюрди. Ўзи эса севимли оқ рангли отини миниб шаҳар маркази томон яқинлашиб бораверди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан яна мингбошининг идораси томон бир неча отлиқлар отларга асабий қамчи босганча ҳаракатлана бошлади. Бу безовталиқ мингбошининг баттар асабийлигини орттириб юборди.

«Эй, Тенгрим! Бу қандай кўргүлик бўлаётир! Бир ахмоқнинг ахмоқлиги билан, ўрис қоровулини ўлдириш билан бошимизга шунчалик бахтсизлик тушаётир...», дея хаёлидан ҳам кечирди.

— Мингбоши бува! Аскарлар бостириб келаяпти! — Мингбошининг қулоқларига одамларнинг ҳайқириқлари оқиб кира бошлади ва мингбоши қулоғини ушлаб, кўзларини дарҳол юмди. Очган эди, яна ҳайқириқлар эшитилди.

Шу орада қаердандир мингбоши ишонган ва суянган Шаҳристоннинг олиҳиммат кишилари — бойларидан иккитаси келиб қолди. Бу бойлар ҳам икки кун илгари тоққа чиқиб, тоғ қоровулининг ёқилганини ўз кўзлари билан кўрган, юз берган ўша кўнгилсиз воқеанинг оқибати яхшилиқ билан ниҳояланмаслигини ҳам билар, ҳозирги хабарни эшитишлари билан дарҳол мингбоши томонга отларини чоптиришган эди. Авазмуҳаммад ва Бобожон номли бу бойлар ҳам мингбошини кўришлари билан жимгина бошларини эгиб кўришиш, сўрашиш билан меҳрини изоҳладилар.

Бақирӣқ-чақирӣқлар янграй бошлади. Демак, ана у мудҳиш воқеадан ўч олиш учун губернаторнинг ўзи келяпти. Қишлоқдан келган чопар ҳам шу ҳақда гапирди. Зудлик билан йўлига чиқиб

қаршилашимиз керак. Бошқалар ортимиздан етиб олишар. Халққа кўп талофат келтирмасин. Сизлар менга қараб ҳаракат қиласизлар...

— Яхши... яхши... — дея қилинган жавобдан кейин мингбоши отини ғарб томонга, яъни Самарқанддан Баландчақир орқали Шаристонга кириб келадиган йўл томон бурди ва отига қамчи босиб зудлик билан манзилга етиб боришга шошилди. Ўн-ўн беш дақиқа ўтар-ўтмас чиндан ҳам беҳад қайғули, даҳшатли манзаранинг қаршисидан чиқди. Кўчаларни одамлар лиқ тўлдирган, кимдир бақирар, кимдир фарёд чекар, яна бошқа бир аёл сочини юлар, бошқаси эса юзини тирнар эди. Воқеани тушунмаган, илк бор кўрган, билмаган одам бу қайғудан жинни бўлиши тайин эди. Мингбоши кўринганидан кейин эса шовқин-сурон яна ҳам кучайди ва одамлар нажот истаб ўзларини мингбошининг оти оёқлари томон ташлашди.

— Мингбоши бува! Одамларни ҳам, товуқларни ҳам, итларни ҳам, молларни ҳам қириб ташлашяпти... Бизларни ўрисларнинг аскарларидан қутқаринг!

Мингбоши ҳеч нарса англамас, тушунмас, сезмас эди. Чиндан ҳам у эсидан оғир даражасига етган, қулоқлари шанғиллар, кўзлари тинар, нима қилиш, нима деб одамларнинг жонига оро киришни билмас эди. У одамларнинг орасини ёриб ўртадан чиқди ва чиндан ҳам манзаранинг гувоҳи бўлди.

— Ё алҳазар! Ё алҳазар! Бу қандай кўргулик! — деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Сон-саноқсиз аскарлар отларини чоптириб келишар, йўлида учраган одамларни, паррандалар, даррандаларни отиб, чопиб ташлаётган эди. Аммо қурбонлик кўп эмас эди. Аскарлар Шаҳристонга яқинлаша бошлаганди. Тоғ қоровулининг ўчини олиш учун буйруқ фақат Шаҳристон халқини қириб ташлаш учунгина берилганди. Чунки тоғ қоровулининг ёқиб ташлангани ҳақидаги хабарни етказган жосуслар ўша воқеага фақат Шаҳристон халқи сабабчилигини айтганди. Ўртада, катта йўлдан бир тўда отлиқлар шошиб келишар, улар орасида генераллик мундирида Самарқанд вилояти генерал-губернатори, соқол-мўйловига озгина оқ оралаган, узун ва оқ юзли, бўйи ўртадан баландроқ, бирмунча баджаҳл, раҳмсиз, лекин ичкиликни хуш кўрадиган, ўтакетган порохўр, аёлларга ҳам озгина мойиллиги бор одам келар, унинг атрофида бир неча ёрдамчилари уни ҳимоя қилиб, қўриқлаб, кузатиб боришар эди. Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли билан бу губернатор беҳад яхши муомалада бўлиб, мингбошилиқ муҳрини ва ёрлигини ҳам ўз қўли билан унга топширган, бирор мингбоши билан бу қадар яхши муносабатда бўлмаган эди. Улар орасидаги муносабатнинг яхшилигини мингбошининг губернаторнинг уйига

шахсан меҳмон бўлиши, яъни вақт-бевақт уйига келиб туриши ва беҳад гўзал, кўҳли, нозанин хотини билан ҳам яхши алоқаси борлиги, кўп ишларни мингбоши кўпроқ унинг хотини билан ҳал қилиши, порани ҳам фақат хотини орқали етказиши, бугун губернаторнинг ўзи бу ерга ташриф буюриши сабабли ҳам мана шу муносабат эди. Губернатор Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли бундай ишларга ҳеч қачон йўл қўймаслигини биларди. У Шаҳристонга ўзи келиб воқеа юз берган ерни кўриш, ўрганиш ва тагига етгандан кейин айбдорларни жазолаш ниятида эди, бироқ халқни қаттиқ кўрқитиб қўйиш, бошқа бундай ишларга имкон яратмаслик, йўл қўймаслик учун ёрдамчилари ва Туркистон генерал-губернаторининг топшириғи билан халқни қириб ташлашга буйруқ берган эди.

Губернатор мингбошини кўриши билан юзидаги қаҳр аломатлари озгина тарқалгандай туюлди. Ёрдамчиларига «четлашинглар» деган ишорани билдирди. Бу пайтда қаҳрланган аскарлар йўл-йўлакай бир неча одам ва ҳайвонларни отиб улгуришган эди. Губернаторни кўриши билан мингбошининг кўзларидан тирқираб ёшлар отилди ва ҳаяжондан қалтирай бошлади. Биринчидан, бу манзаранинг беҳад даҳшатлилигидан бўлса, иккинчидан, мингбошининг губернатор билан дўстлиги ва дийдор кўришаётган кездеги шодлиги аломатлари эди.

Мингбоши губернаторни кўриши билан отдан тушди ва отни кимгадир ушлатиб ўзи халлослаб югурди. Қўлларини кўксига босганча йиғлаб, фарёд чекиб, дўстлигини, унга вафодорлигини кўрсатиб, икки букилиб ёнига яқинлашди. Гарчи бўйи отнинг устида ўтирган губернаторга тенглашса-да, эгилиб, кичкинагина бўлиб:

— Ҳазрат губернаторга шон-шарафлар бўлсин! Оиласи, болачақаси, ўзлари дунё тургунча турсинлар! — дея у губернаторнинг оёғини икки қўли билан маҳкам сиқиб, пешонасини тиззасига қўйди. — Олий ҳазратларининг умрлари узун бўлсин! Оқпошшомизнинг умрлари узун бўлсин!

— Пиримқул! — дея ўшқирди губернаторнинг овози бироз юмшаб ва мингбошига термилди. Чиндан ҳам унинг аҳволини кўриб губернаторнинг овоз оҳанги ўзгарганди. — Сен яхши одам эдинг. Сени шундай қилади деб ўйламагандим... Бу ёмон иш, бунинг оқибати ёмон бўлади... Оқпошшо ҳазратларининг қулоқларига етса, мени дорга остиради. Пиримқул, бу яхши иш эмас...

Губернаторнинг ёнида турган тилмоч, яъни таржимон мингбошининг ҳам, губернаторинг ҳам гапини дарҳол таржима

қилиб турди.

— Олий ҳазрат, маъзур тутсинлар! Шаҳристон халқи бу ишга сабабчи эмас... бу ерга душман аралашган. Душман улуг рус халқи билан Туркистон халқининг орасига нифоқ солиш учун душманлик қилаётир, бу ерда катта сир бор, сирни кейин тушунтираман... Шахсан ўзларига тушунтираман... — деди мингбоши губернаторнинг оёқларини қўйиб юбормай.

— Гап битта, — дея гапини давом эттирди губернатор. — Шаҳристон халқи қириб ташланади. Мол-ҳоли ҳам қирилади. Бу Туркистон генерал-губернаторининг буйруғи...

— Олий ҳазрат, бу ерда душманлик бор, катта бир сир бор, билганларидан кейин мени қутлайдилар... — деган мингбошининг гапини ҳам тилмоч таржима қилди.

— Қандай сир? Қандай душманлик? — дея кутилмаганда губернатор ҳаяжонланиб бошини эгди, мингбошига сирли қаради. — Очиқ гапиравер. Қандай сир, қандай душманлик бор?

Тилмоч бу гапни ҳам мингбошига таржима қилиб берди. Мингбоши губернаторнинг гапини эшитганидан кейин:

— Бу сирни, душманликни бафуржа гапириб бераман, бу ерда гапиришнинг мавруди эмас. Озгина ортиқча ҳаракат билан бутун Туркистон ўт ичида қолиши мумкин... ҳаммаёқдан аланга кўтарилиб кетиши мумкин...

— Қизиқ... қизиқ... қандай сир, қандай душманлик бўлиши мумкин, — дея губернатор қайта мингбошига тикилди. Кейинги гапларини эшитгандан кейин, — тушунтир, айтавер, — деди.

— Дўст бор, душман бор, ҳар ҳолда бу ерда айтиш яхшимас, — деди мингбоши, губернаторнинг оёқларини қўйиб юбормади. Ҳўнграб, изтиробини кўз ёшлари билан ифодалаб, губернатор орқасига ўгирилиб, аскарларига тўхтанглар демагунича қўйиб юбормади.

— Пиримқул, йиғлама, йиғлама, — деди ниҳоят губернатор ва чиндан кўнгли бўшашгани, мингбоши айтган сир ва душманликни билиш ниятида эканлигини аскарларига «тўхтанглар» деган сўзи билан англатди. Шу орада бутун Шаҳристоннинг ҳурматли кишилари, қозикалони, юзбошилар, давлатманд кишилари йиғилиб келишаркан, қўлларини кўксиларига босиб, йиғлаб «афв» этишларини сўраб, халқнинг ўша воқеага алоқаси йўқлиги, орага душманлик аралашганини айтишар, ҳамма гапларни тилмоч дарҳол таржима қилар эди.

Аскарларнинг вақтинчалик йиртқичилигига биргина ишора «тўхтанглар!» деган губернаторнинг сўзи нуқта қўйди. Атроф озгина тинчиди. Ҳайқирқиқлар ҳам озгина тинчигандек бўлди. Бироқ

босқинчи қутириб, кўзига кўринган нарсаларни қириб келган лаҳзалардаги, яъни яқинларидан айрилган бечораларнинг эса фарёдлари тиниб улгурмаган эди.

— Гапингга қараганда орага душман тушган, қандайдир хиёнат аралашган... — дея губернатор мингбошига бу гал синовчан назар ташлади. кўзларидаги қаҳр ҳам бирмунча сусайган, титроғи ҳам босилган, хуллас, тўнини мутлақо тескари кийган губернатор қиёфасини ўзгартира бошлаган, бу эса мингбошининг ҳам юрагига озгина таскин бериб, кўзларидаги ёшларнинг шиддатини сусайтирган, қалтироғи ҳам бир оз пасайиб, юрагида қониқиш ёки мамнунликка ўхшаш ҳис пайдо бўлган эди. — Унда сен менга ўз фикрингни тезроқ баён эт, — дея губернатор сўзини давом эттирди.

— Маъқул, маъқул... — дея юрагининг ҳароратини босишга уринди мингбоши, — ҳозир ҳаммасини гапириб бераман... олий ҳазрат, биласиз, Шаҳристон халқи сизни жуда ҳурмат қилади. Оқпошшо ҳазратларини ҳам беҳад ардоқлайди... Шахсан менинг ўзларига бўлган ҳурмат-эътиборимни биладилар.

— Албатта, албатта, сенинг бизга, шахсан менга бирор хусуматинг йўқ. Бўлмаган, бўлмайди... лекин орага тушган душманни, аралашган хиёнатни билолмай бошим қотди...

— Олий ҳазрат, ҳозир сизни ўша мудҳиш воқеа юз берган ерга олиб чиқаман. Ўз кўзлари билан кўрадилар... олий ҳазрат. Маъзур тутсинлар! Ўзингиз биласиз. Шаҳристон халқи, бу ернинг бойлари, обрўли кишилари, жумладан, қозикалон ҳам сиз ҳазратимизга бир пиёлагина чой қилиш ниятида... нима дейсиз...

— Вақтим йўқ... унинг устига мен бу ерга ўша воқеага тегишли кишиларни, жумладан, Шаҳристон халқини ўққа тутқазишга келган бўлсам-да, фикримни ўзгартириб уларга меҳмон бўлсам... хўжайинларим қандай фикрга боради?

— Маъқул... маъқул... сизни тушуниб етдим.

— Аввало, тоғга чиқиб воқеа юз берган ерни кўрайлик, шахсий қоровулларимни ҳам ўзим билан бирга олиб чиқаман...

Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли мутлақо йиртқиқлик қиёфасига кирган, мутлақо ваҳшийга айланган губернаторни юмшатгани, тўғрироғи, фикрини ўзгартирганидан беҳад шодланиб, губернатордан изн сўраб ортига ўгирилиб, бойларга катта зиёфат уюштиришларини, айтилган олтинлар зудлик билан йиғиб келинишини айтиб, одамлардан тегишли ерларга чопар юбориб, ўзи губернаторни тоғга олиб чиқиш, зиёлиларни эса узоқ масофадан, яъни отларидан кузатиб боришини имо-ишора билан билдириб, ўзи отига миниб, губернаторни тоғга бошлади.

Бежавотир, яъни қулай ва бирмунча текис йўл орқали губернаторни бошлаб борар экан, юз берган мудҳиш воқеадан сўз очмасликка уринар, фақат ишлари, оиласи, бола-чақалари ва гўзал хотинининг соғлиғи ҳақида жуда эҳтиёткорлик билан сўрар, кўпроқ гапиришдан кўра губернаторнинг гапларига қулоқ солар, бош ирғаб маъқуллар эди. Губернатор ўйчанлик билан, айни пайтда ватандоши, жумладан, узоқроқ қариндоши тоғ қоровулининг ўлимини ўйлаб борар, шу билан тоғ манзарасига ҳам маҳлиё бўлиб, қисқа-қисқа сукутга толар эди.

Воқеа содир бўлган ерга олиб боришдан олдин мингбоши адирликнинг бош қисмига меҳмонни бошлади. Кўксидан ўқ теккан ва ўлдирилиб бир неча кун ётган камбағал одамнинг қонга беланган кийим-бошларини кўрсатди. Губернатор обдон синчковлик билан кузатганидан кейин:

— Ўзини ёқиб, кийимларини олиб қолишганми? — дея сўради ҳайратланиб.

— Йўқ, — дея тушунтира бошлади мингбоши, — олий ҳазрат ўша мудҳиш воқеа юз беришидан икки кун илгари бир камбағал одам тоққа ўтин теришга чиққан. Ўтин терган, кейин кимдир отиб ўлдирган. Одамлар воқеадан хабар топишиб кўпчилик тоғга чиққан. Аввал айиқ талаган бўлиши керак, деган хаёлга боришган, кейин отилгани аниқланган... — Мингбоши ўзбекчани бироз қийналиб, кўпроқ тожикча лаҳжада гапирадиган қора қошли, оппоқ юзли тилмочга юзланиб, тушунтир ишорасини қилди. Тилмоч шошмай мингбошининг гапини губернаторга таржима қилганидан кейин:

— Қизиқ... қизиқ... — дея фикрини баён эта бошлади. — Менга бу гапни айтишмади... қизиқ... ўша ўтинчини тоғ қоровули отган деб ўйлайсанми?!

— Халқ шундай деб ўйлаган, — гапини давом эттирди мингбоши, — мен эса бошқа фикрдаман. Бу ерга фириб аралашган... улуг рус халқи билан туркистонликларнинг орасига нифоқ солиш учун, гиж-гижлаш учун бошқа бир душман баҳона излаб ўтинчини отиб ташлаган...

— Ақлингга балли-эй, — деб юборди кутилмаганда губернатор ва чехраси ёришиб мингбошининг елкасига кафтини босди. — Бу фикр ўзингнинг фикрингни, ё биров сенга айтдими?!

— Бу ўз-ўзидан маълум. Чунки тоғ қоровули бир неча йиллардан бери бирор одамларга озор бермаган эди. Энди ўтинчини отиб ташлашига ишонмайман...

— Сен мутлақо ҳақсан...

Орага қисқа муддатли сукунат чўмди. Чўмгани кез мингбоши билан губернатор бир-бирларига сирли термилишди. Бу

термилишда мингбоши губернаторга: «Ўтинчини сенинг тоғ қоровулинг, қариндошинг отиб ташлагани рост, илгари ҳам бир неча одамларни калтаклаган, хуллас, ерликларни тоғга яқинлаштирмаган, сен унга катта ҳуқуқ бергансан, унинг ошиғи олчи эди, истаган одамни истаган пайтида отиб ташлайверарди. Бу иши охир-оқибат ўзининг бошига етди...» деган маъно ифодаланар, губернаторнинг кўзларида эса: «Гапинг тўғри, ўтинчини тоғ қоровули отгани рост. Сен кўнглимни олиш ва ишнинг осонликча битишини ўйлаб ёлғон гапираяпсан. Тоғ қоровулига: «Тоғга яқинлашганларни, яъни буйруғингга қулоқ солмаганларни отиб ташлайвер», деб ўзим рухсат берганман...» деган ифода акс этарди.

— Олий ҳазрат, энди бу ёққа юрсинлар, — дея мингбоши орадаги сукутни бузди, — сизга бошқа бир манзарани кўрсатаман...

Мингбоши губернаторни бошлаб адирнинг қуйи қисмига булоқ томонга, яъни ёқилган уй томон бошлади. Тоғ қоровули ёқиб ташлаган ерларни ҳам кўрсатди, узоқ муддатли кузатувдан сўнг губернатор пешонасини бир неча бор сиқиб, оҳ чекиб:

— Даҳшат... даҳшат, — деди ва беҳад ҳаяжонланиб, асабийлашиб, қайтадан сукутга толди. Бу галги сукунат жуда узоқ муддатга чўзилди... — Даҳшат... даҳшат... бу ҳақиқий қотиллик, ҳақиқий одамхўрлик, ҳақиқий жоҳиллик... инсон оламида бундан кўра даҳшатли ваҳшийлик, йиртқичлик йўқ... бўлмаган... бўлмайди... Руслар Туркистонни Россияга қўшиб олганларидан буён бундай ваҳшийлик юз бермаган эди...

— Олий ҳазрат, — дея ниҳоят кайфияти қайтадан бузилган губернаторнинг фикрини бўлди мингбоши. — Бу ерларга Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон мамлакатлари яқин... ўрис биродарларимиз Туркистонга келганларидан кейин бу ерларга жосуслар юборганини ўзингиз гапирган эдингиз. Биз айтган ўша жосуслар тоғ қоровулини ўлдирган... Орада жанжал чиқишини, сизлар шахристонликларни қиришингизни, бутун Туркистон оёққа қалқишини, сиз — азизларимизга қарши қўзғалишини кутишяпти... кейин улар дўппиларини осмонга отиб томоша қилишади...

Тилмоч мингбошининг кейинги гапларини таржима қилиши билан губернаторнинг кўзлари катта очилиб, чеҳраси чарақлаб ёришиб кетди.

— Пиримқул, сен ҳақсан, сенинг чиндан ҳам бошинг ишлайди. — деб юборди ўзи ҳам сезмай, — агар ҳозир мен шахристонликларни қирғинга буюрганамда бутун

туркистонликлар оёққа қалқиши ва бу исённи олдини олиш қийин бўлиши мумкин эди... Бу ҳол бизнинг чет элдаги муҳолифатдаги душманларимиз олдида бирмунча юзимизни шувут қилиши мумкин эди. Қара, бир калла бир калла, икки калла икки калла. Таёқнинг бир учини ўйлабмиз-у, иккинчи учи, яъни ўзимизга тегадиган учи ҳақида бош қотирмабмиз. Ақлингга балли, мен бугуноқ бу ҳақда олий ҳазрат Тошкентдаги биродаримиз Туркистон бош қўмондонига ёзма равишда хабар етказаман. У олий ҳазратлари мени тушунадилар, деб ўйлайман. Аста-секин масаланинг моҳиятига етамиз, деган умиддаман. Сўнг бамаслаҳат иш кўрамиз, душманларимизни топиб фақат уларнигина жазолаймиз...

— Жуда тўғри қарорга келдилар, — деди мингбоши тилмочнинг гапини обдон диққат билан тинглаб бўлганидан кейин, — доно фикрни, ақлли фикрни айтдилар, — мингбоши губернаторга тикилиб маъқул дегандай бир неча бор бош ирғаб фикрини тасдиқлади, сўнг иккаласи атрофни кузатиб, ёқилган ерларни кўздан кечиришди. Губернатор ҳаммаёқни синчиклаб кузатар, чамаси одамнинг суягини излар, бироқ тополмай мулзам бўлар:

— Даҳшат! Даҳшат! — дея минғирлар, сўнг: «Бир кунмас бир кун ҳаммамизнинг бошимизга ҳам шундай кунлар тушиши мумкин, — дея ўйларди, барибир биз босқинчимиз... Оздир-кўпдир ерликларни ўлдирдик, азобладик, бу дунёда абадий нарса йўқ. Ҳамма нарса инқирозга юз тутади. Туркистоннинг қуллиги ҳам барибир ниҳоя топади, ана шунда қилмишимизга яраша жавоб олишимиз ҳам табиий...» — Яхши, изимизга қайтамиз, — деди кейин губернатор овоз чиқариб. — Ана у отилган ўтинчини дафн этдиларингизми?

— Ими-жимида дафн этдик... — деди мингбоши, — ҳеч кимга ошкор қилмадик. Ошкор қилганимизда кўп кўнгилсиз ишлар бўлиши, халқ оёққа қалқиши мумкин эди.

— Яхши... яхши, кўп ақлли иш қилибсан, бу борада сенга алоҳида миннатдорчилик билдираман. Хотиним бекорга сени эрта-кеч мақтамас экан-да... Хотинимнинг сен ҳақингдаги фикри беҳад зўр. У сени доим доно одам, ақлли одам, дидли, фаросатли одам... дейди. Бунинг мисолини ҳозиргина кўрдим... оёғимга ёпишиб «афв этинг, афв этмасангиз оёқларингизни қўйиб юбормайман, майли, мени отиб ташланг», деганингни сирига энди тушундим. Озгина кўнгилсизлик юз берганида сенинг юзинг ҳам шувит бўларди, бу ерда мингбошиликка сендан бошқа одам топилмайди... энди қайтамиз...

— Мен сизни, оилангизни, ҳатто анави ола итингизни ҳам жуда-жуда ҳурмат қиламан... ола итингиз ҳам мени таниб қолган.

Боришим билан думини ликиллатиб, ялпизланиб қолади.

— Итим зўр, уни узоқ қардошим орқали Фарангистондан олиб келганман. Туркистондаги русларда бундай наслли ит йўқ. Ахир ит одамдан ақлли нарса, дўстни, душманни билади. Чамаси, сен уйимизга келганинг учун индамайди.

— Шундай...

— Раҳмат сенга, раҳмат сенга...

— Олий ҳазрат! Бугун бир мартагина бизникига меҳмон бўласиз, бутун Шаҳристоннинг бойлари, обрўли кишилари, халқи ҳам шуни истаётир...

— Раҳмат, мен бундай қилолмайман. Юқоридан буни мутлақо таъқиқлашган. Яхшиси ҳозир мен билан бирга Самарқандга борасан, уйда бир кеча тунаб қоласан, ўша ерда бафуржа ҳаммасини гаплашиб оламиз. Ана у аскарлар қириб келаётганда отиб ташланган одамларнинг қариндошларини қандай кўнглини овлаш мумкин...

— Азият чекмасинлар! Уларнинг кўнглини олишни менга қўйиб берсинлар! Зарур бўлса, оилаларига нафақа ажратаман. Ё ўзимнинг қўйларимдан истаганларича бераман... Хуллас, сиз истаганингизча кўнгилларини оламан, ҳаммаси Худодан...

— Яхши, яхши... сен ҳозир хизматчиларингга, биродарларингга буюр, аскарларнинг қорнини тўйдирсин. Қайтишда ичаклари чулдираб кетмасин. Биз сен билан озгина хилват ерда дам олиб, чой ичамиз...

— Ташаккур, — дея мингбоши губернатордан изн сўраб, бир неча қадам нарида худди шу дақиқаларни тоқатсизлик билан кутаётган бойларнинг ёнига яқинлашиб, губернаторнинг буйруғини етказди. Улардан овқатлар тайёр, деган жавобни олди. Пешинга қадар аскарларни овқатлантирдилар. Сўнг губернаторнинг яширинча буйруғи билан аскарлар орқаларига қайтарилди. Ўзи эса мингбошининг тут тагидаги идорасини кузатган бўлиб кирди. Алоҳида соқчи аскарлар ва мингбошининг йигитлари губернатор билан мингбошини қўриқлаб туришди. Қўлбола мусалласдан губернатор бир неча пиёла ичканидан кейин эса яна ҳам очилиб кетди ва мингбошини бағрига босиб, юраги меҳрини ифодалади. Бу орада аравага туя бўйнининг терисига тиқилган олтинлар, бир неча тирик ва сўйилган қўйлар ортилган, губернаторга, унинг суюкли хотинига ўнлаб қорақўл терисидан тўн ва теллак тиктириш учун ҳам ажратилди, қуруқ ва ҳўл мевалардан ҳам қоплаб аравага ортиб йўлга чиқдилар. Аравани бир неча соқчи қўриқлаб борар, бу гал аскарлар босиб келган йўлдан эмас, мутлақо бошқа, хилватроқ йўлдан олиб ўтишар, иложи борича яқинларини

йўқотган одамлардан четроқ юришни режалаштирганди. Бу режа ҳам мингбошидан чиққан эди.

* * *

Шаҳристонга кираверишдаги кўримсизгина, яъни қарийб юз хонадонга яқин аҳолиси мавжуд бўлган қишлоқ бир неча кунлардан бери қандайдир бир бахтсизликни олдиндан сезгандай безовталанар, бироқ бу безовталаниш сирларини ўзлари ҳам билмас эди. Кутилмаганда кўчаларда турли-туман ўйин ўйнашаётган болалар қишлоқ томон яқинлашаётган отлиқ аскарларни кўришлари билан чамаси қизиқ туюлди. шекилли.

— Қаранглар! Аскарлар келаяпти! — дея бир-бирларига кўрсатиб бақира бошлашди. Уйларидан чиқиб болалар оёқлари остида гимирлаётган итлар эса бирдан отлиқларга акиллай кетишди. Бу безовталиқдан сал ўтмай катталар ҳам кўчага чиқиб кела бошлади, аскарларнинг келиши қишлоққа, жумладан, Шаҳристонга ҳам яхшилик келтирмаслигини тахминан сезишар, сабаби, тоғ қоровулининг ёқиб ташланганини катталар эшитган, ҳамон ваҳимада яшаётганди. Мана, ниҳоят натижаси юз берди...

— Ҳой, нима гап! Бу аскарлар бевақт нима қилиб юрибди?— деган хитоблар элас-элас эшитилаётган лаҳзада илк бор ўқ овозлари янгради. Сўнг кучайди. Иккинчи-учинчи бор узишган ўқлардан кейин эса: «Вой-дод! Ўлдим! Отамни отиб ташлади, вой дод, қизчамнинг кўкрагига ўқ тегди!» қабилидаги хитоблар кўтарилиб, ҳақиқий қий-чув бошланди. Мана шундай қий-чув бошланган ва хитоблар янграган кезде кўчага чиққанлар, аскарларни томоша қилишга ҳавасмандлар дарҳол қочиб, уйларига киришди. Кўчада чўзилиб ётган олтмиш ёшлардаги, юпунгина кийинган бир одам ва унинг қўлларини силкитиб йиғлаётган ориқ, сепкил юзли, кўк кўзли, юпун кийинган аёл, яъни марҳумнинг аёли ва ўн саккиз ёшлардаги ўнг оёғи оқсайдиган узун бўйли, ориққина қизча қолди, аёл билан қизча марҳумни силкитиб дод солиб йиғлар, ўқтин-ўқтин атрофга қараб одамлардан кўмак кутар, кимдир келиб ёрдам беришини, марҳумни тирилтириб беришларини сўрашар эди. Улардан салгина олдинроқда эндигина саккиз ёшга тўлган, хонадоннинг биринчи фарзанди бўлган, юзи лорсиллаган қизнинг ҳам нақ пешонасига ўқ теккан, жони узилиб бўлган, қизчанинг ўттиз ёшлардаги отаси, йигирма саккиз ёшлардаги онаси чирқираб йиғлашар, қизчани отаси билақларига олиб атрофга, одамларга кўрсатар, аскарларни бўралаб сўкар, одамлар ўқ овозидан қўрқиб уйларига кириб кетганлиги сабабли уларга кўмаклашадиган, ёрдамлашадиган кимса топилмасди.

Одамлар фақат эшикларини ичкаридан занжирлаб, тирқишларидан кўзларининг қири билан мўралашар, ташқарида юз берган мудҳиш воқеага муносабат билдириб йиғлашар эди. Қизча марҳумга айланган ердан тахминан беш қадамча нарида қашқа бир сигир думалаб ётар, жони узилган бўлишига қарамай бирор одам сигирга эътибор бермас, шу сабабли ҳаром ўлиб бўлган эди. Сигирга яқинроқ ерда унча катта бўлмаган қулоғи, бўйни ола, қора рангли итнинг чамаси ўқ орқа оёғига теккан, олдинги оёқларига тиралиб юришга ҳаракат қилар, юролмай ангиллаб жойида айланар эди. Итдан салгина ёнроқда, яъни ўнг томонда ҳам катта бир қизил хўроз ёни билан туришга уринар, туролмас, чамаси хўрознинг ҳам қанотига ўқ тегиб ағдарган эди. Ер қонга беланган, ҳали қотиб улгурмаган эди. Йўлда йиғлаётганлар билан ҳамон ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Отлиқлар йўлдан анча илгарилаб кетган, яъни Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли босқинчи-қотилларни қаршилаган, ўқ узишларига озгина барҳам берилган лаҳзаларда кўча четидаги эшиклар очилиб, одамлар кўрқув ва таҳлика, изтироб билан аста-секин ташқарига чиқиб, ёши катта одамлар марҳумларни уйларига олиб киришга кўмаклаша бошлади. Кимдир чиқиб хўрозини кўтариб олиб кириб кетди. Бошқа биров итнинг бошини силаб, судраб йўлнинг четида тортиб қўйди. Яна кимдир аллақачонлар ўлиб бўлган сигирни туртиб кўриб: «Бўйнинг узилгур тўнғизлар, сигиримни отишди, биттагина сигиримдан айрилдим, энди бола-чақам сутни қаердан олади?!» дея йиғлай бошлади. Мурдаларни уйларига олиб киришди. Бугун қишлоқ аҳли марҳумга айланган қизалоқнинг уйига йиғилишган, катта ҳам, кичик ҳам бирдай бўлаб йиғлар эди. Мингбоши губернаторни тоққа олиб чиқиб, қоровулнинг ёқилган ерини, уйини кўрсатиб қайтганидан, яъни бойлар билан учраштириб, бир пиёлагина чой ичириб, аравага олтин ва қуруқ ҳамда ҳўл мевалар ортилган паллада мана шундай манзара содир бўлаётганди. Мингбоши мана шу ҳолни тасаввур қилиб, халқнинг яна аскарларга қарши исёни бошланиб қолмасин, деган ўй билан бошқа кўча орқали Самарқандга кузатаётган кез ортда қолганлар, қозикалон, зиёлилар дарҳол отларининг жиловини биз тилга олган кўча томонга буришди. Келганликларини жосуслар губернаторга етказмасин, деган хаёл билан марҳумларнинг уйларига кириб, отларини ҳам ичкарига боғлашиб ҳамдардлик билдиришди. Кун эндигина ғарб уфқида оға бошлаганди. Деярли кун эрта эди. Бойлар ўз яқинларига буйруқ бериб, зудлик билан марҳумларнинг уйларига қўй ва кафанлик олиб келишларини буюришди. Тез орада буйруқлар бажарилди. Марҳумларни кўмишга зарур бўладиган ҳамма нарса келтирилди.

Фақат йиғи-сиғи тинмаётган эди. Кўпроқ одам қизчанинг хонадонига йиғилган, ёш ота-онанинг чекаётган фарёдларидан қон-қақшаб йиғлашар, рус аскарларини қаргашар эди.

— Барака топгурлар! Тушунмовчилик бўлибди, тинчланинглар! Йиғингизни кўришмасин, эшитишмасин! У ўрис йиртқичлари қайтиб қолиши мумкин, — дея марҳумни чиқаришга келган зиёлилар тинмай одамларга кўнгил беришар, бироқ йиғи-сиғи тугамас эди. Шомга яқин қизча ҳам, кекса марҳум ҳам чиқарилди. Дафн ҳам этилди. Қабристондагилар марҳумларнинг уйларига қайтиб қуръон тушириб, кўнгил бериб уйларига қайтишди. Салгина олдин одамлар теша, кетмон, темирайри, тошларни тайёрлаб, яна аскарлар келгудай бўлса, жанг бошлашга ҳозирланиб туришганди. Зиёлиларнинг келиши шаштиларидан туширди. Фақат кўчадаги ўлган сигир ва ярадор итгина ҳамон эътиборсиз ётар эди.

Қош қорайиш олдидагина кимдир келиб сигирни йўлнинг четига амал-тақал қилиб суриб қўйди... уйларда эса эрталабгача йиғи тинмади.

* * *

Пиримқул Аширмуҳаммад ўгли губернатор ва у бошчилигидаги ваҳший йиртқичларни кўп талофатсиз тўхтатиб қолиб, йиғлаб, оёғига пешонасини босиш даражасига бориб, Шаҳристон халқини даҳшатли ўлим фожиасидан қутқариб қолганидан, босқинчиларни изига эсон-омон қайтарганидан, яъни ўзининг ўн йил ичида кўпайган қўй ва сигирларини сотиб орттирган, жумладан, бошқа бойларнинг ҳам олтинлари эвазига қайтариб қолганидан кейин изтироблари бир нави босилди. Қалтироғи ҳам ниҳоя топди. Яктаги шалаббо ҳўл бўлиб, қорни очлигидан ичига тортиб кетган, лекин очикқани сезилмасди. Мингбоши халқни ўлимдан олиб қолгани ҳақидаги ўй билан қизиқмас, қанча қурбон берилиши мумкинлиги ҳам уни қизиқтирмас, боз устига мингбоши бўлгани ё мингбошилиқдан кетиши мумкинлиги ҳам уни заррача таҳликага солмас, фақат ўзи яшаган, яшаётган, ота-боболари яшаб ўтган, ўзи ҳам мансуб бўлган, мазори бир, насли бир миллатини даҳшатли қирғиндан асраб қолгани, пуштини ҳам давом эттиришга имкон туғдиргани тушунчасигина қалбини қувончларга тўлдириб ташлаганди. Олтинлари, қўйлари чиндан ҳам уни заррача ташвишга солмас эди. Мингбошилиқ қилмаса, қайтадан чўпонлик қилиши ва юнг сотиб ҳам кунини кўриши, бола-чақасини боқиши мумкин эди. Шаҳристондан Холдорқипчоққа ариқ қаздириб олиб келган, тегирмон қуриб берган, сув олиб келган, ерлар очган, боғ-роғлар қилган кезларда ҳам бугунгидай қувонган эди. Аммо бугунгиси эса

бошқача бахтиёрлик эди... Қарийб ярим миллион одамнинг жонини қирғиндан, босқинчининг қирғинидан асраб қолганди. Бу ватан, миллат туйғуси билан боғлиқ тушунча нафақат қалбини қувончларга тўлдирган, хотирасига ҳам абадул-абад ўрнашиб қолган эди. Оллоҳ олдида, миллати олдида қолаверса, ота-боболари руҳи олдида юзини ёруғ қилган эди. Бундай ватанпарварлик, миллатпарварликни Тошкентни озод этишда Черняевга қарши мардларча курашган Алимқул, чингизчиларга қарши курашган Жалолиддин Мангуберди, юнонларга қарши курашган Спитамен, арабларга қарши курашган Муқанна, Чингизхонга қарши курашган яна бир мард ўғлон Таробийчалик ватанларварлик, миллатпарварлик эди... ва бунини ўша кезги халқ унутмаган, Пиримқул Аширмуҳаммад ўғлини қирқ йил мингбошиликка сайлаган эди. Бугунги шаҳристонликлар эса Пиримқул Аширмуҳаммад ўғлининг ўша қаҳрамонлиги учун Шаҳристонга у зотнинг катта ҳайкалини қўйиши, у яшаган кўчанинг номини унинг номи билан аташи, исм-шарифини абадийликка тиклашлари лозим.

Мингбоши рус аскарларини, губернаторни хилват кўчалардан олиб ўтиб, Самарқандга кузатиб борар эди. Улар тун ярмида Самарқандга, яъни руслар истиқомат қиладиган янги шаҳарга етиб ҳам келдилар. Губернаторнинг буйруғи билан сўйилган қўйлар аскарларга топширилди. Тириклари эса губернаторнинг қоровулхонасида эрталабгача қолдирилди. Мингбошининг бошқа ерга бориб тунаши ҳақидаги илтимоси қондирилмади, губернатор ўз уйида олиб қолди. Эрталаб бомдод намозидан кейин мингбоши қўйни сўйдириб, олиб келинган мева-чевалар билан губернаторнинг катта залини безатиш, дастурхонларни тўлдириш билан шуғулланди. Бу пайт губернатор кечаги юриши тинчгина бажарилганидан мамнунлик ҳис қилиб, тинчгина ухлар эди.

* * *

Губернатор уйғонганида катта залда дастурхон тузалган, дастурхонга жондан бошқа ҳамма нарса қўйилганди. Губернатор севадиган қора кишмишдан солинган мусаллас ҳам алоҳида хумчаларда қўйилганди. Зирали палов, қабоб, ҳатто манти ҳам алоҳида ҳиди билан димоқларни қитиқлар, бу мингбошининг шодлиги, губернаторнинг эса катта исённинг олдини олиб қолгани белгиси учун тайёрланган таомлар эди. Бўйи икки метрдан ҳам ортиқроқ, елкаларига биттадан бемалол одам сиғадиган, қўллари ҳам катта ва кучли, кўзлари раҳмдил ва паришон, бу дунёда нимадандир қониқмаган, нималардир қониқтирмаган ва ватанига, миллатига яна кўп эзгуликлар қилишга ҳозирланган, бироқ турли

табий сабаблар билан ниятлари тўла амалга ошмаётган, ниҳоят Шаҳристондай катта шаҳарни ёппасига юз бериши мумкин бўлган қирғиндан асраб қолган Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли эрталабданоқ кўтаринки кайфият билан дастурхон тузаб, губернаторни қаршилар, унинг беҳад гўзал ва ёқимтой хотинини кўриш, суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлиш учун маълум маънода шошилаётган ҳам эди. Бу пайтга етиб губернатор аёлининг Пиримқул Аширмуҳаммад ўғлига бўлган меҳр-муҳаббати ниҳоясидан ошган, иложини топса, ҳар кун кўришга иштиёқ сезар эди. Йигитларнинг султони саналмиш Пирмуҳаммад Аширмуҳаммад ўғлини чиндан ҳам турли-туман қимматбаҳо совғалари, яъни аёлга ажратадиган алоҳида диққат-эътибори билан фикрини қарам-ром қилиб келарди. Губернатор хотинининг мингбошига бўлган оташин меҳр-муҳаббатини билгани ва сезгани учун ҳам тоғ қоровулининг ўлиmidан кейин Шаҳристон халқини қирғинга буюрган бўлса-да, аслида аёлини ўйлаб, унинг эътирозини билиб, буйруқни бажаришга астойдил киришмаган эди. Мингбоши ўзининг беҳад кучли тафаккури қудрати, ақли ва сертакаллуфлиги билан мана шундай кўнгилсиз воқеалар эртадир-кечдир юз беришини сезиб, губернатор хотинининг кўнглини олишга тиришган ва бу борада катта ютуқларга ҳам эришган эди.

Ҳозир ҳам мингбошини кўпроқ губернатор эмас, аёлининг тезроқ чиқиши ва дастурхон атрофига яқинлашиши қизиқтираётганди. Бу масалани губернатор ҳам сезар, кўп ишларни, яъни туркистонликлар билан юз берадиган баъзи бир кўнгилсизликларни хотини орқали битишидан шодланар эди.

Ниҳоят, катта залга сочларини чиройли қилиб турмаклаган, узун, қизил рангли халатда биринчи бўлиб губернаторнинг хотини чиқди. Тўғри меҳмон томон яқинлашиб қўлини чўзди.

— Пиримқул... сени кўриб беҳад қувондим... кечроқ келибсизлар, йўқса сизлар билан анча ўтирардим. Сени кўрганимда доим ҳам қалбим шодликларга тўлиб-тошади, — деди аёл чиндан ҳам ўзини бахтиёр ҳис қилиб, — эрим ҳали ҳам чиқмадимми?!

— Келиноий, мен ҳам сизни кўриб беҳад қувондим, — деди мингбоши. У гарчи аёлнинг гапига тушунмаса-да, тахминан шундай деганини англаб етди. Сабаби, аёл мингбошини доим кўрганида шу сўзларни такрорлар, тилмоч доим таржима қилгани учун ёд бўлиб кетганди.— Сизни кўрганимда доим ҳам қувониб кетаман. Бугун сизга фаройиб совғалар олиб келганман... Ҳозир тортиқ қиламан...

Аёл бу гал мингбошининг кейинги гапларига тушунмади. Кўзлари катта очилиб, тилмочни қидира бошлади. Топилмагач

«аҳ» дея қўл силкиб, мингбошининг қўллари ушлади. Мингбоши ҳам бунга жавобан миннатдорчилик билдириб, дастурхонга таклиф этди. Шу орада зал эшиги очилиб, ичкарига губернатор паришон, яъни кўп ухлаб хомуш тортган ҳолда кириб келди.

— Олий ҳазрат, — дея мингбоши югургилаб губернаторни қаршилади ва қўлини олди. — Яхши ухлаб турдингизми?!

— Хорошо... — деди губернатор ва хотинига яқинлашди. — Олдинроқ туриб олибсан...

— Сенга қарасам, тинчгина ухлаётган экансан. Турғизмадим...

— Яхши, яхши... Пиримқул, яхши ухлаб турдингизми? Сен чиндан ҳам доно одамсан... дастурхон тузаганингизни қара. Жондан бошқа ҳамма нарса бор...

Губернатор тилмочни чақиртирди. Тилмоч келгунга қадар хотини билан қора кишишдан солинган мусалласдан бир пиёладан олишди. Мусаллас таналарини яйратди. Шу орада тилмоч ҳам етиб келиб, вақтида келолмагани учун узр сўраб бир четга чўкди. Губернатор хотинига Шаҳристонга қилган юриши, тоғ қоровулининг ёқиб ташлангани, халқни қирғинга буюргани ва ўзи воқеа юз берган ерларга бориб кўргани, тоғ қоровули ҳам бир ўтинчини кўкрагидан отиб ташлагани, шу сабабли халқ ғазабга миниб, тоғ қоровулини бола-чақаси билан ёқиб ташлаганини гоҳ ғамгин, гоҳ эса хаёлга чўмган ҳолда гапириб берди. Аскарларнинг шаҳарга кираётганда ўқ узиб, бир неча одамни ўлдиргани, халқ ғазабга миниб, оёққа қалқиб исёнга кўчиш арафасида эканлиги, Пиримқул Аширмуҳаммад ўғлининг саъй-ҳаракати билан бу ишнинг олди олинганини гапириб берганида, яъни бутун Туркистон халқига қилинган исённинг олди олинганини маълум этганда:

— Ҳой-ҳой, қандай гўзал иш бўлибди... озгина эҳтиётсизлик қилганингизда чиндан ҳам бутун Туркистон исёнга кўчган, сенинг Оқпошшо олдида юзинг қора бўлиб, ҳатто жазоланишинг мумкин экан, — дея кутилмаганда ўзи ҳам сезмай сапчиб туриб, мингбошининг бўйнига қўллари ташлаб, эгиб юзидан ўлиб ҳам олди. — Пиримқул, сенга минг бор ташаккурлар бўлсин? Сен доим ҳам эримнинг жонига оро кирасан. Зоминга, Шаҳристонга сендан бошқа одам ҳеч қачон мингбоши бўлмайди. Мен тирик бўлсам, бунга асло йўл қўймайман...

Тилмоч икки томоннинг ҳам гапларини таржима қилиб турди. Шу орада мингбоши ташқарига чиқиб тезда ортига қайтди. Унинг ортидан икки йигити иккита туянинг бўйин терисига жойланган олтинларни зўрға кўтариб олиб кириб ерга қўйди... турли

қимматбаҳо тошлар тизилган маржонни эса мингбошининг ўзи мезбон аёлнинг бўйнига тақиб қўйди...

— Оҳ, қандай гўзал, қандай гўзал... — деб юборди аёл ва қайтадан мингбошини ўпиб қўйди.

— Ҳой, ҳой, — деб юборди олтинларни кўрган губернатор, — бу жуда ҳам кўп.

— Олий ҳазрат... сизга насиб этган экан, юқорига ҳам узатарсиз... буларни совға сифатида қабул қилишингизни сўраймиз. Булар эса сизга, — дея мингбоши қорақўл териларни аёлга узатди...

— Оҳ... оҳ... Пиримқул, сен дунёдаги эркакларнинг энг олижанобсан, — деб юборди аёл қайтадан. Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли бу аёл билан ҳар томонлама яқин бўлгани ва истаган пайтида бу хонадонга меҳмон бўлиб кела олгани сабабли аёл уни ўзига яқин тутиб, сенлаб гаплашадиган одат чиқарганди. Мингбоши рус тилини яхши билмагани учун ҳар доим ҳам «сен» билан «сиз» сўзининг маъносига эътибор беравермас эди.

— Олий ҳазратга, сизга молимиз экан-ку, жонимизни ҳам беришга тайёрмиз...

Тилмочнинг таржимасидан кейин мингбошининг кейинги сўзини эшитган аёл:

— Сенга, — дея эрига мурожаат этди. — Туркистонда Пиримқулдан бошқа садоқатли одам йўқ. У сенинг ҳақиқий дўстинг. Сен ҳам бунни тушуниб етишинг, ҳеч қачон унга озор бермаслигинг керак. Биз тирик эканмиз, у мингбоши бўлиб тураверади. Сен сувраткашларни чақир, Пиримқул билан бир сувратга тушиб қўяйлик... унга ҳам эсдалик бўлсин. Сен билан бирга тушган сувратни кўрган одамлар бирор нарса деёлмайди...

Палов тортилди. Бу орада губернаторнинг йигирма ёшларга яқинлашиб оқолган, отасидан кўра кўпроқ онасига ўхшаб кетадиган камсуқумгина, лекин узун бўйли Саша исмли ўғли ва ўн бешларга яқинлашган, яъни онасига ўхшаш беҳад гўзал нозанин қизи эркатойлик билан ичкаридан залга чиқиб, ноз-карашма ила отаси, онаси билан ўпишиб кўришгандан кейин меҳмонларга, жумладан, мингбошига юзланиб:

— Дядя Пиримқул, ассалому алайкум! — дея мингбошининг ёнига чўкди ва пиёлага қуйилган мусалласдан бир хўплаб кўриб, афтини тириштириб сўнг пиёлани жойига қўйди. — Мунча аччиқ...

— Ич-ич, қизим, — деди дарҳол онаси қизига, — энг яхши узумдан қўлбола қилиб тайёрлашган, дори бўлади...

— Кейинроқ, қорним оч, тўйгазиб олай...

Шу билан суҳбат озгина барҳам топиб, ҳамма бирдай палов ейишга тутинди. Сўнг кабоб келтирилди, орадан ярим соатлар

чамаси вақт ўтгач эса манти сузилди ва губернаторнинг хонадонини чиндан ҳам ҳайрат ва таажжубга солди. Кун пешиндан оғанда эса сувраткаш келиб қолди ва эсдалик учун губернатор оила аъзолари билан сувратга тушишди. Кейинроқ тайёрлаб беришини айтиб мингбошини қувонтирди. Кейин кузатиш учун ташқарига чиқишди. Энди кайфи ошган губернатор ҳам, аёли ҳам, қизи ҳам мингбошини кучиб, ўпиб кузатиб қолишди.

— Кулжон, Эшназар, Маҳмаражаб, Облоназар, Тоғайназар, — дея қўриқчиларнинг фикрини тортди мингбоши уйларига қайта бошлаганларида, — аввал Оллоҳдан, қолаверса, Шаҳристон халқини жуда мудҳиш кулфатдан асраб қолдик. Оллоҳ бу гал ҳам оҳимизга қулоқ солди. Йўқса, бегуноҳ халқ қирилиб кетарди... абадул-абад туркистонликлар олдида юзимиз қора бўларди... Уч кун, уч тун ухламадим. Ўзларингиз хабардор бўлдингиз... маслаҳатлашмаган одамим қолмади. Оллоҳ кўнглимга солди. Бу ярамас қонхўр босқинчиларга: «Агар халқни қиргин қилсангиз, қишлоқлар, туманлар, шаҳарлар, бутун Туркистон халқи оёққа қалқиб кетади, исён бошланади... кейин тўхтатиш қийин бўлади, рус биродарларимиз билан орамизга совуқлик тушади...» дея аранг губернаторнинг кўнглини олдим. Ўз кўзларингиз билан кўрдингиз, бир неча йиллардан бери юнг ва қўйларни сотиб тўплаган тиллоларимни ҳам совға қилиб юбордим. Шу нарсаларни халқ орқали топгандим, ўзларининг яхши кунлари учун сарфлаганимдан жуда қувондим. Умрларидан барака топсинлар, бошқа бойлар ҳам қараб туришмади... Топган-тутганларини олиб келиб туришди. Аравакашларга тайинланглар, секин бораверишсин... Менинг аравакашларимни танишса йўлда ҳеч ким тақилмайди, биз тезроқ бориб, ўлдирилган кишиларнинг яқинларини кўнглини олишимиз ва молдан ёрдам беришимиз керак...

Мингбоши ўзи суяб юрадиган бўйдор, кўкраги кенг, орқа томони торроқ оппоқ отига шиддат билан қамчи босди. Шу тариқа жуда тезлик билан Ғаллаорол, Зомин, Баландчақир қирлари оралигини босиб ўтишди. Бу пайтга келиб тун ярмидан оған, озгина ҳордиқ чиқариб, таҳорат олиб намоз ўқиб, яна йўлга тушишлари керак эди. Бу ердаги юзбошининг уйига кириб омонатгина дам олиб, бомдод намозидан кейин яна йўлга чиқишди.

Тушга яқин Шаҳристонга ҳам кириб келишди. Ҳамма ерда одамлар кўчаларга чиқиб, ўзларининг халоскори, яъни босқинчининг даҳшатли қирғинидан асраб қолган, эндиликда отаси, онаси, ака-укалари, опа-сингиллари каби азиз бўлиб қолган, ундан ҳам кўра ўзлари эшитган Алимқул, Мангуберди,

Торобий каби ватанпарвар, миллатпарварга айланган мингбошини қаршилашар, йиғлашиб келиб оёқларини тавоф айлашар, Оллоҳдан узоқ умр тилашар, мингбоши эса бир неча кунлик изтироблари ва юрак азоблари, мия оғриғидан халос бўлиб, қилган эзгу ишининг нечоғлик улуғ ишлигини қаршисидаги одамларнинг ҳайқиреқларидан кейингина сезиб, тушуниб қолган ва кўнгли бўшашиб, жимгина йиғлар, кўз ёшларини яширишга уринар, ўзига талпинган одамларни бағрига босиб, пешоналаридан ўпиб узоқлашиб борар эди. Бу унинг ҳаётидаги, умри асносидаги энг улуғ, энг муқаддас, энг эзгу ва олижаноб иши эди ва буни умри ўтган сари англаб, ҳис қилиб борди. Мана шу эзгу ишлари ўзини ҳам руҳлантириб, доимий равишда одамларга саховат кўрсатишга чорлаб борди. Мана шу бахтли сонияларда унинг ҳаёлидан яна бир эзгу воқеа ўта бошлади.

Бу воқеа чамаси қайсидир йили, қиш беҳад қаттиқ келган, одамларнинг дон ва пичанлари тугаб қолиб, жуда қийналган, яъни уруғликка олиб қўйган донларини ҳам еб қўйган фаслга тўғри келганди. Одамлар ҳам, моллар ҳам беҳад толиққан эли. Одамлар ерга сепишга уруғлик бугдой тополмас, моллар эса сотилиб кетиши ё қирилиб кетиши мумкин эди. Бироқ халқ амалтақал қилиб кўкламга етиб олган эди. Мингбошининг эшиги олдидан турли қишлоқлардан дон сўраб, пичан сўраб келувчиларнинг кети узилмас эди. Мингбоши Шаҳристон томонлардан Холдорқипчоққа ариқ қазиб сув олиб келганида ўзи учун ҳам ташландиқ катта ерларни очиб ўзлаштирган, сув олиб келган, айни пайтда, бошқа қишлоқлардан ҳам ерларни сотиб олганди. Сен бировга бирни берсанг, Оллоҳ сенга мингни беради деган нақл билан доим иш кўрадиган мингбошининг чиндан ҳам омади юришган, экин-тикини ўзи истагандан ҳам ортиқроқ ҳосил берар, қўйлари ҳам ўлавермас, йилдан-йилга кўпайиб бораверар эди. Буни мингбоши мен халққа бераётганим учун Оллоҳ менга бераёпти деб тушунар, халққа саховатини аямас эди. Уни билган, билмаган ҳам одамлардан донғини эшитиб турли нарсаларни сўраб, биров қизини чиқаролмай, бошқаси ўғлини уйлантиролмай ёрдам сўраб келаверарди.

— Келсинлар, келсинлар, — дерди эшик тақиллаши билан мингбоши янги келган меҳмонга, — хизмат.

— Эшон бува, ... ер бор, аммо доним қолмади, ерга сепишга уруғлик қолмади. Кузгача уруғлик қарз бериб турсангиз...

Ўша йили чамаси мингга яқин одамлар мана шундай муҳтожлик билан мингбошининг уйига қадам ранжида қилишди.

— Розиман, ҳаммангизга уруғлик бераман, — дерди мингбоши,

— битта шартим бор...

— Розиман, айтинг...

— Илгарилари кўтарган ҳосилингиздан йигирма беш фоиз устама олар эдим... энди эса икки баравар кўпроқ берасизлар, рози бўлсангиз бераман... марҳамат...

— Майли, эшон бува, розимиз, Оллоҳ берса истаганингизча берамиз.

Мингбоши ғазначисини ёнига чорлар, секин қулогига:

— Худо пошшо, ким қанча истаса бериб юбор. Исми шарифини дафтарга қайд қилма, — дея қулогига қуярди. Ғазначи ҳам шундай қилар, одамлар:

— Нимага исми-шарифимизни ёзиб қўймаяпсиз, кўпчилигимизни эсингиздан чиқариб қўясиз, — деб куйиб-пишган одамларга:

— Парво қилманглар, мингбоши бува керак пайтида топиб олади. — деб қўя қоларди. Чиндан ҳам мингбошининг Худога қилган: «Эй, поки Парвардигор! Шу бандаи мўминларингни қўллаб юбор. Донларига барака бер!» дея қилган илтижолари ижобат бўлди. Ўша йили чиндан ҳам одамларнинг дони шу қадар мўл бўлдики, солишга кандиклари ҳам етмай қолди. Қарздорлар араваларга мингбоши айтгандай икки баробар устама дон олиб келишар, мингбоши эса ҳовлисига олиб кириб, чой бериб, донларини аравалари билан ортига қайтариб юборарди.

— Мен у дунё-бу дунё розиман, — дерди мингбоши келганларнинг елкаларига қоқиб. — Оталарингизга минг раҳмат. Мингбошига икки баравар кўпроқ қарз тўлашим керак, деб астойдил ишладингиз, мана, Оллоҳ хирмонингизга барака берди. Агар мен сизларга қарз ҳақини икки баробар кўп берасиз, демаганимда яхши ишламасдингиз, бунчалик кўп дон ҳам ололмасдингиз. Бораверинглар, кўчангиздан ўтиб қолганимизда бир пиёлагина совуқ чой берсангиз бўлди...

* * *

Мингбоши сесканиб хушини йиғиб олди ва хаёлга берилганини эслаб дарҳол отига қамчи босди. Йигитларига икки-уч кун илгари ўққа учраган хонадонларни сўроқлашни буюрди. Йигитлар бироз хаёли қочган мингбоши тўғри йўлдан кетаётгани, марҳумларнинг уйлари қаршисидан чиқаётганини айтиб, кўнглини бироз тинчитишди.

Кичкинагина, бир томонга қийшайган, яъни топ ташлаган эшик қаршисида тўхтаганларида ичкаридан: «Вой болам, вой болам... юрагимни қон қилиб кетдинг! Оғзингдан конинг келгур

ўрис, қизчамни, бегуноҳ боламни отиб ўлдирди...» деган аёл кишининг фарёди янграб турар, бунга баъзан: «Вой, болам-эй...» деган эркак кишининг бироз дўриллаган овози қоришиб кетар, ўқтин-ўқтин ёш гўдакларнинг чириллаб йиғлагани эшитилиб қолар эди.

Мингбоши отидан тушиб, кесин қамчинининг сопи билан эшикни тақиллатди. Салдан кейин ичкаридан қирқ ёшларга яқинлашган бир эркак чиқиб ўзини четга олди-да, нотаниш кишига йўл бўшатди. Мезбоннинг қўлини олиб:

— Акангиз айлансин, бандачилик, қизчангиз шунақа бўлиб қолибди, — дея йигитнинг қўлини олиб, ичкарига кириш ниятида эканлигини билдирди. Кирдилар, ҳовлидан тўғридаги айвонга ўтишди. Иккитагина эски, баъзи бир ерларининг пахтаси титилган кўрпача ёзиғлиқ турар, ўртада дастурхон бўлиб, иккита суви қочган нон қўйилган, сопол чойнақдаги чой совиб қолганди.

Мингбоши марҳум қизнинг ҳурмати учун қуръон туширди. Дуодан кейин эса уй эгаси:

— Хуш келибсиз... — дея меҳмонга юзланди. — Ёшгина қизчамни кўчада ўйнаб юрганида отиб ўлдиришди, — йигит рўмолчаси билан юзини, қўзини артди.

— Булар мингбоши, — дея Эшназар секин мезбонга тушунтирди.

— Хуш келибсиз, — дея мезбон ҳаяжонланиб қолди. Чунки унинг уйига мингбоши тугул бирор оқсоқол ё элликбоши ҳам келмаганди. — Танимаганни сийламас, деганлар... Ҳозир. Иссиқроқ чой олиб келинглр... — мингбоши бува, тўнғич қизим эди. Жуда ақлли эди. Ҳеч кимга ёмонлик қилмаган эдик...

— Биродар, ҳамма иш, аввало, Оллоҳдан, — дея ётиғи билан тушунтириб, мингбоши мезбоннинг кўнглини олишга уринди. — Оллоҳнинг иродасисиз ҳеч нарса юз бермайди... ажали етган экан, ўриснинг ўқи шунчаки сабаб бўлди, ҳадеб йиғлайверсангиз, Оллоҳга ширк келтирасиз, шукр қилинг, ўзи беради, ўзи олади... на чора, қўлимиздан ҳеч нарса келмайди. Кимдир, эшитган бўлсангиз керак, тоғ қоровулини бола-чақаси билан ёқиб ташлабди... Губернаторнинг қулоғига етибди. У тўнини тескари кийиб, бутун шаҳристонликларни қирғинга буюрган экан, амаллаб, алдаб ўзгартирдик. Ҳозир ўша ердан келаяпман, чакана пора бермадик... улар ҳукмрон. Нимани истаса, шуни қилади... Оллоҳ бир асради. Агар бутун Шаҳристон халқини қириб ташласа нима қилардик...

— У кунни Худо кўрсатмасин, — деди мезбон ёқасига тупуриб.

— Балли, омон бўлинг, етар, йиғлайверманг. Маъракаларни ўтказиш учун ҳозироқ қўй, ун, қанд-курс юбораман. Иккиланмай

ишлатаверинг. Ўз мулкимдан бераман. Мен мингбошиман. Идорам Холдорқипчоқда. Сўрасангиз айтишади. Боринг.

— Раҳмат, мингбоши бува, — дея мезбон икки букилиб меҳмонни кузатиб қолди.

Мингбоши салгина наридаги, яъни иккинчи марҳумнинг эшиги олдида тўхтади. Ичкарига кириб қуръон тушириб, бу хонадонда бир пиёлагина чой ичди. Бу хонадон аъзоларига ҳам юз берган кўнгилсиз воқеанинг сабабларини ётиғи билан тушунтирди. Оллоҳдан уларга ҳам сабр тилаб хайрлашди. Орадан икки соатлар ўтар-ўтмас ҳар иккала хонадонга ҳам бир неча қопдан ун, бир нечтадан қўй келтирилди. Ун ва қўйларни мингбошининг шахсий қўриқчиларининг ўзлари олиб келиб ташлаб кетишди.

Оллоҳ саховат кўрсатмаса, эшак бозорига даллол бўлмайди, деган гаплар шунчаки гап эмас, одамларнинг тажрибаларидан келиб чиқиб, исботланиб гапирилган гап. Оллоҳ иноят қилса, бераверади. Одам кимлигидан қатъи назар, бойиб кетаверади. Бунинг заминиди эса саховат, олижаноблик, эзгулик каби илоҳий тушунчалар ётади. Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли оддий камбағал оила фарзанди эди. Отаси Авазмуҳаммад исмли бойнинг чўпони эди. Уни Ойша исмли эшон онаси эрта-кеч поклик, ҳалолликка ўргатди ва ўғли чиндан ҳам поклик, покизалик, ҳалолликдан топди ва бу хусусият ўғли Пиримқулга ҳам кўчди. Тез орада бутун Шаҳристон, Зомин, Соват қишлоғи, Баландчақир қишлоғи, Сарич қишлоғи, Жулонгар, Чанговул қишлоғида ҳам маълум ва машҳур бўлиб кетди. Топганини ҳеч кимдан, ҳеч қачон аямади. Керак бўлса йиққан олтинларини ҳам ёқилган тоғ қоровули учун губернаторга порага бериб юборди. Зарур пайтда губернаторнинг гўзал хотинини кўнглини ҳам олди. Иложи борича ватани, миллатининг ҳимояси учун эрта-кеч курашди. У зотгача ҳам кўплаб мингбошилар бўлганди. Бироқ ариқлар қаздириб, сувлар олиб келиб ерларни ўзлаштирмаганди. Тегирмонлар қуриб халқнинг эҳтиёжини ҳам қондиришмаганди. Бутун вужудини, ҳис-туйғуларини, куч-қудратини биргина халқ хизматига бахшида этди. Шунга қарамай, у зотни ҳам яхши кўрмаганлар, яъни кўролмаганлар лаҳза сари обрўсини камситишга, йўлига тўсиқ бўлишга уринар эдилар. Кимлардир у зотнинг ўрнини тортиб олишга уринар, уйларига, молхоналарига, сомонхоналарига ўт қўйишар, нима қилиб бўлса-да, қашшоқлаштириш кўйида ёниб-ўртанар эдилар. Бироқ ўша ўғри, муттаҳамлар бирор вақт давлатни ҳам, мол-мулкни ҳам, обрўни ҳам аввало Оллоҳ бериши, Оллоҳ бермаса ҳеч нарса бўлолмаслиги ҳақида бош қотириб кўрмас эдилар. Одам дангаса бўлса, ишەқмас бўлса, фақат ўғирлик билан

шуғулланса, меҳнат қилишдан қочса, Оллоҳдан сўрамаса, қандай қилиб бундай одам бой бўлиши мумкин?!

Ишەқмаслар, дангасаларга Оллоҳ бермаслиги тайин ахир...

Янгиқўрган деган қишлоқда Облоёр исмли ўтакетган муттаҳам ўғри бўларди. Унинг ўзига ўхшаш ҳомийлари бўларди, улар истаган пайтда, истаган одамларининг мол-мулкларини ўғирлаб кетишар, зарурат туғилса, ўлдириб, кўмиб ҳам юборишар эди. Бу ўғрилардан одамлар ҳайиқар, бирор ерга шикоят қилишга ҳам кўрқишар эди. Облоёр исмли ўғри Пиримқул мингбошининг сигири, қўйлари, эчкиларини ўғирлади. Охир-оқибат сомонхонасига ўт қўйиб, сомонхона орқали уйини ҳам ёндириб юбориш ниятида эди. Сомонхона ёнади. Лекин тезликда ўчирилади. Чиндан ҳам сигирлар, қўйлар, эчкилар ўғирланади. Бу ўғирликни ҳам Облоёр амалга оширади. Кўнгилсиз воқеадан мингбоши хабар топади. Келиб кузатади. Уйи ёнмаганига шукр қилади. Эшитган, кўрган, билганларга: «Бизга Оллоҳ бераверсин, Облоёр ўғирлайверсин!» деб қўя қолади. Ўша кун ийғилганларга мингбоши ўғрининг икки дунё юзи қоралиги, танаси дўзах оловидан чиқмаслигини, бундай кимсаларнинг аждодлари ҳам ёмон бўлгани, яъни ота ё она томонида ҳароми одамлар бўлганини ётиғи билан тушунтириб, ҳаромиларгина ишەқмас, дангаса, текинхўр бўлишини ва бундай одамларнинг ҳеч қачон бири икки бўлмаслигини, охир-оқибат хору зор бўлиб ўлиб кетишини тушунтиради. Шу билан бирга ўғрининг кимлигини ҳам билишини, бироқ Оллоҳ ўғрининг ҳам насибасини ўзига берганини айтиб билмаганга олганини кўпчиликка ўғит сифатида ҳикоя қилиб беради. Ваҳоланки, мингбоши ўғрини тутдириб, тошбўрон қилдириши, жуда бўлмаганда ўша кези шариат қонунлари билан икки қўлини кестириб ташлаши ҳам мумкин эди. Аммо бундай куфр ишни қилмади. Бир савоб устига икки савоб, деб қўя қолди.

Кунларнинг бирида Облоёр ўғрининг Дониёр исмли ўғли мингбошини йўлда учратиб қолиб, салом ҳам бермай, гўё менсимаган бир оҳангда:

— Мингбоши, сигирингизни, қўйларингизни, эчкиларингизни ўғирладик, хонадонингизга ўт ҳам қўйиб юбордик, индамадингиз... Биз шунақа зўрмиз, керак бўлса, истаган пайтимизда, истаган одамимизни ўлдириб, ёқиб ташлайверамиз, — дея оти бошини тортиб, мингбошининг қаршисида тўхтади.

— Ўғри укам, — дея ётиғи билан мингбоши Дониёр ўғрига тушунтира бошлади. — Дунёда бир калтабин одамлар бор. Улар доим қилган ёмон ишлари билан мақтаниб юрадилар. Сиз мусулмонмисиз!

— Алҳамдулилло мусулмонман, — кеккайиб жавоб қилди ўғрининг ўғли.

— Мусулмон мусулмоннинг уйини ёқадими? Молларини ўғирлайдими? Қилган ёмон иши билан ғурурланадими? Бирор вақт кимдир сизнинг ҳам молларингизни ўғирласа, уйингизни ёқиб юборса, молсиз қолсангиз, уйсиз қолсангиз, нима қилган, нима деган бўлардингиз?! Ўйлаб кўрмайсиз... Майли, бугун ё эртага мен ҳам халқни йиғиб мол-мулкингизни ўғирлатаман. Сомонхонангизни ёқтириб юбораман. Бир нарса десангиз Самарқанддан аскар чақиртириб, сургун ҳам қилдириб юбораман, келишдикми?! Ёки қўлларингизни кестираман. Буни отангизга ҳам тушунтиринг. Сизларнинг фарзандларингиз ҳам ўғри бўлади. Сабаби, ҳаром нарсалар билан улғаяпти. Аёлларингиз эса ҳалигидай... Бирор гапингиз борми? Бориб отангизга ҳам шундай денг...

Ўғри нима учундир бу гал жавоб қилолмай, уйига бошини эгганича қайтиб кетди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай қози одамларнинг шикоят асосида ўғрини ҳамтовоқлари билан Сибирга сургун қилиб юборди, шу тариқа ўғирликка ҳам барҳам берди, халқнинг қарғишига қолди...

ДОНИЁР ЎҒРИНИНГ ҲИКОЯСИ

— Отам чиндан ҳам Шаҳристон, Зомин, Ўратела, Хавас томонларда донғи чиққан ўғри эди, — дея ҳикоясини бошлайди донгдор Облоёр ўғрининг ўғли Дониёр ўғри. — Эшитишимча, отам Ўратепадан тортиб Хавасгача хўжайинлик қилган, шу билан мана шу ердаги ҳудудларда ҳам хўжайинлигини ўтказган экан. Отам донгдор ўғрига айланганида мен бола эдим. Кўп ҳолларни эслолмайман. Ёшим улғайганида эса отам Сибирга сургун қилинган, уни кўриш иштиёқида ёниб-ўртаниб юрар, бироқ Сибир деган ери узоқ бўлгани учун қидириб ҳам боролмас эдим. Айтишларича, отам баҳайбат гавдали, бақувват, довжорак йигит бўлган, ёшлигида улоқ тортишиб, кураш тушиб ғолиб келиб юрар экан. Яқин-йироқдаги одамлар ҳам отамнинг номини эшитганларида қалтираб қолар, иложи борича у кишига кўринмасликка тиришар экан. Отам кўпроқ поездларда ҳам юрар экан. Кимдир отамни поездда кўриб қолса, кўрққанидан дарҳол поезддан тушар, кейинги поездда кетишга ҳаракат қилар экан. Ўратела, Шаҳристон бозорларига ҳам кириб қолса, баъзан кўзига кўринган, ёққан сигир, от, кўчқор, буқаларни ҳам олиб кетаверар экан. Хуллас, ҳамтовоқлари билан пойлаб туриб сотилган молларнинг пулларини ўғирлаб олиб кўяр экан. Ўша кезлар ҳамма отамдан безор бўлган, чамаси мана шу

безорлик бошига етган бўлиши керак...

Кўпчилик менга отамни Сибирга сургун қилган одам Пиримқул мингбоши бўлади, деб келарди. Отада, отага ачинмасликнинг асло иложи йўқ. Отам Сибирга сургун бўлмаганида вақтида уйланардим, бошимни эл орасида бемалол кўтариб юрардим, ақа-укаларим, опа-сингилларимнинг ҳам юзлари шувит бўлмасди, ҳозир ҳамма Облоёр ўғрининг ўғли Дониёр ўғри дейишади, деган ўйга бордим. Демак, қандай бўлмасин айбдордан отамнинг ўчини олишим керак. Шу тариқа ўша кезлар Шаҳристон, Зомин, Ҳратепа ва бир қанча қишлоқларга ўзининг мардлиги, олижаноблиги, саховати билан танилган, донг таратган Пиримқул мингбошидан ўч олишим керак. Чунки отамни ўша одам Сибирга сургун қилган. Отамнинг арвоҳи чирқираб қолмаслиги керак... Мана шундай ўй билан мингбошининг қишлоғи Холдорқипчоққа келдим. Уйига бордим. Чақирдим. Бир киши ичкаридан чиқиб: «Нима ишингиз бор?» дея сўради. «Гаплашишим керак...», дея жавоб қилдим. «У киши Ҳратепага, қозикалоннинг ҳузурига кетган, пешинга яқин келади», дея гапини давом эттирди ичкаридан чиққан мезбон. Мен зудлик билан ортимга ўгирилиб, мингбоши қайтиб келадиган йўлга чиқиб пойлаш ва ёвуз ниятимни амалга ошириш режасини тузишга киришдим. Йўлдаги қишлоқ одамларидан Пиримқул мингбоши Ҳратепадан қайтаётганида қайси йўл орқали ўтишини ҳам сўраб олдим. Мингбоши Тарқоқдан ўтиб, Қорқия орқали келади, дейишди. Отимга қамчи босиб Қорқия томонга шошилдим. Мингбошини сарамжонлаш учун ўзимга қулай жой излай бошладим. Мен шундай жойга яширинишим керакки, ҳеч ким, жумладан, мингбоши ва унинг йигитларини шубҳаланмаслиги керак.

Турли томонга бориб келиб ниҳоят ўзимга ҳам, отимга ҳам хилват бир ерни танладим. Таҳликага тушиб, оғзим қақраб, гўё изтироб чекишдан томоғимга бир нарса тиқилиб, гўё иситма тутган одамдай қалт-қалт титраб, ҳатто сув-сув терлаб рақибимни кута бошладим. Ўша кез нима учун бундай аҳволга тушганимни ҳамон тушуна олмайман. Отлар ёнимга яқинлашган сари юрагимнинг уриши кучаяди, гўё юрагим ёрилиб кетадигандай, гуп-гуп уради. Ниҳоят, уч отлиқ кўринди, ўртада оппоқ отда келишган, беҳад йирик гавдали, оппоқ кийимда, оппоқ саллада, соқоли ҳам узун ва шаррос оқарган Пиримқул мингбоши вазминлик билан келар, назаримда, атрофи ҳам гўё оппоқ рангга бўялиб борар, нима учундир ўша кез оппоқ отда Пиримқул мингбоши эмас, фаришта келаётгандай туюлар эди менга. Беҳад салобатли, фариштали, босиқ, ҳаракатлари тергалган бу одам мени ўзига мафтун этди.

Мен шу пайтгача бирор одамга бу қадар кучли иштиёқ билан мафтун бўлиб термилмагандим, юрагимда ҳам ҳозиргидай кучли меҳр-муҳаббат кўзгалмаган эди. Ёшлигимда одамлардан Хаста Хизр фариштаси кўринади, кўринганида югуриб бориб жимжилогини ушла, шунда тила тилагингни дейди. Нимани орзу қилсанг, сўрасанг орзуинг ушалади, деган гапларни эшитардик. Пиримқул мингбошини кўришим билан шундай хаёлга бордим. Титроғим яна ҳам кучайди. Икки ўт орасида ёна бошладим. Рақибим отамнинг душмани, яъни Сибирга сургун қилган одам билан қаршимдаги беҳад чиройли ва салобатли мингбоши қаршисида гангиб қолдим. Миямнинг бир томонида мингбоши билан қадрдонлашиш, ўғилга айланиш, маслаҳатлар сўраш, келажагимни белгилаш, у зотнинг ўгитларини олиш бўлса, иккинчи томондан, у зотни отиб ташлаш ва отамнинг ўчини олиш, одамларнинг, отасини сурган қилган одамдан ўғли ўч олмаяпти, деган дашномидан қутилиш масаласи турар эди. Одам ўлдириш беҳад оғир эканлигини, айниқса, ҳаммага бирдай яхшилик қиладиган, ҳеч кимдан саховатини аямайдиган, яъни ҳамманинг бирдай ҳурмат-эътиборини қозонган одамни ўлдириб, халқнинг қарғишига қолишдан ҳам кўра оғир бахтсизлик йўқлигини ўша кун илк бор ҳис қилдим. Бир томон шайтон, бир томон Раҳмон...

Нихоят, отличлар ёнимга жуда ҳам яқинлашиб қолди. Мингбошининг икки томонида икки йигити отларини ўйноқлатиб, шоду хуррамлик билан Пиримқул мингбошининг сўзларига диққат билан қулоқ тутиб, баъзан сўзини маъқуллаб, бошларини ирғаб келишар, ўртадаги, оқ отдаги мингбоши энди яқиндан аниқ кўрина бошлаганди. Мен шу пайтгача бундай ҳар томонлама келишган, фариштали, яъни ҳар қандай одамни бир кўрганда эсанкиратиб қўядиган зотни кўрмагандим. Тўғрисини айтишим керак. Шундай одам отам бўлмаганига ачиндим. Ўша кун ил ўғри отамнинг ўғли бўлиши озгина ўйлантриб қўйди. Чунки ўғрини ҳамма бирдай қарғайди ва ундан норози бўлади... миямда ўйлар ғужғон ўйнар, яхши ёмонни, яъни мингбошини ўлдириш-ўлдирмаслигимни фарқлолмай гангиб турар эдим. У яқинлашган сари меҳрим кучайиб, қўлларим қувватсизланиб бораётганди. Кутилмаганда отим эсимга тушиб қолди. Кишнаб юбормасин, деган хаёл билан отим томон яқинлашдим. Яқинлашдим у тошдай қотиб қолдим. Додлаб юборишимга оз қолди. Бечора отим ерда жон таслим қиладигандай типирчилар эди. Отнинг турли томонига ўтаман. Отни турғазиш йўлини тополмайман. Гўё отнинг тагига кимдир бир челак сув қуйгандай эди. Ости шалообо ҳўл эди. Қанча уринганим билан меҳнатим самара бермади. Отни турғаза олмадим.

Улоқларда чопилган, яхши боқилган, тоғга ҳам қушдай учиб чиқиб кетадиган югурик отим ҳамон бошини ерга урар, типирчилар, мен эса сирига тушунолмай, ноиложликдан отнинг пешонасини силар, аста-секин шаппатилаб сарисига, оёқларига уриб қўяр, от эса менга назар ташлаб, азоб чекар, қийналар эди. Мен умримда бундай холга дуч келмагандим. Отларнинг ҳам шундай аҳволга тушганини кўрмагандим. Худди шу пайт отнинг кучли кишнаган овози эшитилди. Отим ҳам нима учундир озгина ўзига келиб, лекин қийналиб аранг оёғига қалқиди. Хийла вақт ўтганидан кейингина керишиб сўнг қийналиб ёзилди... «Худога шуқр, — ёз деб юбордим дафъатан, — ёзилди, демак отим соғийиб кетади...» От узоқ вақт ёзилмаса бетобланиб қолишини катталардан эшитган эдим.

— Бу қандай кўргилик бўлди, эй Худо, — дея ўзимча шивирлаб туриб, бирдан йўлга чиққаним, Пиримқул мингбошини отишим кераклигини эслаб қолдим. Бу пайт отлиқлар мендан бир неча чақирим узоқлашиб кетган, энди уларга шикаст етказишнинг асло иложи қолмаганди. Отнинг жиловини ушлаб, тош устига чўкиб узоқ ўтириб қолдим. Худонинг ўзи Пиримқул мингбошини ўлимдан асради, деган хаёл кечди бошимдан, демак, мингбоши Худога яқин одам экан... соппа-соғ отим бирдан типирчилаб, шайтонлаб қолди. Отишимга имкон бермади... ҳозиргина қаршимдан ўтган Пиримқул мингбошимиди ёки фариштамиди, менга мингбоши бўлиб кўринганмиди? Худонинг қудрати шундай кучлими? Суйган бандасини ўзи асраб қоладими? Демак, Пиримқул мингбоши одамларга қилган яхшилиги учун Худонинг назарига тушган экан-да... Ўзимга келганимда отлиқлар мутлақо кўздан йўқолган эди. Бир неча чақирим йўлни босиб келган эдим. Қанча вақтим кетган эди, бир неча кундан бери тайёрланган эдим. Ёшлик гурурим йўл қўймади, эндиги сафар ўйлаб ўтирмайман, йўлини пойлаб дуч келиши билан отиб ташлайман, деган фикр билан ноилож уйимга қайтдим. Назаримда отам менга узоқлардан термилиб турар: «Сен қанақа ўғилсан?! Душманимдан ўч ололмадинг. Хайф сенга!» деяётгандай туюлаверарди.

Тўппончамга уч дона ўқни солдим. Тўппонча отамдан қолганди. Пиримқул мингбошига тўппончани тўғрилаб ҳам кўрдим. Назаримда, жуда яқинлашиб қолган эди. Бошимни тошга қўйиб жимгина ётибман. Ҳозирча йўловчилар кўринмайди. Тепаликка чиқиб қараганимда орамиз гўё икки юз қадамча қолган эди. Тош гўё мени сеҳрлаб ташлади. Ҳеч қанча вақт ўтмай кўзларимни уйқу босди ва тез орада кўзиб илинибди. Фафлат уйқуси босди чамамда. Бир пайт қаҳ-қаҳ кулги кўтарилди ва узоқ вақт жаранглаб турди. Чўчиб уйғондим ва сапчиб ўрнимдан турдим. Атрофда ҳамон кулги овози жаранглаб турар эди.

Лекин қай томонда жаранглаётганини фарқлолмай гаранг эдим.

— Ё Тенгрим! Яна гафлатда қолдим! Пиримқул мингбошини отмоқчи эдим-ку! Яна отолмай гафлатда қолдим, — дея афсус билан кулги эшитилаётган томонга қарадим. Мингбоши йигитлари билан мендан қарийб бир чақирим узоқларда кетаётган эди. — Эй, Тенгрим! Иккинчи бор қилган тайёргарчилигимни ҳам пучга чиқардинг! Неча кундан бери тайёргарчилик кўрган эдим. Одамларнинг оғзини пойлаб, зўрга мана шу йўлдан ўтадиган кунини аниқлаган эдим. Энди нима бўлади. Яна отолмай, доғда қолиб, отамнинг олдида юзим шувит бўладими?!

Мен шу айтгача Оллоҳнинг куч-қудратига, сеҳрига ишонмай, иккиланиб юрардим. Пиримқул мингбошининг йўлини икки бор пойлаб, алоҳида ҳозирланиб, уддасидан чиқолмадим. Бир гал отимнинг мазаси қочди, вақтни қўлдан бой бердим. Мана иккинчи бор эса ухлаб қолибман. Бу қандай сир-синоат. Ёшим бир ерга етгандан кейин чиндан ҳам Оллоҳнинг куч-қудрати, сеҳри, саховати чексиз, чегарасиз эканлигига ҳақиқатан ҳам қаноат ҳосил қилдим. Оллоҳ севган бандасини доим ўз ҳимоясига олар экан. Бандасининг қўлидан ҳеч нарса келмас экан, солпа-соғ отим бирдан шайтонлаб қолса, иккинчи бор ўзим ухлаб қолсам... чиндан ҳам Пиримқул мингбошининг улуғлигига, нафақат Оллоҳнинг назарига тушганига, шунингдек, халқнинг ҳам эътиборини қозонганига ишонганимдан кейин кўзим очилди. Мардлик билан, саховат билан, олижаноблик билан ўғирликнинг фарқига бордим. Ўғри ҳеч қачон Оллоҳнинг ҳам, халқнинг ҳам назарига тушмас экан. Аксинча, нафратини қозонар экан, мана шу нафрат охир-оқибат отамни Сибирга сургун бўлиши билан яқунланди. Илгари бу масалада кимнидир қоралаган бўлсам, энди уларни оқлайман. Ўғирликдан қаттиқ нафратланаман. Бойларни ўғирласа майли, бироқ камбағалнинг молини ўғирласа, бундан ҳам кўра даҳшатли иш йўқ. Пиримқул мингбошининг гуноҳсизлиги, олижаноблиги уни икки бор ўлимдан асраб қолди.

Иккинчи бор йўл пойлаб мингбошини отолмаганимдан кейин барибир аҳдимда турдим. Отаман, отамнинг ўчини оламан, деган қароримда турдим. Навбат учинчи бор мингбошининг йўлини пойлаш ва отиб ташлашга етганди. Ваҳоланки, мени отамни билган, таниганлар баъзан қулоғимга «Болакай, шу ишни бекор қиляпсан. Пиримқул мингбошига Худо назар қилган, ҳеч қачон ўлдиролмайсан...», дейишса, ҳам: «Мана кўрасизлар, ўлдираман, отамнинг ўчини оламан. Отам Сибирда сургунда юраверадими?!» дея жавоб қилардим.

Чиндан ҳам қароримда қатъий туриб мингбошини сўроқладим. Суриштирдим. Қайсидир қишлоққа тўйга кетган экан. Қайтиш

йўлини пойладим. Бу гал белни маҳкам боғлаб, жиддийлашиб, қандай бўлмасин ниятимни амалга оширишга аҳд қилиб йўл пойлар эдим. Пиримқул мингбоши Топқоқ томондан ўтиб, Қорақия орқали кела бошлади. «Бугун албатта мингбошини бирёқли қиламан, қилмасам, йигит эмасман!» дея қасам ҳам ичдим. Йўл пойлайман. Пойлаган сарим юрагимга гулгула тушиб, нимагадир қўрқувдан танамга тер қалқир, қалтирай бошлардим. Гўё мен мингбошини эмас, мингбоши ўзимни отиб ташлайдигандай туюлаверди. Назаримда, мингбошини отишга куч-қудратим етмагандай эди. Нимадир танамда, тушунчамда, ҳисларимда етишмасди. Журъатим етмасди.

Нихоят, Пиримқул мингбоши икки қўриқчи йигити билан олий кайфиятда, ўз куч-қудратига ишониб тетиклик билан қаршимдан, чамаси эллик қадамча нардан ўтиб борарди. Тўппончамни ўқладим. Мингбошига тўғриладим. Кейин бирдан миямга: «Яхшиси отини от, оти яраланса йиқилади, эгаси ҳам йиқилиб бирор ери синади, сўнг бемалол отасан?» деган фикр ялт этиб урилди. Барибир аниқ бир фикрга келолмадим. Тўппончани мингбошига тўғрилаб туравердим. Шайтон: «Таваккал, от, ундан қутиласан!» дейди. Раҳмон эса: «Шайтонга хайф бер, мингбоши сенга ёмонлик қилмади-ку» дейди. Шайтон: «Тезроқ ўқ уз, от узоқлашиб кетяпти!» дейди. Раҳмон эса: «Ҳой бола, эсингни йиғиб ол! Отангни бошига тушган кулфат сенинг ҳам бошингга тушади! Сибирга сургун бўласан! Сибирдан қайтиш-қайтмаслигингни Худо биледи», дейди. Икки ўт орасида ёниб, гангиб қолдим. Бармоғим тепкига етди. Босишга бир лаҳза қолди. Шайтон отишга ундайди, Раҳмон эса отмаслигимни, отган тақдиримда ҳам отам каби узоқларда изсиз йўқолиб кетишимни уқтиради. Ёшлигим, уйланишим, бола-чақа қилишимни ёдимга туширарди. Отамнинг ўғрилиги, халқни қақшатгани, қақшатмаганида Сибирга сургун қилинмаслигини уқтиради. Дафъатан қўлим қалтиради, кўзларимга ёш қалқиди. Қандайдир номаълум куч мутлақо шаштимдан туширди. Қалтираётган қўлларим тўппончани тушириб юборди. Мен бу ҳолни қандай юз берганини билмай, сезмай ҳам қолдим.

Пиримқул мингбоши узоқлашиб кетган, йигитлари икки томондан ҳимоя қилиб борар, у эса ўртада оппоқ кийимда, оппоқ отда гўё фариштадай беозорликда кетаётганди, у зотни ҳали-ҳамон фаришта бўлса керак, деб ўйлайман. Мана, орадан бир неча йиллар ўтди. Ҳозир ҳам бош қотириб, Пиримқул мингбошини отолмаганим сирига тушунолмайман.

— Худога беадад шукрлар бўлсин, — дея ўзимни-ўзим юпатаман.

Яхшиямки, ўша кезлар отмаган эканман. Отганимда узоқларда қолиб, балки ўлиб кетардим. Уйлана олмай, болалар қилолмай изсиз йўқолардим. Ахир отам Сибирдан қайтмади. Худо халққа гуноҳсизларга қилган ёмон ишлари учун отамни ватанидан бадарға қилди. Барибир яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам жавобсиз қолмас экан. Пиримқул мингбошига ўхшаб фақат яхшилик қилиш керак экан. Ҳам Оллоҳнинг, ҳам халқнинг назарига тушар экансан. Худога беадад шукрлар бўлсин! Кўп яхши ишларда ишладим. Уйландим, бола-чақа қилдим, уйлар солдим. Яхшики, гуноҳи-азимга қўл урмаган эканман. Кейинчалик маълум бўлдики, отамни Пиримқул мингбоши эмас, халқнинг арз-додидан безор бўлиб қозликалон Сибирга сургун қилган ва бунга ўша кезги губернатор буйруқ берган экан. Демак, Пиримқул мингбошининг заррача ҳам гуноҳи йўқлиги учун уни отолмаган эканман. Худонинг ўзи у зотни асраб қолган экан. Пиримқул мингбоши ҳатто ўзига бир неча бор ёмонлик қилган одамни ҳам қийнамас, азобламас экан. Худога солиб қўяверар экан. Шунинг учун ҳам Худо у зотни ёрлақанган экан.

* * *

Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли, яъни мингбоши табиатан бирор одамга ёмонлик қилмайдиган, яъни ўнг юзига урса, чап юзингни тутиб бер, отангни ўлдирганга онагни бер, тоифасидаги олижаноб одамлардан эди. У зот на одамларга, ҳатто бирон бир жониворга, қуш ё қуш боласига ҳам озор беришни ўзига эп кўрмаган эди. Ҳамма ишни Оллоҳ ва Оллоҳнинг Қуръонидагидек бажаришга киришиб келарди. Юқорида айтилганидек, Облоёр ўғри ва унинг ўғлига ҳам ҳеч қачон ёмонлик қилиш ниятида эмас эди. Сигирларингиз, қўй-эчкиларингизни ўғирладиқ, сомонхонангизни ёқдим, ҳеч нарса демадингиз... деганида ҳам индамаганиди. Яхши кишилар ёмонга ҳам ёмонлик қилмайди. Аммо ёмон кишилар эса яхшига ҳам, ёмонга ҳам бирдай ёмонлик қилаверади. Бу билан фахрланади. Яхшиларни ёмонлардан ўрناق олиши учун яратган. Бу ҳам синов... одамлар яхшиликни яхшилардан ўрганади. Ёмонларни кўриб ўзига хулоса чиқаради... Мингбоши истиқомат қиладиган Холдорқипчоқ қишлоғига яқин ерларда Жўрамурод исмли ўзига тўқ киши бўларди. Унинг ака-укалари ҳам ўзига тўқ одамлардан саналарди. Маълумки, ўзига тўқ одамларгина бировларга зўравонлик қилиши ва катта гапириши мумкин. Ўртаҳол, бечора, яъни қўли бир ерга етмайдиган камбағаллар ҳеч қачон катта гапирмайди, бировларга бўйинийўгонлик ҳам қилмайди. Баҳоли-қудрат кун кўриб, бола-чақа боқиб юраверади. Боз устига Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли

мингбоши бўлиб тез орада одамлар, яъни каттадан кичиккача, яхшидан ёмонгача аёллар, эркакларнинг ҳам бирдай кўнглини топа билди. Қўлидан келган ҳамма ишни қилаверади. Ҳаммага бир хилда ёрдам қўлини чўзди. Оддий камбағалнинг тўйида ҳам, бойнинг тўйида ҳам бирдай қатнашарди... демак, мингбошининг ўрнини олишга уринганлар сони кўпайиб, иложи борича обрўсини пасайтиришга уринганлар ҳам топилди. Ҳамма мингбоши мингбошилиқдан бойиб кетди, деган фикрда эди. Ваҳоланки, у зот отасининг қўйларини боқиб кўпайтириб, сўнг юнг сотиб, боғ-роғлар қилиш орқали бойиган эди. Қарийб минг гектарга яқин сувли, сувсиз, боғли, ғалла экадиган ери бўлса, 30 мингдан ортиқроқ қўй-эчки, сигирлари бўлса, бу одам бошқа томондан келадиган маблағга албатта муҳтожлик сезмайди...

Пиримқул Аширмуҳаммад ўғлини ёқтирмай юрган Жўрамурад ва унинг ака-укалари пинҳона тил бириктириб мингбошининг укаси Сувонқулни Жўрамураднинг ўғлига калтаклатди. Сувонқул яхшигина калтак еди, лекин қўлидан ҳеч нарса келмади.

— Ака, мана қаранг, мени Жўрамураднинг ўғли бир неча йигитлари билан роса калтаклашди, — деди Сувонқул момоталоқ бўлиб кетган танасини кўрсатиб, — биз ҳам қариндош-уруғларни йигиб, уларни калтаклайлик... Мен ўч олмасдан қўймайман. Кимсан, мингбошининг укасиман. Акаси губернатор билан бемалол гаплашса, қўлини қаерга чўзса етса, укаси аллақандай одамлардан калтак еса...

— Сувонқул мирза... ўпкаларини озгина босиб олсинлар, — дея мингбоши аста-секин, яъни ётиғи билан тушунтира бошлади укасига. — Тўғри, аканг мингбоши. Қўлини қаёққа чўзса етади. Губернатор билан ҳам истаган пайтида гаплаша олади... лекин аканг ўғри эмас. Муттаҳам ҳам эмас. Текинхўр ҳам эмас... бирор вақт бирор одамнинг ёқасидан ҳам олмаган. Бирор кишининг аёлига ҳам кўз олайтирган эмас... Оллоҳ деб, беш маҳал намозини ўқиб, ҳаммага бирдай қўлидан келган яхшилигини қилиб келаётир... бугун биз ҳам одам йигсак, сени урганларни урсак, одамлар нима дейди? Мингбошининг ҳам эси кирарли-чиқарли бўлиб қолибди, демайдимиз?! Сен шошма. Биз қипчоқлармиз. Ҳамма қипчоқларнинг кимлигини, яъни ўлимдан ҳам, ўлдиришдан ҳам қайтмаслигини билишади. Қипчоқлар керак бўлса, ҳаммасини қўйдай сўйиб ҳам ташлайди... Эшон энамизнинг ҳурмати учун кўпчилик Эшон бува деб чақиривади. Озгина ўйлаб бир иш қилиш керак. Энамиз эшон қизи бўлганлиги учун биз ҳам Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари Бу Фотима онамизнинг Ҳасан исмли ўғилларининг ўғиллари Зайнобиддинга бориб

тақаламиз... Ахир биз шундай улуғ зотларга бориб тақала туриб, кимнидир калтакласак, инсофданми?..

— Бўлди, ака, маъзур тутасиз...

— Яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам жавоби бўлади, биз шошмаслигимиз керак.

Сувонқул бошини эгганича, жимгина уйига кириб кетди. Худди шу лаҳзада мингбоши Жўрамуродни идорасига чақиртирди. Кўзлари олайиб, укаси учун мен билан нари-берига борса керак, деган таҳлика билан идорага кирган Жўрамуродни мингбоши ўрнидан туриб, қучиб самимий қарши олди. Бир пиёла чойдан кейин:

— Тақсир, бир зарур юмуш билан чақиртиргандим, — дея гапини бошлади мингбоши, — қишлоғингизга юзбоши сайлаш ниятида эдик. Ўйлаб кўрсам, сиздан бошқа лойиқ одам тополмадим... бошқаларнинг ҳам фикри шундай...

— Ташаккур, раҳмат, — деб юборди Жўрамурод ҳаяжонланиб, — кеча озгина тушунмовчилик бўлибди, укангиз билан ўғлим нари-берига боришибди. Бугуноқ уришиб қўяман...

— Тақсир, майда-чуйда нарсалар билан ўралашиб юрманг, ишга киришинг. Қишлоғингизга юзбошисиз...

— Умингиздан барака топинг, мингбоши бува...

— Соғ бўлсинлар, — дея шу куни мингбоши ўз рақибини кузатиб қолди.

Эртаси куни Сувонқул келиб акасига:

— Мени урган одамни юзбоши қилиб қўйибсиз, — дея ранжиган бўлди.

— Сувонқул, сабр қил, сабр... — дея алдаб-авраб укасини чиқариб юборди. Жўрамуроддан уч йил одамларнинг солиғини ҳам олмади. «Ўзингиз еб тураверинг, тўртинчи йили берарсиз...» дея чиқариб юборди. Чиндан ҳам юзбошидан уч йил одамлардан йиғилган солиқларни олмади. Тўртинчи йили эса ёнига чақириб:

— Жўрамурод ака, узр, губернаторнинг одамлари келиб идора ишларини тафтиш қилиб қолди. Сиздан уч йилдан бери солиқ пулларини олмаганимни ҳам топишди. Зудлик билан уч йиллик солиқ пулларини йиғиб келинг. Бўлмаса иккаламиз ҳам Сибирга сургун бўламиз, — дея ўтакасини ёриб юборди. Уч йиллик халқдан йиғилган солиқларнинг пулини тўлаш учун Жўрамуроднинг ўзини ҳам, ака-укаларининг ҳам пуллари етмай, охир-оқибат уйларини сотиб бериб, бошқа томонларга кўчиб кетишга мажбур бўлди.

— Сувонқул мирзо, қалайсиз? — дея сўради мингбоши катлаклаган одамларни калтаксиз синдириб ташлаганидан кейин...

— Эй, қойил ака... чиндан ҳам доно одам экансиз... урмай, сўкмай синдириб ташладингиз, бундай ишга бойларнинг ҳа, қозикалоннинг ҳам ақли етмасди...

— Сувонқул мирзо, бундан кейин сиз ҳам шундай йўл тутинг...

* * *

Қуръони Каримнинг мазмуни, Оллоҳнинг бандаи мўминларга кўрсатган саховати, олижаноблиги, яхшилиги ўзгаларга озор бермасликни, яъни бирор жониворнинг жонига жабр қилмаслик, фирибгарлик, қотиллик, ўғирлик, зино қилмаслик, ўзгаларнинг ҳаққига хиёнат қилмаслик, ҳалол меҳнат билан кур кўришлик, ҳолатдан чиқадиган ароқ, наша, қордориларни истеъмол қилмасликни тану жонига сингдиришдангина иборат. Оллоҳнинг ягоналигини тан олиш, Унга, фақат Унгагина топиниш, Унинг сўнгги Пайгамбарлари ҳазрат Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламни тан олиш, яъни доимий равишда Ўзидан бегона қилмасликни сўраш ҳам мана шу муқаддас фалсафага киради...

Мана шу икки фалсафани ўқиган, уққан ва тану жонига сингдириб олган бандаи мўмин икки дунёда ҳам кам бўлмайди. Камлик кўрмайди. яхшини ҳам, ёмонни ҳам яратиш барибир Яратганнинг саховати...

Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли ўзининг фавқулодда олижаноблиги, яъни саховатпешалиги билан йигирма йиллик мингбошилиқ вақтида кўп дўстлар ва биродарлар орттирди. Синовдан ўтди ва кўпчиликни ўзи ҳам синовдан ўтказди. Айниқса, Шаҳристон тоғидаги соқолли яҳудий ва унинг оиласини халқ томонидан ёқиб ташланганида, яъни тоғни эгаллаб олиб, маҳаллий халқни ўтин теришга, пичан қилишга, меваларидан териб ёйишга, сувларидан баҳраманд бўлишга қўймаганидан кейинги фожиа ва унинг қандай қийинчилик ва машаққат билан тинчитгани, катта миқдорда олтин ва қимматбаҳо кийим-кечаклар, тақинчоқлар эвазига бу иш ҳам барҳам топгани ва буни асосан мингбоши ўз зиммасига олиб, бартараф қилганини ўз кўзлари билан кўрган зиёли бойлар, ҳунармандлар, косиблар, деҳқонлар мингбошига бўлган эътирозларини ҳам мутлақо унутдилар. Баъзи бир чақим билан мингбошидан юз ўғирган кишилар ҳам тезлик билан у зотнинг оёғига бош уриб, истиқболига кела бошлади. У зот эса кек сақламай ҳаммасига кўксини очиб, қўлидан келган яхшиликларни қилверди, бу ҳол у зотни яна ҳам машҳур қилиб юборди.

Ўратепада Бобожон исми беҳад доно, бировга сўз бермайдиган, бўйин бермайдиган бой бўларди. Чиндан ҳам унча-

мунча одамни менсимас, буларнинг ҳаммаси у зотнинг давлатмандлигидан келиб чиққан ҳолат эди. Атрофидаги дўстлари ҳам ўзига ўхшаш давлатманд бўлиб, фақат бир-бирлари билан олди-берди қилишар эди. Илгарилари бир неча бор катта чойхоналарда Бобожон бой дўстлари билан гурунг қилиб палов еган кезлар, бошқа бир сўрида ўтирган алпқомат Пиримқул Аширмуҳаммад ўғлини кўриб, баъзан: «Ху ана у барзанги ким?» деб сўрар: «Пиримқул мингбоши» деган жавобни олганида ҳам деярли уни эътиборсиз қолдирар эди. Бобожон бой давлатига, дўситларига ишониб мингбоши томонидан бўладиган, яъни солиқ масаласидаги юмушларни осонликча ҳал қилиб юбораман, деган фикрда юрарди. Бу билан мингбоши халқ орасида тартиб ўрнатади, солиқ йиғади, деган фикрда эди. Бироқ тоғ қоровулининг ёқиб юборилиши ва Шаҳристон халқининг қирғинга тутилиши, ҳатто қирғин бошланиб, бир қизча ва бир мўйсафид, ва бир сигир, бир ит, бир хўрознинг ўлими юз бериши ва бу масалада мингбоши губернаторнинг оёғини кучиб, кўзларидан шашқатор ёшлар тўкиб, ниҳоят, халқни қирғиндан олиб қолиши, ўз хонадонидан совға қилинган олтинларни кўрган Бобожон бойнинг мингбошига нисбатан мутлақо фикри ўзгарди. Ўзгардигина эмас, қалбида мингбошига нисбатан ҳурмат-эҳтиром туйғуси пайдо бўлди.

Мингбоши Бобожон бойнинг киборлиги, манманлигини кўриб, у зот билан яқинлашиш, биргалашиб, халқнинг юмушини енгиллаштириш учун турли йўллари излаб кўрган, ҳатто бир қизига куёв бўлиш ниятида совчилар ҳам қўйдирар, лекин доим рад жавобини бериб келаётган эди. Мингбоши Бобожон бойнинг кўнгли юмшагани, ўзига нисбатан ҳурмат-эҳтиром ҳисси кўзгаланидан фойдаланиб, халқ йўлида, ватан йўлида дўстлашиш ниятида яна қизига совчи қўйдирди. Бу гал ўзига яқин Тўраҳон эшонни киритди. Бу орада Бобожон бой мингбошининг олдинги хотинлари ва уларнинг оилалари, мингбошининг қайнота, қайноналарига муносабатини ўрганган ва ҳамма жойдан фақат ижобий фикр олган, қайнота-қайноналарига фарзанддан ҳам зиёда бўлиб кетганлигини эшитганидан кейин чиндан ҳам кўнгли юмшади. Қиз билан бўлғуси куёви орасидаги 18 ёшлик тафовутни ҳам ўйлаб ўтирмади. Боз устига бу пайтга келиб мингбоши нафақат Бобожон бой, бошқа манман деган бойлардан ҳам мол-мулк жиҳатидан ўтиб кетганди. Бу масалада бирор қийинчилик йўқ эди. Бу гал Тўраҳон эшоннинг совчиликка боргани мингбошига бахт келтирди. Маълумки, мингбоши Шаҳристондан, Холдорқипчоқ ва шу атрофдаги қишлоқларга сув олиб келиш, ариқ қаздириш, тегирмон қуриш учун қийналиб қолганида давлатманд бир аёлга

уйланиб ниятини амалга оширган эди. Бобожон бойга куёв бўлиши ҳам мингбошилик юмушларида жуда-жуда қўл келарди. Оллоҳнинг буйруғини бажариш, яъни ватаннинг тинчлигини асраш учун яхшигина восита бўлиши мумкин эди.

Бу орада Оллоҳ яна мингбошига саховат кўрсатди. Бобожон бойга куёв бўлишлик мартабасига эришди. Мингбоши ҳам аяб ўтирмай Бобожон бой, яъни бўлғуси қайнотасининг уйига ўзи кутганидан ҳам кўра ортиқроқ тўй юборди. Алоҳида ерларда боқилган, яъни ҳар бири бир новвоснинг гўштини қиладиган ҳисори қўчқорлардан бир арава, кийим-кечаклардан ҳам бир арава, қайнотаси учун эса ўзининг улоққа чопадиган, ўша кезлар Ўратепа, Зомин, Жиззах, Самарқанд, Шаҳристонга донг таратган сеvimли оқ отини ҳам совға қилиб юборди. Эвазига Бобожон бойнинг ўн беш ёшли, яъни ўратепада гўзалликда тенги йўқ Саломат исмли қизига уйланди... мингбоши ўша куни чиндан ҳам бахтли бўлганидан осмонларда учиб юрганди. Бу гал тўйга, қайнотасиникига борганида турли бойлар, зиёлилар, олтинфурушлар, терифурушлар, юнгфурушлар, барча давлатмандлар илгаригидай мингбошига қандайдир, эҳтимол иккиланиш билан эмас, очиқ кўнгил билан, самимият билан қарши олиб тўй билан янги қайнотаси, қайнонаси билан қутлашди. Бобожон бой мансуб бўлган тожик миллати билан апоқ-чапоқ бўлгани, қондошга айланганини, бундан буён ораларида бирон-бир эътироз чиқмаслигини ҳам эътироф этдилар. Тўй тўрт кун давом этди. Тўрт кун ичида бой қайнота, бой куёв Ўратепа халқини боқди. Кўп мол-мулкларини халқнинг устидан сочиб юборди. Бу фақат тўйгина эмас, айна пайтда икки бой халқни ҳам тўрт кун боққани белгиси эди...

Мингбоши уйланган куннинг эртасигаёқ қайнотаси, қайнонаси бу оиланинг катта-кичиги билан қадрдонлашиб кетди ва деярли кунора улардан хабар ҳам олиб турди. Шу тариқа мингбоши Бобожон бойнинг энг сеvimли куёвига айланди ва бутун умр шундай бўлиб қолди. Қайнотаси, қайнонасининг дафн маросимларини, маъракаларини ҳам шахсан ўзи ўтказди. Ҳар иккаласининг дуоларини олди. Бобожон бой у дунёга рихлат қилаётганида фақат: «Пиримқул куёвимнинг умри узун бўлсин, барака топсин, бойиб кетсин...» дея дуо қилиб кетди. Шундай қилиб мингбоши бу сеvimли хотини билан бутун умрини ўтказди. Саломат она мингбошига тўққиз ўғил ва бир қиз туғиб берди ва чиндан ҳам эрини бахтли қилди. фақат бахтли қилдигина эмас, бой ҳам қилиб юборди. Бобожон бойдан мингбоши куёвига катта мерос қолди...

Маълумки, ҳамма нарсанинг кушандаси бўлади. Худди шундай инсон зотининг ҳам душмани бор. Яъни инсоннинг душмани инсон... Инсонни маълум бир вақтларда, яъни адашиб қолганида, ё очиққанида бўри ейиши мумкин... Одамни ит емайди, мушук емайди, кўй-эчки емайди. Қушлар емайди. Лекин инсон ҳамма нарсани ейди. Масалан, мусулмонларда фақат Қуръни Карим буюрган, яъни ҳалол деб билган жонзотларнигина ейди, Хитой, Корея, Вьетнам, Таиланд каби мамлакатларда итни ҳам, илон, қурбақани ҳам, эшак гўштини ҳам истеъмол қилишади. Бошқа мамлакатларда тошбақа, тимсоҳ ва қаламуш, сичқон, суваракларни ҳам ейишади... Демак, инсон барча тирик жоннинг кушандаси...

Гадонинг душмани гадо, шоҳнинг душмани шоҳ, деган гаплар ҳам бор... Жумладан, ўша кезлар мингбошиларнинг душмани ҳам мингбошилар бўлган. Барча мингбошиликка ҳавас қилиб, мингбоши бўлишга иштиёқманд бўлса, бошқалар мингбошилик обрўсидан фойдаланиш ва ўзини-ўзи кўз-кўз қилиш учун бу ишга киришади. Бошқа бировлар эса мингбоши бўлиб олиб қорнини тўйдириш, бола-чақа боқиш кўйида бу мансабга эришишга ошиқади. Бошқа бировларда эса мана шу мансабга эришиш иштиёқи табиий равишда бўлади. Аммо бу дунёда бошқа бир ҳақиқат ҳам борки, бу ҳақиқатдан асло кечиб бўлмайди. Яъни ҳар бир қисмат инсоннинг пешонасига битилади. Инсоннинг пешонасига битилган қисматини Яратгандан бошқа ҳеч ким ўзгартиролмайди... худди шундай муҳаббат ҳам биргина Яратганга нисбатан бўлади. Ота-онага, опа-сингилга, ака-укага бўладиган меҳрибонлик шунчаки қондошлик, яъни бир-бирларига боғланиш, бир-бирларини ҳимоя қилиш ва шу тариқа авлодларни асраб қолиш, яъни давом эттириш ҳиссиёти бўлади. Яратган Оллоҳ. Демак, ота-онамизни, ака-укамизни, опа-синглимизни ҳам Оллоҳ яратгани ҳисобга олинса, яна Яратгандан кўра муҳаббат кўядиган зот йўқ. Ҳаммамизнинг, қолаверса, барча жонзотнинг ҳам биринчи ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси Оллоҳ... Оллоҳгина яратгувчи. Йўқ қилувчи... ота-она фарзандини яратмайди, тўғрироғи туғади... Яратиш тушунчаси эса фақат Оллоҳгагина нисбат берилади.

Демак, қисматни белгиловчи ҳам биргина Оллоҳ...

Пиримқул Аширмуҳаммад ўғлининг пешонасига 40 йил мингбошилик битилган экан. Ҳеч ким, ҳеч қачон мингбошиликни тортиб ололмади... Тортиб ололмайди ҳам. Қачонки, ҳар бир инсон боласининг насибасини Оллоҳ бир ердан узар экан, бошқа бир

ёққа улар экан, истаса-истамаса мансабини тарк этади ва бошқа ёққа ўтиб кетади. Бу ҳақиқатни, яъни Илоҳий ҳақиқатни хом сут эмган инсон боласи доим ҳам тушунишни истамайди... Шаҳристондаги тоғ қоровули ҳаддидан ошди, Оллоҳга ширк келтирди. Ўтин теришга чиққан бечора бир камбағални отиб ўлдирди. Бошқаларни ҳам, яъни ерликларни ҳам тоққа чиқишдан мутлақо маҳрум қилди. Оллоҳ уни жазолади. Одамлар томонидан ёндириб ташланди... бу ҳам азалий ва абадий Ҳақиқат... Илоҳий Ҳақиқат...

Пиримқул мингбоши ҳеч қачон мингбошилиқ мансабига жонини жабборга бериб интилмаган. Чунки ўзининг давлати ўзига етарли. У мингбошилиқдан бирор нарса ейиш учун интилмаган. Аксинча, у зот ўзининг давлатидан бутун умри садақа, эҳсон қилиб келди ва шу саҳийлиги билан халқнинг эътиборини тортди. Халқ унинг ишбилармонлигини кўриб мингбошилиқка сайлади. Шу тариқа мингбошининг обрўси ошгандан ошиб бораверди ва унинг ўрнини олиш учун курашувчилар кўпайиб кетди. Ўғриларни ишга солиб, молхонасига ўт ҳам қўйишди. Молларини ўғирлаб ҳам кетишди. Ҳатто уч марта Ўратепадан Холдорқипчоқ қишлоғи томон икки йигити билан келаётганида йўлини ўнлаб ўғрилар, яъни мингбошилиқни олишга интилаётган одамлар томонидан ёлланган ашаддий қотиллар пойлашди. Мақсад мингбошининг бошига етиш ва ўрнини истаётган одамларга олиб бериш, эвазига катта маблағ олиш... Ўша куни мингбоши йўлида пойлаётган қотилларни сезган ва отларини кишнатиб, уч киши, икки йигити билан қаҳ-қаҳ отиб келишиб ва бақиритиб, гўё ўзларини кўпчилик қилиб кўрсатиб, ўлим таҳликасидан ҳам қутилиб қолган. Аслида эса бегуноҳлиги учун уни Оллоҳнинг ўзи ўлимдан асраб қолди.

Қарабчилик Қулмуҳаммад, яъни Қулмат деган бир одам мингбошилиқка иштиёқманд бўлди. У ҳам ўзига тўқ одамлардан бўлиб, эрта-кеч одамларни, элликбоши, юзбоши ва оқсоқолларни ўз ҳамёнидан боқар, сайловда кўпчилик овозини олиб мингбошилиқни эгаллашга тиришар эди. Шундай қилди ҳам. Уч-тўрт йил сарфлаган маблағи бекор кетмади. Элликбоши, юзбоши, оқсоқоллар «еган оғиз уялар», қабилда иш тутиб, Қулмуҳаммад томонга ўтиб кетишди. Оқибат йигирма йилдан ортиқроқ мингбошилиқ қилган Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли мингбошилиқка сайланмай қолди. Қулмуҳаммад мингбоши бўлса, Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли режалаштирган ишларни амалга оширолмай, бошлаган ишлар оро йўлда қолиб кетарди. Чунки ҳар кимнинг режаси ҳар хил бўлади. Бунги кўпчилик билмас эди. У бу ҳақда бош қотирди. Ва бу ишда яна губернаторнинг гўзал

хотини, Пиримқул Аширмуҳаммад ўглини жон-танидан севадиган хотини жонига оро кирди. Эркакларнинг султони Пиримқулнинг чиндан ҳам мукамаллиги, кучлилиги губернаторнинг хотинини абадул-абад мафтун этган эди.

Сайланмай қолган мингбоши яна севимли аёли губернаторнинг хотини олдига совға-саломлар билан кириб борди. Ўша куни ўзи истаганича меҳмон ҳам бўлди... ётиғи билан юз берган сайлов воқеасини гапириб берди. Аёлнинг эрига: «Пиримқул умр бўйи мингбоши бўлади...», деган гапи бор эди. Губернатор ҳеч қачон хотинининг гапини икки қилмаган, қилолмас эди. Чунки хонадонида хотини хўжайин эди. Хонадон хўжайини эса Пиримқул Аширмуҳаммад ўглини севарди.

— Ҳаммаси бекор гап, — деди губернаторнинг хотини ишонч билан ўша куни, — Пиримқул турган ерда, мен тирик турганимда мингбошиликни ҳеч ким ундан тортиб ололмайди.

— Азизим, — деди губернатор хотинига, — тўғри, ундан мингбошиликни ҳеч ким ололмайди. Фақат халққа қарши бориш ҳам мумкин эмас. Энди мингбошиликка Пиримқулнинг укасини тайинлаймиз. Шу билан рақибларни овозини ўчирамиз.

— Айни муддао, — губернаторнинг хотини шунга келишди. Шу куни губернатор Пиримқул Аширмуҳаммад ўглининг укаси Сувонқул Аширмуҳаммад ўлига мингбошилик ёрлиғини ёзиб берди. Шу тариқа Қулмуҳаммадни ўзи истамаган бир пайтда синдириб ҳам ташлади. Қулмуҳаммад мингбошиликни ололмаганидан кейин яна элликбоши, юзбоши, оқсоқолларни боқишни давом эттирди ва ўгли Ҳасанни мингбоши қилишга урина бошлади. Бироқ бунинг ҳам уддасидан чиқолмади. Чунки уларнинг пешонасига мингбошилик ёзилмаган эди. Ёзилмаган нарсага улар бекорга курашган эди...

Шу тариқа Пиримқул Аширмуҳаммаднинг пешонасига 40 йил мингбошилик ёзилган экан, бўлди...

* * *

Россия томонларда яҳудийларнинг тўнтариши юз бериб, оқпошшо тахтдан ағдарилиб, давлат саводсиз, илмсизлар, ўғри, муттахам, ишёқмас, дангаса, яъни қўлига қурол берса, ота-онасини ҳам аямай отиб ташлайверадиган одамларнинг қўлига ўтганига ҳам анча бўлиб қолганди. Лекин Ўратепа, Зомин ва Самарқанд, Шаҳристонга деярли шарпаси келиб улгурмаганди. Фақат оғзаки гаплар, яъни миш-мишлар билангина одамларни қўрқитиб турган эди. Аста-секин шарпадан сояга кўчди, кейин эса Туркистонда ватанпарвар, миллатпарвар кишилар чиқди.

Босқинчилар уларни босмачи, қўрбоши, дея атай бошладилар. Ваҳоланки, босмачи сўзи бир ватанга босиб кирган, яъни қурол кучи билан одамларни ўлдириб, қатағон қилиб кирганларга нисбатан ишлатилар эди. Бу гал ватанпарварларга, миллатпарварларга нисбатан босмачи сўзи ишлатила бошлади... Босмачилар ҳам аниқ режалар, яъни амалий, назарий режага эга бўлмаганликлари сабабли баъзан оч қолиб, қувғинда юриб ноинсоний, ноисломий ишларни ҳам қила бошладилар ва ўзлари ҳақида ёмон фикрлар, таассуротлар туғдира бошлади. Баъзи ҳолларда одамларни ҳам таладилар.

Қизларнинг, аёлларнинг номусларига тегиш ҳоллари ҳам юз берди.

Бу борада яна мингбошиларга қийинлик туғилди. Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли икки ўт орасида ёнишига тўғри келди. Бир томондан тоғлардан оч қолган қўрбошилар пастларга тушишар, халққа солиқ солишар, бошқа томондан шўро аскарлари келишар, улар ҳам халққа солиқ солишар, мана шу ҳисобга кун кўришар эди. Бир неча бор Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли мана шундай қўрбоши, шўро аскарлари томонидан солинган солиқларни ўз ҳамёнидан тўлади. Сўнг улар бу солиқлар миқдорини сурункаликка кўтариб борди. Шунда ҳам мингбоши қовоқ қоқмай ўз ҳамёнидан сурункали солиқларни тўлаб турди.

Бир куни мингбошининг уйи яқинига кўп сонли қўрбошилар келиб қолишди. Мингбоши юзга яқин қўй сўйиб уларни меҳмон қилди. Қўрбошининг бошлиқларига босма чакмон, 500 аскарига банорас тўн кийдирди, 500 та бир хил чинни косада шўрва, 150 та ёғоч лаганда гўшт тортилди. Худди шу пайт бошқа томондан совет аскарлари келиб қолди. Мингбоши уларни ҳам яширинча юзга яқин қўйларини сўйиб меҳмон қилди. Шу қадар усталик билан қилдики, қўрбошилар билан совет аскарлари ўтрасида чиқадиған низо-жанжал, яъни уруш, бу урушда минглаб кетиши мумкин бўлшган одамларнинг бошларини ҳам асраб қолди...

Ҳаммасини ими-жимида бажарди. Буни ҳатто шўро аскарлари ҳам, қўрбошилар ҳам сезмай қолди. Бу фақат Пиримқул Аширмуҳаммад ўғлининг беҳад донолиги, юксак диди, нозик фаросати, саховати, сахийлиги туфайлигина юз берди. Ундан бошқа одам бўлганида ҳар икки томонни бир-бирига сотган, ўртада жанжал чиқарган, натижада ўзи ҳам бир нарсаги бўлиб қолган бўларди. Ёки дидсизлиги, фаросатсизлиги билан халққа катта талофатлар келтириши мумкин эди.

Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли юзлаб камбағалларни уйлантирди, қизларини турмушга чиқарди. Кўп жойларга ариқ

қазиб, сув келтирди. Ұнлаб тегирмонлар қурдирди. Янги ерлар очтирди. Қирларни буғдойзорга айлантирди. Камбағалларни бойитди. Асосийси, губернатор билан, унинг гўзал хотини билан алоқа боғлаб, Шаҳристон халқини даҳшатли қирғиндан олиб қолди. Шундай одамларни тарихда ислоҳотчи, қурувчи, ташкилотчи. ватанпарвар, миллатпарвар, олижаноб, мард, сахий дейишади. Пиримқул бобо қурдирган масжидлар, мадрасалар, ҳаммомлар ҳозир ҳам Шаҳристонда, Зоминда мавжуд. Бироқ уларни Пиримқул мингбоши қурдирганини ҳозир кўпчилик билмайди. Сабаби, тарихни биладиган кишилар оламдан ўтиб кетишди. Баъзи бир чолларгина ёшларга айтиб юришади. Миш-мишлар орқали одамлар Пиримқул мингбошини билишади. Бутун куч-қувватини, ақли, онгини, иқтидорини халққа, фақат халққа, ватанига, миллатига сарфлаган, охир-оқибат ўзи ҳеч нарсасиз қолган Пиримқул мингбоши натижада Россияда юз берган тўнтаришнинг қурбонига айланди. Мингбоши барча мол-мулкни, яъни халқдан ортиб қолган мол-мулкни ўз хоҳиши билан давлатга топширди. Ваҳоланки, мингбоши ўз меҳнати ва ишбилармонлиги билан топган мол-мулкларини тортиб олишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ эди. Бироқ мамлакатда халқнинг, бойларнинг мулкни теппатекин тортиб олиш мумкинлиги ҳақида қарор ё қонун йўқ эди. Босқинчи зўравонлар бутун Туркистонни талаб ташлади. Тўнтаришнинг сардорлари таланган олтинларни, қимматбаҳо тошларни ўз номларига Швейцария банкларига қўйдилар. Бу ҳақда бутун дунёдаги газеталар ёзди. Жумладан, олижаноб ва сахий бой Пиримқул мингбошини ҳам қашшоққа айлантириб, бу ҳам етмагандай қулоқ қилиб, қамадилар. У зот икки йилга яқин Самарқанд қамоқхоналарида ётиб чиқди. Бироқ уни қамоқхонада азоб чекишига йўл қўймадилар. Бойиган пайтда одамларга кўрсатган илтифоти барибир қўл келди. Биродарлари, эшонлар оиласи у зотни фақат кундузи қамоқхонага олиб бориб қўйиб, тунлари уйларига олиб келишиб, оҳорли кўрпаларда ётқизиб, меҳмонлар қилишиб, қамоқхонада ҳам узоқ ётишига қўймадилар. Барибир яхшилик ерда қолмаслигини мингбоши англаб етди. Оллоҳ қилган яхшиликлари учун мингбошини сийлади.

* * *

Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли Самарқанддаги қамоқхонадан чиққанидан кейин яна қишлоғи Холдорқипчоққа қайтди. Бу пайт у зот ерларидан, қўй ва молларидан ажралган эди. Шунга қарамай ўша пайт шўроларнинг қонуни билан судланди. Суд Ўратепада, қозикалоннинг идорасида бўлади ва роппа-роса уч кун давом этади. Судда собиқ мингбоши уч айб билан айбланади. Ерининг кўплиги,

қўшхотинлилиги, қишлоқларга масжидлар қурдиргани. Шўроларнинг хизматчилари судга асос бўлиши учун оддий халқлар шикоят аризаларини уюштиради. Қизиғи шундаки, ўша кезлар Пиримқул мингбоши яхшилик қилган, қилмаганлар ҳам, ҳатто унга мутлақо алоқаси бўлмаган одамлар ҳам, камбағал деҳқонлар ҳам ёппасига шикоят қилишга киришадилар. Ўша кезги бойлар ёмон, камбағални эзган, ишлатган, камбағал яхши, бойларга қул бўлган деган умумий шиорга деярли саводсиз, онгсиз одамлар қўшилиб, асосан, ўзларининг фикри билан эмас, мажбурий ва ташкил қилинган сиёсатнинг қурбонига айланган эди. Бирор киши ёзиёли: «Шўро дегани бутун бойларнинг мол-мулкларини тортиб олиб қўйяпти, ҳамма бирдай камбағалга айланаяпти, бойлардаги олтинлар ҳам тортиб олиниб, камбағалга бўлиб берилаётгани йўқ, ўзлари яширинча йўқотишяпти, аҳвол бундай кетса, камбағалларнинг ҳам иши яхши бўлмайди», деган ўйга бормайди. Ўша кезги сиёсат Пиримқул Аширмуҳаммад ўглининг қилган яхшилигини ҳам йўққа чиқаради. У зотдан яхшилик кўрганлар ҳам шикоят аризасини ёзиб бердилар, бирортаси Худодан кўрқмади.

Судда ёзилган шикоят аризаларини ўқиб эшиттирдилар. Судга раислик қилаётган қозикалон Пиримқул Аширмуҳаммад ўглини тургазиб:

— Баъзи бир саволларга жавоб берсангиз, — дейди. — Нима учун ерингиз ва мол-холларингиз кўп?

Собиқ мингбоши ўрнидан туради. У зот илгариги қиёфасини йўқотмаган, ҳамон салобати, босиқлиги ва ширинсуханлиги билан атрофда ўтирганларга, жумладан, ўзи яхшилик қилган ва эндиликда бошқаларнинг зўрлови билан шикоят хати ёзиб берган камбағалларга ҳам қарайди. Камбағаллар эса собиқ мингбошининг кўзига қаролмай, юзларини четга буради.

— Жаноблар, бу ерга йиғилган ҳамқишлоқлар, бегона қишлоқдан келганлар, — дея у гапини бошлайди. — Аслида мен фирт камбағалнинг фарзанди бўлганман. Отам Аширмуҳаммад бойларга хизмат қилган, узоқ йиллар чўпонлик қилган, ҳаққига қўй олиб, ўзининг ҳалол меҳнати билан ўзига тўқ чўпонга айланган. Қўйимиз кўпая бориб, охири бойий бошлаганмиз, Оллоҳнинг назари тушиб, кейинчалик оқсоқолликка кўтаришди. Кейин эса халқнинг назари тушиб, мингбошиликка сайлади. Марҳамат қилиб халқни йиғиб сўрашларинг мумкин, аввало, Оллоҳ сабаб, қолаверса ўзимнинг ҳалол меҳнатим билан шу даражага эришдим. Шаҳристондан Холдорқипчоққа кўпчиликнинг ёрдами билан ариқ қазиб, тегирмон қуриб сув олиб келдим. Бу кўп машаққатли

меҳнатимиз туфайли юзага келди. Сувнинг келиши ўнга яқин қишлоқларни сув билан таъминлади. Илгари одамлар сув тополмай кўлмак сувини ичишар, музларни эритиб ош-овқатга ишлатарди. Сув келганидан кейин халқ дуо қилди. Даштлардан, ташландиқ ерлардан янги ерлар очилиши имкони туғилди. Ерларни текислатиб, ҳайдатиб яроқли холга келтирдим. Деҳқончилик билан бирга тоқзорлар, олмazorлар, ўрикзорлар қилдик. Ўзимиз ҳам едик, камбағалларнинг фарзандлари ҳам еди. Қўйларни эса бирор одамдан тортиб олганимиз йўқ, ўзлари кўпайди. Ташландиқ жойларни экинзорга айлантисам, ўнга яқин қишлоқларга ариқ қазиб, тегирмон қуриб, сув олиб келсам, бунинг нимаси ёмон. Халқнинг ҳаёти фаровон бўлди-ку. Энди бойишимиз масаласига келсак, бу ерда ўтирган камбағаллар кўнгилларига олмасинлар. Дангаса, ишەқмас одам ҳеч қачон бойимайди, қашшоқлигича қолаверади. Ўғрининг ҳам бири икки бўлмайди. Агар ариқ қазиб, сув олиб келиб, тегирмон қурдириш, халқнинг ҳаётини яхшилаш айбга кирса, марҳамат, суд қилаверинглар. Аввало, мени Оллоҳ бойитди, жазоласа ҳам Ўзи жазолайди. Сувни ҳаммага баробар тақсимлаганман.

Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли асабийлашиб, титраб, ҳаяжонини шу тариқа ифодалаб жойига ўтиради. Суд ҳайъати орасида шивир-шивирлар бошланади. Камбағаллар эса бошларини эгиб сукут сақлар эдилар. Собиқ мингбошининг жавоби ҳаммани, жумладан, суд ҳайъатини ҳам қониқтиради ва бу борада бошқа саволларга ўрин қолдирмайди. Чунки Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли бирор ишни ўз билиги билан бажармаган. Доим кўпчилик билан кенгашиб, уларнинг ёрдами билан ишга қўл урган, ўша кезлар кимдир уловдан, кимдир қўли билан кучидан ёрдам берган, ариқ қазиш, сув келтириш, тегирмон қуриш ҳам кўпчилик билан, кўпчиликнинг маслаҳати билан юзага келган. Орага чўккан узоқ муддатли сукунатдан кейин судга келганлар ва суд ҳайъати аъзолари орасида озгина жонланиш бўлади.

— Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли! Ўрнингиздан туринг! — иккинчи бор мурожаат этади қозикалон. Собиқ мингбоши бу гал ҳам бирор эътирозсиз ўрнидан туради ва меҳрибонлик билан атрофдагиларга термилади. — Айбланувчи Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли, иккинчи саволга ҳам жавоб беринг, — дея гапини давом эттиради суд. — Нима учун қўшхотин қилгансиз?

Собиқ мингбоши мийиғида кулади ва ҳайратга тушиб яна бир бор ўтирганларга қараб олиб гап бошлайди:

— Суд ҳайъати, жаноб қозикалон. Биринчидан биз мусулмонлармиз. Муқаддас Қуръони Каримда Ҳазрат

Пайгамбаримиз томонидан шариат йўли билан тўрт хотинликка йўл берилган. Агар ким хотинларини боқа олса, оч қолдирмаса, яланғоч қолдирмаса, марҳамат, тўртта уйлансин. Кўпхотинлиликнинг заминида эса бошқа бир масала ётади. Одатда эркаклар аёлларга нисбатан камроқ туғилади. Масалан, бир қишлоқда бир йилда юз ўғил бола туғилса, юз эллик қиз бола туғилади. Оллоҳ атайин шундай қилган. Агар эркаклар кўп туғилсаю, аёллар кам туғилса, эркакларга уйланишга аёллар етмаса, қанақа жанжал келтириб чиқариши мумкин. Аёллар кўп туғилади, демак, талаш йўқ, жанжал йўқ. Бир хотин олганлардан ортган аёлларни кимдир олиши, яъни уйланиши керак-ку. Нима, турмушга чиқолмаган аёллар эрсиз ўтиб кетиши керакми? Ўзига тўқ кишилар икки ё уч аёлга уйланса, ошиқча туғилган қизлар ҳам эрли, бола-чақали бўлади. Бу масала арабларда Қуръони Карим нозил бўлган кезларда амалга оширилган. Алоҳида одамлар қишлоқма-қишлоқ юриб, эркаклар билан аёллар сонини ҳисоблаб чиқишган. Аёллар ортиқлигини билганларидан кейингина кўпхотинлиликка рухсат берилган. Бу бизнинг, ё менинг ихтиром эмас, ота-боболаримиздан келаётган удум. Аёлларимизни эрли, бола-чақали қилиш учун мурасага киритилган олижаноблик. Ўзимиз отадан жуда камчилик эдик. Қўриқ ерларни ўзлаштиришда, ариқ қазишда, сув олиб келишда, тегирмон қуришда кўп куч керак бўлди. Шу сабабли болаларнинг сонини кўпайтиришни ният қилдим. Фарзандлар кўпайса, халққа ёрдами тегади, иккинчидан, ватанимизга, юртимизга, халқимиз устига бирор душман уруш бошласа ватанини, халқини ҳимоя қилади. Бунинг учун хотинни кўпайтириш керак бўлди. Ўз болаларимдан ташқари турли қишлоқларда ота-онасиз, эътиборсиз қолган етимчаларни уйимга фарзанд қилиб уйимга олиб келдим. Ўз болаларимдай олижаноблик кўрсатдим. Фарзандларимдан олдин тўй-томошалар билан уйлантирдим. Ҳамма орзу ҳавасларини аъло даражада бажариб бердим. Мен етимчаларни болам дейман, улар эса мени ота дейишади. Жарбоши қишлоғида яшайдиган борлос уруғидан Ғойибназар. Иккинчиси Кўчқор, эшонлик Эшназар. Учинчи ўғлим Аламли борлосдан Сарибой. Мен етимчаларимни ҳеч нарсадан камситмаганман. Ўз болаларимга нима олиб келсам, уларга ҳам шуни олиб келганман. Мана шу яхшилигим, саховатим эвазига Оллоҳ менга давлат берди. Қолаверса, мен орттирган давлатда мана шу етимчаларнинг ҳам катта насибаси ва улуши бор. Аввало бу давлатни Оллоҳ мана шу етимчаларга берган, мен орқали берган холос. Марҳамат, ўша ўғилларимдан сўрасинлар!

Шу ерга етганда суд ҳайъати ва ўтирганлар жонланишади.

Хонада ўтирган уч йигитга, яъни собиқ мингбоши боқиб, тарбиялаб вояга етказган ўғилларига қозикалон сўз беради:

— Қозикалон ака, — дея Ғойибназар сўз олади. — Бу зотни Оллоҳ чиндан ҳам камбағалпарвар қилиб яратган. Мен ҳам, Сари бой ҳам, Эшназар ҳам ғирт етим эдик. Ота-оналаримиз ўлиб кетган эди. Қариндош-уруғларимиз камбағал бўлгани сабабли бизни бағриларига олишдан бош тортишди. Шундан кейин бу киши бизни ўз хонадонига олиб келди. Ювинтирди, кийинтирди ва қорнимизни тўйдирди. У киши бизни фарзандларим дейди, биз эса отамиз деймиз. Ота-оналаримиз ўлиб кетгани учун, яхши билмаганимиз учун бу зотни ҳақиқий ота деб қабул қилдим. Бирор вақт бизни камситмади. Ҳатто кўнгли ўксимасин деб ўз фарзандларидан ҳам ортиқроқ эъозлади... отамизга ким бирор ёмонлик қилса, биз бундай одамни омон қўймаймиз... Мана ўтирган халқдан сўранглар. Агар мен ёлғон гапирсам, мени ҳам суд қилинглар!

— Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли! Ўрнингиздан туринг! Ниҳоят, суд ҳайъатининг охири саволига жавоб беринг! — дея қозикалон собиқ мингбошига юзланади. — Масжид қурдириб, фойда олганингиз ростми?

— Масжид, мадраса, кўприк қудирганим рост, — дея бу гал ҳам шошилмай фикрини тушунтира бошлади Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли. — Худо берган давлатни бир ўзим, болачакам билан емайман-ку! Худо давлат берадики, масжид, мадраса, кўприк қурсин, етим-есирларни, майиб-мажруҳларни боқсин, уйлантирсин деб. Агар кимки, масжиддан ё бошқа ерлардан келадиган даромадга болачақа боқса, бирор шахсий ишига яратса, у одамнинг ҳеч қачон бири икки бўлмайди. Буюрмайди, юқмайди. Мен нимаики қилган бўлсам, бирор эзгу ишга қўл урсам, биринчи галда, халқнинг саводи чиқсин, илми бўлсин деб қўл урганман. Ўз фарзандларим учун масжид, мадраса қурмаганман. Болаларим юрсин, деб кўприк ҳам қурмаганман, ариқ қазиш бир менга керакмас. Тегирмон ҳам бир менга керакмас. Кўпчилик учун керак. Кўпчиликнинг кунига ярамаса буюрмайди. Бу дунёда буюрганини еймиз, ичамиз. Савобни ҳам бу дунёда орттираемиз. У дунёимиз учун ҳам савобли иш қилишимиз керак-ку! Етим-есирни боқмасак, қорнини тўйдирмасак, уйлантирмасак, масжид қуриб бермасак, у дунёда қандай жавоб берамиз?! Боғларимиздан халқнинг болалари сўрамай, эҳтиёжига яраша мевалардан кўтариб олиб кетаверади. Очарчилик йиллари халқнинг кунига яраганмиз, қанчадан-қанча одамларни ўлимдан олиб қолганим фақат Оллоҳагина маълум. Қанчадан-қанча одамларни уруглик билан

таъминлаб ҳаққини олмаганим ҳам худога аён. Шу пайтгача қўлимда ишлаётганлар бирор марта шикоят қилмаган. Бегона қишлоқлардан ҳам ёрдам сўраб келганларни уйлантирдим, жойлантирдим. Агар сизлар бугунги сиёсат нуқтаи назаридан ўзимда йўқ айблар билан айблаб, суд қилишингиз керак экан, қилаверинглар. Мен қарши эмасман, агар мен камбағалга, етим-есирларга, майиб-мажруҳларга ёрдам бермаганимда, ҳозир Туркистонда мендан кўра катта бой бўлмас эди. Марҳамат, менинг сўзим тугади... жойимга ўтирсам майлими?

Қозикалон ўтиринг ишорасини билдирди. Собиқ мингбошининг нотиклиги, донолиги ҳаммани бирдай асир этган эди. Гарчи мажбурият юзасидан суд қилаётган бўлсалар-да, барибир ич-ичларидан собиқ мингбошига ҳурматлари ортиб кетган эли. Ҳатто қаттиқроқ гапиришга журъат ҳам этмай қолганди. Худди шундай суд хонасида ўтирган, судга шикоят аризалари билан келганлар, судланувчини қоралагани келганларнинг кўзлари ёшланиб кетган, ич-ичларидан келганларига афсусланар эдилар. Ҳатто ўз-ўзларидан нафратлана бошлаган эди. Суд бир соатга тўхтатилиб, суд ҳайъати маслаҳатлашиш учун бошқа хонага чиқиб кетади. Хонада қолганлар эса бир-бирлари билан пинҳона шивирлашар, кимдир Пиримқул Аширмуҳаммад ўғлини оқласа, кимдир, яъни шўрога ёлланганлар ёмонлар эди. Аксари кишилар собиқ мингбоши томонга ўтиб, суддан қамалмай чиқишини, қишлоғига қайтишини, одамларга яна яхшилик қилишини тилар эдилар. Баъзилар эса очиқчасига: «Тўхматчининг тезроқ жонини ол Худойим! Мингбошининг яхшилик қилмаган одами қолмади, ҳамма дуо қилади. Нимага яхши одамни суд қилдирасан, Худойим!», деб йиғлар, суд аъзоларига нафрат билан қарар эдилар.

Ниҳоят суд ҳайъати маслаҳатлашиб бошқа хонадан чиқиб, одамлар ўтирган хонага киришди. Бир неча дақиқали сукунатдан кейин суд аъзолари одамларнинг юз-кўзларидаги норозилик, судланувчини оқлаётгани белгисини кўриб мулзам ҳам бўлишди. Ўзларини айбдор ҳисоблаб, лекин тепадан топшириқ бўлгани, бутун бойларга келган бало эканини, бойларнинг ҳаммасини ватанларидан бошқа ерларга бадарға қилиниши шартлигини ифодалаган ҳолда ўтирганларга бечорачилик билан боқиб, охири қозикалон сўзлашга киришди:

— Бу ерда Пиримқул Аширмуҳаммад ўғлининг судида қатнашаётгандар, бу одам ҳақидаги ҳақиқатни билишга қизиққанлар, ўз кўзларингиз билан орада кечган воқеани кўриб, сўзларни қулоқларингиз билан эшитдингиз. Биз судланувчига берган учала саволга ҳам аниқ жавоб олдик. Жавоб бизни

қониқтирди, ўйлаймизки, сизларни ҳам қониқтирган. Бу ердаги гувоҳлардан ҳам барча саволларга тўла жавоб олдик. Мен қозикалон, янги мингбоши ва миршаб гувоҳлигида қарор қиламиз: Қирқ йил Шаҳристон, Зоминга ва Ўнга яқин қишлоқларга мингбошилиқ қилган Пиримқул Аширмуҳаммад ўғлининг барча мол-мулклари, уй-жойи давлат ҳисобига мусодара қилинсин. Ўзига ҳеч нарса ажратилмасин. У икки йиллик сургунга, яъни муҳожирлик учун Душанба, шаҳрига жўнатилади. Пиримқул Аширмуҳаммад ўғлига икки йил Душанба шаҳрида қурилишда ишлаши учун, оиласи, фарзандлари билан ишлаш учун икки арава, тўрт от, икки сигир ажратилади. Бугундан эътиборан Душанба шаҳрига оғир ишни бажариш учун жўнатилади.

Орага яна сукунат чўмади. Ҳеч кимдан садо чиқмайди. Фақат Пиримқул Аширмуҳаммад ўғлининг қариндошлари, уни билган, таниганларнинг ҳиқир-ҳиқир йиғи овозигина эшитилади. Пиримқул Аширмуҳаммад ўғлининг ўзи эса мутлақо хотиржамлик билан мийиғида жилмайиб, гўё: «Оллоҳ бизнинг насибамизни тўлиқ қилиб яратган, борган еримизни ҳам гуллатамиз, бойиб кетамиз...» дегандай ўтирганларга маъноли боқади ва Душанбага жўнаш учун тайёрланишга бел боғлайди. Бу Оллоҳнинг Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли учун галдаги синови эди. Бу синовдан ҳам у зот аъло даражада ўтишига ҳамма ишонар эди.

* * *

Икки йилдан кейин Пиримқул мингбоши қамоқдан қутилиб чиқиб, Тожикистон Республикасига, Душанба шаҳрига сургун қилинади. Бу ерда ҳам Оллоҳ у зотни ўзи ўйлаганидан ҳам кўра ортиқроқ эркалатади. Оллоҳ эъзозлаган бандаи мўминини бандаси ҳам ҳеч қачон хор қилмас экан. Пиримқул мингбоши тез орада Душанба шаҳрини ободонлаштириш ишида катта хизматлар қилди. Отарава, эшак арава билан қаттиқ ишлади. Ширкатлар ташкил қилишда қатнашди. Қўлидан келганча ҳунармандчиликка, деҳқончиликка кўмаклашди. Бу борада ҳам Оллоҳ у зотни яна бир бор эркалатди. Ўша кезги Тожикистон Республикаси Олий Совети раиси Қудратилла Мақсумов Пиримқул Аширмуҳаммад ўғлининг кимлигини, халққа қилган яхшиликларини билгани учун қўлидан келган ҳамма яхшиликни қилди. Заррача озор бермади. Мингбошининг оиласи, фарзандлари авалгидай тўкинчиликда яшади... Бунинг сабаблари кўп эди. Мингбоши қайнота, қайнона ва қариндошларини ҳам эъзозлаган, эъзозлар билан кўмган, яъни эъзоз кўрсатган эди. Шунинг учун ҳам Оллоҳ уни эркалаётган эди.

Икки йил ичида Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли Душанбада

ҳам беҳад бойиб кетди. Қоп-қоп пуллар олиб борадиган бўлди. Бир неча қоп пулларни Қудратилла Мақсумов орқали яна давлатга топширди. Яна эъзозга мушарраф бўлади. Ўша даврнинг ақлли кишиларидан бўлмиш Қудратилла Мақсумовнинг таги тозалиги, яъни эшонлардан бўлганлиги сабабли мингбоши ортиқча озор чекмади. Қудратилла Мақсумов бир куни Пиримқул мингбошини ҳузурига чорлаб, энди Мирзачўл томонларга бориш, ўша ерларда ҳам омадини синаб кўришни маслаҳат берди. Ва бу мингбоши томонидан яхши қарши олинди. Бироқ мингбоши кексайиб қолганди. Кутилмаганда 73 ёшида Холдорқипчоқда бандаликни бажо келтирди. Уни севган, ардоқлаган кишилар, ақлли зиёлилар ёрдами билан у зотнинг жасади ўз юртида, Холдорқипчоқ қишлоғида қолди. Катта шарафлар билан, ҳурмат-эъзоз билан, эътиқод билан Туятош мазорига, мазорнинг энг сўлим ерига, ўртадаги ҳовуз ичига дафн қилинди. У зотнинг дафн маросимида Ўратепа, Шаҳристон, Зомин, Баланчақир, Самарқанд ва юзлаб қишлоқлардан одамлар қатнашди. Ҳафталаб белларини боғлаб туришди. Ойлаб кўзларидан ёшлари аримади...

Бу ўзи емай, ўзи ичмай фақат халққа илинган, ватани равнақи, миллатининг ёруғ кунлари учун курашган, халқни даҳшатли қирғиндан асраб қолган, Торобий, Мангуберди, Муқанна, Алимқул, Қурбонжон додҳо каби миллий қаҳрамонларга тенглашган улуг сиймо Пиримқул Аширмуҳаммад ўгли эди... Бугун биз ҳам у зотнинг қаршисида бош эгиб, ҳурматини бажо келтирамиз ва халққа қилган яхшиликлари учун «Илоё Оллоҳ ёрлақанган бўлсин!» деймиз... Бу дунёсини берди, илоё, у дунёсини ҳам берган бўлсин!

У зотнинг фарзандлари, набиралари, чеваралари, эваралари қандай шарафга эришаётган бўлса, қандай мартабаларга кўтарилаётган бўлса, бу табиийки, ўша улуг зотнинг ҳосияти туфайли у зотнинг бувилари Эшон онамизнинг ҳосиятлари...

Бугун у зотнинг номлари Ўратепа, Зомин, Шаҳристон, Баланчақирда, хуллас, оёғи етган, меҳнати сингган ерларда абадийлаштирилишини ўйлаб кўриш керак. Шаҳристонда эса ҳайкали ўрнатилиши керак.

У зотнинг фарзандлари, набиралари орасидан раҳбарлар, раислар чиқди. Пиримқул бобонинг Бердиқул исмли укасининг Аҳмадқул исмли набираси «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор» унвонига мушарраф бўлди.

РАҲМАТИЛЛА БОБОНИНГ ҲИКОЯСИ

— Мана, ёшим саксондан ошиб, кўп ишларнинг моҳиятига,

мантиқига тушуниб етдим. Оллоҳ томонидан пешонангга битилганидан ташқари бир қадам ҳам қўёлмас экансан. Қишлоқда ёнғоқ ўйнаб, қўча чангитиб юрган бўз болаларнинг кутилмаганда қисматига оғир кунлар ёзилди. Бу бўз йигитларнинг ҳаёти дафтарига ёзилган илк саҳифалар эди. Иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолди. Кўплар қатори мени ҳам ҳарбийга ёзишди. У пайтлар Тожикистон Республикасининг Ленинобод вилоятига қарашли Шаҳристон туманида ота-оналарим билан истиқомат қилар эдим. Бир неча ойлик йўл азобидан кейин ниҳоят ҳарбий қисмларга ҳам етиб келдик. Йўлларда беҳад толиққанмиз, ҳатто битлаб ҳам кетган эдик. Қорнимиз деярли нонга тўймас эди. Ҳарбий қисм билан гоҳ бир республика, гоҳ бошқа республикага ўтиб юрардик. Мен генерал Власовнинг армиясига хизматга тушиб қолган эдим. У пайтда урушда қатнашаётганларнинг ягона орзуси асирликка тушиб қолмаслик бўларди. Асирликка тушганлар биринчидан, абадул-абад ватанларидан жудо бўларди. Агар ортига қайтарилса, отиб ташланарди ёки Сибирга сургун қилинарди. Умри бўйи қамоқ жазосига ҳукм этиларди.

Толесизликни қарангки, баъзилар қатори мен ҳам сотқин Власовнинг армиясига тушиб қолибман. Буни олдиндан ким ўйлабди, ким билибди. Шундай қилиб, Власов бутун армияси билан душман томонга ўтиб кетди. Бахтга қарши ўзимиз билмай, ўзимиз сезмай, ўзимиз хохламай, яъни емаган сомсага пул тўлаб, асирга айландик. Асирга айланганларни душман биринчи галда орқа томонларига тамға босади. Мана шу тамғалари билан уларни асирга тушганликларини ҳамма билади. Кўплар қатори мен ҳам сотилганлар билан Германияда эрта-кеч, тонгу тун йиғлаб, кўз ёши тўкиб Власовнинг хоинлиги билан асир тушганимни ҳазм қилолмай, қишлоққа қайтсам, ота-онам, ака-укаларим, опасингилларим, ҳамқишлоқларим юзига қандай қарайман? Умрим бўйи сургунда, қамоқда юрсам. Уйланолмасам, бола-чақа қилолмасам нима бўларди, деган ўй билан кун кечирардим.

Юқорида эслатганимдай, инсон пешонасига ёзилганини кўрар экан. Власовнинг армияси қайтадан шўро армияси томондан қуршовга олиниб, асирлар сифатида ортига қайтарилди. Улар ичида мен ҳам бор эдим. Тақдиримиз қамоқда кечаётганди. Одам шу қадар кўп эдики, ҳар куни бир неча киши очдан ўларди. Чунки биз асирларга яхши қарашмас эди. Очликдан силлам қуриб ҳар куни туш пайтини пойлайман. Туш пайтида ошхонадан олиб чиқиб ташланган чиқиндини, яъни картошка, тарвуз, пиёз, сабзи пўчоғини олиб паққос туширардим. Бу ишни яширинча қилардим. Буни капитан Иванов Пётр кузатиб юрган экан, бир куни ушлаб олиб, ёқамдан судраб хонасига олиб келди.

— Аблах, ахлатхонада нима қилиб юрибсан?! Нимага менинг идорам томонга доим кўз тикасан? Мабодо душманнинг айғоқчиси эмасмисан? Уч кундан бери кузатаман. Ҳар куни туш пайтида келасан, бир нарсаларни терган бўлиб менинг идорамга назар ташлайсан. Ҳамма гапни яширмай гапир! — дея ўшқирди. Кўлида тўппончаси... қалт-қалт титрайман. Нима қилиш, нима дейишни билмайман, чунки қўрқиб қолганман, боз устига асир тушганман, асирларнинг эса қамоқхоналарда мутлақо ҳуқуқи бўлмайди.

— Ўртоқ капитан, кечирсинлар! Қорним оч, ахлатхонага ташланган пўчоқларни териб ейишга келаман... Мен бир марта ўз хоҳишимсиз асир бўлдим. Ўз хоҳишимсиз сотқинга айландим. Умрим бўйи юзим қора бўлди. Энди бундай ишдан Худо асрасин! Ўртоқ капитан, ўзингиз биласиз, биз эмас, генерал Власов сотилди. Бизнинг бу масалада заррача ҳам гуноҳимиз йўқ. Буни сизлар ҳам тушунишингиз керак. Яна орқамизга қайтаришди. Ватанга қайтдик. Энди ўлсам ҳам армоним йўқ.

Капитан Иванов Пётр менга узоқ қараб қолди. Киприклари ораси ялтиради. Чамаси ватанимга қайтдим, энди ўлсам ҳам армоним йўқ деганимдан ҳаяжонланди. Кўнгли бўшашиб:

— Сен кўп ақлли одам кўринасан, гапларинг тўғри, одам ҳеч қачон ўз хоҳиши билан асир тушмайди, — дея гапини давом эттирди. — Агар кимки ўз хоҳиши билан хоинлик йўлини тутса, бундай одамни кечирмаслик керак. Сен қайси республикадансан? Шеванг тожикларнинг шеvasига ўхшаб кетади.

— Тожикистонданман, — деб юбордим қувониб. Озгина юзимга қон югурди. Тожикистон Республикасининг Ленинобод вилоятига қарашли Шаҳристон туманиданман.

— Эй, шошма, шошма! — дея Иванов Пётр гапимни кескин бўлди ва ёнимга яқинлашиб кафтини елкамга босиб кўзимга, юзимга жиддий тикилди. — Шаҳристонданман, дедингми? Шаҳристоннинг ёнида Зомин, Ўратепа туманлари ҳам бор. Кўп қишлоқларини ҳам билардим, озгина эсимдан чиқибди. Сен Пиримқул мингбошини танирмидинг?

— Танирдим, таниганда қандай! Пиримқул мингбошидақа одам дунёда йўқ. Раҳматли одамларга шундай яхшиликлар қилдики, ўлганига ўн йил бўлган бўлса-да, ҳалигача одамлар офизларидан номини туширмайди. Уни мақтагани мақтаган.

— Бола-чақаларини ҳам, хотинларини ҳам, ака-укаларини ҳам танийсанми? — дея капитан мени синай бошлади. — Танисанг, ёлғон гапирмаётган бўлсанг, бирор одамни эслат.

— Пиримқул мингбоши аввало, менинг поччам бўлади, — дедим бу гал қўрқмай ва чеҳрам ёришиб капитанга тикилдим.

— Пиримқул мингбошининг қайси хотинини танийсан? Қайси

бири сенга опа бўлади? — капитан яна синчковлик билан мени кузатди.

— Муҳаррам исмли хотини менинг аммам бўларди... алдаётган бўлсам тепамда Худо бор, — дедим бу гал ҳам ҳийла тетиклашиб ва капитанга юзландим.

— Бўлди, бўлди, ёлгон гапирмаётганингга энди ишондим, — дея бу гал Иванов, Пётр чиндан ҳам очилиб-сочилиб қўлимни сиқди, — Алдамаётганинг рост. Мен ҳам Шаҳристонда узоқ вақт яшадим. Отам, акаларим билан извошларни, араваларни тузатардик, бирор ерлари узилиб кетса пайванд қилардик. Темир-терсак ишларини фақат бизлар бажарардик. Пиримқул мингбоши билан отам дўст эди. Мингбоши бизларга ҳам кўп яхшиликлар қилган. Қилган ишимиздан уч-тўрт баробар ортиқ ҳақ берарди. Доим хонадонимиздан, ош-овқатимиздан хабар олиб турарди. Шундай улуг одам ўлдими?

— Ўлди... — дея йиғлаб юбориб, аранг ёшларимни артдим. — Чиндан ҳам яхши одам эди. Ўлганида ҳамма йиғлади... азасига узоқ вилоятлардан, тоғлардан ҳам одамлар келишди. Бирор одамнинг азасига бунчалик кўп одам келганини чоллар кўрмаганини гапиришади. Бизларга ҳам кўп ёрдами теккан эди, нимага яхши одамлар ўлади-я...

— Тожикистонлик дўстим, ҳаёт шуниси билан гўзал-да, — дея капитан секин шивирлади. Яхши ҳам, ёмон ҳам ўлади... Ўлмасликнинг иложи йўқ. Бир марта яшайдиган, бир марта ўладиган дунёда Пиримқул мингбошининг билгани билган экан. У зот ҳаммага яхшилик қилда ва ўзидан яхши ном қолдирди. Мен ҳам ўша зотнинг тузи ҳурмати учун сенга бир яхшилик қиламан. Сени қамоқхонадан чиқариб қайтадан урушга юбораман. Бир эсингдан чиқмайдиган иш бўлсин! Мен Пиримқул мингбошининг ўғиллари билан ўйнаб ҳам юрганман. Кейинчалик отам мени Петроградга ўқишга жўнатди. Ҳарбий олийгоҳга ўқишга кирдим. Мана, капитан ҳам бўлдим. Ўзинг айтганингдай одамнинг пешонасига ёзилгани бўлар экан. Ёшлигимда ҳарбий хизматчи бўлишга ишқибоз эдим. Бўлдим. Урушлар босилса, тинчлик бўлса, ишлашга ўша томонларга бораман. Ишлашга бормасам ҳам таътилимда дам олишга Шаҳристонга бораман. Ўша ерда кўришамиз, Пиримқул бобонинг ўғиллари билан ҳам учрашаман.

Чиндан ҳам Иванов Пётр сўзида турди. Ўзи катталар билан гаплашиб, мени танишини, мендан ҳеч қачон хоин чиқмаслигини тушунтирибди. Тожикистонда яшагани, аммамнинг қўлидан туз ичганини ҳам айтибди. Худо ёрлақаб чиндан ҳам Пётрнинг ёрдами билан асирликдан қутулиб урушга кетдим. Бевақт хазон бўлишдан, яъни қамоқхонада чириб кетишдан, узоқ Сибирга сургун

бўлишдан мени Пиримқул мингбошининг ўзи эмас, энди арвоҳи асраб қолди. Арвоҳи чирқираб мени Пётрнинг қўлига туширди. Пётр Пиримқул мингбошининг тузи ҳурмати мени оқлади. Қамокдан чиқарди. Урушга иккинчи бор қатнашдим, насибам узилмаган экан, эсон-омон ватанимга қайтиб келдим. Мана, саксон ёшдан ҳам ошдим. Пиримқул бобонинг фарзандлари билан қайтадан дўстлашиб ҳамтуз бўлдим. Улуғ одамларнинг ўзлари ҳам, арвоҳлари ҳам одамни қўллар экан. Ўлимлардан асраб қолар экан. Шу кунларга етказганига шукур. Илоё, Пиримқул бобонинг Худо ёрлақанган бўлсин. Арвоҳлари доим бизни қўллаб турсин.

Раҳматилла бобо 86 ёшда вафот этди.

ПОЛВОНҚУЛ ШОДМОНҚУЛ ЎҒЛИНИНГ ҲИКОЯСИ

— Мен 1978 йили ҳарбий хизматга чақирилдим. Мени Ўзбекистондан Қозоғистонга жўнатишди. Шу тариқа Қозоғистоннинг Семипалатен шаҳрига тушдим. Бўлинмамиз ҳарбий-автомобил қисми деб юритиларди. Маълумки, Қозоғистоннинг кўп ерлари чўллик. Совуқ. Деҳқончилик камроқ, чорвачилик эса кўпроқ ривожланган. Ҳарбий бўлинмамиздаги зобитлар ва аскарларга баъзан 50, баъзан эса 100 чақирим узоқ ерларга бориб, қисмимиз учун мол ва бошқа нарсаларни олиб келишга тўғри келарди. Чўлларнинг ҳам ўзгача гашти бўлади. Баҳор кезлари ҳаммаёқни кўм-кўк майсалар қоплайди, турли бойчечаклар очилади. Ёввойи жайронлар, охулар, кийикларни узоқ-узоқлардан кўриб одамнинг баҳри-дили очилиб кетарди. Айниқса, отлар ва қўйлар, сигирларнинг сонсиз-саноқсиз тўдаларини, чўпонларнинг ўтовларини кўриб ҳар қандай одамнинг ҳам қалби ҳаяжонларга тўлиб-тошиб кетади. Баъзан тақдир тақозоси билан чўлларга чиқиб чўпонларнинг ўтовларига бориб, майсалар устида ёнбошлаб қимиз ичиб, гўштга тўйиб ва озгина шабадада ухлаб маза қилардик. «Эй, қозоқлар бекорга чўлларда мол боқиб, тоза ҳавода юришмайди», деб ҳам қўямиз. Чўлни яхши кўрганлигимдан зобитларга бирор ёқларга хизмат юзасидан боришга тўғри келса, мени олиб кетинг, деб илтимос қилардим. Чиндан ҳам менинг хоҳишимни ҳисобга олиб танишларим ташқарига юмушга олиб чиқар, мен кечгача маза қилиб, эркинликда дам олиб қайтардим.

Бир куни Тўқимбой деган катта зобит мени чақириб:

— Полвонқул! Чўлга чиқасанми? — деди.

— Чиққанда қандай, жоним билан чиқаман, кечгача ўйнаб, дам олиб келаман, — дея қичқириб юбордим. Оёғимни қўлимга олиб ҳаллослаб олдига қараб югурдим.

— Тайёрланиб чиқ, даштга кетамиз. Кечроқ қайтсак керак, югур, — дейиши билан ётоқхонага кириб, кийиниб, шай бўлиб

катта зобитнинг ёнига бордим. Газ-69 машинасига ўтириб йўлга тушдик. Бу гал биз кун ботиш томонга қараб йўл солдик. Мен улардан қаерга кетаётганимизни сўрамадим. Машина ғарб уфқи томон ўқдай учиб борарди.

Ниҳоят, шаҳар ортда қолди. Бийдай дала, яъни чўллар бошланди. Назаримда, май ойининг охирлари эди. Қозоғистон чўлларида баҳор деярли давом этарди. Машинанинг ойнасини очиб қўйиб ташқарига, узоқларга суқланиб боқаман. Нима учундир кўнглим гўё Ўзбекистонга қузатаётгандай ё бирор таниш одамим билан учрашадигандай безовталанар, айна пайтда, ўз-ўзимдан қувонар эдим. Тўялар, бўталоқлар, отлар, тойчоқлар, ҳисобсиз қўйлар, таёқларига суяниб бизни қутаётган чўпонлар, ёқимли шабада, майсалар... гўё дақиқа сари ёшариб бораётгандай сезардим ўзимни. Табиатнинг сурурларига тўла ўша гўзаллигини ҳали-ҳамон унута олмайман. Чамаси юз чақиримча йўлни қандай босиб ўтганимизни ҳам билмай қолдим. Йўл-йўлакай чўпонлар тўхтатишиб, бир неча бор қимиз билан меҳмон қилишди. Хуллас, шунча масофани қандай босиб ўтганимиз деярли сезилмади. Фақат жуда тез босиб ўтганимга ачиндим. Катта зобит йўл-йўлакай қандайдир бир совхозни сўраб-суриштириб борди ва ниҳоят, бир ерда машинани тўхтатди. Ерга тушдик. Совхоз марказидан четроқ бир ерга чиқдик. Бу ерда, асосан қўйлар боқилар экан. Совхоздан бир ўтовга бордик. Бизни етмиш ёшлардан ошган бир кекса киши қаршилади. Чамаси у отарга бригадир экан. Баланд бўйли, қариса ҳам ҳали бардам-бақувват кўринадиган, икки юзи қип-қизил бригадирнинг исми Қувонч экан. Қувонч бобо нима учундир менга бир қаради-ю, сўнг нигоҳини узолмади. Ҳайратландим. «Мен бу ерларга келмаганман, бобо нима учун менга бу қадар синчковлик билан қараб қолди?» дея хаёлимдан кечирдим. Чолнинг сабри чидамади чоғи.

— Ҳой, чироғим! — дея ёнимга яқинлашди. — Сен қай элдан келдинг? Бу ернинг йигитларига ўхшамайсан-ку!

— Қувонч бобо, мен Тожикистондан келганман. Тожикистоннинг Шаҳристон деган ериданман. Ота-боболаримиз ўша ерларда туғилиб ўсган, — дея жавоб қилдим бобога, қизиқувчанлик билан термилиб. — Сиз у томонларга борганмиеиз?

— Ҳой, бўтам, борганда қандай, юз марталаб борганман, — дея тушунтира кетди Қувонч бобо гапларимни эшитишга иштиёқи кучайиб. — Сен Пиримқул мингбошини эшитганмисан. Эшитган чиқарсан. Чунки Ўратепа, Зомин, Шаҳристонда у кишини танимайдиган одам топилмайди.

— Таниганда қандай, — деб юбордим бу гал мен ҳам қалбим шодликларга тўлиб. — Қандай яхши, менинг бобомни

Қозоғистонда ҳам танийдиган одамлар бор экан. — Бу мени қувонтиради-да. — У зот бобом бўлади...

— Ҳой, чироғим, ке, қайтадан кўришайлик! — дея Қувонч бобо шодланиб мени бағрига босди. — Сен менга жигар бўлар экансан. Мен отам билан тахминан 1916 йилларда Ўзбекистонга, Тожикистонга, Шаҳристонга ҳар йили икки-уч марта борардим. Беш-олти туяга туз ортиб борардик. Ўша пайтлар отам ипак йўлини Ўзбекистон орқали ўтганини уқтирар эди. Хитой, Афғонистон, Эрон, Покистон, Ҳиндистонга қарвонлар ҳам Ўзбекистон орқали ўтишини эшитардим. Пиримқул бобо баланд бўйли, чиройли, жуда оқкўнгил одам эди. Катта-кичикни, ёт-бегонани ҳам ажратмасди. Ҳаммага бирдай муомала қиларди. Туяларимиздаги тузларимиз ҳар доим ҳам ўтавермасди. Шунда отам Пиримқул бобога илтимос қилиб, тузларимизни олиб қолишини сўрарди. Пиримқул бобо дарҳол отамнинг илтимосини қондирар ва айтган пулини санаб берар эди. Кейин биз катта шаҳарларга ўтиб қайтишга майиз, туршак, ёнғоқ, турли қоқиларни сотиб олиб изимизга қайтардик. Орадан анча вақт ўтиб яна йўлга чиқиб, Пиримқул бобо томонларга жўнардик. Отам, албатта, Пиримқул бобонинг уйига боришга ошиқарди. Сабаби, Пиримқул бобонинг қўли очиқ эди. Қозоқларга ўхшаб меҳмон келса қўйлар сўярди, меҳмондорчиликни қойил қиларди. Биз бобонинг кўп тузини ичганмиз. Зобит ўғлим, мана бу йигит менга жигар чиқиб қолди, ўтовга меҳмон бўласизлар...

Катта зобит ҳам бобонинг гапини қайтара олмади. Ўша куни вақтимиз зиқ бўлгани учун кўп ўтиролмадик. Йўлга чиқаётганимизда Қувонч бобо катта зобитга юзланиб: «Болам, мана бу йигитнинг бобосининг тузини кўп еганмиз, ҳозир гапини ўзинг эшитдинг. Эртага олиб келасан. Яхшилаб меҳмон қиламан. Йўқса, Шаҳристондаги танишларим эшитса, жуда хафа бўлишади. Пиримқул бобонинг фарзандлари билан туғишганлардай бўлиб кетганмиз...» деди. Катта зобит йигит рози бўлди ва бир ҳафтадан кейин хўжайинидан рухсат олиб, мени яна Газ-69 га ўтказиб Қувонч бобоникига олиб келди. Қувонч бобо бу гал мен билан кўришиб:

— Кўзгалма, шу ерда тура тур, — деди ва ўғилларига бақирди.

— Ҳой, аталган қўйни олиб кел!

Қўйлар ортида гимирлашаётган йигитлардан иккитаси нақ новвосдай келадиган ола қўчқорни олиб келиб, оёқларим остида бўғизлашди. Сўнг мен билан қайтадан қучоқлашиб кўришиб ўтовга олиб кирди. Фарзандларига мени кўрсатиб: «Бу йигит сенларга жигар бўлади», дея улар билан кўриштирди. Қувонч бобонинг қариндошлари, қўни-қўшнилари йиғилди. Роса катта зиёфат бўлди

Бобо қайтадан Пиримқул бобом ва у зотнинг хотинлари, фарзандлари ва мингбоши бўлганини узоқ ҳикоя қилиб берди. Қайтаётганимизда эса бобо мени бағрига босиб; «Болажоним, отанг, амакиларингга мени эслат, катта-катта дуои саломимни етказ» дея тайинлади. Қўлимизга ҳам аллақанча нарсаларни тугиб берди. Йўлга чиққанимизда хизматим тугагунча тез-тез келиб туришимни уқтирди.

Бу учрашув қалбимда абадул-абад ўчмас хотира бўлиб қолди. Қувонч бобони ҳар доим эслаб юрдим. Ҳамон ўйлаб ўйимга етолмайман. Бу қандай тақдир? Қисмат? Оллоҳнинг улуғлигига яна тасаннолар айтаман. Ҳеч ким ўйламаган, хаёлига келтирмаган бир пайтда қачонлардир ота-боболаримиз билан биродарлик қилган одамларнинг фарзандлари билан ҳам қутилмаганда учраштирди. Мен қаёқда эдим. Қувонч бобо қаёқда эди. Тақдир тақозоси билан биз — набиралар учрашиб қолдик ва Пиримқул бобо берган тузни ўртогининг ўғли Қувонч бобо қайтарди, шунга айтар эканларда «экканингни оласан» деб. Демак, қилинган яхшилик ҳеч қачон унутилмас экан. Кўмилиб ҳам кетмас экан. Барибир бир куни кимдандир қайтар экан. Худди шундай ёмонлик ҳам қайтади. Яхшилик қилиш қандай яхши-я... Одамларга қилган яхшилигинг учун савоб оласан, яна жаннатга ҳам кирасан... Яхшилик одамнинг хотирасини ҳам ўчирмас экан... Пиримқул бобомнинг вафот этганига 73 йил ўтган бўлса-да, ҳали-ҳамон одамлар хотирасидан ўчгани йўқ. Ваҳоланки, бобом билан бирга минглаб одамлар яшаган. Ҳозир улар ҳақида деярли хотиралар сақланиб қолганича йўқ. Барибир ёмонликдан ҳазар қилиб, яхшилик томонга юзни берган маъқул экан... Бу борада Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли ҳаммамизга тимсол бўлиши мумкин.

Асадулла Беркам ҳикояси

МИНГБОШИНИНГ ЧЎПОНИ

*Сувнинг лойқаси чўқар остига,
Сутнинг қаймоғи чиқар устига.*

— Ҳа, дарвоқе, шоир айтганидек, истиқлол шарофати туфайли буюк ота-боболаримизнинг муқаддас номлари бирин-кетин юзага чиқа бошлади. Аслида кўҳна Турон замини жаҳонга жуда кўп буюк сиймоларни етказиб берган муқаддас маъволардан биридир. Улар эса ўз вақтида Ҳадиси шариф илмига, алжабр ва жуғрофияга ҳамда табобат ва илми нужумга ўзларининг муносиб улушларини кўшдилар. Айтиш мумкинки, улар ҳатто жаҳон халқлари маданияти

ва маърифати тараққиётига ҳам самарали таъсир кўрсатдилар. Лекин шунга қарамай, шўро ҳукуматининг маддоҳлари, Марказий Осиё халқларига, асосан, ўзбек халқига «Октябр тўнтариши»дан аввал «фақатгина икки фоизи саводли эди», дея бўҳтон тошларини тинмай отар эдилар. Ҳолбуки, 90 ёшли Сайдали бобомнинг гапларига қараганда, ўша йилларда Тошкент вилоятининг Ховос туманига қарашли чекка, кичик Баландчақир қишлоғида юздан ортиқ муллалар, маълумотли эшонлар, элликдан ортиқ отинойилар бўлган экан. Ҳатто Бухородаги мадрасаларни 30-40 йилда ўқиб тугатиб келган мулла Тўйчи, мулла Обидқул домла, қори Исо домла, мулла Назарқуллар ўз ёнларидан мактаблар очиб, мударрис ва отинойилар ёллаб, халқимизнинг ўғил ва қизларига дарс берганлар. Кейинги аср бошларида муқаддас Турон замин халқимизга Минаввар қорини, Беҳбудийни, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон ва Абдулла Қодирийни етказиб берган бўлса, мамлакатимизнинг қадимий гўшаларидан бири чекка Баландчақир қишлоғи халқимизга омилкор деҳқонларни, ғайратли чўлқуварларни, тadbиркор ва инсофли чорвадорларни етказиб берди. Ана шундай чорвалорлардан бири раҳматли Мирзоназар Мамарайим ўғли эдилар. У киши умр бўйи чўпонлик қилдилар. «Биласизларми, мен ўзбекларнинг турк уруғидан бўламан. Авлоду ажодларим чўпонлик қилиб ўтган. Ҳатто Амир Темур замонида катта боболарим Хўжа Аҳрорнинг қўйларини боққан эканлар. Хиёнат қилишни билмаганлар. Ҳа, дарвоқе боболаримдан бири ўша вақтдаги машҳур Сари бойни қўйларини боқиб юрганларида шогирдларини чақириб: «Сувонқул, рухсат берсангиз мен бир уйга бориб келсам», дебдилар. Шогирдлари: «Марҳамат, устоз» дебди. Шундан сўнг бобом қўйларни бирма-бир санаб, шогирдга топшириб, уйларига жўнаб кетибдилар. Шундан кейин бир палов пишар вақти ўтар-ўтмас Зомин тарафдан икки номаълум шахс келибди. Ва улар бобомдан бир бош қўйни пулга беришни сўрабди. Харчанд илтимос қилсалар ҳам шогирд устози йўқлиги сабабли илтимосларини бажара олмаслигини айтибди.

Шунда чақирилмаган меҳмонлардан бири:

— Ундай бўлса гап бундоқ, биз сенга бир бош ориқроқ қўй олиб келамиз, сендан эса сайлаб бир бош қўй оламиз, яна сенга айтганингча пул берамиз», дейишибди. Нафс балоси шогирдини ақлини ўғирлабди-ю «хўп», деганини билмай қолибди. «Ахир устоз келганларидан сўнг мен уйга кетаман, уйга эса қуруқ бориб бўлмайди», деб ўйлабди шогирд. Бир-икки соат ўтар-ўтмас ҳалиги «меҳмонлар» бир бош ориқ қўйни олиб келиб бериб, чўпондан думбасида бир пуд қўйруғи бор қўйни ушлаб, чўпоннинг чўнтагини эса пулга тўлғазиб кетибдилар (Ўша вақтларда далада

юрган қўйлар ҳам бўрдоқидек семиз бўлар экан). Икки кундан сўнг бобом уйдан келибдилар.

— Қани, Сувонқул, қўйларни санокдан ўтказайлик, — дебдилар. Шунда шогирднинг юраги бирдан «шиғ» этиб кетибди-ю ноилож қўйларни санашга тушибди. Одатда тадбиркор чўпонлар қўйларни санашда аввал ўнтача қўйни ажратиб чиқариб, қолганларини чўпонлар ораларидан бирма бир ўтказиб санар эканлар. Қўйларни санаётган бобом ўша қўй ўтаётганда ҳассаларини учи билан ўша бегона қўйни бошига оҳиста бир уриб қўйибдилар. Шундан сўнг нима бўлганини билмайман, ақли-ҳушим кетиб фақат гавдам қолган эди. Устоз гўё ҳассалари билан бегона қўйни эмас, гўё мени урган эдилар, дебди шогирд. Ўша кунни кеч бўлаяпти-ю уйига жавоб теккан шогирд кетолмасмиш.

Ёш чўпон Сувонқулнинг бошида ҳар хил хаёллар ғужғон ўйнар эди. «Устоз билдимикин! Айтсамми ёки айтмасамми», ўйлар эди шогирд. Ниҳоят, эртаси кун тушликка ўтирганларида Сувонқул хаёлига бобосининг: «Ўғлим, тўғри бўлсанг хотиржам яшайсан», деган гапи келибди-ю, устозидан кечирим сўраб бўлган воқеани сўзлаб берибди ва устоз олдига бир даста пул қўйибди.

— Баракалло, — дебди устоз. — Пуллар сизга, чўнтагингизга солиб қўйинг, ахир уйга қуруқ бориб бўлмайди-ку, — дебди устоз. Мен бу воқеани айтиб берармиканмиз, деган ташвишда эдим. Биласизми, мени боболарим кўрган совлиқ қўйни, ҳатто кейинги кўзиларини ҳам танир эканлар. Боболари Сари бойнинг қўйини боққан бўлса, ҳикоямиз қаҳрамони Мирзоназар бобо ўша вақтдаги энг саҳий ва адолатли раҳбарлардан бири Пиримқул мингбошининг қўйларини боққан йилларини чўпон бобомиз мароқ билан ҳикоя қилар эдилар.

— Ҳеч эсимдан чиқмайди, ўша йиллари ун уч ёки ўн тўрт ёшимда мингбошининг чўпонига шогирдликка тушдим, — деб ҳикоя қила бошладилар Мирзоназар ота. — Ёз ойларидан бирида қўйларни Туркистон тизма тоғларининг бағрида боқиб юрар эдик. Кунлардан бирида фалокат рўй бериб, икки бош қўй тоғдан сойга қулаб тушди ва оёғи, бели синди. Устозим, машҳур чўпон Хидир бобо тезлик билан қўйларни сўйиб, терилаб, тоза қопларга солиб мингбошиникига бериб келишимни тайинладилар. Вақт пешинга яқинлашганда хўжайиннинг дарвозаларини тақиллатдим. Кимдир дарвозани оҳиста очди. Не кўз билан кўрайки, мингбошимиз сўрида мардикорлар билан чой ичиб ўтирар эдилар. Ўша заҳоти ўринларидан туриб: «Э, келинг, ўғлим келинг», деб мени хурсандчилик билан кутиб олдилар. Ниҳоят оминдан сўнг оилавий аҳволимизни, соғлиқларимизни, қўюқўзиларни, даладаги ўтлардан тортиб, итларимизгача сўраб-суриштирдилар (Ўзлари

ҳафтада бир хабар олиб турсалар ҳам). Мардикорлар гўштларни тушириб, эшакларни ўтга қўйиб келганларидан сўнг ҳаммамиз биргалашиб чой ичдик. Чойни эса ўзлари қайтариб узатар эдилар. Икки марта илтимос қилдим, бермадилар. Мингбошининг одати шунақа, доимо нонуштани ва тушликни қароллар, мардикорлар ва чўпонлар билан бирга қилишни хуш кўрар эдилар. Мен бўлган воқеани бир бошдан айтиб улгурмасимданоқ: «Эҳ, аттанг, ота нодонлик қилибдилар-да», дедилар (Хўжайин бош чўпонни «Ота» деб ҳурмат қилар эдилар). — Ўғлим, бу қўйларни гўштини олиб бориб бирини Шаҳристон бозорида сотиб, камчиликларингга яратинглар.

Иккинчисининг гўштини эса ўзаро бўлишиб олиб, оилаларингга бериб юборинглар. Борди-ю менинг юзта қўйим ўлган тақдирда ҳам бундай қилманглар. «Шунчаси ўлди, десаларинг бас, мен тан оламан», дедилар. Тўғри, барча соҳанинг ҳам яхши ва ёмон одамлари бўлади. Ҳатто амалдору бойларни ҳам. Раҳматли отамнинг гапларига қараганда Сари бой деган бой ўтган экан. Йигирма минг қўйи бор экан. Ҳар сафар чўпонлардан хабар олгани борганларида: «Бегона қўй қўшилган йўқми, сўйсанг», дер эканлар. Чўпонлар ҳам тушуниб қолган эканлар. «Ҳа, бой ота, кеча бир бош тўқли қўшилувди», деб семиз тўқлилардан бирини сўйиб берибди. Тақдирни қарангки, Сари бойга ўша қўйлардан бирортаси ҳам насиб қилмаган экан. Шўро ҳукумати барпо бўлиб, Сари бойни қулоқ қилиб, қўйларини эса давлат ҳисобига ўтказиб юборибди. Биласизми, бизнинг хўжайин Пиримқул мингбоши ундайлардан эмас, жуда оққўнғил, сахий одам эдилар. Ўша кун икун кетар чоғимда рафиқаралини чақириб қанд-қурс, нонлардан бериб юборишини буюрдилар. Мени эрталаб ортиб кетган гўштларни қайтариб келганимни кўрган устоз ўша заҳоти қўйларни менга бирма-бир санаб бердилар, ўзлари эса гўштни сотиб келиш учун бозорга кетдилар. Икки кунда гўштни сотиб, қолганини оилаларимизга бўлашиб, қайтиб келдилар. Ўша замони яна қўйларни санаб олдилар. Далаларда ўт-ўланлар сероблигидан қўйлар 2-3 соат ўтар-ўтмас тўйиб, сув ичиб ётиб қолар эди. Чўпонлар эса йиғилишиб, бр пиёла чой устида суҳбат қурар эдик.

«Мирназар, — дедилар устоз. — Бир қизиқ воқеа бўлган, сенга айтиб берай. Чунки мен кексайиб қолдим, яқинда қўйларни сенга топшириб кетаман», дедилар. «Қулогим сизда», дедим. — Бундан анча йиллар илгари Паркат чўлида қўйларни боқиб юрувдим (Янгиободда ҳам Паркат чўли бор). Бирдан нонимиз тугаб қолди. Итларнинг орасида бўри ушлаган ақлли «тўрткўз» ит бор эди. Белимдан белбоғимни ечиб, тўрткўзни белига боғлаб, «Бор, уйдан нон олиб келасан», деб ҳайдаб юбордим. Ишонасанми, 3-4 соат

ўтар-ўтмас белидаги белбоғда 4 та нон билан қайтиб келди. Кейинчалик билсам, ит мингбошининг уйига бориб остонага икки оёғини қўйиб тилини осилтириб гингшибди. Ит белидаги белбоғни кўрган хўжайин: «Кампир, бу ит нонга қелибди, бериб юбор», дебдилар. Кампирлари кулиб-кулиб 4 та нонни итнинг белига боғлаб юборган эканлар. Ўша вақтларда ҳаво тоза, сувлар тоза, одамлар оқибатли, сахий, итлар ҳатто гапга тушунар эди.

Ўғлим, сизга Пиримқул мингбошининг олижаноб хислатларидан айтаберсам асло тугамайди. Кунлардан бир кун иш юзасидан хўжайинникига бордим. Мени кўярда-қўймай сўридаги супага чиқардилар. Иккаламиз чой ичиб суҳбатлашиб ўтирганимизда бир камбағал йигит кириб келди. У йигитни ҳам менинг ёнимга ўтқаздилар. Нон-чой ичиб овқатланганимиздан сўнг ўша йигит: «Бой ота, индинга уйланыяпман, тўйга ўтсангиз ва бош бўлсангиз», деди. «Раҳмат ўғлим, албатта бораман», дедилар. Бирдан чўнтакларидаги калитлардан бирини олиб, мана буниси омборнинг калити, сенга ҳадя, нима керак бўлса, тортинмай олиб харажат қил. Тўйдан кейин айтасан ва топганинга берасан», дедилар. Камбағал йигит ҳам анойилардан эмас экан (Камбағал йигит номи ҳам Сари бой эди). «Бой ота, бу гапларни вазирга тайинланг, вазир янгамизга тайинлайди», дебди. «Янгангни чақир», деди мингбоши кулиб. Бироздан сўнг мингбошининг рафиқалари келиб таъзим бажо қилди. Шунда мингбоши: «Биласанми, бу йигит менинг ўғлим қаторида, шунинг учун омборни калитини бераяпман. Индин куни уйланыапти экан, нима етишмовчилик бўлса олишга ҳақли, ҳисобини эса ўзим қиламан», дедилар. Мингбошининг аёллари мийиғида кулиб қўйди. Камбағал йигит эса хурсанд чиқиб кетди. Ўша вақтларда тез-тез курғоқчилик, қимматчилик, ҳатто қаҳатчилик бўлиб турар эди. Қаҳатчилик рўй берган йили Пиримқул мингбоши тўртта ўраларини очадилар. Ҳар бир ўрада юз пуддан тўрт юз пуд ғалла бўларди. Халқ очликдан қирилиб кетмасин, деб ҳар бир оилага ейишга ва экишга етарли донни бериб, келаси йили ўн килосига уч кило кўшиб қайтариш шарти билан тарқатадилар. Ўшанда халқ эсон-омон пишиқчиликка чиқиб олади. Кузда эса бирин-кетин ваъда қилинган ғаллани олиб кела бошлайдилар. Шунда сахий Пиримқул мингбоши фақат тортиб берган ғаллаларини оладилар холос. Халойиқ ўтган йилги шартномани эслатганида, мингбоши кулиб: «Мен фақат биров кўп, биров кам олмасин ёки баъзилар нотўғри харажат қилиб юбормасин, деб, шундай шартнома тузган эдим», дедилар.

«Ортиқчаси ўзларингга, мен розиман», деб эгаларига қайтариб бериб юборадилар. Ҳа, у кишининг мингбошилиқ даврида табиатнинг энг гўзал гўшаларидан бири Зоминдан Ўратепагача,

Ховосдан Шаҳристонгача бўлган қишлоқларга Туркистон тизма тоғларидан келаётган сувлар адолатли тақсимланар эди. Бунинг натижасида Бадандчақир қишлоғида етти юз пуд майиз олган мулло Холиқбердининг боғи, беш юз пуд майиз олган Ҳожимурод хожининг боғи, уч юз пуд майиз олган Беркам бойваччанинги боғи, Пасткичақирда катта боғ, Наманган қишлоғида катта боғлар пайдо бўлди. Айниқса, ўша вақтларда қишлоқлар орасида равон йўллар, сойларга кўприклар қурилган. Худди ҳозиргидек Ҳўжамушкан, Чаканд қишлоқларида катта бозорлар қурилган эди. Барча қишлоқларда масжид ва мадрасалар очилган. Халқимизнинг иқтидорли фарзандлари Бухорога, Қўқонга, Ўратепага ўқишга юборилган. Бундай ишларнинг кўзини билган саҳий, одолатпарвар раҳбарларимиз жуда кўп ўтган: чакандлик Асадулло қози, варқинлик Мулло Маҳкам, чақирлик Бобо оқсоқол ва Наманган қишлоғидан Маматқул мингбоши шулар жумласидандир. Ҳа, эсимга тушди. Ўша вақтларда янгиқўрғонлик Қўлдош бойвачча Ўратепа шаҳрига катта масжид қурдиради. Ўрта ҳол деҳқон Турдимурод халфа икки халқ орасидаги катта сойга кўприк қуради. Хуллас, мен юқоридаги номлари келтирилган саҳий, доно, халқпарвар ва фозил кишилардек одамларни кўриш у ёқда турсин, эшитганим ҳам йўқ, деб сўзларини тугатдилар устоз. «От ўрнини той босар» деганларидек, у кишиларнинг авлодлари шу кунларда ҳам Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятларида хормай-толмай намунали меҳнат қилмоқдалар.

Жиззах вилояти, Баландчақир қишлоғи.

* * *

Пиримқул Аширмуҳаммад ўғлининг вафот этганига қарийб 72 йил ўтди. Бу орада у зотни кўрган, билган, суҳбатидан баҳраманд бўлганлар ҳам деярли қолмади. Биз уч киши, яъни Пиримқул мингбошининг набиралари Ашрафқул, Раимқул билан Холдорқипчоқ, Ўратепа ва яна бир неча қишлоқлар, жумладан, Шаҳристонга қилган сафаримизда кўп одамлар билан учрашдик. Юз ёшни қоралаб кўйган Муҳаммад бобо Пиримқул мингбоши қабри Холдорқипчоқ қишлоғида Туятош қабристониди, ҳовузнинг ичида эканлигини айтди. Сафаримиз ниҳояланаётганда Холдорқипчоқ қишлоғида меҳмон бўлганимизда қабристонга кириб, ҳовуз ичига тушиб, марҳум Пиримқул мингбошининг қабрини қидирдик. Ҳозирда ҳовуз ичида тўрт-беш қабр бўлиб, бирортасига кимникилиги ҳақидаги маълумот ёзиб кўйилмаган. У зотнинг Акбарқул исмли ўғиллари вафотидан анча илгари Холдорқипчоқ қишлоғига келиб, отасини қабрини билган одамлардан сўраб, топиб қуръон тиловат қилиб чиққан: «Худога

беадад шукр, отамнинг қабрини топиб, қуръон туширдим...» деган экан. Минг афсуски, у зот ҳам Холдорқипчоқдан бирор қариндошларига отасининг қабрини кўрсатиб кетмаган экан. Бу бугунги кунда ҳаммага армон бўлиб қолаётир.

Ўша пайтларда Пиримқул Аширмуҳаммад ўғлининг катта укаси Сувонқулнинг ҳам акасига ҳурмат-эҳтироми чексиз бўлган, бойишида, улуғ ҳурматга сазовор бўлишида кўп меҳнатлари сингган, терлари тўкилган. Ариқ қазиб, сув олиб келиб, янги ерларни ўзлаштиришида, тегирмон қуришида ҳам биринчи суянчиғи бўлгани ҳаммага аён. Ҳатто бир бор чақим билан Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли мингбошилиқдан олинганидан кейин ўрнига бошқа одам сайланди. Ўша ўрнига сайланган одам собиқ мингбошини оёқ учиде кўрсата бошлаганида, ўзи бориб губернатордан укаси номига «васиқа» олиб келганида ҳам Сувонқул бобо акаси Пиримқулга: «Ака, мингбошилиқ сизники, мен ўрнингизни ҳеч қачон олмайман», дегани ҳам маълум. Пиримқул Аширмуҳаммад ўғли укаларини, жумладан, Сувонқулни ҳам доим бағрига олган, камситмаган. Шу сабабли Сувонқул ҳам акасидай бой-бадавлат одамга айланган.

Пиримқул мингбошининг кичик укаси Бердиқул ҳам табиийки, акасини жон-танидан севган, бирор ишни акасидан сўрамай қилмаган. Бердиқул ҳам акасининг биринчи ҳимоячиларидан бўлган. Бутун умрида акасига ёрдамлашган, жонини асрашда ҳам ҳимоясини аямаган. Шу сабабли ака ҳам укани бағрига олиб, Сувонқул укаси каби бой-бадавлат одамга айлантирган. Уч ака-уканинг ҳам бировдан камлик ери бўлмаган. Бировлардан бирор қарзи ҳам бўлмаган. Умриларининг охиригача тўқ яшашган.

Пиримқул мингбошининг ёлғизгина Зухро исмли синглиси ҳам акалари қаторида, уларнинг бағрида доим тўкинчиликда яшаган. Акалар бойиган сари сингилларига ҳам бойликларидан улушини бериб борган. Хонадонидан, бола-чақасидан хабар олиб туришган. Аширмуҳаммаднинг уч ўғли, бир қизи ота-боболари каби доим аҳилликда яшаб, арвоҳларини рози қилган.

* * *

Ушбу ҳужжатли қиссани ёзишда ўзларининг суҳбатларини аямаган Пиримқулов Жониқул, Алимов Ашрафқул, Пиримқулов Раимқул, Тўраҳон эшон ўғли Бақоҳон эшон, Ҳажийёров Облоёр, Пиримқулов Жаъфарқул, Ҳамроқулов Ахрорқул, Хидиров Сулаймонқул акаларга ва юз ёшни қоралаган Муҳаммад бобога ҳам чуқур миннатдорчилик билдираимиз. Жумладан, Пиримқул мингбошининг набираси Аҳадқул Акбарқул ўғлига алоҳида миннатдорчилик изҳор этаимиз.

Ўктам ҲАКИМАЛИ

АСАРЛАР

Иккинчи жилд

КИЧИК ХОНАДОН

Роман

ПИРИМҚУЛ МИНГБОШИ

Ҳужжатли қисса

Нашриёт муҳаррири: Маҳкам Маҳмудов
Рассом Шуҳрат Одил
Мусаҳҳиҳа А. Сайфиддинова

маъсулияти чекланган жамиятининг нашриёти.
Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69
Тел. 241-60-33

Босишга рухсат берилди 10.10.2008.
Формат 84x108 1/32. Нашриёт-ҳисоб тобоғи 15.
Адади 200.
Буюртма 28 Баҳоси келишилган нарҳда.

